

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

Усмонхон АЛИМОВ

РАСУЛУЛЛОҲНИНГ
(алайҳиссалом)
МУБОРАК ВАСИЯТЛАРИ

Биринчи тўплам

Қайта нашр



Тошкент 2014

УЎК: 297.1
КБК:86.38
А50

Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг бир неча йиллардан буён халқимизга тақдим этилаётган “Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) муборак васиятлари” китоблар силсиласидан кўпчилик баҳраманд бўлди. Бу силсила шу вақтгача алоҳида-алоҳида чиқарилгани ва баъзи ўқувчиларда ҳамма фасллари ҳам мавжуд эмаслиги ҳисобга олиниб, бешта жузъини бир китобга жамлаб, қайта нашр этилди.

Ушбу китобни ўқиб, муборак ўғитларга амал қилиш ҳар бир муслмонга насиб этсин.

Алимов, Усмонхон.

Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) муборак васиятлари: биринчи тўплам / Усмонхон Алимов; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2014. – 404 б.

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз МАНСУР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2978-рақамли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

УЎК: 297.1
КБК 86.38

ISBN 978-9943-12-306-9

© Усмонхон Алимов
© «Movarounnahr», 2014



МУҚАДДИМА

Инсонларни ҳидоятга бошлаш, ер юзида турли хил бидъат ва хурофотларга барҳам бериш ва Ўзининг қудратини намоён этиш учун пайғамбарлар жўнатган Аллоҳ таолога Ўзининг улуғлиги ва қудрати қадар ҳамда Одамдан (алайҳиссалом) тортиб, то қиёматга қадар яшайдиган барча махлуқотлар, мавжудотлар ва набототлар ададича ҳамду санолар бўлсин.

Пайғамбарлар саййиди, башариятнинг энг улуғи Расули акрам Муҳаммадга йигирма уч йил давомида босқичма-босқич нозил қилинган, китобларнинг энг улуғи Қуръони каримнинг ҳар бир ҳарфи қадар, ҳаёти давомида мусулмонларга ҳам сўзда, ҳам амалда кўрсатиб бериб кетган муборак насихатлари баёнининг ҳарфлари ададича дуруд ва салавотлар бўлсин.

Ул зотнинг ҳадислари бизларгача етиб келишида хизмати сингган ҳар бир саҳоба, тобеин ва табаа тобеинларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлсин. Ҳадиси шарифда айтилганидек, Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) ҳадисини эшитиб, ёдлаб, сингдириб, сўнгра адо этган барча мўмин-мусулмонларни Аллоҳ таоло ғайб хазинасидан неъматлантирсин.

Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳаётлари асрлар оша башарият учун улкан мактаб ва беназир намуна вазифасини ўтаб келмоқда. Ҳар бир сўзи ҳикматларга йўғрилган, ҳар бир амали замирида яхшиликлар яширинган зотнинг насихатлари барча инсонлар учун ўта зарурдир.

У зот ҳаводан олиб гапирмаслигини тасдиқлаган Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



«(Яна у Қуръонни) хомхаёлдан олиб сўзлаётгани ҳам йўқ» (Нажм, 3). Оят давомида гапирган ҳар бир гапи ваҳий экани зикр

қилинган. Демак, мана шундай улуғ зотнинг ҳаётини қизиқиш билан ўрганиш, ҳадисларини ёд олиб, билмаганларга етказиш ҳар бир мўминнинг вазифасидир. “Ўзингиз учун яхши кўрган нарсани биродарингизга ҳам яхши кўрмагунингизча комил мўмин бўла олмайсиз”, деган ва ҳаётда фақат ўзи учун эмас, балки жамиятни ўйлаб, инсонларнинг маънавий соғлом бўлиши учун ҳаракат қилиш зарурлигини уқтириб кетган Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юриш-туришлари, одоб-ахлоқларини ўрганишни шараф деб билиш зарур.

Хурматли китобхон!

Биз ўзимизни таниганчалик Пайғамбаримизни таниймизми? Бошқа дин вакиллари тан олиб, улуғлигини тасдиқлаган зотнинг қолдириб кетган бебаҳо меросини ўз ҳаётимизга жорий қила оляп-мизми? “Мендан бир оят бўлса ҳам, етказинг...” ҳадисига амал қила олдикми?

Мана шу каби саволлар билан яшаш, “бўлса бўлар, бўлмаса, қолиб кетар” каби боқибегамликлардан йироқ яшашни ўрганайлик.

“Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак васи ятлари” китоби кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, бу китобни ёзишда “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васиятлари” номли китоб асос қилиб олинди.

Ушбу китобдан муқаддас динимизнинг беш асоси бўлмиш – имон, намоз, рўза, закот ва ҳаж каби амалларнинг ҳикматлари ва Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мавзуларга тегишли ҳадислари ўрин олган.

Улуғ зотнинг ҳар бир васияти минглаб йиллар ўтса ҳам, ҳар доим ўқилганда худди ҳозир айтилгандек, айна бугун учун айтилгандек бўлаверади.

Азиз ўқувчи, китобдан ўзингиз учун бирон наф кўрсангиз, буюк Аллоҳдан деб билишингиз ва хато, камчиликларни камина ходимингиздан деб билишингизни илтимос қиламан.

Аллоҳ таоло ушбу китобни барчамиз учун фойдали қилсин, омин!



**БИРИНЧИ
КИТОБ**

ПАЙҒАМБАРЛИК ВА ДИН

Аллоҳ таолонинг Ўзига маълум ҳикмати илоҳийси Одам (алайҳиссалом) зурриётлари учун вақти-вақти билан расул-элчи юборишини тақозо этди. Башарият учун расул ёки набий юбориш Аллоҳ таолонинг бандаларига ўта меҳрибон экани намунасидир. Аслида, Аллоҳ таоло инсонларга пайғамбарлар жўнатмасдан туриб ҳам, уларни масъул қилса бўлар эди. Чунки ҳеч бир махлуқотга берилмаган ақл фақатгина инсонга ато этилган.

“Расул” сўзи луғатда “элчи”, “вакил” ёки маълум топшириқлар билан бошқа шахарга “юборилган киши” деган маъноларни англаётди.

Шаръий истилоҳда эса, Аллоҳ таолонинг қонун-қоидаларини Унинг изни ва буйруғи билан башариятга етказувчи, уларга зарурий таълимни берувчи элчи, пайғамбар демакдир.

Ҳозирги кунга келиб, араб тилидан бошқа тилларда “набий” ва “расул” сўзлари ўрнига “пайғамбар” сўзи ишлатиладиган бўлиб қолди. “Набий” ҳам, “расул” ҳам пайғамбар дейилаверади. Бу икки сўз бошқа тилларга таржима қилинганда бир-бирига маъно жиҳатидан яқинлиги учун шундай урф бўлгандир, эҳтимол. Лекин араб тилида ҳар иккала сўзнинг ҳам ўзига яраша маънолари бор.

Уламолар “набий” ва “расул” сўзи орасидаги фарқларни очиб берган:

Аллоҳ таоло кимга ваҳий юбориб, ўша ваҳийни бошқаларга етказишни буюрса, ўша одам набий ва расулдир. Аммо бошқаларга етказишни буюрмаса, у одам набийдир, расул эмас.

Расул фаришталардан ҳам, инсонлардан ҳам бўлади. Бу ҳақда Қуръони каримда:

«Албатта, у ҳурматли расулнинг гапидир» (Таквир, 19) дейилган. Оятдаги “расул” сўзидан Жаброил (алайҳиссалом) ирода этилган, дейилади тафсир китобларида.

Расул янги шариат билан келади. Набий эса, янги шариат билан келмайди. Балки ўзидан олдинги шариатга амал қилади ва ўзгаларни ҳам унга амал қилишга даъват этади.

Қуръони каримда “расул” ва “набий” сўзлари кўп оятларда зикр қилинган. Жумладан, бу икки сўз Муҳаммад Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбатан ҳам ишлатилган.

Аммо “расул” ва “набий” сўзини ишлатишда эътиборли бўлиш лозим. Сабаби, бу сўзлар нозик маъноларни ҳам ифода этади.

Қуръони каримда Муҳаммад Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбатан “набий” сўзи ўттиз ўринда келган бўлса, асосан, ўзаро инсоний алоқалар, никоҳ, мерос ва ўлжа каби масалаларда ишлатилган.

Шу маънода “расул”ни “пайғамбар” деб таржима қилиш, “набий”ни эса, таржима қилмасдан “набий” деб атайвериш ҳамда ҳар иккала маънони қўшиб баён қилишда “пайғамбар” деб ишлатиш мумкин экани “Шарҳи талхиси ақоиди Таҳовия” асарида зикр этилган.

Одам (алайҳиссалом) Ер юзига туширилганида бўлажак фарзандларига ота бўлиши билан бирга уларга Аллоҳ таолони танитадиган, Унгагина сиғинишни, Ундангина қўрқишни ўргатадиган расул – пайғамбар қилинган эди. Отамиз Одамдан (алайҳиссалом) кейин Аллоҳ таоло бандалари орасидан ўзига ёққан ва расуллик андозасига тушадиган анчагина кишиларни, улуғ зотларни пайғамбар қилиб юборди. Аллоҳнинг иродаси шу бўлди, пайғамбарлик силсиласининг илк вакили Одам (алайҳиссалом) бўлган бўлса, охири Муҳаммад (алайҳиссалом) билан тугатилди.

Илоҳий пайғамбарларнинг барчаси Аллоҳ ҳузуридан битта дин – ягона Аллоҳга ишонч ва эътиқоддан иборат бўлган Ислом динини, мусулмонликни келтирган. Мусулмонлик ҳақиқатан ҳам инсонийлик динидир. Инсонларнинг энг биринчи ўрганган дини Аллоҳнинг бирлигига ишончдан иборат эди. Уларга бу эътиқодни ўз ораларидан танлаб олинган илоҳий пайғамбарлар етказди. Энг сўнгги пайғамбар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам айна шу эътиқодни тарғиб қилдилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келишларидан олдин аввалги пайғамбарлар тарғиб этган ягона Аллоҳга ишончнинг асослари турли кимсалар тарафидан бузилган, ҳар хил сабаблар билан ўзгаришларга учраган эди. Ҳатто Аллоҳга ибодат ўрнини бут ва санамларга сиғиниш эгаллаганди.

Бутпарастликнинг асоси – табиат кучларини илоҳийлаштириб юксалтириш, расм, ҳайкалларда акс этган бу кучларга инсонларни сиғинтириш билан инсонларнинг қадр ва шарафини ерга уришдан иборат эди.

Бошқа пайғамбарларнинг ўз даврида амалга оширган вазифалари сингари Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам давртаъсирида ўзгариб қолган бу асосларни асл ҳолига қайтардилар. Табиат кучларига сиғинишни ман этибгина қолмай, айна пайтда,

бу кучлардан тўғри фойдаланишни билдириб, инсоният шарафини юксалтирдилар. Бинобарин, Аллоҳ таоло Ер ва кўкдаги нарсаларни, шу жумладан, инсонни ҳам шунчаки яратган эмас, демак, инсонга ақл ҳам бежиз берилган эмас.

Аллоҳ инсонни икки борлиқ – кўз билан кўринадиган моддий ва кўз билан кўринмайдиган маънавий борлиқ билан яратган. Кўпинча инсоннинг моддий борлиғи маънавий борлиғидан устун келади. Ўша пайт инсоннинг иродаси ҳақни таниёлмай қолади. Қалб кўзлари беркилади. Камолот даражасини топмаган ақлнинг кучи адолат ўрнатиш учун етмай қолади, кўз билан кўрилмайдиган нарсаларни тушунолмай қолади. Бу ҳол маънавий хасталиқдир. Бу хасталиқни даволайдиган бирдан-бир чора илоҳий тарбия бўлиб, унинг дастури эса пайғамбарлар воситаси билан инсониятга юборилган ваҳийдир. Ваҳий фақат пайғамбарлар воситасида юборилади. Таъбир жоиз бўлса, илоҳий ваҳий – Ер юзига пайғамбарларнинг юборилишидир.

Дин эса, ҳар бир пайғамбар ваҳий орқали Аллоҳдан олган ҳукмлар йиғиндисидир. Дин деганда, ягона Аллоҳ ва Унинг элчиси эсга келади. Ваҳийга суянилмаган, бир пайғамбар томонидан етказилмаган кўрсатмаларга “дин” деб бўлмайди.

Аллоҳнинг ҳузуридан пайғамбарлар орқали инсониятни ҳидоятга чақириш учун юборилган дин Ислом динидир.

Ислом дини инсон яратилгандан буён мавжуддир. Инсоният бор экан, у ҳам албатта туради. “Аллоҳ” фикрининг йўқолиши инсоният ҳаётига нуқта қўйилишидир.

Ислоний эътиқодга кўра, пайғамбарлик Аллоҳнинг бандаларига берган энг буюк лутфидир. Инсонлик даражасининг энг юксак чўққисидир. Ҳеч ким пайғамбарлик мақомига ўз ақли, билими ва ғайрати билан эришолмайди. Пайғамбарлик мерос ҳам қолмайди. Пайғамбарларни Аллоҳ таоло бандалари орасидан Ўзи танлайди.

Бу ҳақда Куръони каримда бундай дейилади:

﴿اللَّهُ يَصْطَفِي مِنَ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ﴾

«Аллоҳ элчиларни фаришталардан танлайди, инсонлардан ҳам. Дарҳақиқат, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир!» (Ҳаж, 75).

Азиз биродар! Бизга ўтмиш пайғамбарлар қанчалиги-ю, уларнинг шахсий ҳаётларини билиш муҳим эмас. Чунки улар ҳам

сиз ва биздек оддий инсонлар бўлган, фаришта эмас! Фақат улар фазилатда, эзгуликда умматларига намуна ва инсон учун икки дунёда ҳам ҳузур-ҳаловат, бахт-саодат бахш этувчи эътиқодга бошловчи бўлган (Уларнинг барчасига Аллоҳнинг саломи бўлсин).

Аммо бизнинг билишимиз лозим бўлган нарса шуки, уларнинг барчаси қуйида келтирадиганимиз икки нарсага даъват этган:

Биринчиси. Ақида.

“Ақида” сўзи луғатда икки нарсани бир-бирига боғлаш, тугун маъносини англатади.

Истилоҳда эса, қалб билан соф диний таълимотни бир-бирига мустаҳкам боғлаш, ишониш.

Расуллар умматларини аввало соф ақидага яъни, Аллоҳ таолонинг борлиги, бирлигини тасдиқ этиш, унга нолайиқ бўлган барча сифатлардан пок эканига ишониш, охират куни, ҳисоб-ки-тоб, жаннат-дўзах ҳақлигига имон келтиришга даъват этган.

Ҳамма пайғамбарларнинг ақидаси бир бўлиб, шариатлари ҳар хил бўлган. Ақида бир неча нарсалардан ташкил топган бўлиб, уни қалбга мустаҳкам ўрнатиб олиши ва унга қалб ҳеч қачон гумон қилмаслиги ҳамда қалб унга ҳақиқий ишониши керак. Ақидасиз кишининг ҳаёти ҳаёт эмас. Ақидасиз умр жуда оғир ва маъносиз бўлади. Ақида билан ўтган умр эса жуда яхши, лаззатли ва маъноли бўлади. Бундай дейишимизнинг бир неча сабаблари бор:

Баъзилар одамда руҳ йўқ, фақат танадан иборат дейди. Лекин одамнинг танасида албатта руҳ бор.

Танамизни еб-ичиб қувватлантирганимиз каби руҳимизни ҳам худди шундай озиклантиришимиз керак. Кишининг ақидаси қанчалик тўғри ва мустаҳкам бўлса, унинг қалби ҳам шунчалик тинч ва хотиржам бўлади. Аммо кишининг ақидаси қанчалик бузуқ ва нотўғри бўлса, унинг қалби ҳам шунчалик нотинч ва ташвишда бўлади. Аллоҳ таоло инсонга тўғри ва нотўғри йўлни кўрсатиб қўйди. Ким тўғри йўлда бўлса, азобдан қутулади. Ким нотўғри йўлда бўлса, азобда қолади.

Агар кишининг ақидаси тўғри бўлса, у ҳаётида ҳайрон қоладиган саволларга йўлиққанда, шу саволларга тўғри жавоб бера олади. Масалан: Мен кимман? Мени ким яратди? Нима учун яратди? Шу каби саволларга ақидаси соф одам тўғри жавоб бера олади. Аллоҳ таоло бундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٢١﴾﴾

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво қилишларингиз учун яратган Парвардигорингизга ибодат қилинг» (Бақара, 21).

“Нима учун яратди?” деган саволга жавоб: Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾ ﴾

«Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Зориёт, 56).

Ҳаётда ҳар бир киши ўз ақидасига эга. Лекин ақида тўғри ёки нотўғри бўлишига қараб кишини бахтли ёки бадбахт қилади. Инсонлар ҳар қанча бой бўлмасин, агар уларнинг ақидаси тўғри бўлмаса, улар бахтсиз ҳисобланади.

Аллоҳ таоло бундай дейди:

﴿ وَمَنْ أَعْرَضَ عَنْ ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَمَخْشَرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴿١٢٤﴾ ﴾

«Ким менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг – бахтсиз ҳаёт бўлур ва биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтиурмиз» (Тоҳо, 124).

Инсон қанчалик кўп яшамасин, агар унда тўғри ақида бўлмаса, у ўзининг ҳеч кимга керак бўлмай қолганини сезади. Масалан, кимдир ҳаётини уй-жой солиш, бошқа бири обрў-эътибор топиш, яна бошқаси молу дунё йиғиш билан ўтказиб юборади. Тўғри, улар ўз мақсадларига етади, лекин охирига келганда ҳаммасидан қуруқ қолиб, ўзи учун зарур бўлган нарса бу нарсалар эмаслигини сезади. Уларнинг юраги нотинч бўлиб сиқила бошлайди, бойиган сари уларнинг ҳаловатсизлиги кучайиб боради. “Мен ўлсам, мол-дунём кимга қолади?” каби ўй ва саволлар кўпаяди.

Ақидаси тўғри бўлган одам, бу ҳаётда хотиржам яшайди. У бу дунёдан ўтгандан кейин охират бор, деб аниқ ишонади. Шунинг учун у бу дунёнинг неъматларига кўнгил қўймасдан яшайди ва ҳаётда қанчалик қийинчиликларга дучор бўлмасин, ҳаммасига сабр қилади. Бу дегани илм ўрганма, профессор бўлма, дегани эмас, аксинча, илм ўрган, олим бўл, фақат Аллоҳ учун ўрган, деган ақиданинг тасдиғидир.

Саодат асрининг буюк вакиллари бўлмиш саҳобалар ҳам ўз ақидаларида мустаҳкам бўлиб, уларни дунёнинг ҳеч бир нарсаси чалғита олмаган. Жумладан, ҳазрати Алининг (каррамаллоху

важҳаху) Аллоҳ таолога бўлган имони шунчалик кучли эди, ҳеч бир нарса унинг имонига ҳалал бера олмас эди. Ўз имони хусусида бундай деган: “Агар парда кўтарилиб, Аллоҳнинг жамолини кўрсам ҳам, имоним заррача кўпаймайди”.

Рибъий ибн Омир деган саҳоба оддий бир киши эди. У киши оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таълим олган. У киши форс подшоҳига йўлиққан вақтида, подшоҳнинг “Нега келдинг?” деган саволига шижоат билан шундай деб жавоб берган экан: “Биз бандаларни бандаларга қулчилик қилишдан қайтариш, бандаларнинг Рабби Аллоҳга қулчилик қилишига ўргатиш учун ва ҳар хил жабру жафолардан Ислом адолатига олиб чиқиш учун юборилган қавмимиз”.

Ҳақиқатан ҳам энг бахтли ҳаёт Аллоҳга ишониб, Унга қулчилик қилиб ўтказилган ҳаётдир. Ақида эса ҳаёт нима эканини ва дунёда қандай ҳаёт кечириш кераклигини ўргатадиган ягона илмдир.

Иккинчиси. Аҳком.

“Аҳком” сўзи луғатда “буйруқ”, “топшириқ”, “ҳукм” деган маъноларни англатади.

Истилоҳда эса: бу имтиҳон дунёда яшаши учун одам боласига бериладиган қисқа умр мобайнида бошидан ўтадиган турли хил жараёнлар билан боғлиқ қоидалар, ҳамда одоб-ахлоқ меъёрларидан иборат ҳукмлардир. Пайғамбарлар ўз умматларини кейинги галда шу аҳкомларга даъват этган.

Барча пайғамбарлар, биринчи қисм – ақидада бир хил бўлган ва қавмларини шу ақидага, шу эътиқодга чақиришган. Кишиларнинг эътиқодини ислоҳ қилиш, тафаккурини тарбия қилиш ҳар бир пайғамбарнинг энг биринчи ўриндаги бурчи бўлган.

Иккинчи қисм – аҳкомларда эса фарқ бўлган. Баъзи олдинги умматларга ҳаром бўлган нарса кейингиларга ҳалол қилинган ёки аксинча. Чексиз илму ҳикмат эгаси Аллоҳ таоло ҳар бир қавмнинг ўз замонаси, яшаш шароити ва яна бошқа томонларига мос энг керакли, фойдали ҳукмни жорий қилган.

Юқорида келтирганимиз ҳар икки қисм бир сўз билан “дин” деб ифодаланган, номи “Ислом” дейилган. Жамики пайғамбарларнинг дини бир бўлган ва улар одамларни мана шу ягона динга даъват этишга юборилган.

Ислом одамлар ўртасида бир ота-онадан бўлган оға-иниларники каби инсоний бирликни эълон этиш йўлини тутди. У жамиятдаги ижтимоий бирликни дарахтга ўхшатди. Шу ўринда Қуръон

инсонларга асл инсоний бирликларини эслатиб турадиган: «**Эй инсонлар... Эй Одам фарзандлари!**» деган лафзлар билан кўп маротаба хитоб қилганини, шунингдек, бир дин фарзандларини миллати, тоифасини ажратмай: «**Эй имон келтирганлар... Эй мўминлар!**» дея чақирганини мулоҳаза этиб ўтишимиз фойдадан холи эмас.

Ислом аҳкомларидаги инсоний ўзига хосликни шариат бобларининг ҳар бирида аниқ сезасиз. Намозда одамларнинг барчаси Аллоҳ олдида баробар туради. Унда подшоҳ, ё улуғ, ё олим учун махсус макон ажратилмайди. Рўзада ҳам одамлар амир, ё бой, ё шарифга ажратилмай, бир хил даражада очликни бошдан кечиради. Ҳажда одамлар бир хил кийим кияди. Бир хил жойда туришади. Бир хил ибодатни адо этишади. Бу борада ҳамма баробар, кучли ва заиф, улуғ ёки омининг фарқи йўқ. Фуқаролик қонунларига қарасак, одамлар ўртасидаги алоқаларда устувор қонуният – ҳақиқат экани, қонунчиликдан кўзланган мақсад – адолат экани, ҳар қандай эзилган ва мазлум учун қонун қўлидаги байроқ – зулмни даф этиш эканини кўрамиз. Жиноятга оид қонунларда эса, жиноят қилган ҳар қандай кишига жазо бир хил эканини кўрамиз. Ким ўлдирса, ўлдирилади. Ким ўғирласа, жазоланади. Ким ҳаддан ошса, адаби берилади. Қотил олим ё жоҳил бўлишининг, мақтул амир ё деҳқон бўлишининг фарқи йўқ. Ёки тажовузкор мўминларнинг амири ё тўқувчи эканининг, тажовуз қурбони ажам ё араб, шарқлик ё ғарблик эканининг эътибори йўқ. Ҳаммаси қонун назарида баробардир.

Одамларнинг барчасига дин аҳкомларини бажаришда, ирқлари, рангларидан қатъи назар, инсоний муқаррамликни исбот этган пайтда шариат бундан ҳам юксакликка кўтарилди.

Аллоҳ таоло:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ
عَلَى كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾

«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик» (Исро, 70), деб марҳамат қилган.

Одамларнинг ҳаёти, эътиқоди, илм олиши ва умр кечиришдаги барча ҳуқуқларига кафил бўлган бу ҳурмат уларнинг барчаси учун баробар эди. Одамларнинг ҳаммасига бир хил даражада кафил бўлиш давлатнинг мажбурияти эди. Инсонларни Аллоҳ мукофотлаши ва жазолаши асослари уларнинг зоҳир амалларига қараб эмас, балки ниятларига қараб бўлишини эълон қилган пайтда шариат юксакликнинг бундан ҳам юқори чўққисига кўтарилди. Ҳадисда: “Албатта, Аллоҳ сизларнинг суратларингизга эмас, балки қалбларингизга қарайди”, дейилган. Демак, жазолаш ва мукофотлаш боиси ният экан. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, амаллар ниятлар биландир. Ва ҳар бир киши нимани ният қилган бўлса, шу бўлади...”, деганлар. Аллоҳнинг ҳузурда мақбул ният – яхшилик, одамларга манфаат етказиш ва ҳеч қандай моддий ғараз ёки тижорий фойдани кўзламай Аллоҳнинг розилигини талаб қилишдир.

Қуръони каримда:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ارْكَعُوا وَاسْجُدُوا وَعْبُدُوا رَبَّكُمْ وَأَفْعَلُوا الْخَيْرَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй имон келтирган бандалар! Парвардигорингизга руку, сажда ва ибодат қилиб, яхшилик қилингиз! Шояд нажот топсангиз» (Ҳаж, 77) дейилади (бу оят сажда ояти бўлгани боис, ўқилганда сажда қилиш вожиб бўлади).

Дарвоқе, Аллоҳ таоло жорий қилиб қўйган боқий аҳкомларнинг замирида биз билмайдиган улкан ҳикматлар яширинган. Бу ҳикматларни англаш учун аҳкомларни амалга ошириш ва ҳаётимизга жорий этиш зарур.

МУҲАММАД (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ САЙЙИДИ ВА СЎНГГИСИДИР

Муҳаммад (алайҳиссалом) пайғамбарлар сўнггисидир. У зотдан кейин Аллоҳ томонидан бошқа ҳеч қандай расул юборилмайди. Бундан кейин ҳар қандай пайғамбарлик даъвоси каззобликдан ўзга нарса эмас. Бу нарса буюк Аллоҳ таолонинг ўзгармас қарори – иродасидир.

Бу ҳақда Расулulloҳдан (алайҳиссалом) ҳадиси шариф ворид бўлган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَثَلِي وَمَثَلُ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ بَنَى بُنْيَانًا فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ إِلَّا مَوْضِعَ لَبَنَةٍ مِنْ زَاوِيَةٍ مِنْ زَوَايَاهُ فَجَعَلَ النَّاسُ يَطُوفُونَ بِهِ وَيَعْجَبُونَ لَهُ وَيَقُولُونَ: هَلَّا وُضِعَتْ هَذِهِ اللَّبَنَةُ؟!» قَالَ: «فَأَنَا اللَّبَنَةُ وَأَنَا خَاتَمُ النَّبِيِّينَ».

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом) айтдилар: «Ўтмиш анбиёлар билан менинг мисолим бундай: бир киши чиройли ва гўзал бино қурди-да, бурчакларнинг бирида бир ғишт жойини бўш қолдирди. Одамлар бу гўзал бинони зиёрат қилади, томоша қилатуриб, ажабланган ҳолда: “Бу бўш жойга ҳам ғишт қўйилмайдими?!” дейди. Ана шу ғишт менман ва мен пайғамбарларнинг яқунловчисиман» (Муттафақун алайҳ).

Ушбу ҳадиси шарифдан кўриниб турибди, Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) кейин ҳеч қандай пайғамбар чиқиши мумкин эмас. Борди-ю кимдир пайғамбарлик даъво қилса, у барча мўминлар томонидан ёлғончи дея, инкор этилиши керак.

Аллоҳ таоло Одамни (алайҳиссалом) яратиб, ер юзида яшайдиган Ўзининг халифаси қилгандан кейин унинг болаларига тўғри йўлни кўрсатиб туриш учун таълимотлар ҳам юборишни ва буларни одамларга етказиш, ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатиш учун уларнинг ичидан пайғамбарлар танлаб олишни ирода қилди. Ана ўша пайғамбарларнинг биринчиси Аллоҳнинг иродаси билан Одам (алайҳиссалом) бўлди. Кейин эса, бирин-кетин бошқа пайғамбарлар кела бошлади. Пайғамбарлар силсиласининг охириги ҳалқаси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлдилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ана шу нубувват ва рисолат биносининг охириги ғишти ва Аллоҳ таоло Ўз бандаларига юборган пайғамбарларнинг охиригиси экани таъкидланмоқда. Бинога охириги ғишт терилгандан кейин қурилиш яқунланади. Ундан кейин бошқа ғишт терилмайди. Аллоҳ таоло Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар қилиб юборганидан кейин пайғамбарлик ниҳоясига етди. Энди бошқа пайғамбар юборилмайди.

Ҳар бир нарсанинг ҳикматини биладиган Аллоҳ Ўзи яратган инсониятни пайғамбарлар орқали тўғри йўлга солишни ихтиёр қилди. Бунинг учун нубувват ва рисолат биносининг пойдеворини

мустаҳкам қилиб қўйди. Яъни, ҳар бир пайғамбарга юборган диннинг асоси бўлмиш ақидани ҳаммалари учун бир хил қилди. Одамдан (алайҳиссалом) то Муҳаммадгача (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган барча пайғамбарларнинг ақидалари бир хил эди. Бу ақида Аллоҳ таолонинг ягоналиги, барча айблардан холи экани, қиёмат куни, ҳисоб-китоб, жаннат ва дўзахга имон келтиришдан иборат эди.

Аммо динларнинг ақида қисми бир хил ва ўзгармас бўлгани билан уларнинг амалий қисми – шариатлар ўзгармай туриши мумкин эмас эди. Аксинча, шариатлар замон ва маконга, умматлар ва уларнинг савиясига қараб ривожланиб борди. Шунинг учун Аллоҳ таоло диннинг пойдевори бўлмиш ақиданинг устига ҳар бир набийга берилган шариатни худди пойдевор устига қўйилаётган ғишт мисоли қилиб бирин-кетин қўйиб турди.

Одам (алайҳиссалом) даврида кишилик жамияти содда бўлгани учун, уларга содда ва оддий шариатни жорий қилди. Мисол учун, шароитдан келиб чиқиб, ўша шариатда ака-сингилнинг оила қуришига изн берилди. Кейин эса, инсонлар сони ортиб бориши натижасида бу ҳукм бекор қилинди. Вақтлар ўтиши билан шариатлар ҳам ўсиб борди. Аллоҳ таоло инсониятни ана шу тарзда тарбиялаб, уларни камол топтириб келди.

Охири келиб, инсоният вояга етганда, унга энг мукамал ва боқий шариат бўлмиш шариати муҳаммадияни берди. Нубувват ва рисолат биносининг энг сўнгги ва энг гўзал ғишти қўйилди.

Энди бу бинога ғишт қўйилмайди. Бошқа пайғамбар юборилмайди. Ислом шариати барча замон ва маконлар учун, барча халқ, элат ва миллатлар учун қиёматга қадар боқийдир.

Муҳаммад (алайҳиссалом) абул анбиё вал мурсалин – набий ва расулларнинг отаси Иброҳим (алайҳиссалом) ўғли Исмоилнинг (алайҳиссалом) зурриёти эдилар. Оталарининг исмлари Абдуллоҳ, боболариники Абдулмутталиб, оналарининг исми Оминадир.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари шарқда – Ислом дунёсида ҳам, ғарбда – христиан оламида ҳам кўп-лаб тарихчилар томонидан жуда муҳим ва аҳамиятли бир мавзу сифатида ўрганилди, бу борада катта тадқиқотлар олиб борилди.

Ислом дунёсида тарих мусулмон олимлари томонидан дастлаб “сияр” ва “мағозий” шаклида бошланди ва кейинчалик “Футуҳот тарихи”, “Табақот”, “Умумий тарих” каби номлар остида бир неча тарих китоблари ёзиб қолдирилди. Сарвари олам Муҳаммаднинг

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларини ўргатувчи тарих турига эса “Сийрати набавия” ёки “Сияри Набий” деб ном берилди.

Ҳадис олимлари у зотнинг бутун ҳаётларини илмий йўл билан тушунтириб берди.

Инглиз олими Жон Давенпорт ўзининг “Ҳазрати Муҳаммад ва Қуръони карим” китобида шундай ёзади: “Машҳур пайғамбарлар ва фотиҳлар ичида тарихий ҳаёти ҳазрати Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тарихидек энг кўп ва ҳамма нуқта-ларигача батафсил ўрганилган шахс йўқдир”.

Расули ақрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида сўраган кишиларга Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо): “Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ахлоқлари Қуръон эди”, деб жавоб берган эди. Ҳақиқатан ҳам, Қуръоннинг ҳамма амрлари Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суратлари ва сийратларида ўз ифодасини топган. Демак, Ислонинг асосий қонуни бўлган Қуръонни тушунишимиз учун Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларини, сийратларини ўрганишимиз шартдир. Бу зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларини билмасдан туриб, Ислоний илмлардан бирортасини (на тафсир, на ҳадис, на фикҳ, на ахлоқни) рисоладагидек тушуниб, моҳиятига етиб бўлмайди.

ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) СИЙРАТЛАРИ

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратлари – олтмиш уч йиллик ҳаётлари тарихи демакдир. У Зотнинг қамарий ҳисобда 63 йил, шамсий ҳисобда 61 йиллик ҳаётларини икки даврга бўлиб ўрганишимиз мумкин: пайғамбарликдан олдинги давр (571–610); пайғамбарлик даври (610–632).

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарликкача бўлган ҳаётлари умрларининг 40 йилини ўз ичига олган эди. Ислонга даъват бошланмаган давр “жоҳилият даври”, пайғамбарлик даври эса “Саодат асри” деб номланади. Саодат асри 23 йилни ташкил этади.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оталари Абдуллоҳ, оналари Оминадир. Аждодлари Аднонгача бориб етади. Боболарини тартиб билан келтирадиган бўлсак, қуйидагилар эди: Абдулмутталиб (Шайба), Ҳошим, Абдуманноф, Қусай, Ҳаким

(Килоб), Мурра, Каъб, Луай, Голиб, Феҳр (Қурайш), Молик, Назр, Кинона, Хузайма, Мудрика, Илёс, Низор, Маъад, Аднон. Аднон Исмоилнинг (алайҳиссалом) зурриёти бўлиб, Кайзар сулоласидан эди.

Оминанинг оталари Ваҳб, боболари эса қуйидагича: Навфал, Абдулуззо, Зухра, Ҳаким. Ҳаким Зухранинг ҳам Қусайнинг ҳам отаси эканини эътиборга олсак, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оталари ва оналарининг насаби Ҳакимга келиб бирлашганини кўрамыз.

ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) ТАВАЛЛУДЛАРИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таваллуд топган сана тарихчилар орасида энг мунозарали мавзулардан биридир. Баъзи тарихчилар 569 ва 570 йилни кўрсатишса, баъзилар 571 йилни Пайғамбаримизнинг туғилган йиллари деб исботлашга уринади.

“Олий тарих” китоби муаллифи бундай дейди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фил йилида, якшанба куни кечаси, бир ривоятда, рабиъул аввалнинг 12-кечаси дунёга ташриф буюрганлар”. Кўпчилик Ислом уламолари мана шу кунни, яъни рабиъул аввал ойининг 12-куни, душанбага ўтар кечасини Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақиқий таваллуд топган кунлари деб иттифоқ қилган. Умуман олганда, кўпчилик Ислом уламоларининг иттифоқ қилишича Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилган кунлари 571 йил, 20 апрел, душанба, рабиъул аввал ойининг 12-кунига тўғри келади”.

Турк олими Умар Ризо Дўғрул Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилган кунлари хусусидаги уламолар ихтилофига шундай муносабат билдиради:

“Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилган йил, ой, кун ҳақидаги бу ихтилофларнинг ҳикматини тушунмоқ учун Исломнинг руҳига кириб бориш, уни яхши тушуниш лозим. Аслида, бу ихтилофларнинг барчасига барҳам бериш мумкин эди. Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида бу муҳим ва қимматли ҳодиса бутун тафсилотлари билан аниқ-равшан ёзилиши мумкин эди. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларини энг нозик нуқталаригача ҳассослик

билан кузатиб борган саҳобаи киромлар учун бундан осон иш йўқ эди. Шундай экан, бу оддийгина иш нимага амалга оширилмади?

Ҳазрат Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хотирини ёд этишни истаган ҳар бир мусулмон бунинг учун аниқ бир кунни танлаши шарт эмас. У зотнинг шахсиятига кўрсатиладиган ҳурмат-эҳтиромни у ёки бу кунда маросим ўтказиш билан адо этиб бўлмайди. Бу нарса у зоти муборакка энг самимий ришталар билан боғланиш ва руҳониятларини шод этиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Шу сабабдан, саодат асри мусулмонлари биз муборак деб билган кунлардан бирортасини ҳисоб-китоб қилмади, бунга кўп аҳамият бермадилар ҳам. Чунки мусулмон учун муборак бўлмаган бирор кун ва бирор соат йўқ. Ҳар кунини, ҳар соатини мусулмончасига, ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек ва истаганларидек ўтказган инсон орзу қилган савоб-баракотни топади”.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) арабларнинг энг обрўли қабиласи бўлган, Макка шаҳрининг ва Каъбанинг эгаси ҳисобланган Қурайш қабиласида дунёга келдилар. Туғилганларида оталари Абдуллоҳни кўролмадилар. У киши Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳали оналари қорнида икки ойлик эканларида Шомдан Маккага қайтиб келаётиб, Ясрибда (ҳозирги Мадина шаҳри) касал бўлиб, карвондан ажраб қолган ва 25 ёшида ўша жойда вафот этган эди. Оталари Абдуллоҳдан Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча туя ва Умму Айман исмли аёл хизматкор қолади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилмасларидан аввал оналари Омина бир туш кўради. Тушида унга: “Эй Омина, сен бутун махлуқотнинг фаҳри бўлган бир болага ҳомиладорсан. Туғилса, исмини Муҳаммад қўй”, деб башорат берилади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хатна қилинган ҳолда туғилдилар. Муборак икки кураклари ўртасида каптар тухумидек “Нубувват муҳри” бор эди.

Қуръони каримда:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَآفَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾



«(Эй Муҳаммад!) **Биз Сизни, ҳақиқатан, барча одамларга хушxabар берувчи ва огоҳлантирувчи бўлган ҳолингизда (пайғамбар қилиб) юбордик. Лекин одамларнинг аксарияти (бу ҳақиқатни) билмайди»** (Сабаъ, 28), дейилади.

Бу ҳақда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари шундай марҳамат қилганлар:

“Мендан олдин пайғамбарлар махсус бир қавмга юборилар эди, мен бутун инсониятга юборилдим”.

Етти кун болани оналари Омина эмизган эди. Оналарининг сути етмаганидан Сувайба исмли аёл эмизди. Сувайбадан сўнг Абдулмутталибнинг хизматкори Марваха сут берди.

Арабларнинг анъанавий урф-одатига мувофиқ ёш гўдаклар дала жойда тарбияланса танлари соғлом, ақллари теран ва табиатан содда бўлиб ўсади, чунки далада тоза ҳаво бўлади, бунинг устига янги соғилган туянинг, эчкининг ва қўйнинг сути, қатиғи, пишлоғи ва кумрон болани бақувват қилади, яна ҳам фойдалиси, гўдак янги бўшанган қувватсиз онани эмас, балки далада ҳаёт кечирадиган, соғлом онанинг сутини эмиб, тинч табиий шароитда ўсади, деган мақсадда маккаликлар ўз фарзандларини, яйлов ва дала жойда яшовчи, ижарага эмизувчи оналарга боқиш ва тарбия қилиш учун берар эди.

Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳалима Саъдия номли аёл ўз тарбиясига олди ва тўрт йил тарбиялаб, кейин оналари Оминага топширди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўкракдошлари Шайма билан қирга чиқар эдилар. Ҳалима: “Бу иссиқда қирга чиқманглар”, деб хавотирланса, Шайма: “Кўрқманг, бир булут келиб унга соя солади”, дерди.


Бир куни Шайма билан мол боқиб юришганда қуш шаклида иккита фаришта келади. Бири иккинчисига: “Шуми?” дейди. Иккинчиси: “Ҳа!” деб жавоб беради. Икковлари Пайғамбаримизни ерга ётқизиб, кўксиларини ёради ва ундан лахта қон парчасини чиқариб, қалбларини сув ва муз билан ювади. Кейин бири иккинчисига: “Сакинат келтир!” дейди. Уни кўксиларига қўйиб, қайта ёпиб қўйишади.

Бу воқеа “Шаққи садр” (“Кўкрак ёрилиши”) деб номланиб, унда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қалблари ёмонликдан тозаланиб, имон ва илм билан тўлдирилган.

Бу воқеадан хавотирга тушган Ҳалима Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналарига олиб бориб топширади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олти ёшга кирганларида оналари Омина Абдуллоҳнинг қабрини зиёрат қилиш ва ўғлини ўз қариндошларига кўрсатиш учун Мадинага олиб бориб, у ерда бир ой турди, Маккага қайтиб келаётиб йўлда касалликдан вафот этди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олти ёшда ота-онасиз етим бўлдилар ва боболари Абдулмутталибнинг тарбиясига ўтдилар.

Қуръони каримда:



«(Эй Муҳаммад! Раббингиз) **Сизни етим ҳолда топиб, бош-пана бермадими?**» (Зуҳо, 6) деб марҳамат қилинади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саккиз ёшларигача боболари Абдулмутталибнинг қўлида тарбия топдилар. Бир йили Маккада қаттиқ қурғоқчилик бўлди, ҳеч ёмғир ёғмади. Абдулмутталиб невараси Муҳаммадни Каъба ёнига олиб бориб, қўлини баланд кўтариб, халқ билан бирга: “Эй Парвардигор, шу боланинг ҳаққи-хурматига бизга ёмғир бер”, дея дуо қилди. Аллоҳ таоло маккаликларга шу заҳотиёқ ёмғир ёғдирди. Бу воқеа ҳақида амакилари Абу Толиб шундай эслайди: “Муҳаммад шундай бир киншики, унинг ҳаққи-хурматига Аллоҳдан ёмғир сўралганда, Аллоҳ мўл-қўл қилиб эҳсон қилган эди”.

Абдулмутталиб 82 ёшида вафот этаркан, ўғилларига Пайғамбаримизни кўрсатиб: “Буни сизларга омонат қолдирыпман. Барчангиз унинг ҳимоя ва тарбиясига диққат этинг”, деди. Амакиларининг қайси бирини танлаш Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ихтиёрларига берилганида, амакилари Абу Толибнинг қучоғига отилдилар.

Абдулмутталиб ўғли Абу Толибга: “Эй Абу Толиб, бу бола ота-она меҳрини кўрмади, унга меҳр кўрсат”, деб кўз ёши билан вафот этди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саккиз ёшда эдилар. Шундай улуғ, бўлғуси пайғамбар етим бўлиб, кўнгиллари синиқ, маъюс ҳолда вояга етдилар. Аллоҳ ўзининг суюкли бандасини энг оғир мусибат – етимлик гирдобига ташлашини уламолар икки ҳикмат билан боғлайди: биринчиси, бўлажак пайғамбарининг қалбида етим-есирларга, муҳтожларга меҳр-шафқат, мурувват сифатларини уйғотиш эди.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло:

﴿۸﴾ أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَآوَىٰ ﴿۶﴾ وَوَجَدَكَ ضَالًّا فَهَدَىٰ ﴿۷﴾ وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَىٰ ﴿۸﴾
﴿۹﴾ فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ ﴿۹﴾ وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ ﴿۱۰﴾ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ﴿۱۱﴾

«(Эй Муҳаммад! Раббингиз) Сизни етим ҳолда топиб, бош-пана бермадимми?! Яна сизни гумроҳ (ғофил) ҳолда топиб, (тўғри йўлга) ҳидоят қилиб қўймадимми?! Сизни камбағал ҳолда топиб, (Хадичага уйланишингиз туфайли) бой қилиб қўймадимми?! Бас, энди сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг! Сўровчи (гадо) ни эса (малол олиб) жеркиманг! Раббингиз (сизга ато этган баррча) неъматни ҳақида эса (одамларга) сўзланг!» (Зуҳо, 6–11) дейди.

Иккинчиси Ўзининг қудратини намоиш қилишдир. Чунки Аллоҳ таоло бўлажак пайғамбари ва ҳабибини жоҳилият ботқоғига ботган одамлар орасида яратиб, ўша даврдаги иллатлардан пок сақлади, инсон тарбияси ва камолоти учун зарур бўлган ота-она ва устознинг тарбиясиз, Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ахлоқ бобида ҳам, илм бобида ҳам дунёда энг улуғ инсон даражасига кўтарди.

Ояти каримада бундай дейилади:

﴿۱﴾ أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ ﴿۱﴾ وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ ﴿۲﴾ أَلَّذِي أَنْقَضَ ظَهْرَكَ ﴿۳﴾
﴿۴﴾ وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ ﴿۴﴾

«(Эй Муҳаммад!) Кўксингизни (илму ҳикматга) кенг очиб қўймадикми?! Сиздан белингизни эзиб турган юкингизни олиб қўйдик (енгиллатдик). Зикрингизни (исмингизни) ҳам бааланд кўтариб қўйдик» (Шарҳ, 1–4).

Саккиз ёшлик Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида янги давр бошланди. Бу давр то 25 ёшларигача давом этди. Абу Толиб Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тижорат сирларини ўргата бошлади. Маккаликлар қиш мавсумида Яманга, ёзда эса Шомга тижорат карвони юборар эди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам икки марта Сурия томонга, бир марта Яманга карвон билан сафарга чиққанлар. Сурия сафарининг биринчисида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўн икки ёшда, иккинчисида йигирма беш ёшда, Яманга сафар қилганларида эса ўн етти ёшда эдилар.

Абу Толиб бошчилигидаги карвон билан қилган биринчи сафарларида карвон Шом йўлида Бусро деган қишлоққа яқин жойда тўхтади. Бу ерда насронийларнинг ибодатхонаси бўлиб, унда Буҳайро исмли машҳур бир роҳиб хизмат қилар эди. Буҳайро кўп китоб ўқиган бўлиб, келиши яқин бўлган пайғамбарнинг аломатларини билар эди. Карвон орасида юрган ўн икки ёшли Муҳаммадни кўриб, ундан пайғамбарлик аломатларини топди ва Абу Толибга: “Эй Абу Толиб! Бу бола келиши кутилаётган, китобларда аломати ёзилган пайғамбарга ўхшайди. Уни асло Шомга олиб борма. Шом яҳудийлари унинг аломатларини билади, бирор зарар етказишлари мумкин. Молларингизни шу ерда сотинглар”, деди. Абу Толиб молларни ўша жойнинг ўзида сотиб, Маккага қайтди.

Бутларга ҳамма сиғинадиган бир замонда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор марта бутга сиғинмаганлар. Абу Толиб маккаликларнинг катта бир бутига сиғинишга Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундаганда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Асло сиғинмайман”, деганлар.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йигирма беш ёшларида Сурияга иккинчи бор тижорат сафари қилиб, Макканинг энг бой аёли Хадичанинг таклифи билан унга ҳамкорлик қилдилар, унинг молларини сотишда кўмаклашдилар. Сурияга қилинган бу сафар ва унда кўрилган катта фойда, бунинг устига Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) софдил, омонатдор эканлари Хадича билан оила қуришларига васила бўлди. Хадичанинг ёши бир оз каттароқ бўлса-да, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жуфти ҳалол бўлди, тўрт қиз: Зайнаб, Руқия, Умму Кулсум, Фотима ва икки ўғил: Қосим ва Абдуллоҳ исмли фарзандлар кўрди. То умрларининг охиригача вафодор, маслаҳатгўй бўлиб, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатларини қозонди.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учинчи ўғиллари Иброҳим мисрлик жориялари Мориядан бўлиб, Иброҳим вафот этган йили Пайғамбаримиз 63 ёшда эдилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўн олти ёшларида Фижор жангида қатнашдилар. Ислондан олдин Араб ярим-оролида тўхтовсиз жанглар бўларди. Ана шулардан бири тўққиз йил давом этган Фижор жангидир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу жангда иштирок этган бўлсалар ҳам ўзлари ўқ отмаганлар, қурол ишлатмаганлар, душманлар томонидан отилган ўқларни амакиларига олиб келиб турганлар.

Йигирма ёшларида амакилари Абу Толибнинг қўй ва эчкиларини боқиб, чўпонлик қилганлар.

Пайғамбарлик келишидан аввал у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида яна икки муҳим воқеа содир бўлди.

Биринчиси, жоҳилият даврида турли араб қабилалари ўрта-сида тинимсиз ички урушлар бўлиб турарди. Навбатдаги шундай уруш Қурайш ва Ҳавозин қабилалари орасида чиқди. Бу уруш сабабли икки томондан ҳам кўплаб кишилар қурбон бўлди. Маккада нотинчлик ҳукм суларди. Ана шундай бир пайтда Маккалик Ос ибн Воил Яманлик бир савдогарнинг ҳамма молларини тортиб олиб қўйди. Ноҳақликка чидай олмаган яманлик савдогар Қубайс тоғига чиқиб, дод солиб, қабилаларни ёрдамга чақиради. Яманликнинг бу дод-фарёдини эшитган, унинг ҳолига ачинган Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Зубайр Қурайшнинг ҳамма қабилаларини йиғди ва барча йиғилганларга: “Бугундан бошлаб Маккада бирор маҳаллий ёки мусофир кишига ҳеч ким зулм ўтказмаслигига ва зулм етган бечора кишиларга ёрдам беришга аҳд қилиб, қасам ичишди. Бу аҳд “Ҳилфул фузул” яъни, “Фозиллар қасамёди” деб номланди. Қасамёдчилар гуруҳи яманликнинг додига етиб, унинг тижорат молини Ос ибн Воилдан қайтариб олиб беришди. Мана шу яхши ниятли хайрия гуруҳига Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам қўшилганлар ва уни пайғамбарликларидан кейин ҳам мактаб эсга олган эдилар.

Ибн Исҳоқ, Ибнул Асир ва Ибн Халдунлар ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деган эдилар: “Мен амакиларим билан Абдуллоҳ ибн Жадъоннинг уйида шундай қасамёдга гувоҳ бўлганман, мен учун ундан гўзалроқ, ундан фойдалироқ нарса бўлмаган. Агар менга Исломда ҳам шундай қасамёд қилишга чақирилса, албатта қабул қилган бўлардим”.

Иккинчиси, Қурайш қабилалари Каъбани таъмирлаш масаласида келишолмай қолди. Ўртада жуда катта жанжал чиқиши арафасида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) адолатли қози вазифасини бажардилар ва иш хунрезликкача етмади. Муқаддас Каъба деворлари бузилиб, уни қайтадан қуриш бошланди. Каъба қурилишида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам астойдил қатнашдилар, тош ташидилар. Имом Бухорий “Саҳиҳ”ида ҳатто Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) елкалари ярангани ривоят қилинган.

Каъба биносини қуриш асносида қора тошни ўз жойига ким қўйиши тўғрисида муаммо чиқди ва иш жанжалга айланиб, қон тўкилишига оз қолди. Қурайшнинг энг кекса кишиси бўлган Абу Ҳузайфа ибн Муғийра орага кирди ва: “Жанжални бас қилайлик, ким ҳарам эшигидан биринчи бўлиб кириб келса, ўшани ҳакам қилайлик ва айтганини қилайлик”, деб таклиф киритди. Ҳарам эшигидан биринчи кириб келган киши Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлдилар. Ҳамма у кишининг ҳакамликларига рози бўлди. Чунки маккаликлар Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳалолликлари, адолатлари, тўғрисўзликлари учун “Муҳаммад Амин”, яъни “ишончли Муҳаммад” деб атарди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ридоларини ечиб, ерга ёйиб, Қора тошни кўтариб ридо устига қўйдилар ва ридонинг учларидан ҳамма қабила улуғларига тутқаздилар. Қора тошни жойига қўйишда ҳамма баравар иштирок этди. Маккалик барча қабила раҳбарлари ва аъзолари дилида Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбатан ҳурмат кучайди.

ПАЙҒАМБАРИМИЗГА БИРИНЧИ ВАҲИЙ КЕЛИШИ

Пайғамбарларга фақат илоҳий ваҳий келса “набий”, илоҳий ваҳий билан бирга алоҳида шариат юборилган бўлса “расул” дейилишини юқорида ҳам зикр қилиб ўтдик. Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қирқ ёшларида набийлик, кейинроқ эса расуллик келди.

Пайғамбаримиз қирқ ёшга тўлганларида Маккадаги (Маккадан беш чақирим узоқдаги) Ҳиро ғорида ибодатга берилдилар. Катта боболари Иброҳим (алайҳиссалом) қилгани каби ибодат қилдилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) 610 йили Рамазони шариф ойида душанба куни одатдагидек Ҳиро ғорида ибодат қилаётган пайтларида Аллоҳ таоло Жаброил (алайҳиссалом) орқали пайғамбарлик башоратини юборди. Жаброил (алайҳиссалом) келиб: “Эй Муҳаммад, мен Жаброилман, сен эса Аллоҳнинг элчисисан”, деди. Кейин Аллоҳнинг ҳузуридан олиб келган беш оятни Пайғамбаримизга ўқиб берди. Унда Аллоҳ шундай хитоб қилган:

أَقْرَأْ بِأَسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ۝ (۱) خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ۝ (۲) أَلَمْ نَكْرِمْ ۝ (۳)

الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ﴿٤﴾ عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿٥﴾

«Эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан ўқинг! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз карамлидир. У (инсонга) қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди, У инсонга билмаган нарсаларини билдирди» (Алақ, 1–5).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аввало, бу ҳодисадан, яъни у кишига Аллоҳдан ваҳий олиб келган Жаброил (алайҳиссалом) салобатидан кўрқиб дағ-дағ титрадилар ва Маккага – Хадича онамиз ёнларига шу ҳолда келиб: “Мени ўранглар, мени ўранглар!” дедилар. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрқувлари босилгандан сўнг Хадичага: “Эй Хадича, менга нима бўляпти? Менга бир нарса бўлиб қолмасайди, деб ўзимдан кўрқдим”, деб бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердилар. Хадича Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тасалли бериб, амакисининг ўғли Варақа ибн Навфал ҳузурига олиб борди. Варақа Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган воқеа тафсилотини сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳамма кўрган нарсаларини батафсил айтиб бердилар. Шунда Варақа: “Бу Номус (яъни Жаброил) бўлиб, Мусога ҳам ваҳий билан туширилган фариштадир. Кошкийди, қавминг сени (Маккадан) ҳайдаб чиқарган пайтда ҳаёт бўлсам, сенга ёрдам берардим!” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ажабланиб: “Қавмим мени ҳайдаб чиқарадими?” деб сўрадилар. Варақа: “Ҳа, шундай бўлади. Олдин ҳам ким сиз келтирган нарса (пайғамбарлик) билан келган бўлса, қийинчиликларга учраган. Агар сизнинг кунларингизда мен тирик бўлсам, сизга катта ёрдам берган бўлур эдим!” деди.

Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биринчи нозил бўлган ваҳий Қуръони каримнинг Алақ сурасидан 18 калима эди. Бу калималарнинг маъноси инсониятни илмга – ҳамма нарсани билишга чақирув эди.

Мана, Аллоҳ таоло нимага чақиряпти:

“Ўқи! Ҳамма нарсани ўқи! Аллоҳнинг китобини ўқи! Аллоҳнинг оятларини ўқи! Табиат китобини ўқи! Башарнинг бутун тарихини ўқи! Илмнинг ҳар саҳифасини ўқи! Ҳар бир ҳақиқатни ўқи! Ҳидоятга эришмоқ учун ўқи! Залолатдан қутулмоқ учун ўқи! Имонингни мукаммаллаштириш учун ўқи! Ва бунинг учун Аллоҳ

номи билан ўқи! Яратган Раббинг номи билан ўқи! Ўрганмоқ учун ўқи! Қудрат қалами бу оламга туширган ҳар сатрни ўқи! Инсонга билмаганини ўргатган Аллоҳ номи билан ўқи!”

Ислорий ҳидоятнинг бутун инсониятга қарата айтган биринчи хитоби ана шундай эди. Лекин ислорият бутун башариятни илмга чақиришда барча ҳидоят ва раҳматнинг манбаи бўлмиш “Аллоҳ номи билан ўқи!” дейишни ҳам унутмайди. Ислор бутун ўрганилган илмнинг ҳидоят ва раҳматга маёқ бўлишини, унинг разолат ва бузғунчиликка ҳаммол бўлмаслигини истайди.

Илоҳий ваҳийнинг ҳақиқатини пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳадис олимларидан Аҳмад Наим бундай деган эди:

“Ваҳийнинг моҳияти пайғамбарлардан бошқасига маълум эмас. Бошқа бировнинг ваҳийни тушунтиришга уриниши кўрнинг ранглар тўғрисида гапириб беришига ўхшайди. Фақат нузул (ваҳий тушаётган) пайтда у ерда бўлганлар кўрган баъзи аломатларни айтиб ўтса бўлади.

Ваҳийнинг етти мартабаси бор:

Биринчи. Содик (рост) туш. Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, ваҳий келишига яқин Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай туш кўрмасинлар ҳаётда очиқ-ойдин рўёбга чиқарди.

Иккинчи. Аллоҳнинг ваҳийси фариштаннинг воситасисиз Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қалбларига жо бўлиши.

Учинчи. Фариштаннинг инсон қиёфасига кириб, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳамманинг кўзи олдида ваҳийни талқин этиши. Ривоят қилишларича, Жаброил (алайҳиссалом) кўпинча саҳобаларнинг энг хушсурати бўлган Диҳятул Калбийнинг қиёфасида кўринар экан.

Имом Бухорий ва Имом Муслим саҳиҳларида Жаброилнинг (алайҳиссалом) бир нотаниш аъробий суратида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва бошқа саҳобаларга кўриниб, имон, Ислор ва эҳсон ҳақида таълим бериб кетгани нақл қилинган.

Тўртинчи. Ваҳий кўнғироқ овози каби келиб, Жаброилнинг (алайҳиссалом) Расули акрамга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳийни хитоб қилишидир. Баъзиларнинг фикрича, бу овоз Жаброил (алайҳиссалом) қанотлари овози бўлиши ҳам мумкин.

Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий келишининг энг қийини ҳам шундай овоз билан келиши эди. Ваҳий ниҳоятда оғир экани ёнларидаги кишиларга ҳам сезиларди. Масалан Пай-

ғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Арафотда Моида сурасининг баъзи оятлари нозил бўлганда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туялари устида эдилар. Оғирликни туя кўтаролмай чўкиб қолган. Яна бир марта Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оёқларига ваҳий котиби Зайд ибн Собитнинг оёғи тегиб турганида, ваҳий келиб қолади. Шунда Зайднинг сони ёрилиб кетар даражага етган экан.

Бешинчи. Жаброилнинг (алайҳиссалом) ўз қиёфасида кўриниши. Икки марта шундай кўринган. Биринчи марта Ҳиро ғорида, иккинчи марта эса Меърож кечаси Сидратул мунтаҳода рўй берган.

Олтинчи. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърожда эканларида Аллоҳ у зотга беш вақт намоз фарзлигини воситасиз билдирган.

Еттинчи. Юзма-юз пардасиз гаплашиш. Меърож кечасида Аллоҳ таоло Ўз Ҳабибига Жамол рўятини насиб этган, дейилади. Аммо бу сўз кўпчилик Ислом уламолари томонидан инкор этилган.

Қуръони каримда “роҳматан лил ʼаламин” деб таърифланган Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “хотамул анбиё” эдилар. Вазифалари ўта муҳим ва мушкул эди, у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вазифалари фақатгина Араб яриморолини эмас, балки бутун инсониятни жаҳолатдан қутқариб, саодатга эриштиришдан иборат эди. Шу сабабли ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўта ҳассослик ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишлари керак эди. Шунинг учун ҳам Маккадаги даъватнинг дастлабки уч йили жуда махфий равишда қилинган бўлиб, фақат яқин ва ишончли одамларгина Аллоҳнинг ваҳдониятига, бут ва санамлардан юз ўгиришга чақирилди.

Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай ва кимни даъват қилиш масаласи қийнарди. Энг аввал кўнгилларини ўз яқинларига оча бошладилар.

Аллоҳ таоло Муддассир сурасини нозил қилиб:

يَا أَيُّهَا الْمَدِينَةُ ۝ (۱) قُمْ فَأَنْذِرِي ۝ (۲) وَرَبِّكَ فَكَبِّرِي ۝ (۳) وَيَا بَايَاطُ فَطَهِّرِي ۝ (۴) وَالرَّجْزَ فَاهْجُرِي ۝ (۵) وَلَا تَمْنُنِمْ تَسْتَكْبِرِي ۝ (۶) وَلِرَبِّكَ فَاصْبِرِي ۝ (۷)

«Эй (либосларига) бурканиб олган киши (Муҳаммад)! Туринг-да, (инсонларни охират тўғрисида) огоҳлантиринг, Раббин-

гизни улуғланг, либосларингизни покланг, бутлардан йироқ бўлинг, (бераётган нарсангизни) кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг, Раббингиз учунгина сабр қилинг!» (*Муддассир*, 1–7), деганда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дарҳол ўринларидан туриб кетдилар. Хадича онамизнинг: “Нега турдингиз, дам олмадингиз?” деган саволига: “Энди дам олиш ва истироҳатнинг вақти ўтди!” деб жавоб бердилар. У зотнинг “Мен бу ҳақиқатни кимга айтаман? Мени ким тасдиқларкан?” деган андишаларига Хадича онамиз: “Эй Аллоҳнинг элчиси! Сизнинг гапларингизни мен қабул қилиб, тасдиқлайман. Энг аввало, Аллоҳ йўлига мени даъват этинг!” деди.

Бу сўзлар Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) андишани кетказиб, у зотни маънавий қувонч эгаллаб олди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даъватини Ислолда биринчи бўлиб қабул қилган, биринчи бўлиб мусулмон бўлган ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан биринчи намоз ўқиган Хадича онамиз (розияллоҳу анҳо) бўлди.

Хадичадан кейин қадрдон дўстлари Абу Бакр (розияллоҳу анҳу), амакиваччалари Али ибн Абу Толиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) озод қилган ва тутинган ўғиллари Зайд Илом динини қабул қилди. Кейинчалик Абу Бакрнинг (розияллоҳу анҳу) йўл-йўриқлари билан яна беш киши мусулмон бўлди.

Шундай қилиб, Хадичадан (розияллоҳу анҳо) кейин Иломни қабул қилган саккиз киши: Абу Бакр, Али ибн Абу Толиб, Зайд ибн Ҳориса, Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом, Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Талха ибн Убайдуллоҳ (розияллоҳу анҳум) бўлиб, улар “Ассабиқуна фил Ислам” (биринчи мусулмонлар) деган фахрий ном билан тилга олинади.

Даъватнинг дастлабки уч йили махфий равишда ўтгандан сўнг, Аллоҳ таоло Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

﴿ فَأَصْدَعْ بِمَا تُوْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴾

«Бас, ўзингизга буюрилган ишни (яъни ҳақ динга даъватни) ошкора қилинг ва мушриклардан (ҳозирча) юз ўгиринг!» (*Ҳижр*, 94), деб амр қилди. Шу кундан бошлаб, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даъватлари очик тус олди. Намозларда ҳам Қуръони каримни баланд овоз билан ўқир эдилар. Қаерда йиғилган жамоатни кўрсалар, ўша ерга бориб: “Эй одамлар,

албатта, мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ юборган элчиман. У шундай Зотки, самовот ва ер Унинг мулкидир. Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир!” деб имонга ва нажотга чақирар эдилар.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна ваҳий нозил қилиб, унда: “Қариндошларингиз ва қабиладошларингизни Аллоҳ азобидан қутқаринг!” деб буюрди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига қўйилган бу масъулиятни ҳис қилиб, Маккадаги қариндошлари ва қабиладошларини Сафо тепалигига йиғдилар ва уларга:

“Эй азизларим! Сизга, шу тоғнинг орқасидан душман отликлари бостириб келяпти, десам менга ишонасизларми?” дедилар. Ҳамма: “Ҳа, сўзингга ишонамиз. Чунки сен ёлғон гапирмайсан. Дунёда ёлғон гапирмайдиган биргина инсонсан”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга ишонар экансизлар, у ҳолда сизларни Аллоҳни бир дейишга, Унга ибодат қилишга даъват этаман. Сизлар келаётган қиёмат кунининг даҳшатидан қўрқинглар!” деб, мушрикларни астойдил Исломга даъват қила бошладилар. Ҳозиргина, биз сизни энг ростгўй одам деб биламиз, деган кишилар гапларидан тониб, ғала-ғовур кўтарди. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Абу Лаҳаб ғазаб билан ўрнидан туриб: “Эй қуриб кетгур! Бизни бу ерга шунинг учун чақирганмидинг ҳали?!” деб бақириб, у кишининг дилларига озор берди.

Шу аснода ҳам мушрикларга, ҳам бутпарастларга қарши нозил бўлган ояти карима қурайшликларнинг тоқатини тоқ қилган эди.

Бу оятда:

﴿إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنْتُمْ لَهَا وَرَدُونَ﴾

«(Эй мушриклар!) Сизлар ва Аллоҳни қўйиб сиғинаётган (бут)ларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир. Сизлар унга тушувчидирсиз!» (Анбиё, 98) деб марҳамат қилинган эди.

Қурайшликлар ғазабга тўлиб, мусулмонларга қарши қўзғала бошлади. Қабила бошлиқлари учун ҳар бир қабиланинг алоҳида бутларга сиғинишида алоҳида манфаатлар бор эди. Мусулмонликнинг ёйилиши ва одамлар бутлардан юз ўгириши қабила бошлиқлари манфаатларига зиён етказар эди. Улар аввал Ислом дининга унчалик эътибор бермай, Маккадаги кўплаб динларнинг бири деб қараган ва мусулмонларни шунчаки масхара (истехзо) қилиш

билан кифояланарди. Кейинроқ эса, бу диннинг оламшумул дин экани, уни тўхтатиб қолишмаса, катта талафотларга учрашлари мумкинлигини сезиб қолишди. Бунга қарши курашишни аввал Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мансуб бўлган қабиланинг бошлиғи, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳомийлари ва амакилари Абу Толибга шикоят қилишдан бошлашди. Абу Суфён бошчилигидаги бу гуруҳ Абу Толиб ҳузурига келиб:

“Эй Абу Толиб, сени ҳурмат қилишимиз ҳар тўғридан бизларга лозимдир. Чунки сен Қурайш қабиласи орасидаэнг улуғ ёшли, ҳам бизнинг бошлиғимизсан. Мана, қариндошингнинг ўғли Муҳаммад бизларнинг ва ота-боболаримизнинг йўлидан чиқди. Бизнинг динимизни, худоларимизни камситяпти. Ота-боболаримизни йўлдан адашганга чиқаряпти. Биз ҳам жоҳил ва аҳмоқларча яшаётган эканмиз. Сен уни бу йўлдан қайтарасан, ё уни ҳимоя қилмайсан. У билан биз ўзимиз гаплашиб оламиз!” дейишди.

Улар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз ишларини аввалгидай бажариб юрганларини кўриб, жаҳл устида яна Абу Толибга келишди ва: “Биродарингнинг ўғлини бу ишидан воз кечтирмасанг, сенга ҳам, унга ҳам ёмон бўлади. Энди сабр қилиб туролмаймиз, нима бўлса бўлсин!” дейишди.

Бу таҳдид Абу Толибни ўйлантириб қўйди. “Ўғлим, – деди Абу Толиб, – менга бу қадар оғир юкни юклама. Чунки менга ҳам қийин”.

Энди Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳдан бошқа ҳомийлари ҳам, ёрдамчилари ҳам қолмаган эди. Астойдил имонга суюнган ҳолда Абу Толибга:

“Эй амаки! Аллоҳга қасам, бу одамлар қуёшни ўнг, ойни эса чап қўлимга беришса ҳам, мен бу йўлимдан қайтмайман!” деди ўлар ва муборақ кўзларига ёш тўлган ҳолда чиқиб кетдилар. Абу Толиб ўша заҳотиёқ Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқаларидан: “Эй жияним, кел! Хоҳлаганингча иш тут! Қасам ичиб айтаман, ҳеч кимга таслим бўлиб қолишингга йўл қўймайман!” деди. Кейин Абу Толиб ҳошимийлар ва муталлибийлар қабиласини чақириб, қурайшликлардан Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимоя қилиш лозимлигини тушунтирди. Ҳамма рози бўлди, фақат Абу Лаҳаб адоватини ошкора айтиб, душман томонга ўтиб кетди.

Қурайшликлар Абу Толибга қилган мурожаатларининг бефойда эканини англаганидан кейин, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам) тўғри ўзларига мурожаат қилишни маъқул кўрди:

“Эй Муҳаммад, сенинг наслу насабинг пок, мавқе-мартабанг анча баланд. Шу чоққача араблар ўртасида ҳеч ким қилмаган ишларни қиляпсан, ҳеч ким айтмаган гапларни айтяпсан. Ўртамизга нифоқ солдинг. Айтгин-чи, нима мақсадда бундай қиляпсан? Агар мақсадинг бой бўлиш бўлса, сенга хоҳлаганингча мол-давлат бед райлик, бу атрофда сендан бойроқ одам топилмасин. Бошлиқ бўлиш орзусида бўлсанг, сени ўзимизга бошлиқ қилиб олайлик, Макканинг ҳокими бўл. Мободо, аслзода бир аёлга уйланмоқчи бўлсанг, сенга Қурайшнинг энг гўзал аёлларидан хоҳлаганингни олиб берайлик. Агар жин ва шайтонга чалинган бўлсанг, сени табибларга кўрсатайлик, токи бу дарддан фориг бўлгин. Аммо энг асосийси – сен бу даъвойингдан воз кечишинг керак!”

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга шундай жавоб қилдилар:

“Мен сизлардан бирор нарса тама қилмайман: на молу дунё, на салтанат ва на раҳбарлик. Бирдан-бир истагим бутларга сиғинишдан воз кечиб, фақат Аллоҳга ибодат қилинглар!”

Қурайшликлар: “Бизнинг уч юз олтмишта бутимиз турганда, сенинг ягона Аллоҳинг Маккани қандай қилиб бошқара оларди?” деб кетиб қолди.

Пайғамбаримизнинг бу жавоблари, азму қарорлари, мустаҳкам имонлари мушрикларни титратди. Исломнинг кундан-кунга ёйилиб бораётгани уларни хавотирга солди. Ислом бутга сиғинишни ман этгандан кейин уларнинг хусумати янада ошди. Мушриклар Абу Толибга ҳам, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам учрашиш, гаплашишдан фойда йўқ, деб хулоса чиқарди ва энди мусулмонларга, Исломга янги кирувчиларга қаршилиқ ва тазйиқ ўтказишга бел боғлади. Улар Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у кишига эргашганларни бир маҳаллага қамаб, савдототиқдан, озиқ-овқатдан кесиб қўйишди. Мусулмон болаларининг очликдан фарёд ва фиғонлари Макка кўчаларини ларзага келтирса ҳам, уларга озиқ-овқат берилмади. Иккинчи томондан улар мусулмонларни қаттиқ ҳақорат қилиб, уларни жиннига чиқаришар эди. Мўминлар бу жабру ситамларга чидамай, бошқа жойларга бош олиб кетишни ўйларди. Уларнинг бир қисмига Ҳабашистонга кетишга ижозат берилди. Бундан кўрққан мушриклар Ҳабашистон қиролидан уларни қайтаришни сўради.

Қирол муҳожирларни ҳузурига чақириб, улардан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида сўради. Насронийлар эътиқод қиладиган Исо (алайҳиссалом) ҳақидаги фикрларини сўради. Муҳожирлар бошлиғи Жаъфар ибн Абу Толиб қиролга Марям сурасидан қироат қилиб берди. Буни эшитган Ҳабашистон қироли кўзларига ёш олиб:

“Бу китоб билан ҳазрати Исога нозил бўлган китобнинг манн баи бирдир”, деб қалбида имон келтирди ва мусулмонларни ўз ҳимоясига олди.

ИСРО ВА МЕЪРОЖ ВОҚЕАСИ

Нубувватнинг ўн иккинчи йили, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккадан Мадинага ҳижрат қилишларидан олти ой аввал у кишини Аллоҳ таоло “Исро” ва “Меърож” мартабаси билан сийлади. Исро – Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кечада Қуддусдаги Масжидул Ақсога бориб, зиёрат қилиб, шу кечанинг ўзида яна Маккага қайтиб келишларидир. Бу ҳақда Қуръони каримнинг Исро сурасида:

﴿سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنْ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«(Ўз) бандаси (Муҳаммад)ни, унга мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан (Қудсдаги) Биз атрофини баракотли қилган Масжидул Ақсога тунда сайр қилдирган Зотга тасбеҳ айтилуру. Дарҳақиқат, У эшитувчи ва кўрувчидир» (Исро, 1), дейилган.

“Меърож” эса, “аҳли сунна вал жамоа” уламоларининг иттифоқ қилишларига қараганда, Пайғамбаримизнинг жисмлари билан олий оламга кўтарилиб, Парвардигорнинг қудратини ўз кўзлари билан кўриб тушганларидир.

Жаброил (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амри билан Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кеча Каъбадан олиб, Буруққа миндириб, Масжидул Ақсога олиб борди. У ерда икки ракат намоз ўқигандан кейин самога кўтарилдилар. Самода жаннатдаги, жаҳаннамдаги ҳамма нарса кўрсатилди.

Меърож ҳақида Имом Бухорий ва Имом Муслим ўз китобларида ривоят қилган ҳадисни Қози Иёз “Аш-шифо” китобида нақл

қилган. Бу ҳадисда жаноби Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар:

«Менга Буроқ келтирилди. У эшақдан баландроқ, хачирдан эса пастроқ ҳайвон бўлиб, югурганда туёғини кўзи етган жойга ташлаб сакрар эди. Унга миниб бир лаҳзада Байтул Муқаддасга етдим. Масжидга кириб, икки ракат намоз ўқиб чиқдим. Менга Жаброил бир идишда шароб, иккинчи идишда сут келтириб тутди. Мен сутни олган эдим, Жаброил: “(Соф) фитратни танладингиз”, деди. Кейин биз осмонга кўтарилдик. Биринчи осмонда мен Одам (алайҳиссалом) билан кўришдим. Иккинчи осмонда Исо ва Яҳё (алайҳимассалом) билан учрашдим. Учинчи осмонда Юсуфни (алайҳиссалом) кўрдим. Тўртинчи осмонда Идрисни (алайҳиссалом), бешинчисида Ҳорунни (алайҳиссалом), олтинчисида эса Мусони (алайҳиссалом) зиёрат қилиб, дуоларини олдим. Еттинчи осмонда Иброҳимни (алайҳиссалом) Байтул Маъмурга суяниб турганларини кўрдим. Унга ҳар куни етмиш минг фаришта кириб, зиёрат қилиб кетар экан. Сўнг “Сидратул мунтаҳо” дарахти ёнига келдим. Аллоҳнинг амри билан бу дарахт шундай гўзал ҳолга келган эди, уни таърифлашдан инсон тили ожиз эди. Аллоҳ шу ерда менинг умматимга эллик вақт намозни фарз қилди. Мен Мусонинг ёнига тушдим ва умматимга буюрилган фарз амални айтдим. Мусо (алайҳиссалом): “Умматингиз бу амални бажаролмайди, Аллоҳдан енгиллатишини сўранг”, деб қайтарди. Мен Мусо (алайҳиссалом) билан Аллоҳ ўртасида чунон қатнадим, ниҳоят Аллоҳ деди: “Эй Муҳаммад, сизнинг умматингиз учун ҳар кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилдим ва уни эллик вақт ўрнида қабул қиламан”. Мусо (алайҳиссалом) яна мени қайтарди. Мен энди Аллоҳдан ҳаё қиламан, деб беш вақт намознинг фарзлигига рози бўлдим».

Меърож ҳодисасига мушриклар мутлақо ишонмади. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) устиларидан кула бошлашди ва синаб кўрмоқчи бўлишди. Улар Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Масжидул Ақсонинг ичига ўрнатилган устунлар нечта экани, Шомдан Маккага қайтаётган Қурайш карвони қаерга етиб келганини айтиб беришларини сўради.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Масжидул Ақсонинг етгита устунни бор бўлиб, намоз ўқиётганларида ўнг томонларида тўртта, чап томонларида учта устун бўлганини айтиб бердилар. Масжидул Ақсони кўрган кишилар бу гапни тасдиқлади. Карвон ҳақидаги саволга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Карвоннинг бир бўлагини мен Зажъон деган жойда учратдим. У ҳозир Танъим тоғидан пастга тушиб келмоқда. Карвон кун чиққан вақтда Маккага кириб келади. Олдида кулранг туя бошлаб келмоқда”, деб жавоб бердилар.

Бу гапни эшитган кишилар карвонни кутиб олиш учун Макка ташқарисига жўнади. Бир томондан “ана, кун чиқди”, иккинчи томондан “ана, карвон кўринди”, деб бақиришди.

Мўъжизага ўз кўзлари билан гувоҳ бўлиб турган бўлишса-да, Қурайш мушриклари Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларига ишонишмади. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) устиларидан кулиб:

“Бунинг ишонган одами Абу Бакрга айтайлик, дўстининг асл башарасини кўриб қўйсин”, деб Абу Бакрга етказишди. Абу Бакр (розияллоҳу анху):

“Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деган бўлсалар, сўзсиз ишонаман. Чунки у зот ёлғон гапирмайди”, деди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишининг садоқатларини юксак баҳолаб, “сиддиқ” деб ном бердилар.

Маккада Исломни қабул қилганлар сони ҳазрат Умар ибн Хаттоб билан қирқ кишига етди. Мусулмонларга турли йўллар билан озор берувчилар сони эса кўп эди. Улар орасидан мусулмонларга энг кўп азият берганлари: Абу Лаҳаб ва унинг хотини, Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Ҳакам ибн Абул Ос, Уқба ибн Абу Муъайт, Абу Бухтарий, Асвад ибн Абдуяғус, Асвад ибн Муттолиб, Надр ибн Ҳорис, Умайя ибн Халаф, Мунаббих, Ос ибн Воил, Асвад ибн Абдул Асад, Абу Қайс, Соиб, Осим ибн Саид, Ҳорис ибн Қайс, Ос ибн Ҳишомлар эди.

Улар мусулмонларга масхара назари билан қарашар, Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрганда: “Мана ўша кўқдан хабар берадиган, ўзига турли сирлар очилаётганини даъво қиладиган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ”, деб бир-бирларига кўрсатиб кулишарди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мушрикларнинг тазйиқидан қаттиқ қийналган мусулмонларга Ясрибга кетишлари учун изн бердилар. Шундай қилиб, нубувватнинг ўн учинчи йили муҳаррам ойида Ясрибга ҳижрат бошланди. Имонларини сақлаб, молу мулк ва яқинларидан ажраб Ясрибга сафар қилган мусулмонлар “муҳожирлар”, уларга уй-жой бериб, қалби очиклик қилган ясрибликлар эса “ансорлар” дейилди.

ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) ҲИЖРАТЛАРИ

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижратга шошилмадилар. Ўзлари билан Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) ва Алини (розияллоҳу анҳу) олиб қолдилар. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Ясрибга ҳижрат қилиш учун ижозат сўраганларида:

“Сабр қилинг, балки Аллоҳ сизга бир ҳамроҳ бериб қолар”, деб Абу Бакрнинг (розияллоҳу анҳу) сафарини орқага сурдилар.

Абу Жаҳл ва унинг шериклари Ислом Маккадан ташқарига тарқалиб, Ясриб аҳолиси орасида кенгайиб кетаётганидан жуда қўрқар эди. Бунинг устига мусулмонлар Ясрибга ҳижрат қилаётгани, уларни ясрибликлар эски қадрдонлардек, меҳмоннавозлик билан қучоқ очиб кутиб олишаётганини эшитганларидан кейин, агар Муҳаммад ҳам Ясрибга кетиб қолса ва у ерда мусулмонларни бирлаштириб, уларга ўзи бошчилик қилса, бу душманни кейин енгиб бўлмайди, катта хавф-хатарга қоламиз, Макка тижорати учун Шом йўли ҳам бекилади, деган ваҳима мушрикларни чулғаб олди.

“Муҳаммад кучайяпти, бутун атроф унга ишоняпти, бу катта таҳликадир, уни ўлдириб, бу таҳликанинг олдини олайлик”, дейишди.

Мушриклар маслаҳатга тўпланиб, Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай усул билан йўқотиш устида бош қотиришди. Уларга Абу Жаҳл бундай маслаҳат берди:

“Қурайш қабиласининг ҳамма уруғларидан биттадан одам танланади. Улар кескир қиличлар билан қуролланиб, бир пайтда Расули акрамга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳужум қилади ва барабар зарба билан ўлдиради. Ким ўлдиргани аниқ бўлмагач, ҳошимийлар даъво қилолмайди ва дия (хун ҳақи) олиш билан кифояланади”.

Абу Жаҳлнинг бу таклифи бир овоздан қабул қилинди. Мушриклар Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларини ўраб олди. Жаброил (алайҳиссалом) бу воқеадан Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хабардор қилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазрат Алини (розияллоҳу анҳу) чақиртириб, унга:

“Мен Мадинага кетяпман. Бу омонатларни эртага эгаларига топшириб, мендан кейин бу ерда қолмасдан, сен ҳам йўлга чиқ! Бу

кеча менинг ўрнимга кириб ёт! Менинг ёпинчиғим билан ўран!» дедилар. Кейин шу кеча хоналаридан чиқиб, Ёсин сурасидан:

﴿وَجَعَلْنَا مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا فَأَغْشَيْنَاهُمْ فَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ ﴿٩﴾﴾

«Ва биз уларнинг олдиларидан ҳам, орқаларидан ҳам бир тўсиқ-парда қилиб, ўраб қўйдик. Бас, улар кўра олмайди» (Ёсин, 9), ояти каримани ўқиб, ердан бир сиқим тупроқ олиб, мушрикларнинг устиларидан сочдилар ва уларнинг олдидан ўтиб кетдилар. Абу Бакр Сиддиқнинг (розияллоҳу анҳу) уйига бориб, пиёда Маккадан чиқиб кетишди.

Шу кун икковлон пиёда юриб Савр тоғидаги ғорга етиб боришди. У ерда бир неча кун туришди. Қурайш кофирлари Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чиқиб кетганларини билрганидан кейин, чор атрофга одам юбориб, у кишини излай бошладди. Қидирувчилар ғорнинг оғзигача борди. Аллоҳ таоло уларни ғор ичига киришдан йироқ қилди. Ҳолбуки, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) уларни кўриб туришган эди. Ҳаттоки Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) бир оз кўрқди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Бакрга: «Кўрқманг, Аллоҳ биз билан биргадир», дедилар.

Эртасига дунёдаги энг содиқ икки дўст, бир неча кундан буён Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) сафарга тайёрлаб, боқиб турган туяларга миниб, биргалашиб Ясриб томонга қараб жўнаб кетишди. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيُثْبِتُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرِجُوكَ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَكْرِينِ ﴿٣٠﴾﴾

«Кофир бўлганлар сизни асир олиш ё ўлдириш ёки (юртдан) чиқариб юбориш учун макр қилганларини эсланг! (Улар) макр қилади, Аллоҳ ҳам “макр” қилади. Аллоҳ макр қилувчиларнинг яхшисидир» (Анфол, 30).

Маккадан Мадинага юрадиган карвон қумликлар ва тоғлар орасидан ўтади ҳамда бир неча кунга чўзилади. Шунинг учун улар турли қишлоқларда қўниб ўтади. Масалан: Маккадан чиққан карвон Саниятул Ғазол, Кадид, Халис, Ғуддид, Кулийя, Жўҳфа, Бадр, Равжо ва Зулҳулайфа қишлоқларини босиб, сўнг Ясрибга кириб келарди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳамроҳлари билан карвон йўлида мушрикларга дуч келиб қолмаслик, уларни чалғитиш учун, карвон йўлини баъзи жойларда кесиб ўтиб, занжир ҳосил қилиб сафар қилдилар. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафар йўллари аввал Ясрибга қарама-қарши тарафга, яъни Савр тоғига бўлди. У ердан Ҳудайбийяга бордилар, Батни Мурра яқинида карвон йўлини кесиб ўтиб, Асфон яқинидан ўтдилар. Карвон йўлини яна Амаж қишлоғи яқинида кесиб ўтиб, Умму Маъбад чодирига етдилар. Қарама-қарши карвон йўлини кесиб ўтиб, Саниятул Мурра қишлоғига ва у ердан бир неча кичик-кичик қишлоқлар оралаб, Қубога етиб бордилар.

Ясрибга аввалроқ ҳижрат қилган муҳожирлар ва уларга ғам-хўрлик қилган ансорлар шаҳар ташқарисига чиқиб, севимли Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) интизорлик билан кутиб туришарди.

Ҳаво иссиқ, барча мусулмонлар ўзларини сояга олган эди. За-рурат билан қир тепасига чиққан бир ясриблик яҳудий узоқдан бир тўп қора кийимлилар орасида оқ либос кийган икки кишига кўзи тушди. Ясрибликлар интизор бўлиб кутаётган кишилар шулар бўлса керак, деб беихтиёр: “Эй араб эли, бахтинглар келди, иқ-болинглар очилди”, деб бақирди.

Шу куни Ясриб яқинида Шомдан қайтаётган мусулмонлар тижорат карвони Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўлиқиб қолди, уларнинг бошлиғи Зубайр ибн Аввом эди. Улар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва ҳамроҳларини кўриб: “Эй Аллоҳнинг Расули, шаҳримизга келишингиз муборак бўлсин, янгилик бўлсин”, деб икки оқ либосни икковларининг устиларига кийгазиб қўйишди.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келаётганларини эшитган мусулмонлар соя-салқиндан чиқиб келиб, у зотга пеш-воз чиқди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ясрибдан тўрт чақирим масофадаги Қубо қишлоғига келиб тушдилар. Бу кун милодий сананинг 622 йил, 20 сентябр, Рабиул аввал ойининг ўн иккиси, душанба куни эди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қубода бир неча кун қолиб кетдилар. У ерда Қубо масжидини бино қилиш учун жой ҳозирладилар. Саҳобалар билан биргаликда тош жамланди. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари мас-

жид қибласини тўғрилаб, кейин муборок қўллари билан масжид пойдеворига биринчи тошни қўйиб бердилар.

Қуръони каримда бу жой:

﴿أَمْسَجِدْ أَسِسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ﴾

«Биринчи кундан тақвога асосланган масжид» (Тавба, 108), деб зикр қилинди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жума куни қуёш чиқар пайтида юзга яқин мусулмонлар ҳамроҳлигида Ясриб шаҳри томон юрдилар. Ярим йўлга борганда пешин намозининг вақти кирди. Шу ерда мусулмонлар учун жума намози фарз бўлди ва биринчи жума намози ҳам, биринчи жума хутбаси ҳам шу ерда ўқилди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу куни ҳамду санодан сўнг: «Эй инсонлар, саломатлик пайтингизда охиратингиз учун тайёргарлик кўринглар. Билинглар, қиёмат кунда Аллоҳнинг ҳузурига таржимонсиз, воситачисиз борганингизда, Аллоҳ сизга: “Сенга менинг Расулим келиб огоҳлантирмадимми? Мен сенга мол бердим, сенга лутфу эҳсон қилдим, ўзинг учун қандай ҳозирлик кўрдинг? Нафсинг учун нима ҳозирладинг?” деб сўрайди. Шунда ўнг ва чап томонингизга қараб ҳеч нарса топа олмайсиз, сўнгра олд томонга қарайсиз, жаҳаннамдан бошқа ҳеч нарса кўрмайсиз. Шундай экан, ҳар ким ўзини, ҳаттоки яримта хурмо билан бўлса ҳам, оловдан сақласин, яхшиликлар қилсин. Уни топа олмаса, гўзал сўз билан ўзини қутқарсин. Чунки яхшиликнинг ўн баробардан юз баробаргача савоби бордир. Барчангизга Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин», дедилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмонлар билан биринчи жумани ўқиган жойларига бугунги кунда “Жумъа” масжиди деб айтилади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жума намозидан кейин Ясриб шаҳрига яқинлашдилар. Ясриб аҳлининг қалбини Аллоҳ аллақачон ҳидоятга очиб қўйган эди, Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жуда катта ҳурмат билан кутиб олишди. Каттаю кичик, эркагу аёл кўчаларга, томларга чиқиб, Санийятул Вадо тепалигида Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўзлари тушиши билан юраклари жўшиб, “Расулуллоҳ” (Аллоҳнинг расули) келди, деб севинганларидан жўр бўлиб оҳанг билан:

*“Талағал бадру алайна мин санийятил вадоғи,
 Важабаиш шукру алайна модаға лиллаҳи доғи,
 Айюҳал мабъусу фийна жиғта бил-амрил мутоғи,
 Жиғта шаррафтал Мадина, марҳабан ё хойра доғи.*

Таржимаси:


*Тўлин ой чиқди бизларга Вадо тоғининг устидан,
 Керакдур шукрини айтмоқ, бу дунё борича биздан.
 Келибсиз, хуш келибсиз, эй юбормиш Аллоҳ элчиси,
 Келиб Мадинани шарафлантирган, марҳабо, эй моҳир доғи.*

дейишар эди. Халқ Санийятул Вадо тепалигидан кўринган Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўн тўрт кунлик ойга ўхшатди. Бир-бирларини табриклашди. Ясрибда мусулмонлар сонининг кўпайишини буюк неъмат деб билдилар. Айниқса, ёш қиз болалар севинч кўз ёшлари билан:

“Биз қаҳрамонликда донг таратган Бани Нажжорнинг қизларимиз. Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз билан қўшни бўлганлари билан фахрланамиз”, дейишди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) болаларга яқин келиб: “Мени яхши кўрасизларми?” дедилар. Болалар: “Жону дилимиз билан яхши кўрамиз”, деди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам болаларнинг жавобларидан мамнун бўлиб: “Мен ҳам сизларни севаман”, дедилар.

Ҳар бир ясриблик мусулмон у кишини ўз уйига тушишларини истаб, таклиф этарди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга:

“Туяни ўз ҳолига қўйинглар, у қаерда тўхтаса, ўша ерда меҳмон бўламиз”, дедилар. Туя аста-секин юриб, ҳозирги Масжиди Наюбий қурилган жойга келиб чўкди. Бир оздан кейин ўрнидан туриб, Масжид минбари қўйилган жойга бориб чўкди ва бўкира бошлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Иншааллоҳ манзилимиз шу ердир”, дедилар ва туядан тушиб: “Бу ерга энг яқин уй кимнинг уйи?” деб сўрадилар. Ҳозирда қабрлари Истанбулда бўлган Абу Айюб Ансорий дарҳол Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яқин келиб: “Энг яқин уй менинг уйимдир, ё Расулуллоҳ”, деб юкларни кўтариб, ўз уйи томон бошлади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):



«Яна айт: “Эй Раббим! Мени бир мубороак манзилга туширгин! Сен (манзилга) туширувчиларнинг яхшисидирсан”» (Мўминун, 29), деб дуо қилдилар ва Абу Айюбнинг орқасидан юрдилар. Туя чўккан жойнинг ҳақини тўлаб, сотиб олдилар ва у ерга масжид, ёнига эса оилалари учун хужралар қуришни буюриб, ўзлари то масжид қурилгунга қадар Абу Айюбнинг уйида турдилар.

Ҳижратнинг иккинчи йили, сафар ойида масжид қуриб битказилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжид ёнида ўзлари учун қурилган алоҳида хоналарга кўчиб ўтдилар. Бу хоналар Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “азвожи мутаҳҳарот”лари учун қурилган бўлиб, улар “саодат хужралари” дейилар эди. Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) ана шу хужраларнинг бирида турган, ёш бўлса-да, Абу Бакр Сиддиқдек (розияллоҳу анҳу) улуғ саҳобанинг хонадонларида тарбия кўрган фарзанд эканини ҳар бир қадамда изҳор қилган ва Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатларини қозонишга муяссар бўлган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга яшаган тўққиз йиллик ҳаётлари давомида ваҳийга шоҳид бўлиб, кўп илм ўрганди ва саҳобалар орасида улуғ муфассирлар ва фикҳ билимдонлари қаторидан жой олди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларининг кўпчилиги деҳқонлар ва савдогарлар эди. Улар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан фақат намоз вақтларидагина кўриша оларди.

Шунинг учун масжиднинг ёнига бир суффа ҳам қилиниб, унинг усти ҳам қапа шаклида ёпилди ва у суффада фақир саҳобалар, бошпанасиз ғариблар яшай бошлади. Улар доим масжидда бўлар, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларидан ҳеч ажралмас эди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ҳам Суффа асҳобларидан эди. Улар доим Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида бўлиб, дин таълимини ўрганишар, ваҳийларни биринчи бўлиб тинглашар, Қуръон ва ҳадисни ўрганишар эди. У жой алоҳида ўзига хос мактаб бўлиб, бу мактабнинг дарсхонаси масжид, маскани Суффа, талабалари Суффа асҳоблари ва муаллими Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари эдилар. Суффа асҳоблари бутун ҳаётларини дин ва илмга

бахшида этган эди. Ислом илмларининг дастлабки мактаби шу тариқа табиий ва содда ҳолда бунёд этилди. Ўзига тўқ бўлган саҳобалар бу ерда истиқомат қиладиган толиби илмлар – “аҳли суффа”ларга қарар ва озиқ-овқатларидан хабар олиб турарди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинадан ташқари бирор ерга муаллим юбормоқчи бўлсалар, Суффа асҳобларидан бирини танлаб юборар эдилар.

Пайғамбар масжидининг қурилиши битгандан кейин масжид жамоасини жамоат намозларига чақириш муаммоси пайдо бўлди. Масжидга яқин мавзеларда яшовчи мусулмонлар намозга аввалги вақтда келиб олишар, узоқдагилар етиб келгунча кутишга мажбур бўлишар эди. Бу ҳол жамоатга оғирлик қила бошлади. Жума ва бошқа фарз намозларни ўз вақтида билдирадиган бир аломатга муҳтож бўлишди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларни машваратга йиғдилар. Баъзилар қўнғироқ чалишни, яна баъзилар карнай чалишни, учинчилари эса тепаликка олов ёқишни таклиф қилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), бу одатлар яҳудийлар, насронийлар ва мажусийларнинг одатлари эканини айтиб, маъқул кўрмадилар. Машварат аҳли, ҳозирча Билол ҳабаший баланд овоз билан: “Намозга, намозга!” деб чақириб туришига иттифоқ қилиб тарқалди. Шу кун кечаси ансорлардан бири Абдуллоҳ ибн Зайд туш кўрди ва дарҳол келиб кўрган тушини Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтиб берди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хурсанд бўлиб: “Иншааллоҳ, ҳақ туш кўрибсан. Кўрганингни Билолга айтиб тур, унинг овози сеникидан баландроқ, азонни у айтсин!” дедилар.

Билолнинг азон товушини эшитиб, Умар (розияллоҳу анҳу) ҳам Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, шундай туш кўрганини айтди. Айни шу пайтда Жаброил (алайҳиссалом) азон ҳақида ваҳий ҳам келтирган эди. Шундай қилиб, азон намоз вақти ва дин эркинлигининг аломати сифатида жорий этилди. Азон лафзлари эшитганларга Аллоҳнинг ягоналигини, Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақлигини эълон этиш билан бирга, намознинг улуғ ибодат ва нажот топишнинг асосий йўриғи эканини эслатади.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижратларигача Ясриб деб аталган шаҳар, у зот келганларидан сўнг

“Мадинатун Набий”, яъни “Пайғамбар шаҳри” ёки “Мадинатул мунаввара”, яъни “Пайғамбар келишлари билан нур олган шаҳар”, деб номланди. Бу номлар қисқартирилиб, фақат “Мадина” шаклигина қолди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келганларидан кейин, бу ерда катта ўзгариш содир бўлди. Ҳамма мусулмонлар Мадинага кўчиб кела бошлади. Илгари Макка арабларига кучли адовати бўлган Авс ва Хазраж қабилалари ёппасига мусулмонликни қабул қилиб, ҳижрат қилиб келган маккаликларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатар эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорлар ва муҳожирлар ўртасида “муохот”, яъни бир-бирлари билан “қардошлик аҳдлашуви” орқали диний биродарлик ришталарини мустаҳкамлаганларидан кейин, мадиналик мусулмонлар маккалик мусулмонларни уйларига олиб боришлари, мол-мулкларини баҳам кўришлари зарур бўлди. Бу дин қардошлиги туғишган қариндошлиқдан ҳам афзал эди. Ансорлар ҳаётлик пайтидагина муҳожирларга ёрдам кўрсатмасдан, балки ўлаётган пайтида ҳам дин қардошига меъросидан улуш бериши лозим эди. Муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги бу қардошлик Қуръони карим оятлари билан мустаҳкамланди:

﴿ إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاوُوا وَنَصَرُوا أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ ﴾

«Албатта, имон келтирган, ҳижрат қилган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида (душманга қарши) курашган ва (муҳожирларга) жой бериб ёрдам кўрсатган (мадиналик ансор) лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстдирлар» (Анфол, 72).

Мадинада Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва мусулмонларга дўст икки қабила билан бирга икки ашаддий душман тоифаси ҳам бор эди, уларнинг биринчиси Авс ва Хазраж қабиласи орасидан чиққан мунофиқлар бўлиб, бу тоифанинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келмасларидан аввал Хазраж зодагонларидан бўлган Абдуллоҳ ибн Убай қабила раислигига сайланиш арафасида эди, бу иш амалга ошмади. Икки қабила аҳли ҳам мусулмонликни қабул қилиб Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи

ва саллам) итоат қилиши ва Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўриши Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг тарафдорлари қалбида адоват, нифоқ олови кучайишига сабаб бўлди. Мунофиқлар зоҳиран мусулмонликни қабул қилган бўлса-да, қалбларида эски бутпарастлик эътиқодини сақлаётган эди.

Иккинчиси, Мадина яҳудийлари: Фаластиндан келиб қолган Бани Қурайза, Бани Қайнуқоъ ва Бани Назир номли учта қабила бўлиб, улар мунофиқлардан ҳам хавфлироқ эди.

Яҳудийлар азалдан Макка араблари билан жуда мустаҳкам савдо алоқаларини ўрнатган эди. Мадинадаги бу икки ашаддий душман кучи Исломга қаттиқ хавф-хатар солиб турарди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эҳтиёт чорасини кўриб, хавфнинг олдини олиш ва Ислом бағрикенглигини изҳор қилиш мақсадида ансорлар ва муҳожирларни бир-бирларига қандай қариндош тутинтирган бўлсалар, ансорлар билан яҳудийлар орасида “Ҳамюртлик, ватандошлик” аҳдномасини туздирдилар.

Шундай қилиб, ҳижратнинг биринчи йилида қуйидаги муҳим воқеалар содир бўлди:

1. Жума намози фарз қилинди.
2. Пайғамбар масжиди қурилди.
3. Азон машруъ бўлди.
4. Муҳожирлар билан ансорлар ўзаро дўстлаштирилди.
5. Яҳудийлар билан тинчлик аҳдномаси имзоланди.
6. Ойша онамизнинг тўйлари бўлди.

Пайғамбар масжидларидан кейин бирин-кетин Мадинада бошқа масжидлар ҳам қурила бошлади. Ҳамма масжидларнинг қибласи Қуддус тарафга қаратилган бўлиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қибланинг Каъба тарафда бўлишини жуда-жуда хоҳлардилар. Ана шундай масжидлардан бири Бани Салама уруғи масжидида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аср намозини жамоатга ўқиб бераётган эдилар. Намознинг иккинчи ракатига етганларида Аллоҳ таоло оят нозил қилди.

﴿قَوْلٍ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ﴾

«Юзингизни Масжидул ҳаром тарафга буриг!» (Бақара, 144) ояти каримаси билан Аллоҳ таоло мусулмонларнинг қибласи шу кундан эътиборан Масдижул Ҳаром томонда бўлишини буюр-

ди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мубороак юзларини Қуддус тарафдан Макка тарафга бурдилар, жамоа ҳам ўз сафларини тўғрилаб олди, аср намозининг қолган икки ракатини Масжидул Ҳаромга қараб адо қилдилар. Шу кундан эътиборан ана шу масжид – “Масжидул қиблатайн”, яъни “Икки қиблали масжид”, деб ном олди.

Бу воқеа ҳижратнинг иккинчи йилида содир бўлиб, биринчидан, мусулмонларнинг яҳудийлар ва насронийлардан иборат аҳли китоблар билан “қибла бирлиги” бузилган бўлса, иккинчидан яқинда Макка мусулмонлар томонидан фатҳ этилишига, Ислом юксак даражада равнақ топишига қатъий ишора ҳам эди.

Ҳижратнинг биринчи йилида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмонлар билан яҳудийлар орасида “хамюртлик” аҳдномасини туздирган бўлсалар-да, бу аҳдномага амал қилишни яҳудийлар истамаётган эди.

Бунинг устига тижорат ҳамкорлари бўлган маккалик зодагонлар кетма-кет одам юбориб, яҳудийларни мусулмонларга қарши гижгижлашар, агар мусулмонлар кучайиб кетса, Мадина орқали Шомга ўтадиган тижорат йўллари бекилиб қолишини айтиб қўрқитишар, шунинг учун мусулмонларни ҳали кучаймасдан йўқ қилиш, имкон топилган вақтда ўлдиришга тезлар эди. Шу сабабли мусулмонларнинг ҳижратдан кейинги дастлабки йиллари хавфу хатар билан ўтди. Кечалари навбатчилик қилиб, мижджа қоқмай ўтиришарди. Шунинг учун Мадина атрофини қўриқлаш мақсадида мусулмонлардан биринчи посбонлар гуруҳи тузилди ва унга бошлиқ этиб Абдуллоҳ ибн Жаҳш тайинланди.

Яҳудийлар ва мунофиқлардан ҳар сонияда эҳтиёт бўлиш лозим эди. Бунинг устига қибланинг Масжидул Ҳаромга ўзгариши Ислом душманлари – яҳудийлар, мунофиқлар, мушрикларнинг ғаламислигини оширди, адоватини кучайтирди. Натижада мусулмонлар Ислом душманларига қарши бир неча бор катта-кичик урушлар олиб борди. Аслида, мусулмончиликка мажбуран эмас, даъват, амру маъруф ва наҳйи мункар билан одамларни, қабилаларни, миллатларни жалб қилишга Аллоҳ буюрган эди. Саҳобалар мушрикларга ҳужум қилиш, зарба бериш учун Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ижозат сўради. Аммо Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Биз бунга буюрилмадик”, деб рухсат бермаган эдилар. Аммо мушриклар, мунофиқлар ва яҳудийларнинг тажовузкорликлари ҳаддан ошиб

бориши, бир-бирлари билан мусулмонларга қарши ўзаро ёрдамлашишга аҳдлашувлари, мусулмонлар билан қилган аҳдларини бузганларидан кейин, Аллоҳ таоло мусулмонларга ҳам мудофаа учун жанг қилишга изн берди:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُدْفِعُ عَنِ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ﴾ ﴿٣٨﴾ أُذِنَ لِلَّذِينَ يُقْتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴿٣٩﴾

«Албатта, Аллоҳ имон келтирганларни мудофаа қилур. Албатта, Аллоҳ барча хоин ва ношукрларни суймас. (Мушриклар томонидан) ҳужумга учраётган (мусулмон)ларга, мазлум бўлганликлари сабабли, (жанг қилишга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир» (Ҳаж, 38–39).

Жанобимиз Муҳаммад (алайҳиссалом) Мадинада 10 йилдан ортиқ илоҳий вазифаларни адо этдилар. 12 йил Маккада жами сал кам 23 йил мобайнида пайғамбарлик фаолиятларини олиб бордилар.

Оламларга раҳмат бўлиб келган зот 632 йил душанба куни дорулфанодан дорулбақога риҳлат қилдилар. Пайғамбар (алайҳиссалом) қамарий йил ҳисоби бўйича салкам 63, шамсий йил ҳисобида эса 61 ёшда оламдан ўтганлар (ул зотга Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин).

Аллоҳ таолонинг мукаррам бандаси, башарият ичида энг азизу мукаррами бўлган Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлик бурчларини жуда қисқа муддат ичида, аъло даражада адо этиб улгурдилар. Бироқ шу қисқа вақт ичида олдин ўтган барча пайғамбарларга нисбатан жуда оғир, мураккаб, азобуқубатли йўлни босиб ўтдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аввало, Аллоҳнинг бандаси, шу билан бирга савдогар, ибратли оила бошлиғи, мушриклар таъқибига учраган муҳожир, моҳир нотик, сўзи таъсирли воиз, адолатли қози эдилар. Кўп нарсадан хабардор аллома, етук саркарда, машҳур давлат арбоби, ҳатто, подшо бўла олган, инсу жинга юборилган пайғамбар эдилар.

Ул зотдан башариятга, махлуқоту мавжудотга зулматдан ёруғликка, залолатдан ҳидоятга олиб чиқувчи икки буюк нур қолди. Бири Аллоҳнинг каломи – илоҳий ваҳий бўлмиш Қуръони карим, иккинчиси ул зотнинг суннатлари – инсониятга фойдали ҳикматларга тўла ҳадислари – васиятларидир.

ҲИКМАТЛАР СОҲИБИ ҲАҚИДА

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтдилар: “Мен қиёмат қойим бўлган кунда Одам фарзандларининг энг улуғиман, (бу билан) фахрланмайман, икки қўлимда ҳамду сано байроғи юқори кўтарилган бўлади, (бу билан ҳам) фахрланмайман, ана шу кунда Одамдан бошлаб барча пайғамбарлар менинг байроғим остига жамланишгай ва қабри биринчи очиладиган ҳам, биринчи шафобат қилувчи ҳам ва биринчи шафоати қабул қилинадиган ҳам мен бўламан (булар билан фахрланмайман)” (*Имом Термизий ва Имом Аҳмад ривояти*).

Бу ҳадиси шарифда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунё аввалидан бошлаб афзал ва улуғ банда экани айтилмоқда. Қиёмат кунда Одам болаларининг саййидиман, дейишлари ҳам у зотнинг нафақат бу дунёда балки, охиратда ҳам башариятнинг саййиди бўлишларини ҳадисда зикр қилмоқдалар.

Қиёмат кунда Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларида ҳамд байроғи бўлиши ҳадисда таъкидланмоқда. Бу эса, “Мен катта шафоатни қилганимда аввалгию охирги халойиқ менга мақтов айтади”, деганидир.

Бу гапларни Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фахрланиш ёки мақтаниш учун айтаётганлари йўқ, балки ҳақиқат шудир. Бу эса, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиёмат кунда энг улуғ ва шарафли банда эканликларини кўрсатади.

Ҳадис давомида “Қабри биринчи очиладиган ҳам менман”, дедилар. Қиёматдан олдин дунё пайдо бўлгандан бошлаб то ўша пайтгача бўлган барча халойиқ қабрда бўлиши маълум. Ўша қабрдагилар ичидан биринчи тирилтириладиган зот уларнинг энг афзали эканибилинади. Мана шу улуғ зот Муҳаммаддир (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Бу сўзларнинг ҳеч бирида ғурур ва кибр бўлиши мумкин эмас. Чунки Қуръони каримда у зотнинг ҳаводан олиб гапирмаслиги собит бўлган.

Абдуллоҳ ибн Аббос (Аллоҳ улардан рози бўлсин) айтади: Бир кун Расулulloҳ (алайҳиссалом) саҳобалар пайғамбарларнинг қай бири афзаллиги ҳақида баҳслашаётганларини эшитиб қолдилар ва айтдилар:

“Мен сизларнинг баҳсингизни эшитдим... Албатта, Иброҳим Аллоҳнинг дўсти, бу тўғри, Мусо Аллоҳнинг сирдоши, бу ҳам

тўғри, Исо Рухуллоҳ ва Аллоҳнинг калимаси, бу ҳам тўғри, Одам Аллоҳнинг ердаги халифаси, бу ҳам тўғри. Лекин, эй саҳобаларим! Билинглар, мен Аллоҳнинг (улардан кўра) энг суюклигиман, (аммо) фахрланмайман, қиёмат кунида ҳамду сано байроғини баланд кўтарган мен бўламан, (аммо) фахрланмайман ва мен қиёмат куни биринчи бўлиб шафоат қилувчи ва биринчи бўлиб шафоати қабул қилинадиган кишиман, (аммо) фахрланмайман, жаннат эшигини биринчи қоқадиган менман, шунда мен учун Аллоҳ тало жаннат эшигини очади ва мени жаннатга дохил қилади, мен билан мўминларнинг фақирлари бирга (киради), (аммо) фахрланмайман, аввалгилар ва охиргилар барчасининг энг мукаррами ўзимман, (аммо бунга ҳам) фахрланмайман” (Имом Термизий ривояти).

Пайғамбарларнинг бир-бирларидан фазли эканини Аллоҳ талонинг ўзи хабар берган. Бу ҳақда:

﴿ تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُمْ مَّنْ كَلَّمَ اللَّهُ ۗ وَرَفَعَ بَعْضُهُمْ دَرَجَاتٍ ۗ وَآتَيْنَا عِيسَىٰ ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيِّنَاتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْنَا الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ وَلَكِنْ اٰخْتَلَفُوا فَمِنْهُمْ مَّنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَّنْ كَفَرَ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْتُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ۝۲۵۳﴾

«Ўша пайғамбарларнинг баъзиларидан баъзиларини афзал этдик. Улар ичида (Мусо каби) Аллоҳ (у билан) гаплашгани ва (Муҳаммад каби) даражасини (бошқа пайғамбарлардан) юқори қилгани бор. Марямнинг ўғли Исога мўъжизалар бердик ва уни Рухул Қудус (Жаброил) билан қувватладик. Агар Аллоҳ хоҳлаганида эди, (одамлар) пайғамбарлар (юборилгани)дан кейин, уларга ҳужжатлар келгач (ўзаро) уришишмаган бўлур эди. Аммо улар ихтилоф қилди. Улар орасида имон келтирганлари ҳам, куфрга кетганлари ҳам бор. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, (улар) уришишмаган бўлур эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилур»(Бақара, 253-оят).

Ояти каримадан маълум бўлади, баъзи пайғамбарлар баъзиларидан афзалдир. Уларнинг фазллари ўзларининг муҳитларига қараб турлича бўлади. Масалан, баъзи пайғамбарлар бир қабилага, бошқалари бир авлодга, яна бирлари бир умматга, баъзилари эса барча умматларга ва барча авлодларга юборилгандир.

Ояти карима тўғридан-тўғри Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига хитоб бўлаётгани учун у зотнинг фазллари зикр этилмади. Пайғамбарлар ичида Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) назар соладиган бўлсак, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг олий даражада турадилар. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлиги бошқа пайғамбарларга ўхшаб бир миллат, бир авлод ёки бир наслга эмас, балки барча миллатларга, барча авлодларга ва барча наслларга тегишли бўлиб, бу рисолат қиёмат кунига қадар давом этади.

У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарликлари тўлиқ, ҳеч қандай камчиликсиз ва кишиларга икки дунё саодатини берувчи пайғамбарликдир. Шунинг учун ҳам у зотдан кейин ваҳий келмайди. Шунинг учун ҳам у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рисолати ўзидан олдинги барча дин ва рисолатни мансук қилади.

Аллоҳнинг салавати ва саломи сизга бўлсин, эй Саййидимиз, эй Расулulloҳ!

Аллоҳ таоло айтди:



«Сизларнинг (суҳбатдош) биродарингиз залолатга кетгани ҳам йўқ, йўлдан озгани ҳам йўқ» (Нажм, 2).

Маккаликлар, Қурайш аҳли ўзларининг биродарлари Муҳаммад (алайҳиссалом) келтирган динни, бутун инсониятга то қиёматга қадар турадиган ҳақ динни қатъиян рад этибгина қолмай, у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “адашган ва ақлдан озган мажнун” дея айблади. Уларнинг бундай айбловларига Ҳақ таоло: “Йўқ, у Муҳаммад адашган эмас, эс-хушидан айрилиб қолгани ҳам йўқ, у тўғри йўлда, балки ўзларинг залолатда юрган, ҳақ ноҳақни ажрата олмайдиган жоҳилу нодонсиз”, дея жавоб беради юқоридаги ояти каримада.

Аллоҳ таоло «(Яна у Қуръонни) хомхаёлдан олиб сўзлаётгани йўқ» дея, тилингиз (сўзингиз)ни поклади.


Пайғамбар (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло ва унинг шарияти ҳақида ёки охират билан боғлиқ воқеалар ҳақида нима деган бўлсалар, албатта, ҳақни гапирганлар, чунки у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз ичларидан тўқиб эмас, балки Аллоҳ берган илм билан сўзлаганлар.



«Унга (тиловатни) мустаҳкам қувватга эга бўлмиш зот (Жаброил) таълим берди» дея (Нажм, 5) суҳбатдошингизни поклади:

Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) суҳбатдошлари, Қуръон илмини ўргатадиган муаллимлари Жаброил (алайҳиссалом) эдилар. Аллоҳ таоло Ўзи билан Пайғамбар (алайҳиссалом) ўртасида элчилик қилишдек буюк вазифани адо этишни соҳиби қудрат дея сифатлаган Жаброил исмли машҳур фариштага юклаган эди.


Ва кўнглингизни улуғлади:



«Кўрган нарсасида қалби ёлғончи бўлмади». (Кўзи билан Жаброилни ёки қалби билан Аллоҳни кўрди) (Нажм, 11).

Яъни, Жаброилни (алайҳиссалом) асл суратида кўриб, Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўнгиллари ҳам қаноатланди ва у Аллоҳ таоло томонидан тайин қилинган вакил, элчи эканига ишондилар. Ёки Пайғамбар (алайҳиссалом) Меърож кечасида ғайб оламининг кўпгина сир-асрорига шоҳид бўлдилар, кўзлари билан кўрдилар. Шу кўрган нарсаларга чин қалбларидан ишондилар, уларнинг ҳақлигига заррача ҳам шубҳаланмадилар.


Ва кўзингизни ҳам поклади:



«(Пайғамбарнинг) кўзи (четга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ» (Нажм, 17). Пайғамбар (алайҳиссалом) Меърож кечасида чексиз олам,илоҳий даргоҳга чиққанларида фақат Аллоҳ таоло изн берган нарсаларгагина қарадилар.

Ҳар бир нарсани кузатиб, билиб тургувчи Алим Зот Аллоҳ таоло бу ҳолатни билди, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) камтарона кўз қарашларини кўрди ва албатта, биз уммати Муҳаммадияга бунинг хабарини берди.


Ва қалбингизни поклади:



«(Эй Муҳаммад!) Кўксингизни (илму ҳикматга) кенг очиб қўймадикми?!» (Шарҳ, 1).

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммадга (алайҳиссалом) берган неъматларидан бирини эслатиб айтади, биз сизнинг кўнглингизни шу даражада кенг қилиб қўйдикки, у барча маънавий, улкан ҳидоятни ичига сиғдира олди. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўнгиллари бамисоли ҳикмат булоғи эди.

Ва хулқингизни поклади:



«Албатта, сиз буюк хулқ узрадирсиз» (Қалам, 4).


Аллоҳ таоло ушбу муқаддас хитоби билан Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад (алайҳиссалом) нақадар чиройли, гўзал ахлоқ эгаси эканларини таъкидламоқда.

Бу ояти каримани шарҳлаб Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилади: Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳақларида бундай деган: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч қачон на қўл остидаги ходимни ва на хотинни урмаганлар. Жиходдан бошқа жойда ҳеч нарсани қўллари билан урмаганлар. Икки ишдан бирини танлайдиган бўлсалар, гуноҳ бўлмаса, албатта, осонини танлардилар. Агар гуноҳ иш бўлса, ундан узоқда бўлардилар. Ўзлари учун ҳеч қачон ўч олмаганлар. Магар Аллоҳ ҳаром қилган нарсалар содир қилинсагина, Аллоҳ учун интиқом олганлар”.

Ойша онамиздан Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) хулқлари ҳақида сўрашганда: “Хулқлари Қуръон эди”, деб жавоб берган, яъни Муҳаммад (алайҳиссалом) Қуръондаги барча олий хулқлар билан хулқланганлар, яхши одоб-ахлоқни ўзларига сингдирган эдилар.

Аллоҳ таолонинг юқоридаги ояти каримаси у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун катта баҳодир.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган:



«(Эй имон келтирганлар!) Сизлар учун – Аллоҳ ва охираат кунидан умидвор бўлган ва Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбариди гўзал намуна бордир» (Аҳзоб, 21).

Эй Саййидимиз, Набийимиз! Исро кечасида барча пайғамбарларга имом бўлдингиз, Байтул Мақдис (Қуддуси шариф)да бўлган

пайтингизда сизга ва умматларингизга Аллоҳнинг берган неъматларини сўзлаб, (қуйидагича) енгил хутба қилдингиз:

“Аллоҳга ҳамд бўлсин, мени оламлар учун раҳмат қилиб юборди, барча одамлар учун (жаннатдан хабар бериб) севинтирувчи, (дўзахдан) огоҳ қилувчи этиб юборди, (Аллоҳ менга) ҳар бир нарса ҳақида тушунчани ўз ичига олган Қуръони каримни нозил қилди ва умматимни ўрта уммат қилди, умматимни (қиёмат кунида) аввалги уммат, (фоний дунёда эса) охириги уммат қилди ва менинг кўксимни (имон-этиқод учун) кенг қилиб қўйди, оғир юкимни енгиллатди, номимни баланд қилди, мени (охиратда жаннатни) очувчи (дунёда пайғамбарликка) яқун ясовчи қилди”.

Энг покиза ва улуғ салавот-саломлар сизга, аҳли байтингизга ва саҳобаи киромларингизга бўлсин, ё Расулуллоҳ!

БИРИНЧИ ВАСИЯТ

عن الحارث الأشعري رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: إن الله تبارك وتعالى أمر يحيى بن زكريا بخمس كلمات أن يعمل بها ويأمر بني إسرائيل أن يعملوا بها وأنه كاد أن يُبطئ بها فقال له عيسى: «إن الله أمرك بخمس كلمات أن تعمل بها وتأمر بني إسرائيل أن يعملوا بها فإما أن تأمرهم وإما أن أمرهم» فقال يحيى: «أخشى إن سبقتني بها أن يُخسَفَ بي أو أُعَذَّبَ» فَجَمَعَ النَّاسَ فِي بَيْتِ الْمَقْدِسِ فامتلأ المسجدُ وقعدوا على الشُّرفِ فقال: «إن الله أمرني بخمس كلمات أن أعملَ بهنَّ وآمركم أن تعملوا بهنَّ، أوْلِهِنَّ: أن تعبدوا الله ولا تشركوا به شيئاً فإنَّ مَثَلَ مَنْ أشرك بالله شيئاً كمثل رجل اشترى عبداً من خالص ماله بذهب أو ورق فقال: «هذه داري وهذا عملي فاعملْ وأدِّ إليَّ» فكان يعمل ويؤدِّي إلى غير سيده فأئكم يرضى أن يكون عبده كذلك؟! وإن الله أمركم بالصلاة فإذا صليتم فلا تلتفتوا فإنَّ الله ينصب وجهه لوجه عبده في صلاته ما لم يلتفتْ وآمركم بالصيام فإنَّ مَثَلَ ذلك كمثل رجل في عصابة معه صُرَّةٌ فيها مسك كلهم يعجب - أو يعجبه - ريحها وإنَّ ريح الصائم أطيب عند الله من ريح المسك وآمركم بالصدقة فإنَّ مَثَلَ ذلك كمثل رجل أسره العدو فأوثقوا يديه إلى عنقه وقدموه ليضربوا عنقه» فقال: «أنا أفدي نفسي منكم بالقليل والكثير ففدى نفسه منهم وآمركم أن تذكروا الله فإنَّ مَثَلَ ذلك كمثل رجل خرج العدو في أثره سراعاً حتى إذا أتى على حصن حصين أحرز نفسه منهم وكذلك العبد لا يُحرز نفسه من الشيطان إلا بذكر الله» وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «وأنا أمركم بخمس كلمات الله أمرني بهنَّ: السَّمْعُ والطاعةُ والجهادُ والهجرةُ والجماعةُ فإنه من فارق الجماعة قِيدَ شِبْرٍ فقد خلعَ رِبْقَةَ الإسلامِ من عُنُقِهِ إلا أن يُراجعَ ومن دعا دعوى الجاهلية فإنه من جُتِيَ جهنم» فقال رجل: «يا رسول الله وإن

صام وإن صَلَّى؟“ قال: ”وإن صام وإن صَلَّى فادعوا بدعوى الله التي سماكم المؤمنین
عباد الله“ (الترمذی وابن خزيمة وابن حبان والحاكم والنسائی وأبو يعلى)

Ҳорис Ашъарий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Закариё (алайҳиссалом) ўғли Яҳёга (алайҳиссалом) беш нарсага амал қилишни ва Бани Исроилни ҳам шу беш нарсага амал қилишга чақиришни буюрди. Яҳё (алайҳиссалом) бу ишни сал ортга сургандек бўлганди, Исо (алайҳиссалом) у зотга: “Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сизни беш нарсага амал қилишга ва Бани Исроилни ҳам шу беш нарсага амал қилишга чақиришингизга буюрди, буни уларга сиз буюрасиз ёки мен буюраман”, деди. Яҳё (алайҳиссалом): “(Йўқ,) Агар (мен қолиб) уларни бунга сиз буюрсангиз, мени ерга юттириб юборишидан ёки бирор азобга гирифтор қилишидан қўрқаман”, деб, одамларни Байтул Мақдисга тўплади, масжид одамларга лик тўлди ва ҳатто одамлар айвонга ҳам ўтирди. Яҳё (алайҳиссалом) Аллоҳга ҳамд-санодан сўнг: “Аллоҳ таоло мени беш нарсага амал қилишга ва сизларни ҳам шу беш нарсага даъват этишимни буа юрди. Улардан биринчиси ёлғиз Аллоҳга, Унга ҳеч нарсани шерик қилмай ибодат қилмоқлигингиз, чунки Аллоҳга ширк келтирган кишининг мисоли, бир киши мисолидек, у киши ҳалол топган олтин ёки кумуш эвазига бир қул сотиб олди ва айтди: Бу менинг ерим, мана бу қиладиган ишим, энди буни сен қил ва ҳаққини менга бер. Бу қул шу ишни қилиб, фойдасини хожасига эмас, бировга берса, қай бирингиз қулини шундай қилишига рози бўласиз, албатта, норози бўласиз. Бас, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинг, Унга ҳеч нарсани шерик қилманг!

Яна, Аллоҳ сизларни намоз ўқишга буюрди, агар намоз ўқисангиз (ўнг ёки чапга) юзингизни бурманг, чунки банда намоз ўқиган пайтда юзини бурмаса, Аллоҳ унга юзланиб туради.

Аллоҳ сизларни рўза тутишга буюрди. Бунинг мисоли шуки, бир киши бир жамоа ичида кетяпти, унинг мушк-анбар тўла ҳамёни бор. Барча унинг ҳидидан баҳра олишни истайди. Албатта (биллингларки), рўзадорнинг оғзидан келадиған ҳид Аллоҳ наздида мушк-анбардан ҳам хушбўйроқ.

Яна, Аллоҳ сизларни (молларингиздан) садақа беришга буюрди, чунки бунинг мисоли бир киши мисолидек, уни душман асирга олиб, икки қўлини гарданига боғлаб, бошини танасидан жудо

қилмоқчи бўлиб туришганда, у бор будини уларга бериб, жонини қутқариб қолди.

Аллоҳ сизларни зикрга, яъни Аллоҳни кўп эслашга буюрди, бунинг мисоли бир киши мисолидек, уни даҳшатли душман измаиз қувиб бораётганда у мустаҳкам бир қўрғонга яшириниб оладида, жонини сақлаб қолади. Худди шунга ўхшаб киши ўзини шайтон ёмонлигидан Аллоҳни эслаш билан сақлаб қолади”.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Мен ҳам сизларни (эй саҳобаларим), Аллоҳ менга буюрган беш нарсага буюраман: эшитиш ва итоат этишга, ўз нафсига жиҳод қилишга ва ҳижрат қилишга (яъни, гуноҳ ва маъсият ишлардан савоб ва маъруф ишларга юзланишга) ва жамоат (кўпчилик)ни лозим тутишга. Чунки ким жамоатдан бир қарич узоқлашса (ажралса), токи яна (Исломга) қайтгунича гарданидаги Ислом арқонини улоқтирибди (яъни, мусулмонликдан чиқибди). Ким жоҳилият (яъни Исломга зид) иддаосини қилса, бас, у жаҳаннам ўтида (ёнади)”.

Бир киши (Расулulloҳдан) сўради: “Рўза тутса ва намоз ўқиса ҳамми, ё Расулulloҳ?” Ул зот жавоб бердилар: “Ҳа! Гарчи рўза тутиб намоз ўқиса ҳам. Шунинг учун, ё Аллоҳ бандалари, сизларани “мўмин ва мусулмонлар” деб номлаган Аллоҳнинг даъватини (яъни Каломини ва ундаги даъватларини) ҳақ деб билинлар!” (Имом Термизий, Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Насоий ва Абу Яъло ривояти).

Ҳадиси шарифда айтилган Яҳё (алайҳиссалом) Қуръони каримда зикри келган йигирма бешта пайғамбардан бири бўлиб, Закариёнинг (алайҳиссалом) ўғлидир. Закариё (алайҳиссалом) кекса ёшга етганда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан у покиза зурриёт тилаб:

﴿ رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً إِنَّكَ سَمِيعُ الدُّعَاءِ ﴾

«Раббим, менга (ҳам) Ўз ҳузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчидирсан» (Оли Имрон, 38), деб айтган дуосини ижобат қилди.

﴿ يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لَا تَتَّبِعُوْا الصَّوْتِ الَّذِيْ يَنْزَعُ رِيَّاۗءًا اِنَّا نَبْشُرُكُمْ بِغُلَامٍ اَسْمُهُ يٰحْيٰى لَمْ نَجْعَلْ لَهُ مِنْ قَبْلُ سَمِيًّا ﴾

«(Аллоҳ айтди): “Эй Закариё! Биз сенга бир фарзанд хуш-хабарини берурмиз, унинг исми Яҳё бўлиб, илгари унга бирор кимсани ҳамном қилган эмасмиз» (Марям, 7).

Аллоҳ таоло Закариёга (алайҳиссалом) кутганидан ҳам ортиқроқ ўғилни берди. Раббисига тақво қиладиган, ота-онасига меҳрибон, гапини икки қилмайдиган итоаткор, жисмонан ва маънан покиза бўлган зурриёт берди. Ҳатто унга Аллоҳнинг ўзи олдин ҳеч кимга қўйилмаган Яҳё деган исмни қўйиб берди. Яратганининг суюкли бандаси улуғ марҳаматларга сазовор бўлган Яҳёга (алайҳиссалом) кичиклигидаёқ илоҳий ваҳий келди:

﴿يٰيَحْيٰى خُذِ الْكِتٰبَ بِقُوَّةٍ وَّءَاتَيْنٰهُ الْحُكْمَ صَبِيًّا ۝۱۲﴾

«(Биз унга): “Эй Яҳё! Китоб (яъни Тавротни) жиддийлик билан қўлга ол!” (дедик) ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат (ва илм) ато этдик» (Марям, 12).

Яҳё (алайҳиссалом) ҳам отаси Закариё (алайҳиссалом) каби Бани Исроилга пайғамбар қилинди ва уларни ҳидоятга чақира бошлади, уларга диний таълим, ҳалол-ҳаром, тўғри-нотўғри амалларни баён қилди.

Ҳадиси шарифда айтилганидек, у киши Исо (алайҳиссалом) билан замондош бўлган (бир ривоятда Исодан икки ёш катта бўлгани айтилади). Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, солиҳ уч пайғамбар бир вақтда яшаб ўтган ва Бани Исроил қавмини Аллоҳ таолодан қўрқишга, ёлғиз Унгагина ибодат қилишга даъват этган:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَّسُولٍ إِلَّا نُوحِيْٓ إِلَيْهِ أَنْهٖ لَا إِلٰهَ إِلَّا اَنَا فَاعْبُدُوْنِ ۝۲۵﴾

«(Эй Муҳаммад!) “Биз сиздан илгари Биз юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: “Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилинг!” деб ваҳий юборгандирмиз» (Анбиё, 25).

Шундай даъватларидан бири ҳақида сарвари коинот Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бизларга хабар бердилар. Яҳё (алайҳиссалом) Бани Исроил қавмини беш нарсага қаттиқ амал қилишга чақирди. Энг биринчиси тавҳидга: Аллоҳни якка-ягона деб ишониш, Унга ибодат қилиш, Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликка даъват этди. Чиндан ҳам барча анбиёлар ва илоҳий китобларнинг бош ғояси тавҳидга қаратилган.

Шунинг учун мусулмонлар Раббисини якка деб ишонганидан, Унга бандалик даъво қилганидан кейин ҳақиқий маънодаги обид бўлмоғи ва имону ишончини амал ва Унга қуллик қилиш билан исботламоғи лозим!

Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾ ﴾

«Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Зориёт, 56).

Бу ояти карима Аллоҳнинг бандаларини яратишдан мақсади не эканини аниқ баён қилди. Демак, бу дунёга келган ҳар бир инсоннинг вазифаси, бандалик бурчи ягона Раббисига сиғинишдир. Араб тилида “абд” ва “ибодат” сўзлари ўзакдош бўлиб, “ибодат қилиш” маъносини англатади. Шундан келиб чиқиб, банда бу Яратувчисига ибодат қилиши керак ва лозимдир. Яратилишдан асосий мақсад ҳам шу. Инсон ибодат қилиш орқали хотиржам бўлади, қалби таскин топади.

Яна Нисо сурасида бундай дейилади:

﴿ وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا ﴿٣٦﴾ ﴾

«Фақат Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманг» (Нисо, 36).

Яъни, Аллоҳ таоло бандаларини Унга ҳеч нарсани шерик қилмай, ёлғиз Ўзигагина ибодат қилиш учунгина яратиши бизга ёки ибодатимизга муҳтожлигидан эмас, балки ким ибодат қилса, ўзи учун қилади.

﴿ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ﴿٢٣﴾ ﴾

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди» (Исро, 23).

Қуръони каримда Аллоҳ таоло кўрсатиб қўйган йўл билан Унинг Ўзигагина ибодат қилиш ва Ундан бошқани илоҳ деб билмаслик керак. Зеро, ҳидоят ва ибодат учун энг тўғри йўл унинг йўлидир. Шунинг учун ҳам мўмин киши ҳар кунги намозларида 32 марта Аллоҳдан тўғри йўлни сўрайди. Буни ҳам Аллоҳнинг Ўзи бандаларига кўрсатиб берган:

﴿ أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿١﴾ ﴾

«Бизни тўғри йўлга йўлагин» (Фотиҳа, 5).

﴿ وَإِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَأَعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴿٣٦﴾ ﴾

«(Исо айтди): “Албатта, Аллоҳ Раббим ва Раббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг! Мана шу тўғри йўлдир”» (Марям, 36).

Бундан бошқа ҳар қандай йўл залолат ва гумроҳлиқдир.

﴿رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا فَاعْبُدْهُ وَاصْطَبِرْ لِعِبَادَتِهِ هَلْ تَعْلَمُ لَهُ سَمِيًّا ﴿٦٥﴾﴾

«(У) осмонлар, Ер ва уларнинг орасидаги бор нарсаларнинг мураббийсидир. Бас, унга ибодат қилинг ва ибодати-га тоқатли бўлинг! Унга тенг бирор зотни билурмисиз?!» (Марям, 65).

Аллоҳ таоло осмонлар ва Ернинг Раббисидир. Осмонлар ва Ер орасидаги нарсаларнинг Раббисидир. Аллоҳ таоло билмайдиган ёки Унинг илмидан четда қоладиган бирон нарса йўқдир. У ҳар нарсага қодирдир. Шундай экан, фақатгина Унга ибодат қилишимиз керак.

Исломда ибодат фақат баъзи бир шахсий руҳий уринишлар, зикр, тиловат, намоз, рўза, закот ва ҳаж каби амаллар билан чекланиб қолмайди. Балки инсоннинг бутун ҳаёти, турмуш тарзи ва ҳаракати, юриш-туриши, нияти, тирикчилиги – буларнинг барчаси ибодат ҳисобланади. Аллоҳга ибодат қилиш эса, инсоннинг ҳаёти Аллоҳнинг кўрсатмаларига мувофиқ кечиши йўлидаги уринишидир.

Бу ҳаракатлар, албатта, осон кечмайди. Ҳар бир каттаю кичик амалларни Аллоҳнинг хоҳишига муносиб тарзда адо этиш учун куч-ғайрат ва саъй-ҳаракат лозим. Бу нарсаларни йўлга қўйиб олгандан кейин доимий амалга ошириш талаб этилади.

Бир ҳадиси шарифда: “Оз бўлса-да, доимий қилинадиган амаллар Аллоҳга севимлидир”, дейилади.

Пайғамбар (алайҳиссалом) айтдилар: “Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Эй одам боласи! Ҳар хил ишларингни ташла, хотиржам менга ибодат қил. (Шунда) мен кўнглингни тўқ, қалбингни бой қилиб, фақирлигингни кетказурман, шундай қилмасанг, кўнглингни турли хил ғаму ташвишлар билан тўлдириб, фақирликка ташлайман” (Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти)”.

Дунёда энг улкан хазина, бахт келтирадиган бойлик нима? Бу, кишининг бутун ички вужуди билан доим хотиржам ҳолда кўнгли тўқлигидир. Одам фарзанди бундай хазинага тоат-ибодат отига миниб етади, акс ҳолда, ибодатсиз ички ҳаловатни бой беради, молу дунёси бўлса-да тўймайди, кўнгли оч, бой бўла туриб, кўзига

фақирлик кўринаверади. Натижада ундан қочишга уринаверади, ибодат қилишга вақти бўлмайди, фақирликдан қочиб, умр неъматини ҳам қочириб юборади, оқибатда бой бўлади, бироқ бой бўлсада, маънан ва руҳан қашшоқ қолган бўлади.

Оч қолган руҳининг озуқаси тоат-ибодат, эзгу амаллар, бировларга қилинадиган хайрли ишлардан иборат.

ШИРКДАН ҲАЗАР!

Биз Аллоҳнинг қули бўлатуриб, Унга, Хожамизга туҳмат қилмайлик, мушрик бўлмайлик! Ширк ўзи нима? Нима ширк бўлади? Ким мушрик дейилади? Бу саволларга жавобни тавҳидни ўрганганимиздан кейин билиб оламиз.

Тавҳид Аллоҳ таолони якка-ягона деб билиш ва тан олишдир.

Тавҳид уч қисмдан иборат:

1. “Тавҳидур рубубийя”: Аллоҳ таолонинг Яратувчи, Ижодкор ва барча ишлар тадбирини Ўзи қилаётганига ишониш.

﴿اللَّهُ خَلِقُ كُلِّ شَيْءٍ﴾ ﴿٦٢﴾

«Аллоҳ барча нарсанинг яратувчисидир» (Зумар, 62).

﴿إِنَّ رَبَّكُمْ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ﴾ ﴿٣﴾

«Албатта, Раббингиз осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра “муставий” бўлган Аллоҳдир» (Юнус, 3).

﴿وَلَيْنِ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ لِيَقُولَنَّ اللَّهُ فَنَئِي يُوَفِّكُونَ﴾ ﴿٦١﴾ اللَّهُ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٢﴾ وَلَيْنِ سَأَلْتَهُمْ مَنْ نَزَّلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِ مَوْتِهَا لَيَقُولَنَّ اللَّهُ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ ۗ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ﴾ ﴿٦٣﴾

«Қасамки, агар сиз улардан: “Осмонлар ва ерни яратган, қуёш ва ойни (Ўз измига) қаратган зот ким?” деб сўрасангиз, албатта, улар: “Аллоҳ”, дерлар. Бас (шундай экан), қаёққа бурилиб кетмоқдалар?! Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчидир. Қасамки, агар сиз улардан: “Осмондан сув (ём-

ғир) ёғдириб, ерни ўлганидан сўнг тирилтирган зот ким?” деб сўрасангиз, албатта, улар “Аллоҳ”, дерлар. Сиз (уларга): “Аллоҳга – ҳамд!” деб айтинг! Йўқ, уларнинг аксарияти ақл юргизмайдилар» (Анкабут, 61–63).

﴿وَلِينَ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولَنَّ اللَّهُ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ بَلَّ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Қасамки, агар улардан: “Осмонлар ва Ерни ким яратган?” деб сўрасангиз, албатта, “Аллоҳ” дерлар. Сиз: “Аллоҳга – ҳамд!” денг! Йўқ, уларнинг аксарияти (ҳақиқатни) билмаслар» (Луқмон, 25).

Юқоридаги ояти карималардан англашилганидек, Аллоҳ таоло жамики оламларнинг Раббиси экани, бепоён осмонлару ерни олти кунда ёлғиз Ўзи йўқдан бор қилгани ҳақида хабар беради. Аллоҳ таолонинг ҳар бир сўзи, ояти каримаси айни ҳақиқат. Демак, осмонлар ва ер, улардаги барча махлуқотни Аллоҳ таолонинг Ўзи яратган. Уларнинг тарбиячиси, тартиб-интизомини назорат қилиб турувчиси Унинг Ўзидир. Уларнинг ўз-ўзидан, бири иккинчисига сабаб бўлиб, пайдо бўлган, деган даъво ғирт ёлғон ва Яратувчига нисбатан буюк бўҳтондир. Еру осмон остидаги катта-кичик барча воқеа-ҳодисаларнинг ҳам Яратувчиси Аллоҳдир. Демак, ғайриоддий, ажабтовур бир ҳолатни кўриб “табиатнинг мўъжизаси”, ёки бир яхши натижага, омадга эришиб “табиатнинг марҳамати”, ёки иқлим – ҳаво билан ва бошқа нарсалар билан боғлиқ бирор катта-кичик кўнгилсиз воқеа, балою офат бўлганда “табиатнинг инжиқлиги” дейиш Ислому ақидасига тўғри келмас экан. Чунки табиат ва ундаги барча ўзгаришларнинг бошқарувчиси, назорат қилувчи мудаббири, хоҳлаганини бор, хоҳлаганини йўқ қилувчи Аллоҳ таолонинг Ўзидир. У бировнинг маслаҳатига, ёрдамига муҳтож эмас, кимнингдир риоясига қарамайди. Шунга иқрор бўлишни “тавҳидур рубубийя” дейилади.

2. “Тавҳидулу улухийя”: Ибодатни – бандаликни ёлғиз Аллоҳгагина қилишдир.

Қуръони каримда зикр қилинган Макка мушриклари айнан мана шу тавҳидни бузишгани учун мушриклар дейилган. Аммо улар ҳам юқорида ўрганганимиз “тавҳидур рубубийя”га иқрор бўлишган. Яъни, уларга еру осмонни ким яратган, дейилса, “Албатта, Аллоҳ таолодир”, деб жавоб беришган. Бу эса уларни “тавҳидур рубубийя”ни тан олишганини билдиради. Аммо улар “тавҳидулу

улуҳийя”да ширк келтиришган. Бевосита Аллоҳ таолога ибодат қилишни қўйиб, ўз қўллари билан ёғочу тошлардан ясаган бут-санамларга сиғинишган, сажда қилишган, уларга қараб илтижолар қилишган, улардан ризқ-насиба, омад-мадад сўрашган ва албатта сўраганимизни беради, деб ишонишган. Мушриклар бут-санамлар мусибат, бало-офатларни юборадиган ҳам, ундан сақлайдиган ҳам шулар деган тушунчада бўлишган. Энг ачинарлиси, улар ана шу бут-санамларга ботил ибодатлари, нотўғри ақидалари билан Аллоҳ таолога яқин бўламиз, деб даъво қилишган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) уларни ширк ва залолатдан ҳарчанд қайтаришга уринсалар-да, улар бу жаҳолатдан қайтишмади, мушрик ҳолда дўзахга маҳкум бўлишди.

﴿وَعَجِبُوا أَنْ جَاءَهُمْ مُنْذِرٌ مِنْهُمْ وَقَالَ الْكٰفِرُونَ هٰذَا سِحْرٌ كٰذٰبٌ ﴿٤﴾ اٰجَعَلَّ الْاٰلِهٰةَ اِلٰهًا وَّاحِدًا اِنَّ هٰذَا لَشَيْءٌ عَجَابٌ ﴿٥﴾﴾

«(Макка мушриклари) уларга ўзларидан (башар авлодидан) огоҳлантирувчи (пайғамбар) келганидан ажабландилар ва кофирлар айтдилар: “Бу (бир) ёлғончи сеҳргардир. (Шунча) илоҳларни битга илоҳ қилиб олибдими?! Ҳақиқатан, бу жуда қизиқ нарса» (Сод, 4–5).

Ояти каримада улар Пайғамбарни (алайҳиссалом) тасдиқ этишмагани ва “Ла илаҳа иллаллоҳ”га рози бўлишмагани учун куфрга кетганлар, дейилди. “Ла илаҳа иллаллоҳ”нинг маъноси “Аллоҳдан бошқа ибодат қилинишга ҳақли илоҳ йўқ”, деганидир. Улар эса: “Йўқ ундай эмас, Лот, Уззо, Манот, Хубаллар ибодат қилинишга ҳақли олиҳалардир”, дедилар. Бу билан улар оламлар Раббиси Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига қарши чиқишди. Охир-оқибат Раҳмон раҳматидан мосуво бўлиб, абадул-абад дўзахга, азоб-уқубатга маҳкум бўлишди.

﴿ذٰلِكَ بِاَنَّ اِلٰهَهُ هُوَ الْحَقُّ وَاَنَّ مَا يَدْعُوْنَ مِنْ دُوْنِهٖ هُوَ الْبٰطِلُ ﴿٦٢﴾ اِنَّ اِلٰهَهُ هُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيْرُ﴾

«Бунга (яна бир) сабаб Аллоҳнинг Ўзигина ҳақиқий илоҳ экани ва сизлар Уни қўйиб илтижо қилаётган нарса (бут)лар эса айни ботил экани ҳамда Аллоҳнинг ўзигина Алий (энг олий) ва Кабир (буюк Зот) эканидир» (Ҳаж, 62).

Илоҳий китоблар (Таврот, Инжил, Забур, Қуръони карим)да инсоният “тавҳидул улуҳийя”га буюрилган. Пайғамбарлар ҳам даъват қилган диннинг асл моҳияти мана шу “тавҳидул улуҳийя” бўлган. Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Мусо, Исо ва бошқа барча пайғамбарлар (алайҳимуссалом) ўз қавмларини:

﴿يَقَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ﴾

«Эй қавмим! Аллоҳга сиғининг! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир» (*Аъроф*, 59), деб ибодатдаги тавҳидга чақирган. Аммо улар буни инкор қилиб, мушрик бўлди. Шунинг учун Аллоҳ уларни ҳалок қилди.

3. “Тавҳидул асмо вас сифот”: Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатларида ягоналиги, булар Ўзигагина хослигига иқроп бўлиш. Қуръони карим ва саҳиҳ ҳадисларда баён қилинган Аллоҳ азза ва жалланинг исм ва сифатларига имон келтириш.

Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари кайфиятсиз, банданинг кўзи кўрган ёки хаёлига келган барча нарсаларникига ўхшамаган, Ўзининг зоти илоҳийсига лойиқ ягоналигига ишониш.

Ояти каримада марҳамат қилинади:

﴿وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا﴾

«Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўша (исм)лар билан атанг» (*Аъроф*, 180).

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«Унинг мислидек бирон нарса йўқдир. У Эшитувчи ва Кўрувчидир» (*Шўро*, 11).

Аллоҳ азза ва жалла зотида ҳам, исми сифатларида ҳам ҳеч бир махлуқига ўхшамас. Бундай ўхшашликдан У Зот покдир. У исм ва сифатларида мукамал Зотдир.

Мана шу мазкур уч қисм тавҳидни яхшилаб тушуниб олгандан кейин, тавҳидга зид бўлган барча фикр-тушунча ёки бирор хатти-ҳаракат ширк ҳисобланади. Эгаси эса мушрик дейилади.

Ширк нақадар катта гуноҳлиги ва банданинг Аллоҳ таолога қилган энг катта исёни эканини қуйидаги ояти каримадан билиб оламиз:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ
أَفْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا﴾

«Албатта, Аллоҳ Ўзига (бирор нарсанинг) шерик қили-
нишини кечирмас, шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган
бандасидан кечириб юборур. Ким Аллоҳга (бирор нар-
сани) шерик қилса, бас, у катта, буюк бир гуноҳни тўқиб
чиқарибди» (Нисо, 48-оят).

Банданинг Аллоҳ таолога қилган улкан исёни, катта гуноҳи
сифатида зикр қилинган ширк ҳақида мазкур ояти каримада унинг
кечирилмас гуноҳ экани билдирилмоқда. Албатта, Аллоҳ Ўзига
ширк келтирилишини кечирмас.

Ширк – холиқликда, маъбудлик ва Рабблик жиҳатдан Аллоҳ-
дан бошқани Унга шерик деб билишдир. Ким ширкка мансуб ана
шундай ақидани ўзига муносиб кўрса ёки амалини қилса, мушрик
ҳисобланади. Ширкнинг ҳар бир кўриниши катта зулмдир. Зулм
бўлганда ҳам, Аллоҳга, Яратган Зотга, ҳисобсиз неъматлар ато қил-
ган Розик Зотга нисбатан бўхтондир. Ким ширк келтирса, ўзи билан
Аллоҳ ўртасидаги алоқани узган бўлади. У энди Аллоҳ таолонинг
мағфиратига лойиқ бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло
мушрикларнинг қилган ширкни ҳеч қачон кечирмайди. Аммо
имон билан ўтганларнинг – ширк келтирмаганларнинг (ушбу
ояти каримада айтилганидек) бошқа гуноҳлари бўлса, шулардан
хоҳлаган бандасини мағфират қилаверади. Имом Термизий (раҳ-
матуллоҳи алайх) ривоятида келишича ҳазрат Али (Аллоҳ ундан
рози бўлсин) бундай деган:

“Менга Қуръонда мана шу оятдан кўра маҳбуброқ оят йўқ”. ДеМ
мак, Али (розияллоҳу анҳу) Қуръони каримнинг барча оятларига
муҳаббати бўлгани ҳолда ушбу ояти каримани кўпроқ яхши кўр-
ган. Бу бежиз эмас, албатта, чунки бунда Аллоҳ таоло ширкдан
бошқа гуноҳларни фақат Ўзи хоҳлаган бандасиникини кечириб
юборишни ваъда қилди. Ҳазрат Алидек (розияллоҳу анҳу) биз ҳам
Аллоҳ таолонинг мана шу марҳаматини севишимиз, ундан умид
қилишимиз лозим бўлади.

﴿إِنَّهُ مَن يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ
مِنَ أَنْصَارٍ﴾

«Албатта, кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас» (Моида, 72).

Аллоҳ таоло қиёмат куни аввалгию охирги бандалари устида ўқийдиган ўзгармас ҳукмларидан бирини мана шу ояти каримада баён қилади. Ҳа, ким бўлишидан, қайси пайғамбар уммати бўлишидан қатъи назар, Яратган Раббисига нисбатан ширк келтириб, мушрик бўлса, у Аллоҳ наздида золимлардан ҳисобланади ва жаннат роҳатидан абадул абад маҳрум қилинади, унга Аллоҳ томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмайди. Магар ким ҳаёти даврида каттаю кичик қилган ширкидан қайтса, тавба қилиб, соф ақида ва мустақим йўлга ўтса, ояти каримада зикр қилинган золимлар рўйхатидан ўчирилади.

Зулмлар ичида энг катта зулм – ширк.

Адолатлар ичидаги энг катта адолат – тавҳид.

Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳам ширк ва унинг оқибати ҳақида бир неча ҳадиси шарифларни баён қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтади: “Бир киши Пайғамбардан (алайҳиссалом): “Ё Расулуллоҳ! Аллоҳнинг ҳузурда энг улкан гуноҳ қайси?” деб сўради. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Сени йўқдан бор қилган Аллоҳга ширк келтиришинг!” дедилар. Ҳалиги киши: “Кейин-чи?” деди. Ул зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таомингга шерик бўлишидан қўрқиб болангни ўлдиришинг!” “Кейин қайси?” деди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Кўшнингнинг аёли билан зино қилишинг”, деб жавоб бердилар” (*Муттафақун алайҳ*).

Пайғамбар (алайҳиссалом) гуноҳи кабиралар ҳақида гапирганларида ҳамиша ширкни биринчи ўринда зикр қилганлар. Аллоҳ таоло барча махлуқотларни, жумладан, одамни ҳам ёлғиз Ўзи яратгани ҳолда уларнинг У Зотга шерик исбот қилиши, Ундан бошқага сиғиниши, Уни қўйиб бошқадан мадад сўраши нафақат ширк, балки куфр ҳам ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) айтади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Катта гуноҳлар Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, ноҳақ одам ўлдириш. Ёлғон нарсага рост деб қасам ичиш”, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтади: “Пайғамбар (алайҳиссалом): “Еттита ҳалок қилувчи нарсалардан узоқлашинг!” дедилар. “Улар нима, ё Расулуллоҳ?” деб сўрашди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр-жоду қилиш, ноҳақ

одам ўлдириш, судхўрлик қилиш, етим моли (ҳақи)ни ейиш, жанг майдонини ташлаб қочиш, покиза ва тўғри юрган мўмина аёлларни фоҳишаликда айблаш”, дедилар” (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (алайҳиссалом): “Сизларда бўладиган ширк чумолининг юришидан ҳам махфийроқдир. Мен сенга бир нарса ўргатаман, уни қилсанг, сендан катта ва кичик ширкни кетказур: “Ё Аллоҳ! Мен Сендан ўзим билганим ҳолда, бирор нарсани Сенга ширк келтиришдан паноҳ тилайман ва билмаганим учун истиғфор қиламан”, дегин” дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

НАМОЗ МЎМИННИНГ МЕЪРОЖИ

Юқоридаги келтирилган ҳадиси шарифда Яҳё (алайҳиссалом) Бани Исроилга етказётган беш нарсанинг иккинчиси намоздир. Худди шундай Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) келтирган дин – Исломи динининг иккинчи устуни ҳам намоздир.

Абдуллоҳ ибн Умар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) айтади: «Албатта, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Исломи қуйидаги беш нарсага бино қилинган – Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай маъбуд йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбари эканига чин қалбдан иқрор бўлишга, намозни адо этишга, закот беришга, рамазон рўзасини тутишга, қодир бўлган киши ҳаж қилмоғига”» (*Муттафақун алайҳ*).

Ушбу машҳур ҳадиси шарифдан кўриниб турибди, ҳар бир кишига энг биринчи лозим нарса тавҳид калимасини айтиш ва ундан кейин намозни адо этишдир. Бу олдинги барча пайғамбарлар келтирган динда ҳам худди шу тартибда бўлган. Бунга ҳадисдаги Яҳё (алайҳиссалом) даъвати ҳам далилдир. Демак, Аллоҳ таоло нозил қилган барча дин ва шариатнинг биринчи амри киши тавҳид калимасини тили билан айтиб, дили билан тасдиқ этиши, иккинчи ўринда буюрилган нарса эса намозни адо қилишидир. Намоз жисмоний ибодат бўлиб, у барча ибодатларнинг тожидир, у тилда айтиб, дилда тасдиқ этилган тавҳиднинг амалий тасдиғи, мусулмонликнинг зоҳирий кўринишидир.

Намозни адо этиш ҳар бир аҳли тавҳидга, эркагу аёл – барчасига бирдек қатъий фарз, яъни гарданидаги мўминлик бурчидир.

Намоз, унинг фарзлиги ва фазли ҳақида ояти карима ва ҳадиси шарифлар бисёрдир. Фуқоҳою доно зотларнинг намоз ҳақида девон-дево китоблари ҳисобсиздир. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки намоз диннинг асосий устунидир.

Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳ таоло бандаларига тавҳиддан кейин намоздан кўра Ўзига севикли бўлган нарсани фарз қилмади (яъни, Аллоҳ таолонинг бандаларига энг яхши кўрган фарзи биринчиси тавҳид бўлса, иккинчиси намоздир). Агар намоздан кўра унга махбуброқ нарса бўлганда эди, малоикаларга уни буюрган бўларди, малоикалар эса ўшани адо этишарди. Малоикаларнинг руку қиладиган, фақат саждада турувчи, хушу ила қоим бўлиб турувчи ва доим қаъдада ўтирадиганлари бор”, дедилар.

Яъни, Аллоҳ таоло фаришталарининг унга ана шу ҳолатларда ибодат қилишларини яхши кўради, шунинг учун фаришталарнинг баъзилари доим саждада, баъзилари доим рукуда, бошқалари қиёмда, яна бирлари ўтирган ҳолатда ибодатда бўлишади.

Аллоҳ таоло башариятга ҳам турли хил малоикаларнинг ибодат усулларини ўзида мужассам қилган намозни фарз қилди, намоз билан унга бандалик қилишларини яхши кўрди. Намоз барчага бирдек фарз, магар мажнун, балоғатга етмаган болаларга фарз эмас. Жамиятда тутган ўрни нечоғли баланд бўлса-да, касби ҳарчанд оғир бўлса-да, бемор ёки олис юртларда мусофир бўлса-да, эрки ўзида бўлмаса-да (хуши бўлса бас), эркак-аёл – ҳаммага бирдек фарз, ҳар кун беш вақт ўқиш фарздир.

Мусулмонлик даъво қилган ҳар қандай киши учун намоз диний ва илоҳий мажбурият бўлиб, уни чиройли суратда, ўз вақтида адо этиши лозим. Акс ҳолда, оят ва ҳадислардаги ваъидларга мустаҳиқ бўлади. Қиёмат куни аҳволи жуда оғир бўлади, бу нарсадан оят ва ҳадисларда огоҳлантирилган, жумладан:

﴿فَلَفَّ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ فَسُوفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا﴾ (59)

«Сўнгра уларнинг ортидан намозни зое қилган ва шаҳватларга эргашган кимсалар ўрин олди. Энди улар, албатта, ёмонликка (ёмон жазога) йўлиқур» (Марям, 59).

Ушбу ояти каримадан олдинги ояти карималарда улуғ набий ва расуллардан баъзиларининг зикри келади. Улар “Аллоҳ таолога муҳаббатли, ҳассос қалбли, Раббисига итоатли, ҳидоятга эришган ва илоҳий неъматларга сазовор бўлган олиймақом зотлар” деб таърифланади. Ана шу таърифлардан сўнг Аллоҳ таоло биз келтирган мазкур ояти каримани баён қилади. Яъни ана шундай сadoқатли, тақволи, намоз ва закотларини вақтида адо этадиган

зотлар ортидан, уларнинг ўринларига нобакор, фосиқ ва бетавфиқ ўринбосарлар келди. Бу бетавфиқ кимсалар намозни зое қилди. Намозни зое қилиш, уни ўқимай, вақтига безътибор бўлиш энг катта мусибат эканини ушбу ояти каримадан билиб олсак бўлади. Бенамоз одам ҳар қандай ёмонликдан, гуноҳдан тап тортмайдиган бўлиб қолади, шунинг учун мазкур нобакор ўринбосарлар намозни зое қилгани зикр этилгандан кейин шаҳватларига эргашганлари баён этилмоқда. Яъни, улар ҳавойи нафслари нимани истаса, шуни қиладиган бўлишади. Жумладан, ароқхўрлик, зинокорлик, айш-ишрат, ўйин-кулги каби шаҳватлар шулар жумласидандир. Энди улар намозни зое қилиб, нафсларига қул бўлиб юраверади. Оқибат эса улар учун жуда аянчли бўлади. Улар Аллоҳ таолонинг жазосига гирифтор бўлади. Лекин барибир Аллоҳ таоло меҳрибон Зот, уларга яна бир бор имкон бериб, тавба эшигини очди:

﴿إِلَّا مَنْ تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا﴾

«Магар ким тавба қилса ва имон келтириб солих амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирур ва (уларга) ҳеч зулм қилинмас» (Марям, 60).

Намозни зое қилиб, шаҳватларига эргашиб, фақат яшаб юрганлардан ким тавба қилса, инсонга умр фақат яхши еб-ичиш учунгина берилмаганини тушуниб, гуноҳларидан афсус-надомат чекиб, тамомила тўғри йўлга қайтса, имон келтириб, мўмин бўлса ва яхши амалларни адо этса, ёмонликка, оғир жазога учрамас, балки у жаннатга кирур. Имонида содиқлиги ва адо этган солиҳ-эзгу амаллари эвазига жаннатий бўлур. Ҳеч қандай зулм-азобга учрамас.

Ўзимиз барча намозларни адо этадиган бўлиб, тўғри йўлда юрганимиздан кейин дилбандларимиз, ўғил-қизларимизга, уларнинг одобига эътибор қаратишимиз лозим.

عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مُرُوا أَوْلَادَكُمْ بِالصَّلَاةِ وَهُمْ أَبْنَاءُ سَبْعِ سِنِينَ وَاصْرِبُوهُمْ عَلَيْهَا وَهُمْ أَبْنَاءُ عَشْرِ وَفَرَّقُوا بَيْنَهُمْ فِي الْمَضَاجِعِ»

Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси эса бобосидан ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Фарзандларингизни етти ёшида

намозга буюринг! Улар ўн ёшга етганида намоз ўқимаса, уринг ва ётар ўринларини ажратиб, алоҳида қилиб қўйинг”, дедилар (Абу Довуд ривояти).

Ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясига бу дунёда ҳам, охиратда ҳам масъул. Уларни гўзал адаб-ахлоқли, диёнатли қилиб ўстириш биз ота-оналарга ҳам фарз, ҳам қарздир. Пайғамбар (алайҳиссалом) бизларни фарзандларимиз олдидаги бурчимиздан келиб чиқиб, уларга намоз таълимини беришга буюрдилар. “Фарзандларингиз етти ёшга етганда намоз ўқисин”, дедилар. Маълумки, фарзанд етти ёшида ҳали ҳам бола ҳисобланади. Кўп нарсага ақли етмайдиган, ўйин-кулгини яхши кўрадиган бўлиши табиий.

Шунинг учун уларга буюрсангиз-у, намоз ўқимаса (ҳадис маъносида тушунилганидек), бу ёшда уларни урманг, қўполлик қилманг, ҳатто сўкинманг ҳам, токи улар безиб қолмасин. Енгил-енгил огоҳлантинг, ўз навбатида унинг ўқишига таълим-тарбиясига, шулар қатори, намоз адо этишига эътибор бериб боринг, аста-секин назоратни кучайтинг. Ўн ёшга етганида эса, бир оз муомалани ўзгартиринг, яъни жиддийлаштиринг. Унинг лоқайдлигини айб деб билинг-да, “адаб таёғи”ни ишга солинг. Онда-сонда жазоланг, токи у бу ёшида ана шундай ишларининг айб-гуноҳ эканини ҳис қилсин. Айбига яраша жазо борлигини билсин. Майли, биздан кўрқиб, намоз ўқийдиган бўлсин, чунки бу бола улғайган сари Раббисидан кўрқиш ҳиссига айланади. Мана шу ҳолда улар аста балоғат ёшига етгунича намозни тўла адо этадиган бўлади. Фарзандларимиз намозхон бўлгани яхши. Чунки намозхондан ҳеч ёмонлик чиқмайди. Ҳатто мактабда ҳам, кўча-кўйда ҳам одоб-ахлоқи билан ўртоқларига намуна бўлади. Балоғат ёшига етишгач, энди уларга ҳам намоз қатъий фарз бўлади. Чунки улар ҳам фарз амаллар буюрилган ёшга етган ҳисобланади.

Аллоҳ таолонинг мўмин-мусулмонларга қилган амри фармонига дохил бўлишади. Яъни, бундан кейинги қилган гуноҳларидан масъул бўлишади.

Аллоҳ таоло барчага қуйидагича амр қилади:

﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوَسْطَىٰ وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ﴾

«(Беш вақт фарз қилинган) намозларни, хусусан, ўрта намозни сақланг (ўз вақтида ўқинг) ва (намозда) Аллоҳга бўйсунган ҳолатда (камтарлик билан) туринг!» (Бақара, 238).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло кунда беш вақт намозни ўз вақтида, ҳақ-ҳуқуқларига рия қилган ҳолда адо этишга буюради. Хусусан, “ўрта намоз”га янада эътибор беришимизни таъкидлайди.

“Ўрта намоз” ҳақида муфассирлар ўз китобларида саҳобаи кияромлардан ҳар хил ривоятлар келтирган.

Ибн Касир тафсирида ўрта намоз бу бомдод намози дейилган ривоятларни келтириб, Молик (розияллоҳу анҳу) “Муваатто” китобида ҳазрат Али ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) гапларини далил қилишини айтади. Аммо Ибн Касир “Ўрта намоз бу аср намози” деган гапни устун деб унга кучли далилларни келтирган. Маҳмуд Алусий эса “Руҳул маоний” тафсирида “ўрта намоз бу пешин намози”, деган гап аниқроқ эканини таъкидлаб: “Аслида ўрта намозни Аллоҳ таоло беш вақт фарз намоз ичига яширган. Қай бири эканини тайин қилмаган, худди “Қадр” кечасини рамазон ойи кечаларига, Исми Аъзамини барча исмларининг ичига, дуо ижобат бўладиган соатни Жума куни соатларининг ичига яширганидек”, деган. Бу билан мўминлар ўрта намоз эътиборида беш вақт намознинг муҳофазасини қилишсин.

عن ابن مسعود رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّ الْأَعْمَالِ أَحَبُّ إِلَيَّ اللَّهُ؟» قَالَ: «الصَّلَاةُ لَوْ قَبِلْتَهَا» قُلْتُ: «ثُمَّ أَيُّ؟» قَالَ: «بِرِّ الْوَالِدَيْنِ» قُلْتُ: «ثُمَّ أَيُّ؟» قَالَ: «الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ» قَالَ: «وَحَدَّثَنِي بِهِنَّ وَلَوْ اسْتَزِدَّتُهُ لَزَادَنِي»

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Мен Пайғамбардан (алайҳиссалом) “Энг афзал амал қайси?” деб сўрадим. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўз вақтида ўқилган намоз”, дедилар. “Кейин қайси?” деб сўрадим. “Ота-онага яхшилик қилиш”, дедилар. Мен яна сўрадим: “Кейин қайси?” “Аллоҳ таоло йўлида қилинган жиҳод”, дедилар”. Ибн Масъуд: “Агар мен яна сўраганимда ул зот менга зиёда қилардилар”, деди (*Муттафақун алайҳ*).

﴿إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَّوْقُوتًا﴾

«Албатта, намоз мўминларга вақти белгиланган (адо этиш вақти тайинланган, чегараланган) фарз бўлди» (*Нисо, 103*).

Бу беш вақт намозни ўз вақтида адо этиш фарз, вақтидан ўтказиб адо этиш гуноҳ бўлганидек, вақти кирмасдан олдин ўқиш ҳам

гуноҳ (мусофир ҳам намоз вақтига риоя этиши керак). Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳумо): “Албатта, ҳар бир намознинг тайинли вақти бор, худди ҳаж ибодатининг маълум вақти бўлганидек”, деган.

﴿أَتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ وَأَقِمِ الصَّلَاةَ ۖ إِنِ الصَّلَاةَ تَنْهَىٰ عَنِ
الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ﴾

«(Эй Муҳаммад!) Китоб (Қуръон)дан сизга ваҳий қилинган нарсани тиловат қилинг ва намозни баркамол адо этинг! Албатта, намоз фаҳш ва ёмон ишлардан қайтарур» (Анкабут, 45).

Намоз энг улуғ ибодат бўлиб, у мўминнинг меърождир.

Яъни, намоз Пайғамбар (алайҳиссалом) Меърожга еттинчи осмондан ўтиб, ҳеч ким кўрмаган ва билмаган илоҳий олам – Сидратул мунтаҳога чиққанларида у зотга ва умматларига фарз қилинган ибодатдир.

Бу ибодатни адо этаётган киши меърожга чиққандек бўлади. Раббисига яқин туриб, у билан суҳбат қуради. Анас ибн Молик, Абу Заррдан (Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин) ривоят қилинган Меърож воқеаси ҳақида узун бир ҳадисни Имом Бухорий “Саҳиҳ”ида келтирган. Ушбу ҳадиси шарифда Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) бундай сўзлари бор: “Кейин мен яна юқорига кўтарилдим, қаламларнинг (ёзганда чиқадиган) овозини эшитиб турдим (яъни ўша жойда фаришталарнинг Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсани унинг амрига биноан ёзишаётган пайтда чиқадиган овозни эшитдилар). Шу вақт Аллоҳ таоло менга ва умматимга бир кеча-кундузда эллик вақт намозни фарз қилди”. (Мусо (алайҳиссалом) маслаҳати билан Муҳаммад (алайҳиссалом) ўша жойга қайта-қайта қатнадилар.) Аллоҳ таоло эллик вақт намозни беш вақт намозга туширди ва айтди:

“У (намоз) беш вақт фарз бўлди, (аммо унинг савоби) эллик вақт намознинг савобига баробар, Менинг ҳузуримда сўздан қайтилмайди”. (Яъни, Аллоҳ таоло кунига ўқилган беш вақт намозга эллик вақт намознинг, бир вақтга ўн вақт баробарида савоб беришга сўз берди. Ана шу сўзи ўзгармас). Бу биз ожиз мўминларга Аллоҳ таолонинг бениҳоя улуғ марҳаматидир.

Намозда турган киши Аллоҳ таолонинг ҳозир-нозирлигини, Аллоҳ таоло билан роз айтишаётганини ҳис қилиши керак, мана

шундай ҳис билан ўқилган намоз фаҳш-мункар ишлардан эгасини қайтаради.

“Эҳсон нима?” деган саволга Пайғамбар (алайҳиссалом): “Эҳсон – Аллоҳ таолога Уни кўриб турганингдек унга ибодат қилиш, гарчи сен Аллоҳ таолони кўрмаётган бўлсанг-да, Аллоҳ сени кўриб туради”, деб жавоб бердилар (*Муттафақун алайҳ*).

Имон аломати бўлмиш намоз Аллоҳ таолонинг буйруғи – фарз бўлибгина қолмай, руҳий-маънавий очликка озуқа, дардга даво, жисмоний касалликка шифо, қалбга нурки, у нур юздан балқиб туради, хато-камчилик, айбу нуқсонларга эса каффорат, Аллоҳ таоло у билан хунук гуноҳларимизни кечириб юборгай! Даргоҳи илоҳийда даражамизни оширгай, чунки Ислом устунни бўлган бу намозда турли ибодатлар мажмуаси мужассам: Аллоҳ таолога ито-аткорона қуллик қилиш, унга шукрона айтиш, дуою илтижо, дунё ва унинг ишларидан қибла томон юз буриш, ҳамда Пайғамбарга (алайҳиссалом) салават-салом айтиш мавжуд ва фаришталар хулқини ҳам шу намоз ичида топгаймиз.

Пайғамбар (алайҳиссалом) кунлик беш вақт намоз хатоларга каффорат бўлишини бундай тушунтирдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ نَهْرًا بِيَابِ أَحَدِكُمْ يَغْتَسِلُ فِيهِ كُلَّ يَوْمٍ خَمْسًا مَا تَقُولُ ذَلِكَ يُبْقِي مِنْ دَرْنِهِ؟» قَالُوا: «لَا يُبْقِي مِنْ دَرْنِهِ شَيْئًا» قَالَ: «فَذَلِكَ مِثْلُ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسِ يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا»

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаи киромлардан: “Менга айтинглари-чи, бирингизнинг уйи олдидан анҳор оқиб ўтган бўлса ва ҳар куни шу анҳорда беш марта ювиниб турса, унинг баданида кир қолдирадими?” деб сўрадилар. Саҳобалар: “Йўқ, умуман кир қолдирмайди”, деб жавоб берди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Мана шу (анҳорда беш бора чўмилиш) кунда беш вақт намознинг мисоли, Аллоҳ таоло улар сабаб хатоларни ўчиради”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу): “Мен Пайғамбар (алайҳиссалом) билан бирга қиш яқинлашган кунларнинг бирида бир дарахт олдида турган эдим. Дарахт япроқларининг кўпи тўкилиб бўлган ва яна тўкилмоқда эди. Шунда ул зот марҳамат қилдилар: “Эй Абу Зарр!” Мен: “Лаббай, ё Расулуллоҳ?” дедим. Ул зот (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам): “Албатта, бир мўмин Аллоҳ таолонинг розилиги учун намоз ўқиса, унинг гуноҳлари худди шу дарахт япроқларидек тўкилади”, дедилар.

Мулла Али Қорий: “Ушбу ҳадиси шарифдаги “важҳаллоҳ”дан мурод Унинг розилиги учун, холис Аллоҳ таоло учун ўқиса, шул тариқаки, унда ҳеч қандай риё-сумъа бўлмаслиги ва улар билан бирор шахсий ва дунёвий манфаат қасд қилинмаслиги, балки улар билан фақат Аллоҳ таолонинг амрига итоатни қасд қилиши керак”, деб шарҳлаган.

Мана шу ҳолда адо этилган намоз ўз-ўзидан гуноҳларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) айтади: Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келди ва бир бегона аёлни ўпиб олганини баён қилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ҳеч нарса демадилар, Раббининг амрини кутдилар. Бир оздан сўнг аср намозини адо этдилар. Шу вақт Аллоҳ таоло: **“Куннинг икки тарафида ва кечанинг маълум соатлари да намозни адо этинг, албатта, (намозга ўхшаш) ҳасанотлар (кичик) гуноҳларга каффорат бўлади”**, деб ваҳий қилди.

Ушбу ояти каримани эшитганлардан бир киши Пайғамбардан (алайҳиссалом): “Ё Расулуллоҳ, бу ваъда фақат у учунми? Пайғамбар (алайҳиссалом): “Йўқ, фақат унга эмас, балки барча умматим учундир”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال: كنت عند النبي صلى الله عليه وسلم فجاءه رجل فقال: “يا رسول الله، إني أصبتُ حدًا فأقمه عليّ ولم يسأله قال: ”وحضرت الصلاة فصلّى مع النبي صلى الله عليه وسلم فلما قضى النبي الصلاة قام إليه الرجل فقال: ”يا رسول الله، إني أصبتُ حدًا فأقم فيّ كتاب الله“ قال: ”أليس قد صليت معنا؟“ قال: ”نعم“ قال: ”فإن الله قد غفرَ لك ذنبك أو حدك“.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Мен Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларида эканимда, бир киши ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ! Мен ҳад уриладиган гуноҳ қилиб қўйдим, бас, менга ҳад уринг, жазо беринг?” деди. Пайғамбар (алайҳиссалом) ундан ҳеч нарса сўрамадилар. Шунда намоз вақти бўлиб қолди. Ҳамма Пайғамбарга (алайҳиссалом) иқтидо қилган

ҳолда намоз адо этди, намоз тугагач, мазкур киши яна Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бориб: “Ё Расулulloҳ! мен ҳад уриладиган гуноҳ қилиб қўйдим, бас, мени Қуръон ҳукмига кўра жазоланг!” деди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен биз билан бирга намоз ўқимадингми?” дедилар. У киши: “Ҳа, ўқидим”, деди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “У ҳолда, бор кетавер! Аллоҳ гуноҳингни (ҳадингни) кечириб юборди”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Имом Нававий айтади: “Катта гуноҳларга намоз каффорат эмас. Аҳли сунна вал жамоада гуноҳи кабиралар тавба қилиш билан ёки Аллоҳ таолонинг фазли билан кечирилади. Шундай экан, Аллоҳ таоло ҳузурда Пайғамбар (алайҳиссалом) шариатида эвазига улкан ажр-савоблар ваъда қилинган ибодат бўлмиш намозни тўла ва вақтида адо этувчилардан бўл. Зеро, Аллоҳ таоло огоҳлантирган:

﴿فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ ﴿٤﴾ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ﴿٥﴾﴾

«Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, улар намозларини “унутиб” қўяди» (*Мобун, 5*). Ушбу оятда зикр қилинганлар қаторида бўлиб қолмаслик лозим. Улар намозларини ўз вақтидан ортга сурадиган кишилардир. Балки, сен, эй биродарим, Аллоҳ таоло айтган:

﴿رَجَالٌ لَا نُلَيْهِمْ تِجَارَةٌ وَلَا بَيْعٌ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ يَخَافُونَ يَوْمًا ﴿٣٧﴾ نَتَقَلَّبُ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَارُ﴾

«...кишилар бордир, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан, намозни баркамол адо этишдан ва закот беришдан чалғита олар. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган кун (қиёмат)дан қўрқур» (*Нур, 37*), деб таърифлаган комил мўминлардан бўлгин. Омин, ё Раббал оламин!”

Намоз улуғ ибодат бўлгани учун уни адо этаётган чоғимизда фарз, вожиб, суннат амалларига, ҳатто, мустаҳабларига ҳам эътибор берайлик. Намоз одобларига риоя қилайлик. Ўзимизни илоҳий меърожга чиқишга тайёрлайлик. Аввало, чиройли таҳорат олиб, кейин қиблага юзланиб, ният қилайлик. Аллоҳ таолонинг улуғлиги ва буюклигини ёдга олайлик.

Биринчи такбирни айтиб намозга киргандан кейин, намоз рукнлари: қиём, қироат, руку, сажда ва қаъдаларни тўлиқ бажариб,

уларнинг орасини озгина тўхташ ва ҳаловат билан ажратайлик. Умуман, қулоқ қоқиб намозга киргач, то салом бергунча хушу – ботиний қўрқув – синиқлик билан, хузу – зоҳирий қўрқув, хокисор ҳолда бўлайлик. Чунки намозни бир жасадга қиёслаб кўрсак, унинг руҳи, жони – хушу, хузу бўлади. Жонсиз, руҳсиз жасад ҳеч кимга фойда бермаганидек, хушу, хузусиз ўқилган намоз ҳам фойдасиз бўлиши мумкин. Шунинг учун намознинг доим руҳи бўлсин. Ана шу ҳолда ўқиладиган намоздан бизни ҳеч нарса, ҳеч қандай машғулот тўса олмайди. Намозда турган пайтда у ён-бу ёнга юз буриб қарамаслик керак. Чунки Пайғамбар(алайҳиссалом): “Мўмин намоз ўқиб турган ҳолида Аллоҳ таоло ҳам унга юзланиб турган бўлади. Агар юзини бурса, Аллоҳ таоло ҳам ундан юз буради, яъни рад этади”, деганлар.

Намозда илтифот – юз буриш ҳақида ҳанафий мазҳабимизда бундай дейилади: “Бўйинни буриб, ўнг ёки чапга қараш – макруҳ амал, кўз қорачиғининг ўзи билан қарашнинг эса зарари йўқ. Аммо гавда қисми билан қибладан бошқа томонга бурилиш намозни ботил қилади. Яна қиёмда турган ҳолингда ўнг ва чап оёғингга дам бериб, ўнгу сўлга мойил бўлиб турма. Чунки бу хузуга зиддир. Шунинг учун у макруҳ саналади, фақат хатмонларда макруҳ эмас”.

“Сизлар намозда тек турунглар, яҳудийлардек дам у ёнга, дам бу ёнга мойил бўлмангиз!”

Адо этаётган намозни Аллоҳ таолонинг хузурига йўллаётгандек ўйлайлик, бунинг учун оламларнинг ягона Раббисига йўллаётган тухфамиз бенуқсон, гўзал суратда бўлиши керак.

Қуйидаги ҳадиси шарифга эътибор бериб, унга амал қилайлик.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир киши масжидга кирди. Пайғамбар (алайҳиссалом) масжид (хонақоҳи)нинг четида ўтирган эдилар. Кирган киши намоз ўқиди. Кейин Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) олдиларига келиб, салом берди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг саломига алик олиб: “Қайт, бориб намозингни бошқатдан ўқи, чунки сен намоз ўқимадинг”, дедилар. У киши қайтиб бориб намоз ўқиди, сўнг келиб яна салом берди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Ва алайкас салом, бор, қайта намоз ўқи, чунки сен намоз ўқимадинг”, дедилар. Ҳалиги киши учинчи ёки тўртинчи мартасидан кейин: “Ё Аллоҳнинг Расули, менга ўргатинг (намозни қандай ўқий)”, деди. Шунда Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Агар намоз ўқишга турсанг, мукаммал тарзда таҳорат қил, кейин қиблага юзлан, “Аллоҳу акбар”, дегин, кейин

қодир бўлганингча Қуръони каримдан қироат қил, кейин рукуга бор, токи руку ҳолингда хотиржам тур, сўнг бошингни кўтар, токи тўғри текис бўл (яъни тик тур), шундан кейин саждага бор. Сажда қилган ҳолингда хотиржам тур, кейин саждадан қайтиб, хотиржам ҳолда бир оз ўтир, кейин яна саждага бор. Сажда қилган ҳолингда хотиржам тур (саждадан туришга шошилма)”, дедилар. Бошқа бир ривоятда бундай дейилган: “Кейин қиёмга тур, шундан сўнг ҳар бир намозингни мана шу ҳолда адо эт” (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Масъуд Бадрий ривоят қилади. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Сажда ва рукусида орқасини (белини) тик қилмаган кишининг намози намоз эмас”, дедилар (*Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти*).

Юқоридаги ҳадиси шарифда намозни шошилмай адо этишга тарғиб, мукаммал намоз қандай бўлишини билдириш бор. Биринчи ҳадиси шарифда Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳонақоҳда ўтирганларида бир киши келиб тез, енгил-елпи қилиб, икки ракат намоз (тахийятул масжид) ўқиди. Пайғамбар (алайҳиссалом) уни кузатиб турдилар. Барча ишларда, айниқса, ибодатларда мукаммаллик, мусаффолик бўлишини хоҳлаган Сарвари коинот у киши ўқиган бу намозини ва шу кўринишда ўқишини истамадилар. У зот башариятнинг муаллими бўлганлари учун у кишига намознинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя этиб ўқиладиган намозни тушунтирдилар ва намозни доим шундай шошилмай ўқишга буюрдилар. (Иккинчи ҳадиси шарифда ҳам юқоридаги маъно янада ёрқинроқ ифодаланди. Намознинг барча ўринларида хотиржамлик, тўғрилиқ, унинг мукаммаллиги ва савоби кўп бўлишига сабаб бўлади).

Қавма – рукудан қайтгач, саждага кетишдан олдин гавда ва белни тик қилиб, бир оз туришдир.

Жалса – икки сажда орасида гавда билан белни тик қилиб бир оз ўтиришдир.

Кўпчилик намозхонлар умуман эътибор қилмайдиган, руку ва сажда қилган ҳолатдаги хотиржамлик, қавма ва жалса Шофиъий ва Аҳмад Ибн Ҳанбал (раҳимаҳумоллоҳ) наздида фарз амал ҳисобланади. Абу Ҳанифада (раҳматуллоҳи алайҳ) суннати муаккададир. Баъзилар вожиб деган. Афсуски, кўпчилигимиз намознинг суннатларига, тартиб ва қоидаларига риоя қилмай, номига енгил намоз ўқишга одатланганмиз. Адо этаётган намозимиздан ҳаловат, завқ олиш йўқ, чунки намознинг ҳикматларидан беҳабармиз. Унинг вожибу суннатларига ўта бепарвомиз. Ҳатто намоз

макруҳларинигина эмас, балки намозни бузувчи амалларни ҳам билмаймиз.

عن أَبِي قَتَادَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَسْوَأُ النَّاسِ سَرِقَةَ الَّذِي يَسْرِقُ صَلَاتَهُ» قَالُوا: «يَا رَسُولَ اللَّهِ، كَيْفَ يَسْرِقُ صَلَاتَهُ؟» قَالَ: «لَا يُتِمُّ رُكُوعَهَا وَلَا سُجُودَهَا».

Абу Қатода (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Ўғрилар ичида энг ёмони намоз ўғрисиدير”, дедилар. “Намоз ўғриси ҳам бўладими, намоздан қандай қилиб ўғирлайди, ё Расуллулоҳ?” деб сўрашди. “Руку ва саждасини тўлиқ қилмайди(ган киши намоз ўғрисиدير)”, дедилар (*Имом Аҳмад ва Ҳоким ривояти*).

Пайғамбар (алайҳиссалом) даврларидаги мунофиқлар мажбурликдан, зўр-базўр, бепарво ҳолда намоз ўқиган. Шунинг учун улар намоздаги ҳаловатни сезмаган. Биз мўминлар эса барча арконлари, суннату мустаҳабларига эътибор бериб, унинг лаззатини топишимиз лозим. Чунки бу буюк ибодат банда билан Раббисини боғловчи энг мукамал илоҳий риштадир. Уни боғламоқчи бўлган ҳар бир мўмин бунга ўта жиддийлик билан ёндашмоғи керак.

Пайғамбар (алайҳиссалом) ва саҳобалар ҳақиқий ором ва ҳузур-ҳаловатни намоздан олганлар.

Пайғамбар (алайҳиссалом): “Менинг кўзим қувончи намоздир”, дер эдилар.

Тарихдан маълум, Пайғамбар (алайҳиссалом) мушриклар билан боғлиқ кўп кўнгилсиз воқеалардан сўнг намоз ўқиб, кўнгилларини кўтарардилар. Ушбу оятга амал қилардилар:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾ (103)

«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Аллоҳ таолодан) ёрдам сўранг. Аллоҳ сабрлилар билан биргадир» (*Бақара, 153*).

Қоронғи кунимизни ёритиш, ғам-ташвишни аритиш, сиқилган кўнглимиз очилиши учун хотиржам ҳолда намоз ўқиб, Аллоҳ таолодан мадад сўрайлик. Айниқса, фарз намозларини вақтида ўқишга ҳаракат қилайлик. Дунё ишлари ва ҳар хил машғулотларни деб намозларни қазо қилмайлик. Борди-ю, ухлаб қолиб, эсимиздан чиқиб намоз вақтини ўтказиб юборсак, дарҳол қазосини адо этиб, истиғфор айтайлик. Фарзнинг қазосини ўқиш ҳам фарз.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ نَسِيَ صَلَاةً أَوْ نَامَ عَنْهَا فَكَفَّارَتُهَا أَنْ يُصَلِّيَهَا إِذَا ذَكَرَهَا" وفي رواية: "لَا كَفَّارَةَ لَهَا إِلَّا ذَلِكَ".

Анас ибн Молик (розияллоху анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Ким намозни унутса ёки ухлаб қолса, бас, унинг каффорати эсига тушгач (ёки уйғонгач), адо этишидир”, дедилар. Бошқа бир ривоятда: “Унинг каффорати шу (эсига тушгач адо этиши)дир”, дейилган (*Муттафақун алайҳ*).

Намоз мўмин киши учун нақадар муҳим эканига қуйидаги ҳадис ёрқин далолат бўлади.

Абу Ҳурайра (розияллоху анху) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Қиёмат куни инсон энг биринчи намоздан сўралади. Умри мобайнида гарданига фарз бўлган барча намозни адо этган бўлса, у албатта, нажот топади. Борди-ю, намоздан қарздор бўлиб чиқса, зиёнга учрайди. Барча нарсани Аллоҳ таолонинг Ўзи яхши билса-да, малоикалардан сўрайди: “Қаранглар-чи, (бандамнинг номаи аъмолига) фарзга қўшимча ўқиган нафл намозлари борми?” Қаралади, агар унда нафл намози бўлса, Аллоҳ таоло: “Бандамнинг қазо намози ўрнини нафллари билан тўлдириш”, деб марҳамат қилади. Ундан кейин бошқа амаллари шунга қараб ҳисоб-китоб қилинади”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

عن أبي أمامة قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فِي حَجَّةِ الْوُدَاعِ يَقُولُ: "أَيُّهَا النَّاسُ، اتَّقُوا اللَّهَ وَصَلُّوا خَمْسَكُمْ وَصُومُوا شَهْرَكُمْ وَأَدُّوا زَكَاةَ أَمْوَالِكُمْ وَأَطِيعُوا إِذَا أَمَرَكُمُ تَدْخُلُوا جَنَّةَ رَبِّكُمْ".

Абу Умома (розияллоху анху) ривоят қилади: Мен Расулуллоҳ (алайҳиссалом) видолашув ҳажида хутба қилиб бундай деганларини эшитдим: “Эй одамлар, Аллоҳга тақво қилинг! (Беш вақт) намозингизни адо этинг, (Рамазон) ойида рўза тутинг, молу мулкингиз закотини (камбағал, мискинларга) беринг ва ишингизга бош бўлиб турганга итоат қилинг! (Шуларга амал қилганингиздан сўнг) Раббингизнинг жаннатига киришгиз!” (*Имом Аҳмад ва Термизий ривояти*).

Чиройли суратда адо этган намозларимиз, Рамазон ойида тутган рўзаларимиз, чин дилдан, Аллоҳ учун берган закотларимиз, ҳамда раҳбарларга бўлган итоатимиз сабаб Аллоҳнинг жаннатига

киришимиз мумкин экан. Аслида, банданинг қилган ҳар қандай амали, гарчи у солиҳ амал бўлса-да, уни жаннатга олиб кира олмайди. Илло, Аллоҳ фазлига олсагина, у жаннатга кира олади. Аллоҳ фазлини амаллари гўзал бўлган, ибодатли кишилар умид қилса бўлади.

Чунки Қуръони каримда: «**Бас, (шу дунёда солиҳ) амал қилувчиларнинг (жаннатдаги) мукофоти нақадар яхшидир!**» (Зулар, 74), дейилган.

Эй ҳар бир ишга қодир Аллоҳ! Бизларни беш вақт намозни тўла адо этадиган, доим зикрингни қиладиган қалби салим, фазлу қарамингга эришадиган бандаларингдан қилгин!

РЎЗА – БАДАН ЗАКОТИ

“Совм” сўзининг луғавий маъноси емоқ, ичмоқ, калом, сайр-саёҳат ва бошқа нарсалардан тийилишдир.

Истилоҳий маъноси – Рамазон ойида Аллоҳ таолога ибодатни қасд қилиб, субҳдан то қуёш ботгунча еб-ичиш ҳамда шахвоний ҳирсини қондирмоқдан ўзини тийиб туриш ва шунга ният қилишдир. Эс-ҳуши, соғлиги жойида, балоғат ёшига етган, шаҳрида муқим бўлган мўминлар ҳамда покиза ҳолдаги мўминалар тутиб бериши шарт бўлган фарз ибодатдир.

“Рамазон” сўзи арабча бўлиб, бундай номланиши ҳикматларини уламолар бундай изоҳлайди:


1. Ёз охирида, куз мавсумининг бошларида ёғадиган ва ер юзини чанг-ғуборлардан тозалайдиган ёмғир маъносидаги “рамза” сўзидан олинган. Бу ёмғир ер юзини тозалаганидек, Рамазон ойи ҳам мўминларни гуноҳлардан поклайди.

2. Қуёшнинг шиддатли ҳароратидан тошларнинг қизиби кетиши маъносидаги “рамаз” сўзидан олинган. Бундай қизиган тошлар устида юрган кишининг оёқлари қуяди, қийналиб кетади. Шунга ўхшаш рўза тутган киши ҳам очлик ва сувсизликнинг машаққатини тартади, ичи ёнади. Қизиган тош оёқларни куйдирганидек, Рамазон ҳам мўминларнинг гуноҳларини куйдириб, йўқ қилади.

3. Қилич ва ўқларни чархлаш учун иккита тош орасига қўйиб, урмоқ маъносида келувчи “рамз” сўзидан олинган. Бу ой Рамазон дейилишига сабаб, араблар бу ойда қиличларини чархлаб, тайёр қилиб қўйишар эди.

4. Баъзилар араб ҳарфи билан ёзилган “рамазон” сўзидаги ҳарфларни бундай шарҳлаган: “р” ҳарфи раҳмат; “м” ҳарфи мағфират; “з” ҳарфи (замъон) жаннат кафолати; “о” ҳарфи дўзахдан омонда бўлиш; “н” ҳарфи мағфиратли ва ҳалим Зот бўлган Аллоҳ таоло томонидан бўладиган нур.


Бу улуғ рўза ибодати ҳижратнинг иккинчи йили Рамазон ойида қуйидаги оят билан фарз қилинган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾


«Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз» (Бақара, 183).

Ушбу ояти карима ва Яҳё (алайҳиссалом) васиятларидан кўришиб турибди, рўза ибодати ҳам худди намоздек фақат Муҳаммад (алайҳиссалом) умматларига эмас, балки аввал яшаб ўтган халқларга ҳам фарз қилинган. Демак, ўтмиш пайғамбарлар ва умматлари Аллоҳ учун унинг амрига кўра, ўзларига буюрилганидек рўза ибодатини адо этишган, эндиги рўза навбати Муҳаммад (алайҳиссалом) ва у кишининг умматларига. Ояти карима сўнгида айтилганидек, рўза тутиш билан киши тақводорлардан бўлади. Яъни ейиш-ичишга ҳалол бўлган барча нозу неъматлардан, ўз жуфту ҳалоли билан лаззатли онларга берилишдан (гарчи улар бошқа вақтда мувоҳ бўлса-да) тийилиб юриш орқали нафс тарбия қилинади, гуноҳлардан сақланишда сабр фазилатини шакллантиради, сабр эса имоннинг ярмидир, шайтон-лаъинга қарши курашган бўлади. Оч қолгани учун феълида ожиз бандага хос хокисорлик, камтарлик пайдо бўлади, қолаверса, ейиш-ичиш, нафс қондириш Аллоҳ таолонинг суюкли, покиза қуллари бўлмиш фаришталарга бегонадир, ҳайвонларда мавжуд бўлган, юқори турадиган хислат.

Шунингдек, Куръони каримда:

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي ءَادَمَ وَحَمَلْنَهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَهُم مِّنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا﴾


«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга)

миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик» (Исро, 70), дейилган олий мақомда яралган бўлатуриб, бу мукаррамликка нодонларча, ҳаёсизларча доғ тушираётган баъзи кишилар санокли кунларда малоикаларга иқтидо қилади, уларга ўхшагандек бўлади. Шу маънодан келиб чиқиб, рўзадорлар қиёмат кунига атаб ёзиб борилаётган номаи аъмоллари (амаллар ёзиб бориладиган дафтари)га “тақводор киши” деб ёзилади.

Суюкли Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бир неча ҳадиси шарифларида биз мўминларни рўзага тарғиб қилганлар: “Эй йигитлар жамоаси! Қай бирингиз уйланишга қодир, имкониятли бўлса, бас уйлансин, чунки уйланиш кишини кўз зиноси, фарж зиносидан сақлайди, ким қодир бўлмаса, бас у рўза тутсин, чунки рўза унинг учун (гуноҳдан) сақловчидир” (*Муттафақун алайҳ*).

Яъни, очлик билан шаҳват сўниб туради, қон томирлари торади, шайтон васвасаси кесилади. Чунки Пайғамбар (алайҳиссалом): “Албатта, шайтон одам боласининг қон томирида юради, шунинг учун унинг йўлини очлик билан торайтиринг”, деганлар.

Юқоридаги ояти кариманинг давомида Аллоҳ таоло: **“Санокли кунларда”** дея марҳамат қилди. Бу Рамазони шариф ойининг кунлари бўлиб, у баъзан йигирма тўққиз, баъзан ўттиз кундан иборатдир. Бир йилда уч юз эллик тўрт кун ичида фақат йигирма тўққиз ёки ўттиз кунгина рўзани адо этиш Аллоҳнинг бизларга бўлган марҳамати, албатта. Аллоҳ таоло биз мўминларга осонликни хоҳлайди, қийинликни эмас. Бошқача айтадиган бўлсак, Аллоҳ бизга хоҳлаган нарсаларнинг бари осон нарсалардир. Агар бир ой эмас икки ой, уч ой, ҳатто олти ой рўза тутишни фарз қилганда эди, албатта, биз мўминлар уни сўзсиз адо этган бўлардик. Аммо бу бизга қийинчилик туғдирар эди. Рамазон ойида кун бўйи оч қолиб, чанқаб, хоҳишимизга қарши бориб, нафсга бир муштлаб қийналишимиз турган гап, анча сабр қилишимизга тўғри келади. Кўпчилик рўзадор бўлгани учун қўли ишга бормай, кунни дам олиб ўтказишга мажбур бўлади. Шу томондан қарасак, бир ой етарли деб ўйлаймиз ва бунга шукр қиламиз. Аммо бу муборак ойга ички томондан назар солсак, фақат шу ойга хос фазилатлардан хабардор бўлсак, Пайғамбар (алайҳиссалом) айтганларидек, йил ўн икки ой Рамазони шариф бўлишини орзу қилган бўлардик. Ҳадиси шарифда келади: “Агар умматларим Рамазон фазилати ва ундаги

умматларимга бўладиган мукофотлар кўплигини билганларида эди, йил бўйи Рамазон бўлишини орзу қилишар эди”.

Рамазон ойи ҳижрий-қамарий йилнинг тўққизинчи ойи бўлиб, барча ойларнинг султонидир.

Рамазон ойи нима учун ойлар султони дейилган. Бу ойни бошқа ойлардан ажратиб турувчи баъзи жиҳатларни келтириб ўтсак:

1. Қуръони каримда номи очиқ зикр этилган ой фақат Рамазон ойидир.

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ﴾

«Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир» (Бақара, 185).

2. Қуръон мана шу ойда нозил қилинган, Қуръони каримда зикр қилинган ҳамда минг ойдан хайрли бўлган кеча ҳам мана шу ойдадир.

﴿لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ﴾

«Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир» (Қадр, 3).

3. Мана шу ойда инсонларга Аллоҳ таоло томонидан рўза тутиш фарз қилинган. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилган:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾ أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ﴾

«Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабаб) тақволи бўлсангиз. Саноқли кунларда...» (Бақара, 183–184).

4. Фитр садақасини бериш бу ойга хос қилинган.

5. Таровех намози Рамазон ойида ўқилади. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда: “Рамазон кечасининг фазилатига ишониб, савоб умидида таровех намозига турган кишининг илгари қилган барча гуноҳлари мағфират қилинади”, дейилган (Имом Бухорий ривояти).

6. Рамазон ойининг охирги ўн кунини эътикофда ўтказиш суннатдир. Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинган ҳадисда: “Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) то Аллоҳ таоло омонатини олмагунича Рамазон ойининг охирги ўн кунлигида эътикоф ўтиришни канда қилмадилар. Сўнгра, у зотдан кейин завжалари ҳам шундоқ эътикоф қиладиган бўлди”, дейилган (*Имом Бухорий ривояти*).

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига Рамазон ойида рўза тутишни фарз қилган.

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَن شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ﴾

«Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Куръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзани тутсин» (*Бақара, 185*).

Рўза Одам (алайҳиссалом) давридан бери тутилади. Аввалги умматлар ҳам рўза тутган. Масалан, Довуд (алайҳиссалом) бир кун рўза тутар, бир кун тутмас эди. Бунинг энг фазилатли рўза эканини Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билдирганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга: “Аллоҳга энг маҳбуб рўза Довуд (алайҳиссалом) рўзасидир. У бир кун рўза тутиб, бир кун тутмас эди”, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Насронийларда бир йили рўза йилнинг жазирама иссиқ ойига тўғри келди. Шунда уларнинг олимлари бир жойга жамланиб, рўзани йилнинг мўътадил фасли баҳорга ўтказишга қарор қилди. Бунга каффорат сифатида рўзага ўн кун илова қилиб, рўзани қирқ кунга чиқарди. Кейинчалик ҳукмдорларининг хасталаниши ёки ораларида касалликнинг тарқалиши туфайли яна ўн кунга оширишди. Кейинчалик рўзанинг шаклини ҳам ўзгартириб, парҳез ҳолига келтиришди.

Рўза тутиш Муҳаммад (алайҳиссалом) умматига ҳижратдан ўн саккиз ой ўтгач, Шаъбон ойининг ўнинчи куни, Бадр урушидан бир ой олдин фарз қилинди. Ислонинг беш шартдан тўртинчиси Рамазон ойи рўзасини тутишдир.

Рўза тенги йўқ ибодатдир. Аллоҳ таолонинг ер юзини ҳисобсиз нозу неъматлар билан тўлдиргани, У бандаларига қанчалик

меҳрибон ва раҳмли эканини кўрсатади. Баъзан инсон ғафлат таъсирида ёки сабабларга берилиб, бу ҳақиқатни кўра олмай, уларни эсдан чиқаради. Рамазон ойида аҳли имонлар бир онда жамоатга айланади. Азалий султоннинг зиёфатида даъват этилиб, кечга яқин “Дастурхонга марҳамат”, деган даъватни кутаётгандек вазиятга тушадилар. Бу билан чексиз марҳамат ва шафқатга азим ибодат билан жавоб қилишади.

Аллоҳ таоло муқаддас Қуръони каримда “Рамазон ойи” деб, бу ойнинг номини келтиришининг ўзи Аллоҳ таолонинг даргоҳида унинг нақадар қадр-қимматга эга эканига далилдир. Инсоният учун ҳидоят манбаи бўлмиш, ҳақ билан ботилни ажратувчи очиқ баёнотлар ва ҳужжатларни ўзида мужассам қилган Қуръони карим ҳам ушбу муборақ ойда нозил қилинган. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай марҳамат қилади:

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَن شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ ۖ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدٰنَكُمُ ۚ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

«Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзани тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунларининг) саноғи бошқа кунлардадир. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди. Бу – ҳисобни тўлдиришингиз ҳамда ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳга такбир (ҳамду сано) айтишингиз ва шукр қилишингиз учундир» (Бақара 185).

عَنْ وَائِلَةَ بِنِ الْأَسْقَعِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أُنزِلَتْ صُحُفُ إِبْرَاهِيمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فِي أَوَّلِ لَيْلَةٍ مِنْ رَمَضَانَ وَأُنزِلَتْ التَّوْرَةُ لِسِتِّ مَضِينٍ مِنْ رَمَضَانَ وَالْإِنْجِيلُ لثَلَاثِ عَشْرَةَ خَلَتْ مِنْ رَمَضَانَ وَأُنزِلَ الْفُرْقَانُ لِأَرْبَعِ وَعِشْرِينَ خَلَتْ مِنْ رَمَضَانَ».

Восила ибн Асқа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Иброҳимга (алайҳиссалом) саҳифалар Рамазоннинг биринчи кечасида нозил қилинди, Таврот Рамазоннинг олтинчи кечасида, Инжил Рамазоннинг ўн учинчи кечасида, Фурқон (Қуръони карим) эса Рамазоннинг йигирма тўртинчи кечасида нозил қилинди”, дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Илоҳий китобларнинг барчаси Рамазон ойида туширилиши бу ойнинг бошқа ойларга нисбатан фазли буюклигига далилдир. Башариятни бахту саодатга эриштирувчи муқаддас китобларни Рамазон ойида нозил қилган Аллоҳ жалла ва аъло уларни икки дунё саодатига сабаб бўладиган рўза ибодатини ҳам шу ойда адо этилишини фарз қилди. Юқорида ўтган рўза ҳақидаги ояти кариманинг давомида айтилади: **“Ким бу ойга шоҳид бўлса (Рамазон ойига етиб келса), бас, у рўза тутсин”**. Яъни, эркагу аёл, каттаю кичик баробар, балоғатга етган бўлса бас, Рамазон ойига соғ-омон етса, рўзани тутсин.

Улуғ рўза ибодатини шу ойда адо этиш фарз қилиниши ҳам, Рамазоннинг улуғ ой эканига далилдир. Моҳи Рамазон фазилатини англатадиган кўплаб ҳадиси шарифлар ворид бўлган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا دَخَلَ رَمَضَانَ فَتُحَّتْ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ وَغُلِّقَتْ أَبْوَابُ جَهَنَّمَ وَسُلِسِلَتِ الشَّيَاطِينُ». وَفِي رِوَايَةٍ: «فَتَحَتْ أَبْوَابَ الرَّحْمَةِ».

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Рамазон ойи кириши билан жаннат эшиклари (бир ривоятда: раҳмат эшиклари) очилади, дўзах эшиклари беркиртилади ва шайтонлар занжирбанд қилинади”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Ҳадиси шарифдан маълум, ҳар йил Рамазон ойи келиши билан, бу ой баракотидан юқоридан раҳмат эшиклари, Рамазон аҳларининг жойлари бўлмиш жаннат дарвозалари очиб қўйилади, дўзах эшиклари ёпилади, мўминларни тўғри йўлдан оздирадиган шайтонлар эса кишанлаб қўйилар экан. Буларнинг бари Рамазон ҳурмати, рўзадорлар ҳурмати учун бўладиган гўзал илоҳий муомаладир. Қолаверса, мўминларга Рамазон ҳурматини жойига қўйишлари учун ибрат, илоҳий дарсдир.

Салмон Форсий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Шаъбон ойининг охирги кунда (Шаъбон Рамазондан олдинги ой) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга бундай хутба (мавъиза) қилдилар: “Эй инсонлар! Сизларга бир муборақ ой соя солиб турибди. Бу ойда савоби минг ойлик ибодат савобидан ортиқроқ бўлган Қадр кечаси мавжуд. Бу ойда кундузи рўза тутиш фарз қилинди, кечаси қоим бўлиб, ибодат қилиш нафлдир. Бу ойда ким ихтиёрий бир яхши амал қилса, унга худди фарз амалини қилган савоби берилур, бошқа ойда бундай эмас, агар ким, бир фарзни адо этса, унга етмишта фарзни адо этганнинг савоби берилур. Бу ой сабр ойидир. Сабрнинг мукофоти эса жаннатдир. Бу ой ўзаро ёрдам, хайру саховат, эзгулик ойидир, мўмин кишининг ризқу рўзи баракали бўладиган ойидир, ким бу ойда бир рўзадорга ифторлик берса, гуноҳлари кечирилади, дўзахдан озод бўлишига сабаб бўлади, ҳамда шу рўзадорнинг савобича ажрга эришади”.

Шунда биз: “Ё Расулulloҳ, бир рўзадорни овқатлантириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-ку?” деб сўрадик. Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Мен ваъда қилган бу ажру мукофотни бир рўзадорга бир қултум сув ёки бир дона хурмо берган кишига Аллоҳ насиб этади. Бу ойнинг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири дўзахдан озод қилишдир. Бу ойда тўрт нарсани айтиб олинглар, бу тўрт нарсадан иккитаси билан Раббингизни рози қилган бўласиз. Улар “Ла илаҳа иллаллоҳ” билан истиғфор айтишингиздир! Иккитаси эса ўзларинг муҳтож бўлган нарса: Аллоҳдан жаннатни сўранг, дўзахдан паноҳ тиланг! Ким бир рўзадорни чанқоғини қондирса, қиёмат куни Аллоҳ таоло уни ҳавзи Кавсардан бир қултум билан суғоради (шу бир қултум ҳавзи Кавсар шарбатини ичган) то жаннатга киргунча чанқамас”, дедилар (*Байҳақий ривояти*).

Пайғамбар (алайҳиссалом) Рамазон ойи киришидан олдин бу ойнинг ҳурмати, қадр-қиммати ҳақида чуқур маъноларни қамраган пурҳикмат ҳадиси шарифларини умматларига баён қилдилар.

Бир йиллик кечалар ичида энг улуғ бир кеча бор, бунда қилинган тоат-ибодатлар минг ой, яъни бир неча йиллаб қилинган ибодатлардан афзалроқ, (минг ой саксон уч йилдан зиёдроқ вақт), савоби кўпроқ, чунки бу кечанинг қадр-қимматини Аллоҳ таоло шу кечада муқаддас Каломини нозил қилиш билан уни осмонларга етказиб қўйган. Бу кечанинг Рамазон кечаларидан бири бўлиши ҳам бу ойнинг фазилати буюклигига далилдир.

Аллоҳ таоло бу ойнинг қадрини ошириш учун яна бир безак билан зийнатлади, ким бу ойда бир ихтиёрий нафл ибодат қилса, унга фарз амалнинг савоби, бир фарзнинг эвазига эса, етмишта фарз амалининг савобини ваъда қилди. Аслида, энг улуғ савоблар фақат фарз амаллар учун берилади. Бошқа ойларда нафл амалга фарзнинг ана шундай улуғ ажри берилмайди, аммо Рамазон ойида эса Аллоҳ таоло уммати Муҳаммадияга янада марҳамат қилди. Аҳли давлат кишиларимиз шу маънога мувофиқ ҳар йили молларининг закотини фақат Рамазон ойида беришни одат қилишгани ҳам бежиз эмас.

Расулulloҳ (алайҳиссалом) бу ойни сабр-тоқат ойи дедилар. Чунки бу ой тоат-ибодатни кўпроқ бажариб олишимиз керак бўлган ой, имтиёзларидан яхшигина фойдаланиб қолишимиз керак бўлган ойдир, бунинг учун сабру тоқатли бўлиш лозим. “Сабрнинг мукофоти эса жаннат бўлади”, деганлар Пайғамбар (алайҳиссалом). Мўминнинг мақсадларидан бири ва энг буюги жаннат роҳат-фароғатига эришиш эмасми?! Ояти каримада айтилган:

﴿ قُلْ يٰعِبَادِ الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اتَّقُوْا رَبَّكُمْۙ لِلَّذِيْنَ أَحْسَنُوْا فِيْ هٰذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةٌۭ وَّأَرْضُ اللّٰهِ وٰسِعَةٌۭۙ إِنَّمَا يُوَفَّى الصّٰبِرُوْنَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿١٠﴾ ﴾

«(Эй Муҳаммад!) Менинг имон келтирган бандаларимга айтинг: “Парвардигорингиздан қўрқинг! Бу дунёда эзгу иш қилган зотлар учун (охиратда) чиройли (оқибат – жаннат) бордир. Аллоҳнинг Ери кенгдир. Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлар ҳисобсиз берилур» (Зумар, 10).

Бу ояти каримани баъзи муфассирлар: сабр қилувчиларга қиёмат куни ажр-мукофотлари берилаётганда ҳисоблаб ўтирмасдан бирданига бериб юборилади, деб таъвил қилган.

Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Бу муборак ойда мўминнинг ризқи кўпаяди”, дедилар. Чиндан ҳам, бунга ҳар йили Рамазон ойи келганда барчамиз гувоҳмиз. Рўзгоримиз баракали, савдо ва бошқа ишлар юришган, битмаётган ишлар битган, инсофсизлар инсофга келиб қолган ва ҳоказо кўп ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Чунки бу ойда осмон эшиклари очилиб, Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилади.

Рамазон рўзасини тутган биргина рўзадорга енгил ифторлик берган кишининг гуноҳлари кечирилади (бу рўзадорнинг ҳурма-

тидан), бирор гуноҳи эвазига дўзахга ҳукм қилинган вақтда ундан қутулиб қолади. Нафақат гуноҳи кечирилиб азобдан қутулиб қолади, балки ана шу қийналиб рўзани адо этган киши оладиган савобни, у қанча олса, шунчасини номасига битказиб қўяди. Бундай улуғ мукофотга озгина ичимлик ёки озгина емакни, у хурмони, узумми, майизми – рўзадорга оғзини очиш учун берсак бўлди, савобга эришамиз. Фақат бунда ихлос ва ана шунинг савобига умид бўлиши лозим.

Пайғамбар (алайҳиссалом) Рамазонни уч қисмга бўлдилар – раҳмат даҳаси, мағфират даҳаси ва дўзахдан озод қилиш даҳаси. Бу уч даҳанинг ўзига хос фазилати оламларнинг Раббисигагина тегишли бўлган хулқлардир. Яъни, раҳмат даҳаси, бу Аллоҳ таолонинг раҳматидир. Аллоҳ таолонинг раҳмати бандасига яхшиликни ирода қилгани, мағфирати эса хатою камчилик, гуноҳларини ўтиб юборишидир, дўзахдан озод қилиш ҳам фақат У Зотга тегишлидир. Демак, Аллоҳ таоло Рамазоннинг аввалги ўн кунлигида рўзадор мўминларга раҳмат назари билан боқади, уларга кўп яхшиликлар насиб этади. Мағфират даҳасида эса кичик гуноҳларни кечиради, учинчи даҳада раҳмат-мағфиратга эришган мўминлар энди дўзахдан озод қилинади.

Бундай катта ваъдалар фақат Рамазонга хослиги бу ойнинг улуғлигига далилдир. Қолган ўн бир ойда қилган маъсиятларимиз, қимматли вақтимиз – умримизни қадрига етмай, амал дафтарига орттирганимиз кир-доғлар Рамазон ойи билан ювилади. Моҳи Рамазон раҳмат Пайғамбарининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умз матларига Аллоҳ таолонинг буюк туҳфасидир. Унинг қадрига етишимиз, қўлимиздан келганича шукрини адо этишимиз лозим.

Пайғамбар (алайҳиссалом) буюрганларидек, тавҳид калимаси: “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни кўпроқ айтиб олишга ҳаракат қилиш керак. Умр ғанимат, вақт ғанимат. Гуноҳларимизга, Аллоҳ таоло ва Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилган исёнларимизга тавбаю истиғфorni кўпайтирайлик. Айниқса, Рамазоннинг сахар чоғларида бунга эътибор берайлик.

Шайтонлару жинлар, Фиръавну Кисролар, кофирлару мунофиқларнинг борар ери бўлмиш жаҳаннамдан кўпроқ паноҳ тилаб олайлик!

Рўзадорларга бериладиган улкан мукофотлар ҳақида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар:

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «فِي الْجَنَّةِ ثَمَانِيَةُ أَبْوَابٍ بَابٌ مِنْهَا يُسَمَّى الرَّيَّانَ لَا يَدْخُلُهُ إِلَّا الصَّائِمُونَ».

Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатда саккизта эшик бор. Улардан бири Райён деб номланиб, ундан фақат рўзадорлар киради”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*). Қиёмат куни: “Рўзадорлар қани? Райёнга марҳамат”, дейилади. Бу нидони эшитган рўзадорлар аста-секин Райёнга кириб боришади. Охиргиси кириб бўлгач, Райён эшиги ёпилади, бошқа ҳеч кимга киришга рухсат берилмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ عَمَلٍ ابْنِ آدَمَ يُضَاعَفُ، الْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِمِائَةٍ ضِعْفٍ...»

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Одам боласининг қилган ҳар бир яхши, эзгу амалига бериладиган ажр-савоби ўндан етти юз баробаригача кўпайтириб берилади”, дедилар. (*Муттафақун алайҳ*). Яъни, мўминнинг битта қилган фарз, вожиб, суннат ёки мустаҳаб амали савоби ўн, баъзан етти юз баробаргача кўпайтириб ёзилади ва қиёмат кунида шунча мукофот берилади.

Бу ҳақда Қуръони каримда:

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ فِي كُلِّ سُنْبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ وَاللَّهُ يُضَاعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾ (٦١)

«Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайди, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон Зотдир» (*Бақара, 261*).

Аллоҳ истаган бандаларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчидир (яъни ушбу ояти каримада қилинган бир яхши амал етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда).

Аллоҳ таоло айтур: “Магар рўза амалига эмас (чунки унга бу мукофот ҳам озлик қилади, сабаби) рўза Мен учундир. Рўзадор

Менинг розилигим учун еб-ичиш ва шахватини қондирмоқдан ўзини тийди, шундоқ экан унинг ажрини Мен Ўзим бераман”. Бандаи мўминнинг барча ибодати Аллоҳ таоло учун бўлса-да, бу ўринда Аллоҳ таолонинг: “Рўза Мен учундир” деб уни истисно қилишидаги айни ҳақиқату ҳикматни ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билса-да, уломаларимиз бу ҳақда баъзи фикрларни айтиб ўтишган, масалан, Қуртубий бундай дейди: “Бошқа ибодатлар хатти-ҳаракатлардан иборат бўлгани учун аксар ҳолларда риё аралашиси мумкин. Аммо рўза ибодати эса, ҳаракатдан холи, шунинг учун у риёдан ҳам холи бўлади”.

“Унинг мукофотини Ўзим бераман” дейишидаги ҳикмату ҳақиқатни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Барча амалларнинг ажру мукофотини Ўзи бериши барчамизга маълум, бироқ бундан рўза мукофотини Ўзим бераман, деб истисно қилиши, рўза мукофотининг жуда улуғ экани ва ажри ҳисобсиз бўлишини билдиради.

Қуръони каримда:

﴿ قُلْ يٰعِبَادِ اللّٰزِيْنَ ءَامَنُوْا اتَّقُوْا رَبَّكُمۡ ۖ لِلَّذِيْنَ اَحْسَنُوْا فِيْ هٰذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةٌ ۗ وَّاَرْضُ اللّٰهِ وٰسِعَةٌ ۗ اِنَّمَا يُؤْتِي الصّٰبِرِيْنَ اَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿١٠﴾

«(Эй Муҳаммад!) Менинг имон келтирган бандаларимга айтинг: “Парвардигорингиздан қўрқинг! Бу дунёда эзгу иш қилган зотлар учун (охиратда) чиройли (оқибат – жаннат) бордир. Аллоҳнинг Ери кенгдир. Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлар ҳисобсиз берилур» (Зумар, 10), оятидаги “сабр қилувчилар” сўзини муфассирлар “рўзадорлар” деб тафсир қилган.

Ҳадиси шарифда айтилади: “Рўзадор учун иккита шодлик бор, биринчи шодлиги: кун ботгач оғиз очиб, ифторлик қилаётганда бўлади”. Яъни, Аллоҳ таоло берган нозу неъматлардан еб-ичиб, очлиги ва чанқоғи кетади, табиий бир сурур пайдо бўлади, қолаверса, рўзани тўла адо этди, ибодатини тугатди, бунга албатта шодланади. “Иккинчи шодлиги: Парвардигорга йўлиққан вақтда бўлади”. Чунки у Аллоҳ таоло амрига итоат этиб рўзани адо этган. Раббисига исён қилишдан қўрқиб, Унинг юзини истаб маълум бир роҳатлардан тийилган эди. Илоҳий маънога эга махсус ибодатни холис Аллоҳ таоло учун бажарди, ана энди Раббисининг ҳузурига борганда шундай улуғ мукофотлар олади, у кўзи кўрмаган, қулоғи эшитмаган, ҳатто хаёлига келмаган мукофот бўлади.

“Рўзадорнинг оғзидан келадиган ҳид Аллоҳ таоло ҳузурида мушқдан ҳам кўра ёқимлироқдир”.

“Сизлардан бирортангиз рўза тутса беҳаё сўзларни айтмасин, сўкинмасин ва овозини кўтармасин, борди-ю уни биров сўкиб, ҳақорат қилса ёки уришмоқчи бўлса, унга: “Мен рўзадорман!” десин” (*Муттафақун алайҳ*).

Ҳозирги кунда кўпчилигимиз, айниқса, ёшларимиз ўзаро, шунчаки муомалада ҳам сўкиниши бир-бирига бақириб ҳақоратлаши сир эмас. Шундай улуғ Рамазон ойида оила бошлиқлари ҳам жуфти ҳалолларини “ширин ҳақоратлар” билан сийлаб туриши, бозор ва дўконлардаги харидор ва сотувчи ўртасидаги, атрофдагиларни лол қолдирадиган томошаларини ҳар куни учратиш мумкин, на унинг ва на бунинг рўзадорлиги хаёлига келади.

Азизлар! Барчамиз Муҳаммад (алайҳиссалом) умматларимиз, ул зот бизнинг фойдамизни кўзлаб айтган ҳар бир сўзлари, панд-насиҳатларига жон қулоғимизни тутиб амал қилсак, икки дунё саодатига эришамиз. Рамазондан бошқа ойларда роса чегарадан чиқиб олдик, энди бу улуғ ойнинг ҳурматига риоя қилайлик. Рўза тутдикми, рўзадек оғир-вазмин бўлайлик, сабр ойидамиз. Шунинг учун турли асаббузарликка йўл қўймай, сабрли бўлайлик. Бундай ҳолатларда оғзимиз берклигини хоҳ тилимиз ёки дилимиз билан айтишга уялмайлик, шундай қилсак, ҳар қандай ҳолат яхши томонга ўзгаради.

Жумҳур фуқаҳолар иттифоқ қилиб айтган: “Рўза ва рўзадорга тегишли ояти карима ва ҳадиси шарифларда айтилган ваъдалар, рўза ҳурматини қилиб, тил ва амалда гуноҳлардан ўзини тийган кишига берилади. Бунга қуйидаги ҳадисни далил келтириш мумкин:

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: “مَنْ لَمْ يَدَعْ قَوْلَ الزُّورِ وَالْعَمَلَ بِهِ فَلَيْسَ لِلَّهِ حَاجَةٌ فِي أَنْ يَدَعَ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Ким ёлғон сўзни ва ёлғонга амал қилишни тўхтатмаса, Аллоҳ таоло унинг емай-ичмай қўйишига муҳтож эмас” (*Имом Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Ибн Ҳажар Асқалоний: “Албатта, Аллоҳ таоло ҳеч нарсага муҳтож эмас. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай

дейишлари мажозий маънода бўлиб, унинг тутган рўзаси мақбул эмаслиги, бундай рўзадор илоҳий лутфдан бенасиб қолишини билдиради”, деган.

Яна бир ҳадиси шарифда ғийбатдан рўзани очилиши айтилган. Бу ҳақда жумхур уламолар: “Рўзадор ҳалол нарсалардан рўза тутиб, ғийбатга ўхшаш ҳаромлардан тийилмаган бўлса-да, тутган рўзаси очилмайди, гарданидан рўза соқит, аммо савобидан маҳрум бўлади”, деган.

Рўза тутган киши маънавий рўзани ҳам тутмоғи лозим. Ғийбат, бўҳтон, ёлғон, чақимчилик ва шунга ўхшаш бошқа ёмон хулқлар шариатимизда тақиқлангандир. Булардан мўмин одам нафақат Рамазон ойида, балки бошқа вақтда ҳам сақланиши керак. Рамазон рўзасида эса умуман қилмаслик лозим. Акс ҳолда фаҳш ва мункар иш қилиб юрган намозхоннинг ўқиган намозидан фойда бўлмаганидек, ғийбат, ёлғонга ўхшаш ҳаром ишларни қилган рўзадорнинг ҳам тутган рўзасидан фойда бўлмайди. Шу ўринда Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) мавзуга доир сўзларини келтирсак: “Рўзанинг даражаси учта бўлиб, биринчиси кўпчилик мўминлар тутадиган рўза, бу аввалда тафсилоти ўтгандек, қорин ва фаржни ман қилинган нарсалардан тийиб туриш холос. Иккинчи даражаси, хос кишиларнинг тутган рўзаси бўлиб, нафақат қорин ва фаржни, балки буларга қўшиб қулоқ, кўз, тил, қўл ва оёқ, ҳамда бошқа аъзоларни ҳам гуноҳлардан тийишдир (яъни бутун аъзоларнинг тутган рўзаси). Учинчи даражаси, хос кишиларнинг ҳам хосроқлари тутган рўза бўлиб, бу аввалги ҳар икки даражага қўшимча, қалбни ҳам паст тубан нарсаларни ҳазм қилишдан, дунё ғаму ташвишларидан, умуман, Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсаларнинг тафаккуридан тийиб туришдир. Бу энг юқори савияли рўза бўлиб, унда Аллоҳ ва охиратдан бошқа нарса ҳақида фикрласа, рўза очилади. Бу хил рўза пайғамбар ва сиддиқларнинг рўзаси. Иккинчи даражали рўза солиҳ – оқилларнинг рўзасидир. Уларнинг барча аъзолари ҳаром ва макруҳлардан сақланиб рўза тутади. Ислом шариатида биздан шу хил рўза талаб этилади”.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيْمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ".

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бир мўмин рўза фарзлиги

учун ва унинг савобидан умидвор бўлиб Рамазон рўзасини тутса, ўтган гуноҳлари кечирилади”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Бу ваъдалар бировнинг риояси учун, отасидан, акасидан ё эридан қўрққани учун ва ёки келиними, бошқасиданми уялгани учун рўза тутган киши ва яна тутаётган рўзаси дардига шифо ёки оғирлигини йўқотиш маъносидаги парҳез ва бошқа шунга ўхшаш дунёвий, кўнгил майллари сабаб рўза тутган киши учун эмас.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ اللَّهَ لَا يَنْظُرُ إِلَى صُورِكُمْ وَأَمْوَالِكُمْ وَلَكِنْ يَنْظُرُ إِلَى قُلُوبِكُمْ وَأَعْمَالِكُمْ".

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло сизларнинг ташқи кўринишингизга ёки молу давлатингизга назар қилмас, балки, қалбингизга (ундаги ният, қасдингизга) ва қилаётган амалларингизга қарайди”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбар (алайҳиссалом) бизларни илоҳий ўлчовларнинг биридан хабардор қилдилар. Аллоҳ таоло шу ўлчови билан мўмин бандаларини ҳам, уларнинг ибодатларини ҳам сарҳисоб қилади. Аллоҳ таоло бандасига қалбига ва қилган ишларига қараб баҳо беради. Қалб ният, мақсад, ихлоснинг маконидир. Шунга кўра, қилинган ҳар қандай ибодатга заррача риё қўшилса, у маъсиятга, илоҳий назарда жирканч ишга айланади, аксинча, ҳар қандай дунёвий иш соф ният ва ихлосдан келиб чиқса, у савобли амалга айланади.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Қайси бир банда Аллоҳ таоло йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ азза ва жалла шу бандасининг юзини дўзахдан етмиш йиллик масофага узоқлаштиради”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Бу ҳадиси шарифда ҳам икки нарсага эътибор беришимиз керак, чунки Пайғамбар (алайҳиссалом) катта марҳаматни ваъда қиляптилар. Биринчидан, тутиладиган рўза Аллоҳ йўлида ва Унинг розилиги учун бўлиши керак, озгина ҳам риё аралашмаслиги учун иложи борица бировга билдирмаслик лозим. Иккинчидан, бу ҳадисда юқорида хослаганлари каби Рамазонга хосламдилар, балки умумий қилиб “ким бир кун рўза тутса” дедилар. Демак, Рамазон рўзасими, ҳар ҳафта душанба, пайшанба кунлари ёки ҳар ой ўртасида уч кун тутиладиган рўзами, буларнинг барига мазкур илоҳий марҳамат бирдек тегишлидир.

Аллоҳ таоло рўза оятининг давомида бундай дейди: **“Сизлардан бирор киши бемор ёки сафарда бўлса** (улар тутолмаган рўза кунларининг) **саноғини бошқа кунларда тутати**”. Аллоҳ таоло биз мўминларга рўзани фарз қилган фармони олийсида Ўзининг Латиф (бандаларига лутф кўрсатувчи) Зот эканини ҳам уқтирган. “Барча мўминга Рамазонда рўза шарт”, дегандан сўнг бемор, мусофир, кекса ёшли мўминларга лутф кўрсатди. Яъни, улар Рамазон рўзасини тутмасликларига рухсат берди. Кейинги кунларида бемор касалидан тузалса, мусофир муқим бўлса, кексаларимиз ҳам куч-қувватга кириб қолишса, неча кун қазо қилишган бўлса, бир кунига бир кун тутиб беришади.

Ояти каримадаги рўза тутмаслик рухсати теккан беморга: рўза тутиш билан касали чўзилиши, зўрайиши эҳтимоли бўлган ҳар қандай хасталар, ҳайз ва нифосдаги аёллар киради. Касаллиги тузалгач, аёллар поклангач қазо рўзаларини тутишлари шарт. Яъни бир кунига бир кун тутишади.

Ояти каримадаги “Рўзага қийналадиган кишилар”га ёши улуғ отахон ва онахонлар ҳамда ҳомиладор ва эмизикли аёллар киради.

Рўза тутишга ярамайдиган кексаларимиз тутмаган бир кун рўзалари ўрнига бир мискин қорнини (ўртача таом билан) тўй-ғазишади ёки шу таом пулини тўлашади. Бу ояти каримадаги айтилган нарса “фидя” дейилиб, унинг миқдори худди фитр садақасидек икки кило буғдой пулига тенг. Саховат қиламан деган кексалар фидя миқдорини оширишлари мумкин. Бу, аслида, ояти каримада айтилганидек ўзларига яхшидир. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар фидя бермайди, балки рўзани қазо қилиб тутати.

Ояти карима сўнгида: **“Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзларинг учун яхшироқдир”** дейилди, яъни бу: эй мўминлар, агар рўза тутишдаги беҳисоб ҳасанот-даражот, мақом-мартабаларни ҳамда руҳий чиниқиш, жисмоний соғломликдан иборат фойдалар аниқлигини билганингизда эди, албатта, Рамазон рўзасини тутишни ихтиёр қилган бўлур эдингиз, деганидир.

Рўзадорга кўплаб ваъда ва илоҳий марҳаматларни башорат қилган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни узрсиз тутмаслик ёки очиб юборишдан қаттиқ қайтарганлар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ким Рамазондан бир кунни рухсатсиз ва касалликсиз тутмаса, кейин умр бўйи рўза тутиб ўтса ҳам, ўша кун

рўзасини тутиб бера олмайди”, дедилар (*Имом Бухорий ва Сунан эгалари ривояти*).

Рўза ойида рўзага қодир бўла туриб, масалада айтилган узрлардан ҳеч бирига соҳиб бўлмаган киши рўза тутмаса, демак, у Рамазонни менсимаган, рўза ҳурматини оёқ ости қилган бўлади.

Имом Заҳабий “Ал-кабоир” асарида: “Фарзларни қасддан тарк қилиш, кабира гуноҳлардан, рўзани беузр тутмаслик зино ва ароқхўрликдан ҳам ёмонроқдир”, деган. Заҳабий (раҳматуллоҳи алайҳ) фикри тўғри, чиндан ҳам Аллоҳнинг амрини, яъни, фарз амалларини бажармаслик, бандалар қилмасликлари керак бўлган гуноҳни қилиб қўйишдан ёмонроқ, бунга Одам (алайҳиссалом) ва Иблис лаъин воқеаси мисол бўлади.

Буюк хулқ соҳиби Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳнинг хулқи билан хулқланинглари” деган эканлар. Аллоҳ таоло ўта марҳаматли, карами кенг Зот. Пайғамбар (алайҳиссалом) ўзлари ҳам барча, энг гўзал хулқларга эга эканлари Қуръони каримда зикр этилган.

Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ана шундай хулқларидан бири саховатлилик эди.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Пайғамбар (алайҳиссалом) одамларнинг энг саховатлиси эдилар. Айниқса, Рамазон ойида Жаброил (алайҳиссалом) у зотнинг ҳузурларига келган пайтда яна ҳам саховатпеша бўлар эдилар. Жаброил (алайҳиссалом) Рамазоннинг ҳар кечасида Пайғамбар (алайҳиссалом) олдиларига келар ва Қуръон илмини ўргатар эди. Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) олийҳимматликлари эсаётган шамолдан ҳам тезроқ эди” (*Муттафақун алайҳ*).

Сахийлик, қўли очиклик, олийжаноблик – беришга лойиқ бўлган нарсани, бериш мумкин бўлган кишига беришдир.

Пайғамбар (алайҳиссалом) қўллари очик, жуда ҳимматли бўлганлари тўғрисида кўплаб ишончли ривоятлар ворид бўлган, ушбу ҳадис шулар жумласидандир:

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Саховатли киши Аллоҳга яқин, жаннатга яқин, одамларга яқин ва дўзахдан узоқдир, бахил киши Аллоҳдан узоқ, жаннатдан узоқ, одамлардан узоқ ва дўзахга эса яқиндир. Ўзи жоҳил, бироқ сахий бўлган киши Аллоҳга обид бўлса-да, бахил бўлган кишидан севиклироқдир”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Барча гўзал хулқларни ўзларида мужассам қилган Пайғамбар (алайҳиссалом) саховат фазилатида ҳам умматларига намуна эдилар. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сахийликлари улуғ Рамазон ойида яна ҳам кўп ва тез бўларди, ҳатто шамол тезлигидан ўтарди. Бунга биринчидан, мубороқ ойнинг келиши сабаб бўлса, иккинчидан, илоҳий илмни Жаброил (алайҳиссалом) билан такрор қилишларидир.

Жаброил (алайҳиссалом) Рамазоннинг ҳар кечаси келиб, Пайғамбарга (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг илмини яхшилаб ўргатар, тушунтирар эди, шу заҳоти у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хотираларига ўчмас бўлиб муҳрланарди. Шу сабаб бўлиб, Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳимматлари денгиздек мавж урарди.

Ҳадисдан олинадиган баъзи фойдалар:

Ҳар қандай вақтда саховатли бўлиш, айниқса, Рамазон ойида кўпроқ ҳимматли бўлиш, аҳли фазл кишини кўпроқ зиёрат қилиш, Қуръон илми ва тиловатига берилиш жуда катта савобларга ноил бўлишга сабаб бўлади.

Рамазони шариф Аллоҳ таолонинг ойи, Қуръони карим ойи. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ҳар йил Рамазон ойида Қуръонни Жаброилга (алайҳиссалом) бошдан охиригача ўқиб, ўтказиб олар эканлар. Шундан келиб чиқиб, ер юзи мусулмонларига ҳар Рамазонда масжид ва хонадонларда Қуръон тиловат қилиш, уни хатм қилиш суннат бўлди.

Рамазоннинг ҳар кечасида хуфтоннинг фарзидан кейин, витрдан олдин йигирма ракат намоз ўқиш суннати муаккададир. Бу таровеҳ намози дейилади.

Бу ҳақда Пайғамбардан (алайҳиссалом) қуйидаги ҳадис ворид бўлган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ".

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким имон билан савоб умидида Рамазон кечалари қоим бўлса, ўтган гуноҳлари кечирилади”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Рамазон ойида тун охирида субҳдан олдин саҳарлик қилиш мустаҳаб бўлиб, кўп ажрли амалдир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَسَحَّرُوا فَإِنَّ فِي السَّحُورِ بَرَكَةً».

Анас ибн Молик (розияллоху анху) ривоят қилади: Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Саҳарлик қилинглар, чунки саҳарликда барака бор”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

عَنْ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «فَصُلِّ مَا بَيْنَ صِيَامِنَا وَصِيَامِ أَهْلِ الْكِتَابِ أَكَلَةُ السَّحْرِ».

Амр ибн Ос (розияллоху анху) ривоят қилади: Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Бизнинг рўзамиз билан аҳли китобларнинг рўзаси ўртасидаги фарқ саҳарлик қилишдир”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Демак, мусулмонлар рўзасининг аҳли китоблар рўзасидан фарқи бўлиб, у саҳарлик қилишдир. Аҳли китоб яҳудий ва насороларда саҳарлик йўқ эди. Шунинг учун саҳарлик қилиш фазилатли иш бўлиб, баъзи ривоятларда айтилганидек, бир қултум сув билан бўлса ҳам саҳарлик қилиш керак.

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَزَالُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا عَجَّلُوا الْفِطْرَ».

Саҳл ибн Саъд (розияллоху анху) ривоят қилади: Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Модомики, одамлар ифторлик қилишга шошилсалар, доим яхшилиқда бўлишади”, деб марҳамат қилдилар (*Муттафақун алайҳ*).

Демак, оғиз очиш вақти бўлиши билан ифторлик қилишимиз керак. Бу суннат бўлиб, шом ўқишдан олдин бир оз нафсни ўлдиргудек таомланиб олишимиз кўп яхшилиқка эришишимизга узвий боғлиқ экан.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: «أَحَبُّ عِبَادِي إِلَيَّ أَعْجَلُهُمْ فِطْرًا»».

Абу Ҳурайра (розияллоху анху) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ таоло: “Менга (рўза-

дор) бандаларим ичида маҳбуброғи ифторликка шошилганидир”, деди» (Имом Термизий ривояти).

Чунки яхудий ва насоролар ифторликни кечиктирарди. Биз мўминлар уларга хилоф равишда, ифторликни қасддан кечиктирмаслигимиз лозим.

Қуръондаги “инзол” сўзи бирданига тушириш маъносини англатса, “танзил” сўзи эса, бўлиб-бўлиб тушириш маъносини англатади. Қуръони карим йигирма уч йил давомида бўлиб-бўлиб нозил қилинган барчага маълум. Лекин оятда бирдан нозил қилинди, дейилишининг сабаби:

1. Кўпчилик тафсирларда келган ривоятларга кўра, Қуръон Рамазон ойининг муборак Қадр кечасида дунё осмонига бир мартада нозил қилинди. Кейин йигирма уч йил давомида босқичма-босқич, бўлиб-бўлиб, ер юзига туширилди. Демак, Қуръон дунё осмонига Рамазон ойининг Қадр кечасида тўлиғича нозил қилинди.

2. Қуръон бу ойда нозил бўла бошлади. Чунки “ҳаммасини зикр қилиш баъзисини ҳам ўз ичига олади” қоидасига кўра амалга оширилади.

Оятдаги “**...Қуръон нозил қилинган ойдир**” сўзидан мурод Рамазон ойидир. Албатта, Қуръони каримда бу муборак ойдан ташқари Аллоҳнинг мақтовига сазовор бўлган бошқа бирон бир ой очиқ айтилмаган. Ҳа, Рамазон шундай муборак ва улуғ ойдир. Шу сабабли рўзанинг фарз қилиниши Рамазон ойига хос қилинган. Мазкур санокли ва чегарали кунлар ҳам мана шу муборак Рамазон ойининг кунларидир. Оятда “**...Ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин**”, дейилмоқда.

Рамазон рўзасини тутиш Қуръон ва у нозил бўлган ойга ҳурматнинг ифодасидир.

Рамазон Қуръон ойидир. Бу ойда нафсоний истакларни тарк этиб, ейиш ва ичишдан воз кечиш орқали инсон фаришта сифати билан сифатланади. Бу билан у Қуръонни худди ҳозир нозил бўлгандек тиловат қилиш ва эшитиш, ҳатто бу илоҳий хитобни Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитаётгандек, балки Жаброилдан (алайҳиссалом), балки азалий калом Соҳибидан эшитишдек ҳолатга муяссар бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда инсонга хитоб қилмоқда. Бу инсон учун энг буюк шарафдир. Қуръонга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш уни чиройли қилиб уйнинг тўрига осиб қўйиш билан

бўлмайди. Агар сизга улуғ кишиларнинг биридан мактуб келса, сиз уни таржимонлар ёрдамида бўлса ҳам ўқишга, мазмунини билишга ҳаракат қиласиз. Мактубни очмасдан, четга олиб қўйиш ақлли кишининг иши эмас. Қуръонда сизга бутун оламлар Рабби хитоб қилмоқда. Қуръонни ўқиш ва уқиш, маъносини англашга ҳаракат қилиш инсоннинг энг муҳим вазифасидир. Рамазон ойи буни амалга оширишнинг энг фойдали ва баракали пайтидир.

Рамазонда бутун Исломи олами азим масжид кўринишини олади. Бу шундай масжидки, ҳофизлар ҳар тарафдан Қуръон тиловат қилиб, илоҳий каломни замин аҳлига эшиттиради. Ҳар Рамазонда Қуръон ўз оятларини янада нурли ва порлоқ тарзда кўрсатиши, Рамазоннинг Қуръон ойи эканини исботлайди. Бу улуғ жамоатнинг қолганлари ҳузур билан Қуръони карим хатмларини тинглайди, бошқалар эса ўзлари тиловат қилади. Шундай вазиятдаги муқаддас масжидда ўз нафсига тобе бўлиб, ейиш-ичиш билан бу ҳалқадан чиқиш қанчалик беодоблик ва жамоатнинг маънавий нафратига дучор бўлишга сабабчи эса, худди шунга ўхшаб, Рамазонда рўзадорларга муҳолафатда бўлиш ҳам Исломи оламининг маънавий танбеҳига дучор бўлишига сабаб бўлади.

Рамазонда қилинган ҳар бир амалга минг савоб ёзилади.

Ҳадисларда билдирилганидек, Қуръоннинг ҳар бир ҳарфига ўн савоб бор. Ўнта яхшилик ёзилиб, ўнта жаннат меваси берилади. Рамазонда ҳар бир ҳарфга ўн эмас, минг, оятул курсий каби оятларнинг ҳар бир ҳарфига минглаб ва Рамазон жумаларида бу янада кўпроқ, “Лайлатул Қадр” кечасида эса, ўттиз минг савоб берилади. Ҳар бир ҳарфи ўттиз минг боқий жаннат меваларини берувчи Қуръони карим шундай бир мунаввар дарахт, Рамазонда сон-саноксиз меваларни мўминларга тақдим этади.

Энди айтинг, шундай фойдали боқий тижоратдан узоқ турганлар, бу муборак ҳарфларнинг қадрига етмаганлар қанчалик зарар қилишган бўлади?!

Рамазон охира тижорати учун очилган ғоят фойдали бозорга ўхшайди. У охира ҳосилини экиш учун серунум тупроқ, амалларнинг униб-ўсиши учун баҳор ёмғирига ўхшайди. Аллоҳ таоло ҳузурида бандалигимизни намоён қилиб, безанадиган энг азиз ва улуғ байрам каbidир. Модомики шундай экан, ейиш-ичиш каби нафсни ғафлатда қолдирувчи жисмоний истакларни жиловлаш учун рўза тутишга буюрилган. Бу билан инсон гўё вақтинча жисмонийликдан чиқиб фариштага айлангандек бўлади. Охира тижо-

ратига йўналгани учун дунёвий ташвишларини бир четга суриб, руҳий парвозга шайланади.

Рамазон бу фоний дунёда, фоний умрда ва қисқа бир ҳаётда боқий умр, абадий ҳаётни бизга тақдим этади. Қадр кечаси саксон уч йилдан кўпроқ умрнинг самарасини бериши мумкин. Бу ҳақиқатга Қадр кечасининг минг ойдан хайрли эканини билдирган Қуръон ҳужжатдир.

Дунё мамлакатларида ҳам баъзи бир муҳим кунлар, юбилейлар байрам сифатида кенг нишонланади. Ўша кунда давлат бошлиғи ўз халқига одатдагидан бошқачароқ муомала қилади. Қабул маросимлари уюштиради, мукофотлар беради, умумий афв эълон қилади.

Модомики, Рамазон шундай байрам экан, албатта, шахвоний ва нафсоний ҳаракатлардан тийилиш учун инсонларга рўза тутиш буюрилиши керак. Рўзанинг энг мукаммали эса, ошқозон рўза тутганидек, бошқа аъзолар – кўз, қулоқ, қалб, хаёл, фикр кабиларга ҳам маълум маънода рўза туттириш билан бўлади. Яъни, ҳаромлардан ва бўлмағур нарсалардан узоқ туриш ва ҳар бир аъзо ибодат қилиши лозим. Масалан, тилни ғийбат қилиш, ёлғондан сақлаш йўли билан рўза туттириш ва Қуръон тиловати, зикр, тасбеҳ, салавот ва истиғфор айтиш билан ибодат қилдириш керак. Кўзни номаҳрамга қарашдан ва қулоқни ёмон нарсалар эшитишдан сақлаб, кўзни ибратга ва қулоқни ҳақ сўз ва Қуръон эшитишга йўналтириш уларга бир нави рўза туттириш демакдир. Инсонни энг кўп ташвишга қўядиган ошқозонга рўза туттириш орқали таътил берилса, бошқа аъзоларни бўйсундириш осон кечади.

Мана шу ойда улуғ бир кеча борки, унинг қадри минг ойдан афзал.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ﴿١﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ﴿٢﴾ لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ ﴿٣﴾ نَزَّلُ الْمَلَائِكَةَ وَالرُّوحَ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِم مِّن كُلِّ أَمْرٍ ﴿٤﴾ سَلَامٌ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ﴿٥﴾﴾

«Албатта, Биз уни (Қуръонни Лавҳул маҳфуздан биринчи осмонга) Қадр кечасида нозил қилдик. (Эй Муҳаммад!) Қадр кечаси нима эканини сизга не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. У (кеча)да фаришталар ва Рух (Жаброил) Парвардигорининг изни билан (йил давомида қилинадиган) барча ишлар (режаси) билан (осмондан ерга) тушар. У (кеча) то тонг отгунича саломатликдир» (Қадр, 1– 5).

“Қадр” сўзининг турлича маънолари бор. Жумладан, қадр-қиммат, ўлчов, миқдор. Бу сурага мазкур сўзларнинг ҳар бири тўғри келадигани. Зеро, бу кечанинг қадр-қиммати минг ойдан улуғлиги ва бу кечада бир йиллик ишлар ўлчаниб, режалаштирилиши бунга далилдир.

Қадр кечаси Рамазон ойининг нечанчи кечаси экани аниқ баён қилинмаган. Лекин саҳобалар Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни аниқлаб, айтиб беришларини кўп сўраганларидан кейин Рамазон ойининг охириги ўн куни тоқ кечаларидан излаш кераклиги ҳақида айтганлар.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло биз мўминларни Рамазон ҳурматиға тўла риоя қиладиган ва бу ойнинг барча фазилатларидан баҳраманд бўла оладиган бандаларидан қилсин. Омин, ё Раббал оламин!

ЗАКОТ – МОЛИЯВИЙ ИБОДАТ

Аллоҳ азза ва жалланинг инсониятга, ҳаётларида бевосита татбиқ этиб, икки дунё саодатиға эришишлари учун нозил қилган барча шариатида молиявий ибодат – садақа бериш фарз қилинган. Жамиятнинг мол-мулк эгалари бўлмиш бойлари, унинг кам таъминланган аъзолариға моддий ёрдам кўрсатишлари диний вазифалари ҳисобланган. Аллоҳ таоло охир замон умматлариға ҳам садақанинг махсус кўринишини фарз қилди ва уни закот деб номлади. Албатта, закотда ҳам бошқа ибодатларда бўлганидек маънавий, руҳий ҳикматлар бор.

Бандаларни яратиб, уларға барча неъматларни ато қилган фақат Аллоҳнинг Ўзи, демак, молу дунёни берган ҳам У Зотдир. Шундай экан, банда Аллоҳнинг мол-дунё билан боғлиқ имтиҳонидан ўтиши керак. Аллоҳ таолонинг амрини молдан устун қўйиб, закот берадими ёки мол-дунёсига қул бўлиб, уни, муҳаббатини Раббисидан устун қўядими?

Аллоҳ аззава жалла ана шундай имтиҳони билан сирот кўпригидан ўтадиганни йиқиладигандан ажратиб олади.

Закот ҳижратнинг иккинчи йили Рамазон рўзасидан олдин фарз қилинган. Закотнинг қатъий фарзлиги Қуръон, суннат ва ижмо билан собитдир. Ким мўмин бўлатуриб, намоз ўқиб, закотнинг фарзлигига рози бўлмаса, диндан чиққан ҳисобланади. Пайғамбар (алайҳиссалом) вафотларидан кейин закот беришдан бош

тортган қабилалар билан биринчи бўлиб халифа Абу Бакр Сиддик (розияллоҳу анҳу) бошлиқ барча саҳобалар қаттиқ курашган.

“Закот”нинг луғавий маъноси ўсмоқ, кўпаймоқ, покламоқ, деган маъноларни англатса, шаръий маъноси: махсус важҳда, кўринишда, белгиланган мол-мулкдан маълум миқдорини чиқариб, кимгадир бериладиган нарсанинг исми закот дейилади. Бугунги куннинг истилоҳи билан айтадиган бўлсак, закот – жамият аъзоларига, яъни мўминларга юклатилган молиявий мажбуриятдир.

Қуръони каримда “закот” сўзи ўттиз мартадан ортиқ зикр қилинган бўлса, шулардан йигирма еттитасида намоз бирга келган. Шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларида ҳам закотга катта эътибор берилган.

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ ﴿٤٣﴾﴾

«Намозни баркамол ўқингиз, закот берингиз ва руку қилувчилар (намозхонлар) билан бирга руку қилингиз (намоз ўқингиз)» (Бақара, 43).

﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقِيَمَةِ ﴿٥﴾﴾

«Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, Унинг учун динни (ширкдан) холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни баркамол адо этишга ҳамда закот беришга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри (ҳаққоний) йўлдир» (Байина, 5).

Юқоридаги ҳар икки ояти каримада закот сўзи улуғ ибодат – намоз сўзига қўшилиб келмоқда.

Қуръони каримнинг бир неча оятларида закот намоздан кейинги ўринда келтирилган. Бу закотнинг шартлиги намоз мажбуриятидан кам эмаслигига далилдир. Демак, намоз қанчалик фарз бўлса, закот ҳам шунчалик фарз.

﴿خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِمْ بِهَا وَصَلِّ عَلَيْهِمْ إِنَّ صَلَاتَكَ سَكَنٌ لَهُمْ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٠٣﴾﴾

«Мол-мулкларидан уларни у сабабли поклашингиз ва тоғ залашингиз учун садақа олинг ва улар (ҳаққи)га дуо қилинг!

Албатта, дуоингиз уларга таскин (тасалли)дир. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир» (Тавба, 103).

Закотнинг молу мулкка боғлиқ ҳикматлари:

Закоти берилган мулк–бойлик (камбағаллар ҳақидан) покланади ва баракали бўлишига–кўпайишига сабаб бўлади. Турли офатлардан сақланади.

Закот берувчининг ўзига тааллуқли ҳикматлари эса: энг аввал Аллоҳ таоло ҳузурида саховатли, итоатли мўмин банда деб мақталади, хулқи сахийлик фазилати билан зийнатланади. Нафс бахиллигидан тозаланади. Гуноҳларига каффорат бўлади. Камбағаллар ичида ҳурмати ошади. Қиёмат кунида эса, бошига соябон бўлиб, юқори даражаларга эришади.

Закотнинг рукни ихлос, яъни молнинг закотини бераётган мўминнинг қалбида, бу молиявий ибодати фақат Аллоҳ розилиги учун, деган ўй-фикр бўлиши керак. Закотдаги ихлос шундай бўлади, бу ихлосни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Ихлос Аллоҳ таоло билан банданинг ўртасидаги сирдир. Мўмин киши қиладиган барча ибодатларининг илдизи ана шу сирдан суғорилган бўлиши лозим.

Айниқса, закот ибодатида, у молиявий-моддий ашёлар билан бажариладиган ибодат бўлгани учун шайтон осонгина қалб сирини яъни, ихлосни ўмариб, ўрнига шахсий манфаатлардан иборат ўй-фикрларни жойлаб қўйиши мумкин. Натижада эса миқдори қанча кўп закот берилган бўлса-да, закот берувчига унинг заррача савоби ҳам, закот ҳикматлари ҳам бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун закот берувчи бой кишилар бунга йўл қўймасликлари керак, бунга эътибор беришлари шарт.

Закот, унинг фазли ва ажри ҳақида, кўплаб ҳадиси шарифлар муътамад китобларда келтирилган, масалан:

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом) Муоз ибн Жабални (розияллоҳу анҳу) (9-ҳижрий йил охирида) Яманга (амир қилиб) юбораётганларида: “Сен (эй Муоз!) аҳли китоблар жамоасига боряпсан. (Борганингдан сўнг) уларни “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ”ни тасдиқ этишга чақир. Улар сенга итоат этиб, буни тасдиқ этишгач, Аллоҳ уларнинг зиммасига ҳар кеча кундуз беш вақт намозни фарз қилганини уларга билдир, бас, улар бунга (ҳам) итоат этишса, Аллоҳ уларнинг зиммасига бой кишилардан олиниб, мухтожларга тарқатиладиган садақа (закот)ни фарз қилганини билдир. Агар

улар итоат этишса, бас, сен уларнинг қимматбаҳо молларини олма, (сен, эй Муоз, уларнинг ичида қози бўлиб юрар экансан) бировга зулм қилиб унинг қарғишига қолишдан сақлан, чунки мазлумнинг дуоси билан Аллоҳнинг ўртасида ҳеч қандай тўсиқ йўқ”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳурматларига, севгиларига сазовор бўла олган мадиналик машҳур саҳоба. Пайғамбар (алайҳиссалом) у кишини Яман аҳлига ўзларидан элчи, яъни Ислом арконларини ўргатадиган муаллим, ўрталарида ҳукм чиқарадиган қози этиб юбордилар. Улуғ Пайғамбар (алайҳиссалом) олийгоҳида таълим олиб, олим бўлиб етишган Муоз Яманга жўнашидан олдин яна бир бор Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳикматларидан баҳраманд бўлди. Бунда Муоз (розияллоҳу анҳу) яманликларга Аллоҳнинг фарзларини бирданга юкламасдан, таълим самарасини оширадиган усулда, навбатма-навбат, секин-аста, шошилмасдан даъват қилиши баён қилинган эди. Илм-фан ривожланган бугунги кунда таълим тизимида кенг қўлланиладиган ушбу самарали анъанани ўн тўрт аср олдин инсониятга ҳар соҳада намуна бўла олган зот Муҳаммад (алайҳиссалом) қўллаган эдилар.

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандалари учун ҳозирлаб қўйган жаннатлари ичида энг аълоси Фирдавс номли жаннат бўлиб, у ҳақда Пайғамбар (алайҳиссалом): “Сиз (эй мўминлар), Аллоҳдан жаннатул Фирдавсни сўранг, чунки у жаннатларнинг энг аълосидир”, деганлар.

Фирдавсга меросхўр бўладиган мўминлар, қайси амаллари эвазига меросхўр бўлиб, унда абадий қолишлари Муъминун сурасининг 11-оятда батафсил баён қилинган:

﴿الَّذِينَ يَرْتُونَ الْفِرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

1. «Фирдавс (жаннати)га ворис бўлишиб, улар у ерда (жаннатда) мангу қолувчидир» (*Муъминун, 11*).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўминлар нажот топишини очиқ-ойдин ваъда бермоқда. Ҳали нажотга эришмаган мўминларнинг ўтган замон феълида “**ҳақиқатан нажот топдилар**”, дейилиши уларнинг қуйидагиларга амал қилсалар, охиратда нажот топишлари аниқлигини билдиради.

﴿ وَالَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ ﴾

2. «Улар намозларида ўзларини камтар тутувчилардир» (Муъминун, 2). Намозни хушу билан ўқимайдиган, қалбида, ҳаракату саканотида Аллоҳдан ҳайиқиш ва сокинлик ёғилиб турмайдиган одам намоздаги ҳолатини ўйлаб кўрсин ва тезда ўзини ўнглаб олсин.

﴿ وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ﴾

3. «Улар беҳуда (сўз ва ишлар)дан юз ўгирувчилардир» (Муъминун, 3). Беҳуда сўз, беҳуда иш, тафаккур, ҳис-туйғу, умуман, бардча беҳуда нарса учун мўмин кишининг қалбида жой йўқдир. Унинг қалби Аллоҳнинг муҳаббати, зикри, фикри ва Аллоҳнинг амрини тафаккур этиш билан банд бўлади.

﴿ وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَاةِ فَاعِلُونَ ﴾

4. «Улар закотни адо қилувчилардир» (Муъминун, 4). Мўминлар ўз шахслари, ибодатлари ва қалбларинигина эмас, мол-мулкларини ҳам поклаб юради. Мазкур амал молдан закот чиқариб, ҳақдорга бериш билан бўлади. Зеро “закот” сўзи ҳам поклаш маъносини билдиради. Яратган Хожасига молиявий ибодат қилади. Ана шундагина нажотга эришишнинг шартларидан бирига амал қилган бўлади. Молидан ҳақдорларга закот чиқариб бермаган одам бу мартабани умид қилмаса ҳам бўлади.

Демак, Пайғамбардек (алайҳиссалом) зотнинг ишқлари тушган Фирдавс жаннатига эга бўлиб, унда абадул-абад қоладиган мўминлар бошқа солиҳ амаллар қатори, қодир бўлишса, молларининг закотини ҳам ўз ҳақдорларига берган бўлишлари лозим. Албатта, Ислом рукнларининг ҳар бири жумладан закот ҳам, уни ихлос ила адо этувчи бандани Раббисига яқин қилади.

Ояти карима ва ҳадиси шарифларда закотларини берган бойларга ажру азимлар ва яхши ваъдалар берилиши билан бирга, унга қодир бўлатуриб, бу илоҳий мажбурият гарданига тушишига ярайдиган ҳолатда бўлатуриб, ундан бош тортган, бермаган мўминларга қаттиқ ваъидлар ҳам айтилган, ҳалокатли оқибатдан огоҳлантирилган, худди шу маънодаги тарихий воқеалар ҳикояси ҳам баён қилинган, токи бошқалар ибрат олсин, насиҳатлансин!..

Ушбу мазмундаги оятлардан бирида Аллоҳ таоло бундай дейди:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ الْأَحْبَارِ وَالرُّهْبَانِ لِيَآكُلُونَ أَمْوَالَ النَّاسِ بِالْبَاطِلِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ يَكْتَنُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُفْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣٤﴾ يَوْمَ يُحْمَىٰ عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكْوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وَظُهُورُهُمْ هَذَا مَا كَنَزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُقُوا مَا كُنْتُمْ تَكْتَنُونَ ﴿٣٥﴾﴾

«Эй имон келтирганлар! (Аҳли китоблар ичидаги) руҳоний ва роҳибларнинг кўпи одамларнинг молларини ноҳақлик билан ейди ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсади. Олтин ва кумушларни кон (махфий хазина) қилиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб ҳақида “хушхабар” беринг! (Мазкур олтин-кумушлар) жаҳаннам ўтида қизитилиб, улар билан пешоналари, ёнлари, орқалари куйдирилган кунни: “Бу ўзларингиз учун сақлаган хазинангиздир. Сақлаган хазинангиз (мазасини) тотингиз!” (дейилади)» (Тавба, 34–35).

Ояти каримада “канз”ни муфассирлар: – жамлайдилар, йиғадилар, деб таржима қилган.

“Аллоҳ йўлида сарфламайдилар”дан мурод закотни бермасликларидир.

Бу фикрга “Сунани Абу Довуд”даги ушбу ҳадиси шариф далил бўлади:

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Мазкур ояти карима нозил бўлгач, бу мўминларга оғир келди, саҳобалар ташвишга тушди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу): “Мен бунга аниқлик киритаман”, деб, Пайғамбарга (алайҳиссалом) бориб: “Ё Расулulloҳ! Бу оят саҳобаларингизга оғир бўлди?!” деди. Пайғамбар (алайҳиссалом) Умарга: “Аллоҳ таоло закотни (закоти берилган) мол-мулкдан қолганини поклаш учун фарз қилди. (Яъни тилло-кумуш ва бошқа мол-мулкнинг закоти берилса бўлди, уларни кўпайтиришда сизга гуноҳ йўқ)”, дедилар.

Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) бу жавобларидан Умар (розияллоҳу анҳу) хурсанд бўлди, ҳатто, такбир айтиб юборди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна: “Сенга киши қўлга киритадиган нарсалари ичида энг хайрлисидан хабар берайми?”

деб, “Унга қараганда хурсанд қиладиган, иш буюрилса итоат қиладиган, эри йўқлигида (унинг молинию шаънини) муҳофаза қиладиган солиҳа аёлдир”, дедилар (*Абу Довуд ривояти*).

Чунки саҳобалардан ҳам давлатманд, тиллою кумушлар жамғарган бой кишилар бўлган.

Савбон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: **“Олтину кумуш жамлайдиган кишилар”**, деб бошланган ояти карима нозил бўлгач, биз Пайғамбар (алайҳиссалом) билан бир сафарда эдик. Саҳобаларнинг баъзиси: “Олтин, кумуш ҳақида гап шу бўлса, бизга қайси мол яхшироқ экан, қай бири манфаатлироқ экан. Билганимизда эди, ўшани маҳкамроқ ушлар эдик”, деди.

Пайғамбар (алайҳиссалом) уларга жавоб бериб: “Сизларга энг яхши мол – Аллоҳни зикр қилувчи тил, шукр қилувчи қалб ва диёнат ишларига ёрдам берадиган солиҳа, мўмина аёл!” дедилар (*Имом Термизий, Ибн Можа ривояти*).

Савбон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган мазкур ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсон умри мобайнида эга бўладиган нарсалар ичида энг афзалини, саодатуддорайнга элтадиганини қисқа ва лўнда қилиб баён қилдилар. Теран фикрлаб кўрган соф имонли мўмин, дунё имтиҳонларидан йиқилмай ўтишида, охиратда нажотга эришишида ана шу уч нарса киши ҳаётида не чоғли зарур эканини ҳис қилади. Буни ҳар бир мўмин Аллоҳдан кўпроқ сўраши лозим. Аллоҳ кимга бу уч нарсани насиб этган бўлса, албатта, уларнинг қадрига етиши керак бўлади.

Мўминлар онаси Умму Салама (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: Мен тоза тилло тақинчоқ тақардим. Бу ҳақда: “Ё Расулуллоҳ, шу ҳам конми?” деб сўрадим. Ул зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Нисобга етгач, унинг закоти берилса, бас, у кон эмас”, дедилар. (*Абу Довуд, Ҳоким ва Байҳақий ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Закоти адо этилган мол-дунё хазина эмас”, дедилар (*Имом Табароний ва Байҳақий ривояти*).

Шу маънони таъкидловчи яна бир ҳадисда бундай дейилади:

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Ким олтин-кумуш йиғса ва уларнинг закотини адо этмаса, қиёмат куни ўтдан тамға қилинади ва ёнбошига, пешонасига ҳамда орқасига босилади”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Яна Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом) айтдилар: “Аллоҳ бир бандага мол-дунё берса, у

банда молининг закотини бермаса, қиёмат куни шу молини захри ўткирлигидан боши ялтираб кетган, кўзининг устида иккита қора нуқтаси бор қўрқинчли илонга айлантирилади. Илон унга ўралиб уни бўға бошлайди. Кейин оғзининг икки чеккасидан тишлаб: “Мен сенинг мол-давлатингман, мен сенинг закотини бермаганинг олтин ва кумушларингман”, дейди. – Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳадисларини тугатишлари ҳамон ушбу оятни ўқидилар:

﴿وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ هُوَ خَيْرًا لَهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَهُمْ سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخَلُوا بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَاللَّهُ مِيرَاثُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ﴾

«Аллоҳнинг фазли билан берган нарсаси (бойлиги)дан бахиллик қилувчилар буни ўзларига яхши деб ҳисобламасинлар! Асло! Бу улар учун ёмондир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари (ўз бўйинларига) бўйинтуруқ қилиб илиб қўйилади. Осмонлар ва ернинг мероси Аллоҳга (қолур). Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир» (Оли Имрон, 180) (Имом Бухорий ривояти).

Динимиз таълимоти бўйича инсоннинг қўлидаги мол-дунё унга Аллоҳ таоло ўз фазлидан берган омонатдир. Ўзининг меҳнати, донолиги билан эришган бўлса ҳам бу меники, пешона терим, ҳеч ким хўжайин эмас, деб ўйламасин. Ўзи ҳам, молу дунёси ҳам Аллоҳ таолоники, Аллоҳ хўжайин, шунинг учун молини Аллоҳ таоло розилиги йўлида сарфлаши, энг аввал закотини бериши, Рамазонда фитр садақа ва бошқа ихтиёрий инфоқ-эҳсонлар қилиб туриши керак. Ана шунда нафс бахиллигидан сақланиб қолади. Ким: “Домлалар айтаверади, ота-боболаримиз: “Ема-ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг, мен кафил!” бировга бериш тугул емай-ичмай йиғавер, бой бўласан, деб бежизга айтишмаган” деган “доно” фикрга ёпишиб олган бўлса ва сарф қилишдан қочиб тўпласа, у бахиллик қилган бўлади. Бу бахиллик ўз эгасини дўзахга олиб боради. Бахиллик бу ўзига яхши бўлиб кўринади. Сиртдан қараганда, бахиллик молни муҳофаза қилади.

Тарқалиб, йўқ бўлиб кетишдан асрайди, лекин бу мол беш кунлик дунёда тўпланаяди, ўлиб кетгач, шундоқ қолади, қолганда ҳам бахиллик билан тўплагани учун ўзига бало-офат бўлиб қолади.

Аллоҳ таоло уни бахиллик билан тўплаб қўйган мол-мулкининг ўзи билан жазоламайди, жазо кўриниши юқоридаги ҳадисда айтилди. Ким бу фоний ва бевафо дунёда бир нарсани қаттиқ яхши кўриб уни Аллоҳ ва Расулидан, унинг итоатидан юқори қўйса, яъни ўшани деб, Аллоҳ таолога бўйсунидан қолса, қиёмат куни Аллоҳ таоло уни худди шу севган нарсаси билан жазолайди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Саховатли киши Аллоҳга яқин, жаннатга яқин, одамларга яқин ва дўзахдан узоқдир, бахил киши Аллоҳдан узоқ, жаннатдан узоқ, одамлардан узоқ ва дўзахга эса яқиндир. Ўзи жоҳилу, бироқ сахий киши Аллоҳга севиклироқдир, обид бўлса-да, бахил бўлган кишидан кўра”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Аллоҳ таоло бандаларининг ботинини ва зоҳирини яхши биладиган Зотдир. Бахилнинг бахилона тушунчасини ҳам, ишларини ҳам, сахийнинг ҳам барча амалларини ҳисоблаб борадиган Зотдир. Ҳеч кимнинг ҳеч нарсаси У Зотдан махфий қолмас.

Закот олгин, кумушдан, савдо учун боқилаётган мол-ҳоллардан, ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотдан, нақд пуллардан, дўкондаги сотиладиган атир-упа, кийим-кечак ва бошқа шуларга ўхшаш нарсалардан ўзи ёки қиймати берилади. Кундалик аслий ҳожати кирадиган нарсалар қўшилмайди. Кундалик аслий ҳожатига яшаши учун ҳожатини чиқариб турган нарсалар: уй-жой, машина, соғин сигир, уй ичини безаш учун қўйилган матоҳлар, бисотда ўғил – қизга аталган совға-сарполар, ейиш учун сақлаб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари киради. Булардан закот берилмайди.

Кимда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса, у кишига закот фарз бўлади:

Биринчидан, моли нисобга етган бўлиши керак. Нисоб: мол-мулкнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво ҳайъати томонидан ҳар йили Рамазонда тайин қилинадиган маълум миқдорга етиши. Фатво ҳайъатидагилар закот нисобини шариатга мувофиқ ҳанафий мазҳаби асосида белгилаб, эълон қилади.

Диний идора ходимлари ҳар йилги закот нисобини 20 мисқол тилло нисобига кўра ҳисоблаб, эълон қилади. 20 мисқол тилло ҳозирги кунда 85 гр тиллога тенг дейилади. Демак, тиллонинг нисоби 85 гр бўлиб, шунча тиллоси бор одамга закот фарз бўлади. Ёки 85 гр тиллонинг қийматига тенг маблағи, маҳсулоти бор одамга унинг закоти фарз бўлади.

Кумушнинг ҳам нисоби бўлиб, илгари 200 дирҳам бўлган. Ҳозир ҳисоб бўйича 200 дирҳам кумуш 595 гр га тенг.

Демак, кимнинг тиллоси нисобга етиб, бир йил тўлса ёки шунга қиймати тенг молга бир йил тўлса, унга закот фарз бўлади. Ана шу молнинг қирқдан бирини ҳақдорга чиқариб беради. Молидан закотини ажратаётганда шуни ният қилади.

Иккинчидан, нисобга етган молга бир йил тўлган бўлиши керак. Бир йил тўлмаган молдан закот бериш фарз эмас.

Учинчидан, ана шу нисобга етган, бир йил тўлган мол (ёки пули) эгасининг қўлида, ихтиёрида, тасарруфида турган бўлиши лозим. Йўқотилган, бировдан ололмаётган молидан ҳам закот берилмайди.

Тўртинчидан, закот бериладиган молда эгасининг тижорат нияти бўлиши керак, яъни сотишни, ундан моддий фойдани кўзлаган киши шу нарсасидан ҳам закот беради. Агар сотиш нияти бўлмаса, қиймати ҳарчанд баланд бўлса-да, унга закот берилмайди. Масалан, бирор маҳсулот ишлаб чиқарадиган цех – корхона ва ундаги қимматбаҳо ускуналарга закот берилмайди.

Закот олишга ҳақдорлар ким? Кимларга закот берса бўлади?

Буни Аллоҳ таоло белгилаб қўйган:

﴿إِنَّمَا الصَّدَقَتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَمَلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤَلَّفَةِ فُلُوقِهِمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَرَمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَبْنِ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

«Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошно қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлидагилар ҳамда йўловчиларга (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли Зотдир» (Тавба, 60).

Ушбу ояти каримада закот бериладиган саккиз тоифа баён қилинди.

1. Фақирлар – нисобга етмайдиган нарсаси бор киши.
2. Мискин – ҳеч нарсаси йўқ киши.
3. Садақа йиғувчи – атрофлардан закотларни йиғиб, кучини, вақтини шунга сарф қиладиган кишилар. Шу хизматларига яраша йиғилган закотдан маълум миқдорда уларга бериш мумкин.

4. Қалбларини Исломга мойил қилиш – баъзи қабила бошлиқларига закотдан улуш бериш. Пайғамбар (алайҳиссалом) вақтларида, ул зот худди шундай қилганлар.

5. Бўйинларини қулликдан озод қилиш. Мукотаб қулни озод бўлиши учун берилади. Мукотаб: хўжайини билан маълум миқдордаги маблағни тўлаш эвазига озод бўладиган қул.

6. Қарздор киши. Гарданида катта қарзи бор, тўлашга маблағи йўқ киши.

7. Аллоҳ йўлидаги мўмин. Бунга Аллоҳ учун, унинг йўлида юрганлар киради.

8. Йўловчи мусофирларга. Ўзга юртда юрган мусофир киради. Ўз юртида кўпгина маблағи бўлса ҳам.

Мана шу юқоридаги саккиз тоифа ҳақдорлардан бирига ёки бир нечтасига хоҳлаганча закот берса бўлади. Улардан бошқа жойга закот берилмайди, акс ҳолда, у закот ҳисобланмайди. Закот ибодатини адо этувчи, шунингдек, қўшимча хайр-садақа берувчи мўминларга Аллоҳ таоло улуғ ажрларни ваъда қилади:

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُم بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

«Мол (бойлик)ларини кечаю кундуз, пинҳонаю ошкора эҳсон қиладиган кишилар учун Парвардигорлари ҳузурда (махсус) мукофотлар муҳайёдир. Уларга (охиратда) хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмас» (Бақара, 274).

Ояти каримадаги кечаю кундуз сўзидан мурод ҳар қандай вақтда, имкон бўлган пайтда қилиш кўзда тутилган, пинҳона ва ошкора сўзидан мурод хайру эҳсон, баъзан яширин тарзда ва баъзан (иложсиз) ошкора тарзда қилинадигани бор. Никоҳ, ақиқа ва бошқа шунга ўхшаш тўй зиёфатлари кўпчилик иштирокида, эълон қилиб ўтказилади. Шунингдек, Ислом арконларидан бўлмиш закотни ҳам бошқаларга ибрат мақсадида ошкора берган афзал дейилган. Ихтиёрий хайр-садақалар эса яширин, махфий қилингани афзал, шу даражада-ки, ўнг қўл берганни чап қўл билмасин.

Ушбу ояти карима, ундаги ваъда закот берувчига ҳам, ихтиёрий хайру эҳсон қилувчига ҳам тегишли, шу шартлар биланки, ҳар қандай хайру садақа Аллоҳ йўлида холис бўлсин, ҳалол мол ва ҳалол йўл билан топилган молдан бўлсин ҳамда муносиб ўринга

бўлсин. Эҳсон қилувчида заррача ҳам риё, фахр бўлмасин, қилган эҳсони ортидан миннат ва азият етказмасин, чунки миннат ва таъна ёки риё қилинган эҳсоннинг савобини йўққа чиқаради. Бу ҳақда Қуръонда очиқ-ойдин маълум қилинган:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يُبْطَلُوا صَدَقَتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَىٰ كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ ءِالْآخِرِ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تُرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ فَتَرَكَهُ صَلْدًا لَا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ ﴿٦٦٤﴾﴾

«Эй имон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб бее радиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! У (риёкор) устини тупроқ қоплаган силлиқ қояга ўхшайди; устига жала ёққанда, (тупроқ ювилиб) сипсиллиқ тошнинг ўзини қолдиради. Улар топган (ва сарфлаган) бойликларидан ҳеч нарсага эга бўла олмайдилар. Аллоҳ кофирлар қавмини ҳидоят сари йўлламагай!» (Бақара, 264).

Аллоҳга ва охиратга ишонмаган кишининг қиладиган яхши ишларига, инфоқ-эҳсонларига бировлар кўрсин, мақтасин деб обрў орттиришга ўхшаш, ҳар хил дунёвий мақсадлар сабаб бўлиши табиий. Ахир улар Аллоҳга ва охиратга ишонмаганларидан кейин қиладиган ҳар қандай эзгу ишлари Аллоҳ йўлида эмас балки ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида бўлади. Шундай экан, ояти каримада айтилганидек, улар қиёматда ҳеч қандай савоб ололмайдилар.

Аллоҳга ва охиратга ишонган мўминларнинг ичларидан ана шулардек қилган яхшиликлари, берган закоту инфоқ-эҳсонлари эвазига ҳеч қандай дунёвий мукофот олиш насиб этмайдиганлари ҳам бўлади. Чунки улар ўша эзгу амаллари ортидан, масалан закотларини берганларидан кейин миннат, таъна қилган бўлади. Ана шундай ҳолатлар бўлмаслиги учун Аллоҳ таоло бизларни огоҳ қилди. Миннат қилмасликка ва озор бермасликка буюрди. Мўминдан содир бўладиган закот ва шунга ўхшаш барча солиҳ амаллари Аллоҳ розилиги учун бўлишига, агар шундай бўлса, унга бериладиган ажр-савоби қуйидагича бўлишини баён қилади:

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ فِي كُلِّ سُنبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ ۗ وَاللَّهُ يُضَعِفُ لِمَن يَشَاءُ ۗ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٦٦١﴾﴾

«Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайди, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон Зотдир» (Бақара, 261).

Аллоҳ йўлида молларни инфоқ-эҳсон қилишнинг фойдаси ушбу оятда ажойиб услубда васф қилинмоқда. Сиртдан қараганда хайр-эҳсон қилган, закот берган кишининг молу дунёси камайганга ўхшайди. Аслида эса худди ерга экилиб, ўзини фидо қилган бир дона донга ўхшайди. Ўша бир дона дон кейинчалик униб чиқиб кўпайганидек, Аллоҳ йўлида сарфланган мол ҳам бир неча баробар кўпайиб кетади. Аллоҳнинг ўзи уни кўпайтириб беради. Донни мисол келтиришдан мақсад, Аллоҳ таолонинг йўлида сарф қилинган биргина нарса етти юзтага кўпайишига урғу беришдир.

Кейинги ояти каримада Аллоҳ йўлида мол сарфлашнинг одоби, шарти ҳақида сўз кетади:

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذًى لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

«Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарса ларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун Раббилари ҳузурда улуғ ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар» (Бақара, 262).

Демак, бировларга қилган яхшилигимиз, берган садақа-закотларимиз учун бир неча зиёдаси билан ажр олишимизнинг шарти, ўша кишига миннат қилмаслигимиз, унга мутлақо озор бермаслигимиз, уни камситмаслигимиздир. Мақтов ҳам, миннат ҳам ёлғиз Аллоҳга хос бўлиб, ожиз банданинг миннати худди ҳасаддек яхши ишларини еб битиради, йўқ қилади. Шунинг учун миннат қилиш ўрнига қилган ҳар қандай яхшилигимизни унутишимиз лозим, айнан шу нарса қиёмат кунини нажот топишимиз, Аллоҳ ваъда қилган етти юз баробар савоб олишимиз ва у куннинг хавф-хатарларидан омонда бўлишимиз аломатидир. Юқоридаги шартларга амал қилолмаган банда яъни, риё ва миннатдан ҳоли садақа қилиш қўлидан келмаган кишининг яхши гапириши ёки кечиримли бўлиши ҳам садақа бўлади.

﴿قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتَّبِعُهَا أَذَىٰ ۗ وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ﴾ (263)

«(Садақа бермасдан) **яхши гап** (қилиш) **ва** (бера олмагани учун) **кечирим** (сўраш) **кетидан озор етказиладиган садақадан яхшироқдир. Аллоҳ беҳожат ва ҳалимдир**» (Бақара, 263).

Ортидан озор келадиган садақанинг ҳеч кимга кераги йўқ. Ундан кўра бир оғиз ширин сўз ва кечиримли бўлиш яхшироқдир. Чунки бир оғиз бўлса ҳам ширин сўз қалбга таскин беради, кишини руҳан кўтаради. Кечириш эса, ҳасад ва ёмонликни ювиб ташлаб, ўрнига муҳаббат ва дўстликни солади. Бас шундай экан, албатта, бу ишлар кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ.

“**Аллоҳ беҳожат ва ҳалим зотдир**”, яъни Убой – бировнинг садақасига муҳтож эмас. У Ҳалимдир – бандалари ношукрлик қилсалар ҳам, уларнинг гуноҳини ўтиб, ризқларини бераверади Зотдир.

Мазкур оятлардан кўриниб турибди, агар бир солиҳ амалимиз учун холислик асосий мезон экан. Акс ҳолда, қилган амалимиз зое бўлар экан. Аллоҳ бирор бандасига омонликни зое қилишни истамайди. Магар бошқалар ўз ниятлари ва амаллари билан зое қилсалар ҳам.

﴿وَأَنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُؤْمِنِينَ﴾ (171)

«...ва албатта, **Аллоҳ мўминларнинг ажр-мукофотини зое қилмас**» (Оли Имрон, 171).

Закот ҳақидаги рисоламизга қуйидаги ҳадиси шариф билан якун ясаймиз.

Ҳасан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Молларингизни закот билан ҳимоя қилинг, беморларингизни садақа билан даволанг. Балолар тўлқинига ҳокисорлик ила дуо ва илтижолар билан пешвоз чиқинг”, дедилар (Абу Довуд ривояти).

ЗИКР ВА ЗИКР ҚИЛУВЧИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Яҳё (алайҳиссалом) қавмига қилган васиятларнинг бешинчиси зикруллоҳ, Аллоҳни зикр қилишдир. Мўмин киши яратувчи, ризқ берувчи ва уни одам наслдан қилган Раббиси борлигига ишонади. Унинг бандаси Унга сиғинади, Унга талпинади, Унинг раҳм-шафқатидан умидвор бўлади, Унинг чексиз қудрати –

ҳар неки бор, Ул Зот ундан буюклигини, Унинг даргоҳига ожизлик ила узатилган қўлни ёрдамсиз қолдирмаслигини яхши билади.

Ўзи билан Раббисининг ўртасидаги мана шу ажойиб илиқлик, самимийлик йўқолишидан қўрқади. Акс ҳолда Саҳройи Кабирдек бу бевафо дунёнинг ёлғон-ялтироқлари ичида йўлини топа олмай, адашиб, қийин аҳволда қолишини билади. Раббисининг ўта меҳрибонлиги билан бирга ўч олувчи, азобга солувчи эканини ҳам билади. Шунинг учун Унга итоатсизлик, осийлик қилишдан қўрқади. Пайғамбарлар саййиди Муҳаммад (алайҳиссалом) Муоз ибн Жабалга (розияллоҳу анҳу) ҳар фарз намоздан кейин айтишни буюрган:

“اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ”

“Ё Аллоҳ, зикринг, шукринг ва Сенга чиройли ибодат қилишимда ёрдам бер” (Абу Довуд ривояти).

Абу Абдурахмон Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) Хазраж қабиласига мансуб машҳур саҳобалардан. 18 ёшида Ислонни қабул қилган. Мадиналик 70 киши Ақоба байъатига келишганда Муоз ибн Жабал шуларнинг бири бўлган. Пайғамбар (алайҳиссалом) уни Яманга қози-муаллим қилиб жўнатганлар. Бадр ва бошқа ғазотларда иштирок этган. 38 ёшда вафот этган. Ундан 157 та ҳадиси шариф ривоят қилинган.

Сизлар ҳам ҳар бир фарздан кейин ушбу дуони айтадиган мўминларданмисиз? Аллоҳ таолонинг зикр ҳақидаги оятларига амалингиз қанчалик?

Аллоҳ таолонинг зикрини қилиш, уни имкон қадар хотирда сақлашнинг мўмин ҳаётида аҳамияти беқиёсдир. Яхё (алайҳиссалом) ташбеҳ қилганларидек, ортидан қувиб келаётган душмандан қутулиб қолиш учун мустаҳкам бир қалъага яшириниб олса, жонини ҳам ҳаётини ҳам сақлаб қолади. Бу ташбеҳдаги қочаётган сенсан, ортидан изма-из келаётган душманинг шайтони лаъиндир. Ундан қутулиш учун кирадиганинг қалъа Аллоҳ таолонинг зикридир.

Яратган Раббингни ёдга олишинг, Унинг санъати асари бўлмиш коинот ва ундаги барча мавжудот-маҳлуқотларнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилишинг, беихтиёр лол қолиб, У зотга ҳамд айтишинг, ўзингни ҳам, борингни ҳам асрайдиган мустаҳкам қўрғондир.

Бундай қўрғонга кириб яширинганларга шайтон ва унинг ма-лайлари ҳеч қандай хавф туғдира олмас, шунинг учун ояти қари-мада ҳам айтилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ﴿٤١﴾ وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٤٢﴾﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳни қўп зикр қилинг ва эрк таю кеч Унга тасбеҳ айтинг» (Аҳзоб, 41–42).

Аллоҳ таолони зикр қилиш қалбни Унга боғлашдир. У мени кузатиб турибди, деган доимий эътиборда туришдир. Аллоҳ таолонинг буйруқларини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармай амалга оширишдир. Ҳа, мўминлар Аллоҳ таолони қўп зикр қилиши керак. У Зотни қўп зикр қилингандагина турли ёлғон, бўҳтон, иғво, ғийбат ва чақимчилик каби гуноҳ гап-сўзлардан узоқлашади, чунки у оғзидан чиқадиған сўзини амалидан деб билади. Аллоҳ таолони қўп зикр қилган одамнинг қалбида фойдасиз гапларга, сўкинишларга ва бошқа салбий нарсаларга жой қолмайди. Аллоҳ таолони қўп зикр қилган одамнинг қалбида дунё ва унинг матоҳлари зикрига, турли қўнгилхушликларига, инсон зеҳнини чалғитувчи маишатларига ўрин қолмайди, балки унинг қалбига Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан бошқа муҳаббат сиғмайди. Унинг тилига Аллоҳ таолонинг исми жо, феълларида Унинг амри бажо бўлади. Тилидаги мубороак зикр аста-секин зикр давомида ҳалқумига, кўксига ва қалбига етиб боради.

Гарчи бундай мақомдаги инсон тили билан Аллоҳ таолонинг исмини айтмаса ҳам, дили “Аллоҳ, Аллоҳ” ёки “Ла илаҳа иллаллоҳ” деб туради. Ниҳоят бутун вужуди шу ҳолатга етади.

﴿الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هٰذَا بَطِيْلًا سُبْحٰنَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿١٩١﴾﴾

«Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этаа дилар ва осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар (ва дуо қиладилар:): “Эй Раббимиз! Бу (қоинот)ни беҳуда яратмагансан. Сен (айблардан) пок Зотдирсан. Бас, бизни дўзах азобидан сақлагин!» (Оли Имрон, 191).

Яъни, ақл эгалари бўлмиш мусулмонлар имкониятларига қараб намозларни тик ҳолда, ўтириб, унга ҳам ожиз бўлишса, ётган ҳолда имо-ишора билан ўқийверадилар. Бошқа бир тафсири шуки, бу

ердаги “зикр”дан мақсад намоз эмас, балки Аллоҳни ёд этиш, дуо ва илтижо, тасбеҳ каби зикрлардир.

Бу бепоён осмонлару ерларга назар солиб, ақлини ишлатган одам, кеча ва кундузнинг алмашинувига ақли ила тафаккур қилган одам, албатта, У Зотнинг қудратига, яратувчилигига қойил қолмасдан иложи йўқ. Осмонлару ердаги ажойиб мутаносиблик – бутун дунё тортишиш қонуни ила шундай бўлиб турганини илму фан тинмай такрорлайди. Лекин ўша қонунни ким ижод қилди? Осмонлару ердаги барча нарсалар азалий эмас, балки кейин пайдо бўлганини ҳам ақл ишлатган дарров тушуниб етади. Демак, уларни қачондир пайдо қилган Зот бор, у Аллоҳ таолодир.

Кеча ва кундуз алмашинуви ернинг ҳам, қуёшнинг ҳам ўз ўқи атрофида айланиб туришидандир. Бу ҳаммага маълумдир, бироқ уларни ўз ўқи атрофида айланадиган қилиб қўйган ким ахир? Албатта, Аллоҳ таолодир.

Ояти каримада айтилганидек, эртаю кеч, ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ таолони зикр қилиш лозим! Аллоҳни зикр қилиш тоату ибодатга қувват ва зийнатдир. Аллоҳ таолонинг ризосига олиб борадиган маркабдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَالذِّكْرُ لِلَّهِ كَثِيرًا وَالذِّكْرُ لِلذِّكْرِتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٣٥﴾﴾

«Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир» (Аҳзоб, 35).

Ояти каримада айтилган улуғ ажрдан мурод жаннатдир.

Зикрнинг афзаллиги ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар ворид бўлган, жумладан:


Абу Хурайра ва Абу Саид (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Бирор жамоа йиғилиб, Аллоҳни зикр қилиб ўтирса, уларни малоикалар ўраб олади, уларга раҳмат ёғади, уларда ҳаловат пайдо бўлади ва Аллоҳ уларни Ўзининг ҳузурда эслайди”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Расулуллоҳдан (алайҳиссалом): “Ё Расулуллоҳ, қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурда қайси банда энг афзал мақомда бўлади?” деб сўралди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳни кўп зикр қиладиган эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилувчи аёллар”, дедилар. “Аллоҳ йўлидаги

ғозийдан ҳамми?” дейилди. “Ҳа, Аллоҳ йўлидаги ғозийдан ҳам Аллоҳ таолони кўп эслайдиган афзалдир”, дедилар (*Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти*).

Аллоҳ таолони зикр қилиш шайтон васвасасидан ўзимизни сақлаш учун энг мақбул йўлдир. Аллоҳ таоло зикридан бош тортсак, дўзахга маҳкум бўлган шайтоннинг шериги бўлиб қоламиз.

Аллоҳ таолони қанча кўп зикр қилсак, қалбимиз – руҳимиз шунча мунаввар бўлади.



«Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман. Менга шуқр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!» (*Бақара, 152*).

Ушбу ояти карима қисқа бўлишига қарамай, сирларга бой, маъноси барча оламга етгудай. Аллоҳ таоло Ўзи яратган, умр-ризқ ва бошқа неъматларни берган бандаларига: “Мени эслангиз” демоқда. Хўш! Аллоҳ таоло бу ожиз бандаларининг зикрларига муҳтожми? Албатта, йўқ. У Зот ҳар қандай нарсадан беҳожатдир. Аммо ҳамма муҳтожлик бандаларда, Аллоҳ таолонинг бу буйруғи бандаларга яхшилик етиши учундир. Аллоҳни эслаган унинг мукофотига эришади. Ғофил бандалар Аллоҳ таолони эсламаса ҳам, меҳрибон Аллоҳ уларни унутиб қўймайди, ризқ-рўзини, тоза ҳавони еткизиб, юрагининг ҳар бир уриши учун изн бериб, кузатиб туради.

“Агар бир мўмин Аллоҳ таолони зикр қила бошласа, Аллоҳ таоло ҳам уни эслайди” дейишимиз, бу Аллоҳ таолонинг лутф-карамига сазовор бўлишини англатади.

Саъид ибн Жубайр (розияллоҳу анҳу) юқоридаги ояти каримани: “Менга итоат қилиш билан Мени эсланг, мен ҳам сизларни мағфиратим... ёки раҳматим... билан эслайман” деб шарҳлаган.

Аллоҳ таолони чиройли ҳолатларда, яхши ишларда эшлаш керак. Гуноҳ иш устида У Зотни эшлаш, исмини тилга олишнинг ўзи ҳам алоҳида гуноҳ. Юқоридаги ояти карима зоҳирдан келиб чиқиб: Қотил, ўғри, арақхўру зинокорлар ҳам Аллоҳни эслаб, баъзан Ундан мадад сўраб қилади шу гуноҳларни. Уни ҳам Аллоҳ эслайдими, деб Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) сўралганда, у киши: “Агар улардан бири гуноҳ қилиб туриб, Аллоҳни эсласа, Аллоҳ таоло ҳам уни эслайди, фақат лаънати билан эслайди”, деб жавоб берган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (алайҳиссалом) айтдилар: “Аллоҳ марҳамат қилади: “Мен бандам Мен ҳақимда ўйлаганидекман, у Мени эсласа, Мен у билан биргаман, бандам Мени ичида эсласа, Мен ҳам уни ичимда эслайман, агар у Мени кўпчилик ичида эсласа, Мен ҳам уни уларнинг жамоасидан яхшироқ бўлган жамоа ичида эслайман”» (*Муттафақун алайҳ*).

Ушбу ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло айтади: “Бандам Мен ҳақимда қандай фикрдалигига қараб унга муомала қиламан, кечиримни билиб кечирим сўраса кечираман, тавбасини қабул қилишимни билиб тавба қилса, қабул қиламан, дуосини ижобат қилишимни билиб дуо қилса, ижобат қиламан, Мени ўта меҳрибон деб билса, унга шундай меҳрибон бўламан, агар Мени қаҳри қаттиқ деб билса, унга қаҳримни қаттиқ қиламан”. Ҳадиси қудсий сўнгидаги “уларнинг жамоасидан яхшироқ бўлган жамоа ичидан”дан мурод кимлар деган саволга Тибий: “Улар Аллоҳ таолога муқарраб малоикалар жамоаси билан Пайғамбарларнинг руҳлари” деган жавобни айтган.

Яна Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло бундай деган: “Модомики, бандам лаблари қимирлаб, Менинг зикримни қилиб турса, Мен у билан биргаман” (*Имом Бухорий ривояти*).

Бу ҳадиси қудсийда тасбеҳ, такбир ва бошқа лафзлар билан Аллоҳ таолони эслаётган зикр қилувчининг мақоми қанчалар юқорилиги, у Аллоҳга, Аллоҳ таоло эса унга яқинлиги баён қилинмоқда.

Абдуллоҳ ибн Буср (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир киши Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Расулуллоҳ! Яхши, эзгу амаллар жуда кўп, менга бир нарсани буюринг, ўша нарсани маҳкам ушлай!” деди. Шунда Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳнинг зикри билан тилинг доим нам бўлиб турсин!” дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳ таолонинг ер юзини айланиб Аллоҳни зикр қилиб ўтирган кишиларни ахтариб юрадиган малоикалари бор. Қачон улар Аллоҳни зикр қилиб ўтирган бир жамоани топса: “Истаган нарсангиз шу ерда экан” деб бир-бирини чақиради ва ҳаммалари жамоа устига қанотлари билан ёпирилади, улар кўплигидан дунё осмонигача етиб қолади (Аллоҳ зикрини қилиб ўтирган жамоатнинг айтган зикру дуоларига қулоқ бериб туришади,

жамоа тарқалгач), Аллоҳ таоло Ўзи яхши билса-да, малоикалардан сўрайди: “Бандаларим нима қилишаётган экан?”

Малоикалар: Ё Аллоҳ! Бандаларинг Сенга тасбеҳ, такбир ва ҳамдусано айтиб, Сени улуғлашмоқда.

Аллоҳ таоло: “Улар ўзи Мени кўришганми?” деб сўрайди.

Малоикалар: Қасамки, улар Сени кўрмаган.

Аллоҳ таоло: Агар Мени кўришганда-чи?

Малоикалар: Агар Сени кўришганда, Сенга ибодатлари, Сени улуғлашлари янада авж олган бўларди.

Аллоҳ таоло: Бандаларим Мендан нимани сўрашмоқда?

Малоикалар: Улар Сендан жаннатни сўрашмоқда.

Аллоҳ таоло: Жаннатни кўришганми?

Малоикалар: Йўқ, жаннатни ҳеч кўришмаган.

Аллоҳ таоло: Агар кўришганда қандоғ бўларди?

Малоикалар: Агар жаннатни кўришганда эди, унга рағбатлари, иштиёқлари бундан ҳам зиёдалашар эди.

Аллоҳ таоло: Бандаларим нимадан паноҳ сўрашмоқда?

Малоикалар: Улар дўзахдан, унинг азобидан паноҳ тилашмоқда.

Аллоҳ таоло: Дўзахни кўришганми?

Малоикалар: Йўқ, эй Раббимиз, улар дўзахни ҳам, азобини ҳам умуман кўришган эмас.

Аллоҳ таоло: Агар кўришганда қандоғ бўларди?

Малоикалар: У ҳолда улар дўзахдан узоқроқ қочишга, унга тушишдан эҳтиёт бўлишга кўпроқ ҳаракат қилган бўлишар эди.

Аллоҳ таоло: Бандаларим шундай ҳолатда экан, эй малоикаларим, сизлар гувоҳ бўлинглар, Мен уларни мағфират қилдим.

Малоикалардан бири: Уларнинг ичида фалончи бор, лекин у улардан эмас, у бир иш юзасидан бу ерда ўтириб қолди.

Аллоҳ таоло: У ерда ўтирганлар шундай кишилар, буларнинг шарофатидан у ҳам гуноҳкорлигича қолиб кетмайди”, дейди» (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар алайҳиссалом) бир кун: “Эй саҳобаларим! Сизларга амалларингизни энг хайрлиси, даражотингизни юқори кўтарадиган, тилло ва кумушни эҳсон қилишдан ҳам яхшироқ ва душманингиз билан рўпара бўлиб, қиличларда солишишдан кўра афзалроқ амални ўргатайми?” дедилар. Саҳобалар: “Айтинг, ё Расулulloҳ!” дейишди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳни зикр қилиш”, дедилар (*Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Ибн Можалар ривояти*).

Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳадиси шарифларида айтилган “Аллоҳни зикр қилиш” ҳақида Ибн Молик: “Ҳадисдаги зикруллоҳдан мурод эътибор билан, тушуниб қилинган қалбий зикрдир. Қалбий зикрнинг ҳадиси шарифда айтилганидек молу жонни сарф қилишдан афзаллиги бор, атбатта”, деган.

Чунки у ҳис-туйғу ва тафаккур билан қилинадиган амал, яъни у қалб амали бўлиб, аъзолар билан адо этиладиган барча амаллардан қийинроқ.

Шунинг учун унга жиҳодул акбар дейилган.

Қалб ғофил, хаёл бошқа жойда, зикр моҳиятидан йироқ бўлиб, фақат тилнинг ўзи билан қилинган зикруллоҳнинг бошқа ибодатлардан, айниқса закот, ғазотдан афзаллиги йўқ. Қалб ғофил бўлиб, тилнинг ўзи билан бўлса-да, зикруллоҳ қилиш яхши, ҳамма аъзолар ғафлатда бўлгани ҳолда биттаси ибодатда бўлади, бироқ ҳадисда айтилган зикруллоҳ ёлғиз шундан иборат эмас.

Ушбу ҳадисни шарҳлаб, зикруллоҳ ҳақида Муҳаммад Саид Рамазон Бутий “Шарҳ ва таҳлил” асарида қуйидагиларни келтирган:

“Биз ҳадиси шарифда санаб ўтган ибодатлардан зикруллоҳнинг афзаллигини нотўғри тушунмагин, яъни бир мўмин Аллоҳнинг зикрига доимо қатъият билан ёндашиб юрса, унда закот, ғазот ва бошқа ибодатлар ундан талаб қилинмаса ҳам бўлар эканда, деб ўйламайлик! Мазкур ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаи киромларнинг эътиборига ҳавола қилмоқчи бўлган маъно шуки, банда қилган ҳар қандай тоат-ибодатнинг Аллоҳ таоло ҳузурини қабул бўлиши, ниятининг тўғрилиги ва холислиги ҳамда амалининг риёдан ва шахсий ғаразлардан тоза бўлишига боғлиқ. Ибодатларнинг мана шундай рисоладагидек вужудга келиши Аллоҳ таоло билан банданинг ўртасини тўсадиган, Қалбнинг Аллоҳ муҳаббати ила ёнишидан бошқа томонга буриб юборадиган ҳар қандай офат-иллатлардан покизалиги билан ҳосил бўлади. Қалбнинг покизалигига ва иллатлардан софлигига ягона элтгувчи йўл эса (ҳадисда айтилган) зикруллоҳдир. Шулардан келиб чиқиб ҳадис маъносини бундай тушуниш керак: Аллоҳни эслаш, Унинг зикрида бўлиш, Аллоҳ таоло наздида У Зотнинг зикрисиз, риё билан адо этилган садақоту жиҳоддан яхшироқдир”.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Ҳар бир зангни кетказувчи бор. Қалб зангини кетказувчи нарса Аллоҳни зикр қилишдир. Аллоҳни зикр

қилишдан кўра бандани Аллоҳнинг азобидан қутқарувчи амал йўқдир», дедилар. “Ё Расулulloҳ, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳамми?” деб сўралди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Ҳа! Агар душмани билан қилич сингунча урушса ҳам...”, дедилар (*Байҳақий ривояти*).

Албатта, ҳар бир инсон вужудининг марказида нафси аммора – ёмонлик роҳати, гуноҳ лаззати ва бошқа мункар ишларга бошлаб турадиган кўнгил майли мавжуд. Умри мобайнида бир мўмин неча бор ожизлиги туфайли нафсининг сўзига киради, шунинг учун кичик гуноҳлар содир бўлиб туриши кўпчиликда табиий ҳолат. Аслида, ички оламини пок тутиши, гуноҳларга кўнгли кетмаслиги, кўнгли кетса ҳам, уни амалда бажаришдан сақланиши мўминнинг доимий хулқи бўлиши керак эди. Аммо ички ва ташқи хулқида хатою камчиликка йўл қўйган мўмин дарров Раббисини эслаши, гуноҳларини кечириб юбориш Унинг учун арзимас иш бўлган меҳрибон Раббиси борлигини чин юрак ва онги билан эслаши, ҳамда гуноҳи эвазига уни азобламаслигини сўраши ва чин тавба қилиши керак эди. Аллоҳ таолони шу зайлда эшлаш, яъни зикр Унинг азобидан қутқарувчи улуғ ибодатдир.

Оли Имрон сураси 135-оятда бундай дейилади:

﴿وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾

«Улар бирор фаҳш иш қилиб қўйса ёки ўзларига зулм қилсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳгина мағфират этар. Яна, улар била туриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир» (*Оли Имрон, 135*).

Бу охир–оқибати жаннат бўладиган тақводор мўминларнинг сифатлари ҳақидаги ояти каримадир.

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (алайҳиссалом) айтдилар: “Аллоҳ таоло: “Ким бир яхши амал қилса, бас, унга ўн яхшилик савобини бераман, яна зиёда қилишим мумкин, ким бир ёмонлик қилса, бас, унга битта гуноҳ холос ёки кечириб юбораман, ким Менга бир қарич яқин келса, Мен унга ярим қулоч яқин бораман. Ким Менга ярим қулоч яқин келса, Мен унга бир қулоч яқин бораман, Менга томон юриб келса, Мен унга югуриб бораман, ким Менга ернинг қаватича хато-камчилиги билан келса,

Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган бўлса, Мен уни ана шунча мағфиратим билан қарши оламан” дейди» (*Имом Муслим ривояти*).

Бу ҳадиси қудсийда ҳам ширк ҳақида нима дейилганини билиб олдик. “Менга ернинг қаватича хато-камчилиги билан келса, Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган бўлса, Мен уни ана шунча мағфиратим билан қарши оламан”. Ширкнинг ёмон гуноҳлиги шунда, амални йўқ қилиб юбориш билан бирга биз билан Аллоҳ мағфирати ўртасига тўсиқ ҳам бўлар экан. Ширк келтирмаган бўлсак, хатоларимиз ҳар қанча кўп бўлмасин, Аллоҳга уларни мағфират қилиш ҳеч гап эмас. Шунга умид қилайлик!..

Аллоҳга ширк келтиришдан Ўзи асрасин. Хатою камчилигимизни афв этсин.

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир киши Расулуллоҳ (алайҳиссалом) олдиларига келиб: “Ё Расулуллоҳ! Мужоҳидларнинг қайси бири энг кўп ажр олади?” деб сўради. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳни энг кўп зикр қилгани”, дедилар. У яна “Обидларнинг қайси бири энг кўп ажр олади?” деб сўради. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳни энг кўп зикр қилгани”, дедилар. У одам кейин намозхон, закот берувчи, ҳаж қилувчи ва садақа берувчиларнинг энг кўп ажр оладиганларини бирма-бир сўраб чиқди. Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳар бирига: “Аллоҳни энг кўп зикр қилгани”, дедилар. Шунда Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) Умарга (розияллоҳу анҳу) қараб: “Эй Умар! Ҳамма яхшилиқни зокирлар олиб кетишди-ку...” деган эди, Пайғамбар (алайҳиссалом): “Ҳа, шундай”, дедилар (*Имом Аҳмад ва Табароний ривояти*).

Мазкур ҳадиси шарифдан ҳам зикруллоҳнинг мўмин ҳаётида, ҳар бир амалида нечоғлик аҳамиятли эканини билсак бўлади.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир кун Пайғамбар (алайҳиссалом): “Муфарридлар ўзиб кетишди”, дедилар. “Муфарридлар ким, Аллоҳнинг расули?” деб сўрашди. “Аллоҳни жуда кўп эсловчилар”, деб жавоб бердилар (*Имом Муслим ривояти*).

Имом Термизий ривоятида: “Муфарридлар кимлар, ё Расулуллоҳ?” деб сўралганда, Пайғамбар (алайҳиссалом): “Чин дилдан Аллоҳ таолони эсловчилар. Уларнинг қилган зикруллоҳлари оғир гуноҳларини кетказди, натижада қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузурига енгил ҳолда келадилар”, деб жавоб берганлар.

Яъни, бошқалар қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурига гарданларида тоғдек-тоғдек гуноҳлари билан келиб, шунга яраша жавобгарликка тортилса, фоний дунёда Аллоҳни тили ва дили билан

эсга олган зокирлар зикрлари гуноҳларига каффорат бўлгани учун Аллоҳнинг ҳузурига қушдек енгил бўлиб келишади, сўроқлари ҳам енгил бўлади ва тез жаннатга киришади. Аллоҳ бизга ана шундай улкан бахтни насиб этсин.

Муовия (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом) масжидга кирдилар. Саҳобалар халқа бўлиб ўтиришган эди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Нима қилиб ўтирибсизлар?” деб сўрадилар. Саҳобалар: “Бизга Ислому неъматини берган, ҳидоят насиб этган Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, Уни зикр қилиб ўтирибмиз”, дейишди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳга қасам, фақат шунинг учунгина ўтирибсизларми?” деб сўрадилар. Саҳобалар: “Аллоҳга қасам, фақат шунинг учун ўтирибмиз!” дейишди. Шунда Пайғамбар (алайҳиссалом): “Мен сизларга айбдорга қасам ичирилгандек қасам ичирмоқчи эмасдим, лекин (шундай бўлиб қолди) бунга сабаб шуки, менга Жаброил (алайҳиссалом) келиб, Аллоҳ азза ва жалла сизлар билан малоикаларга фахрланаётганидан хабар берди”, дедилар (*Имом Муслим ва Имом Термизий ривояти*).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Агар жаннатнинг боғлари олдидан ўтиб қолсангиз, бас, унда сайр қилинглар!” дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, жаннатнинг боғлари нима?” деб сўради. “Аллоҳ зикр қилинаётган халқалар”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Пайғамбар (алайҳиссалом) масжидларида намоз вақтларидан бошқа вақтда ҳам мўминлар бўлар эди. “Аҳли суффа” дейиладиган мискин саҳобалар жамоаси туну кун масжидда бўлган. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидларида доим зикрлар, тиловатлар ёки илмий мажлислар саҳобалар томонидан бирдек бажарилиб турилган. Ана шундай халқалардан бирини, яъни, Аллоҳнинг зикрини қилиб, тасбех, такбир, ҳамду сано ва тиловат ёки дарс бўлиб турган халқани Пайғамбар (алайҳиссалом) жаннатнинг боғу бўстонига ўхшатдилар, ўша жойдан ўтган киши боғу бўстоннинг гўзаллиги, хушбўй ҳидларидан баҳра олганидек, зикр халқасидан ўрин олишга бизларни тарғиб қилдилар. Демак, беш вақт намоз сўнгида жамоат ёки ёлғиз бўлиб Аллоҳни зикр қилиб ўтирганимизда гўё жаннат бўстонларида сайр қилгандек бўлар эканмиз. Бу нарсага эътибор бериб, ҳарис бўлайлик.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Ким бир жойга ўтирса ва ўтирган жойида (ҳеч

бўлмаса бир марта ҳам) Аллоҳни эсламаса, Аллоҳдан унга бир ранжитиш ёки чеклаш етади. Агар бир ўринга ётса, шу ўринда ҳам (ҳеч бўлмаганда бир марта ҳам) Аллоҳни эсламаса, Аллоҳдан унга бир ранжитиш етади”, дедилар (*Имом Абу Довуд ва Аҳмад ривояти*).

Яна шу киши ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Бир қавм (бир неча киши) тўпланиб бир жойга ўтирса, шу ўтиришганча ҳеч ким Аллоҳни эсламаса, улар шу ҳолда туриб кетса, улар гўё ўлган эшак жасаидан қўзғалишгандек бўлади ва бу ишлари ўзлари учун (қиёмат куни) ҳасрат-надомат бўлади”, дедилар (*Абу Довуд ва Аҳмад ривояти*).

Бу ҳадиси шарифда “қавм” дейилди. Қавмдан мурод бир неча кишилардан иборат мўмин-мусулмонлар. Улар бир жойга нима учундир (зиёфат ёки бошқага) йиғилишган. Йиғинда ўтирганлар бирлари қўйиб бирлари, беҳуда гаплардан роса олишади, бир ёки бир неча соатлар шу ҳолатда ўтади. Йиғилганларнинг ҳаммаси мўмин-мусулмон бўлганлари ҳолда ҳеч бирлари, на Аллоҳ таолони эслаб ҳамду сано айтади ва на Пайғамбарига салом, салавот йўллайди ва на дин-диёнат ғамини ўйлайди. Шу жойда ўтиришлари, еб-ичишлари, оғизларидан чиққан гап сўзлари, умуман, барча ташқи томондан кўринишлари Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) ҳеч бир суннатларига тўғри келмайди.

Йиғилганлар ичида Аллоҳни эслаш, унга шукрона қилиш учун имом ёки домла бўлиши шарт эмас. Аллоҳни зикр қилиш ҳар бир мўмин эркагу аёл ва катта-кичикнинг қўлидан келадиган иш.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Бир жамоа бирон ўринда ўтирса, унда Аллоҳни умуман эслашмаса ва Пайғамбарга салавот айтишмаса, ўзларига надомат бўлади. Аллоҳ хоҳласа, уларни азоблайди, хоҳласа, кечириб юборади”, дедилар (*Имом Термизий ва Байҳақий ривояти*).

Ушбу ҳадиси шариф ҳам юқоридаги ҳадис маъносини таъкидлаб келади.

Ҳадисдаги “бир жамоа”га ўзаро бир оила аъзолари дастурхон устида жамланиб ўтиришлари ҳам киради. Шу ўтиришда ҳеч ким Аллоҳни лоақал бир марта эслаб қўймаса, Пайғамбарга салавот айтмаса, қиёматда аҳволлари надоматли ҳолга тушиши мумкин.

Бу Аллоҳнинг ихтиёридаги нарса. Кимларни фазлига кўра, кимларни адлига кўра ҳисоб қилишни Унинг Ўзи билади.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Шайтон одам боласи қалбининг қаршисига

қапишиб олади. Агар у Аллоҳни зикр қилса, шайтон ортга чекинади. Агар уни ғафлат босса, васваса қила бошлайди”, дедилар (Имом Буу хорий ривояти).

Еттита фазилат бор, ким ундан бирортасига эга бўлса, Аршнинг соясидан бошқа соя бўлмайдиган қиёмат кунида у Арш соясидан бахраманд бўлиши қуйидаги ҳадиси шарифда келтирилган. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбар (алайҳиссалом) етти фазилатни бирма-бир санаб, охиргисини қуйидагича баён қилганлар:

“Бир киши ёлғиз қолган ҳолда Аллоҳни эслаб, кўзларидан ёш оқса”.

Ёлғиз қолган одамнинг гуноҳ қилишга, нафс сўзига киришга яхшигина шароити бўлади. “Бўлинганни бўри ер” деганларидек, ёлғиз кишини шайтони лаъин ўз йўлига солиши осон бўлади. Бу табиий ҳол. Аммо шунда ёлғиз ҳолда бўлган мўмин тоат-ибодатга берилса, Раббисини эсласа, Унга тасбеҳ-такбир айтса, уни йўлдан оздириш учун енг шимариб турган шайтоннинг ҳафсаласи пир бўлади. Борди-ю, Аллоҳни қалби ва онги билан эслаб, тили билан таҳлиллар айтиб, гуноҳларига истиғфор айтиб турган вақтда Аллоҳнинг азаматидан қўрқибми ёки У Зотга бўлган завқу шавқиданми йиғлаб юборса, шайтони лаъинни ўлдирган, мағлуб этган бўлади. Унинг бундай улкан жасорати учун қиёмат кунида оладиган мукофотларининг дебчаси, буюк Аршнинг соясида сояланиш бўлади. У куннинг бир кунлик вақти ҳаёти дунёнинг эллик минг йилига тенг бўлиши ояти карималарда баён қилинган. Ана шундай кунда Аллоҳ таоло бандаларини бирма-бир ҳисоб-китоб қилганда ўз навбатини кутиб ўтирган пайтда буюк Арш соясида салқинлаб ўтиради. Навбати қачон келади? Минг йилдами, икки минг йилдами, буни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Аллоҳни эслаганда кўзлардан ёш оқиши Аллоҳ зикрининг энг чўққиси бўлиб, у қалб мусаффолиги ва юмшоқлигининг аломатидир.

Ҳадиси шарифда “ёлғиз ҳолда” калимаси зоҳирий ва ботиний ҳолатни ўз ичига олади. Жамиятдагилардан, атрофидаги одамлардан, оила аъзоларидан айрилиб, маълум вақт ёлғиз ўзи бўлган ҳолда зикр қиладими ёки жамоат ичида туриб, (хилват дар анжуман: яъни одамлар ичида бўлатуриб, Аллоҳ билан, унинг фикри, зикри билан ҳоли қолиш), қалби ва онгини Аллоҳдан бошқа барча нарсани эслашдан ҳоли қилиб, фақат Аллоҳни зикр қиладими, ҳар икки

ҳолатда ҳам Аллоҳни чин дилдан эслаб кўзларидан ёш оқса бўлди, ҳадиси шарифда айтилган марҳамати илоҳийга сазовор бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ﴾ (28)

«Огоҳ бўлинг, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур (таскин топур)» (Раъд, 28).

Мўминлар хоҳ ўзлари Аллоҳни зикр қилишсин ёки бошқа бировдан Аллоҳ таоло ҳақида эшитишсин, диллари хотиржам бўлур ва таскин топур. Уларнинг кўнгиллари Аллоҳ таолонинг зикри билан тўлади, чунки қалбларида Унга имон-ишонч бор. Улар У Зотнинг исм ва сифатларига ишонади, У Зотнинг раҳмли эканини, ҳамма нарсага қодирлигини, охират кунида нималар қилишини яхши билишади.

Шунинг учун улар “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини тилга олиш билан бутун ғам-ғашларини унутишади, ички ва ташқи дунёларидан сукунат, виқор уфуриб туради. Аллоҳ таоло нури билан уларнинг қалблари доим нурафшон-мунаввардир. Ушбу илоҳий ҳикматга, улкан ҳақиқатга Пайғамбар (алайҳиссалом) ва саҳобаи киромларнинг машаққатли, бироқ руҳан пок, қалбан нурафшон ҳаётлари мисолдир.

Аллоҳ таоло Пайғамбарга (алайҳиссалом) хитоб қилиб айтган эди:

﴿وَأَذْكُر رَبِّكَ فِي نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَخِيفَةً وَدُونَ الْجَهْرِ مِنَ الْقَوْلِ بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ وَلَا تَكُن مِّنَ الْغَافِلِينَ﴾ (205)

«Раббингизни ичингизда тазарру ва кўрқинч билан ҳамда гапирганда овозни кўтармасдан эртаю кеч зикр (ёд) этинг! Ғофиллардан бўлманг!» (Аъроф, 205).

Яъни, доим Аллоҳни эслаб юрайлик. У Зот ҳамма нарсани, ҳатто дилдаги зикрни ҳам эшитиб туради, Унга қарата баланд овозда зикр қилишнинг ҳожати йўқ, балки зикр дилда ва бардавом бўлиши муҳим. Тазаррули бўлиш шарт. Акс ҳолда, инсон ғофиллардан бўлиб қолади.

Ушбу ояти каримада Пайғамбарлар саййидини (алайҳиссалом) Аллоҳни зикр қилишга буюриш билан бирга, зикр ва зокирга тааллуқли қоидаларнинг баёни ҳам бор.

Энг аввало, “Аллоҳни эсла” дейилди. Яъни, бу Уни унутиб қўйма, деганидир.

Пайғамбардек (алайҳиссалом) қалбларидан шайтон насибаси олиб ташланган зот Раббиларини унутмас эдилар, у зотнинг қалблари доим Раббиларига талпинган ва зикрда бўлган эди.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом) айтдилар: «Аллоҳ таоло: “Эй Одам боласи, агар сен Мени эсласанг, Менга шукр қилган бўласан, агар Мени унутсанг, неъматларимга ношукрлик қилган бўласан”, деди» (*Имом Табарорний ривояти*).

Нафсингда – яъни ичингда, дилингда эсла, дейилди. Демак, зикр махфий бўлгани яхши, чунки махфий қилинган амал риёсиз, ихлосли бўлиб ижобатга яқин. Тилинг зикрда бўлиб, ичинг бошқа томонда бўлмасин. Зикр асосан дилда бўлсин.

Тазарру ва қўрққан ҳолда – бу ҳам қалбдан кечадиган ҳолат бўлиб, зикр қилаётган зокирнинг қалби Раббисига талпиниб ва ўз навбатида Ундан хавфсираб турсин. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Аббос “У ўзи эшитгудай бўлиши”, деган. Демак, зикрда зокирнинг овози жахрий ва махфий орасида ўртача бўлиши керак.

Эрта тонгда ва оқшом пайтда, яъни субҳдан то қуёш чиққунча бўлган вақтда ва асрдан қуёш ботгунча бўлган вақтда. Баъзи уламолар бундан мурод бомдод ва аср намозлари дейишган, чунки шу икки (ҳадиси шарифда айтилганидек) вақтда инсонларга муаккал фаришталар кетма-кет алмашиб туради.

Баъзи муфассирлар эса, бундан мурод эртаю кеч демакдир, яъни ҳар бир онда зикр қилинг деб тафсир қилишган.

“Ғофиллардан бўлма”. Демак, юқорида келтирилганидек, зикр қоидаларига амал қилмаган одам ғафлатда ётган ҳисобланади.

Мўмин ғофиллардан бўлмаслиги учун, албатта, зикр ҳақидаги қуръоний қоидага амал қилган ҳолда зикр қилмоғи лозим. Тилнинг ўзи ёки қалбнинг ўзи билан ҳам ва ёки тил ва қалб билан бирга махфий ва ўртача овоз чиқариб ёлғиз ёки кўпчилик бўлиб, зикрнинг шартларига амал қилган ҳолда, зикруллоҳда бўлиш машруъдир.

Аллоҳ таолонинг исми сифатларини айтиш, ҳамду сано, тасбех, такбирлар билан Унинг номини нолайиқнарсалардан поклаш, буларнинг ҳукмидан хабар бериш, амру маъруф, наҳйи мункар қилиш ёки унинг Зоти илоҳийсига далолат қиладиган оят – белгиларда тафаккур, тадаббур қилиш – буларнинг бари Аллоҳни зикр қилишга

киради. Шулардан бирини қилган мўминга Аллоҳ таолонинг лутф-рахмати ва мағфират-инояти, розилиги ваъда қилинади.

Фахруддин Розий айтади: “Тилнинг зикри шаръий лафзларни айтиш, қалбнинг зикри хавф ва ражо, кўзнинг зикри йиғи ва ёш тўкиш, қулоқнинг зикри тиловат ва гўзал мавъиза эшитиш, оёқ-қўлнинг зикри тоат-ибодат, баданнинг зикри сабру тоқат, руҳнинг зикри ризолик ва таслим бўлиш билан бўлади”.

Абдулфаттоҳ Абу Ғудда айтади: “Салаф солиҳлар даврида бўлмаган, ўзларини тасаввуфчилар деб биладиган баъзи кишиларнинг зикр ҳалқалари, уларнинг орқа-олди ва у ён-бу ёнга қалқишлари, сакрашлари ва рақслари, овозларини баланд кўтариб, лаҳн қилиб шеърлар айтишлари, у ер-бу ерларига уриб чапак чалишлари, “Аллоҳ, Аллоҳ” лафзини айтиш бошланишида тушунарли бўлиб, секин-аста тушунарсиз ҳолга келиши, буларнинг бари зикр қоидасига мутлақо бегона бўлган, салафлар даврида бўлмаган бидъатдир. Агар уларнинг қалблари хушуда бўлганда эди аъзолари ҳам хушуда бўлган бўлар эди”.

Имом Шотибий ўзининг “Ал-ийтисом” номли китобида шу тур зикр қилувчиларни “ёлғончилар” деган.

Ибн Ҳажар Асқалоний ҳам “Фатҳул Борий” асарида уларни яхшигина танқид қилиб ўтган.

Мутасаввиф ва муфассир олим Имом Қуртубий ҳам “Ал-жоме” тафсирида юқоридаги ояти карималар шарҳида уларни жоҳиллар, омилар ва бидъатчилар, деб қаламга олган.

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴾

«Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганда – диллари кўрқувда бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганда – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина таваккул қиладиган кишилардир» (Анфол, 2).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло мўминларни Унинг номи зикр қилинса, кўрқувга тушиши, қалблар титраши билан сифатлади. Бу ҳол уларнинг имонлари бақувватлиги, ўзларини гўё Аллоҳ таоло кўриб тургандек, Унинг риоясини қилганлари учундир.

﴿ اللَّهُ نَزَلَ أَحْسَنَ الْحَدِيثِ كِتَابًا مُّتَشَبِّهًا مِّثْلَانِي نَقَّشَ مِنْهُ جُلُودَ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ

رَبِّهِمْ ثُمَّ تَلَيْنُ جُلُودَهُمْ وَقُلُوبَهُمْ إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ ۚ ذَٰلِكَ هُدَىٰ اللَّهِ يَهْدِي بِهِ مَن يَشَاءُ ۗ وَمَن يُضِلِلِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِن هَادٍ ﴿٢٣﴾

«Аллоҳ гўзал Сўзни (оятлари балоғатда) бир-бирига ўхшаган, (ҳукмлари) такрор-такрор келувчи бир Китоб (Қуръон) қилиб нозил қилди, ундан (ўқилганда) Парвардигоридан қўрқадиган зотларнинг терилари (баданлари) титраб кетар, сўнгра терилари ва диллари Аллоҳнинг зикрига юмшар (мойил бўлур). Мана шу (Китоб) Аллоҳнинг ҳидоятидир, унга Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирор ҳидоят қилувчи бўлмас!» (Зумар, 23).

﴿وَإِذَا سَمِعُوا مَا أُنزِلَ إِلَىٰ الرَّسُولِ تَرَىٰ أَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ الدَّمْعِ مِمَّا عَرَفُوا مِنَ الْحَقِّ يَقُولُونَ رَبَّنَا آمَنَّا فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ ﴿٨٣﴾﴾

«Улар Пайғамбарга нозил қилган нарсани (Қуръонни) эшитган пайтларида унинг ҳақ эканини билганлари сабабли кўзларидан ёш оқаётганини кўрасиз. Улар: “Парвардигоро, (бизлар) имон келтирдик, бас, бизни гувоҳлик бергувчилар қаторига ёзгин”, дейди» (Моида, 83).

Аллоҳни эслаганларида, тиловат қилган ё эшитганларида маърифат аҳлининг ҳолатлари, сифатлари ва айтадиган ҳақ сўзлари ана шу оятда айтилганидек бўлиши лозим. Ким бунга хилоф қилса, у юқоридаги ояти карималарда айтилганлардан эмас. Саҳиҳ ҳадисларда ҳам кўплаб келган, охирги замон Пайғамбари (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга ваъз-насихат қилганларида саҳобаларнинг қалбларига қўрқув тушиб, кўзларидан ёшлар оқар эди. Баъзи “сўфи”лардек ўзларини бошқара олмай қолишмас эди ёки ер тепиб рақс тушишмас, оҳ-воҳ қилиб, бақиринмас эди (иқтибос тугади).

Уммати Муҳаммадияга ўта меҳрибон ва раҳм-шафқатли Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиш энг лозим амал бўлиб, мўмин учун унда кўп фойдалар мавжуд.

Аллоҳни зикр қилиш ҳақидаги барча оят ва ҳадисларни ўрганиб чиққан шайх Ибн Қайюм Жавзий ўзининг Пайғамбар (алайҳиссалом) сийратлари ҳақида ёзган китобида Аллоҳни зикр қилишнинг юздан ортиқ фойдаларини санаб ўтган. Ана шу фойдалардан баъзиларини келтирмоқчимиз, шояд муҳтарам китобхонларимиз улардан хабардор бўлиб, Аллоҳни кўп зикр қилувчилардан бўлсалар.

Аллоҳни зикр қилиш Раҳмонни рози қилур, шайтонни қувур, ғам-ташвишни кетказур, сурур бахш этур, қалб ва баданни қувватлантирур, қалб ва юзни нурлантирур, ризқ олиб келур, банда улуғворлик ва ҳаловат касб этур, Ислом руҳи бўлиш Аллоҳнинг сев-гисини мерос қилур, Аллоҳга яқин бўлиш Уни яхши танишни пайдо қилур, қалбга ҳаёт келтирур. Зокир Аллоҳ ҳузурида зикр қилинур. У қалб ва руҳоният озуқаси бўлиб, зангни кетказур, хатоларни ўчирур, даражот келтирур, ёлғизга шерик бўлиб, бўшлиқни тўлдирур, Аллоҳ азобидан сақлаб қолур, сукунат – хотиржамликни пайдо қилур. Зокирни Аллоҳнинг раҳмати ва малоикалари қуршаб олур, зарарли сўзлар айтишдан қутулиб қолур, зокир бахтли бўлур. Зикрнинг шарофати билан зокирнинг ёнидаги ҳам саодатга эришур, қиёмат кунда бандани ҳасрат-надоматдан сақлаб қолур, йиғи билан қилинган зикр Арш соясида бўлишга сабаб бўлур, Аллоҳнинг турли совға ва савобларини ҳосил қилур, қабрда ва қиёматда нур, дунёда ҳузур бўлур, гўзал хулқли ҳисобланур, зикр ибодатларнинг енгили бўлиши билан бирга уларнинг энг улуғидир. Жаннат боғларида сайр қилгандек бўлур, Аллоҳнинг мақтовига, фаришталарнинг ифтихорига сабаб бўлур, тоат-ибодатга ёрдам берур, ғофиллардан бўлиб қолишдан асрайдур, мўминни йўлдан оздирадиган орзу-ҳавасни тўхтатур, банда билан дўзах ўтига тўсиқ бўлур, малоикаларнинг истиғфориغا эриштирур ва мунофиқликдан омонда сақлар.

“Аллоҳни зикр қилиш” мавзусига қуйидаги ҳадиси шариф билан якун ясаймиз.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом) марҳамат қилдилар: “Ким бир жойда ўтириб, кўп бефойда сўзлар айтиб юборса ва ушбу дуони айтса, шу жойдаги фойдасиз нарсасига каффорат бўлади: “Ўзинг поксан, ё Аллоҳ! Ҳамду сано Ўзинга бўлсин. Сендан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқлигига чин қалбдан иқрорман ва Сенга тавба қиламан”» (*Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти*).


Ё Аллоҳ! Қалбимизни Ўзингнинг зикринг билан уриб турадиган қил. Дунё саҳроларидан Сенга томон боришимизда доимий ҳамроҳимиз қил. Ўзингнинг зикрингни Сени мушоҳадангга етишимизда зина қил. Ё Аллоҳ! Зикрнинг барча ҳикматларини насиб этгин, нафсимиз офатларидан, хилқатимиз ожизлигидан паноҳ бергин, чунки барча куч-қувват фақат Сендандир.

Китобнинг бошида келган, Ҳорис Ашъарий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадиси шарифнинг охирида, Пайғамбаримиз (сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга: “Мен ҳам сизларни (эй саҳобаларим), Аллоҳ менга буюрган беш нарсага буюраман, эшитиш ва итоат этишга, ўз нафсига жиҳод қилишга ва ҳижрат қилишга (яъни гуноҳ ва маъсият ишлардан савоб ва маъруф ишларга юзланишга) ва жамоат (кўпчилик)ни лозим тутишга, чунки ким жамоатдан бир қарич узоқлашса (ажралса), гарданидаги Ислом арқонини улоқтирибди, токи яна (Исломга) қайтгунича. Ва ким жоҳилият иддаосини қилса, бас, у жаҳаннам ўтида (ёнади)”, дедилар. Бир киши: “Рўза тутса ва намоз ўқиса ҳамми, ё Расулulloҳ?” деб сўради. “Ҳа! Гарчи рўза тутиб, намоз ўқиса ҳам. Аллоҳнинг бандалари! Сизларни “мўмин ва мусулмонлар” деб номлаган Аллоҳнинг каломини ва ундаги насихатларини ҳақ деб билинглар”, деб марҳамат қилдилар.

Аллоҳ таоло барчаларимизнинг охир-оқибатимизни хайрли қилсин.

Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборақ васиятларига эргашиш, ҳаётимизга татбиқ этиш ва шу билан бирга муборақ васиятларидан беҳабар кишиларни улар билан таништириш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир.



**ИККИНЧИ
КИТОБ**

ИККИНЧИ ВАСИЯТ

عن سويد بن الحارث الأزدي قال: قدمت على رسول الله صلى الله عليه وسلم وأنا سابع سبعة من قومي فسلمنا على رسول الله صلى الله عليه وسلم فرد علينا فكلمناه فأعجبه كلامنا وقال: “ما أنتم؟” قلنا: “مؤمنون” قال: “لكل قول حقيقة فما حقيقة إيمانكم؟” قلنا: “خمس عشرة خصلة خمس أمرتنا بها وخمس أمرتنا بها رسلك وخمس تخلقنا بها في الجاهلية ونحن عليها إلى الآن إلا أن تنهانا يا رسول الله” قال: “وما الخمس التي أمرتكم بها؟” قلنا: “أمرتنا أن نؤمن بالله وملائكته وكتبه ورسوله والقدر خيره وشره” قال: “وما الخمس التي أمرتكم بها رسلي؟” قلنا: “أمرتنا رسلك أن نشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له وأنت عبده ورسوله ونقيم الصلاة المكتوبة ونؤدي الزكاة المفروضة ونصوم شهر رمضان ونحج البيت إن استطعنا إليه السبيل” قال: “وما الخصال التي تخلقتم بها في الجاهلية؟” قلنا: “الشكر عند الرخاء والصبر عند البلاء والصدق في مواطن اللقاء والرضاء بمر القضاء وترك الشماتة بالمصيبة إذا حلت بالأعداء” فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: “فقهاء أدباء كادوا أن يكونوا أنبياء من خصال ما أشرفها” وتبسم إلينا ثم قال: “أوصيكم بخمس خصال ليكمل الله لكم خصال الخير: لا تجمعوا ما لا تأكلون ولا تبنوا ما لا تسكنون ولا تنافسوا فيما غدا عنه تزولون واتقوا الله الذي إليه تحشرون وعليه تقدمون وارغبوا فيما إليه تصيرون وفيه تخلدون” (رواه الحاكم وأبو نعيم في “الحلية” والبيهقي في “الزهد” والخطيب في “التاريخ”)

Сувайд ибн Ҳорис Аздий ривоят қилади: Мен қавмимдан етти кишининг ичида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бордим. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салом бердик, алик олдилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан гаплашдик. Гапларимиз у зотни ажаблантирди ва биздан: “Сизлар кимсизлар?” деб сўрадилар. “Мўминлармиз”, дедик. “Ҳар бир гапнинг ҳақиқати бўлади, сизлар (гапингиз ва) имонингизнинг

ҳақиқати нима?” деб сўрадилар. “Ўн беш хислат: бештасини бизга ўзингиз буюргансиз, бештасини элчилар орқали буюргансиз ва қолган бештасини биз ўзимиз жоҳилиятдан бери қилиб келамиз. Ё Расулуллоҳ, агар булардан қайтарсангиз, биз қайтамыз”, дедик. “Сизларга буюрганим беш хислат нима экан?” дедилар. “Бизни Аллоҳга, фаришталарига, (туширган) китобларига, (юборган) элчиларига ва тақдирнинг яхши, ёмонига имон келтиришга буюргансиз”, дедик. “Элчиларим орқали буюрган беш хислат нима экан?” дедилар. “Бизга элчиларингиз орқали ягона, шериксиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ва шубҳасиз, сиз Унинг бандаси ва элчиси эканингизга иқрор бўлиш, фарз намозларини барпо қилиш, закотни адо этиш, Рамазон рўзасини тутиш ва йўлга қодир бўлсак, ҳаж амалларини бажаришни буюргансиз”, дедик. “Жоҳилиятдан бери хулқ қилиб олган беш хислатингиз нима?” дедилар. “Хурсандчиликда шукр, қийинчиликда сабр қилиш, (душман билан) тўқнашганда садоқатли бўлиш, қазо-қадар аччиқлигига розилик ва душманга мусибат етганда хурсанд бўлмаслик”, дедик. “(Сиз) олим ва фақиҳларсиз, бу улуғ хислатлар билан пайғамбарлик мақомига етишувингизга оз қолибди”, деб, бизга табассум қилдилар. Сўнг: “Аллоҳ сизларга яхшилик хислатларини мукамал қилиши учун мен ҳам яна беш хислатни сизларга васият қиламан: (агар айтганингиз каби бўлсангиз,) емайдиган нарсаларингизни йиғманглар, ўзингиз яшамайдиган иморатларни қурманглар, эртага (ўлганингиздан кейин) айрилиб қоладиган нарсалар устида талашиб-тортишманглар, Унинг ҳузурига йиғиладиган ва Унгагина борадиганингиз Зот – Аллоҳдан қўрқинглар, унга қайтадиганингиз ва унда абадий қоладиганингиз (жаннат)га киришга интилинглар”, дедилар (*Ҳоким, Абу Нуъайм “Ҳиля”да, Байҳақий “Зухд”да, Хотиб “Тарих”да ривоят қилган*).

Юқоридаги васиятда келтирилган ўн бешта хислат Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматида содир бўлган. Сувайд ибн Ҳорис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига етти киши билан кириб келиб, Ислом динининг асослари бўлмиш имон ва амал каби муҳим масалалар ҳақида сўз юритган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг сўзларини тасдиқлаганлар. Охирги бешта хислат, яъни жоҳилият давридан қолган яхши амаллар Ислом дини келгач унут бўлмаган, аксинча, улар бошқа хислатлар билан тўлдирилиб, камолга етказилган. Бу эса, Ислом динининг нақадар бағрикенг дин эканини кўрсатади.

عن حَكِيمِ بْنِ حِزَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: «يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَرَأَيْتَ أُمُورًا كُنْتُ أَتَحَثُّ بِهَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ مِنْ صَدَقَةٍ أَوْ عِتَاقَةٍ أَوْ صَلَاةٍ رَحِمَ أَفِيهَا أَجْرٌ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَسَلِمْتَ عَلَيَّ مَا أَسَلَفْتَ مِنْ خَيْرٍ»

Ҳақим ибн Ҳизом (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Ё Расулulloҳ, мен жоҳилият даврида садақа бериш, қул озод қилиш ва қариндош-уруғлар билан алоқани мустаҳкамлашга одатланган эдим. Нима дейсиз, бу ишларимдан (менга) савоб борми?” деб сўрадим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен олдинги яхши ишларинг билан (бирга) Исломга кирдинг”, дедилар (*Манҳалул ҳадис, 2-жилд, 114-бет*).

Ҳақиқий мўмин киши имонини нафақат сўзда, балки амалда ҳам кўрсатиши лозим.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинган:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَقُولُ ءَامَنَّا بِاللَّهِ وَيَأْتِيهِمُ الْآخِرُ وَمَا هُمْ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٨﴾ يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَمَا يُخَادِعُونَ إِلَّا أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٩﴾ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ فَزَادَهُمُ اللَّهُ مَرَضًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْذِبُونَ ﴿١٠﴾﴾

«Одамлар орасида шундайлар ҳам бор, улар: “Биз Аллоҳга ва охиратга имон келтирдик”, дейди. Ваҳоланки, ўзлари мўмин эмас (балки мунофиқдир). Улар (бу билан) Аллоҳни ва имон келтирганларни алдамоқчи бўлади. Лекин ўзлари сезмаган ҳолда ўзларинигина алдайди. Уларнинг дилларида иллат (шубҳа ва такаббурлик) бор. Аллоҳ уларга (шу) иллатни зиёда қилди. (Мўминмиз, деб) ёлғон гапириб юрганлари учун уларга (охиратда) аламли азоб бордир» (*Бақара, 8 – 10*).

Мунофиқларнинг асосий сифатлари юқоридаги оятларда зикр қилинмоқда. Улар Аллоҳга, қиёмат кунига имон келтирдик, мўмин бўлдик, деб мўмин кишига лозим бўлган икки буюк эътиқодни айтади. Аслида эса, улар Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонмайди.

Демак, қалбидаги йўқ нарсани бор, деб кўрсатиш мунофиқликдир. Ояти каримада улар ақида масаласининг боши бўлмиш Аллоҳга имонни ва сўнггиси охиратга имонни даъво қилиб, шу билан гўё ақида бобида ҳамма нарсага ишонамиз, демоқчи бўлади.

Мунофиқлар ўзларича тўқиб олган нарсаларни Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тилларидан гапиришдан ҳам тойишмайди. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтмаган сўзларни у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбат бериш жуда оғир гуноҳдир.

Ҳадиси шарифда:

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال: أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: "اتَّقُوا الْحَدِيثَ عَنِّي إِلَّا مَا عَلِمْتُمْ، فَمَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ وَمَنْ قَالَ فِي الْقُرْآنِ بِرَأْيِهِ فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ".

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менинг номимдан билмаган ҳадисингизни сўзлашдан қўрқинг. Ким менинг номимдан қасддан ёлғон ҳадис айтса, жойини дўзахдан ҳозирлаб олсин ва ким Қуръон оятларини ўз раъйи билан тафсир қилса, у ҳам жойини дўзахдан тайин қилибди”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Мунофиқлар қалбларида имон бўлмаса ҳам, ёлғон даъво ила Аллоҳни ва мўминларни алдамоқчи бўлади. Лекин бундан кимга фойда бор? Зарар уларнинг ўзларига-ку. Демак, улар сезмаган ҳолда ўзларини алдаяпти. Чунки Аллоҳ таоло ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчидир. Уни алдаб бўлмайди. Мўминлар ҳимоясини Аллоҳ таоло Ўз зиммасига олган. Шунинг учун ҳам ушбу оятда “Аллоҳни ва мўминларни”, деб уларни Ўзи билан бир сафга қўймоқда.

Демак, мўмин-мусулмонларга душманлик Аллоҳга душманлик билан тенг. Мунофиқлар нега бундай қилади? Чунки уларнинг қалбларида мараз-касаллик бор. Уларнинг ичи бузук. Касал ўзига касални чақиради деганидек, уларнинг қалблари касал бўлгани учун Аллоҳ таоло ҳам уларнинг касалини зиёда қилиб қўйган. Улар қалбларида йўқ нарсани бор, деб даъво қилгани оқибатида аламли азоб ила азобланади.

Муфассирлар Бақара сураси учта учлик билан бошланганини айтиб ўтган.

Биринчиси, сура Аллоҳга ҳақиқий имон келтирган кишиларнинг таърифи билан бошланади. Жумладан, сура бошида имон келтирган зотларнинг учта хислати зикр этилади. Улар Пайғамбар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келтирган хабарларга ғойибона

имон келтирадиган, намозни мукаммал ўқийдиган ва Аллоҳ таоло ризқ қилиб берган нарсалардан садақа ва эҳсон қиладиганлардир.

Иккинчиси, кофирлар ҳам уч нарса – “Аллоҳ уларнинг қалблари ва қулоқларига муҳр уриб қўйган, кўзларида эса парда бор”, каби “сифатлар” билан сифатланган.

Учинчиси, мунофиқлар бўлиб, улар тилларида имон келтиргани билан, қалблари бошқа нарсани истайди. Тил билан имон келтириб, қалб билан тасдиқламаслик мунофиқларга хос хислат бўлиб, Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлади. Улар куфрга шерик бўлиш билан бирга, тиллари орқали ёлғонларини намоён қилади ва Аллоҳга ўғил, хотин ва шерикни нисбат беради. Улар бу сифатлари билан Аллоҳга макр ишлатмоқчи бўлади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларнинг ҳеч бир макрларидан ғофил эмас (“Сирожул Мунир” тафсири, 1-жилд, 18-бет).

Аллоҳ таоло уларнинг бу қилмишлари сабабидан оят нозил қилди. Унда бундай дейилади:

﴿إِنَّ الْمُنَافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا﴾ (145)

«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)лар. Уларга (ўшанда бирор) ёрдамчи топмайсиз» (Нисо, 145).

Мунофиқлар имон келтирдик, деб ўзларини мўминлар сафига қўшиши имонни инкор қилишдаги энг юқори нуқтадир. Чунки улар имон масаласини инкор этиб, мазах қилмоқчи бўлади.

Ваҳоланки, имоннинг ўз шартлари бор. Тил билан айтилган ҳар бир нарса имон бўлавермагани сингари, юракдан ишонилмаган нарса ҳам имон бўла олмайди. Мунофиқлар бу макр ва найранглари билан мусулмонлар пинжига кириб олиб, ўзларининг жон, қон ва молларини сақлаб қолмоқчи бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يُرِيدُونَ أَنْ يُخْرِجُوا مِنَ النَّارِ وَمَا هُمْ بِمُخْرِجِينَ مِنْهَا وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِمٌ﴾ (37)

«Дўзахдан чиқишни истайдилар. Ҳолбуки, улар ундан чиқувчи эмас. Уларга муқим (абადий) азоб (белгилангандир)» (Моида, 37).

Оятда мунофиқлар мол ва жонларини сақлаш у ёқда турсин, балки ўзларини ҳалокатга ташлаганлари билинади.

Оятда келган “юходиъуна” сўзи “яшириш”, “беркитиш”, “кўздан узоқ тутиш”, деган маъноларни англатади (“Сирожул Мунир” тафсири, 1-жилд, 19-бет).

Аллоҳ таоло Бақара сурасини ўзига имон келтирган ва ҳар бир амалини ихлос билан қиладиган, тиллари билан диллари бир бўлган садоқатли бандаларининг сифатлари билан бошлаган, кейинги оятларда эса кофирлар ва мунофиқларнинг макрларини зикр қилган.

Мужоҳид (розияллоҳу анҳу) айтади: «Суранинг илк тўрт оятида мўминларнинг сифатлари, кейинги икки оятда кофирлар ва ундан кейинги ўн уч оятда мунофиқлар сифатлари зикр қилинган. Мунофиқларнинг разилликлари, нодонлик ва масхара қилиб, ҳаддан ошишлари уларнинг кўр, қар ва соқов бўлиб қолганлари билан тасвирланади. Мунофиқлар қиссаси кофирлар қиссаси билан узвий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Аллоҳ таоло мунофиқларнинг зикри билан бошланган оятни **“одамлар орасида шундайлари ҳам бор...”** деб бошламоқда. Шунинг ўзи ҳам уларнинг ҳеч ким эканини кўрсатади» (*“Тафсирун Насафий”, 1-жилд, 18 бет*).

Имон ҳақида сўз кетганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадиси шарифларини эсга олиш зарур: Бир гуруҳ саҳобалар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида ўтиришганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан билмаган нарсаларингизни сўраб олинг, дедилар. Ҳеч бир саҳоба у зотдан сўрашга жазм эта олмади. Инсон қиёфасида келган фаришта саҳобаларга савол-жавоб орқали динларини ўргатиб кетди.

عن عمر بن الخطاب قال: بَيْنَمَا نَحْنُ جُلُوسٌ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ إِذْ طَلَعَ عَلَيْنَا رَجُلٌ شَدِيدُ بَيَاضِ الثِّيَابِ، شَدِيدُ سَوَادِ الشَّعْرِ لَا يُرَى عَلَيْهِ أَثَرُ السَّفَرِ وَلَا يَعْرِفُهُ مِنَّا أَحَدٌ حَتَّى جَلَسَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَسْنَدَ رُكْبَتَيْهِ إِلَى رُكْبَتَيْهِ وَوَضَعَ كَفَّيْهِ عَلَى فَخْذَيْهِ وَقَالَ: «يَا مُحَمَّدُ، أَخْبَرَنِي عَنِ الْإِسْلَامِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْإِسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَتُقِيمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ وَتُحِجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا». قَالَ: «صَدَقْتَ» قَالَ: «فَعَجِبْنَا لَهُ يَسْأَلُهُ وَيُصَدِّقُهُ» قَالَ: «فَأَخْبَرَنِي عَنِ الْإِيمَانِ؟» قَالَ: «أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ». قَالَ: «صَدَقْتَ» قَالَ: «فَأَخْبَرَنِي عَنِ الْإِحْسَانِ» قَالَ: «أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ».

قال: "فأخبرني عن الساعة؟" قال: "ما المسؤول عنها بأعلم من السائل". قال: فأخبرني عن إماراتها؟ قال: "أن تلد الأمة ربّتها وأن ترى الحفاة العرّاة العالة رعاء الشاء يتطاولون في البنيان" قال: "ثم انطلق فلبث ملياً ثم قال لي: "يا عمر، أتدري من السائل؟" قلت: "الله ورسوله أعلم" قال: "فإنه جبريل أتاكم يعلمكم دينكم"

Умар ибн Хаттоб (розияллоху анҳу) ривоят қилади: Бир куни Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳузурларида ўтирган эдик. Бирдан қаршимизда кийимлари оппоқ, сочлари тим қора одам пайдо бўлди. Унда мусофирлик аломати кўринмас эди. Уни бирортамиз танимадик. У келиб Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) тўғриларига ўтирди. Икки тиззасини у зотнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) икки тиззаларига тиради. Икки кафтини ўзининг сони устига қўйди ва: "Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер", деди. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Ислом: "Ла илаҳа иллаллоху Муҳаммадур Расулulloҳ" деб иқрор бўлишинг, намозни тўқис адо қилишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилишинг", дедилар. "Тўғри айтдинг", деди у. Биз у ўзи савол бериб, ўзи тасдиқлаганидан ажабландик. "Менга имон ҳақида хабар бер", деди. У зот (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ва қадарнинг яхшию ёмонига имон келтиришинг", дедилар. "Тўғри айтдинг", деб тасдиқлади ва: "Менга эҳсон ҳақида хабар бер", деди. У зот (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Аллоҳга худди уни кўриб турганингдек, сен Уни кўрмасанг ҳам, У сени кўриб турганидек ибодат қилишинг", дедилар. "Менга қиёмат вақти ҳақида хабар бер", деди. У зот (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Сўралувчи бу ҳақда сўровчидан билимлироқ эмас", дедилар. "Унда у (қиёмат яқинлиги)нинг аломатлари ҳақида хабар бер", деди. "Она ўз хожасини туғади ва ялангоёқ, кийимсиз чўпонлар уй қуришда мусобақалашаётганларини кўрасан", дедилар. Сўнгра у туриб, чиқиб кетди. Бир оз ўтгач, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) менга: "Эй Умар, бу савол сўровчи ким эканини биласанми?" дедилар. "Аллоҳ ва расули билувчидир", дедим. "Албатта, у Жаброилдир. Сизларга динингизни ўргатгани келди", дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

“Ислом” сўзи луғатда “таслим бўлиш”, “омонда бўлиш”, “тинчлик” каби бир неча сўзларни ифодалайди. Куръони каримда “Ислом” сўзи баъзи оятларда “эхсон” сўзи билан бирга келади. Масалан:

﴿بَلَىٰ مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَلَهُ أَجْرُهُ عِنْدَ رَبِّهِ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

«Йўқ! Ким яхшилик қилувчи ҳолида юзини (ўзини) Аллоҳга бўйсундирса, Рабби ҳузурида унга ажр муҳайё. Уларга (охиратда) хавф йўқ ва улар (бирор нарса учун) ташвиш ҳам чекмайди» (Бақара, 112).

Аллоҳ таоло ҳузурида амал қабул бўлишининг иккита шарти бор:

Биринчиси, киши ўзини Аллоҳга батамом топширган бўлиши керак. Яъни бутун вужуди билан Аллоҳга ихлос қилиши лозим.

Иккинчиси, қилган иши шариатда тўғри деб топилган амал бўлиши керак. Оятдаги “яхшилик қилган ҳолида” жумласидан мурод – шу.

Демак, ҳам маънавий, ҳам моддий тарафдан фақат Аллоҳ учун бўлган иш ўз эгасини мукофотга етказди. Аввало, **“Рабби ҳузурида унга ажр муҳайё”**. Яна уларга келажакда хавф йўқ ва улар бўлиб ўтган ишлардан афсусланмайди. **“Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар”**. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг ваъдаларидир ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлади.

﴿الَّذِينَ ضَلَّ سَعِيَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا﴾

«Улар қилган саъй (ҳаракат)лари дунё ҳаётидаёқ йўқ бўлиб кетган–у, аммо улар ўзларини ишни чиройли қилаётган ҳисоблайди» (Каҳф, 104).

Эй Мухаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам), одамларга бу дунёда қилган амаллари сабабли энг зиёнкор бўлувчилар ким эканини айтайинми, денг. Уларнинг қилган амаллари, охиратга қолиши у ёқда турсин, бу дунёнинг ўзидаёқ йўқ бўлади. Қилган саъй–ҳаракатлари бефойда кетади. Ҳолбуки, улар ўзларича, жуда яхши амал қилишми, деб ўйлайди. Бундай кимсалар кофирлар эканини муфассирлар айтиб ўтган. Жумладан, **“Рухул маъоний” тафсири муаллифи ҳам худди шу фикрни билдирган (Аллома Алусий Бағдодий, “Рухул маъоний” тафсири, 15 – 16-поралар).**

Ҳадисда келгани каби имон аҳли Аллоҳ буюрган ишларни қилади ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига тўлиқ амал қилиб боради.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ»

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирортангиз мен унга ота-онаси, боласи ва барча одамлардан кўра севимлироқ бўлмагунимча мўмин бўла олмайди”, дедилар (*Имом Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти*).

Ҳадисни ривоят қилган буюк саҳоба Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) билан танишиб чиқайлик:

Анас ибн Молик ибн Назр Ансорий Хазражий Нажжорий, куняси Абу Ҳамза, онаси Умму Сулайм бинти Милҳон бўлган. У киши ўн ёшга тўлганида онаси уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хизматларига беради. Мана шу кундан бошлаб у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида бўлди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Анас ибн Моликка бўлган муомалалари хўжайиннинг хизматчисига қилган муомаласидек бўлмай, балки отанинг боласига қилган муомаласидек эди. Анас (розияллоҳу анҳу) ўзи айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор қилган ишимни нимага бундай қилдинг ёки буюрган ишимни нега қилмадинг, деб ҳеч койимаганлар. Балки, “Аллоҳ хоҳлагани бўлади, хоҳламагани бўлмайди”, дер эдилар».

Сайёр ибн Раба ривоят қилади: Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) айтади: «Бир куни онам билан бирга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бордик. Онам Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ходимингизнинг ҳаққига дуо қилинг”, деганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, бунинг молу дунёсини кўп қилиб, умрини узоқ қилгин ва гуноҳларини мағфират айлагин”, дедилар».

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу): “Анас ибн Моликдан бошқа Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозларига ўхшаш намоз ўқийдиган бирор-бир кишини кўрмадим”, деган.

Сумома ибн Абдуллоҳ: “Анас ибн Молик намозда қиёмни узоқ қилар эди, хатто оёқларидан қон чиқиб кетарди”, деган.

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) Анасни Баҳраинга юбориш ҳақида Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анҳу) маслаҳат сўраганида, Умар Анаснинг тақвоси ва узоқ вақт Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга яшаганини эътиборга олиб: “У оқил йигитлардан эди”, деб мақтаган.

Анас (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга Бадр ғазотидан ташқари барча ғазотларда иштирок этди. Бадр ғазотида ёши кичик бўлгани сабабли қатнаша олмаган.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ҳадис ривоят қилишда ҳаммаси бўлиб 2286 та ҳадис ривоят қилиб, Абу Ҳурайра ва Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) кейинги ўринларни эгаллади. Анас ибн Моликдан Ибн Сирин, Собит Баноний, Қатода, Ҳасан Басрий, Зухрий ва бошқалар ривоят қилган. Анас (розияллоҳу анҳу) ҳаётининг охирида Басрага кўчиб ўтган ва ўша ерда ҳижратнинг 93 йили вафот этган. Уни Муҳаммад ибн Сирин ювиб, Қатода ибн Мудрик жанозасини ўқиди. Анас ибн Моликда (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қолган ҳассача бўлиб, васиятларига биноан вафотларидан кейин ҳассача у киши билан бирга кўмилди.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “мўмин бўла олмайди” деганларидан мурод, комил мўмин бўла олмаслигидир. Чунки бу ерда гап эътиқод ҳақида эмас, майл ҳақида кетмоқда. Мазкур ҳадисдаги муҳаббатдан мурод ота-она ёки болага бўладиган меҳр-шафқат ҳам эмас, бошқа инсонга бўладиган ишқ ҳам эмас. Балки маҳбубга нисбатан фидокорлик ва ҳар бир нарсани қурбон қилишга тайёр туриш ҳамда маҳбубнинг амрини бажариб, унинг розилигини топишга уринишдир.

Демак, мўмин кишига Расули ақрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу масалада ўз ота-онасидан ҳам, боласидан ҳам, барча одамлардан ҳам устун туришлари керак.

Уламоларимиздан Абу Зинод муҳаббатни учга бўлади:

1. Ҳурмат ва таъзим, асосан ота-онага, устозларга бўлади.
2. Раҳм-шафқат муҳаббати, асосан фарзандларга бўлади.
3. Ўзаро гўзал хислатларни қадрлаш муҳаббати, ўзга одамларга нисбатан бўлади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадисларида ўзларига нисбатан муҳаббатнинг учала тури ҳам ҳаммага бўлган муҳаббатдан устун бўлгандагина, инсоннинг имони комил

бўлишини қайд қилмоқдалар. Бу муҳаббат у зотнинг тириклик пайтларида шахсларига нисбатан бўлса, энди ҳам шахсларига, ҳам динларига, ҳам суннатларига нисбатан бўлиши керак.

Умар (розияллоҳу анҳу) ушбу ҳадиси шарифни эшитиш биланоқ унга амал қилишларини билдирмоқчи бўлиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, сиз менга ўзимдан бошқа ҳамма нарсадан кўра маҳбуброқсиз”, деганда, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Йўқ, жоним Унинг измида бўлган Зотга қасам, мен сенга ўзингдан ҳам маҳбуброқ бўлмагунимча”, дедилар. Умар (розияллоҳу анҳу) дарҳол: “Сиз менга ўзимдан кўра ҳам севимлисиз”, деди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ана энди бўлди, эй Умар”, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Яъни, ана энди имонинг комил бўлди, деганлар.

Бу ҳадисдан ҳар бир мўмин-мусулмон учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаммадан кўра маҳбуброқ бўлишлари кераклиги кўриниб турибди.

Ҳадиси шарифнинг ҳикмати жуда ҳам улуғдир. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларнинг муҳаббатига муҳтож эмаслар, балки мўминлар у зотга муҳаббат қўйишга муҳтождир. У зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббат доимо мўминларга яхшилик, бахт-саодат келтирган.

Машҳур саҳобалардан Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу): “Мен учун ҳеч ким Расулulloҳчалик (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳбуб эмас эди. Ҳеч ким кўз ўнгимда у кишидек улуғвор эмас эди. У кишини қаттиқ севганимдан у зотга қараб, кўзим тўймас эди”, деган.

Саҳобаи киромларнинг Расули акрамга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган муҳаббатлари дунё тарихида учрамаган муҳаббатдир. Улар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амрларига бўйсунитар, қайтарганларидан қайтишар ва бошқа суннатларини кўнгилдагидек бажаришар эди. Шунинг учун бу улуғ инсонлар қисқа муддатда дунёнинг кўп жойларига Ислом динини тарқатишга муваффақ бўлишди. Буюк Ислом давлати ва маданиятининг юзага келишига эришишди.

Ояти каримада бундай марҳамат этилади:

﴿ قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ

رَحِيمٌ ﴿٣١﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир”» (Оли Имрон, 31).

Аллоҳ ва Унинг Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган имон ва муҳаббат беҳуда гаплар эмас. Одамлар орасида имони борлигини, Аллоҳга ва Унинг Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббати борлигини тилда айтиш билан собит бўладиган нарса ҳам эмас. Аллоҳ ва Унинг Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган ҳақиқий муҳаббат, ҳақиқий имон оғизда айтиладиган гап эмас, виждоний ҳис-туйғу ёки баъзи расм-русумларни адо этишдан иборат иш эмас. Аслида, Аллоҳга ва унинг Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган муҳаббат Аллоҳга ва Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) итоат ва бўйсунуш орқали амалга ошади.

Ким Аллоҳга муҳаббати борлигини даъво қилса, бу даъвонинг тўғри ёки нотўғрилигига ҳукм Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашишига қараб чиқарилади. Агар у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига эргашса, даъвоси тўғри, эргашмаса, тўғри эмас. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашиш ҳар бир бандага битмас-туганмас бахту саодат келтиради. У бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳузур-ҳаловат топади. Зеро, мўмин киши учун Аллоҳнинг муҳаббатидан ҳам яхшироқ бахт-саодат борми! Бунинг устига, Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини мағфират қилса!

Бу муҳаббат шундай бўлиши лозим, токи, қалбларимиз ҳеч кимни ундан-да кучлироқ севмасин, гарчи улар бизга энг яқин инсонлар – фарзандларимизу, ота-оналаримиз бўлса ҳам. Бундан ҳам кўра, Аллоҳнинг элчисини ўзимиздан ҳам ортиқ яхши кўришимиз керак.

Шундай қилиб, агар Пайғамбарга (алайҳиссалом) бўлган муҳаббат кимда ҳали бу даражага чиқмаган экан, демак, унинг имони ҳали комил эмас ва у ҳали имоннинг ҳақиқий лаззатини тотиб кўрмабди. Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч хусусиятга эга бўлган кишигина ҳақиқий имон лаззатини тотибди...” деб (*Муттафақун алайҳ*), шулардан бири сифатида Аллоҳ ва Унинг Расулини бошқа ҳамма нарсадан қаттиқ севган кишини келтирганлар.

Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган бундай муҳаббатни фақат динига жиддий эътибор қилган инсонгина ҳис эта олади. Бунинг оқибатида унинг асосий ғами яратилиш ҳикматига бўйсуниб бўлади, бошқача айтганда, унинг асосий ғами Улуғ ва Олий Зот Аллоҳга қуллик қилиш бўлиб, бу инсон фаний дунё ва унинг зеб-зийнатларидан кўра, абадий ҳаётни афзал санай олади.

Энди Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўришга ундайдиган муҳим омилга келсак, бунинг замирида, айнан у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқали биз ҳақ динга йўланганимизни ва Ўз пайғамбарини жўнатиш билан Аллоҳ таоло бизни жаҳаннамдан қутқарганини ва у зотга эргашибгина бу боқий ҳаётда муваффақият ва нажотга эришиш мумкинлигини англаб етиш ётади. Илм соҳиблари, тақводор зотлар ва Ислому даъватини тарқатиш билан машғул кишилар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар энг аввало, Аллоҳнинг элчисига эргашганлари ва у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларга келтирган нурнинг бир бўлагини қабул қилганлари туфайли севилишга лойиқдирлар. Қариндошлар, аҳлу аёл, фарзандларга бўлган севгига келсак, бу асли дунёвий севги бўлиб, у ўзаро ҳуш кўриш, ёқтириш ёки моддий манфаатлардан келиб чиққан бўлади ва дунё тугаб:

﴿يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ ﴿٣٤﴾ وَأُمِّهِ وَأَبِيهِ ﴿٣٥﴾ وَصَحْبِهِ وَبَنِيهِ ﴿٣٦﴾﴾

«...киши ўз инсидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию, бола-чақасидан ҳам қочадиган....» (Абаса, 34 – 36), кун келиши билан ниҳоясига етади.

Шу йўсинда инсон қалбининг кўпроқ қисмини аёлларга, болаларга, олтин-кумуш жамғариш каби дунёвий неъматларга муҳаббат эгаллаган бўлса, у ҳолда инсон ушбу нарсаларга эришиш йўлидаги жамики нарсаларни сева бошлайди. Қалбдаги бу севги энди дин аҳлига ва улар етакчиси, пайғамбарлар саййиди Муҳаммад Расулуллоҳга (алайҳиссалом) бўлган севги билан рақобатлаша бошлайди.

Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган муҳаббатнинг кўриниши ўткинчи ҳис-туйғулардан холи бўлиши, самимий бўлиши ва мўминнинг қалбидан шу қадар чуқур жой олиши лозимки, токи у муҳаббат уни ҳеч қачон тарк этмасин. Айнан мана шу севги инсон қалбига ҳаёт бахш этади, уни эзгу амаллар қилишга

ундайди, разолат ва гуноҳлардан тўхтатиб туради. Бу муҳаббатнинг ўзига хос аломатлари бўлиб, улар орқали самимий киши билан ёлгон даъволар қилувчи каззоб кишини ажратиш олиш мумкин.

Ушбу аломатларнинг бир нечасини зикр қиламиз:

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюрган нарсага эргашиш ва қайтарган нарсадан қайтиш орқали у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган тўлиқ итоатни изҳор этиш.

Самимий ва холис киши сирасига шундай инсонни киритиш мумкин, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бажаришни амр этган бирон ишни билиши биланоқ, дарров уни бажаришга шошилган, ўша буйруқ гарчи у одатланган бирон одатга ёки нафсу хоҳишига зид бўлса ҳам, уни бажаришдан заррача бўйин товламаган инсондир. Бу инсон бундай ҳолда олдин хотинга, фарзандларга, ота-онага ёки урф бўлган одатларга, кейин эса пайғамбарга итоат этиш керак, деб ҳисобламайди. Чунки у юқорида саналган барча нарсалардан олдин Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўпроқ севади ва албатта, севувчи севимли кишисига итоатли бўлади. Қалби яхши кўрган кишиси, яъни Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббат билан тўлиб-тошган. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амалга оширишни амр этган ишлардан бўйин товламайди. Фақат ўз кўнгил хоҳишларигагина қараб яшайдиган инсон, кўриниб турибдики, Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўра кўпроқ ўзини яхши кўрадиган инсондир.

Мўмин киши ўзида Аллоҳ ва Унинг Расулига бўлган муҳаббати билан чексиз завқу шавқ туяди. Аллоҳни зикр қилганда қалblари эриб кетади.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَّتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾ الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٣﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٤﴾ ﴾

«Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганида дилларида қўркув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиладиган, намозни мукамал ўқийди-

ган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир. Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида даражалар ва фаровон ризқ (бордир)» (Анфол, 2 – 4).

Оятдан маълум бўлади, мўмин кишини билиш учун унга Аллоҳни зикр қилиш керак. Аллоҳ зикр қилинганида, қалбини титроқ босиб, Ундан кўрқиб турган одам мўмин бўлади. Масалан, бирон ишни Аллоҳ буюрган, қилиш керак, дейилганда Аллоҳдан кўрқиб ўша ишни бажаришга киришган одам комил мўмин бўлади. Гапни эшитиб туриб, Аллоҳ зикр қилинганидан кейин ҳам кўрқмай у ишдан бўйин товлаган одам итоатли мўмин эмас.

Аллоҳнинг оятлари тиловат қилинганида, имони зиёда бўладиган инсон мўминдир. Қалбига Қуръон таъсир этадиган, имонини бақувват қиладиган инсон мўминдир. Аллоҳдан паноҳ тилайдиган, Ундангина ҳожатларини раво қилишни сўрайдиган, У хоҳласа, бўлади, хоҳламаса, бўлмайди, деб эътиқод қиладиган кишилар мўминдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат итоат билан бўлади. Мўмин киши ҳар бир ишини режа асосида, пухта ўйлаб, турли сабабларни топиб, кейин бажаради. Лекин ўша тадбирларга суяниб қолмайди. Ўзининг уддабуронлигини пеш қилиб, яхши режа тузган эдим, деб ўз фикрига суяниб ҳам қолмайди, балки ягона ва тенги йўқ Аллоҳга суянади.

Оятда “намозни тўқис адо этадиганлар”, дейилмоқда. Намоз имонни тасдиқловчи амалдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларнинг бирида: “Намоз биз билан бошқалар орасидаги фарқдир”, деганлар.

Аллоҳ таоло оят давомида: **“Биз ризқ қилиб берган нарсалардан садақа ва эҳсон қилинглари”**, демоқда. Шундай экан, Аллоҳга имон келтирган ҳар бир банда кўлидаги бойликлардан эҳсон қилиб туриши керак. Чунки инсон ўзи топган мол ва дунё билан фахрланмаслиги керак. Ҳар бир нарсани ато этувчи ягона Аллоҳдир.

Ҳорис ибн Молиқдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Ҳорис (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларидан ўтиб кетаётган эди, у зот (алайҳиссалом): “Эй Ҳорис,

қандай тонг оттирдинг?” деб сўрадилар. Шунда Ҳорис (розияллоху анху): “Ҳақиқий мўмин бўлиб тонг оттирдим”, деди. “Тапингга эътибор қил, ҳар бир нарсанинг ҳақиқати бўлади. Имонинг ҳақиқати нимада?” дедилар. “Нафсимни дунёдан тортдим. Кечаларимни бедор, кундузларимни ташна ҳолда ўтказдим. Худди Раббимнинг Аршини аниқ кўраётгандекман. Худди жаннат аҳли бир-бирларини зиёрат қилаётганларига назар солиб тургандекман. Худди дўзах аҳли у ерда бир-бирларига душманлик қилишларига қараб тургандекман”, деди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Эй Ҳорис, билибсан, маҳкам тут! Эй Ҳорис, билибсан, маҳкам тут! Эй Ҳорис, билибсан, маҳкам тут!” деб қайта-қайта тайинладилар. (Имом Табароний ривояти).

Иккинчи васиятда Алқама ибн Ҳорис тилидан айтилгани каби мўмин киши намози билан бошқалардан ажралиб туради. Аллоҳ таоло мўминларнинг сифатларини қуйидагича таърифлайди:

﴿الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ﴾ ۲ ﴿وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ﴾ ۳ ﴿وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَاةِ فَاعِلُونَ﴾ ۴ ﴿وَالَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَافِظُونَ﴾ ۵ ﴿إِلَّا عَلَىٰ أَزْوَاجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ﴾ ۶ ﴿فَمَنْ أَبْتَغَىٰ وَرَاءَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْعَادُونَ﴾ ۷ ﴿وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمْتِنَتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ﴾ ۸ ﴿وَالَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَوَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ﴾ ۹ ﴿أُولَٰئِكَ هُمُ الْوَارِثُونَ﴾ ۱۰ ﴿الَّذِينَ يَرِثُونَ الْفِرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾ ۱۱ ﴿

«Улар намозларида ўзларини камтар тутувчилардир. Улар беҳуда (сўз ва ишлар)дан юз ўгирувчилардир. Улар закотни адо этувчилардир. Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчилардир. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар (чўрилар) бундан мустаснодир. Бас, албатта, улар маломат қилинувчи эмас. Бас, ким шундан ўзгани (ҳаром қилинган нарсаларни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошувчилардир. Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро боғлаган) аҳд-паймонларига риоя этувчилардир. Улар намозларини асрагувчи (вақтида адо этувчи)лардир. Айнан ўшалар меросхўрлардир – Фирдавс (жаннати)га ворис бўлишиб, улар у ерда (жаннатда) мангу қолувчилардир» (Мўминун, 2 – 11).

Хушу қўрқув билан хотиржамликнинг бирга қўшилганидир. Нажотга эришувчи мазкур мўминларнинг сифатларидан бири – намоз ўқиганларида Аллоҳ таоло мақоми ҳузурида уларнинг қалбларини, вужудларини қўрқув ва хотиржамлик ўраб олади. Бу ҳолат фақат намозни олий даражада адо этадиган мўминлардагина бўлади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беш вақт намозга қаттиқ эътибор берганлар ва ҳаётларининг охирги лаҳзаларида ҳам ўз яқинларига ва мусулмон умматини намозга қаттиқ риоя этишни васият қилганлар. Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаттиқ нафратига дучор бўладиган амаллардан ичкилик-бозлик, зино, судхўрлик кабилар ҳам оғир гуноҳлардандир. Мусулмонлар орасида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг пайдо бўлган, агар ҳаёт бўлганларида, шубҳасиз, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тарафидан рад этилиши муқаррар бўлган, янги пайдо қилинган, хурофий, бидъат амалларга қаттиқ берилиб, қанда қилмай риоя этаётган кишилар ҳам бор. Лекин бу кишилар бошқалардан ҳам кўпроқ Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўришларини даъво қилишаётганига гувоҳ бўласиз.

“Тафсири Насафий”да Мўминун сурасининг 2–11-оятлари бундай тафсир қилинган: **“Намозларини хушу билан ўқийдиганлар** – титроқ қалб ва сокин аъзолар билан адо этувчилардир. Хушу – бор куч-ғайратини ишга солиб, бошқа барча нарсалардан юз ўгирган ҳолда намоз ўқиш, кўзини жойнамоздан узмасдан, ўнгу сўлга бурилмасдан ибодатни адо этиш”, дегани.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ فَخَلَفَ مِنْ بَدْرِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ فَسُوفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا ﴿٥٩﴾
 ﴿ إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا ﴿٦٠﴾ ﴾

«Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлди. Энди улар (ўринбосарлар) албатта, ёмонликка (яъни ёмон жазога) йўлиқур. Магар имон келтириб, яхши амал қилган зотларгина (азобга дучор қилинмас). Бас, улар жаннатга кирур ва уларга бирор зулм қилинмас» (Марям, 59 – 60).

Оятдаги **“намозни зое қиладиган кимсалар”**нинг маъноси, унинг фарзлигига эътиқод қилмайдиган, деганидир. Баъзилар:

масжид ва намозгоҳларга бормаи, уларга эътибор бермай, хароб қилувчилар, деган. Баъзилар эса, намозни, ибодатни адо этгандан сўнг ғийбат ва риё билан зое қилиб юборувчилар, деган бўлса, бошқалари намоз ўқиётганда унинг шарт ва арконларини тарк этувчилар, деган. Баъзилар эса, бундай кишилар ғафлат билан намозни тарк қилиб, қазосини ўқимайдиганлар, дейди.

Таржимадаги “ёмонлик” оятда “ғойи” деб келган.

Ваҳб ибн Мунаббих: “Ғойи – жаҳаннамдаги бир дарё бўлиб, унинг қаъри чуқур, ҳарорати иссиқ, таъми эса аччиқдир. Унинг бир томчиси бу дунёга тушгудек бўлса, дунё аҳлининг ҳаммаси ҳалок бўлади”, деган.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) эса: “Ғойи жаҳаннамдаги водийдир. Жаҳаннамнинг бошқа водийлари Аллоҳ таолодан бу водийнинг ёмонлигидан паноҳ сўраб, ҳар куни минг марта илтижо қилади. Ғойи водийи намозни ва жамоатни тарк қилувчилар учун ҳозирлаб қўйилгандир”, деган.

Заҳҳок: “Ғойи ҳалокат ва ҳасратдир”, деган.

Ҳикоя қилинишича, бир киши саҳрода юрар эди. Бир куни шайтон унга ҳамроҳ бўлди. У киши бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозларини ўқимади. Ухлайдиган пайт бўлганида, ётишга ҳозирланди, шунда шайтон қоча бошлади. У шайтондан: “Нега мендан қочяпсан?” деб сўради. Шайтон: “Умрим давомида Аллоҳ таолога бир марта осийлик қилиб, малъун бўлдим. Сен эса бир кунда беш марта осий бўляпсан. Аллоҳ таоло сенга азоб юборса, сенга қўшилиб мен ҳам азобга қолмай, деб қўрқиб қочяпман”, деди.

Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз ҳақида гапириб: “Ким намозни муҳофаза қилса, қиёмат кунида намози унга нур, ҳужжат ва нажот бўлади. Ким намозни муҳофаза қилмаса, қиёматда унга нур ҳам, нажот ҳам, ҳужжат ҳам бўлмайди. Намозга бепарво бўлганлар, уни ўқимай зое қилганлар қиёмат куни залолат ва қабоҳат аҳли билан бирга бўлади”, дедилар.

Яна Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилинади: “Ким намозни жамоат билан ўқишга аҳамият бермаса, Аллоҳ ундан ўн икки бало билан қасос олади. Учтаси дунёда, учтаси ўлим вақтида, учтаси қабрда, учтаси қиёматда. Дунёдаги учта қасос: Аллоҳ таоло унинг касби ва ризқидан баракани кўтаради; ундан солиҳларнинг нурини олиб ташлайди; у мўминлар қалбида ёмон кўрилиб қолади. Ўлим вақтидаги қасос: жони олинаётганда

чанқаб, бутун дарёнинг сувини ичиб юборадиган даражада бўлади; жони қийинчилик билан чиқади; Аллоҳ сақласин, имонсиз кетиши ҳам мумкин. Қабридаги уч қасос: унга Мункар ва Накирнинг саволи қаттиқ бўлади; қабри қоп-қоронғи бўлади; қабри тораяди, ҳатто қовурғалари бир-бирига киришиб кетади. Қиёматдаги уч қасос: унга ҳисоб-китоб қаттиқ бўлади; Рабби унга ғазаб қилади; уни дўзах билан азоблайди”. Шунинг учун азонни эшитган кишига жамоатни тарк қилишга рухсат йўқ. Чунки жамоат билан ўқиш суннати муаккада, яъни таъкидланган суннатдир.

Баъзи уламолар фикҳ китобларини мутолаа қилиш жамоатдан қолишга узр бўлади, лекин буни одат қилиб олмаган бўлса, деган. Касаллик, ёмғир, дўл, совуқ, қаттиқ қоронғилик, хавф, ҳибсга олиш кабиларнинг ҳаммаси узр саналади, сафар узрга ўтмайди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жамоат билан намоз ўқишни тарк қилувчи Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам, Қуръонда ҳам қоралангандир. Жамоатни тарк қилувчи ерда юрса, ер ҳам уни лаънатлайди”, деганлар.

Яна бир ривоятда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким беш нарсани ўзидан ман қилса, Аллоҳ таоло ундан беш нарсани ман қилади. Биринчиси, ким дуо қилмаса, Аллоҳ унга ижобат этмайди. Иккинчиси, ким садақа бермаса, Аллоҳ унга омонлик бермайди. Учинчиси, ким закот бермаса, Аллоҳ таоло унинг молини муҳофаза қилмайди. Тўртинчиси, ким ушр бермаса, Аллоҳ таоло унинг касбига барака бермайди. Бешинчиси, ким жамоат намозига бормаса, Аллоҳ ундан “Лаа илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ” калимасини ман қилади”, деганлар.

“Улар беҳуда (сўз ва ишлар)дан юз ўгирувчилардир”. Беҳуда сўз – ёлғон, ҳазил ва сўкинишлар бўлиб, намоз ўз эгасини бундай сафсаталардан узоқ қилади.

“Улар закотни адо этувчилардир” оятидаги **“адо этувчилар”**-дан мурод, доимий закотни ўз вақтида бериб боровчилар назарда тутилган. Эътибор бериб қаралса, Қуръони каримнинг ҳар бир ояти замирида ҳам грамматик, ҳам балоғат жиҳатидан жуда нозик нуқталар бор. Масалан, ушбу оятда **“Улар закотни адо этувчилардир”**, дейилган. Демак, закот бериш билан адо этиш ўртасидаги фарқ кўзга ташланади. Адо этиш доимий бўлиб, мол нисобга етганда ҳар доим ўз эгаларига закот тариқасида берилади.

“Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчилардир. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар (чўрилар) бундан мус-

таснодир” оятларидаги “фарж” сўзидан мурод, эркагу аёлни ёмонликка етакловчи аъзодир. Аллоҳ таоло бани башарга синов учун турли аъзоларни берган. Шулардан бири фарж бўлиб, кишини жаннатга етакловчи ва дўзахга улоқтирувчи воситадир. Лекин ундан ўз ўрнида ва ҳалол жойда фойдаланса, маломатга қолинмайди.

Аллоҳ таоло мўминларнинг сифатларини бирин-кетин зикр қилиб, 11-оятда **“Айнан ўшалар меросхўрлардир – Фирдавс (жаннати)га ворис бўлишиб, улар у ерда (жаннатда) мангу қолувчилардир”**, яъни мазкур сифатларни ўзида мужассам қилган мўмин бандалар меросхўрлардир, дегани. “Меросхўр” сўзи оят давомида шарҳланиб, мўминлар жаннатни кофирлардан мерос олди, дейилади. (*“Тафсири Насафий”*, 2-жилд, 115- бет).

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا لَهُ مَنزِلَانِ مَنزِلٌ فِي الْجَنَّةِ وَمَنزِلٌ فِي النَّارِ فَإِنْ مَاتَ وَدَخَلَ الْجَنَّةَ وَرِثَ أَهْلَ النَّارِ مَنزِلَهُ وَإِنْ مَاتَ فَدَخَلَ النَّارَ وَرِثَ أَهْلَ الْجَنَّةِ مَنزِلَهُ»

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизнинг ҳар бирингиз учун иккита манзил бордир, бири жаннатда ва бири жаҳаннамда. Бир киши вафот этиб, жаннатга кирса, унинг манзили дўзах аҳлидан мерос бўлади. Ва яна бир киши вафот этиб дўзахга тушса, унинг манзили жаннат аҳлидан мерос бўлади”, дедилар (*“Тафсири Насафий”*, 2-жилд, 115-бет).

Оятдаги “Фирдавс” жаннатидан мурод – кенг ва барча мева турларини ўзида жамлаган бўстон бўлиб, у “қатраб” ҳам дейилади ва мўминликнинг барча сифатларини ўзида мужассам этган кишилар унда мангу қолади. (*“Тафсири Насафий”*, 2-жилд, 115-бет).

Намоз мўмин учун жуда улуғ неъмат, банда намозда саждага бош қўйиши билан шундай улуғ ва илоҳий бир ҳолат туяди, унинг нима эканини хушу билан намоз ўқийдиганлардан бошқа ҳеч ким тасаввур эта олмайди.

Аллоҳ таоло:

﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَىٰ وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ﴾

«Барча намозларни ва (айниқса) ўрта намозни муҳофаза қилинглр (яъни беш вақт намозни вақтида адо қилинг) ва

(намозда) **Аллоҳ таолога бўйсунган ҳолда туринглар»** (Бақара, 238), деган, яъни намозда хушу-хузуда бўлинг.

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло кунда беш вақт намозни ўз вақтида, ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда адо этишга буюради. Хусусан, “ўрта намоз”га янада эътибор беришимизни таъкидлайди.

“Ўрта намоз” ҳақида муфассирлар ўз китобларида саҳобаи киа ромлардан турли ривоятлар келтирган.

Ибн Касир “ўрта намоз” бу “Бомдод намози” деган ривоятларни келтириб, Молик (розияллоҳу анҳу) “Муватто” китобида Ҳазрат Али ва Аббос (розияллоҳу анҳумо) гапларини далил қилишини айтади. Аммо Ибн Касир “Ўрта намоз – бу аср намози”, деган тафсирни устун, деб унга кучли далилларни келтирган. Маҳмуд Алусий эса “Рухул маоний” тафсирида “ўрта намоз – бу пешин намози”, деган фикрни аниқроқ деб келтирган ва: “Аслида, ўрта намозни Аллоҳ таоло беш вақт фарз намоз ичига яширган. Қай бири эканини тайин қилмаган, худди Қадр кечасини Рамазон ойи кечаларига, исми Аъзамни барча исмларининг ичига, дуо ижобат бўладиган соатни Жума куни соатларининг ичига яширганидек”, деган. Демак, мўминлар ўрта намоз эътиборида беш вақт намознинг муҳофазасини қилишсин.

Аллоҳга ибодат қилиш, коинот қонунларига бўйсунишда инсон, ҳайвон, жонли-жонсиз, ер ва фалаклардан иборат оламларнинг бирлигини тасдиқлаганида, шариат инсоний ўзига хосликнинг энг юқори чўққисига етди. Куръон мусулмондан намозининг ҳар ракатида: “Ҳамду сано бутун оламлар Хожаси, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳгадир”, деб зикр қилишни талаб этиши қандай ҳам гўзал!

Уни мусулмон ҳар бир намозида зикр қилиши керак. Зеро, у коинотнинг бир бўлаги, том ва шомил раҳмат ила тавсифланган яккаю ягона Илоҳнинг яратган жонзоти.

Мулоҳаза қилиб кўрилса, Исломи ибодатларини бажо келтиришнинг ўзи таобат илмининг мақсадларидан бири бўлган соғлиқни сақлашда ҳам ўта муҳимдир. Чунки намоз, рўза, ҳаж ва бу ибодатлар талаб қиладиган шартлар, рукнлар ва амалларнинг ҳаммаси жисм сиҳатини, фаоллигини ва қувватини муҳофаза этади. Бунга яна Исломининг касаллик ва унинг ёйилишига қарши курашини ва унга барҳам берувчи муолажага тарғиб қилишини қўшсак, таобат майдонида ҳазора биноти қандай мустаҳкам асосларга қурилганини, унинг шифохоналар ва тиббий маъҳадлар барпо этишидан олам

қанчалар фойдаланганини ва у чиқарган табибларнинг илмга, хусусан, табобатга қилган ҳимматларидан инсоният ханузгача фахрланаётганини кўрамиз. Табиб Али ибн Аббос табобатга шундай таъриф беради: “У соғломларга соғлиқни сақлашни ва касалларга уни қайтаришни ўрганадиган илмдир”.

Намоз ибодатида одамларнинг барчаси Аллоҳнинг олдида баробар сафда туради. Унда подшоҳ, ё улуғ, ё олим учун махсус ўрин ажратилмайди. Рўзада одамлар бир хил даражада очликни бошдан кечиради. Уларнинг ораларидан амир, ё бой, ё шариф истисно қилинмайди. Ҳажда одамлар бир хил кийим кияди. Бир хил жойда туришади. Бир хил ибодатни адо этишади. Бу борада ҳамма баробар, кучли ва заиф, аслзода ва омманинг фарқи йўқ. Бундан фуқаролик кодекси қонунларига ўтадиган бўлсангиз, одамлар ўртасидаги алоқаларда устувор қонуният – ҳақиқат эканини, қонунчиликдан кўзланган ғараз – адолат эканини, ҳар қандай эзилган ва мазлум учун қонун қўлидаги байроқ зулмни даф этиш эканини кўрасиз.

Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёрдам ва кўмак бериш, у кишига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган муҳаббат ифодасидир. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг эса мўминлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига ҳурмат ва эҳтиромда бўлиш, суннатни маҳкам туриб ҳимоя қилиш, уни барча қийинчилигу машаққатларга чидам ва сабот билан инсонлар орасида тарқатиш, одамларни Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига амал қилишга чорлаш орқали Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатларини изҳор этишади.

Аллоҳнинг расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган муслмон муҳаббатининг яна бир кўриниши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюрган ёки қайтарган нарсаларни тўла ишонч билан тан олиш ва шундай деб ҳисоблаш, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қарор қилган ишлар борасида ҳеч қандай оғирлик, хараж сезмаслик ва суннатга тааллуқли барча нарсаларни малолланмасдан, қийин санамасдан бажаришдир.

Энди Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа кишилар ҳақида гапирадиган бўлсак, уламолар, солиҳ инсонлар пайғамбарларга эргашувчи кишилардир. Шунинг учун Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақиқий севувчи инсон уларнинг ҳар биридан фақат пайғамбар келтирган нарсанигина қабул

қилади. Чунки тўлиқ равишда пайғамбарга эргашишгина мўминни жаннатга элтади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ فَإِن تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْهِ مَا حُمِّلَ وَعَلَيْكُمْ مَّا حُمِّلْتُمْ وَإِن تُطِيعُوهُ تَهْتَدُوا وَمَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ الْمُبِينُ﴾

«Айтинг: “Аллоҳга бўйсунингиз ва Пайғамбарга бўйсунингиз!” Шундан сўнг агар юз ўгирсангиз, бас, (Пайғамбар) зиммасида ўзига юкланган нарса (Аллоҳнинг буйруғини етказиш) ва сизларнинг зиммангизда ўзларингизга юкланган нарса (унга бўйсунингиз) бордир. Агар унга итоат этсангиз, ҳидоят топурсиз. Пайғамбар зиммасида фақат (ҳақ динни сизларга) аниқ етказиш бордир» (Нур, 54).

Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа кишилар эса тўғри йўлда ёки нотўғри йўлда бўлиши мумкин.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозни қандай адо этганлар, қандай таҳорат олганлар, қандай ётганлар, қандай таомланганлар – буларнинг барида у зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрнак олишга интилиш, шу билан бирга, Расулulloҳдаги (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беозорлик, тавозе, сахийлик, сабрлик, қаноат каби ахлоқий сифатларидан ибрат олишга ҳаракат қилиш ҳам Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган чин муҳаббат аломатларидандир.

Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп-кўп салаватлар айтиш, у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп ёд қилиш, эслаш ҳам мўмин кишининг Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган севгиси аломатларидандир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салават айтур. Эй мўминлар! (Сизлар ҳам) унга салават ва салом айтинг!» (Аҳзоб, 56).

Бу ояти каримада Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мартабалари нақадар улуғ экани зикр этилди. Бошқа биров эмас, Аллоҳ таолонинг ўзи Пайғамбарига салават айтишини таъкидламоқда.

Араб тилида “салавот” сўзи “салот” сўзининг кўплиги бўлиб, “дуо” деган маънони англатади. Намоз ҳам “салот” дейилади, чунки намозда ҳам дуо маъноси бор.

Оятдаги фаришталар Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтиши у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларига дуо қилиши, истиғфор айтиши маъносидир.

Демак, Аллоҳ таоло Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо Ўз раҳматини юбориб, у зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рози эканини билдириб, мақтовлар айтиб туради. Фаришталар ҳам у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳдан раҳмат, саломатлик, розилик сўраб, дуо қилиб турар экан.

Оятдан Аллоҳ Ўзи ва фаришталари билан Пайғамбарига салавот айтиши маълум бўлди. Оят давомида мўмин кишилар ҳам Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтишга буюрилмоқда. Шундай экан, мўминларга у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтиш ва салом юбориш фарз бўлади. Бу мавзу Ислом уламолари ўртасида турли хил баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ва натижада олимлар умрида бир марта ёки ҳар бир мажлисда бир марта ёки у зотнинг номлари зикр қилинганида бир марта салавот айтиш керак эканига иттифоқ қилган.

Ушбу оят нозил бўлганидан кейин саҳобалар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай салавот айтиш кераклигини сўради.

Бир киши Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳнинг расули! Сизга салом беришни-ку биламиз, аммо сизга салавот айтиш қандай бўлади?” деб сўради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама соллайта ала Иброҳима ва ала оли Иброҳим, иннака ҳамидум мажид. Аллоҳумма борик ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммад, кама борақта ала Иброҳима ва ала оли Иброҳим, иннака ҳамидум мажид”, деб айт, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Баъзи кишилар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таоло Ўзи салавот ва Унинг фаришталари салавот айтиб турса, мўминларнинг салавотига не ҳожат, дейиши мумкин.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларнинг салавотларига муҳтож эмаслар. Аксинча, мўминлар ушбу салавотлари туфайли Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улуғлаганлари учун савоб олади, дуолари қабул бўлади ва муродларига етади.

Қуръон тиловати ва Аллоҳ зикридан кейин Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтиш энг савобли ишлардан ҳисобланади. Чунки бу нарса Аллоҳ таолонинг амри. Шунинг учун ҳам, ҳар бир мўмин намозларида ташаҳҳуддан кейин Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтади.

Имом Шофиъий (роҳматуллоҳи алайҳ): “Ташаҳҳуддан кейин салавот айтилмаган намоз намоз ўрнига ўтмайди”, деган экан (“*Ал-фиқҳул исламий ва адиллатуҳу*”).

Абу Талҳа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзларида қувонч балқиган ҳолларида келдилар. Биз: “Юзингизда қувонч кўрмоқдамиз”, дедик. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Чунки ҳузуримга фаришта келиб: “Эй Муҳаммад! Албатта, Раббингиз айтур: “Ким сизга салавот айтса, албатта Мен унга ўн марта салавот айтишим, ким сизга салом айтса, Мен унга ўн марта салом айтишим сизни рози қилмайдими?” деб хабар берди», дедилар (*Имом Насоий ва Аҳмад ибн Ҳанбал ривояти*).

Худди шу маънода мўмин кишини хурсанд қиладиган бошқа бир ҳадисни келтирайлик:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қиёмат куни менга энг яқин кишилар албатта менга кўп салавот айтадиганлар” дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Асрлар оша Ислом уммати юқоридаги оят ва ҳадисларга том маънода амал қилиб, озгина амаллари билан улкан ажр-мукофотларга сазовор бўлишмоқда. Ҳар бир мўмин бир кунда беш маҳал намозларининг суннат ва фарзларида Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтади. Нафақат, намозда, балки у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборақ исмларини эшитган заҳоти салавот келтиради. У зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтмаган киши бахил эканини ушбу ҳадисдан билиб оламиз:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг ҳузуринда зикр қилинсам-у, у менга салавот айтмаса, ўша одам бахилдир”, дедилар (*Имом Термизий ва Имом Насоий ривояти*).

Мўмин банда Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир марта салавот ёки салом айтиш билан ўн баробар ортиқ ажр олиши бор гап.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз бундай марҳамат қилганлар: “Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ таоло бунинг эвазига у инсонга ўнта салавот (ажр) битади” (*Имом Муслим ривояти*).

Бу аломатлар сирасига, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан учрашишни хоҳлаш, у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) интиқ бўлиш ва бунга эришиш учун керак бўлса барча нарсаларни фидо қилишга рози бўлиш ҳам киради.

Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббат аломатларидан яна бири у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўрган инсонларни яхши кўришдир.

Бунга масалан, Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу), Умар (розияллоҳу анҳу) ва Ойшани (розияллоҳу анҳо) яхши кўриш, уларни ҳурмат қилиш киради. Ва саҳиҳ ҳадисларда келган, Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сеvimли бошқа кишиларни ҳам келтириш мумкин. Шундай қилиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёқтирган зотларга нисбатан қалбимизда илиқлик ва ҳурмат туйишимиз ҳамда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёқтирмаган тоифаларни эса ёмон кўришимиз керак. Яна у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатимиз ифодаси ўлароқ, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёқтирган сўзлар, феъллар, амалларни ҳам ёқтиришимиз, яхши кўришимиз мақсадга мувофиқдир.

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда айтилишича, бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тикувчилик билан шуғулланадиган, бир вақтлар ўзлари озод қилган қулларининг олдига келганларида собиқ қуллари Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ошқовоқ билан меҳмон қилади. Уни кўрган Анас (розияллоҳу анҳу): “Пайғамбаримизнинг ошқовоқ еяётганларини кўрганимдан бери, мен ҳам ошқовоқни яхши кўриб қолдим”, деган (*Имом Бухорий ривояти*).

Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анҳу) айтади: «Агар масжидга кирсанг, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айт. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менинг уйимни сайлгоҳ, ўз уйлариингизни қабристон қилиб олманглар. Қаерда бўлсангиз ҳам, менга салавот айтаверинглар, чунки сизларнинг салавотларингиз менга етказилади”, деганлар». Бошқа бир ҳадисда: “Жума куни менга кўп салавот айтинглар, чунки сизларнинг салавотларингиз менга кўрсатилади”, дейилади.

Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбатан муҳаббатнинг вужудга келишига имконият туғдирадиган ва қалбда бу севгининг ортишига сабаб бўладиган нарсалар қуйидагилар бўлиб, буларни ҳосил қилишга ҳар бир мусулмон интилиши керак:

Инсон шундай яратилган, унда ўзига нисбатан яхшилик қилганни, мурувват кўрсатганни яхши кўриш хусусияти бор. Шундан келиб чиқиб, шуни англаймиз, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-онамиздан ҳам кўпроқ яхшилик кўрсатдилар, яъни Аллоҳнинг изни ила бизни зулматдан нурга олиб чиқдилар, бизга фойдали ва хайрли насиҳатларни қилдилар, дину диёнатни танитдилар ҳамда зулмнинг барча турларидан огоҳ этдилар. Яна шу нарсани яхши тушунишимиз керак, агар Аллоҳ марҳамат кўрсатиб, ушбу Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юбориш билан бизга мурувват қилмаганида эди, ҳаммамиз жаҳолат ботқоғига ботганимизча, эртага, Аллоҳ сақласин, жаҳаннамга ўтин бўлишимиз турган гап эди. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизнинг номимиздан энг яхши салаволлар ва саломлар етказсин!

Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳаёт йўллари, сийратлари, жиҳодлари, сабру бардошлари, Исломининг олий бўлиши йўлида берган қурбонлари, чеккан жафолари, дин йўлидаги фидокорликлари ҳақида тафаккур қилишимиз керак. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тавҳидни етказиш ва ширкни йўқотиш майдонидаги меҳнатлари ҳар қандай бошқа бир инсоннинг меҳнатидан кўра юқори, олий туриши айни ҳақиқатдир.

Пайғамбаримиздаги (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларга нисбатан тавозе ва хушмуомала, мунофиқ ва кофирларга нисбатан қаттиққўллик ва қатъиятлик, алоҳида ажралиб турувчи жасорат, сахийлик, раҳмдиллик ва бошқа кўплаб юксак ахлоқий сифатлар ҳақида ҳам фикр юритиш ва булардан ўрнак олиш лозим. Меҳрибон Аллоҳ ҳам Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юксак ахлоқ эгаси эканликларига гувоҳлик бериб, бундай дейди:

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

«Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!» (Қалам, 4)

Бу ўринда ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таоло наздида қандай мавқега эга эканларини билишимиз, аввалги ва охирги пайғамбарлар ичида энг яхшиси ва пайғамбарларнинг энг охиргиси эканларини ёдда тутишимиз керак. Шу билан бирга, Қиёмат кунида у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бериладиган ва у билан Аллоҳ бошқа пайғамбарлардан

афзал қилган, умматларини шафоат қилиш ҳуқуқи, у кишининг “мақом маҳмуд” – мақталган ўринга сазовор бўлишлари, Қиёмат куни остида Одамдан (алайҳиссалом) тортиб, у кишига эргашган барча инсонлар жамланадиган “ливаул ҳамд” – ҳамд байроғини қўлларида тутишлари ва жаннат эшигини биринчи бўлиб очувчи инсон эканлари ҳамда бундан бошқа саҳиҳ хабарларда келган кўп-лаб фазилатлар соҳиби ҳам эканларини билишимиз фойдалидир.

Мусулмонлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатларини устун тутганларида у кишининг шариатларига тўлиқ амал қилишди ва дунёда ҳаммадан устун бўлишди. Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатидан мол-дунё, бола-чақа, турли маъшуқалар муҳаббатини устун қўйганида, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шариатлари ўрнига бошқа ердан чиққан шариатларга амал қилишганида ҳар жабҳада ҳаммадан орқада қола бошлади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига тўлиқ амал қилган мўмин ўзида қандайдир бир илоҳий кучни илғайди ва шу асосда ўзини тетик-бардам ҳис этади. Ғайратли ва шижоатли, кучли ва бақувват мўмин Аллоҳга маҳбуброқ эканини ҳадислардан биламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمُؤْمِنُ الْقَوِيُّ خَيْرٌ وَأَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِ الضَّعِيفِ وَفِي كُلِّ خَيْرٍ، اِحْرَضَ عَلَى مَا يَنْفَعُكَ وَأَسْتَعْنُ بِاللَّهِ وَلَا تَعْجِزْ. وَإِنْ أَصَابَكَ شَيْءٌ فَلَا تَقُلْ: «لَوْ أَنِّي فَعَلْتُ لَكَانَ كَذَا وَكَذَا وَلَكِنْ قُلْ: «قَدَّرَ اللَّهُ وَمَا شَاءَ فَعَلَ فَإِنَّ «لَوْ» تَفْتَحُ عَمَلَ الشَّيْطَانِ»

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кучли мўмин кучсиз мўминдан кўра Аллоҳга суюклироқ. Ҳар иккисида ҳам яхшилик бор. Ўзингга фойдали бўлган нарсаларга тириш. Аллоҳдан ёрдам сўра. Ожизлик қилма. Сенга бирон мусибат етганида: “Ундай қилганимда бундай ва бундай бўлар эди”, дема. “Лекин Аллоҳ тақдир қилган ва хоҳлаган нарсасини қилди”, дегин. Чунки (афсусланиб) “агар” дейишинг шайтоннинг амалини очиб юборади», деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган бу ҳадис яхшилик фақат кучли мўминда мавжуд, деган тушунчани бартараф

этади. Чунки ҳадисда таъкидланганидек, кучли ёки кучсиз имон эгасининг иккови ҳам яхши.

Шу сабабли, ўзимизга фойда берадиган нарсаларга маҳкам ёпишайлик. Чин дилдан Аллоҳ таолога меҳр қўйиб, бу эътиқодни ҳеч сусайтирмайлик. Агар бошимизга яхшилик ёки мусибат келса, севинсак ҳам, қайғурсак ҳам зинҳор “Агар ундай қилганимда, бундай бўларди, мана бундай қилганимда бошимга бу бало келмасди...” каби сўзларни тилга олмайлик. Энг яхшиси, “Аллоҳ таолонинг тақдири шундай экан, Аллоҳ шуни хоҳлабди”, десак нур устига нурдир. Чунки яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан. Ҳар қандай ҳолда унинг тақдирига рози бўлиш – банданинг вазифаси. Шу йўл орқали ҳар хил васвасалардан қутулган бўламиз. Чунки “агар” калимаси ишлатилса, шайтони лаъиннинг барча васваса эшиклари очилади. Лекин мўмин доимий ҳузур-ҳаловат пайтида, тақдирга рози бўлган ҳолда афсусланиб, “шундай қилганимда”, дея савобли ишлар қилолмаганини изҳор этса, макруҳ эмас, дейилади.

Мўминларнинг имони кучли ё кучсиз бўлишидан қатъи назар, хайр-яхшилик доим улар билан биргадир. Мўмин киши доим дунё ва охиратга фойдали нарсаларни излаб топиб, уни бажариши лозим. Аммо бу ҳаракатни ёлғиз ўзи уддалай олмайди. Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти, инояти, тавфиқи шарт. Бунинг учун ҳар жойда, ҳар вақтда Аллоҳга сиғиниш, унга илтижо қилиш банданинг асосий вазифаларидандир. Агар буни бажармаса, оқибатда муваффақиятга эришишнинг ҳеч имкони йўқ.

Ҳаётда ожизлик сезсак, у ўз камчилигимиз туфайли содир бўлади. Аллоҳга таваккул қилиш ҳар бир ишнинг унумли бўлишига олиб келади. Мўмин Аллоҳдан умидини асло узмаслиги керак. “Умидини йўқотган инсоннинг бошқа йўқотадиган нарсаси йўқ”, деган пурмаъно гап ҳар он эсда бўлиши лозим. Аллоҳ Ўзига ихлос билан таваккул қилганларни асло ёлғиз ташлаб қўймайди. У Раҳмон ва Раҳимдир. Лутфу эҳсони битмас-туганмасдир. Муваффақиятсизликка учраб: “Оҳ, кошки шундай қилганимда эди, бундай бўларди...” деб афсусланмаслик лозим, мақолда айтилганидай “ўтган ишга салавот”.

Кучли мўмин Аллоҳга маҳбуброқ эканми, демак, имони кучли банданинг Яратган Парвардигорига муҳаббати ҳам кучли бўлади.

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодида яхши кўриш сифати Аллоҳнинг камол сифатларидандир. Яхши кўриш сифати буюк Аллоҳга лойиқ тарздадир. Аллоҳ таолонинг бу ва бундан бошқа барча си-

фатлари ёлғиз Ўзига хос бўлиб, махлуқларининг сифатларига асло ўхшамайди. Аллоҳдаги муҳаббат сифати билан инсон ёки бошқа махлуқдаги муҳаббат сифатининг ўхшаш томони уларнинг фақат номида, холос. Маъноси эса чексиз фарқлидир. Аллоҳнинг сифатларини йўққа чиқариш оғиб кетиш ва ҳалок бўлишдир, У Зотнинг сифатларини махлуқлар сифатларига ўхшатиш ёки маъносини ўзгартириш эса бидъат ва залолатдир.

Аллоҳ таолодаги муҳаббат сифати севган бандалари ҳолатларига тааллуқли бўлади. Бандалар У Зотнинг муҳаббатига олиб борувчи эзгу амаллар қилишгандан кейин Аллоҳ таоло уларни яхши кўради.

Имон етмишдан ортиқ қисмдан иборат. Уларнинг энг олийси “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси бўлса, энг кичиги озор берувчи ҳар қандай нарсани мусулмонлар йўлидан олиб ташлашдир. Ҳаё ҳам имондан бир бўлак. Имоннинг кўринадигану кўринмайдиган барча амаллари мана шу бўлакларга қайтади. Шундай экан, ким имоннинг барча бўлақларини жамлаб адо этса, фойдали илм ва эзгу амаллар билан ўз нафсини камолотга етказса, бошқаларни ҳаққа ҳамда сабрга чиройли чорласа, бундай инсон имон мартабаларининг энг олийига етган қувватли мўминдир.

Бу ҳадис имоннинг зиёда бўлиши ва нуқсонлашиб боришига асос бўлган салаф уламоларимизнинг далилларидандир. Имон илмларидан таҳсил олиб, солиҳ амаллар қилган кишининг имони зиёдалашиб борса, маъсиятга юз тутган мўминнинг имони нуқсонлашиб боради. Имоннинг зиёда ва нуқсонли бўлиб туриши Қуръон ва суннатнинг кўп ўринларида далил бўлган асл қоидадир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминлар орасини фазилат билан ажратганларида, пастда қолганларини кимдир камситмаслиги учун, “Уларнинг ҳар иккисида ҳам яхшилик бор” деб қўшиб қўйдилар. Бу эҳтиёткорона сўзда қанчалар фойда борлиги махфий эмас. Инсонлар орасидаги мартабалар ҳақида сўз юритаётган киши Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу одобларини ҳам эсидан чиқармаслиги лозим.

Бу ҳадисдан яна шу нарса хулоса қилинади, яхшилик, Аллоҳни севиш ва динни барпо қилишда мўминлар орасида тафовут ва даражалар бор.

Ояти каримада:

﴿وَلِكُلِّ دَرَجَاتٍ مِّمَّا عَمِلُوا وَلِيُوقِبَهُمْ أَعْمَالَهُمْ وَهُمْ لَا يُظَاهَمُونَ﴾

«Ҳамма учун қилган амаллари сабабли даражалар бори-дир. (Аллоҳ) уларга қилган амаллари (мукофоти ва жазолари)ни мукамал берур ва уларга ноҳақлик қилинмас» (Аҳқоф, 19), дейилган.

Яхшилар амалларига қараб дунёда ҳам, охиратда ҳам турли мартаба ва даражаларда бўлишганидек, ёмонлар ҳам қилмишларининг кўп-камлиги сабабли турли табақаларга ажратилади.

Мўминлар дунёда уч қисмга бўлинади.

Биринчиси: Яхшиликларга ошиқувчилар. Булар фарз ва мустаҳаб амалларни чиройли адо этиб, ҳаром ва макруҳларни тарк этган кишилар. Бундай кишилар қилиниши жоиз бўлган ортиқча ишларни ҳам қолдириб, ибодатларини комил суратда адо этади ва барча комил сифатлар билан сифатланади.

Иккинчиси: иқтисод қилиб қониқарли йўл тутганлар. Бундай кишилар фақат фарз амалларини барпо қилиб, ҳаром ишларни тарк қиладиган кишилар.

Учинчиси: ўз нафсларига зулм қилган кишилар. Бундай кимсалар солиҳ амаллари орасига бузуқ ишларни ҳам аралаштириб юборади. Бундайлар ибодат ҳам қилади, гуноҳга ҳам қўл уради.

Ҳадис давомида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ўзингга фойдали бўлган нарсага тириш. Аллоҳдан ёрдам сўра”, деган сўзлари дунё ва охират саодатини қамраб олувчи фойдали сўздир.

Фойдали ишлар икки қисмга бўлинади. Диний ишлар ва дунёвий ишлар. Одам диний амалларга муҳтож бўлганидек, дунёвий ишларга ҳам ҳожатманддир. Бахтли инсон Аллоҳдан ёрдам сўраб ҳам диний, ҳам дунёвий манфаатли ишларга тиришади. Мана шу даража инсоннинг камолотга етганлиги ва охиратда нажот топиши аломатидир. Ким фойдали ишларга тиришмасдан дангасалик қилса, юқоридаги ширин сўзлар ва олий мартабалар унга қаёқдан келсин?! Ялқовлик зиён кўриш ва бўшашишнинг аслидир. Ялқов на яхшиликка эришади, на ҳурмат кўради ва на дину дунёда насибадор бўлади.

Диндаги фойдали ишлар икки нарсадан иборат. Биринчиси, фойдали илм. Иккинчиси, солиҳ амал. Фойдали илм қалблар ва руҳларни поклаб, икки дунё саодатига эриштирувчи самара беради.

Аллоҳ таолога ихлосни жамлаб ва Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашиб қилинган солиҳ амал эса, инсонни Аллоҳ таолога яқинлаштиради. Юқоридаги шартлар асосида буюрилган

амалларни адо этиш ва қайтарилган ишларни тарк этиш, “солиҳ амал” дейилади.

“Дунёдаги фойдали ишлар”, деганда банданинг ризқ излаши лозимлиги назарда тутилади. Шунинг учун инсон ўз ҳолатига лойиқ равишда энг фойдали сабабларни топиши керак. Бу ишларда кучига суяниб қолмасдан Раббидан ризқ ва барака сўраши лозим.

Касбларнинг энг яхшиси қайси, деган савол туғилса, куйидагича жавоб берилади. Илм аҳли бу борада турли фикрлар билдирган. Баъзилар деҳқончилик ишларини афзал деса, бошқалар олди-сотди ишлари афзал, деган. Яна баъзилар ишлаб чиқариш корхоналарини юргизиш муҳимроқ дейди. Буларнинг ҳаммалари фикрларига далиллар келтиради. Бу турли-туман фикрларни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзингга фойдали бўлган нарсаларга тириш. Ожизлик қилма”, деган сўзлари билан келиштиришади.

Дунёвий ишлар ҳолатлар ва шахсларга қараб турличадир. Кимгадир деҳқончилик фойдали бўлса, кимгадир савдо-сотик, яна бировга эса тадбиркорлик. Энг муҳими, ҳалол бўлса, бўлди.

Ҳадис охирида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) куч сарф қилинганидан кейин Аллоҳнинг тақдирига рози бўлишга чақирадилар. Агар инсонга мусибат етиб қолса, “у ёки бу ишларни қилганимда эди, мусибат етмасди”, демасин. Аллоҳнинг тақдири аччиқлигига ҳам имон келтирсин. Шунда қалб таскин топиб, нафс ором олади. Афсусланиб “Агар” деса, тақдирга бўлган имони нуқсонли бўлиши билан бирга, шайтон амалини очиб юборади. “Агар” афсусланиш калимаси мусибат етган вақтда жоиз бўлмагани каби, уни ёмонлик ва гуноҳ исташда ишлатиш ҳам қораланади. Гарчи бу истовчи хоҳлаган гуноҳини қилмаган бўлса ҳам, истаги учун гуноҳкор бўлади. Аммо “агар” калимаси яхшилиқни орзу қилишда ёки фойдали илмни баён қилишда ишлатилса, мақтовга сазовор бўлади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мазкур ҳадисда тақдирга имон келтириш билан фойдали сабаблар ила амал қилишни жамладилар. Бу икки асосга Қуръон ва суннатнинг кўп ўринлари далил бўлади. Буларсиз дин тўлиқ бўлмайди.

“Аллоҳдан ёрдам сўра” сўзлари билан у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳга таваккул қилишга амр этадилар. Сабабларга риоя қилиш билан барча нарсаларда Аллоҳга суянишга “таваккул”, дейилади.

Мўмин киши Аллоҳга таваккул қилиш билан бирга биродарлари, маҳалла-қўйи ва қавм-қариндошлари билан ҳамжиҳат яшаши лозим.

Ҳадиси шарифда: “Мўминлар бир-бирига ёпишган иморат кабидир”, дейилган (*Имом Бухорий ривояти*).

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган бу ҳадисда бино деворлари бир-бирига мустаҳкам ёпишгани каби, мўминлар ҳам бир-бирларига маҳкам боғланишлари лозимлиги уқтирилмоқда. Бинони ташкил этган унсурлар орасида тош, темир каби нарсалар бўлганидек, қум ва шиша каби нозик нарсалар ҳам мавжуд. Лекин барчаси биргаликда бинони маҳкам тутиб турибди. Инсонлар ана шу бино каби жипслашган, бир-бирини суяган бўлиши керак. Кучлилари доим заифларни суяб туриши, улар билан елкадош, ҳамнафас бўлиши лозим. Чунки мустаҳкам бўлмаган бинонинг йиқирилиши муқаррар, бундан Аллоҳнинг Ўзи асрасин.

Ушбу ҳадис мўминларни жамоа бўлиб яшашга, ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечиришга ташвиқ этмоқда. Зеро, инсоннинг ёлғиз ҳаёт кечириши имконсиз. Масалан, бир бурда нонни тайёрлаш, пишириш учун нақадар кўп асбоб-ускуна ва меҳнатга эҳтиёж сезилиши барчага аён. Демак, инсонлар зарар эмас, фойда келтирувчи, хом эмас, пишган бўлиши, ноқис эмас, комил бўлиши лозимдир, бундан Ислом жамияти кундан-кунга ривожлансин ва юксалсин. Аксинча, ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб, заифу мискинларга нисбатан меҳр-муҳаббат қилмаса, Ҳақ таоло бундай бандадан асло рози бўлмайди. Ана шу вақтда қиёмат кўпади, фарёду фиғонлар бошланади. Исёнлар, норозилик, қўзғолонлар ва бошқа фалокатлар рўй беришининг сабабчилари мусулмонликни даъво қилувчи, аслида Исломдан беҳабар шўрлик гуруҳлардир, улар Ислом аҳлининг бошига бало бўлади.

Мусулмонлар таназзулига энг катта сабаб – мусулмонларнинг ҳақиқий мусулмон бўлмай, илм ва давлатларига мағрурланиб, фақирлару заифларнинг ҳақларига риоя қилмасдан, уларга исломий ва инсоний муомалада бўлмасликларидир. Шу боисдан ҳам улар охират саодатларидан маҳрум бўлгай. Агар улар молу дунёларига бу қадар ҳирс қўймасдан, бой-камбағаллигига эътибор бермай, ҳаммалари қўлни-қўлга бериб, бирлашишганида, бугун мусулмонларнинг қўлини букишга ҳеч ким ботинолмас эди.

Мўмин киши Аллоҳ таоло айтган ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатган йўл-йўриқларга тўла-тўкис амал қилиб борса, фаришталардан ҳам афзал бўлиши айтилган.

Ҳадиси шарифда: “Мўмин киши Аллоҳ таолога баъзи фаришталардан кўра афзалроқдир. Мўмин киши Аллоҳ таолога муқарраб фаришталардан ҳам кўра муқаррамроқдир”, дейилган (“Румузул аҳодис”, 231-бет).

Мўмин киши Аллоҳ таолога баъзи фаришталардан ҳам кўра ҳурматлироқдир. Мўмин банда Аллоҳ таолога муқарраб-яқин фаришталардан ҳам азизроқдир.

Абу Ҳурайра ва Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилган бу ҳадиси шариф Аллоҳ таоло комил имон соҳибларини баъзи фаришталардан ҳам муқаррам қилганини англатиб турибди.

Зеро, фаришталарда нафс ва шаҳват бўлмаганидек, ҳирс, ҳасад каби хислатлар ҳам йўқ. Шайтони лаъин ҳам уларни йўлдан озди-ролмайдди. Чунки улар нурдан яратилган. Ҳолбуки, инсон ундай эмас. Инсонни бир тарафдан нафси, иккинчи тарафдан шаҳвати, ҳирси, учинчи тарафдан ҳақ йўлдан адаштиришга, жаҳаннамга етаклашга, Аллоҳдан узоқлаштиришга уринадиган шайтонлар, мунофиқлар, ҳасадгўйлар, кофирлар қамраб олган. Улар билан бўлган курашларда ғолиб чиққан банданинг мукофоти, ҳеч шубҳасиз, фаришталарнинг баъзиларидан ҳам муқаррам ва афзал бўлишидир. Шунинг учун Аллоҳнинг хос мўмин бандалари фаришталар авомидан афзалдир, дейилади.

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Агар мўминлар гуноҳ қилмаганида, само мулкидаги фаришталар каби учган бўларди”. Лекин Ҳақ таоло гуноҳлари туфайли уларни бундан ман қилди.

Муҳиддин ибн Арабий (раҳматуллоҳи алайҳ): “Ҳақойиқи олам инсонга оиддир. Инсон оламдан фақат кичиклиги билан ажралиб туради. Бу олам асли икки қисмдан иборат бўлиб, бири камолотни қабул этмагани учун яратилгани бўйича қолган, бири эса камолотни қабул қилди ва бунда Ҳақнинг Жалол ва Жамол сифатлари тажаллий этади, шу боис у Аллоҳ учун ҳар ҳолатда муқаррам ва афзалдир”, деган.

Демак, ҳадиси шарифдан биламиз, кучли мўмин ўзининг қилган амаллари, Аллоҳ ва унинг расулига бўлган имони туфайли улуғ мартабаларга эришади.

Ота-боболаримиздан қолган ажойиб бир нақл бор: “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар”. Мўмин киши “билаги”

билан эмас, ўзининг илми, ишончи ва эътиқоди билан кучли ва шарафлидир.

Мўмин банда Аллоҳнинг раҳматига эришиш учун Мўминун сурасининг оятларига батамом амал қилиши керак.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдир: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намоз(лар)ни тўқис адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир» (Тавба, 71).

Ояти каримада мўминлар бир-бирларига дўст экани зикр қилингандан кейин уларнинг сифатлари – яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, Аллоҳ ва Унинг расулига итоат этиш каби юксак фазилатлар айтиб ўтилди.

Ислом тарихига эътибор билан қарайдиган бўлсак, оятда зикр этилган сифатларнинг барчасини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у зотнинг сафдошлари бўлмиш йўлчи юлдуз саҳобаларнинг сиймоларида кўрамиз.

Минг афсус, айни пайтда мусулмонлар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бориши, оятда зикр қилинган сифат ва фазилатларнинг кўринмаслиги ҳар бир имон аҳлини қайғуга солади.

Шайтонга эргашиш, имонга қулоқ осмаслик оқибатида кўплаб кўнгилсизликлар содир бўлмоқда. Бунга тарихдан мисол:

Бани Исроилдан бир киши ҳужрасида тинимсиз ибодат қиларди. Одамлар уни “Обид Барсисо”, деб атарди. У шу даражага етдики, дуо қилса, ижобат бўлмасдан қолмасди. Унинг дуоси сабабли касаллар шифо топар эди. Иблис алайҳилаъна кунларнинг бирида барча шайтонларни чақириб: “Ким бу кишини фитна қилиб, йўлдан адаштиради”, деди. Улардан Ифрит бу таклифни бўйнига олди. Бани Исроил подшоҳларидан бирининг ҳуснда тенги йўқ қизи бор эди. Қиз ота-онаси ва ака-укалари даврасида ўтирганида, Ифрит уларнинг олдига келиб, қаттиқ қичқирди. Бар-

чалари жуда қўрқиб кетишди. Қиз эса мажнун бўлиб қолди. Орадан бир неча кун ўтса ҳам дарди енгиллашмади. Шундан сўнг Ифрит одам суратида келиб: “Агар унинг тузалишини хоҳласангиз, фалончи роҳибнинг олдига олиб боринглар, роҳиб дуо қилса, бемор шифо топади”, деди. Улар қизни Барсисонинг олдига олиб борди. Роҳиб дуо қилган эди, қиз тузалди. Лекин уйларига қайтгач, яна мажнун бўлиб қолди. Шайтон уларга: “Агар унинг бутунлай тузалиб кетишини хоҳласангиз, роҳибнинг олдида бир неча кун қолдирунгла”, деди.

Улар Барсисонинг олдига қайтадан келиб, роҳиб кўнмаса ҳам, бир неча кунга қизни қолдириб кетишди. Роҳиб қизни дастурхонга таклиф қилиб, уни таомлантирди. Қиз бир неча кун унинг олдида қолди. Кунларнинг бирида роҳиб қизга шаҳват назари билан қаради ва унинг гўзаллигига мафтун бўлди. Шайтоннинг васвасаси туфайли сабр этолмай, қизга яқинлик қилди. Сўнг қиз ундан ҳомиладор бўлди. Шунда шайтон роҳибнинг олдига келди ва унга: “Қиз сендан ҳомиладор бўлди. Энди подшоҳдан қутула олмайсан, фақат қизни ўлдирсанггина омон қоласан. Агар уни сўраб келишса: “ўлиб қолди”, десанг, улар сенга ишонади”, деди. Роҳиб қизни ўлдириб, ҳужрасининг олдига кўмиб қўйди. Уни сўраб келишганида: “У ўлиб қолди”, деди. Улар ҳам роҳибнинг гапига ишониб, қайтиб кетди. Шунда шайтон подшоҳнинг олдига бориб: “Роҳиб қизингнинг номусига тегди ва қилган ишидан қўрқиб, уни ўлдириб, ҳужраси олдига кўмиб қўйди”, деди. Подшоҳ одамлари билан роҳибнинг олдига келди. Қабрни очишганида, қизни сўйилган ҳолатда топишди. Шунда улар роҳибнинг кўл-оёқларидан осиб, михлаб қўйди. Шайтон роҳибнинг олдига келиб: “Агар менга сажда қилсанг, сени қутқараман”, деди. “Мен сенга бу аҳволда қандай сажда қилайин”, деди роҳиб. Шайтон: “Бошинг билан ишора қилган ҳолда сажда қилсанг ҳам розиман”, деди. У боши билан саждага ишора қилган эди, шайтон: “Мен сендан безорман, албатта мен одамларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан кўрқаман”, деди-да, кўздан ғойиб бўлди. Роҳиб Барсисо эса кофир ҳолида ўлиб кетди ва абадий дўзахийлардан бўлди.

Мўмин киши юқорида келтирилган ачинарли ва айни пайтда ибратли воқеадан етарлича ўрناق олса, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак васият ва сифатларини ўзида мужассам этса, Аллоҳ томонидан ваъда қилинган хушxabар-мукофотларга эга бўлади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай дейди:

﴿ أَكَانَ لِلنَّاسِ عَجَبًا أَنْ أَوْحَيْنَا إِلَىٰ رَجُلٍ مِّنْهُمْ أَنْ أَنْذِرِ النَّاسَ وَبَشِّرِ الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْ لَهُمْ قَدَمٌ صِدْقٍ عِنْدَ رَبِّهِمْ ۗ قَالَ الْكٰفِرُونَ إِنَّ هٰذَا لَسِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٢﴾ ﴾

«Ўзларидан (бўлмиш) бир кишига (Муҳаммадга), одамларни огоҳлантиринг ва имон келтирганларга Парвардигорлари ҳузурида “содиқлик қадами” борлиги ҳақида хушxabар беринг, деб ваҳий юборганимиз одамларга ажабланарли бўлдимиз?! Кофирлар эса: “Албатта, бу (Муҳаммад) аниқ сеҳргардир”, деди» (Юнус, 2).

Ояти каримадаги “Содиқлик қадами”ни муфассирлар турлича таъвил қилган. “Содиқлик қадами”дан мурод нима экани тўғрисида Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) амаллар учун бериладиган ажру савоб деса, Заҳҳок (раҳматуллоҳи алайҳи) содиқлик савоби, дейди. Мужоҳид (раҳматуллоҳи алайҳ) ибодатлари деса, Ҳасан Басрий олдин қилиб ўтган солиҳ амаллари, дейди. Зайд ибн Аслам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шафоатлари, деса, Абу Убайда олдин қилган яхши ва ёмон ишлари, деб тафсир қилган.

Имом Табарий ўз тафсирида Мужоҳиддан (раҳматуллоҳи алайҳ) нақл қилинган “солиҳ амаллар” тафсирини маъқулроқ, деб ёзади.

Аллоҳ таоло Ўз ҳикмати ила бандалари орасидан салоҳиятли кишини танлаб, унга Пайғамбарлик мартабасини беради. Унга ваҳий юбориб, атрофидаги кишиларни огоҳлантиришга амр қилади. Қадимдан шундай бўлиб келган. Лекин кофирлар бу ишга доимо инкор назари билан қараган, ўзларидан бўлган бир одамга Аллоҳдан ваҳий келиши уларга ажабланарли туюлган.

Охирги Пайғамбар Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам олдинги пайғамбарларга бўлгани каби муносабатда бўлинган.

Оятдаги: **«Ўзларидан (бўлмиш) бир кишига (Муҳаммадга), одамларни огоҳлантиринг ва имон келтирганларга Парвардигорлари ҳузурида “содиқлик қадами” борлиги ҳақида хушxabар беринг, деб ваҳий юборганимиз одамларга ажабланарли бўлдимиз?!»** деган сўздан маълум, мушриклар у зотга келган ваҳийни ажабланиб, инкор билан қарши олган. Аслида эса, унда ажабланадиган ва инкор қиладиган ҳеч бир жиҳати йўқ эди. Бошқа пайғамбарларга келгани каби Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ваҳий кела бошлаган ва у орқали барча кишиларни

огоҳлантириш учун илоҳий амр қилиш ирода қилинган эди. Шу билан бирга оят орқали имон келтирганларга хушxabар бериш ҳам Расулulloҳга (соллalloҳу алайҳи ва саллам) амр қилинган эди. Бу хушxabарга биноан, кўплар қалтираб-титраб, қадамини боса олмай, оёғи осмондан бўлиб кетаётган шиддатли бир пайтда мўминларнинг Аллоҳ таоло ҳузурида собитқадам – қадамлари мустаҳкам ҳолда туришлари ва юқори мартабаларга эришишлари айтилди (“Ҳақ дин Қуръон тили” тафсири, 9-жилд).

Юқорида келтирилган ҳикоя ҳам кишини собитқадам бўлишга чорлаши билан жуда ибратлидир. Мўмин киши илоҳий хушxabарни эшитганидан кейин ўзини анча бардам ҳис этиш билан бирга, ибодатларини ҳам тўқис бажаришга киришади ва натижада Аллоҳга тақво қилиб, тақводорлардан бўлади.

Ояти каримада айтилади:

﴿الَّذِينَ ءَامَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴿٦٣﴾ لَهُمُ الْبُشْرَىٰ فِي الْحَيٰوةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ﴾

«Улар имон келтирган ва тақволи бўлганлардир. Уларга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам башорат (хушxabар) бордир» (Юнус, 63–64).

Аллоҳнинг дўсти бўлиш жуда осон. Бунинг учун, аввало, У Зотга имон келтириш, иккинчидан, тақводор бўлиш керак. Аллоҳга тақво қилган, яъни У Зотдан кўрққан киши Унга яна ҳам яқин бўлади. Лекин ижтимоий ҳаётда эса бунинг акси кузатилади – бировдан кўрққан киши иложи борича ундан узоқроқ юришга тиришади.

Аллоҳга тақво қилиш, ибодатларни тўқис адо этиш билан бир неча неъматлар қўлга киритилади. Жумладан:

﴿وَأَخْرَىٰ يُحِبُّونَهَا نَصْرٌ مِّنَ اللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ وَبَشِيرٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣﴾﴾

«(Аллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар суюдиган (бир неъматни ҳам берур, у) Аллоҳ томонидан бўлажак ғалаба ва яқин (да рўй берувчи) фатҳдир. (Эй Муҳаммад!) Мўминларга (мана шу) хушxabарни етказинг» (Соф, 13).

Аллоҳ таоло Муҳаммадга (соллalloҳу алайҳи ва саллам) олдиндан бир неча хушxabарни Жаброил (алайҳиссалом) восита-сида етказиб турди. Бу эса, Расулulloҳнинг (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Ислом йўлида яна ҳам шижоатли ва жасоратли бўлишлари

учун замин яратди. Жумладан, Макка шаҳрининг фатҳ этилиши ҳам мусулмонлар учун жуда қувонарли бўлди. Киши ўзи туғилиб-ўсган, киндик қони тўкилган ердан ҳайдалса, қавм-қариндош ва уруғ-аймоқларидан айрилса... Бундан ҳам аянчли, бундан ҳам аламли ҳолат борми дунёда?

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларига ҳам шундай оғир кулфатлар тушди. Энг ачинарлиси, ўзларининг амакилари, қариндошлари у зотни қувиб солишди. Бу эса, ўз-ўзидан ранж-аламнинг икки барабар оғирлашишига сабаб бўлган. Келинг, яхшиси, тарихга қулоқ осайлик. Зеро, тарих олий ҳакам эканини ҳеч ким инкор эта олмас. Номи “уруш” бўлса ҳам, лекин унда (Имом Бухорий ривоятига кўра, бир кишидан бошқа) умуман қон тўкилмаган “Макка фатҳи” ҳақидаги воқеа-ҳодисалар тарихини эшитайлик!

Макка фатҳи билан Макканинг мусулмонлар тарафидан олиниши билан йигирма йилдан кўпроқ давом этиб келган “Ислом ва ширк” даъволашуви ниҳоясига етди.

Ислом динининг асоси тавҳид эътиқоди (якка худолик ишончи), тавҳид эътиқодининг энг катта обидаси эса, Каъба эди. Каъба Иброҳим (алайҳиссалом) томонидан ягона илоҳ эътиқодининг илк обидаси сифатида қурилганига қарамай, кейинчалик унинг ичи ва таши инсон қўли билан ясалган уч юз олтмиш дона бут билан тўлдирилган эди.

Каъбани бутлардан тозалаш, шу йўл билан бутпарастликка барҳам бериш Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун илк илоҳий вазифа эди. Инсонларни тавҳид эътиқодига, Буюк Ислом инқилобининг руҳига боғлаш керак эди. Исломнинг вужудга келишидан (610 й.) Макка фатҳига қадар (630 й.) орадан йигирма йил ўтган бўлса-да, бу муҳим вазифа рисоладагидек амалга оширилмаган, қурайшликларнинг давомли тарзда Мадинага қилиб турган ҳужумлари бунга йўл қўймаган эди. Чунончи, Худайбия сулҳи билан икки томон ўртасида тинчлик ўрнатилиб, ҳатто мусулмонлар Каъбани зиёрат қила олишди, аммо тавҳид обидаси ўлароқ қурилган Каъба бутпарастликнинг ўчоғи бўлишдан ҳануз қутула олмаган эди.

Бундан ташқари ўзларини Макканинг ҳокими ва Каъбанинг қўриқловчиси деб билган қурайшликлар Худайбия сулҳи ҳукмларига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатиб, ҳатто сулҳ шартларига қарши ҳаракатдан ҳам тойишмади.

Макканинг мусулмонлар томонидан қуршаб олинишига ўн йил муддатга имзоланган Худайбия сулҳининг қурайшликлар томонидан қасддан бузилгани сабаб бўлди.

Худайбия сулҳи Қурайшдан бошқа қабилаларга икки томондан бирининг ҳимоясига кира олиш ҳуқуқини берган эди. Шунга биноан, Ҳузоа қабиласи мусулмонларнинг, Бани Бакр қабиласи эса, қурайшликларнинг ҳимоясига кирган эди. Ҳолбуки, ҳузоаликлар билан Бани Бакр қабиласи аввалдан бир-бирлари билан келишмас, ўрталарида душманлик бор эди. Шу сабабдан ораларида қонли тўқнашувлар ҳам бўлиб турарди.

Ҳузоаликлар билан ҳошимийлар ўртасида эса мусулмонликдан олдин ҳам бир иттифоқ бор эди. Ислом вужудга келганидан кейин ҳам ҳузоаликлар бу дўстликни унутишмаган, ҳар доим Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тарафдори бўлиб келишган эди.

Ҳижратнинг саккизинчи йили, Шаъбон ойи эди.

Қурайш ҳимоясига ишонган Бани Бакр қабиласи бошлиқлари Нафвалнинг кўрсатмаси билан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимояларидаги ҳузоаликлар устига тўсатдан ҳужум қилишди. Қурайшликлар Бани Бакр қабиласига қуролли ёрдам кўрсатди. Қурайшнинг Икрима, Сафвон ва Суҳайл каби пешволари қиёфаларини ўзгартириб, Бани Бакр қабиласига қўшилиб, бир кеча ҳузоаликларга қарши жангда иштирок этди. Ҳатто, бу босқин чоғида ҳузоаликлардан йигирма уч киши ўлдирилди ҳам.

Кутилмаган бу тажовуздан кейин ҳузоаликлардан қирқ кишилик бир ҳайъат тез Мадинага йўл олди. Қурайш устидан шикоят қилиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) паноҳларига келишди, душмандан ҳимоя қилишларини сўрашди.

Қурайшнинг Бани Бакр билан бирлашиб ҳузоаликларга қарши жангга чиқиши Худайбия сулҳ шартномасини очик-ойдин бузиш эди.

Бу пайтда Пайғамбаримиз Мадина масжидида ўтирган эдилар. Босқинчилик ҳодисасини эшитиб, қаттиқ хафа бўлдилар. Ҳузоаликларга ёрдам беришга ваъда қилибгина қолмадилар, айни пайтда, маккаликларга бир элчи орқали қуйидаги уч таклифни ҳам билдирдилар:

1. Ўлдирилган ҳузоаликларнинг оилаларига дия (хун ҳақи) берилади.

2. Ёки Бани Бакр қабиласини ҳимоя қилишдан воз кечилади.

3. Бу икки таклифдан бири қабул қилинмаган тақдирда Худайбия тинчлик сулҳи бузилган ҳисобланади.

Маккалик қурайшликлар биринчи ва иккинчи таклифга бўйин эгмади. Учинчи таклифни қабул қилишганини бир вакил орқали билдиришди. Шу тариқа Худайбия сулҳи расмий равишда кучини йўқотган ҳисобланди.

Бироқ орадан бирмунча муддат ўтгач, Қурайш пешволари хатоларини англади. Қилмишларига пушаймон бўлди. Сулҳнинг қайтадан тузилишини – янгиланишини истаб, бошлиқлари Абу Суфённи Мадинага юборишди.

Мадинада Абу Суфён ҳеч ишини битиролмади. Қизи – Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) завжалари Умму Ҳаббадан бошлаб навбати билан Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у зотнинг саҳобалари Абу Бакр, Усмон, Али, Саъд ибн Убода, Умарга мурожаат қилди. Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сулҳни янгилашга кўндириш учун жон-жаҳди билан уриниб кўрди. Ҳатто, мақсадига эришиш илинжида Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Ҳазрати Фотима (розияллоҳу анҳо) ва унинг беш ёшли ўғли Ҳасандан ҳам ёрдам сўради. Аммо бутун хатти-ҳаракатлари бефойда кетди. Ниҳоят, Ҳазрати Алининг тавсияси билан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Масжидига келиб, халққа қарата: “Эй инсонлар! Мен икки томонни ҳам ҳимоямга оламан, Худайбия сулҳини янгилайман. Менинг бу аҳдимни ҳеч ким бузмайди, деб ўйлайман!” деди.

Бироқ ҳеч кимдан тасдиқ жавоби ололмади, туясига миниб, маънос ҳолда Маккага қараб йўлга тушди. Маккага келиб, бўлиб ўтган воқеаларни тушунтираркан: “Мухаммаддан сулҳ тузишни сўрадим, жавоб ололмадим. Абу Бакрга бош уриб бордим, умидим пучга чиқди. Умар энг катта душман экан. Бошқалардан ҳам бирор ёрдам кўрмадим. Ҳукмдорларига бу даражада боғлиқ бўлган қавмга шу дамгача дуч келмаганман. Сулҳ масаласини ҳал қила олмадим. Энг охири Алининг сўзига кирдим. Ўзимдан бир сулҳ эълон қилиб, қайтиб келавердим!” деди. Абу Суфён келтирган гапни эшитганлар: “Сен ҳеч иш қилмабсан-ку! Ўзингча эълон қилган сулҳнинг қандай қиймати ва ҳукми бўлиши мумкин! Али сенинг устингдан кулгандай бўлибди! Хотиржам бўлайлик десак, сен бизга сулҳ хабарини олиб келмадинг, урушга тайёргарлик кўрайлик, десак, сен уруш хабарини олиб келмадинг. Ҳозир жойимизда хотиржам ўтиришни ҳам, жанг тадоригини кўришни ҳам билмаймиз!” деди.

Абу Суфён Маккага қайтиб келгач, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бомдод намозидан кейин Абу Бакрни ёнларига чақирдилар. Унинг фикр-раёйини сўрадилар. Уни ўнг томонга ўтирғиздилар. Сўнгра Умарни чақириб маслаҳат қилдилар. Уни эса чап ёнларига олдилар. Уруш қилишга қарор қилинди. Тезда тайёргарлик бошланди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча иттифоқдош қабиаларга хабар жўнатдилар. Жами аскарларнинг тўпланишини сўрадилар. Чунки Маккага, Қурайшга қарши катта бир юриш бошланаётган эди. Бироқ бу тайёргарликлар яширин тутилди. Макканинг ҳамма йўллари тўсиб қўйилди – бу вазифа Хузоа қабиласига топширилди. Назорат шунчалик қаттиқ бўлди, у томондан бу томонга бирор тирик жонзот ўтолмас эди.

Аммо Хотиб (Абу Балтоа ўғли) Маккага бир хат ёзиб, бу яширин тайёргарликдан Қурайшни огоҳ этмоқчи бўлди, лекин ниятига етолмади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг хуфёна душманлигидан илоҳий ваҳий орқали хабар топдилар.

Сўнгра Али, Зубайр ва Миқдоддан иборат уч кишилик бир ҳайъат тузиб, мактубнинг йўлини кесиш учун юбордилар. Бу ҳайъат йўлда Маккага кетаётган Сора исмли бир аёлни ушлаб олди. Сочининг орасига яширилган мактуб топиб олинди ва Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб келинди. Хотиб бу мактубида қурайшликларга шундай хитоб этган эди: “Эй Қурайш жамоаси! Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) устингизга катта бир куч билан бормоқда. Тун қоронғуси каби даҳшатли бўлган бу қўшин сел мисол оқади. Аллоҳга қасам ичиб айтаман, Аллоҳнинг Пайғамбари (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) якка ўзи бўлса ҳам Аллоҳ уни устингиздан ғолиб қилади, берган ваъдасини бажаради. Ҳозирдан жонингизни қутқаришга чора ахтаринг, вассалом!”

Бу хат Қурайшнинг кўлига тушиб қолгудек бўлса, душман мусулмонларга қарши тайёр вазиятга келарди. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло бу муаззам фатҳнинг қон тўкилмай амалга оширилишини тақдир этган эди.

Хотибнинг бу қилмишини кўриб, мусулмонлар ҳайратдан ёқа ушлади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дарҳол уни бир ҳайъат олдида сўроққа тутиб: “Эй Хотиб! Нега бундай қилдинг?” дедилар. Хотиб: “Ё Расулulloҳ! Менга шафқат қилинг. Қурайшга аҳд ила боғланган бир инсонман. Бироқ ҳеч қачон Қурайшнинг махрами бўлмадим. Олдингиздаги муҳожирларнинг Маккада оилаларини, болаларини ҳимоя қиладиган қариндошлари бор.

Менинг эса, у ерда ҳеч кимим йўқ. Шу йўл билан маккаликлар миннатдорлигини қозониб, қариндошларимни ҳимоя қилишни ўйладим. Аллоҳга қасам, мен Аллоҳ ва Унинг Расулига имон келтирганман. Динимни ўзгартирганим йўқ”, деди. Шундан сўнг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ерда тўпланиб турганларга: “Хотиб ўзини тўғри ҳимоя қилди!” дедилар. Лекин Умар чидаб туролмай: “Расулulloҳ, рухсат беринг, бу мунофиқнинг бўйнини узиб ташлай!” деган эди, буюк Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Умар! Хотиб Бадр урушида иштирок этган. Аллоҳ таоло Бадр қатнашчиларига: “Нима қилган бўлсаларингиз ҳам, сизларни афв этдим”, дея марҳамат қилмаганмиди?!” дея Умарни тинчлантирдилар.

Ҳақиқатан Хотибнинг оиласи Маккада эди. Яқинлари ҳам йўқ эди. Хотиб оиласини ҳимоя қилиш учун маккаликларни мамнун қилмоқчи бўлган, бу сабабдан катта хатога йўл қўйган эди. Бироқ пок руҳли Пайғамбар (алайҳиссалом) Хотибни афв қилдилар.

Ислом қуёши нур соча бошлаган илк дамлардан бошлаб, Макка даврида бўлсин, Мадина даврида бўлсин, Қурайшнинг мусулмонларга қарши қилмаган ёмонликлари қолмаган эди. Ҳатто, улар Ислом динини йўқотиш, Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қурайшга топширишга мадиналикларни мажбурлаш учун Мадинага уч бора босқинчилик ҳаракати уюштиришди. Мана, ниҳоят, ёвузни жазолаш, илдизларини қўпориб ташлаш вақти келган эди.

Шу мақсадда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижратнинг саккизинчи йили, рамазоннинг ўнинчи куни ўн минг кишилик қўшин билан Мадинадан йўлга чиқдилар.

Аллоҳнинг ёрдамига ишонган ҳолда қўшинни Макка йўлига бошладилар. Ўша куни ўзлари ҳам рўзадор эдилар. Ҳолбуки, урушга борилаётган эди. Шунинг учун йўлда Пайғамбаримиз ифтор қилдилар, лашкарни ҳам рўзаларини очишга буюрдилар.

Макка томон йўл олинаркан, дўст қабилалардан баъзиларининг қўшилиши ҳисобига қўшиннинг сони ўн мингдан ошиб кетди.

Икки йил олдин, Худайбия йилида Макка яқинига борган Ислом лашкарлари бир минг тўққиз юз адад бўлган бўлса, икки йил кейин бу миқдорнинг ўн (ёки ўн икки) мингтага юксалиши Худайбия сулҳининг мусулмонлар учун қанчалар буюк фойдалар олиб келганини кўрсатар эди.

Макка йўлида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Аббосни учратдилар. Аббос (розияллоҳу анҳу)

анча олдин мусулмон бўлган эди. Лекин динини қурайшликлардан яшириб, ҳозиргача Маккада – мушриклар орасида қолган, энди эса, пайти келгани учун, Мадинага ҳижрат қилиш мақсадида йўлга чиққан эди. Йўлда Ислом лашкарига қўшилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аббосга: “Муҳожирларнинг охиригиси сиз бўлдингиз!” дея илтифот кўрсатдилар.

Йўллар батамом ёпилгани сабабли Ислом қўшинларининг бу ҳаракатидан Қурайш беҳабар қолди. Бу орада қўшин Маккага яқин (ўн олти чақирим) масофадаги Марруз-Заҳрон деб аталган водийга етиб келди. Қароргоҳини шу ерга қурди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўн икки минг кишилик қўшинга алоҳида-алоҳида гулхан ёқишни буюрдилар. Ҳар бир гуруҳ оловини ўз чодирини олдида ёқди ва бу билан Ислом қувватини, борлиқларини катта оловли ҳалқалар билан қурайшликларга кўрсатдилар.

Ислом қўшинининг яқинлашиб қолганини билган маккаликлар оёғи куйган товукка ўхшаб типирчилаб қолди. Дарҳол Абу Суфённинг қошида тўпланишди. Вазиятни тўла ўрганиш мақсадида Абу Суфён ёнига Ҳаким билан Будаилни олиб, Маккадан чиқди ва Мадина сари йўлга тушди. Абу Суфён арафа кечасида ҳожилар Арафотда ёқадиган гулханларга ўхшаш улкан гулханзорни кўрди. Бироқ йўлда Ислом миршаблари томонидан қўлга олиниб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келтирилди.

Умар Абу Суфённи ўлдирадиган пайт ниҳоят келганини айтар, Аббос эса, унинг афв этилишини хоҳлар эди. Абу Суфённинг қилган бутун ёмонликлари мусулмонлар кўз ўнгига келди. Чунки Абу Суфён мусулмонларнинг энг қўрқинчли душмани эди. Мадинага қарши бир неча босқинчиликларга сабаб бўлган, бутун арабларни оёққа турғизиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларини ҳам таҳликага солган эди. Бу ёмонликлари учун у ўлдирилиши керак эди. Бироқ буюк инсон Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Суфённи ҳам кечирдилар. Чунки у зот Аллоҳнинг элчиси эдилар. Абу Суфённи Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа ҳеч кимса кечира олмас эди.

Ислом қўшини ҳануз Марруз – Заҳрон водийсида туриб, хужумга ўтганича йўқ эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Аббосга хитоб қилиб: “Абу Суфённи қўшин ўтадиган ерга олиб боринг, мусулмон қўшинининг ҳашаматини-ҳайбатини кўриб қўйсин!” дедилар.

Аббос (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларини қилди. Абу Суфённи Ислом қўшинини бутун салоҳияти билан кўриш мумкин бўлган бир тепаликка олиб чиқди.

Иттифоқо, қўшин ҳаракатга тушган эди. Бутун қабилалар алоҳида гуруҳ-гуруҳ ҳолда Абу Суфённинг олдидан ўтарди. Булар такбир айтиб ўтар, “Аллоҳу акбар!” садолари кўкларга юксалар эди. Ҳар бир гуруҳ шундай дабдаба билан ўтиб бораркан, юрагини ҳовучлаган Абу Суфён буларнинг қайси қабилага мансублигини сўрар, Аббос жавоб берарди.

Айниқса, жуда жасуруна ва катта жўшқинлик билан ўтаётган “Ансорлар гуруҳи”ни кўриб, Абу Суфён ҳайратга тушди. Бошда Убода ўғли Саъд эди. Энг охирида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гуруҳлари эди. Ҳар тарафга нур сочаётган ва бошдан-оёқ нурга бурканган бу гуруҳда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қосва лақабли туялари устида, такбир айтиб ҳайқираётган саҳоба киромлар қуршовида борардилар. Байроқ Зубайрнинг (розияллоҳу анҳу) қўлида эди.

Ухуд ва Ҳандақ урушларининг бош қўмондони Абу Суфён олдидан ансорлар қўшинлари қўмондони Саъд ўтаркан: “Эй Абу Суфён! Бугун энг катта жанг кунидир. Бугун Каъба забт этилади-ган, Каъбада қон тўкиш ҳалол килинган кундир!” дея Абу Суфёнга таҳдид солди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гуруҳлари ўтиб бораётганида, Абу Суфён: “Ё Расулulloҳ! Саъднинг нима деганини эшитдингизми?” деб Убода ўғли Саъднинг унга қилган таҳдидини оқизмай-томизмай билдирди. Шунда Хотамул Анбиё (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Саъд янглиш сўзлабди, Саъд хато қилибди. Йўқ! Бугун лутф ва марҳамат кунидир. Аллоҳ Каъбанинг шон-шухратини азон садоси ила юксалтирадиган бир кундир. Каъба тавҳид либоси билан бурканадиган бир кундир!” дея марҳамат қилдилар.

Саъднинг асабийлашиб, қонтўкиб қўйишидан шубҳаланганлари учун дарҳол Алини юбордилар. Қўлидан қиличини олдилар ва Саъднинг ўғли Қайсга беришни буюрдилар.

Ислом лашқарининг бу юксак интизом ва қудратини кўрган Абу Суфён: “Эй Аббос! Ҳақиқатан, биродарингнинг ўғли салтанатини роса кенгайтирибди!” деган эди, Аббос (розияллоҳу анҳу) унинг сўзини дарҳол бўлиб: “Жим! Бу салтанат эмас, пайғамбарликдир!” деди. Абу Суфён ҳам “Ҳа, ҳа!” деб гапини тўғрилади.

Дарҳақиқат, шундай эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) давлат бошлиғи эмас, Аллоҳнинг элчиси ҳамда пайғамбарларнинг охиргиси эдилар.

Бутун Ислом лашкари шу йўсинда тор сўқмоқдан ўтди. Абу Суфён ҳам Аббоснинг ёнидан айрилди. Маккага қайтди, Ҳарами шарифга борди. Ҳамма ҳаяжон ва сабрсизлик билан уни кутиб турган эди.

Абу Суфён баланд овозда халққа шундай хитоб қилди: “Эй Қурайш аҳли! Муҳаммад шахримиз остонасидадир! Устимизга шундай бир қувват билан келмоқдаки, унга қарши туриб бўлмайди. Ким Абу Суфённинг уйига кирса, жони омонда. Каъбада паноҳ топганлар ҳам омонда. Қуролини ташлаб, ўз уйига кириб, эшигини ёпиб олганлар ҳам омон қолади!” дея эълон қилди ва маккаликларга таскин бера бошлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) афв қилишга ваъда берганларини билдирди.

Абу Суфёндан бу гапларни эшитган Қурайш аҳли жуда қаттиқ талвасага тушиб қолди. Бир қисми нима қиларини билмай, бир қисми Абу Суфённинг уйига югурди. Бир қисми Ҳарами шарифга кирди. Бошқа қисми уйларига кириб бекинди. Талотўп ичида қуролини яширибоқ кўчага отилганлар ҳам, силоҳини ташлаб дуч келган томонга тумтарақай қочганлар ҳам бор эди.

Ибн Исҳоқдан келтирилган ривоятларга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Зи Туво деган жойда Ислом қўшинининг Маккага кириш дастурини қўмондонларга ўргатганлар, Маккага қайси томонлардан кирилишини кўрсатиб: “Сизларга қарши тажовуз содир бўлмагунча, ҳеч кимга қилич кўтармангиз! Жанг бошлаб юборишдан сақланингиз!” дея танбеҳ берган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккага кириш чоғида барча эҳтиёт чораларини унутмаган эдилар. Аслида, нусрат Аллоҳдандир. Лекин тадбирда ҳам қусурга йўл кўймаслик керак.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўшинни тўртга бўлдилар. Байроқни тутган Зубайр Макканинг уст тарафидан келиши; Валид ўғли Холид қаноти “Пастки маҳалла” дейилувчи жойдан шаҳарга кириши; бошқа гуруҳлар эса, Макканинг шарқ ва ғарб томонларини ишғол этишлари керак эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ислом қўшинига ҳаракат бошлаш амрини бердилар. Саккиз йил олдин (622 й.) Мадинага кўчаётганларида икки туя, тўрт кишилик бир гуруҳ бўлиб Маккадан чиққишган! Мана, орадан саккиз йил ўтиб

(630 й.), муаззам ва мухташам бир қўшин билан Маккага кираётган эдилар!

Сарвари Олам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Зи Туво мавқеидан Маккага киргунга қадар туяларининг устида ана шуларни ўйлар, муборак бошларини туянинг бўйнига сажда қилаётгандек қўйиб, мағрур бир фотиҳ каби эмас, ниҳоятда мутавозе бир қулдек, Аллоҳнинг буюк лутф ва карамига шукроналар айтиб олға борардилар.

Қўшин қон тўкмай, тинч йўл билан Маккага киришга муваффақ бўлди. Фақат Валид ўғли Холид бошқараётган қўшин мушрикларнинг қаршилигига учради. Қурайшнинг энг золимларидан Сафвон, Сухайл, Икрима (Абу Жаҳлнинг ўғли) кичик бир тўда тайёрлаб, маҳаллаларни ишғол этишга монелик қилиш учун Холиднинг суворий тўдасини ўққа тутишди, ҳатто мусулмонлардан икки мужоҳидни шаҳид этишди.

Қолбуки, умумий афв эълон қилинган эди. Холид аскарларини тинчлик билан олиб ўтиб бораётган эди. Бу тажовузга қарши Холид дарҳол мудофаа қуролини қўлга олди. Унга ҳужум қилганлардан ўн учтасини бир ҳамлада ер тишлатди. Қолганлари қочиб кетди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Макканинг олд томонидан, Холид эса паст тарафидан шаҳарга киришган эди. Холид кирган жой Ислоннинг энг ёвуз душманлари яшайдиган маҳалла эди. Ҳатто, Бани Бақр билан бирлашиб хузоаликларга ҳужум қилганлар ва бу билан Ҳудайбия сулҳининг бузилишига сабаб бўлганлар ҳам шу маҳалла аҳолисидан эди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Макканинг қон тўкмай фатҳ этилаётганидан шод эдилар, аммо шаҳарнинг пастки қисмида, Холид гуруҳи томонида қиличларнинг ҳавода ялтираганини кўриб, анча хафа бўлдилар. Чунки қон тўкмасликка, уруш қилмасликка буюрган эдилар.

“Эй Холид! Мен сени жанг қилишдан ман этмадимми?” деб сўрадилар. “Ё Расулulloҳ! Биринчи бўлиб мушриклар ҳужум қилди!” деди Холид ибн Валид. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу ҳодиса илоҳий тақдир экан!” дея сукутга чўмдилар.

Фатҳдан бир кун олдин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ Макка фатҳини насиб этса, эртага Бани Кинона юртига борамиз. Бани Кинона бир пайтлар бу ерда Қурайш муш-

риклари билан куфр сояси остида бирлашган эди!” дея марҳамат қилгандилар. Бир кундан кейин Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) байроқлари Бани Кинона юртида тикилди, чодирлари ҳам ўша ерга қурилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чодирларида бироз дам олдилар, ғусл қилдилар, янги кийим кийиб, саккиз ракат Зуҳро намози ўқидилар. Яна туяларига миниб, қўшин ёнига келдилар.

Ҳижратнинг саккизинчи йили, Рамазон ойининг йигирманчи (жума) куни эди.

Инсоният тарихида буюк инқилоб рўй берди. Инсонларни инсонийликдан маҳрум қилаётган бутпарастлик маркази Маккага бу шарафни қайтадан юксалтирган, “Ягона илоҳ” эътиқодининг вакили бўлмиш Ислом лашкари ёрқин ва адолатли бир зафар ила кириб келган эди.

Аллоҳнинг энг суюкли қули ва элчиси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларида дубулға, остиларида Қосво лақабли туялари, Фатҳ сурасини ўқиган ҳолда, саҳобалар даврасида Каъба Масжидига келдилар. Рўпараларида Буюк Каъба бутун азамати билан намоён бўлди. Гулдурок такбир садоларидан яқин-атрофдаги тоғлар титраб кетгандек бўлди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эҳромсиз ҳолда Ҳарами шарифга кирдилар, Каъбани туянинг устида етти марта тавоф қилдилар. Қўлларидаги учи эгри таёқ билан Ҳажарул Асвадни ўпиб, тавоф қилдилар.

Каъба атрофида мушриклар сиғиниб келган уч юз олтмишта бут ҳали турарди. Ҳолбуки, Каъба тавҳид эътиқодининг илк обида-си сифатида қурилган эди.

Бутларнинг энг каттаси инсон шаклида ясалган, “қуёш тангриси” ҳисобланган Ҳубал эди. Қизил ёқутдан қилиниб, Каъба устига қўйилган бу катта бутнинг олдида етти дона ўқ турарди. Ўқларга “Ҳа” ва “Йўқ” ёзувлари ёзилган бўлиб, бутга сиғинувчи араблар бирор иш бошлашдан олдин бу ўқлар ёрдамида фол очар эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларидаги таёқ билан туртиб, бутларни шахсан ўзлари йиқита бошладилар. Ҳар бир бут ағдарилиб тушаётганида ушбу оятни ўқирдилар:

﴿ وَقُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ إِنَّ الْبَاطِلَ كَانَ زَهُوقًا ﴾

«Яна айтинг: “Ҳақиқат (яъни Ислом) келди ва ботил (куфр) йўқолди. Чунки ботил нарса йўқолувчидир”» (Исро, 81).

Каъбанинг ичкараси ҳам Қурайш бутларига, деворлари эса, бут расмларга тўла эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Каъбанинг эшикбони Талҳа ўғли Усмондан Каъбанинг калитини сўрадилар. Каъба эшиги очилиб, кўзлари деворлардаги суратларга, Иброҳим ва Исмоил пайғамбарларнинг тимсоли деб мушриклар эътиқод қилган ҳайкалларга тушди. Ривоятларга кўра, булар бир бут эди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни олиб ташлашни буюрдилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Умар дарҳол бутларни ташқарига олиб чиқди. Каъба суратлардан ва бутлардан тозаланганидан сўнг, калити Талҳа ўғли Усмонга берилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида Зайд ўғли Усома, Билол, Талҳа ўғли Усмонлар билан Каъбага кирдилар. Икки ракат намоз ўқиб, Байти шарифни айланиб чиқишди.

Ҳамма томондан мусулмонларнинг такбир овозлари келар, Аллоҳга ҳамдлар айтилар эди.

Бу аснода бутун Қурайш Масжиди Ҳаромга йиғилди, ўзи ҳақида бериладиган ҳукми сабрсизлик билан кута бошлади. Аллоҳнинг охирги элчиси Каъба эшиги остонасида туриб, ушбу машҳур хутбаларини айтдилар. Бу нутқ ила Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нафақат маккаликларга, балки бутун инсониятга хитоб қилар эдилар:

“Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, ёлғиз Аллоҳ бор. Унинг ҳеч қандай шериги ва ёрдамчиси йўқ. Аллоҳ ваъдасининг устидан чиқди. Бандасига ёрдам берди. Барча душманларимизни тарқатиб юборди. Шунини яхши билинглар, барча эски удумлар, барча мол ва қон даъволари бугун шу икки оёғим остидадир (яъни бекор бўлди). Фақат Каъба ҳамда ҳожиларга сув улашиш иши эски ҳолича қолдирилди.

Эй Қурайш жамоаси! Аллоҳ сизлардан жоҳилият давридан қолган ғурурни, ота-боболар ва насл-насаб билан кибрланишни кетказди. Барча инсонлар Одамдан, Одам (алайҳиссалом) эса тупроқдан яратилгандир!” дедилар ва шу ерда Қуръондан ушбу оятларни ўқидилар:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَنْتُمْ إِذْ أَنْتُمْ إِنْ اللَّهُ عَلِيمٌ خَبِيرٌ﴾

«Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз (дўст-биродар бўлишингиз) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир» (Хужурот, 13).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нутқларида ҳалол ва ҳаромга доир баъзи ҳукмларни ҳам билдирганларидан сўнг: “Эй Қурайш жамоаси! Сизларга ҳозир қандай муомалада бўлишимни ўйлаяпсиз?” дея сўрадилар.

Мушриклар бараварига: “Яхшилик умид қиламиз. Сиз саховатли ва олижаноб қардошимизнинг ўғлисиз!” дея жавоб қилди.

“Бугун сизлар ўтган ишларингизга жавобгар эмассизлар! Қани энди тарқалинглар!” дея марҳамат қилдилар.

Қурайшликлар ва маккаликлар бу сўзлар билан афвга муяссар бўлди. Уларнинг фикрича, “Уруш Пайғамбари” деб ҳисобланган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Раҳмат Пайғамбари” эканларини яна бир бор кўрсатиб қўйдилар. Маккалик муҳожирлар билан қурайшликлар қучоқлашишди.

Бу “Фатҳ нутқи” билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

1. Тавҳид (Якка худолик) эътиқодидан сўз юритдилар. Чунки тавҳид эътиқоди Ислом динининг асосидир.

2. Арабларнинг жоҳилият даври (эски) одатларини, қон ва мол даъволарини бекор қилдилар.

3. Ўзларини ҳаққа, адолатга, тенгликка чақирган Аллоҳнинг охирги элчисига нисбатан узоқ йиллар мобайнида ҳар хил ёмонликларни қилиб келган маккалик мушрикларни Фаҳри коинот бир йиғилишдаёқ афв этдилар. Бу афвдан фойдалана олиш учун “мусулмон бўлиш” мажбурияти ҳам йўқ эди. Ҳатто, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мушриклардан муҳожирларнинг молларини ҳам талаб қилмадилар. Ҳолбуки, муҳожирлар Мадинага кўчгандан сўнг моллари маккалик мушриклар томонидан талон-тарож қилинган эди.

4. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръон ояти билан ижтимоий тенгликни билдирдилар. Инсонлар орасида ҳар ким фақат ва фақат ўз ҳаракати билан юксала олишини тушунтирдилар.

Бу хутбадан кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Масжиди Ҳаромга кирдилар. Замзам суви тарқатиш ишини яна аввалгидай Аббосда, Каъба хизматини Талҳа ўғли Усмонда қолдирдилар.

Пешин пайти ҳабашлик муаззин Ҳазрати Билол Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амрлари билан Каъбанинг устига чиқди ва азон айтди. Бу қандай муаззам бир инқилоб эди, бир куннинг ўзида Каъбада бир қанча бутларга сиғинилган бўлса, пешин вақти Билолнинг баланд ва ёқимли овози (“Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси орқали) Аллоҳнинг ягоналигини барча мушрикларга эълон қилар, исломий ўзгаришнинг довуғини бутун Макка уфқларига ёяр эди.

Намоздан кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Сафо тепалигига чиқдилар. Энг баланд жойига ўтирдилар. Бу ерда қурайшликлардан байъат қабул қилдилар. Бир пайтлар (Мадина даврида, Ақоба тепалигида) мадиналиклардан худди шундай байъат олган эдилар. Энди навбат маккаликларга келди. Олдин эркаклардан, сўнгра аёллардан байъат қабул қилинди.

Ойша (розияллоҳу анҳу) қилган ривоятга кўра, бирорта аёлнинг байъати мусофаҳа (қўл сиқиш) шаклида бўлмади. Булардан баъзиларининг байъати оғзаки, баъзилариники Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларини ботирган сув идишига қўлларини ботириш билан амалга оширилди.

Абу Суфённинг хотини ва Муовиянинг волидаси Ҳинд кимлигини билдирмаслик мақсадида юзини ёпиб, байъат учун хотинлар орасига қўшилди ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келганида, шундай деди: “Аллоҳга ширк келтирмаймиз!” дея қасамичишимизни истаяпсиз! Биз буни қабул қиламиз. Ўғрилиқ қилмайсиз, деб айтяпсиз. Мен баъзан эримнинг ҳамёнидан бир неча дирҳам олиб тураман. Бунга ҳам рухсат йўқми? Болаларни ўлдирманглар, дедингиз. Болаларимизни ёшлигидан ўстириб воёга етказдик. Катта бўлишгач, уларни сизлар ўлдирдиларингиз!

Аммо мушриклар ичида шундай қотиллар бор эди, улар умумий афвдан мустасно тутилиб, қонлари ҳалол қилинди.

Қонлари мувоҳ бўлганлардан бир қисми фатҳ вақтида Маккадан қочганлар ушланган жойларида ўлдирилди. Кўплари яна кечирилди. Ўлдирилганлар бор-йўғи тўрт киши бўлгани ривоят қилинган. Бироқ Имом Бухорийга кўра, Макка фатҳидан кейин биттагина одам қатл қилинган, у ҳам бўлса Ибн Ҳата эди. Ибн

Ҳата мусулмон бўлганидан сўнг озод қилган бир қулини ўлдириб, мусулмонликдан чиққан (муртад бўлган), кейин жорияси билан унинг ўртоғини Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қарши ҳажвия айтишга ташвиқ қилган эди.

Қонлари ҳалол қилинганидан кейин афв бўлганлар орасида Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима, Саъд ўғли Абдуллоҳ, Сафвон, Ҳамзанинг қотили Ваҳший, Ҳамзанинг жигарини тишлаган Ҳинд, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Зайнабни яралаган ва охирида ўлимига сабабчи бўлган Ҳаббор, машҳур шоир Зуҳайр ўғли Каъблар бор эди. Инсофсиз душманларга нисбатан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатган бундай юксак шафқат намунаси инсоният тарихида бошқа такрорланмаган!

Ҳабашлик Билолнинг азон товушини эшитганлардан Усайид ўғли Аттоб бундай деб бақирган: “Минг шукр, отам ўлиб, муқаддас Каъба томида шу қора одамнинг овозини эшитмади. Тирик бўлсайди, бунга чидай олмасди!”

Лекин сал фурсатдан кейин умумий афв эълон этилганини эшитиб, Аттоб ҳаяжон билан олдинга отилиб чиқди ва: “Мен Усайиднинг ўғлиман. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва сиз Аллоҳнинг элчиси эканингизга ишондим. Буни тасдиқлайман!” деб Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида мусулмонлигини билдирди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жуда яхши! Мен ҳам сени Маккага волий этиб тайинладим!” дея янги мусулмон бўлган ёш қурайшликка Маккани бошқариш вазифасини топширдилар.

Макка фатҳининг иккинчи куни эди. Ҳузоаликлар бир мушрикни ўлдириб қўйишди. Бу ҳодисадан хафа бўлган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло осмонлар ва ерни яратаётганида Макка муҳитини ҳам ҳурматга лойиқ қилиб яратди. Маккада қон тўкишни ҳаром қилган Аллоҳдир. Буни инсонлар ҳаром қилишгани йўқ. Аллоҳ то қиёматгача Маккани ҳаром қилди. Аллоҳга ва охират кунига ишонган кишига Макка ичида қон тўкиш ҳалол эмас. Бу ерда ҳатто дарахт ҳам кесилмайди. Агар биров сизга: “Расулуллоҳ бу ерда жанг қилди!” деса, “Аллоҳ таоло фақат пайғамбаргагина рухсат берган, сизларга эмас”, деб айтинг. Менга ҳам Раббим фақат бир куннинг маълум саотидагина изн берди. Кейин яна кечаги ҳаромлиги бугун қайтди. Ушбу сўзимни бу ерда бўлганлар бўлмаганларга етказсин!” деб марҳамат қилдилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умумий афв эълон қилиш билан маккаликларнинг қалбларини ишғол этдилар, халқни тамоман ўзларига боғлаб олдилар.

Макка фатҳи мусулмонлик ҳеч қачон қилич кучи билан ёйилмаганини кўрсатувчи энг ишонарли ва кучли далил бўлди. Ҳолбуки, агар мажбуран Ислом динини ҳар кимга қабул қилдириш мумкин бўлганида, бунинг учун Макка фатҳи муносиб бир фурсат эди. Бироқ бундай йўл тугилмади, фатҳ асносида ҳеч бир одамга мусулмонлик мажбуран қабул қилдирилмади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккада ўн беш кун турдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна Мадинага қайтармиканлар ёки туғилиб ўсган Макка шаҳрида ўрнашиб қолармиканлар, дея мадиналик ансорлар хавотирда эди. Аллоҳнинг элчиси бу ҳолни эшитиб: “Эй ансорлар! Мен Аллоҳнинг қули ва расулиман. Юртингизга ҳижрат қилдим. Ҳаётим ҳаётингиздир, ўлимим ҳам сизнинг ёнингиздадир!” дея марҳамат қилдилар ва ансорларнинг хавотирларини кетказдилар.

Макка фатҳи туфайли йигирма йилдан бери давом этиб келган “Ислом ва ширк” муносабатлари якун топди. Ислом мушриклар устидан ғалабаси ҳақнинг ботилдан устун келиши билан тугади.

Мўмин киши Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир васиятларига амал қилса, хотиржам яшайди. Васиятда айтилгани каби: “Емайдиган нарсаларингизни йиғиб ташламанг”, сўзига тўлиқ амал қилиш лозим. Бу васиятда мол дунёга боши билан шўнғиб кетиб, ибодатларни унутиб қўйган кишилар учун ажойиб бир эслатма бор. Сабаби, киши қанчалик елиб-югурса ҳам пешонасида борини олади, ундан ортиғига эриша олмайди. Мусулмон киши дунё фарзанди эмас, балки охират фарзанди бўлиши керак. Ҳар бир бола ўз онасига эргашгани каби мўмин банда ҳам ҳақиқий роҳат-фароғат ҳаёти бўлган охиратга талпиниши керак.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг гапларига қўшимча қилган яна бир васиятлари “Ўзингиз яшамайдиган иморатларни қуриб ташламанг” сўзи бўлиб, бу билан дунёнинг зебу зийнатларига ҳаддан ортиқ берилиб кетмасликни тавсия қилмоқдалар. Мўмин – бу дунёда охират ҳовлисини қура олган кишидир. Шоир айтганидек:

*Ўлимдан сўнг киши учун на ҳовли бор ва на уй,
Фақат у яшар дунёда нима қурган бўлса, шу кўй!*

Шеърдаги ташбеҳ шуки, инсон бу дунёда тоат-ибодатлари ва солиҳ амаллари билан охират учун манзил тайёрлайди.

Ҳақни ботилдан устун билган, ҳақиқий имон эгаси дунёга қаттиқ боғланиб қолмайди. Чунки Аллоҳ ва Унинг Расулига имон келтирганлар дунёдаги энг қалби бой кишилар ҳисобланади. Имони унинг барча нарсаларни тўғри англашига сабабчи бўлади ва оқибатда дунёнинг арзимас нарса – матоҳ эканини кўради.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿اعْلَمُوا أَنَّمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَهَوٌّ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأَوْلَادِ كَمَثَلِ غَيْثٍ أَعْجَبَ الْكُفَّارَ بِنَائِهِ، ثُمَّ يَهَيِّجُ فِتْرَتَهُ مُصْفَرًّا ثُمَّ يَكُونُ حُطَمًا وَفِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٌ وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا مَتَاعٌ الْعُرُورِ ﴿٢٠﴾﴾

«Билингиз, бу дунё ҳаёти фақат ўйин, беҳудалик, зийнат, ўзаро фахрлиниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборат. (У) бамисоли бир ёмғир, унинг (сабабидан униб чиққан) гиёҳ кофирларни таажжубга солур. Сўнгра у қуригач, уни сарғайган ҳолда кўрасиз. Сўнгра у ўтин бўлиб қолур. Охиратда эса (қай бирларингиз учун) қаттиқ азоб, (қай бирларингиз учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Дунё ҳаёти фақат алдов матоҳидир» (Ҳадид, 20).

Дунё вақтинчалик озгина фурсат эканига ишора қилиб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Менинг наздимда дунё гўё ёз иссиғида бир отлиқ йўловчи бир дарахт соясида озгина дам олиб, сўнгра кетгани кабидир” (Абул Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий тафсирида келтирган).

Аллоҳ таоло Иброҳим ва Мусога (алайҳимассалом) туширган саҳифаларда барча пайғамбарлар ва уларнинг умматларига ибрат бўлиши учун дунёга шундай хитоб қилиб дейди: “Эй дунё! Солиҳ кишиларга зийнатли кўринсанг ҳам, лекин уларнинг наздида қадринг қанчалар паст. Мен уларнинг қалбларида сенга нисбатан ғазаб ва сабрни жойлаштирдим. Мен сендан ҳақир бошқа нарса яратмадим. Мен сенга шундай кун тақдир қилдим, у кунда сен ҳеч кимга ярамайсан ва ҳеч ким сенда қолмайди”.

Демак, дунёнинг ҳақирлиги Қуръони каримдагина эмас, балки барча илоҳий китоблар ва саҳифаларда зикр қилинган.

Ҳадиси шарифда:

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «يَا رَسُولَ اللَّهِ، ذُنِّي عَلَى عَمَلٍ إِذَا عَمَلْتَهُ أَحَبَّنِي اللَّهُ وَأَحَبَّنِي النَّاسُ» فَقَالَ: «أَزْهَدْ فِي الدُّنْيَا يُحِبُّكَ اللَّهُ وَأَزْهَدْ فِيمَا عِنْدَ النَّاسِ يُحِبُّكَ النَّاسُ»

Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир киши Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Ё Расулуллоҳ, менга шундай бир амални ўргатинг, уни қилсам Аллоҳ ҳам, инсонлар ҳам мени яхши кўрсин”, деди. “Дунёдан юз ўғир (унга берилма), Аллоҳ сени яхши кўради. Инсонлардаги нарсалардан беҳожат бўл, улар сени яхши кўради”, дедилар (*Ибн Можа ривояти*).

Зоҳидлик жуда ҳам улуғ иш бўлиб, кишини ориятли, ҳамиятли қилади ва шу билан бирга одамлар орасида обрўси ортишига сабаб бўлади. Олимлар айтади: “Молу дунёси кўп одам зоҳид эмас, балки Қорун каби бой-бадавлат бўлса ҳам молу дунё унинг қалбини ўғирламаган бўлса, ўша зоҳиддир”.

Мўмин киши ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиши ва натижани фақат Аллоҳдан кутиши лозим.

Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿ وَقُلْ أَعْمَلُوا فَسَيَرَى اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ وَالْمُؤْمِنُونَ وَسَتُرَدُّونَ إِلَىٰ عِلْمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴾ (105)

«Айтинг: “Амаллар қилинг! Албатта, Аллоҳ, Расули ва мўминлар амалларингизни кўражак. Шунингдек, албатта, ғойиб ва ошкора (ишлар)ни билувчи (Зот) ҳузурига қайтари- лурсиз. Бас, (ўшанда) сизларга қилган ишларингиз хабарини берур”» (*Тавба, 105*).

Меҳнат қилиш кишини чиниқтиргани каби унинг ҳалол ризқ топиб ейиши учун асосий омил ҳамдир. Мўмин киши Аллоҳ ва унинг Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) имон келтириб, тоат-ибодатларини ўз ўрнида бажариб юрса, унинг ҳар бир иши ибодат ўрнига ўтади. Ҳаттоки, кун бўйи оила, бола-чақа боқаман деб ишлаб, кечаси ухлаши ҳам ибодатдир. Эл-юрт учун, ватан рав- нақи йўлида тинмай хизмат қилиш эса, энг шарафли ишлардан ҳисобланади.

Ислом арконларини ўз вақтида бажариш, ўзи ёлғиз қолганда ҳам, омма олдида ҳам бир хил кўринишда ва ҳар бир ишимни Аллоҳ кўриб турибди-ку, деган эътиқодда бўлиш кишининг ҳалоллиги учун етарли. Чунки у ҳеч кимга хиёнат қилмайди. Ватанини, элини ўйлаб ҳаракат қилади.

Инсон ўзининг пешона тери билан топган мол-дунёси қанчалар тотли эканини, уни истеъмол қилиш билан роҳатланса, оиласи, қариндошлари ва ёру дўстлари даврасида ҳурмати яна ҳам ошади.

Инсон ўткинчи ҳаётга эмас, балки абадий қоладиган жойига интилиши ва шунга яраша солиҳ амаллар қилиши керак. Чунки у кунда киши бу дунёда қилиб ўтган барча ишларини кўради.

Қуръони каримда айтилади:

﴿إِنَّا أَنْذَرْنَاكُمْ عَذَابًا قَرِيبًا يَوْمَ يَنْظُرُ الْمَرْءُ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ وَيَقُولُ الْكَافِرُ يَلَيْتَنِي كُنْتُ تُرَابًا﴾

«(Эй Макка кофирлари!) Дарҳақиқат, Биз сизларни яқин (да воқе бўладиган) азобдан огоҳлангирдик. У кунда (ҳар бир) киши ўзи қилиб ўтган нарсаларни (яъни барча яхши-ёмон амалларни) кўрар ва кофир кимса: “Эҳ, кошки, тупроқ бўлиб кетсам эди!” дер» (Набаъ, 40).

Оятдаги “яқин (да воқе бўладиган) азоб”дан мурод қиёмат куни азобидир. Чунки “Ҳар бир келувчи яқиндир” қоидасига биноан, у куннинг келиши яқиндир. Ўша кун келганида бандалар бошига турли савдолар тушар (“Тафсири Насафий”, 2-жилд).

Қуръони каримдаги кўплаб оятлар пайғамбарлар воситасида инсонларни шиддатли азобдан огоҳлантириш учун нозил бўлган.

Абу Қатода оятдаги “яқин азоб”ни гуноҳкорнинг азоби, чунки у азобга яқин, деган.

Муқотил (раҳимахуллоҳ) эса: “Бадр уруши куни мушрикларнинг мағлуб бўлиши”, деб тафсир қилган.

Оятдаги “киши” сўзи аёлни ҳам, эркакни ҳам ўз ичига олади. Чунки эркакларга айтилган хитоб аёллар учун ҳамдир.

Ато (раҳимахуллоҳ): “Оятдаги кишидан мурод, кофирдир”, деган.

Шайтон алайҳилаъна қиёмат куни Одам (алайҳиссалом) зурриётининг бошига тушган бу савдоларни кўриб хурсанд бўлади.

Кофирлар эса, тупроққа айланиб қолишни орзу қилади. Шайтон асли оловдан, одам эса тупроқдан яратилган. Бу дунёда шайтонга малай бўлиб хизмат қилган кофир ва мунофиқлар охиратда шайтоннинг асл манбаи олов эмас, аксинча, одамнинг асли бўлмиш тупроққа айланишни хоҳлайди (*“Рухул маъоний” тафсири, 29–30 поралар, 21–22 бетлар*).

Аллоҳ таоло бу дунёда ҳам, охиратда ҳам барчамизнинг юзимизни ёруғ қилсин. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтиб кетган муборак васиятларга ҳаётимизнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилиб бориш насиб айласин.

Аллоҳнинг инояти ва фазли-карами билан иккинчи китоб ниҳоясига етди.



**УЧИНЧИ
КИТОБ**

УЧИНЧИ ВАСИЯТ

عن أبي ذر رضي الله عنه قال: قلت: "يا رسول الله ما كانت صحف إبراهيم؟" قال: «كانت أمثالا كلها: "أيها الملك المسلط المبتلى المغرور، إني لم أبعثك لتجمع الدنيا بعضها على بعض ولكني بعثتك لترد عني دعوة المظلوم فإني لا أردّها ولو كانت من كافر. وعلى العاقل ما لم يكن مغلوبا على عقله أن تكون له ساعات: ساعة يناجي فيها ربه وساعة يحاسب فيها نفسه وساعة يتفكر فيها في صنع الله عز وجل وساعة يخلو فيها لحاجته من المطعم والمشرب. وعلى العاقل أن لا يكون ظاعنا إلا لثلاث: تزود لمعاد أو مرمة لمعاش أو لذة في غير محرم. وعلى العاقل أن يكون بصيرا بزمانه مقبلا على شأنه حافظا للسانه ومن حسب كلامه من عمله قل كلامه إلا فيما يعنيه» قلت: "يا رسول الله فما كانت صحف موسى؟" قال: «كانت عبرا كلها: "عجبت لمن أيقن بالموت ثم هو يفرح وعجبت لمن أيقن بالنار ثم هو يضحك وعجبت لمن أيقن بالقدر ثم هو ينصب، عجبت لمن رأى الدنيا وتقلبها بأهلها ثم اطمأن إليها وعجبت لمن أيقن بالحساب غدا ثم لا يعمل" قلت: "يا رسول الله أوصني" قال: "أوصيك بتقوى الله فإنه رأس الأمر كله". قلت: "يا رسول الله زدني" قال: "عليك بتلاوة القرآن وذكر الله فإنه نور لك في الأرض وذخر لك في السماء" قلت: "يا رسول الله زدني" قال: "إياك وكثرة الضحك فإنه يميت القلب ويذهب بنور الوجه" قلت: "يا رسول الله زدني" قال: "أحب المساكين وجالسهم" قلت: "يا رسول الله زدني" قال: "انظر إلى من تحتك ولا تنظر إلى من فوقك فإنه أجدر أن لا تزدرى نعمة الله عندك" قلت: "يا رسول الله زدني" قال: "قل الحق وإن كان مرا" قلت: "يا رسول الله زدني" قال: "ليردك عن الناس ما تعرف من نفسك أو ولا تجد عليهم فيما تأتي وكفى بك عيبا أن تعرف من الناس ما تجهل من نفسك أو

تجد عليهم فيما تأتي“ ثم ضرب بيده على صدره فقال: “يا أبا ذر، لا عقل كالتدبير ولا ورع كالكف ولا حسب كحسن الخلق“. (رواه ابن حبان في صحيحه والحاكم وقال صحيح الاسناد)

Абу Зарр Ғифорий (розияллоху анху) ривоят қилади: “Ё Расулulloх, Иброҳим (алайҳиссалом) саҳифаларида нималар бор эди?” деб сўрадим. «Уларнинг ҳаммаси масаллар эди: “Эй нафсига мағрур бўлган ҳукмдор подшоҳ, мен сени мол-дунё йиғиш учун юбормадим, балки мазлум дуосининг олдини олиш учун жўнатдим, чунки у кофир бўлса ҳам дуосини қабул қиламан. Оқил киши ақлини йўқотмаган бўлса, унинг бир қанча вақtlари бўлиши керак: Раббисига муножот қилиш вақti; нафсини ҳисоб-китоб қилиш вақti; Аллоҳ таоло яратган нарсалар ҳақида тафаккур қилиш вақti; тирикчиликка ажратган вақti. Оқил инсон уч нарсадан бошқасига елиб-югурмайди: охират ғамини ейиш; тирикчилигини ўнглаш; ҳаром бўлмаган нарсалардан лаззатланиш. Оқил киши замонасини англаши, ўз ҳолини билиши, тилини тиядиган бўлиши керак. Ким сўзини амалидан деб билса, кам сўзлайди, фақат фойдалисини гапиради”», дедилар.

“Ё Расулulloх, Мусо (алайҳиссалом) саҳифалари нималардан иборат эди?” дедим. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: «Ҳаммаси ибратлардан иборат эди: “Ўлимга ишониб, унинг келиши муқаррарлигини била туриб хурсанд юрган кишиларга ажабландим, дўзахга ишониб, кулиб юрганларга ажабландим, тақдирга ишониб, гердайиб юрганларга ажабландим, бойликни кўриб, аҳли оиласига юзланган ва уни омонат билмай, хотиржам юрганларга ажабландим, ҳисоб-китоб қилинишига ишонган, лекин ҳеч нарсага амал қилмай юрганларнинг ҳолига ажабландим”».

“Ё Расулulloх, менга насиҳат қилинг”, дедим. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Аллоҳга тақвони васият қиламан. Чунки бу ҳар бир ишнинг бошидир”, дедилар.

“Ё Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам), зиёда қилинг”, дедим. “Қуръон тиловати ва Аллоҳ зикрини ўзингга вазифа қилиб ол, чунки у сен учун ер юзида нур ва осмонда заҳирадир”, дедилар.

“Ё Расулulloх, зиёда қилинг”, дедим. “Кўп кулишдан тийил, чунки кўп кулиш қалбни ўлдиради ва юздаги нурни кетказади”, дедилар.

“Ё Расулуллоҳ, зиёда қилинг”, дедим. “Мискинларни яхши кўр ва улар билан бирга ўтир”, дедилар.

“Ё Расулуллоҳ, зиёда қилинг”, дедим. “Ўзингдан пастдагиларга назар қил, сендан устунларга қарама, чунки бу ўзингдаги Аллоҳ неън матларини назарга илмасликнинг бир кўринишидир”, дедилар.

“Ё Расулуллоҳ, зиёда қилинг”, дедим. “Тарчи аччиқ бўлса ҳам ҳақни сўзла”, дедилар.

“Ё Расулуллоҳ, зиёда қилинг”, дедим. “Ўзинг ҳақингда инсонқлардан билиб олишингда фойда бор ва сенга келадиган нарсаларни улардан топа олмайсан. Ўзинг ҳақингда билмаган нарсаларни инсонлардан эшитишинг сенга айб сифатида кифоя қилади ва сенга келадиган нарсаларни уларда кўрасан”, дедилар.

Сўнгра у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўллари билан кўксимга уриб: “Эй Абу Зарр! Тадбир каби ақлли иш йўқ, тийилиш каби тақво йўқ ва чиройли хулқ каби насаб йўқдир”, дедилар (*Ибн Ҳиббон ва Ҳоким “Саҳиҳ”ларида ривоят қилган*).

Бу васиятдан Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) илмга нақадар қизиқувчан эканини кўриш мумкин. Илмга қизиқиши, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган муҳаббати у кишини мана шундай савол сўрашга, такрор-такрор “зиёда қилинг”, дейишга ундаган. Бу кишининг исми Жундуб ибн Жунода Фифорий, куняси Абу Зарр бўлган. Исломига энг аввал кирган саҳобаларнинг бешинчиси ҳисобланади. Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) Ҳандақ жангидан кейин Мадинага ҳижрат қилади. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) байъат қилган улуғ саҳобалардан бўлган Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) одатига кўра эртаси учун емак сақламайдиган зоҳид киши бўлган. Бу улуғ саҳоба Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жами 281 та ҳадис ривоят қилган. Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) Ҳазрати Усмон (розияллоҳу анҳу) халифалиги даврида, 32 ҳижрий санада, Рабазада вафот этган.

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) юқоридаги васиятда ўтган пайғамбарларнинг, шу жумладан, Иброҳим ва Мусога (алайҳимассалом) нозил қилинган саҳифалар ҳақида ва улар мазмунига қизиқиб, Муҳаммад пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Иброҳим (алайҳиссалом) саҳифалари мисолларга, Мусо (алайҳиссалом) китоби эса, ибратларга тўла эди, дедилар ва улардан баъзи мисол ва ибратларни айтиб бердилар. Бу мисоллар ва ибратлар кишини Раббига

янада яқин бўлиш ҳамда шонли ўтмишни ўрганиш, нажот ва хотиржамлик йўлини излашга ундайди.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بَلَّغُوا عَنِّي وَلَوْ آيَةً وَحَدِّثُوا عَن بَنِي إِسْرَائِيلَ وَلَا حَرَجَ وَمَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ»

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мендан бир оят-ни бўлса ҳам етказаверинг ва Бани Исроилдан ривоят қилаверинг, ҳечқиси йўқ. Ким қасддан менинг номимдан ёлғон гапирса, жойини дўзахдан тайёрлаб қўйсин”, деганлар.

Кунлардан бир кун Халифа Маъмун вазири Ҳасан Солдан сўради: “Биздан олдин ўтганларнинг сўзлари бизга ҳужжат — йўлланма бўляпти. Биз унга кўра амал қиляпмиз. Бунинг сири нимада экан?” Вазир: “Агар улар чиройли сўз ва ишонарли далил бўлмаганида, бизгача етиб келмасди. Яхши бўлгани учун ҳам биздан олдингилар кўриб, ишониб қабул қилган... Бу шуни кўрсатяпти, аждодларимиз яхши, рост ва қатъий сўзларни айтган”, деб жавоб қилди. Жавобдан кўнгли тўлган Халифа Маъмун: “Яхши сўз айтилган жойида қолмас, асрлардан ошар, ҳеч қачон толмас”, деди.

Демак, мўмин кишининг ҳар амали, иши фақат яхшилиқ бўлиши, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига оғишмай амал қилиши, ўзи билганларини бошқаларга етказиши лозим. Бу ўринда тарихдан турли ибратли қисса ва ҳикоялар келтирилиши сабаби ҳам шунда. Юқоридаги васиятнинг матнида ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Заррга (рози-яллоҳу анху) Иброҳим (алайҳиссалом) ва Мусога (алайҳиссалом) тушган саҳифа ва китоблардаги мисоллар, ибратли воқеалардан баъзиларини айтиб берганлари бизга сабоқ бўлади.

Шу ўринда “Пайғамбарлар отаси” деган шарафли номга сазовор бўлган улуғ пайғамбар Иброҳимнинг (алайҳиссалом) ҳаётлари ва умматини тавҳидга даъват этганини айтиб ўтиш лозим.

ИБРОҲИМ (АЛАЙҲИССАЛОМ)

Қуръони карим сураларининг йигирма бештасида олтмиш тўққиз марта Иброҳим (алайҳиссалом) ҳақида зикр қилинган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Нух (алайҳиссалом) тўфонидан бир минг саксон йил кейин Бобил (ҳозирги Ироқ) мамлакатининг Фаддомором шаҳрида асли касби ҳайкалтарош бўлган Озар хонадонидан янги чақалоқ дунёга келади, исмини яхши тилаклар билан Иброҳим деб қўйишади (М.Жодул Мавло. “Қуръони карим қиссалари”. Байрут, Лубнон, 2000 й. 37-б.).

Иброҳим (алайҳиссалом) насаблари Нухга (алайҳиссалом) бориб тақалади. Ибн Касир у зотнинг насабларини қуйидагича келтиради: Иброҳим ибн Тарух ибн Нохур ибн Сарух ибн Роъав ибн Шолих ибн Обир ... ибн Сом ибн Нух (алайҳиссалом) (“Ал-бидоя ван ниҳоя”, 1-жилд, 159-бет).

Иброҳим (алайҳиссалом) билан Нух (алайҳиссалом) орасида минг йилдан зиёдроқ вақт ўтган. Эътибор бериб қаралса, Аллоҳ таоло пайғамбарлари насл-насаби жиҳатидан покиза ва улуғ зотлар силсиласидан келиб чиқиши аён бўлади. Бу ҳам пайғамбарлар келтирган йўлнинг илоҳий эканига далолатдир.

Ибн Касирнинг айтишича, Иброҳим (алайҳиссалом) куняси “Абу зойфан”, яъни “Икки меҳмон отаси” бўлгани ривоят қилинади.

Иброҳим (алайҳиссалом) туғилган вақти Намруд ибн Канъон ибн Кўш подшоҳлик даврига тўғри келади. Намруд ўша пайтда бутун ер юзига подшоҳ бўлган эди.

Иброҳим (алайҳиссалом) отаси Озарнинг иккинчи исми Тарух бўлган. Баъзи тарихчилар бири унинг лақаби, дейди. Озар Куфанинг Қусо деган қишлоғидан бўлиб, буттарошлик билан шуғулланган. Халилуллоҳ ўз отасини бутпарастликдан қайтаришга кўп ҳаракат қилган, лекин у қайтмаган.

Алусий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Иброҳимнинг отаси Озар Куфа атрофидаги қишлоқларнинг бирида туғилган. Айтишларича, Озар Иброҳим (алайҳиссалом) отасининг лақаби бўлиб, ҳақиқий исми Тарух бўлган” (“Алусий тафсири”, 7-жилд. 149-бет).

Ибн Аббос (розияллоху анху), Ибн Масъуд (розияллоху анху) ва бошқа саҳобалардан ривоят қилинишича, ер юзида биринчи бўлиб бутун инсониятга подшоҳ бўлган шахс Намруд ибн Канъон ибн Кўш ибн Сом ибн Нухдир. Уларнинг айтишларича, дунёда бутун оламга подшоҳлик қилган кишилар тўртта бўлган: Улар Намруд

ибн Канъон, Сулаймон ибн Довуд, Зулқарнайн ва Бухтуннасрдир (“Тарихи Табарий”, 1-ж, 163-б.).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ва Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Нуҳ (алайҳиссалом) пайғамбар билан Иброҳим (алайҳиссалом) ораларидаги муддатда Ҳуд ва Солиҳдан (алайҳимассалом) бошқа пайғамбар юборилмаган эди. Иброҳим (алайҳиссалом) замонлари яқинлашганида Намруд ҳузурига мунажжимлар келиб: “Сизни хабардор қилиб қўйишни бурчимиз, деб биламиз. Бизга маълум бўлишича, фалон муддатда қишлоғингизда Иброҳим исмли бир бола туғилади. У динингизни йўқ қилади, бутларингизни синдиради”, деб хабар беришди.

Мунажжимлар огоҳ қилган йил келганида, Намруд қишлоқма-қишлоқ юриб, ҳар бир ҳомиладор аёлни қишлоғида қўриқлаш, агар қиз туғса, озод қилиш, ўғил туғса, чақалоқни дарҳол ўлдиришга фармон беради.

Бир куни подшоҳнинг шаҳарда зарур иши чиқиб қолади. Аммо қаттиқ бандлигидан, ўз ўрнига маслаҳатчиси Озарни юборади ва унга хотини билан учрашмай, қайтиб келишни буюради. Озар шаҳарга бориб подшоҳ буюрган ишни бажаради, уйига кириб, ўзини тутолмай хотинига яқинлик қилади. Озарнинг уйи Ор шаҳрида эди, вақти-соати келиб, Иброҳим туғилади. Озар уни бир гўшага яширади. Иброҳим бу гўшада Аллоҳнинг инояти билан бир кунда бир ҳафталик, бир ҳафтада бир ойлик, бир ойда бир йиллик чақалоқдек улғаяди.

Озар бир куни яқинларига: “Менинг бир ўғлим бор, уни подшоҳ ҳузурига олиб келсам, подшоҳ ғазабланмасмикин?” деди. Яқинлари унга: “Подшоҳ сенга ишонади, олиб келавер!” дейди.

Озар Иброҳимни етаклаб олиб кетаётганида, йўлда боланинг кўзи турли ҳайвонларга тушади, ҳар бирини кўрганида кизиқиш билан: “Бу нима?” деб сўрайверади. Озар Иброҳимга барча махлуқотлар номини айтиб бера бошлади. Иброҳим отасига: “Бу махлуқларнинг албатта Рабби бўлиши керак”, дейди.

Кечки пайт Иброҳим бошини кўтариб, осмонга қараган эди, кўзига Муштарий юлдузи жуда чиройли кўринди. Ҳаяжон билан: “Мана шу бўлса керак!” деди. Аммо озгина фурсатдан кейин юлдуз ғойиб бўлди. Буни кўрган Иброҳим: “Мен ғойиб бўлувчиларни яхши кўрмайман”, деди ва ундан юз ўгирди.

Кечанинг охирида кўзи ойга тушди ва: “Мана шу Раббим бўлса керак!” деб унга тикилди. Ой ҳам кўздан ғойиб бўлиб, кўринмай

қолгач: “Агар Раббимнинг Ўзи ҳидоят қилиб, Ўзини танитмаса, мен адашувчилардан бўлиб қоламан”, деди.

Тонг отганда, ҳамма ёқни мунаввар қилиб, қуёш чиқди. Иброҳим уни кўриб: “Ҳаммасидан энг каттаси ва нури ўткири экан, шу менинг Раббим бўлса керак”, деди. Аммо Қуёшнинг ҳам ботганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди ва: “Мен оламлар Парвардигорига итоат этаман”, деди (“Тарихи Табарий”, 1-ж. 166-б.).

Бу қисса Қуръони каримда чиройли баён этилган:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ ءَأَزَرَ أَتَّخِذُ أَصْنَامًا ءَالِهَةً إِنِّي أَرَأَيْتَكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٧٤﴾ وَكَذَلِكَ نُرَى إِبْرَاهِيمَ مَلَكُوتَ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ وَلِيَكُونَ مِنَ الْمُوقِنِينَ ﴿٧٥﴾ فَلَمَّا جَنَّ عَلَيْهِ الَّيْلُ رَأَى كَوْكَبًا قَالَ هَذَا رَبِّي فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَأَأْتِيَنَّكَ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيَّ وَإِنْ تَتَّبَعُونَ لَأُتِيَنَّكُمْ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيكُمْ أَوْ مِنْ خَلْفِكُمْ لَتَهْدِيَنَّكُمْ رَبِّي لِأَكُونَتْ مِنَ الْقَوْمِ الضَّالِّينَ ﴿٧٧﴾ فَلَمَّا رَأَى الشَّمْسَ بَازِغَةً قَالَ هَذَا رَبِّي هَذَا أَكْبَرُ فَلَمَّا أَفَلَتْ قَالَ يُرَى بِرَبِّي مِمَّا تُشْرِكُونَ ﴿٧٨﴾ إِنِّي وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِلَّذِي فَطَرَ السَّمَوَاتِ والأَرْضِ حَنِيفًا وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿٧٩﴾ وَحَاجَّهُ قَوْمُهُ قَالَ أَتُحِبُّونِي فِي اللَّهِ وَقَدْ هَدَانِي وَلَا أَخَافُ مَا تُشْرِكُونَ بِهِ ؕ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبِّي شَيْئًا وَسِعَ رَبِّي كُلَّ شَيْءٍ عِلْمًا أَفَلَا تَتَذَكَّرُونَ ﴿٨٠﴾ وَكَيْفَ أَخَافُ مَا أَشْرَكْتُمْ وَلَا تَخَافُونَ أَنَّكُمْ أَشْرَكْتُمْ بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ ءَعْلَامٌ عَلَيْهِمْ سُلْطَانًا فَأَيُّ الْفَرِيقَيْنِ أَحَقُّ بِالْأَمْنِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٨١﴾ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا ءِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَئِكَ لَهُمُ الَّامْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ ﴿٨٢﴾ وَتِلْكَ حُجَّتُنَا ءَاتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَى قَوْمِهِ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مَن نَّشَاءُ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٨٣﴾ وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا مِنْ قَبْلُ وَمِن ذُرِّيَّتِهِ دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَى وَهَارُونَ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٤﴾ وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَى وَعِيسَى وَإِلْيَاسَ كُلٌّ مِنَ الصَّالِحِينَ

﴿٨٥﴾ وَإِسْمَاعِيلَ وَالْيَسَعَ وَيُوشَعَ وَحُوطًا وَكَانَ أَكْبَرًا فَضَلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٨٦﴾ وَمِنَ
 ءَابَائِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَإِخْوَانِهِمْ وَاجْتَبَيْنَاهُمْ وَهَدَيْنَاهُمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٨٧﴾

«Иброҳим отаси Озарга: “Санамларни илоҳ қилиб ола-
 сизми? Мен Сизни ва қавмингизни залолатда кўряпман”,
 деганини эсланг! Шу тарзда Иброҳимга осмонлар ва Ернинг
 мулкани (ажойиботларини) кўрсатурмиз. Чинакам ишонув-
 чилардан бўлиши учун (шундай қилдик). Тун зулмати уни
 қоплаганда юлдузни кўриб: “Мана шу — Раббим”, деди. (У)
 ботиб кетганда эса: “Ботиб кетувчиларни ёқтирмайман”,
 деди. Чиқаётган Ойни кўриб: “Мана шу — Раббим”, деди. Бо-
 тиб кетганда эса: “Агарда Раббим мени ҳидоятга солмаса,
 албатта, адашганлар қавмидан бўлиб қолурман”, деди. Чиқа-
 ётган Күёшни кўриб: “Мана шу — Раббим. Шу каттароқ-
 ку!” деди. Ботиб кетганда эса: “Эй қавмим, албатта, мен
 сизлар келтираётган ширқдан безорман. Мен тўғри йўлни
 танлаган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни яратган Зотга
 қаратдим. Мен мушриклардан эмасман”, деди. Қавми у би-
 лан баҳслашди. (Шунда) у деди: “Мен билан Аллоҳ ҳақида
 баҳслашасизми? Ахир, (У) мени ҳидоятга йўллаган бўлса?!
 Мен сизлар келтирган ширқдан кўрқмайман. Илло, Раббим
 бирор нарсани хоҳласа (ўша бўлур). Раббим илм жиҳатидан
 ҳар нарсани қамраб олган. (Буни) эслаб кўрмайсизларми? Сиз-
 лар келтирган ширқдан қандай ҳам кўрқайин, сизларга бирор
 ҳужжат қилиб туширмаган нарсани Аллоҳга шерик қилиш-
 дан кўрқмаётган бўлсангиз?!” (Бу) икки гуруҳнинг қайсиниси
 (кўрқмай) хотиржам бўлишга ҳақлироқдир? Биладиган бўл-
 сангиз (айтинг!) Имон келтирган ва имонларига зулм (ширқ)ни
 аралаштирмаганлар — айнан ўшаларга хавфсизлик (бордир)
 ва улар ҳидоят (тўғри йўл) топган зотлардир. Иброҳимга қав-
 ми устидан берган ҳужжатимиз ана шудир. Хоҳлаган киши-
 мизни даражаларга кўтарурмиз. Албатта, Раббингиз ҳикмат
 ва илм соҳибидир. Унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Яъқубни ато
 этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нуҳни ҳам ҳи-
 доятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон,
 Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик). Чиройли иш қи-
 лувчиларни мана шундай тақдирлаймиз. Закариё, Яҳё, Исо
 ва Илёсни (ҳам ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаси солиҳлардандир.

Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам (ҳидоятга йўлладик). **Ҳам-маларини оламлар узра афзал қилдик. Шунингдек, уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва ака-укаларидан** (баъзиларини ҳам афзал қилдик). **Уларни танлаб олиб, тўғри йўлга** (ҳақ динга) **бошладик»** (Анъом. 74 – 87).

Ояти каримада баён этилгани каби Иброҳим (алайҳиссалом) улуғ пайғамбарлардан бўла туриб нечун қуёш, ой, юлдузларни Раббим деди, деган савол туғилиши табиий. Бунга муфассирлар бундай жавоб беради: «Халилulloҳ бу сўзларни чин дили билан эътиқоддан айтгани йўқ, балки уларга сиғинадиган мушрикларни масхара қилиб: “Шу ҳам илоҳ бўлдими, ботиб кетишини қаранг”, демоқчи бўлганлар».

Юқорида ўн саккиз нафар пайғамбарнинг исмлари келтирилди. Лекин яшаган даврларига хос тартиб билан эмас, балки уларга ато этилган фазилат ва неъматларга қараб зикр этилди. Масалан, Нух, Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб (алайҳимуссалом) қолган пайғамбарларнинг бобокалонлари ҳисобланади. Сўнгра подшоҳлик, қудрат ва салтанат эътибори билан Довуд ва Сулаймон (алайҳимассалом) зикр этилди. Сабр-бардош бўйича Айюб ва Юсуф (алайҳимассалом), сўнгра кўп мўъжиза соҳиблари Мусо ва Ҳорун (алайҳимассалом), сўнгра зоҳидлик эътибори билан Закариё, Яҳё, Исо, Илёс (алайҳимуссалом), улардан сўнг издош ва тобелари ҳам, алоҳида шариатлари ҳам бўлмаган Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус, Лут (алайҳимуссалом) зикр этилди.

Иброҳим (алайҳиссалом) Еру осмонлардаги ажойиботлар кўрсатилган пайтда ер юзида бир кишини фаҳш устида кўриб, уни дуойибад қилганларида у ўлиб қолади. Яна икки киши ҳам худди шундай дуойибадлари билан ҳалок бўлади. Шунда Аллоҳ: “Эй Иброҳим, сенинг дуойинг мустажоб. Бандаларимни дуойибад қилма! Улар уч хил: бири тавба қилади, қабул қиламан. Бошқасидан менга ибодат қилувчи насл чиқараман. Учинчисини охиратда хоҳласам, кечираман, хоҳласам, азоблайман”, деган.

Иброҳим (алайҳиссалом) ТАВҲИДга, яъни якка Худога сиғишига даъват этган улуғ пайғамбардир.

У киши отасини ҳидоятга чақира олмаганидан кейин қавмларини очик даъват қилишга ўтди. Ҳар бир гуруҳ ўз бутларини мақтар экан, Иброҳим (алайҳиссалом) уларга: “Бу бутлар инсоннинг бирор оғирини енгил қила олмайди, мусибатини даф қила олмайди, ҳатто “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб беришга қодир эмас-у, не-

чун унга сиғинасизлар” деса, улар: “Оталаримизни шу бутга сиғинаганини кўрганмиз, шунинг учун уларга тақлид қиламиз”, деб жавоб берарди.

Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا هَذِهِ التَّمَاثِيلُ الَّتِي أَنْتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ ﴿٥٢﴾ قَالُوا وَجَدْنَا ءَابَاءَنَا لَهَا عِبَادِينَ ﴿٥٣﴾ قَالَ لَقَدْ كُنْتُمْ أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٥٤﴾ قَالُوا أَحِثْنَا بِالْحَقِّ أَمْ أَنْتَ مِنَ اللَّاعِينَ ﴿٥٥﴾ قَالَ بَلْ رَبُّكُمْ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الَّذِي فَطَرَهُمْ وَأَنَا عَلَىٰ ذَلِكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٥٦﴾ وَتَاللَّهِ لَأَكِيدَنَّ أَصْنَامَكُمْ بَعْدَ أَنْ تُولُوا مَدْيَنَ ﴿٥٧﴾ فَجَعَلَهُمْ جُذًا إِلَّا كَبِيرًا لَهُمْ لَعَلَّهُمْ إِلَيْهِ يَرْجِعُونَ ﴿٥٨﴾ قَالُوا مَنْ فَعَلَ هَذَا بِآلِهَتِنَا إِنَّهُ لَمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٥٩﴾ قَالُوا سَمِعْنَا فَتَىٰ يَذُكُرُهُمْ يُقَالُ لَهُ ۖ إِبْرَاهِيمُ ﴿٦٠﴾ قَالُوا فَاتُوا بِهِ عَلَىٰ عَيْنِ النَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَشْهَدُونَ ﴿٦١﴾ قَالُوا ءَأَنْتَ فَعَلْتَ هَذَا بِآلِهَتِنَا يَا إِبْرَاهِيمُ ﴿٦٢﴾ قَالَ بَلْ فَعَلَهُ كَبِيرُهُمْ هَذَا فَسَأَلُوهُمْ إِنْ كَانُوا يَنْطِقُونَ ﴿٦٣﴾﴾

«Ўшанда (Иброҳим) отаси ва қавмига: “Сизлар доимо сиғинадиган бу ҳайкаллар нима?!” деди. (Улар) айтдилар: “Бизлар ота-боболаримизни уларга сиғинган ҳолда топганмиз”.(У) деди: “Дарҳақиқат, сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансиз”. (Улар) айтдилар: “Бизга ҳақ нарсани келтирдингми ёки сен ўйин қилувчиларданмисан?” (У) деди: “Йўқ! Сизларнинг Раббингиз (бутлар эмас, балки) осмонлар ва Ернинг Парвардигори, уларни ўзи яратгандир. Мен бунга гувоҳлик берувчилардандирман. Аллоҳ номига қасам, сизлар ўгирилиб (байрамга) кетганларингиздан кейин бутларингизга макр (ҳужум) қилурман”. Бас, у (бутларни) парчалаб ташлади. Фақат,“(мушриклар бутларнинг) каттасига мурожат қилсинлар” (деб) ўшанигина (қолдирди). Улар (қайтиб келиб): “Бизнинг илоҳларимизни ким бундай қилди? (Ким бўлса ҳам) у золимлардан экан”, деди. Улар (айримлари) айтди: “Уларни гапириб (айблаб) юрадиган Иброҳим деган бир йигитни эшитгандик”. (Шунда уларнинг катталари): “Уни одамд

лар олдига келтирингиз, шояд, улар гувоҳ бўлишса”, дейишди. (Уни келтиришгач): “Илоҳларимизни сен шундай қилдингми, эй Иброҳим?” дейишди. (Иброҳим) айтди: “Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси — мана бу (ҳайкал) қилди. Бас, улардан сўрангиз, башарти гапира олсалар”» (Анбиё, 52 – 63).

Ниҳоят, Иброҳим (алайҳиссалом) бошқача йўл тутмоқчи бўлди. Бобилликлар одатига кўра ҳар йили катта зиёфатлар уюштирилар ва бу иш бутхоналарда нишонланар эди. Бобил шахрининг ҳар бир қишлоғида биттадан бут бўлиб, инсонлар уларга ибодат қилишар эди. Уларнинг энг каттаси “Мардак” эди, байрам кунлари бутпараст қавм унинг олдига ҳам дастурхон безашар ва шаҳар ташқарисига чиқиб, ўйин-кулги қилиб қайтганидан кейин бут олдида зиёфат тановул қилишарди.

Иброҳимнинг (алайҳиссалом) отаси Озар ўғли билан ўзи орасидаги совуқчиликка барҳам бериш мақсадида: “Эй Иброҳим! Бугун байрамимиз, биз билан борсанг, байрамда иштирок этсанг, хурсанд бўласан ва ҳар хил хаёлларни унутасан”, деди.

Иброҳим (алайҳиссалом) ташқарига чиқиб, чароғон осмонга қаради ва хаёлига бир фикр келди ва уни амалга ошириш учун қулай фурсат келганини англаб етди ва отасига: “Мен беморман, байрамга боролмайман”, деди.

Қавм шоду хуррамлик билан байрамга кетгач, Иброҳим (алайҳиссалом) бутларни кўздан кечириб, уларга нафрат ва ғазаби қўзиди. Қўлга болта олиб барча бутни синдириб ташлади ва болтани энг катта бут “Мардак”нинг бўйнига осиб қўйди.

Қавм байрамдан қайтиб келиб, бутхонага кирди. У ерда ҳамма бутларнинг пачоқланиб ётганини кўриб, ҳушлари бошидан учди. Бир-бирларидан гумонсираб, буни ким қилди, деб сўрай бошлашди. Баъзилари: “Иброҳим деган йигит бизни айблаб, бутларимизни ҳақоратлаб юрар эди, байрамга ҳам чиқмаган эди”, деди.

Ҳамма Иброҳимни қидиришга тушди, қавми ундан қасос олишга шошилди. Иброҳим (алайҳиссалом) эса кўпдан бери қавм бир жойга тўпланишини, уларга эътиқодларининг ботил эканини айтиб, ҳидоятга чақиришни орзу қилиб юрар эди. Ҳамма жам бўлган жойга Иброҳимни (алайҳиссалом) келтиришди ва бу ишни ким қилганини сўрашди: “Илоҳларимизни сен шундай қилдингми, эй Иброҳим!”

Иброҳим (алайҳиссалом): “Балки бу ишни қилган энг каттасидир, агар у гапира олса, ўзидан сўраб кўринглар”, деб жавоб берди.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Иброҳим (алайҳиссалом) ҳеч қачон бўлмаган нарсани бўлган, демаган эди, фақат уч бор шундай дейишга мажбур бўлган: ўзи касал бўлмаса-да, “мен беморман”, деган; бутларни ўзи синдирган бўлса-да, “Балки бу ишни қилган энг каттасидир, агар у гапира олса, ўзидан сўраб кўринглар!” деган; Фиръавн Соранинг кимлигини сўраганида, хотинлари бўлса-да, уни “синглим”, деб айтган”, дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Қавмнинг баъзилари бир-бирини айблаб, нега олиҳаларни қаровсиз қолдирдингиз, деса, баъзилар ҳақиқатни тушуниб ботил йўлда юрганларини эътироф қилди. Кўпчиликка ғулғула тушганини кўрган қабила катталари Иброҳимни (алайҳиссалом) ўтда куйдириб, йўқ қилишга буюрди.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿قَالُوا حَرِّقُوهُ وَانصُرُوا آلِهَتَكُمْ إِن كُنْتُمْ فَاعِلِينَ﴾

«(Намруд бошчилигидаги мушриклар) дедилар: “Уни ёқиб юборинглар! Агар (бирор нарса) қилувчи бўлсангиз (шу иш билан) илоҳларингизга ёрдам қилинглар!» (*Анбиё, 68*).

Иброҳим (алайҳиссалом) “Аллоҳ ягона” дегани учун уни ўтда куйдирмоқчи бўлдилар. Катта миқдорда ўтин тўплатиб, ёқиб қиздирилгандан кейин Иброҳимни палахмон (манжаник)га солиб оловга отишди.

Шуъайб ибн Жуббойнинг ривоят қилишича, Иброҳим (алайҳиссалом) оловга отилганида ўн олти ёшда бўлган.

Иброҳим (алайҳиссалом) оловга отилган лаҳзада Жаброил (алайҳиссалом) келиб: “Мендан бирор тилагинг борми?” деб сўради. Иброҳим: “Менинг Аллоҳдан ўзга бирор кимсага эҳтиёжим йўқ. У менинг ҳолимни билувчи, кўрувчидир”, деб жавоб берди. Шунда Аллоҳ таоло оловга буюрди:

﴿قُلْنَا يَا نَارُ كُونِي بَرْدًا وَسَلَامًا عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ﴾

«Биз айтдик: “Эй олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл!”» (*Анбиё, 69*).

Аллоҳнинг марҳамати билан улкан оловга тушган Иброҳим (алайҳиссалом) ҳеч қандай зарар кўрмасдан, ўт ўчгандан кейин қайтиб чиқди.

Баъзи тарихчиларнинг айтишича, Иброҳим (алайҳиссалом) оловга отилган жой ҳозирги Туркия давлатининг Урфа шаҳрида бўлган. У жой ҳозир ҳам машҳур.

Иброҳимдан (алайҳиссалом) бизга хатна қилиш, соқол ва мўйлабни қисқартиб юриш, қурбонлик қилиш каби кўплаб суннат ва вожиб амаллар етиб келган.

ИБРОҲИМ — ХАЛИЛУЛЛОҲ

Муоз ибн Анас оталаридан ривоят қилади: Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Мен сизларга Аллоҳ таоло Иброҳимни (алайҳиссалом) нима учун “халил” (“дўст”) дегани сабабини айтиб берайми? Чунки Иброҳим (алайҳиссалом) ҳар тонг отганда ва ҳар кун ботганда:

﴿فَسَبَّحَنَ اللَّهَ حِينَ تُمْسُونَ وَحِينَ تُصْبِحُونَ ﴿١٧﴾ وَلَهُ الْحَمْدُ فِي السَّمَوَاتِ
وَالْأَرْضِ وَعَشِيًّا وَحِينَ تُظْهِرُونَ ﴿١٨﴾ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ
الْحَيِّ وَيُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَكَذَلِكَ نُخْرِجُكُمْ ﴿١٩﴾﴾

«Бас, тунга кириш пайтингизда ҳам, тонгга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтингиз! Осмонлар ва Ердаги (айтилаётган барча) ҳамд Унга хосдир. Кечки пайтда ҳам, қуёш заволи пайтига киришингизда ҳам (Унга тасбеҳ айтингиз)! (Аллоҳ) ўликдан тирикни чиқарур, тирикдан ўликни чиқарур ва ерни “ўлганидан” кейин (баҳорда қайта) “тирилтирур”. Сизлар ҳам (қиёмат кунида қабрларингиздан) шу тарзда (худди гиёҳлар унганидек) чиқарилурсиз» (Рум, 17–19) мазмунидаги дуони ўқир эди”.

Иброҳим (алайҳиссалом) барча буйруқларни сўзсиз бажариб, уларга итоат этгани, ибодатларда сабр қилганини кўриб, Аллоҳ таоло уни “халил” деди ва Иброҳим (алайҳиссалом) зурриётларидан пайғамбарлар чиқарди.

Ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Иброҳимни (алайҳиссалом) ўзига халил-дўст қилиб олганида фаришталар: “Эй Парвардигор! Иброҳимнинг моли, хотини, фарзанди бўлса, бу машғул қиладиган нарсалар билан қандай қилиб Сенга дўст бўла олади”, деди. Шунда Аллоҳ: “Бандамнинг суратига, молига қараманглар, балки қалбига, амалига қаранглар. Халилимнинг

қалбида Мендан ўзганинг муҳаббати йўқ. Хоҳласангиз, текшириб кўринглар”, деди.

Жаброил (алайҳиссалом) инсон суратида келди. Ўша пайтда Иброҳимнинг (алайҳиссалом) қўйларини боқадиган ўн икки мингта ити бўлиб, ҳар бир ит бўйнида тилла занжир бор эди. Яъни дунё арзимасдир, арзимас нарса фақат ҳақир нарсага яроқлидир, деб шунақа қилган эди. Иброҳим (алайҳиссалом) баланд тепаликда қўйларга қараб турган эди. Жаброил (алайҳиссалом) унга салом берди ва: “Бу кимники?” деди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Аллоҳники, лекин ҳозир менинг қўлимда”, деди. Жаброил (алайҳиссалом): “Менга биттасини ҳадя қил”, деди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Аллоҳни зикр эт ва учдан бирини ол”, деди. Жаброил (алайҳиссалом): “Суббуҳун қуддусур роббуна ва роббул малаикати вар Рух”, деди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Иккинчи бор зикр қил ва ярмини ол”, деди. Жаброил (алайҳиссалом): “Суббуҳун қуддусур роббуна ва роббул малаикати вар Рух”, деди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Учинчи бор зикр қил ва ҳаммасини ол”, деди. Жаброил (алайҳиссалом) яна бир марта айтди. Шунда Аллоҳ: “Эй Жаброил, дўстимни қандай баҳолайсан?” деди. Жаброил (алайҳиссалом): “Нақадар яхши дўст”, деди. Иброҳим (алайҳиссалом) туриб: “Эй чўпонлар, қўйларни эгаси қаерга хоҳласа, ўша ерга ҳайданглар, сизлар ҳам уники бўлдингиз”, деди. Шунда Жаброил (алайҳиссалом) ўзини танитиб: “Менинг буларга эҳтиёжим йўқ. Фақат сени синаш учун келдим”, деди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Мен Аллоҳнинг халилиман. Сенга ҳадямни қайтариб олмайман”, деди. Шунда Аллоҳ таоло Иброҳимга (алайҳиссалом) уларни сотиб, пулига ерлар олиш ва қиёматгача ундан бою камбағаллар фойдаланадиган яйлов-ўтлоқлар ташкил қилишни ваҳий этди.

Иброҳимнинг (алайҳиссалом) дини

Қуръонда Иброҳим дини ҳақида сўз юритилади, Иброҳимнинг яхудий ёки насроний бўлмагани таъкидланади:

﴿ مَا كَانَ إِبْرَاهِيمَ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿٦٧﴾ إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِإِبْرَاهِيمَ لَلَّذِينَ اتَّبَعُوهُ وَهَذَا النَّبِيُّ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٦٨﴾ ﴾

«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган, балки тўғри йўлдан тоймаган (ханиф) мусулмон бўлган ва мушриклардан бўлмаган. Одамлар ичида Иброҳимга дўстроғи — унга эргашганлар, ушбу пайғамбар (Муҳаммад) ва имон келтирганлардир. Аллоҳ (эса) мўминларнинг дўстидир» (Оли Имрон, 67–68).

Иброҳим (алайҳиссалом) ўзидан кейинги барча пайғамбарлар отаси ҳисобланади. Уни барча самовий динлар вакиллари ҳурмат билан тилга олади ва унинг меросхўри эканларини эътироф этади.

Аввалги муқаддас китобларда Иброҳимга (алайҳиссалом) қарата: “...Сени табаррук қилиб номингни улуғлайман. Сен баркали бўлгайсан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сендан барака топади”, дейилган. Балки бу мусулмонлар ҳақидаги башоратдир, чунки мусулмонлар намозларида бир куннинг ўзида ўнлаб марта Иброҳимни (алайҳиссалом) ёд этиб Аллоҳга дуо қилади:

«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ»

“Ё Аллоҳ! Иброҳимга ва Иброҳим оиласига салавот йўллаганинг каби Муҳаммадга ва Муҳаммад оиласига ҳам салавот йўллагин. Албатта, Сен Ҳамид ва Мажидсан”.

Яҳудийлар ва насронийлар: “Бизлар Иброҳим (алайҳиссалом) зурриётларимиз ва Аллоҳ таоло биз билан аҳдлашган, бизлар жаннат эгаларимиз ва фақат бизлар ҳақ йўлдамиз”, деб даъво қилади.

Ҳозирга келиб, насронийлар Парвардигор билан аҳднома-ларини унутиб, пайғамбар Исони (алайҳиссалом) ўзларига худо қилиб олди. Насронийларнинг айрим раҳнамолари Иброҳимга (алайҳиссалом) ваъда қилинган меросдан баҳраманд бўламиз, деб ўйлаб юрди.

Аммо Қуръони карим Иброҳим (алайҳиссалом) зурриёти ҳақида хабар бериб, бу масалага нуқта қўйган:

﴿وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ ۖ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا ۗ قَالَ وَمِن ذُرِّيَّتِي ۖ قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾

«Эсланг, Иброҳимни бир неча сўзлар билан Рабби имтиҳон қилганида, уларни мукамал адо этди. Шунда (Аллоҳ): “Албатта, Мен сени одамларга имом (пешво) қиламан”, деди. (Иброҳим) “Зурриётимдан ҳамми?” деб сўради. (Аллоҳ) айтди: “Менинг аҳдим золимларга тегишли эмас”» (Бақара, 124).

Иброҳимнинг (алайҳиссалом) ўғли

Исмоилни (алайҳиссалом) қурбонлик қилишга буюрилгани

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَقَالَ إِنِّي ذَاهِبٌ إِلَىٰ رَبِّي سَيِّدِينَ ﴿٩٩﴾ رَبِّ هَبْ لِي مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿١٠٠﴾ فَبَشَّرْنَاهُ بِغُلَامٍ حَلِيمٍ ﴿١٠١﴾ فَلَمَّا بَلَغَ مَعَهُ السَّعَىٰ قَالَ يَبْنَئِي إِنِّي آرَىٰ فِي الْمَنَامِ أَنِّي أَذْبَحُكَ فَانظُرْ مَاذَا تَرَىٰ ۗ قَالَ يَتَأْتٍ أَفْعَلُ مَا تُؤْمَرُ سَتَجِدُنِي إِن شَاءَ اللَّهُ مِنَ الصَّابِرِينَ ﴿١٠٢﴾ فَلَمَّا أَسْلَمَا وَتَلَّهُ لِلْجَبِينِ ﴿١٠٣﴾ وَنَدَيْنَاهُ أَنِ يَا إِبْرَاهِيمُ ﴿١٠٤﴾ قَدْ صَدَّقْتَ الرُّيَا إِنَّا كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٠٥﴾ إِنَّكَ هَذَا لَهُوَ الْبَلْتَأُ الْمُبِينُ ﴿١٠٦﴾ وَفَدَيْنَاهُ بِذَبْحٍ عَظِيمٍ ﴿١٠٧﴾ وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿١٠٨﴾ سَلَامٌ عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ ﴿١٠٩﴾ كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١١٠﴾﴾

«(У олов ичидан саломат чиқди) ва деди: “Албатта, мен Рабб бим (буюрган тараф)га кетувчиман. Унинг ўзи мени (тўғри йўлга) ҳидоят қилур. Эй Раббим! Ўзинг менга солиҳ (фарзанд) лардан ато этгин!” Бас, Биз унга бир ҳалим ўғил (туғилиши тўғрисидаги) хушxabарни бердик. Бас, қачон, у (отаси) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): “Эй ўғилчам! Мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй (фикр) қилишингни бир (ўйлаб) кўргин!” деган эди, у айтди: “Эй отажон! Сизга (тушингизда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилинг! Иншааллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсиз”. Бас, қачон, иккиси ҳам (Аллоҳнинг амрига) бўйсуниб, (Исмоилни қурбонликка) пешонаси билан (ерга) ётқизган эди, унга Биз нидо қилдик: “Эй Иброҳим! Дарҳақиқат, сен тушни тасдиқ этдинг. Албатта, Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз”. Албатта, бу (қурбонликка буюришим) айна синовдир. Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир (кўчқор) сўйишни бадал қилиб бердик. Кейинги (авлод)лар орасида у (Иброҳим) ҳақида яхши гаплар-

ни қолдирдик. Иброҳимга салом! Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз»» (Соффат, 99–110).

Ҳикоя қилинишича, Иброҳим (алайҳиссалом) бир куни Аллоҳ розилиги учун мингта қўй, уч юзта мол ва юзта туяни қурбон қилди. Одамлар ва фаришталар бунга ажабланди. Шунда Иброҳим (алайҳиссалом): “Аллоҳга қурбат ҳосил қиладиган ҳар қандай нарсани Аллоҳ йўлига харжлайман. Агар ўғлим бўлганида, уни ҳам Аллоҳ йўлига қурбон қилардим ва бу амал билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилардим”, деди.

Орадан бир қанча муддат ўтиб, Иброҳим (алайҳиссалом) бу сўзларни унутди. Қуддус шаҳрига келганида, Аллоҳдан фарзанд сўради. Аллоҳ унинг дуосини ижобат қилиб, фарзанд башоратини берди. Исмоил (алайҳиссалом) туғилиб, Иброҳим (алайҳиссалом) билан бирга юрадиган бўлгач (ривоятларга кўра ўн уч ёшга етганида), Иброҳимга (алайҳиссалом) тушида: “Назрингга вафо қил”, дейилди.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Иброҳим (алайҳиссалом) тарвия кечаси тушида бир кимсанинг: “Эй Иброҳим, назрингга вафо қил”, деганини эшитди. Тонг оттирганида: “Бу туш Аллоҳ тарафиданми ёки шайтон тарафиданми”, деган шубҳа билан бажаришга иккиланди. Шунинг учун ҳам тарвия куни “шубҳа — иккиланиш куни” деб номланди. Кеч киргач, ухлаганида иккинчи бор туш кўрди ва уйғонгач, бу туш Аллоҳ тарафидан эканини билди. Шунинг учун ҳам бу кун “Арафа куни”, (арафа — билди, деганидир) деб номланди. Бу маконнинг номи Арафот, деб номланди. Учинчи кеча ҳам ушбу тушни кўрди-да, Исмоилни (алайҳиссалом) қурбон қилишга чоғланди. Шунинг учун ҳам “қурбонлик” куни деб номланди.

Иброҳим (алайҳиссалом) Исмоилни (алайҳиссалом) қурбон қилишни хоҳлаганидан кейин, унинг онаси Ҳожарга: “Исмоилга чиройли либосларни кийдир, мен уни меҳмонга олиб бораман”, деди. Ҳожар Исмоилни (алайҳиссалом) кийинтириб, хушбўйлар суртиб, сочларини тараб қўйди. Иброҳим (алайҳиссалом) арқон билан пичоқни олиб, Мино тарафга кетди. Аллоҳ уни яратган кундан бери Иблис бугунгидек типирчилаб, тараддудланмаган эди. Иброҳим (алайҳиссалом) олдига югуриб келди ва: “Ўғлингнинг қомати мўътадиллигига, ҳуснининг гўзаллиги ва латофатига қарамайсанми?” деди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Тўғри, лекин мен шунга буюрилганман”, деди. Иблис Иброҳимдан

(алайҳиссалом) умидини узгач, Ҳожарнинг олдига келди ва: “Иброҳим (алайҳиссалом) ўғлингни сўйишга олиб кетди. Сен қандай хотиржам ўтирибсан”, деди. Ҳожар: “Ёлғон гапирма, бирор марта ота ўзининг ўғлини сўйганини эшитганмисан?” деди. “Мана шунинг учун ҳам пичоқ билан арқон олиб кетди-да”, деданида, “Нима учун сўймоқчи?” деб сўради. Шайтон: “Аллоҳ унга буюрганини даъво қиляпти”, деди. Шунда Ҳожар: “Пайғамбар ботил нарсага буюрилмайди. Мен Аллоҳнинг амрига жонимни ҳам фидо қиламан, нега боламизни фидо қилмайлик”, деди.

Шунда шайтон Ҳожардан ҳам умидини узиб, Исмоил (алайҳиссалом) олдига келди ва унга: “Сен хурсанд бўлиб ўйнаяпсан-у, отангнинг кўлида пичоқ билан арқон турибди. Отанг сени сўймоқчи”, деди. Исмоил: “Менга ёлғон гапирма, отам нима учун мени сўяркан?” деди. Шайтон: “Отангнинг даъвоси бўйича, Аллоҳ унга шуни буюрган эмиш”, деди. Шунда Исмоил (алайҳиссалом): “Аллоҳнинг амрига бўйсунаман”, деди. Шайтон бошқа гапларни гапирмоқчи бўлганида, Исмоил (алайҳиссалом) ердан тош олиб, унга отди ва чап кўзини кўр қилди, сўнг у умидсизланиб, қайтиб кетди.

Аллоҳ бу ўринда тош отишни Исмоилдан (алайҳиссалом) бизларга вожиб қилди. Иброҳим (алайҳиссалом) Минога келганида Исмоилга: “Эй ўғилчам, мен (ҳадеб) тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен нима қилишингни бир ўйлаб кўр (яъни айт-чи, сен Аллоҳнинг амрига сабр қила оласанми)”, деди. Бу билан Иброҳим (алайҳиссалом) фарзандини имтиҳон қилди. Яъни, Аллоҳнинг амрига бўйсунадими-йўқми? Исмоил (алайҳиссалом): “Эй отажон, (тушингизда Парвардигор томонидан) буюрилган ишни қилинг. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсиз”, деди.

Иброҳим (алайҳиссалом) ўғлидан бу сўзни эшитиб билди, “Парвардигорим, ўзинг менга солиҳ (фарзанд)лардан ҳадя эт”, деб Аллоҳга қилган дуолари ижобат бўлибди. Аллоҳга кўп ҳамд айтди. Сўнгра Исмоил (алайҳиссалом): “Эй отажон! Сизга бир неча васиятлар қиламан. Қўлларимни боғланг, изтиробланиб, сизга азият бериб қўймай. Юзимни ерга қаратинг, унга қараб раҳмингиз келиб қолмасин. Кийимингизни йиғиштириб олинг, қоним сачраб, ажрим камаймасин ва онам у қонни кўриб ғамгин бўлмасин. Пичоғингизни ўткир қилинг ва пичоқни бўғзимга тезроқ тортинг, жоним енгилроқ чиқсин, зеро, ўлим қаттиқдир. Қўйлагимни онамга элтиб беринг, мени эслаб юрсин ва унга: “Аллоҳнинг амрига

сабр қил” денг. Онамга, мени қандай сўйганингизни, қўлларимни қандай боғлаганингизни айтманг. Унинг олдига болаларни киритманг, ғами янгиланмасин. Агар менга ўхшаш болани кўрсангиз, унга қараманг, ғамгин бўлиб қоласиз”, деди.

Шунда Иброҳим (алайҳиссалом): “Эй болам! Сен Аллоҳнинг амрини бажаришга қандай ҳам яхши ёрдамчи бўлдинг”, деди ва иккиси ҳам (вахийга) бўйсуниб, (Иброҳим ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун) пешонаси билан ерга ётқизди, сўнг Иброҳим (алайҳиссалом) пичоқни Исмоилнииг бўғзига қўйиб куч ва шиддат билан тортди, аммо пичоқ кесмади, Аллоҳ еру осмонлардаги фаришталар кўзи олдидан пардани олди. Улар Иброҳим (алайҳиссалом) ўз фарзандини сўяётганини кўриб, Аллоҳга сажда қилишди. Аллоҳ уларга: «Қаранглар, бандам менинг розилигим учун фарзанди бўғзига пичоқ тортяпти, сизларга: **“Мен ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман”**, деганимда: **“У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қилмоқчимисан? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз”**, деган эдинглар», деди.

Сўнгра Исмоил (алайҳиссалом): “Эй отажон, қўл-оёқларимни ечинг, Аллоҳ мени ўз амрига итоатда мажбурланган ҳолда кўрмасин, балки Иброҳимнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғли Аллоҳга ва амрига ўз ихтиёри билан итоат қилувчи эканини фаришталар ҳам билсин”, деди. Иброҳим (алайҳиссалом) унинг қўл-оёқларини ечди ва юзини ерга қаратиб, бор кучи билан пичоқни тортди, аммо Аллоҳнинг изни билан пичоқ кесмади. Шунда Исмоил (алайҳиссалом): “Эй отажон, менга муҳаббатингиз сабабли заифлашдингизми, мени сўйишга қодир бўлмаясиз”, деди. Иброҳим (алайҳиссалом) пичоқ билан тошни урганида, тош иккига бўлиниб кетди. Иброҳим: “Тошни кесяпти-ю, гўштни кесмаяпти”, деди. Шунда пичоқ Аллоҳнинг қудрати билан тилга кирди: “Эй Иброҳим, сен кес, десанг, Аллоҳ кесма, деяпти, қандай қилиб Аллоҳга осий бўлиб, сенга бўйсунаман”, деди. Сўнгра Аллоҳдан: “Эй Иброҳим, дарҳақиқат, кўрган тушингни бажо қилдинг”, деб нидо келди. Жаброил (алайҳиссалом) Иброҳим (алайҳиссалом) ишларидан ажабланиб: “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” деди. Иброҳим (алайҳиссалом): “Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”, деди. Исмоил (алайҳиссалом) эса: “Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд”, деди. Шу боис бу калималарни қурбонлик кунларида айтиш бизларга вожиб қилинди. Иброҳимга (алайҳиссалом) фарзанди эвазига қурбонликка қўчқор туширилди.

Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ буюрган ҳар бир амални ўз вақтида адо этган ва уни қавмига ҳам етказишни шарафли мақсад қилиб олган. Қавмини Аллоҳга даъват этишда кўплаб қийинчилик ва машаққатларга сабр қилган.

Саъдийнинг ривоят қилишича, йиллар ўтиб, Иброҳим (алайҳиссалом) ҳам маълум ёшга етганидан кейин Аллоҳдан сўрамагунча Азроилни (алайҳиссалом) юбормасликни талаб дуо қилган эди. Ўзи жуда саховатли киши эди. Бир куни одамларни меҳмон қилиб турганида, узоқдан бир кекса кишининг иссиқда қийналиб келаётганини кўради. Олдига дарҳол улов жўнатиб, олиб келтиради. Кекса йўловчи етиб келганидан кейин унинг олдига ҳам таом қўяди. Меҳмон жуда кексалигидан қўлини оғзига эмас, балки кўзига, қулоғига олиб бориб, кейин оғзини зўрға топди ва унга луқмани ташлади. Овқат ошқозонига тушиши билан тўхтамасдан орқасидан чиқиб кетди. Уни кўрган Иброҳим (алайҳиссалом) бу нима қилиқ, деб сўради. Меҳмон: “Узр, қарилик-да”, деди. Ёшини сўраган эди, Иброҳимдан (алайҳиссалом) икки ёш катталигини айтди. “Мендан бор-йўғи икки ёш катта экансиз, мен ҳам сизнинг ёшингизга етганимда шундай аҳволга тушаманми?” деди ва Аллоҳга илтижо қилиб: “Ё Аллоҳ! Шу одамнинг ҳоли бошимга тушмасдан туриб жонимни ол”, деди. Келган кекса меҳмон ўлим фариштаси эди, шу ондаёқ ўрнидан туриб, Иброҳимнинг (алайҳиссалом) жонини олди.

Иброҳим (алайҳиссалом) вафот этганида ёшлари икки юз ёшларда эди. Баъзи ривоятларда 175 ёшда эди, дейилади. Иброҳим (алайҳиссалом) хотинлари Сора дафн этилган Фаластиндаги Мадинатул Халил (Ҳибрун) шаҳрига дафн этилган (*“Тарихи Табарий”*, 1-жилд, 219-бет).

МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ)

Улуғ пайғамбарлардан яна бири Мусо (алайҳиссалом) китобида нималар борлигини сўраган Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) улуғ муаллим Муҳаммаддан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жуда долзарб бўлган ўлим, дўзах, тақдир, молу дунё ва ҳисоб-китоб ҳақидаги мавзулар мавжудлигини билиб олди.

Мусо (алайҳиссалом) номи Қуръони каримнинг ўттиз тўрт сурасида 132 марта зикр қилинган. Каломуллоҳда зикр қилинган қиссаларнинг энг каттаси ва муфассал баён қилинганидан бири Мусо ва Ҳорун (алайҳиссалом) қиссалари десак, хато бўлмас.

Мусо (алайҳиссалом) насаби Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилларидан бири Лово ибн Яъқубга бориб тақалади.

Ибн Касир “Пайғамбарлар қиссаси” китобида Мусо (алайҳиссалом) шажараларини “Мусо ибн Имрон ибн Қоҳис ибн Озир ибн Лово ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим” деб келтирган (“Қисасул анбиё”, Ибн Касир, 221-бет).

Мусо (алайҳиссалом) қиссаси Қуръони каримда келган: унинг эмизилиши, дарёга оқизилиши ва Фиръавн аёли Осиё қўлига бориб тушиши бундай баён этилади:

﴿وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ أُمِّ مُوسَىٰ أَنْ أَرْضِعِيهِ ۖ إِذَا خِفْتِ عَلَيْهِ فَكَلِّمِيهِ فِي الْيَمِّ وَلَا تَخَافِي وَلَا تَحْزَنِي ۗ إِنَّا رَادُّوهُ إِلَيْكِ وَجَاعِلُوهُ مِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٧﴾ فَالْقَطْعَةُ ۗ ءَأُلَ فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَزَنًا ۗ إِنَّ فِرْعَوْنَ وَهَمَانَ وَجُنُودَهُمَا كَانُوا خَاطِئِينَ ﴿٨﴾ وَقَالَتِ امْرَأَتُ فِرْعَوْنَ قَرَّتْ عَيْنِي لِىَ وَلَكَ لَا نَقْتُلُوهُ عَسَىٰ أَنْ يَنْفَعَنَا أَوْ نَتَّخِذَهُ وَلَدًا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٩﴾ وَأَصْبَحَ فُؤَادُ أُمِّ مُوسَىٰ فَارِغًا ۗ إِن كَادَتْ لَتُبْدِي بِهِ لَوْلَا أَنْ رَبَّنَا عَلَىٰ قَلْبِهَا لِتَكُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠﴾ وَقَالَتِ لِأُخْتِهِ ۗ فَصْبِيهِ فَبَصَّرْتِ بِهِ ۗ عَنْ جُنُبٍ وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١١﴾ وَحَرَّمْنَا عَلَيْهِ الْمَرَاضِعَ مِنْ قَبْلٍ فَقَالَتْ هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ أَهْلِ بَيْتٍ يَكْفُلُونَهُ لَكُمْ وَهُمْ لَهُ نَاصِحُونَ ﴿١٢﴾ فَرَدَدْنَاهُ إِلَىٰ أُمِّهِ ۗ كَىٰ تَقَرَّ عَيْنُهَا وَلَا تَحْزَنَ ۗ وَلِتَعْلَمَ أَنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ ۗ وَلَٰكِنَّا أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٣﴾﴾

«Биз Мусонинг онасига: “Уни эмизавер. Бас, агар (уни ўлдириб кетишларидан) қўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро, Биз уни сенга қайтарувчи ва уни пайғамбарлардан қилувчимиз”, деб ваҳий қилдик. Бас, Фиръавннинг хонадон аҳли уни (ўсиб-улғайганида) ўзларига “душман ва ташвиш бўлиши учун” тутиб олди. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари янглишган эди. Фиръавннинг хотини (унга): “(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирмангиз! Шоядки, бизларга нафи тегса ёки уни фарзанд қилиб олсак”, деди. Ваҳоланки,

улар (ҳақиқатни) **сезмас эди. Мусо онасининг қалби** (ташвишдан) **фориг бўлди. Агар Биз** (“Мусони ўзингга қайтарурмиз”, деМган ваъдамиз)га **ишонувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта, у** (ўз ўғли экани)ни **фош қилиб қўйган бўлур эди.** (Она Мусонинг) **опасига: “Унинг (ортдан) тушгин!” деди. Бас, у улар сезмаган ҳолларида** (Мусони) **бир четдан кузатиб турди. Биз олдиндан** (Мусога барча) **эмизувчи аёлларни тақиқладик** (у ҳеч бир аёлни эммади), **шунда** (унинг опаси келиб): **“Мен сизларга унга кафил бўлиб** (эмизадиган) **ва унга холис** (доялик қиладиган) **бир оилани кўрсатайми?” деди. Шундай қилиб, Биз** (Мусонинг онасининг) **кўзлари қувониши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун уни онасига қайтардик. Лекин кўпчилиги** (бунинг ҳикмати)ни **билмайди»** (*Қасас, 7 – 13*).

Бир куни Фиръавн туш кўрди. Тушида бир ўт Байтул Муқаддасдан Мисргача ёниб келаётганди. Таъбирчиларнинг айтишича, Бани Исроилдан бир бола туғилиб, Фиръавннинг бор мулкини хароб қилади.

Фиръавн Бани Исроилда туғилган барча гўдакларни сўйишга қарор қилди. Одамлар подшоҳга: “Бир йил қатл қилдир, бир йил қолдир, бўлмаса, Бани Исроил қирилиб кетади”, деди. Подшоҳ кўнди. Кечирилган йили Ҳорун туғилди, қатл йили Мусо дунёга келди. Аллоҳ таоло болани сандиққа солиб, Нилга оқизишни онасига билдирди. Онаси худди шундай қилди. Сандиқ оқиб, Фиръавн қасрига яқин келди. Хотини Осиё сандиқни олдириб, очди, болани қўлига олди. Қалбига унинг муҳаббати тушди ва хурсанд бўлди. Бу боланинг муборак эканини англаб етди.

Фиръавн хотини Осиё бинти Музоҳим ҳақида турли фикрлар мавжуд. Суҳайлий фикрича, Осиё Мусонинг аммаси бўлган. Бошқалар эса, Осиё Мусо қабиласидан бўлган, дейди.

Ибн Жарир Табарийнинг айтишича, Осиё Юсуф (алайҳиссалом) замонидаги мусулмон фиръавннинг чевараси бўлган.

Фиръавннинг териси оқариб қолган эди. Осиё чақалоқ Мусонинг қўлчаси билан Фиръавн терисини силаб қўйган эди, Аллоҳнинг қудрати ила оқаргани кетди.

Орадан оз муддат ўтиб, подшоҳ аскарлари болани ўлдиришга фармон олганларини айтиб келди. Осиё: “Бу бола Бани Исроил эмас, бошқа ердан оқиб келди, ўзим бориб бу ҳақда подшоҳга арз қиламан”, деди ва болани кўтариб шоҳнинг олдига борди. Шоҳ

ҳузурига кириб: “Бу сенинг ва менинг кўз қорачиғим-ку”, деди. Фиръавн: “Сенинг кўз қорачиғингдир, лекин менинг унга ҳожатим йўқ”, деди. Фиръавннинг хотини (унга): “(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак”, деди. Улар (ўзларининг ҳалокатлари шу гўдак қўлида эканини) сезмаган ҳолларида (уни бола қилиб олишди)”.

Бир куни Осиё Мусо билан бирга Фиръавн олдига келди ва уни шоҳ ҳузурига ташлаб чиқиб кетди. У ерда мажлис бўлаётган эди. Мусо Фиръавн тиззасида ўтириб, соқолини юлиб олди. Ҳомон: “Шу бола сенинг мулкингни хароб қилади, сенга меросхўр бўлади, бунинг бобоси Иброҳим халилдир”, деб Мусони ёмонлади. Фиръавн жаллодларни чақирди. Бу хабар Осиёга етиб келди ва тезлик билан шоҳ ҳузурига югурди ва: “Менга ҳадя қилган болани сўймоқчимисан!” деди. Фиръавн: «Соқолимни юлиб олди, мулозимларим: “Бу бола сенга меросхўр бўлади, қўлингдаги мулкингга эгалик қилади”, дейишди», деди. Осиё: “Сен уларнинг сўзига ишонма! Бу бола ҳали ёш, ҳеч нарсанинг фарқига бормайди. Мен буни сенга исбот қилиб беришим мумкин!” деди. Фиръавн: “Қандай қилиб?!” деди. Осиё: “Боланинг олдига чўғ билан гавҳар қўй. Агар гавҳарни олиб, чўғдан сақланса, билгинки, у ақл юри-таётган бўлади. Агар чўғни олса, билгинки, ақлли кимса гавҳар турганда чўғни олмайди”, деди. Фиръавнга бу гап маъқул бўлди. Сарой хизматчиларидан иккитасини чақириб, бирининг қўлига чўғ, иккинчисиникига гавҳар берди ва уларни бола олдига юборди. Жаброил (алайҳиссалом) Мусонинг қўлидан ушлади ва чўғ устига қўйди, ҳатто у чўғни қўлида кўтариб оғзига солди, бундан тили куйди. Шу сабаб Мусо (алайҳиссалом) нутқи яхши, равон бўлмай қолган. Фиръавн буни кўриб: “Бу бола сўйилмасин”, деди. Осиё хурсанд бўлиб, болани олиб чиқиб кетди. Унга малика яхши тарбия берди, ёзиш ва ўқишни ўргатди. Мусо Осиёнинг фазилати билан худди подшоҳнинг ўғлидек ўсди. Аллоҳ уни шу ишларга сабабчи қилди.

﴿وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُ، وَأَسْتَوَىٰ ۖ ءَايَاتُهُ حُكْمًا وَعِلْمًا ۖ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ﴾ (14)

«Қачон, у вояга етиб, (ақли) тўлгач, Биз унга ҳикмат ва билим ато этдик. Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлаймиз» (Қасас, 14).

Васиятда: Мусога (алайҳиссалом) нозил қилинган нарса ибратлардан иборат эди, дейилди.

Ваҳб ибн Мунаббиҳ айтади: Тавротда қуйидагилар ёзилган: “Ким дунёда охират тадоригини тайёрласа, қиёмат куни Аллоҳнинг дўсти бўлади. Ким ғазабини тарк қилса, Аллоҳнинг ёнида бўлади. Ким дунё лаззатларини тарк қилса, қиёмат куни Аллоҳнинг азобидан омонда бўлади. Ким ҳасадни тарк қилса, қиёмат куни халойиқ олдида мақтовга сазовор бўлади. Ким риёсатни тарк қилса, қиёмат куни Жаббор, Молик сифатли зот ҳузурида азиз бўлади. Ким дунёда ортиқча нарсаларни тарк қилса, яхшилар орасида неъматланади. Ким дунёда хусуматни тарк қилса, қиёмат куни нажот топганлардан бўлади. Ким дунёда бахилликни тарк қилса, қиёмат куни халойиқнинг бошида зикр қилинади. Ким дунёда роҳатни тарк қилса, қиёмат куни шод бўлади. Ким дунёда ҳаромни тарк қилса, қиёмат куни пайғамбарлар қўшнисини бўлади. Ким дунёда ҳаром нарсаларга қарашни тарк қилса, қиёмат куни Аллоҳ унинг кўзини жаннатда шодлантиради. Ким дунёда бойликни тарк қилиб камбағалликни ихтиёр қилса, қиёмат куни Аллоҳ таоло валийлар ва набийлар билан бирга қайта тирилтиради. Ким дунёда инсонларнинг ҳожатларини чиқарувчи бўлса, Аллоҳ таоло дунё ва охиратда унинг ҳожатларини чиқаради. Ким қабрида ҳамроҳи бўлишини хоҳласа, кечаси қоронғида туриб намоз ўқисин. Ким Раҳмон Арши соясида бўлишни хоҳласа, зоҳид бўлсин. Ким ҳисоби енгил бўлишини хоҳласа, ўзига ва биродарига насиҳат қилсин. Ким фаришталар зиёрат қилишини хоҳласа, тақводор бўлсин. Ким жаннатда хурсанд бўлишни хоҳласа, кечаю кундуз Аллоҳни зикр қилсин. Ким жаннатга ҳисобсиз киришни хоҳласа, Аллоҳга насух тавбасини қилсин. Ким бой бўлишни хоҳласа, Аллоҳ тақсимлаб қўйган нарсага рози бўлсин. Ким фақиҳ бўлишни хоҳласа, Аллоҳдан ҳамиша қўрқувда бўлсин. Ким ҳаким бўлишни хоҳласа, олим бўлсин. Ким инсонлардан саломат бўлишни хоҳласа, инсонларнинг фақат яхшиликларини зикр қилсин. Нимадан яратилдим ва нимадан хулқландим, деб ибратлансин. Ким дунё ва охиратда шарафни хоҳласа, дунё устига охиратни қўйсин. Ким Фирдавс жаннатини ва тугамас неъматни хоҳласа, умрини дунё фасодларига зое қилмасин. Ким дунё ва охиратда жаннатни хоҳласа, сахий бўлсин, чунки сахийлик ўз эгасини жаннатга яқин ва дўзахдан узоқ қилади. Ким қалбининг мукамал нур билан мунаввар бўлишини хоҳласа, тафаккур ва ибратланишни лозим

тутсин. Ким бадани сабрли, тили зокир, қалби хушули бўлишини хоҳласа, мўмин-мўминалар, муслим-муслималар ҳаққига кўп истиғфор айтишни одат қилсин”.

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога жаннатда ўзига ким қўшни бўлишини билдиришни сўраб, кўп ёлворар эди. Бир куни шундай нидо келди: “Эй Мусо, фалон ерда яшовчи қассоб сенинг жаннате даги дўстинг бўлади”. Мусо (алайҳиссалом) қизиқиб, қайси ибодати учун у бунга лойиқ бўлганини билиш ниятида йўлга чиқди. Мусо (алайҳиссалом) ўша одамни қидириб топди. Қассоб Мусонинг (алайҳиссалом) ҳақ пайғамбар эканини билган, имон келтирган, лекин ўзини кўрмаган эди. Шунинг учун танимади. Кечқурун қассоб Мусони (алайҳиссалом) ўз уйига олиб кетди. Овқат тайёрлади. Дастурхон тузади. Овқат ейишдан олдин қассоб деворга осилган бир замбилни ерга туширди ва ундан ҳаракат қилишга сира мадори қолмаган бир кампирни чиқарди. Худди гўдакни овқатлантиргандек уни едирди, ичирди ва яна замбилга қўйиб, деворга осди. Шунда кампир нималардир деб шивирлади. Кекса аёлнинг нима деяётганини тушунмаган Мусо (алайҳиссалом) қассобдан: “Ўғлим, бу кампир киминг бўлади?” деб сўради. Қассоб: “Бу аёл онам бўлади. Ўтириб-туришга, овқат ейишга ҳоллари йўқ. Шу боис ўзим едираман, ичираман ва тозалигига қарайман. Қўлимдан келганича хушнуд этишга ҳаракат қиламан”, деди. Мусо (алайҳиссалом): “Ҳозиргина у сенга гапиргандай бўлди, нималар деди?” деб сўради. Қассоб: «Онам: “Эй Раббим! Мен ўғлимдан хурсандман. Сен ҳам ундан рози бўл. Жаннатда уни Мусога қўшни қил”, деб дуо қилди», деди. Шунда Мусо (алайҳиссалом) ўзини танитадиган вақт келганини тушунди ва: “Мен Аллоҳнинг пайғамбари Мусо бўламан. Аллоҳдан жаннатдаги қўшним ким бўлишини билдиришни илтижо қилган эдим. Ҳақ таоло сени билдирди. Сенга хушxabар бўлсин. Онангга қилган хизматинг учун Аллоҳ сендан рози бўлди. Онангнинг дуосини қабул қилди. Аллоҳ сени жаннатда менга қўшни қилди”, деди.

Китобларда Мусо ва Ҳорун (алайҳимассалом) қиссаси батафсил ёритилганини инобатга олиб, ўқувчини зериктириб қўймаслик мақсадида шу ерда Мусо (алайҳиссалом) мавзуига яқун ясаймиз.

ТАҚВО ҲАР ИШНИНГ БОШИДИР

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Иброҳим ва Мусоларнинг (алайҳимассалом) саҳифа ва китоблари ҳақида сўраганидан кейин яна қониқмасдан: “Ё Расулуллоҳ! Насихат қилинг”, деди. Расулуллоҳ унга: “Сенга Аллоҳга тақво қилишни васият қиламан, чунки бу ҳар бир ишнинг бошидир”, дедилар.

Бошқа бир ҳадисда:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «رَأْسُ الْحِكْمَةِ مَخَافَةُ اللَّهِ»

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳикматнинг боши Аллоҳдан қўрқишдир”, деганлар.

Оқил киши қисқа, лекин кўп маънони ўзида мужассам этган бу сўз мазмунини яхшилаб тушуниши лозим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак васиятлари билан: “Ибодатда тақво худди бадандаги бош кабидир, чунки инсон учун бошсиз ҳаёт бўлмагани каби тақвосиз ибодатнинг на лаззати бор ва на роҳати”, деганлар,

Али (розияллоҳу анҳу) тақво учун тўрт аркон (устун)ни зикр қилган. Қалбларда дунёга муҳаббат қўйишдан вужудга келган қоронғи-зулматни мана шу тўрт аркон билан мустаҳкамланган тақвогина тарқатиб юбора олади. У зот (розияллоҳу анҳу) айтади: “Жалил Зот Аллоҳдан қўрқиш, танзил (Қуръон)га амал қилиш, озга қаноат қилиш ва фоний дунёдан охиратга кўчиш-ўлим кунига тайёргарлик кўриш”.

Мана шу тўрт иш тақвонинг арконларидир. Агар кишининг тақвосида мана шу тўрт арконнинг бирортаси кам бўлиб қолса, унинг қалбида дунё муҳаббатидан пайдо бўлган зулмат буткул кетмайди, яъни ундаги тақво бу қоронғи-зулматни бартараф этишга заифлик қилади.

Бу сўзлар замирида: “Шариат одобларига қатъий риоя қилиш, Аллоҳдан узоқлаштирадиган турли амаллардан сақланиш, ҳар қандай ишни қилганда, У Зот кузатиб турганини эсдан чиқармаслик, У Зот буюрган ишларни қилганда ҳеч нарса йўқотмасликка ишониш лозим”, деган маъно ётади.

Инсон Аллоҳ таолодан, Унинг ҳисоб-китобидан ва содир этилган гуноҳларга аввало, шу дунёнинг ўзидаёқ, кейин қабрида,

сўнгра эса, охиратда берилажак жазо — азобдан қўрқадиган бўлса, бу қўрқув уни барча ҳаром ва шубҳали ишлардан, Аллоҳ таолога яқинлашувга монелик қиладиган ҳамда қимматли вақтларини беҳуда ўтказиб юборадиган барча ўйин-кулги, зеб-зийнатлардан ўзини узоқ тутадиган қилиб қўяди. Бу қўрқув уни Аллоҳ таолонинг барча буйруқларини бажариб, қайтариқларидан йироқ бўлишга ва оз нарсага қаноат қилишга ундайди. Бу қўрқув умрини чиркин мол-дунё ва бир неча кунлик мансаб йўлида сарфлаб юборишига йўл қўймайди. Инсон агар мана шу қўрқувга эга бўлса, Аллоҳ таоло талаб қилганидек ҳаёт кечирини ҳаракат қилади. Ўлимдан кейин бошланажак ҳақиқий ҳаётга тайёргарлик кўра бошлайди. Бир сўз билан айтганда, у дунёга муҳаббат қўйиш сабабли вужудга келадиган қоронғи-зулматни тарқатиб, йўқ қилиб юборадиган кучли тақвога эга бўлади.

Тақво тўрт аркон билан бирга инсоннинг ўз нафсини ҳисоб-китоб қилиб (тергаб) туриши билан ҳам кучли бўлади. Чунки инсон нафси ёмонликка буюрувчидир. Инсон ўз нафсидан хабардор бўлиб турмаса, нафси уни албатта тўғри йўлдан четга буриб юборди. Тўғри йўлдан адашган киши зулматни ёритувчи тақвога асло эга бўла олмайди ва у бу дунёга муҳаббат қўйиш оқибатида вужудга келган қоронғи-зулмат аро йўл топа олмай, қолиб кетади.

Шунинг учун ҳам улуғ тобеинлардан Маймун ибн Михрон (раҳматуллоҳи алайҳ) ўзини ҳисоб-китоб қилмаган, нафсидан беҳабар шахсни тақволи кишилар сирасига қўшмаган. У зот (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Киши ўз нафсини тажоратдаги шеригини ҳисоб-китоб қилишидан кўра қаттиқроқ ҳисоб-китоб қилмаса ҳамда еб-ичиши, уст-боши ҳаром ёки ҳалолдан келаётганини аниқ билмаса, тақволи кишилар қаторига асло кира олмайди” (“Сифатус сафво”, 4-жилд, 194-бет).

Демак, инсон ўз нафсидан хабардор бўлиб турса, кучли, собит тақвога эга бўлади. Унинг қалбига дунё муҳаббати зулмати соя солган пайтда мана шу тақво билан уни бартараф қилишга муваффақ бўлади.

Биз ўзимизча ҳадисларга қанчалик изоҳ бермайлик, яна уларсиз сўзимизни мукамал қила олмаймиз, уларсиз дилимиздаги нарсаларни тўқис етказа олмаймиз. Шундай экан, сўзимиз исботи сифатида, юқоридаги гапларни маромига етказиш учун яна Содиқул Масдуқ Сарвари оламга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мувожаат этайлик:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ»

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳни кўриб турганингдек ибодат қил. Гарчи сен Уни кўрмасанг ҳам, У сени кўриб турибди”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*). Тақводор кишиларнинг сифатлари Қуръони каримнинг бир неча оятларида зикр қилинган. Жумладан:

﴿ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الَّذِينَ اتَّقَوْا وَالَّذِينَ هُمْ مُحْسِنُونَ ﴾

«Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир» (*Наҳл, 128*).

Абу Умома Судай ибн Ажлон Боҳилий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) видолашув ҳажидида қуйидагича хутба қилганларини эшитдим: “Аллоҳдан тақво қилинлар. Беш вақт намозни адо қилинлар. Рўза оий рўзасини тутинлар. Молларингиз закотини беринлар. Бошлиқларингизга итоат қилинлар. Шунда Раббингизнинг жаннатига кирасизлар” (*Имом Термизий ривояти*).

Тақводорларнинг сифатларини Али (розияллоҳу анҳу) қуйидагича таърифлайди: “Улар фазилат соҳиблари, тўғри сўз, тежамкор, камтар, кўзларини ҳаромдан тийган, фойдали илм ва сўзларни эшитувчи, илмига амал қилувчи, кўп гапирмайдиган, нафсларини тергайдиган, қилган амалларидан Яратганнинг ризосини тилайдиган кишилардир. Уларнинг аломатлари — динида барқарор, олижаноб, имон ва иродаси мустаҳкам, илмга ташна, молу дунёсини тежаб ишлатадиган, хушу билан ибодат қиладиган, ораста, қийинчиликка сабр қиладиган, ҳалолдан топадиган, тиришқоқ, тамадан йироқ, эзгу амалларга чоғланган, ҳар қандай ҳолатда шукр қиладиган, илм ва ҳилм билан ҳазил қилувчи ва айтганига амал қилувчилардир”.

Ҳар бир мусулмон хушу нима эканини ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу) ўрганса, мақсадга мувофиқ бўлади. У кишининг ҳаётларида содир бўлган воқеага қулоқ тутайлик:

Жангларида бирида Алининг (розияллоҳу анҳу) оёғига ўқ тегди. Ўқ оёқ суягига анча ботгани учун уни чиқара олишмади. Бир табиб чақиришди. Табиб Алига (розияллоҳу анҳу): “Бу ўқни фақат ҳушдан кетказувчи дори билан олса бўлади. Йўқса, оғриққа чида-

ёлмайсиз”, деди. Али (розияллоҳу анҳу): “Хушдан кетказадиган дорига зарурат йўқ. Бир оз сабр қилинлар, намоз вақти кирсин. Мен намоз ўқий бошлаганимда олиб ташлайсиз”, деди.

Намоз вақти кирди. Али (розияллоҳу анҳу) намозга турди. Табиб Алининг (розияллоҳу анҳу) оёғини ёриб, ўқни чиқарди. Ярани боғлаб қўйди. Али (розияллоҳу анҳу) намозини битириб, табибдан: “Ўқни чиқардингизми?” деб сўради. “Ҳа, чиқардим”, деди табиб. “Мен ҳеч нарса сезганим йўқ”, деди Али (розияллоҳу анҳу).

Намоздаги хушу-хузу ҳазрат Алини (розияллоҳу анҳу) гўё бошқа оламга олиб кетгандек эди. Шунинг учун ҳам вужудидаги оғриқни асло сезмади.

Ҳақиқий тақводор зотлар учун Аллоҳ таоло қийинчилик пайтларида нажот ва ҳалол ризқни ваъда қилган, шунингдек, инсонлар орасида энг азизлари бойлар ёки амалдорлар эмас, балки Аллоҳдан қўрқадиган кишилар эканини айтган:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ﴾

«Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардордир» (*Хужурот*, 13).

Ер юзидаги барча дин, тузум ёки фалсафа инсонларни табақага ажратганида уларнинг бойликлари, насаб ва амалларига қараган. Ислום дини эса, кишиларнинг тақводорларигина азиз ва мукаррам эканини илоҳий Калом билан исботлади. Ислום дини келгунича инсонийлик даражасидан маҳрум бўлган қора-хабаш қул Билол имони ва тақвоси билан саҳобий, мўътабар инсон даражасига етди. Аллоҳ Расулининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)муаззини, деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Кишиларнинг ҳурматлиси ким?” деб сўралганида, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уларнинг тақволиси”, дедилар. “Бу ҳақда сўрамаяпмиз”, дейишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, Халилуллоҳ ўғли, пайғамбар ўғли, пайғамбар набираси, Аллоҳ пайғамбари Юсуф-

дир”, дедилар. “Бу ҳақда сўрамаяпмиз”, дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, мендан араб қабила-ларини сўраяпсизларми? Жоҳилиятдаги яхшилари Ислондаги яхшилари дир. Агар (шариат аҳкомларини билиб) фақиҳ бўлса”, дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Аллоҳ таоло мусулмон кишининг тақво туфайли улуғ марта-баларга эришиши ва жаннатга киришини ваъда қилади:

﴿وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ﴾
﴿١٣٣﴾

«Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонла-ру Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат са-ри (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз» (*Оли Имрон, 133*).

Муфассирлар оятдаги “жаннат сари шошилинглар” деган сўздан мурод — “беш вақт намозни ўз вақтида адо этиш, тоат, ихлос, тавба, жума намозини қанда қилмаслик ва жамоатга эътибор бериш”, деган (*“Тафсири Насафий”, 1-жилд. 182-бет*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ, Сендан хидоят, тақво, ифбатни ва беҳожат бўлишни сўрайман”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Яна бир ояти каримада бундай марҳамат қилинади:

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَاظِمِينَ الْغَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ ۗ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾
﴿١٣٤﴾ وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَنْ يَغْفِرُ اللَّهُ إِلَّاءَ اللَّهُ وَلَمْ يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿١٣٥﴾ أُولَٰئِكَ جَزَاؤُهُمْ مَّغْفِرَةٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَجَنَّاتٌ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَنِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ ﴿١٣٦﴾

«Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кун-ларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлар дир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар. Улар бирор фахш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат

Аллоҳгина мағфират этар. Яна, улар била туриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир. Айнан уларнинг мукофотлари — Парвардигорларидан мағфират ва остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннат боғлари бўлиб, ўша жойда абадий бўлурлар. (Солих) амал қилувчиларнинг мукофоти нақадар яхши!» (Оли Имрон, 134–136.)

Юқоридаги оятларда “фаровонлик ва тангликда ҳам хайр-садақа қилувчилар” деб, тақводорларнинг сифатлари баён этилди. Ҳар доим эҳсон қилиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Чунки эҳсон қилиш мардларнинг иши, ихлосли кишиларнинг амаллари бўлиб, баъзан кишига малол ҳам келади. Лекин ҳақиқий тақводорлар эҳсон қилишдан асло оғринмайди. Энг улуғ амал ҳисобланган эҳсон орқали жамиятда тенглик пайдо бўлади (“Тафсири Насафий”, 1-жилд, 182-бет).

Шунингдек, ғазаблари келганда уни билдирмасдан, ютиб юборадиган кишилар ҳам тақводорлардир.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَظَمَ غَيْظًا وَهُوَ يَقْدِرُ عَلَىٰ انْفَاذِهِ مَلَأَ اللَّهُ قَلْبَهُ أَمْنًا وَإِيمَانًا»

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ғазаби келганда уни сўндира олса, Аллоҳ унинг қалбини имон ва ишончга тўлдирари”, деганлар (“Тафсири Насафий”, 1-жилд, 182-бет).

Мусулмон киши иложи борича юқоридаги сифатларни ўзида мужассам этишга ҳаракат қилади ва натижада Аллоҳ ваъда қилган мукофотларни қўлга киритади.

Шоир айтганидек:

*Ноинсоф, нокас-ла дўст бўлма ҳаргиз,
Тақводор, зокир-ла ҳаётинг тўқис.*

ҚУРЪОНИ КАРИМ ТИЛОВАТИ ФАЗИЛАТИ

Абу Зарр (розияллоҳу анху) Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Аллоҳга тақво қил”, деган васиятларига қаноатланмай: “Зиёда қилинг, ё Расулulloҳ” деб сўради. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қуръон тиловати ва Аллоҳ зикрини ўзингга вазифа қилиб ол, чунки бу сен учун ер юзида нур, осмонда эса захирадир”, дедилар.

Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَنفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً يَرْجُونَ تِجَارَةً لَّن تَبُورَ ﴿٢٩﴾ لِيُوفِّيَهُمْ أُجُورَهُمْ وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِ إِنَّهُ غَفُورٌ شَكُورٌ ﴿٣٠﴾﴾

«Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни барр камол адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар сира касод бўлмайдиган тижоратдан (ажру савоб бўлишидан) умидвордир. Зеро, (Аллоҳ) уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлини уларга янада зиёда қилур. Албатта, У мағфиратли ва ўта шукр қилувчидир» (Фотир, 29 – 30).

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг каломидир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَا يَأْتِيهِ الْبَطْلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَنزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ﴿٤٢﴾﴾

«Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил (ноҳақлик) келмас. (У) ҳикмат ва ҳамд эгаси (томони)дан нозил қилингандир» (Фуссилат, 42).

Қуръон Аллоҳ таолонинг энг улуғ мўъжизаси бўлиб, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нозил қилинган сўнгги илоҳий китоб, боқий ҳужжат, қатъий далил, мустаҳкам ақидадир. Келинг, яхшиси Қуръон тиловати фазилатлари ҳақидаги ҳадислар билан танишайлик: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унда сиздан олдинги ва кейингиларнинг хабари бор, ораларингиздаги ҳукмлар бор, у чиндир, ҳазил эмас. Ким уни тарк этса, Аллоҳдан қисматини олади, ундан бошқасидан ҳидоят истаганни Аллоҳ залолатга дучор қилади, у Аллоҳнинг мустаҳкам арконидир. У ҳикматли зикрдир, у тўғри йўл бўлиб, фикрларни оғдирмайди, тиллар у билан мавҳумликка учрамайди, уламолар ундан тўймайди, раддияларнинг кўплиги туфайли хулқлар бузилмайди, унинг ажойиботлари туганмас, уни ҳатто жинлар ҳам эшитади. Ким у билан гапирса, тўғри сўзлабди, ким унга амал қилса ажр олади, ким у билан ҳукм қилса, адолат қилади ва ким унга чақирса, тўғри йўлга ҳидоят қилинади” (Имом Термизий ривояти).

Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръон тиловат қилишни тавсия этдилар ва унга тарғиб қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анху) ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай дейилади:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ قَرَأَ حَرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا لَا أَقُولُ "الْم" حَرْفٌ وَلَكِنْ أَلْفٌ حَرْفٌ وَلَا مٌ حَرْفٌ وَمِيمٌ حَرْفٌ"

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф ўқиса, шу бир ҳарф учун унга савоб ёзилади. Савоб эса ўн баробар кўпайтириб берилади. “Алиф, лам, мим”ни бир ҳарф демайман, балки алиф — бир ҳарф, лам — бир ҳарф, мим — бир ҳарф”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Бошқа бир ҳадисда бундай дейилади: “Қуръон ўқинг! Зеро, Қуръон ўз ўқувчиларини қиёмат куни шафоат қилади” (*Имом Муслим ривояти*). Ва яна: “Қуръон ўқилган уй худди ердагиларга юлдуз кўрингани каби осмон аҳлига кўрсатилади”, дейилган (*Имом Байҳақий ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга йўлиқишни умид қилса, Аллоҳ аҳлини ҳурмат-иззат қилсин”, дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулulloҳ, Аллоҳнинг ҳам аҳли бўладими?” деб сўради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа”, дедилар. “Ё Расулulloҳ, улар кимлар?” деб сўрашганида, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Улар Қуръон ўқувчилардир. Огоҳ бўлинглар, ким уларни иззат-икром қилса, Аллоҳ уни икром қилади ва жаннатга киритади. Ким уларни хорласа, Аллоҳ уни хорлайди ва дўзахга киритади. Эй Абу Ҳурайра! Аллоҳнинг даргоҳида Қуръон ҳофизидан ҳурматлироқ кимса йўқдир. Аллоҳ ҳузурида Қуръон ҳофизи пайғамбардан бошқа барча инсонлардан икромлироқдир”, дедилар.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Сизларга қиёмат кунида умматимнинг энг афзали кимлигини билдирайми?” дедилар. “Ҳа, ё Расулulloҳ!” дейишди саҳобалар. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Улар Қуръон ўқувчилардир. Қиёмат кунида Аллоҳ: “Эй Жаброил! Ким Қуръон ўқиган бўлса, турсин, деб нидо қил”, дейди. Жаброил (алайҳиссалом) уч марта нидо қилади. Шунда улар саф-саф бўлиб, Аллоҳ ҳузурида туришади. Аллоҳ уларга: “Ўқинглар

ва овозларингни кўтаринглар”, дейди. Улардан ҳар бири Аллоҳ Қуръонидан илҳомлантирганича ўқийди. Ким ўқиса, овози, оҳанги, хушуси, тадаббурига кўра даражаси кўтарилади. Сўнгра Аллоҳ: “Эй аҳлим! Дунёда ким сизларга яхшилик қилганини биласизларми?” дейди. “Ҳа”, деб жавоб беришади улар. Шунда Аллоҳ айтади: “Маҳшарга боринглар! Ким уларни таниса, ўзлари билан бирга жаннатга олиб кирсин!”» дедилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: «Исро кечасида Аллоҳ менга айтди: “Эй Муҳаммад! Умматингизга буюринг, уч тоифа одамларни иззат-икром қилишсин: ота-оналарини, олимларни ва Қуръон ҳофизларини. Эй Муҳаммад! Умматингизни огоҳлантиринг, ким уларни ёмон кўрса ва хорласа, унга Менинг ғазабим қаттиқ бўлади. Эй Муҳаммад! Аҳли Қуръон менинг аҳлимдир. Дунё аҳлига икром қилганимдан уларни дунёда сизнинг ҳузурингизга қўйдим. Агар Қуръон уларнинг қалбларида ўрнашмаганида эди, дунё аҳлини ҳалок қилган бўлардим. Эй Муҳаммад! Ҳофизи Қуръонлар қиёмат куни азобланмайди ва ҳисоб-китоб қилинмайди. Эй Муҳаммад! Жаннат уч тоифага муҳтождир: сизга ва сизнинг саҳобаларингиз Абу Бакр билан Умарга ҳамда ҳофизи Қуръонга”».

Бошқа бир ўринда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларнинг энг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, бошқаларга ўргатганларингиздир”, деганлар.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ Қуръони карим билан баъзи қавмларнинг мартабасини кўтаради, баъзи қавмларни хор қилади”, дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси қудсийда марҳамат қиладилар: «Аллоҳ таоло айтди: “Кимники Қуръон ўқиш Мени зикр этиш ва дуо қилишдан машғул этиб қўйса, Мен унга Мендан илтижо қилиб сўраётганларга бераётганимдан ҳам афзалини бераман”. Аллоҳ каломининг бошқа каломлардан афзаллиги Аллоҳнинг Ўз махлуқотидан афзаллиги кабидир».

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қуръон ўқийдиган мўмин утружжа (лимон жинсидан бўлган бир мева)га ўхшайди, ҳиди ҳам хушбўй, таъми ҳам ширин, Қуръон ўқимайдиган мўмин хурмога ўхшайди, таъми ширин, ҳиди йўқ. Қуръон ўқийдиган фожир райҳонга ўхшайди, таъми аччиқ, ҳиди хушбўй. Қуръон ўқимайдиган фожир аччиқ

тарвузга ўхшайди, таъми аччиқ, ҳиди йўқ. Солиҳ суҳбатдош мушк сотувчига ўхшайди, агар у билан ўтирсанг, мушкидан бермаса ҳам, ҳиди сенга уриб қолади. Ёмон суҳбатдош босқончига ўхшайди, агар унинг ёмонлиги сенга тегмаса ҳам, унинг тутуни уриб қолади”, дедилар (*Абу Довуд ривояти*).

Яна бир ўринда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бир мўминдан дунё қийинчиликлари, мусибатларидан бирини аритса, Аллоҳ ундан қиёмат куни қийинчиликларидан бирини аритади. Ким бир қийналган одамнинг мушкулини осон қилса, Аллоҳ дунё ва охиратда унинг мушкулини осон қилади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ дунё ва охиратда унинг айбини беркитади. Банда, модомики, биродари хизматида экан, Аллоҳ унинг хизматида бўлади. Ким илм талаб қилиб йўлга чиқса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Модомики, бир жамоат Аллоҳнинг масжидларидан бирига йиғилиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилишса ва уни ўрганишса, уларга хотиржамлик тушади ва раҳмат ўраб олади, атрофларида фаришталар жамланади, Аллоҳ ўз ҳузуридагиларга уларни зикр қилади”, дедилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Уҳуд шаҳидларининг ҳар иккитасини бир қабрга қўйганлар. Аввал: “Буларнинг қай бири Қуръонни кўпроқ ёд билар эди?” деб сўрар, сўнг қайси маййитни кўрсатишса, ўшани лаҳадга олдин қўйдирар эдилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “(Ҳасад қилиш мумкин эмас, аммо) икки кишига ҳасад қилса бўлур: Аллоҳ унга Қуръон илмларини берган бўлиб, кечаю кундуз уни тиловат қилиб, шу асосда иш тутувчи кишига; Аллоҳ унга ҳалол мол-дунё ато этган бўлиб, ўз бойлигини кечаю кундуз инфоқ-эхсон қилаётган кишига”, дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйларингизни намоз ва Қуръон тиловати билан мунаввар қилинглар”, дедилар. (*Имом Байҳақий ривояти*).

Нўмон ибн Башир ривоят қилган ҳадисда: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Умматимнинг энг афзал ибодати Қуръон тиловатидир”, дедилар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) айтади: “Эй Қуръон (ёхуд илм)ни кўтарувчилар, илмингизга амал қилинг, билганига амал қилган ҳақиқий олимдир ва унинг амали илмига мувофиқдир. Сизлардан кейин бир қавм келади, улар илмни кўтариб юради, аммо илмлари елкаларидан тепага кўтарилмайди, амаллари илмларига, айтган гаплари дилларидагига тескаридир. Улар ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиради, лекин ораларидан фитна чиқиши сабабли бир-бирларидан ғазабланиб, мажлисни тарк этади. Уларнинг ўша ўтиришларидаги амаллари Аллоҳ таолога кўтарилмайди”.

Имом Шофиъий (рахматуллоҳи алайҳ): “Одамлар ушбу илм (яъни Қуръон)нинг бирор ҳарфини ҳам қолдирмай ўрганишларини хоҳлардим”. Бу ўринда Қуръон ёки илмни бирор ҳарфини ҳам қолдирмасдан яхшилаб ўрганишга тарғиб қилинмоқда.

Энг аввало, Қуръон ўқувчи киши ихлосли бўлиши, Қуръон одобларига тўлиқ амал қилиши лозим. Тиловат асносида ўзини Аллоҳ таолога муножот қилаётгандек тутиши ва Аллоҳни кўриб тургандек ҳолатда бўлишини уламолар тавсия этади. Гарчи у кўрмаса ҳам, Аллоҳ таоло кўриб турувчидир.

Қуръон тиловатининг қуйидаги шартлари мавжуд:

Қироат қилишдан олдин таҳоратли бўлиш суннат амали ҳисобланади. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратсиз Қуръон ўқишни хуш кўрмас эдилар. Бу хусусда ҳадиси шарифлар бисёр. Агар сув топмаса, таяммум қилади. Жунуб (одам) ва ҳайз кўрган аёлнинг бир ёки унинг ярмича оятни ўқиши ҳаромдир. Аммо ҳарфларни талаффуз қилмасдан уни қалбдан ўтказсалар бўлади, шунингдек, улар Мусҳафга назар солсалар ҳам жоиз. Жунуб киши ва ҳайз кўрган аёл тасбеҳ, таҳлил, таҳмид, такбир айтиши ва Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот йўллаши мумкин. Бунга уламолар иттифоқ қилган.

Қуръон ўқувчи тоза ерда ўтириши суннат ҳисобланади, масжид бўлса яна ҳам яхши. Қироат қилиш учун пок ва тоза жой танланиши лозим. Шунинг учун кўпгина уламолар “масжидда қироат қилиш мустаҳабдир” деган, чунки у ер доимо озода бўлади, бошқа бир тарафдан масжиднинг ҳурмати ва шарафини ҳам эътиборга олмоқ лозим.

Қиблага қараб ўтириш мустаҳаб. Намоздан ташқарида ҳам қиблага юзланиб тиловат қилиш мустаҳабдир. Ҳадиси шарифда: “Мажлисларнинг энг яхшиси қибла томонга қараб ўтирилгандир”, дейилган. Қуръон ўқувчи сокин ва виқор билан, бошини

қуйи солиб, худди устози олдида одоб сақлаб турган шогирддек ўтириши лозим. Қироатни туриб ёки тўшақда ётган ҳолда ҳам қилса бўлади, лекин ўтириб қироат қилиш афзалдир.

– Қуръон ўқишдан олдин “Истиъоза ва басмала”ни айтиш суннат.

– Мисвок тутиб, оғизни поклаш лозим, чунки оғиз қон ёки бошқа нарсалар билан қирланган бўлса, уни ювиб ташламасдан олдин Қуръон тиловат қилиш қариҳ (ёмон) саналади.

– Қуръонни чиройли ўқиш ҳам суннат ҳисобланади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръонни аниқ-аниқ, ҳарф-ҳарф қилиб ўқир эдилар. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿أَوْ زِدْ عَلَيْهِ وَرَتِلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلًا﴾

«Ёхуд унга (бир оз вақт) қўшинг (ярмидан кўпроғида ухланг) ва Қуръонни “тартил” билан (дона-дона қилиб) тиловат қилинг!» (Муззаммил, 4.)

– Қуръонни чуқур ўйлаб, тафаккур қилиб, унинг улуғлигини англаб ўқиш лозим. Чунки у билан диллар яйрайди, қалблар нурафшон бўлади, Бу ҳақда шундай дейилади:

﴿أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا﴾

«Ахир, улар Қуръон (оятлари) ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларида “қулфлари” бордир?!» (Муҳаммад, 24.)

Қуръон ўқишни ният қилмаган ҳолда мусибат етган пайтда “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун” дейиш, уловга минилаётганда “Субҳаналлазий саххоро лана ҳаза ва ма кунна лаҳу муқринийн” деб айтиш ва дуо қилаётган пайтда Қуръон ўқишни ният қилмаган ҳолда “Роббана атина фид дуня ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина азабан нар” дейиш ҳам жоиздир.

Абу Майсара бундай дейди: “Аллоҳ зикри фақат пок жойда қилинади”.

Йўлда ёки сафарга кетаётганда қироат қилиш, агар қироат қилаётган одам адашиб кетмаса, жоиздир. Агарда қироатда хаёли чалғиса ёки янглишса, у ҳолда йўлда тиловат қилиш макруҳ. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мудроқ ҳолдаги кишини қироат қилишдан қайтарганлар, чунки бунда одам адашиб, хато қироат қилиб қўйиши мумкин.

– Қуръон ўқишда йиғлаш, агар йиғлашга қодир бўлмаса хушу ва синиқлик билан қироат қилиш.

– Қуръон ўқиладиган жойда гапирмасдан фақат тиловатни эшитиш.

– Сажда оятлари келганда сажда қилиш. Чунки сажда ояти ўқилганда сажда вожиб бўлади. Бу ҳақида ҳадиси шарифда бундай дейилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا قَرَأَ ابْنُ آدَمَ السُّجْدَةَ فَسَجَدَ اعْتَزَلَ الشَّيْطَانُ يَبْكِي يَقُولُ: «يَا وَيْلَهُ! أُمِرَ ابْنُ آدَمَ بِالسُّجُودِ فَسَجَدَ فَلَهُ الْجَنَّةُ وَأُمِرْتُ بِالسُّجُودِ فَأَبَيْتُ فَلِيَ النَّارُ»»

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар одам боласи сажда оятини ўқиб, сажда қилса, шайтон ундан узоқлашиб йиғлайди ва: “Ҳолимга вой бўлсин! Одам боласи саждага буюрилиб, сажда қилди ва унга жаннат бўлди. Мен ҳам сажда қилишга буюрилдим ва бош тортдим, менга дўзах бўлади”, дейди», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Қуръонга қараб ўқиш ёддан ўқишдан кўра афзалдир. Чунки қараб ўқиш ибодат ҳисобланади.

Қуръон қироати учун энг афзал вақт намоз ичида ўқиш, тунда ўқиш ва туннинг охири ярнида ўқишдир. Шом билан хуфтон орасида ҳамда тонгда ўқиса ҳам бўлади.

Кунлардан арафа куни, жума, душанба ва пайшанба кунлари Қуръон ўқиш афзал ҳисобланади.

Ўн кунликлардан Рамазоннинг охири ўн кунлиги, Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигида ўқиш лозим.

Ойлардан энг афзали Рамазон ҳисобланади. Зеро, Рамазон ойи бежизга Қуръон ойи, деб аталмаган.

Энг афзали Қуръон қироатини жума куни бошлаб, келаси пайшанба кечаси хатм қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анху) доим шундай қилган.

Қуръон хатм қилинадиган куни рўза тутиш суннат ҳисобланади. Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) Қуръонни хатм қиладиган куни рўза тутиб, оиласи даврасида дуо қилганини Имом Табароний ривоят қилган.

ЗИКРНИНГ ФАЗИЛАТИ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Заррга (розияллоҳу анху) Қуръони карим тиловатидан кейинги энг афзал амал Аллоҳни зикр қилиш эканини васият қилдилар. Шундай экан, зикр ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

“Зикр”нинг луғавий маъноси “Аллоҳни эслаш”дир. Аллоҳни кўп зикр этган банданинг қалби покланади, имони мустаҳкамланади, дуолари ижобат бўлади, ихлоси ортади.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анху) ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Қайси бир қавм (жамоа) Аллоҳнинг зикри учун йиғилса, уларни фаришталар тавоф қилади, уларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилади, уларнинг даврасига сакинат (хотиржамлик) тушади, Аллоҳ уларни Ўзига яқин фаришталар билан бирга ёд этади” (Имом Муслим ривояти).

Банданинг энг яхши ҳолати унинг ўз Рабби зикри билан машғул бўлишидир. Зикр сабаби билан банда учта фазлга эга бўлади:

1. Аллоҳ таоло Ўзини эслаган (зикр қилган) банданигина эслайди:

﴿فَأَذْكُرُنِي أَذْكُرْكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ﴾ ۱۵۲

«Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман. Менга шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!» (Бақара, 152).

2. Аллоҳ зикрини кўп қилган киши бутун ҳаётида, ҳатто уйқусида ҳам ибодат билан машғул бўлган ҳисобланади:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾ ۵۶

«Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Зориёт, 56).

3. Аллоҳ зикрида бўлган киши ҳар қандай қийинчилик ва машаққатдан нажот топади:

﴿فَلَوْلَا أَنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُسَبِّحِينَ ﴿۱۴۳﴾ لَلَيْتَ فِي بَطْنِهِ إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿۱۴۴﴾﴾

«Бас, агар у (Юнус) Аллоҳга доимо тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганида, албатта, у балиқ қорнида Қиёматгача қолиб кетган бўлур эди» (Соффот, 143 – 144).

Аллоҳга тасбеҳ, такбир, таҳлил айтиш, ҳамд, шукр келтириш, дуо ва салавоглар айтиш, Қуръон тиловат қилиш, намоз ўқиш, рўза

тутиш, закот, садақа ва инфоқ қилиш ҳамда ҳаж ва умра айна зикрдир.

Аллоҳга тасбеҳ, таҳмид, таҳлил ва такбир айтиш қуйидаги иборада жамланган:

Аллоҳ таолонинг энг севган тўрт каломи булардир, Аллоҳ наздида улардан кўра севимли калом йўқдир:

Субҳаналлоҳ.

Алҳамдулиллаҳ.

Аллоҳу акбар.

Ла илаҳа иллаллоҳ.

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло ҳузурида каломнинг маҳбуброғи ушбулардир:

“سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ”

Уларнинг қайси бири олдин айтилса ҳам зарари йўқдир”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу) ривоятида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, Аллоҳ ҳузурида каломларнинг маҳбуброғи: “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи”дир”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) айтади: “Мен Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Зикрнинг афзали: “Ла илаҳа иллаллоҳ”, дуонинг афзали эса, “Алҳамду лиллаҳ”дир”, деганларини эшитдим.

Чунки бу дуо ва зикрлар абадий қоладиган солиҳ амал ва савоблардир. Дарахт баргларини тўккани сингари, булар ҳам банданинг гуноҳларини тўқади. Булар жаннат хазиналаридир.

Бу каломлар ҳақида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай башорат қилганлар: “Булар арининг овозига ўхшаш овоз билан Аршнинг атрофида айланиб, соҳибини хотирлатади. Сизларнинг ҳар бирингиз ҳам шундай бўлишини хоҳламайсизми?”

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: “Ким юз марта “Ла илаҳа иллаллоҳ”, юз марта “Алҳамдулиллаҳ”, юз марта “Субҳаналлоҳ”, юз марта “Аллоҳу акбар” деб зикр қилса, ушбу зикрлар ҳақи эвазига ўн қулни озод қилган, етти қурбонлик қилганнинг савобини олади”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Бу тўрт калом ҳақида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қалқонларингизни олинглар!” Саҳобалар: “Ё Расулulloҳ, душман кўриндими?” деб сўради. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Йўқ, душман йўқ. Фақат жаҳаннам оловидан қўриқлайдиган қалқонларингизни олинглар, ҳамда оловдан қутулиш учун бундай денглар:

“سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ”

Чунки бу мубороак каломлар Қиёмат кунида сизни олдингиздан, орқангиздан ҳимоя қилувчи муҳофаза тўсиқларидир ва абадий қоладиган солиҳ амаллар, савоблардир”.

Абу Дардодан (розияллоҳу анху) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барглари қуриган бир дарахт ёнига яқинлашдилар ва уни урдилар. Дарахтнинг барглари тўкилди. Шунда Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Шубҳасиз: “Субҳаналлоҳи валҳамдулиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”, деб зикр қилиш шу дарахт барглари тўкилгани сингари банданинг ҳам гуноҳларини тўкади», деб марҳамат қилдилар (*Имом Термизий ривояти*).

Умму Ҳоний (розияллоҳу анху) айтади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Калимаи Тавҳид: “Ла илаҳа иллаллоҳ” — энг хайрли, энг қадрли дуо бўлиб, ундан ўтадиган амал йўқдир ва гуноҳни ҳам қолдирмайди”, деб марҳамат қилдилар (*Ибн Можа ривояти*).

Ҳадиси қудсийда бундай дейилади: «Ким “Ла илаҳа иллаллоҳ” деса, Менинг ҳимоямдан паноҳ тилаган, менинг муҳофазамда бўлади. Менинг ҳимоямга, менинг паноҳимга кирган инсон эса азобимдан ҳам муҳофаза қилинади. “Ла илаҳа иллаллоҳ” Менинг каломимдир».

Тавҳид имони, яъни Аллоҳнинг ягоналигини тилда талаффуз этиб, дил билан тасдиқлаш, У буюк Зотга тасбеҳ, такбир айтиш, берган неъматларига шукр қилиш зикрларнинг энг улуғидир.

ОЯТЛАРДА ЗИКР ҲАҚИДА

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг ўн уч сурасининг ўн олти оятида зикрга буюради. Шундай экан, энг аввало, оятларга мурожаат қиламиз. Аллоҳ таоло бизларга қандай зикр қилишни Ўзи ўргатган.

﴿فَاذْكُرُونِي أَذْكَرْتُكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ﴾ (152)

«Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман. Менга шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!» (Бақара, 152).

﴿وَاذْكُرْ رَبَّكَ كَثِيرًا وَسَبِّحْ بِالْعَشِيِّ وَالْإِبْكَرِ﴾ (41)

«Раббинг зикрини кўп қил ва эртаю кеч тасбеҳ айт!» (Оли Имрон, 41).

﴿الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هٰذَا بَطْلًا سُبْحٰنَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ﴾ (111)

«Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар ва осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар (ва дуо қиладилар:) “Эй Раббимиз! Бу (коинот)ни беҳуда яратмагансан. Сен (айблардан) пок зотдирсан. Бас, бизни дўзах азобидан сақлагин!”» (Оли Имрон, 191.)

﴿فَإِذَا قَضَيْتُمُ الصَّلٰوةَ فَاذْكُرُوا اللَّهَ قِيَمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِكُمْ﴾

«Намозни адо этиб бўлганингиздан сўнг, турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларингизда (ҳам доимо) Аллоҳни ёд этинг!» (Нисо, 103.)

﴿وَاذْكُرْ رَبَّكَ فِي نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَخِيفَةً وَدُونَ الْجَهْرِ مِنَ الْقَوْلِ بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ وَلَا تَكُن مِّنَ الْغٰفِلِينَ﴾ (205)

“Раббингизни ичингизда тазарру ва қўрқинч билан ҳамда гапирганда овозни кўтармасдан эртаю кеч зикр (ёд) этинг! Ғофиллардан бўлманг!» (Аъроф, 205.)

﴿الَّذِينَ ءَامَنُوا وَتَطْمِئِنُّ قُلُوبُهُمْ بِذِكْرِ اللَّهِ أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمِئِنُّ الْقُلُوبُ﴾ (28)

«Улар имон келтирган ва қалблари Аллоҳнинг зикри билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингиз, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур (ва таскин топур)» (Раъд, 28).

﴿إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ وَأَذْكَرَ رَبِّكَ إِذَا نَسِيتَ وَقُلْ عَسَى أَنْ يَهْدِيَنِي رَبِّي لِأَقْرَبَ مِنْ هَذَا رَشَدًا﴾ (۲۴)

«Илло, “Иншааллоҳ (Аллоҳ хоҳласа)” (денг. Бу сўзни) унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Раббингизни зикр қилинг (яъни “иншааллоҳ”, денг) ва: “Шояд, Раббим мени бундан ҳам яқинроқ Тўғри йўлга ҳидоят этса”, денг!» (Каҳф, 24.)

﴿إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَذَكَرُوا اللَّهَ كَثِيرًا وَانْتَصَرُوا مِنْ بَعْدِ مَا ظَلَمُوا وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مُنْقَلَبٍ يَنْقَلِبُونَ﴾ (۲۲۷)

«Аммо имон келтирган ва эзгу ишларни қилган ҳамда доим Аллоҳни ёд этган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом равнақ топгач) ғолиб бўлган кишилар (мустаснодир). Зулм қилганлар эса, яқинда қандай оқибат сари кетаётганларини билиб олурлар» (Шуаро, 227).

﴿أَتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ وَأَقِمِ الصَّلَاةَ ۖ إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ ۗ وَلَذِكْرُ اللَّهِ أَكْبَرُ ۗ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَصْنَعُونَ﴾ (۴۵)

«(Эй Муҳаммад!) Китоб (Куръон)дан Сизга ваҳий қилинган нарсани тиловат қилинг ва намозни баркамол адо этинг! Албатта, намоз фаҳш ва ёмон ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри (барча нарсдан) улуғдир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур» (Анкабут, 45).

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا﴾ (۱۱)

«(Эй имон келтирганлар!) Сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбаридида гўзал намуна бордир» (Аҳзоб, 21).

﴿إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْقَانِتِينَ وَالْقَانِتَاتِ
وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّابِرِينَ وَالصَّابِرَاتِ وَالْخَاشِعِينَ وَالْخَاشِعَاتِ
وَالْمُتَصَدِّقِينَ وَالْمُتَصَدِّقَاتِ وَالصَّائِمِينَ وَالصَّائِمَاتِ وَالْحَافِظِينَ وَالْحَافِظَاتِ
وَالذَّكِرِينَ اللَّهُ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا﴾ ﴿٣٥﴾

«Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар — улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир» (Аҳзоб, 35).

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا﴾ ﴿٤١﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинг!» (Аҳзоб, 41.)

﴿وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾ ﴿١٠﴾

«Аллоҳни кўп ёд этинг! Шояд (шунда) нажот топсангиз» (Жумъа, 10).

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ ءَأْمَالُكُمْ وَلَا ءَأَوْلَادُكُمْ عَن ذِكْرِ اللَّهِ
وَمَن يَفْعَلْ ذَلِكَ فَأُوْلَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ﴾ ﴿٩﴾

«Эй имон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарк зандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Унга ибодат қилишдан) чалғитиб қўймасин! Ким шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир» (Мунофиқун, 9).

﴿وَاذْكُرِ اسْمَ رَبِّكَ وَتَبَتَّلْ إِلَيْهِ تَبْتِيلًا﴾ ﴿٨﴾

«Раббингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай ажралинг!» (Муззаммил, 8).

﴿وَأذْكُرِ اسْمَ رَبِّكَ بُكْرَةً وَأَصِيلاً﴾ ﴿٢٥﴾

«Эртаю кеч Раббингиз номини ёд этинг!» (Даҳр, 25).

Қуръони каримнинг 3 та сураси 3 та оятида такбирга буюрилган:

﴿وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَيْتُمْ وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾ ﴿١٨٥﴾

«Бу — ҳисобни тўлдиришингиз ҳамда ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳга такбир (ҳамду сано) айтишингиз ва шукр қилишингиз учундир» (Бақара, 185).

﴿وَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَمْ يَتَّخِذْ وَلِداً وَلَمْ يَكُن لَّهُ شَرِيكٌ فِي الْمَلِكِ وَلَمْ يَكُن لَّهُ وِئٌ مِّنَ الذَّلِيلِ وَكَبْرَهُ تَكْبِيرًا﴾ ﴿١١١﴾

«Ҳамд фарзанд тутмаган, подшоҳлигида шериги йўқ, хорқликдан (қутқарувчи) дўсти бўлмаган (яъни ҳеч кимга муҳтож бўлмайдиган) зот — Аллоҳга хосдир», денг ва (улуғлаб) Унга такбир айтинг!» (Исро, 111).

﴿وَرَبِّكَ فَكَبِّرْ﴾ ﴿٣﴾

«Раббингизни улуғланг» (Муддассир, 3).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «“Муфарридлар” зафарга эришди», дедилар. Саҳобалар: “Ё Аллоҳнинг расули, “муфарридлар” кимлар?” деб сўради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга: “Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва Аллоҳни кўп зикр этувчи аёллар — муфарридлардир”, деб жавоб бердилар.

Аҳзоб сураси 35-ояти каримадаги:

﴿وَالذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا﴾ ﴿٣٥﴾

«Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар — улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот-

ни (яъни жаннатни) **тайёрлаб қўйгандир»** жумласининг мазмуни ҳақида уламолар турли фикрлар билдирган, яъни “Аллоҳни кўп зикр қилувчилар” деб кимларга айтилади?

Саид ибн Жубайр (розияллоҳу анҳу) сўзларига қараганда, ҳар бир киши бирор амални бажаришда Аллоҳга итоат, Унинг розилигини топиш ниятида бўлар экан, у зокирдир.

Зикр инсоннинг қалбига хузур-ҳаловат бағишлайди. Зикр учун фикр асос саналади. Тафаккур Аллоҳни ўйлаш, эслашдир. Инсон Аллоҳ таолони эслаганида бевосита Унга қул эканини унутмаслиги керак. У бизнинг Илоҳимиз, Яратувчимиз — Холиқимиз. У бизни йўқдан бор қилди. Бизга ризқ берди. Ҳамма нарсани Ундан оламиз. Демак, биз Унинг қулимиз. Аллоҳга қул бўлганимиз учун Унинг амрларига итоат этамиз. Унинг ризолиги йўлида ҳаракат қиламиз. Аллоҳ биздан рози бўлса, бизга янада кўпроқ марҳамат қилади, албатта. Бизга мукофот беради, жазоламайди. Аллоҳ хоҳлаган нарсасини қилиши мумкин. Бизга мукофот ҳам, жазо ҳам бериши мумкин. Жазоланишдан Ўзи сақласин. Инсон зоти Унинг ғазабига учраши мумкин бўлган нарсалардан узоқ юриши лозим. Унинг марҳаматига, лутфига, карамига сазовор бўлиш учун қўлимиздан келган барча ҳаракатни қилишга интилишимиз керак. Аллоҳ таоло ҳузурда тургандек, Уни тафаккур қилиш, Уни ўйлаш лозим. Чунки инсон бир нарсани ўйламаса, вақт ўтиши билан унутади. Унутилганидан кейин номи ўчиб кетади. Бироқ тўхтовсиз эслаб турилса, асло унутилмайди. Ўйлаб юрган нарсамизни унутишимиз мумкин эмас. Албатта, имонимиз бор, алҳамдулиллаҳ. Аллоҳни унутмасак, Унга хуш ёқадиган ишларни қилишга ғайрат кўрсатамиз. Албатта, бу Аллоҳнинг амрларига итоат, тақиқларидан қочишдир.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эркак киши ярим тунда ўз аёлини уйқудан уйғотса, икковлари ҳам икки ракат намоз ўқиса, улар **“Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва Аллоҳни кўп зикр этувчи аёллар”** қаторига ёзилади», дедилар (*Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

Имом Абул Ҳасан Воҳидий Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) эшитиб айтишича, улар беш вақт намоздан кейин ҳам, эрталаб ҳам, кечқурун ҳам, ётган жойларида ҳам, уйқудан уйғонган вақтларида ҳам, уйларида чикаётган ва қайтиб келаётган вақтларида ҳам Аллоҳни зикр қилувчилардир.

Мужоҳид (розияллоҳу анҳу) айтади: “Тик турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳнинг зикрида бўлмаган эркаклар ва аёллар “Аллоҳни кўп зикр этувчилар”дан бўлмайди”.

Ато ибн Абу Рабоҳ айтади: “Беш вақт намознинг ҳақларини мукаммал адо этган кишилар “Аллоҳни кўп зикр этувчилар”дан саналади” (Имом Нававий. “Ал-азкор”, 10-бет).

Имом Абу Амр ибн Салоҳ (раҳматуллоҳи алайх) фикрича, эрта-лаб ва кечқурунда, кечаси ва кундузда турли ҳолатларда ўқиш тайин этилган дуоларни ўзига вазифа қилиб олган киши мунтазам ўқишда давом этса, у **“Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва Аллоҳни кўп зикр этувчи аёллар”**дан саналади.

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло қиёмат кунни бир неча кишиларни юзлари нурли ва олмосдан ясалган минбарлар устида турган ҳолатда қабрларидан турғазади. Ҳамма уларга ҳавас билан қарайди. Ҳолбуки, улар пайғамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам эмас”, дедилар. Шунда бир саҳройи араб тиз чўкиб: “Ё Расулуллоҳ, уларни бизга таърифланг, таниб олайлик”, деди. “Булар турли қабилалардан ва ҳар хил узоқ жойлардан бўлгани ҳолда бир ерда тўпланиб, Аллоҳни зикр қилганлардир”, дея марҳамат қилдилар.

Зикр қилувчи ўзига муайян вақтларда муайян оятлар ёки дуолар ўқишни, нафл намоз адо этишни одат қилган бўлса, уни узмасдан давом эттириши керак. Агар бирор сабаб билан кундалик вазифасини адо этолмай қолса, имкон топиши билан унинг қазосини ўқиши керак. Агар қазога бепарволик қилса, ўз вақтида адо этишга ҳам бепарво бўлиб боради.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким тунги вазифасини адо этишдан ухлаб қолса, бомдод билан пешин ўртасида унинг қазосини ўқиса, кечаси билан зикр қилган савобига эришади”.

Ҳазрат Навоий зикр ва шукр ҳақида бундай деган:

*Илоё, тилимни шукрингга шокир айла,
Илоё, дилимни зикрингга зокир айла.*

Зикр пайтида биров салом бериб қолса, бирор одамнинг акса урганини эшитиб қолса, имом хутба бошлаб қолса, муаззин азон айтиб қолса, бирор кароҳатни кўриб қолса, биров чақириб қолса, бировга ёрдам бериш кераклигини билиб қолса, уйқу ғолиб кел-


са, шу ондаёқ зикрни тўхтатиб, зарур ишни бажариб олади, кейин жойига қайтиб келиб, зикрни келган жойидан давом эттиради.

Баъзи олимлар: “Зокир ўз тиловатини, саловотини ва дуоларини тил билан талаффуз қилмаса, китобга кўз югуртиргани, дилига келтиргани билан зикр ўрнига ўтмайди”, дейди. Бу фикр бир оз баҳс талабдир, чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин кишининг нияти амалидан яхшироқдир”, деганрлар. Ният эса дилда пайдо бўлган бир ҳолат бўлиб, у гоҳ талаффуз этилади, гоҳ талаффуз этилмайди. Демак, зикр банданинг бирор ибодат ёки солиҳ амал билан машғул бўлганида Аллоҳга қалбан боғлиқлигидир.

Аллоҳни зикр қилишни Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан ўрганайлик. У кишининг машҳур сўзлари: “Дил баёру даст бакор” (Яъни дилимиз Аллоҳ билан, қўлимиз иш билан) бўлса, Аллоҳ ишимизга унум ва барака ато этади.

РАСУЛУЛЛОҲГА (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) САЛАВОТ АЙТИШ

Улуғ муаллим Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтишни Аллоҳ таоло буюрган. Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾


«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтур. Эй мўминлар! (Сизлар ҳам) унга салавот ва салом айтинг!» (Аҳзоб, 56).

Аллоҳ таоло ва Унинг фаришталари Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтар экан, биз айтмасак қандай бўлади?

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг олдида зикр қилинсам-у, у менга салавот айтмаса, бурни ерга ишқалсин”, дедилар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ бир фариштани яратиб, унга бутун халойиқ овозини эшитиш имконини берган. У қиёмат кунигача қабрим тепасида тик туради. Умматимдан ким менга салавот

айтса, бу фаришта менга: “Эй Муҳаммад! Фалончи ўғли фалончи сизга салавот айтди”, деб хабар беради», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ! **“Албатта, Аллоҳ ҳам, унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуо-салавот айтурлар”**, деган оят ҳақида бизга хабар беринг», дейишди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бу беркитилган илмдандир. Агар сизлар сўрамаганингизда эди, у ҳақда хабар бермасдим. Аллоҳ менга иккита фариштани вакил қилган. Бирон мусулмон киши ҳузурда зикр қилинсам-у, у менга салавот айтса, ўша икки фаришта унга: “Сени Аллоҳ мағфират қилсин”, дейди ва бошқа фаришталар: “Омин”, дейди. Бир мусулмон олдида зикр қилинсам-у, у менга салавот айтмаса, икки фаришта: “Сени Аллоҳ мағфират қилмасин”, дейди, қолган фаришталар: “Омин”, дейди», дедилар.

Анас (розиаллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир дуо Пайғамбарга салавот айтилмагунча, осмон ўртасидаги парда туфайли у ерда тўхтаб туради, салавот айтилса, ўша парда йиртилади”, дедилар.

Ҳикоя қилинишича, солиҳлардан бири ташаҳхудда ўтириб, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтишни эсдан чиқарди. Сўнгра Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тушида кўрди. Пайғамбар (алайҳиссалом) ундан: “Нима учун менга салавот айтишни унутдинг?” деб сўрадилар. У: “Аллоҳга ҳамду сано айтиш ва Унга ибодат қилиш билан машғул бўлиб, салавот айтишни унутибман”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, амаллар ва дуолар менга салавот айтилмагунича ушлаиб қолади. Агар банда қиёмат куни бутун дунё аҳлининг амали билан келса-ю, менга салавот айтмаган бўлса, унинг амаллари рад қилинади”, дедилар.

Бошқа бир ҳадисда: “Қиёмат куни менга нисбатан инсонларнинг энг ҳақлироғи менга кўп салавот айтганидир”, дейилган.

Зоҳидлардан бири тушида Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрди. Зоҳид Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзланса, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга қарамадилар. “Ё Расулуллоҳ! Сиз мендан хафамисиз?” деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Йўқ”, дедилар. Зоҳид: “Мени танимаяпсизми? Мен фалончи зоҳид бўламан”, деганида, “Сени танимадим”, дедилар. У: «Ё Расулуллоҳ! Мен уламоларнинг: “Пайғамбаримиз умматларини худди ота-она боласини танигандек танийди”, деганларини эшитганман», деганида, у зот (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам): “Уламолар тўғри айтибди, пайғамбар умматини ота-она боласини таниганидан ҳам яхшироқ танийди. Яъни пайғамбарига кўп салавот айтган умматини”, деб жавоб бердилар.

Абдурахмон ибн Авф (розияллоху анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Олдимга Жаброил келди ва: “Эй Муҳаммад! Сизга ким салавот айтса, унга етмиш минг фаришта салавот айтади. Кимга фаришталар салавот айтса, у жаннатий бўлади”, деди», дедилар.

Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади: У киши тушида Абу Асмо ни кўрди. Ундан: “Эй Абу Асмо, Аллоҳ сенга қандай муомалада бўлди?” деб сўради. “Мени мағфират қилди”, деди. “Нима сабабли?” деб сўради. У: “Қачон ҳадис айтсам, Расулуллоҳга (соллаллоху алайҳи ва саллам) салавот айтардим”, деб жавоб берди.

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: «Олдимга Жаброил, Микоил, Исрофил ва ўлим фариштаси келди. Жаброил (алайҳиссалом): “Ё Расулуллоҳ! Ким сизга бир кунда ўн марта салавот айтса, қиёмат куни мен унинг қўлидан ушлаб, сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтказиб қўяман”, деди. Микоил (алайҳиссалом): “Мен уни сизнинг Ҳавзи Кавсарингиздан суғораман”, Исрофил (алайҳиссалом): “Мен эса бошимни саждага қўяман, токи Аллоҳ уни мағфират қилмагунча кўтармайман”, деди. Ўлим фариштаси: “Мен унинг жонини пайғамбарнинг жонини олгандек енгил оламан”, деди». Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳ бир тоифа фаришталарни яратган, уларнинг қўлларида олтиндан қалам, кумушдан дафтарлари бор. Улар фақат менга ва аҳли байтимга айтилган салавотларнигина ёзади”, дедилар.

Ҳикоя қилинишича, бир яҳудий тўхмат қилиб, мусулмон киши унинг туясини ўғирлаганини даъво қилди. Бунга мунофиқлардан тўрт нафари ёлғон гувоҳлик берди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) туяни яҳудийга қайтаришга ва мусулмоннинг қўлини кесишга буюрдилар. Мусулмон киши ҳайратда қолди ва бошини осмонга кўтариб: “Эй Раббим! Албатта, бу туяни мен ўғирламаганимни биласан!” деди ва: “Ё Расулуллоҳ! Албатта, сизнинг ҳукмингиз ҳақ, лекин бу туядан мен ҳақимда сўранг”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Эй туя, сен кимникисан?” дедилар. Туя фасоҳатли тил билан: “Ё Расулуллоҳ! Албатта, бу мусулмонникиман. Бу гувоҳлар ёлғончидир”, деди. Шунда Набий (алайҳиссалом): “Эй мусулмон! Сен нима амал қилган эдинг, Аллоҳ сенинг ҳақлигингни исботлаш учун туяни гапиртирди?” деб

сўрадилар. У: “Ё Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)! Мен ҳар кеча ухлашдан аввал сизга ўн марта салавот айтаман”, деб жавоб берди. “Менга айтган салавотинг туфайли бу дунёда қўлинг кесилишидан нажот топдинг, охиратда эса азобдан нажот топасан”, дея марҳамат қилдилар Набий (алайҳиссалом).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким эрталаб ўн марта ва кеч киргач ўн марта менга салавот айтса, қиёмат куни Аллоҳ уни улкан даҳшатдан омонда сақлайди ва у пайғамбарлар, сиддиқлар билан бирга бўлади”, дедилар.

Суфён Саврий айтади: «Ҳажга борган вақтимда Ҳарамда бир кишини кўрдим, у Макканинг қайситарафида бўлмасин, тавофдами, Арафотдами, Минодами, фақат Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтарди. Мен унга: “Эй инсон, ҳар бир мақомнинг зикр ва дуо си бор. Сенга нима бўлди, дуо ҳам, зикр ҳам қилмасдан, фақат салавот айтяпсан?” дедим. У: “Бунинг қиссаси бор”, деди. “Менга унинг хабарини бер”, дедим. У: “Хуросондан Маккага ҳаж қилиш учун чиқдим. Мен билан бирга отам ҳам бор эди. Куфага келганимизда отам касал бўлиб, вафот этди. Унинг кийими билан юзини ёпдим. Сўнг юзини очсам, эшакнинг суратига ўхшаб қолганини кўрдим. Бундан қаттиқ қайғурдим. Бир пайт ухлаб қолибман. Тушимда бир киши олдимизга келди, унинг юзида ниқоб бор эди. У киши ниқобини юзидан олди ва менга: “Нега бунчалик ғамгинсан?” деди. “Бу мусибат сабабли нега ғамгин бўлмайин”, дедим. У отамнинг олдига борди ва юзини силади, натижада отам балоланган нарчасидан қутулди. Бориб юзига қарасам, юзи тўлин ойдек порлаб турибди. Шунда мен у кишига: “Кимсиз?” дедим. У киши: “Мустафومان”, деди. Шунда мен у кишининг ридоларидан ушлаб: “Худо ҳаққи, менга бу қисса хабарини беринг”, деб сўраганимда, “Сенинг отанг ҳаётлик вақтида ҳар кеча ухлашдан аввал менга юз марта салавот айтарди. Лекин отанг судхўр бўлган. Аллоҳнинг ҳукмида судхўрни бу дунёда ёки охиратда эшак суратида қилиш бордир. У менга салавот айтгани сабабли, умматимнинг амалларини арз қиладиган фаришта келиб, отангнинг ҳолатини билдирди”, дедилар. Шундан кейин мен Аллоҳ отамни мағфират қилишини сўраб, ҳар кеча Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юз марта салавот айтишни одат қилдим».

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Олдида зикр қилинсам-у, менга салавот айтмаган кимса ҳақиқий бахилдир”, дедилар.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар: “Ким менга бир марта салавот айтса, гуноҳи қолмайди”.

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта салавот айтади. Унинг ўнта гуноҳини ўчириб, мартабасини ўн даража кўтаради”, дедилар.

Подшоҳлар ўзларини яхши кўрган ва ҳурмат қилган одамларни яхши кўради. Аллоҳ эса Моликул мулк (яъни подшоҳларнинг подшоҳи) ва У бу карамга барчадан кўра лойиқдир. Шундай экан, ким Унинг ҳабибига салавот айтиб шарафласа, Аллоҳ тарафидан иззат-икромга, раҳматга, гуноҳлари кечирилишига ва даражаси кўтарилишига ҳақли бўлади.

“Соллаллоҳу ала Муҳаммад” сўзининг маъноси — Аллоҳ у кишининг шариатини ғолиб этиш ва зикрини олий қилиш билан бу дунёда улуғласин ва охиратда умматни шафоат қилишларига изн берсин, деганидир.

Салавот айтишдан мақсад, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш, амрига таслим бўлиш ва Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларини ўташдир. Салавотнинг энг мақбули ҳар сафар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) номларини эшитганда айтишдир. Ҳар доим, эртаю кеч, айниқса, жума кунлари салавотни кўпайтириш оқил кимсага вожибдир.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ким Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта салавот айтади. Ким у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўкса, Аллоҳ таоло уни ўн марта сўкади. Валид ибн Муғирага қарамай-сизми? Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўкканда Аллоҳ таоло уни ўн марта лаънатлади”.

Иброҳим ибн Адҳамдан (раҳматуллоҳи алайҳ) “**Менга дуо қилинглар, ижобат қиламан**” ояти хусусида сўраб, биз дуо қиламиз-у, ижобат бўлмайди, дейишганида у киши: “Қалбларингиз ўнта нарсадан ўлган”, деди:

1. Аллоҳни танийсизлар-у, ҳаққини адо қилмайсизлар.
2. Аллоҳнинг китобини ўқийсизлар-у, лекин унга амал қилмайсизлар.
3. Иблисни душман деб даъво қиласизлар, аммо уни дўст қилиб оласизлар.
4. Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўришни даъво қиласизлар, лекин у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўллари ва суннатларини тарк қиласизлар.

5. Жаннатни яхши кўришни даъво қиласизлар, аммо унга кириш учун амал қилмайсизлар.

6. Дўзахдан қўрқишни даъво қиласизлар, лекин гуноҳлардан тўхтамайсизлар.

7. Ўлим ҳақ деб даъво қиласизлар, бироқ унга тайёргарлик кўрмайсизлар.

8. Бошқаларнинг айби билан машғул бўласизлар, аммо ўз айбингизни сезмайсизлар.

9. Аллоҳнинг ризқини ейсизлар-да, унга шукр қилмайсизлар.

10. Ўликларингизни дафн қиласизлар-у, ундан ибрат олмайсизлар.

Ҳа, азизлар! Оддийгина бир-икки оғиз сўз билан кўплаб савоб ва мукофотларни қўлга киритишимиз учун бебаҳо васият ва ҳадисларини қолдириб кетган оламлар сарвари Муҳаммадга (солаллоху алайҳи ва саллам) ҳар қанча салавот айтсак кам.

ИХЛОС ВА САМИМИЯТ

Мусулмон киши ҳар бир амалини ихлос ва самимият билан бажаради, Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَمَا أُمْرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ

وَذَلِكَ دِينُ الْقِيَمَةِ﴾

«Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, Унинг учун динни (ширкдан) холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни баркамол адо этишга ҳамда закот беришга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри (ҳаққоний) диндир» (Баййина, 5).

“Ихлос” луғатда: “Тозалаш”, “холис қилиш” деган маъноларани англатади. Шариатда эса бу: “Ибодатга, зикрга ва дуога фақат Аллоҳ лойиқ” деб ният қилишдир.

Абул Қосим Қушайрий сўзларига қараганда, ихлосли киши амалини одамларга яхши кўриниш, уларнинг мақтовини ёки мукофотини олиш учун эмас, балки ёлғиз Аллоҳнинг розилигини топиш, Унга қурбат ҳосил қилиш ниятида қилиши керак. Бундай киши яхши амалларини халққа кўрсатиб, ёмонини беркитмаслиги лозим.

Ҳузайфа Маръаший бундай деган: “Ихлос — банданинг феъллари ташида ҳам, ичида ҳам бир хил бўлишидир”.

Абу Али Заҳҳок айтади: “Ихлос — халқ мулоҳазасидан сақланиш, тўғрилиқ эса, нафс хоҳишига эргашишдан тийилишдир. Ихлосли одам риёкорлик қилмайди, тўғри одам керилмайди”.

Зуннун Мисрий айтади: “Уч нарса ихлоснинг аломатидандир:

1. Одамлар мақтаганда ҳам, мазаммат қилганда ҳам бир хил туриш;

2. Ўзи қилаётган яхши амалларни унутиш (ғурурланмаслик);

3. Қилган амалларининг савобини охиратга сақлаб қўйиш (тамағир бўлмаслик)”.

Ихлосга энг чиройли таърифни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) берганлар ва буни “эҳсон” деб атаб, уни бундай изоҳлаганлар: “Эҳсон — банда ибодатини Аллоҳни кўриб тургандек адо этишидир. Чунки банда Аллоҳни кўриб турмаса ҳам, Аллоҳ уни кўриб туради”. Мана шу ихлосдир.

Ойша (розияллоҳу анҳу) айтади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бир одамнинг нияти дин арконларини адо этиш бўлса, унга албатта, Аллоҳ ёрдам беради”, дедилар (“*Фатҳул Кабир*”, *Имом Аҳмад ривояти*).

Ихлос ҳар бир амалнинг савобини кўпайтиради. Буни янада оддийроқ тушунтирадиган бўлсак, бир одам жамоат билан намоз ўқиш учун масжидга йўл олади ва ният қилади, агар йўлда бирор мазлумни учратсам, унга ёрдам бераман, агар йўлда одамларнинг ҳаракатига ҳалал берадиган бирор нарса турган бўлса, уни йўлдан олиб ташлайман, агар кўзи ожиз одамни кўрсам, уни йўлга солиб юбораман, агар муҳтожни учратсам, унга эҳсон қиламан, агар жанжаллашаётган икки кишига дуч келсам, уларни яраштириб қўяман деса, Аллоҳ таоло жамоат намозидан ташқари унга нияти учун алоҳида савоб беради. Мана шундай яхшиликларни ният қилиш ихлос, дейилади. Шунингдек, ёмонликлардан, ҳарому макруҳлардан, катта-ю кичик гуноҳлардан ўзини сақлаш нияти ҳам ихлосдир.

Бир қудсий ҳадисда бундай дейилади:

عن ابن عباس رضي الله عنهما عن رسول الله صلى الله عليه وسلم فيما يروي عن ربه تبارك وتعالى قال: «إن الله كتب الحسنات والسيئات ثم بين ذلك فمن هم بحسنة فلم

يَعْمَلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى عِنْدَهُ حَسَنَةٌ كَامِلَةٌ وَإِنْ هُمْ بِهَا فَعَمَلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِمِئَةٍ ضِعْفٍ إِلَى أضعافٍ كَثِيرَةٍ وَإِنْ هُمْ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ تَعَالَى عِنْدَهُ حَسَنَةٌ كَامِلَةٌ وَإِنْ هُمْ بِهَا فَعَمَلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ سَيِّئَةً وَاحِدَةً“

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Раббисидан ривоят қилиб айтадилар: “Албатта, Аллоҳ яхшилик ва ёмонликларни ёзиб қўйди ва уни баён қилди: Ким бир яхшиликни қасд қилса-ю, уни қилмаса, Аллоҳ Ўз ҳузурида тўлиқ бир яхшилик савобини ёзади. Агар уни қасд қилиб, амалга оширса, Аллоҳ азза ва жалла уни Ўз ҳузурида ўнтадан етти юз яхшиликкача, ундан ҳам бир неча марта кўп қилиб ёзади. Агар бир ёмонликни қасд қилса-ю, уни амалга оширмаса, Аллоҳ уни Ўз ҳузурида тўлиқ бир яхшилик савобини ёзади. Агар у (ёмонлик) ни қасд қилиб, уни амалга оширса, Аллоҳ уни бир ёмонлик қилиб ёзади”, дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Ислом шариати нақадар гўзал! Юқоридаги ҳадисдан маълум бўлишича, амалга бериладиган ажру савоб, асосан, банданинг ихлосига қараб бўлар экан. Чунки бир хил ният билан бир амални бажарган кишиларнинг бирига ўн ҳисса савоб берилса, иккинчисига етти юз ҳисса, учинчисига ундан бир неча баробар кўп савоб ато этилиши айтилмоқда. Савоб ихлосга қараб бўлади.

Ихлос ана шундай улуғ нарса. Ихлос билан қилинган ибодатнинг савоби ана шундай кўп бўлади. Ихлос самараси ўлароқ банда Раббига қилган ибодати лаззатини топади, руҳи мусаффо бўлади, қалби нурга тўлади ва амалига қўшимча савоб олади. Ихлосли банда насихат ва ибратлардан ўзига фойда олади.

Ихлос Аллоҳ таоло томонидан бандаларига берилган улкан мукофот ва неъматдир. Аллоҳ таоло қудсий ҳадислардан бирида: “Ихлос Менинг сирларимдан биридир. Бандаларимдан кимга муҳаббат қилган бўлсам, ўшанинг қалбига ихлосни жойлаганман. Унга фаришта таниш бўлиб, ёза олмайди ҳам, шайтон таниш бўлиб, буза олмайди ҳам”, деган.

Абу Муҳаммад Саҳл Тустарий “Назарул акёс фи тафсирил ихлос” номли китобида бундай ёзган: “Ихлосли одамнинг ҳар бир ҳаракати ва сукунати ошкоралиқда ҳам, махфийликда ҳам фақат Аллоҳ учун бўлиши, унга нафс, ҳавас ва дунёнинг манфаати аралашмаслиги керак”.

Ривоят қилинишича, тасаввуф аҳли пешволаридан Имом Шиблий халқ орасида катта обрўга эга пири муршид эди. Бир куни шогирдларидан бири Шиблийга: “Шаҳарнинг нариги чеккасида истиқомат қиладигап бир новвойнинг ихлос ва муҳаббати жанобингизга жуда баланд. Юрган-турганда номингизни тилдан қўймасдан: “Шиблий ҳазратларини бир кўрсам эди”, деб такрорлагани-такрорлаган. Лекин хизматда жуда банд бўлгани учун зиёратингизга келолмайди”, деди. Имом Шиблий дарҳол шогирдига: “Ундай бўлса, унинг зиёратига мана биз борамиз!” деди ва ўзини танитмаслик учун эскироқ либос кийиб, новвой ҳузурига йўл олди. Новвой тандир олдида куймаланиб, янги пишган нонларни узиб, ёнидаги саватга ташларди. Имом Шиблий новвойга аста яқинлашди ва: “Аллоҳ учун нонингдан менга битта бер!” деди. Новвой Имом Шиблийни танимай унга ўқрайиб қаради ва: “Иссиқ нонни пули борлар ейди, пулинг бўлса нондан ол. Бу савдога Худони аралаштирма”, деди.

Имом Шиблий новвой ёнидан узоқлашди. Уни танийдиган ҳунармандлардан бири новвойга қараб: “Эсинг жойидами, ўзинг яхши кўриб, доим номини тилингдан қўймайдиган Имом Шиблий ҳузурингга ўз оёғи билан келса-ю, сен унга ҳурмат бажо келтирмай ҳайдаб юбординг?!” деб танбеҳ берди. Новвой қаттиқ ҳаяжонланиб: “Имом Шиблий шу одаммиди?” деди ва орқасидан югуриб, Шиблийга етиб олди. Қаттиқ ёлвориб: “Эй ҳазратим, мен сизнинг мухлисингизман, сизни танимабман, узримни қабул этинг!” деди. Имом Шиблий унга қараб норози оҳангда: “Бу ҳолатда сенинг узрингни қабул этолмайман. Агар сен минг тилло харажат қилиб, уйингда катта зиёфат ташкил этсанг, унга шаҳарнинг барча казо-казоларини таклиф қилсанг, ўшандагина ўша зиёфатга келиб, меҳмонлар олдида сенинг узрингни қабул қиламан ва гуноҳингдан ўтаман”, деди.

Новвой рози бўлди ва зиёфат куни белгиланди. Катта зиёфат дастурхони атрофига ҳамма жам бўлганида, ўтирганлардан бири шундай таклиф киритди: “Муҳтарам Шиблий ҳазратлари, хонадон соҳиби новвой катта саховат кўрсатиб, эҳсон қилибди. Фурсатни ғанимат билиб, саховатнинг фазилати, сахийларнинг жаннатга кириши, жаннат ва аҳли жаннатнинг қандай бўлиши ҳақида маъруза қилиб берсангиз”. Имом Шиблий ўтирганларга қараб: “Муҳтарам меҳмонлар, жаннат ва жаннатийларнинг қандай бўлишини билмайман-у, аммо аҳли дўзахийларнинг қиёфасини

кўраман десангиз, мана шу новвойга, унинг қиёфасига қаранглар!» деб хитоб қилди. Ўтирганлар бараварига: “Эй ҳазрат, саховат билан шундай катта зиёфат қилиб, унга таклиф этган бир яхши одамни сиз дўзахий деяпсизми?” деб эътироз билдирди. Шунда Имом Шиблий уларга: «Мен новвойга: “Аллоҳ учун менга битта нон бер!» десам у: “Аллоҳни аралаштирма!» деб мени ҳайдаб юборди. Менинг Шиблий эканимни билганидан сўнг эса, менинг розилигим учун минг тиллолик зиёфатга рози бўлди. Аллоҳга ихлос қилмасдан, унинг бир бандасига ихлос қилган, Аллоҳ учун бир нонни қизғаниб, унинг бандаси учун минг тиллони аямаган кимса албатта дўзахий бўлади-да», деди.

Фузайл ибн Йез (розияллоҳу анҳу) айтади: “Одамлар риояси учун бирор амални тарк этиш риёдир. Одамлар риояси учун бирор ишни қилиш ширқдир. Ихлос эса сени мазкур икки залолатдан ҳам сақлайди” (“Ал-Азкор”, Имом Нававий, 6-б.).

Ҳар бир ишда ихлос ва самимият нақадар муҳим экани барчага аён. Шунинг учун мўмин киши ҳар бир амалини чин ихлос ва катта самимият билан қилиши мақсадга мувофиқдир. Аллоҳ таоло ҳеч биримизни Ўзининг ихлосидан айирмасин!

КЎП КУЛИШ ҚАЛБНИ ЎЛДИРАДИ

Кўп кулиш ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿ فَلْيُصْحَكُوا قَلِيلًا وَلْيَبْكُوا كَثِيرًا جَزَاءٌ بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴾

«Бас, (улар) қилмишларининг жазоси учун (бу дунёда) оз кулсинлар ва (охиратда) кўп йиғласинлар» (Тавба, 82).

Беҳуда гапирмайдиган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп кулишдан ҳам қайтарганлар. Бу сўзга эътибор бериб қарасак, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақат Аллоҳ таоло томонидан юборилган элчи эмас, балки ишларнинг замирини ўргатувчи муаллим, қалб касалликларининг моҳир табиби эдилар. У зот қалбга ишора қилиб айтадилар: “Агар у соғлом бўлса, бутун вужуд соғлом бўлади, агар у бузилса, жасад ҳам айнийди”.

Бошқа бир ўринда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар мен билган нарсаларни билганингизда оз кулиб, кўп йиғлар эдингиз”, дедилар.

Агар қалб кўп кулиш касаллигига мубтало бўлса, ўзига келадиган нурлардан маҳрум бўлади. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп кулишга таъриф берар эканлар, уни шайтонга эргашиш ва ҳавойи нафсга қул бўлиш, деб изоҳлаганлар. Бировларни мазах қилишдан ҳазар қилиш лозим. Умар ибн Абдулазиз айтганидек: “Мазах қилишдан тийилинг, чунки у аҳмоқлик бўлиб, кек ва адоват келтиради”.

Ҳакимлардан бири мазахга шундай таъриф берган: “Мазах бу сўкишдир, чунки мазах қилувчи жиддий ҳолатда эмас, балки кулиб мазах қилади”.

Ҳаким Мансур бундай дейди: “Мазах қилиш олов ўтинни егани каби киши ҳайбатини еб битиради. Кимнинг мазахи кўпайса, ҳайбати камаяди, кимнинг ҳазил қилиши кўпайса, ақли камаяди”.

Саид ибн Ос ўғлига бундай васият қилди: “Мазах қилма, чунки кўп мазах қилиш киши қадрини кетказади ва аҳмоқликка етаклайди”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен ҳазил қилсам ҳам фақат ҳақиқатни айтаман”, деганлар. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазилларидан баъзиларини келтириб ўтиш тарбиявий жиҳатдан киши ўз ҳаддини билишида ибратдир.

Ансорийлардан бир кекса аёл Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ, мени дуо қилинг. Аллоҳ мени жаннатга киритсин”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Билмайсанми, жаннатга кампирлар кирмайди”, дедилар. Кампир йиғлаб юборди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) табассум қилиб: “Аллоҳнинг ушбу оятини ўқи-маганмисан, деб оятни ўқидилар:

﴿ إِنَّا أَنشَأْنَهُمْ إِنشَاءً ﴿٣٥﴾ جَعَلْنَهُمْ أَجْكَارًا ﴿٣٦﴾ عُرْيًا أترَابًا ﴿٣٧﴾ ﴾

«Биз уларни (хур қизларни) дафъатан пайдо қилдик (онадан туғилмадилар). Кейин уларни бокира қизлар қилдик. (Улар) жозибали ва тенгқурдирлар» (Воқеа, 35 – 37).

Шунингдек, яна бир аёл Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига эрининг иши туфайли келганида у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлдан: “Эринг ким?” деб сўрадилар! Аёл: “Эрим фалончи”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Кўзларида оқи бор кишимми?” дедилар. Аёл: “Йўқ, ундай эмас”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа,

шундай”, дедилар. Аёл уйига кетар экан, йўл-йўлакай Расулуллоҳ айтган сўзни ўйлаб кетди. Уйига етиб борганида эри ундан ҳолаҳвол сўради. Аёл айтди: “Мендан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эрингни кўзида оқи борми?, деб сўрадилар”. Эри унга: “Кўрмаяпсанми, киши кўзининг қорасидан оқи каттароқ бўлади”, деди (*Имом Ибн Абу Дунё ривояти*).

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ مِّنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَن يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِّنْ نِّسَاءٍ عَسَىٰ أَن يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنفُسَكُمْ وَلَا تَنَابَرُوا بِاللِّقَابِ بئْسَ الْأَسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَن لَّمْ يَتُبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Эй мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимол, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқдир. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимол, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқдир. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Ким тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардир» (*Хужурот, 11*).

Кулиш ва мазах тўғрисидаги васият Умар ва Али (розияллоҳу анҳумо) сўзлари билан яқунланади. Умар (розияллоҳу анҳу): “Ким кўп кулса, ҳайбати камаяди”, деган. Али (розияллоҳу анҳу) эса: “Олим қаттиқ кулса, унинг илми сусайиб бораверади”, деган.

МИСКИНЛАРНИ ЯХШИ КЎРИШ ВА УЛАР БИЛАН БИРГА ЎТИРИШ

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) орқали Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматига қилинган васият “Мискинларни яхши кўриш ва улар билан бирга ўтириш” жамиятда тенглик ва адолатни юзага чиқаради. Кўнгли яримлар ҳаётда нима учун яшаётганини англаб етади. Куръони карим таъбири билан айтганда ҳақиқий бой ва беҳожат Яратганнинг ўзидир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَنْتُمُ الْفُقَرَاءُ إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ﴾

«Эй инсонлар! Сизлар Аллоҳга мухтождирсиз. Аллоҳ эса, албатта, Ғаний (беҳожат) ва Ҳамид (ҳамдга лойиқ Зот)дир» (Фотир, 15).

Мол-дунёнинг кўплиги бойлик эмас, балки қаноат ҳақиқий бойликдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васиятларида “мискин, камбағал ва бева-бечораларни яхши кўр ва улар билин бирга ўтир”, деганларининг ўзи мўмин киши учун етарли. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуоларида:

“**الهِمُّ أَحْيِي مِسْكِينًا وَأَمْتِي مِسْكِينًا وَاحْشُرْنِي فِي زَمْرَةِ الْمَسَاكِينِ**”

“Ё Аллоҳ, мени мискин ҳолда тирилтир, мискин ҳолда вафот эттир ва мискинлар гуруҳида қайта тирилтир”, деганлар (*Ибн Можа ривояти*).

Ҳотамул Асам (раҳматуллоҳу алайҳ) бундай деди: “Ким тўрт нарсани тўрт нарсасиз даъво қилса, унинг даъвоси ёлғондир:

1. Аллоҳни яхши кўришни даъво қилса-ю, Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан тийилмаса — даъвоси ёлғон.

2. Пайғамбарни (алайҳиссалом) яхши кўришни даъво қилса-ю, мискин ва фақирларни ёмон кўрса – даъвоси ёлғон.

3. Жаннатни яхши кўришни даъво қилса-ю, садақа қилмаса — даъвоси ёлғон.

4. Дўзахни ёмон кўришни даъво қилса-ю, гуноҳлардан тўхта-маса, унинг ҳам даъвоси ёлғон”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтади: Бир киши қалби қаттиқлигидан Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шикоят қилди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Етимнинг бошини сила ва мискинга таом бер”, дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Етимнинг бошини силаш ва унга ғамхўрлик кўрсатиш нақадар улуғ ва савобли иш эканини яхши биламиз. Етимларга шафқат кўрсатган кишиларни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ҳурмат қилганлар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мен жаннат эшигини биринчи бўлиб очувчиман. Фақат бир аёл мендан илдамроқ эканини кўраман. Ундан: “Сен кимсан?” деб сўрайман. У: “Мен ўз етимларимга қараб ўтирган аёлман”, дейди», дедилар (*Имом Абу Яъло ривояти*).

Луқмон ўғлига насиҳат қилиб бундай деди: “Эй ўғилчам, қуйидагиларга амал қилмоғинг ҳикматдир: ўлик қалбни тирилтириш,

мискинлар ила ўтириш, подшоҳлар мажлисидан йироқлашиб ўз-ни тийиш, паст табақадагиларни шарафлаш, қулларни озод қилиш, ғарибларга бошпана бериш, камбағалларни беҳожат қилиш шарафли киши шарафини ва саййиднинг саййидлик мақомини зиёда қилади ва у молдан афзалдир, хавфдан сақловчидир, фойда қилинаётган пайтдаги буюмдир, қўрқинч ўраб тургандаги шафоатчидир, нафсда ишонч тугаган пайтдаги далолатчидир, кийим йўқ пайтдаги кийимдир”.

Абу Забйа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) вафотидан сал олдин хасталаниб қолди. Беморни кўришга келган Усмон (розияллоҳу анҳу) ундан: “Сени нима безовта қияпти?”, деб сўради.

- Гуноҳларим.
- Кўнглинг нимани тусаётир?
- Раббимнинг раҳматини.
- Сенга бир табиб чақирайми?
- Аслида мени касал қилган Табибдир.
- Сенга бир оз маош ёздиришимга рухсат берасанми?
- Маошга эҳтиёжим йўқ.
- Ҳеч бўлмаса, кейин қизларингга тегади-ку!

Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): «Сен қизларимни камбағалликдан қийналади, деб хавотирдамисан? Мен уларга ҳар кеча Воқеа сурасини ўқишни тайинлаганман. Зеро, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар оқшом Воқеа сурасини ўқиган киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди”, деганларини эшитган эдим», деди.

Ва яна у киши айтади: “Кўпчилик ёқтирмайдиган ўлим ва камбағаллик қандай ажойиб нарсадир. Аллоҳга қасам, бойлик ҳам, фақирлик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтиҳон қилинсам ҳам, хотиржамман. Бой бўлган кезлар муҳтожларга ёрдам қилиш, фақирликда эса сабр этиш фазилати бор. Банда имон чўққисига чиқмагунича унинг ҳақиқатига етишолмайди. Муслмон камбағалликни бойликдан, пастлашишни юксалишдан афзал кўрмагунича ва уни мақтаган ёки ёмонлаган кишиларни бир хилда кўрмагунича имон чўққисига чиқа олмайди. Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасам, муслмон ҳолда тонг оттириб, кечкурун шу ҳолда уйқуга кетган бандага дунёнинг мусибатлари зарар бермайди. Барчангиз меҳмонсиз, қўлингиздаги дунё моли эса омонатдир. Меҳмон албатта бир куни кетади ва омонат эгасига берилади.

Ҳақ оғирдир, бироқ томоқдан осон ўтади. Ботил енгилгина, аммо касаллик келтириб чиқаради. Неча-неча инсоний орзу-истаклар бор, уларга эргашилса, узоқ вақт давом этгучи хафагарчилик билан ниҳоя топади”.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюрган:

﴿وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ
وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ عَن
ذِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرُطًا﴾

«Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигори “юзи”ни истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга сабр қилишга унданг! Дунё ҳаёти зийнати деб кўзларингиз улардан четла-масин! Шунингдек, қалбини Биз зикримиздан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчи-лик бўлган кимсаларга итоат этманг!» (Қаҳф, 28).

Бу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби қуйидагича: барча пайғамбарлар билан рўй берганидек, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам дастлаб фақир кишилар имон келтиришган эди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Салмон, Сухайб, Билал ва Аммор ибн Ёсирларга ўхшаган фақир кишилар билан мажлис қуриб ўтирар эдилар. Дастлаб фақирлар эргашиши пайғамбарлик аломати эканини эшитган мушриклар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) атрофидаги фақир мусулмонларни ҳайдаб юбормоқчи бўлди. Шу мақсадда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Эй Муҳаммад, атрофинг-даги камбағалларни ҳайдаб юбор. Улар билан бирга ўтириш-дан жирканамиз. Агар уларни ҳайдаб юборсанг, сенга олийнасаб, олиймақом кишилар имон келтиради”, дейишди. Бунга жавобан Аллоҳ таоло: “**Эртаю кеч Парвардигори жамолини истаб, Унга илтижо қиладиган зотларни атрофингиздан ҳайдаманг**”, маз-мунидаги оятини туширди.

Фақир мусулмонларнинг ҳайдалишидан умидлари узилган мушриклар, у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Муҳаммад, агар уларни ҳайдамасанг, унда бир кунни уларга, бир кунни биз-ларга тайин қил”, деб шарт қўйди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги

ояти каримани нозил қилди: «Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигори “юзи”ни истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга сабр қилишга унданг! Дунё ҳаёти зийнати деб кўзларингиз улардан четламасин! Шунингдек, қалбини Биз зикримиздан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг! Айтинг: “(Бу Қуръон) Раббингиз (томони)дан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин”. Аниқ, Биз золим (кофир)лар учун алангалари уларни қамраб оладиган дўзахни тайёрлаб қўйганмиз. Агар улар (ташналикка чидамай) ялинса, эритилган (қиздирилган) ёғ каби юзларни куйдирувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у!» (Каҳф, 28 – 29).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақирларни улуғлар, ҳурмат қилар эдилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага ҳижрат қилганларида, фақир саҳобалар ҳам ҳижрат қилди ва масжид супасига жойлашиб дунё ташвишларидан узилишди. Уларга “Асҳобус суффа” супа эгалари деб ном берилди. Ҳижрат қилиб келган фақирлар улар сафига қўшилар ва улар кундан-кунга кўпаяр эди. Улар Аллоҳ ўз дўстларига ҳозирлаган эҳсонга гувоҳ бўлди, бунга имон нури ила боқдилар ва борлиқдаги бирон нарсага диллари кетмади. Аксинча, улар: “Сенгагина ибодат қиламиз, Сенга бўйсуниб сажда қиламиз, Сенинг ёрдамингда рушду ҳидоятга эришамиз, Сенга таваккул этамиз, Сенинг зикринг ила ҳузурланиб шод бўламиз, Сенинг муҳаббатинг майдонида сайру саёҳат қиламиз, Сен учун амал ва ҳаракат қиламиз ва Сенинг эшигингдан ҳаргиз кетмаймиз”, дейишди.

Фақирлик икки хил — умумий ва хос (хусусий) бўлади.

Умумий фақирлик — Аллоҳ таолога муҳтожлик бўлиб, у барча махлуқотлар сифатидир. Бу Аллоҳ таолонинг:

﴿وَاللَّهُ الْغَنِيُّ وَأَنْتُمُ الْفُقَرَاءُ﴾

«Аллоҳ Ғаний (бой), сизлар эса фақирдирсиз», (Муҳаммад, 38) ояти каримасининг маъносидир.

Хос фақирлик — Аллоҳнинг дўстлари ва суюклиларининг сифати бўлиб, у ҳамиша Аллоҳ азза ва жалла ёди билан машғул бўлгани, Унга қаттиқ берилгани, Унинг зикри ила улфат бўлгани сабабли қўл ва дилнинг дунёга эҳтиёжи йўқлигидир.

Салафлардан бири ҳикоя қилади: «Мен илгари гуноҳ ишларга, ичкиликка берилган эдим. Бир куни муҳтож етим болани учратиб қолдим. Уни уйимга олиб келиб, қорнини тўйдирдим, ҳаммомда чўмилтириб, сочларини олиб, кийим кийдирдим. Қисқаси ота ўз фарзандига марҳамат кўрсатганидан ҳам зиёдароқ марҳамат кўрсатдим. Шундан сўнг кечаси ухладим. Туш кўрдим. Гўёки қиёмат қоим бўлибди. Мен ҳисоб-китобга чақирилдим ва қилган гуноҳларим туфайли дўзахга ҳукм қилиндим. Забониялар (азоб фаришталари) мени дўзахга судраб кета бошлади. Уларнинг қўлларида мен заиф, ҳақир ҳолда эдим. Шу пайт йўлда ҳалиги етим рўбарў келди ва: “Эй Раббим фаришталари, уни қўйиб юборинглар, токи Раббимдан унга шафоат тилай. Зеро, у менга яхшилик қилди ва марҳамат кўрсатди”, деди. Фаришталар: “Бу бизга буюрилмаган”, деди. Шу пайт Аллоҳ таоло тарафидан: “Уни қўйиб юборинглар. Етимга яхшилик қилгани ва етим шафоати сабабли унга сўраган нарсаларини бердим”, деган нидо келди. Кейин уйғониб кетдимда, Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилдим ва бутун қуч-ғайратимни етимларга марҳамаг кўрсатишга сарфладим».

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) айтган: “Уйларнинг яхшиси унда етим бўлиб, унга яхшилик қилинадиган уйдир. Уйларнинг ёмони унда етим бўлиб, унга ёмонлик қилинадиган уйдир. Аллоҳ таолога бандаларининг энг суюклиси етим ёки бевага яхшилик қилган кишидир”.

Ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Довудга (алайҳиссалом): “Эй Довуд, етимга меҳрибон отадек, бевага шафқатли эрдек бўлгин. Билгин, нима эксанг шуни ўрасан”, деб ваҳий қилди. Яъни бошқага қандай муносабатда бўлсанг, сенга ҳам шундай муносабатда бўлинади. Бир кун келиб сен ҳам вафот этасан ва етим фарзандинг ёки бева аёлинг қолади.

Довуд (алайҳиссалом) ўз муножотларида: “Эй Илоҳим, жамолингни истаб етим ва бевани қўллаб-қувватлаган, суйган кишининг мукофоти нима?” деб сўраган эди, “Мукофоти уни соямдан ўзга соя йўқ кунда Ўз соямга олишимдир”, дея жавоб берди.

Сулаймон (алайҳиссалом) кунларнинг бирида масжидга кирса, бир мискин ўтирган экан. Унинг олдида бориб: “Мискин мискин билан ўтирибди”, деган экан.

Ўтган пайғамбарларнинг барчалари мискинларни севишган ва уларга меҳр-шафқат кўрсатишган. Жумладан, Мусо (алайҳиссалом) Раббига муножот қилиб: “Эй Раббим, сени қаерлардан

излайин?” деди. Шунда: “Кўнгли яримта инсонлардан изла”, деган нидо келди. Исо (алайҳиссалом) ҳам ўзини “мискин” деб қақирилишини хуш кўрар эди. Фақир, мискин ва бева-бечораларнинг бошини силаган ва уларга шафқат кўрсатган энг улуғ зот Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эдилар. Сарвари олам: “Фақирлик фаҳримдир”, деганлар.

Инсон обрўйи, мол-дунёси билан фаҳрланиши мумкин. Лекин фақирлик билан ҳам фаҳрланса бўладими, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб юқоридаги икки оғиз сўз. Бу сўз билан не-не инсонлар қалбида умид учкунларини пайдо қилган, кўнгилларида имон ҳаловати куртак очган.

Тарихда етимлар бошини силаган ва уларга кўмак берган инсонлар ҳақида кўплаб китоблар ёзилди ва ёзилмоқда. Кимдир уларнинг қалбига йўл топиш учун бор-будини сарфлаган бўлса, яна кимдир чиройли муомаласи билан уларни хушнуд этган. Лекин бир нарса кундай равшан, башарият тарихида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби ҳам сўзда, ҳам амалда уларни хурсанд қилган комил инсон бўлмаса керак. Сўзимиз исботи сифатида бир ҳадисни эшитайлик:

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Етимни кафилига олган киши мен билан жаннатда худди шундай бирга бўлади”, деб иккала бармоқларини жуфтлаб кўрсатдилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари ҳам етим ўсганлар. Гарчи боболари ва амакилари у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўнгилларини ўқситмаган бўлса-да, етимлик нималигини жуда яхши билганлар. Лекин фарзанд учун ота-онанинг ўрнини боса оладиган яна ким бор?!

Аҳмад Яссавий ҳазратларининг пурмаъно байтларида:

*“Қул Хожа Аҳмад мискиндур, мискинлардин маъно сўр,
Мискинлик кони ҳузур, басар бўлғон Муҳаммад”,*

деб, мискинларнинг ҳолидан хабар олиб туриш лозимлиги, уларга нисбатан хушёр ва меҳрибон бўлиш тавсия қилинган.

Пайғамбар (алайҳиссалом) Абу Заррга қилган васиятларидаги сўзлар бир-бирига шунчалик мос, гўё улар бир-бирини тўлдириб келади. Юқорида мискинларни яхши кўриш ва улар билан бирга ўтириш лозимлиги айтилган бўлса, энди: “Ўзингдан паст бўлганларга қара, тепадагиларга қарама”, дейилганда ҳам инсон ўз ҳаддини билиши, бориға шукр, йўғига қаноат қилиши лозимлиги уқтирилган.

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло бундай деган: “Бандам, мен битган қисматга рози бўлсанг хотиржам бўласан ва ҳузуримда мақталган ҳисобланасан. Мен битган қисматга рози бўлмасанг, дунёнинг кули бўласан, худди чўлда ваҳший жонивор қувгани каби тиним билмай орқасидан югурасан, лекин пешонангда ёзилганини оласан холос ва Менинг ҳузуримда осий, деб ёзиб қўйиласан”.

Моддий жихатдан ўзидан бой бўлган кишига ҳавас кўзи билан қарашдан ҳазар қилиш зарур. Чунки унга ҳавас қилиш туфайли Аллоҳ берган неъматларни билмаган ҳолда паст санаб қўйиш эҳтимоли бор. Камбағал кишига қараб, ўзида бор нарсага шукр қилган киши шокир бандалардан бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ﴾

«Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: “Қасам, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир”» (Иброҳим, 7).

Оятдаги шукр қилиш ва ношукрлик ҳақида Исроил авлодига қарата айтилган бўлса-да, лекин унинг ҳукми умумий бўлиб, то қиёматга қадар келадиган барча инсонларга тегишлидир. Шукр қилиш ўз-ўзидан бўлмайди, балки ўзидаги моддий ва маънавий неъматлар ҳақида кўп мулоҳаза қилиш, улар берилган тақдирда қандай ҳолатда бўлишни тасаввур этиш, ўзидан қашшоқроқ, қийналганроқ кишиларни ёдга келтириш инсонни ўзидаги неъматлар учун Аллоҳга шукр қилишга ундайди. Бу иши инъом этувчига ҳам манзур бўлади. Натижада неъмат зиёдалигига сабаб бўлади. Аксинча, ношукрлик, нонкўрлик каби ҳолатлар инъом этувчида нафрат ва ғазаб пайдо бўлишига олиб келади. Натижада берган неъматларини қайтариб олиш ёки бошқа офат ёхуд мусибатларга дучор қилиш йўли билан жазолаши жоиз бўлиб қолади (“Лубобут таъвил фи маонит танзил” Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Бағдодий).

ДИН НАСИХАТДИР!

Тамим Дорий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дин насиҳатдир!”, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Шунда саҳобалар: “Ким учун, ё Расулуллоҳ!” деб сўради. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ учун, Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ва оммаси учун”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

“Насиҳат” сўзи луғатда “холис”, “самимият”, “содиқ” деган маъноларни англатади. Урфда эса, бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан яхши йўл-йўриқларни айтишидир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дин насиҳатдир!” деганларида диннинг моҳияти насиҳат, тўғрилик ва барқарор ҳамда хотиржамлик эканини назарда тутганлар.

Бир ҳадиси шарифда бундай дейилган: “Мендан олдин Аллоҳ таоло юборган пайғамбарларнинг ҳаворийлари ва саҳобалари бўлиб, улар пайғамбар йўлидан юрган, унинг амрига итоат этган. Ундан кейин келган инсонлар унга хилоф қилган, қилмаган ишларини айтишган ва буюрилмаган ишларини қилишган. Ким қўли билан уларга қарши чиқса, у мўминдир, ким тили билан уларга қарши чиқса у мўминдир, ким дили билан уларга қарши чиқса, у мўминдир. Бундан бошқа кишида тарикча имон йўқ” (*Имом Муслим ривояти*).

Бу ҳадисни бошқа бир ҳадис шарҳлаб келган:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: “مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُغَيِّرْهُ بِيَدِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِقَلْبِهِ وَذَلِكَ أضعف الإيمان.”

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бир ёмонлик кўрса, уни қўли билан қайтарсин, кучи етмаса, тили билан қайтарсин, шунда ҳам кучи етмаса, дили билан қайтарсин, мана буниси эса имоннинг энг заифидир”, деганларини эшитдим (*Имом Муслим ривояти*).

Демак, мўмин киши учун бирор ёмон ишни кўрса, ундан бошқаларни қайтариши ҳам насиҳат экан. Ислом маданиятига қаранг,

биринчи қўл билан, кейин тил билан, кейин дил билан қайтаришга буюряпти. Фақат қўл ёки фақат тил билан қайтариш эмас, балки энг сўнгги умид дил билан, ич-ичдан ёмон кўриш ҳам керак экан. Мана шу орқали мусулмон киши насиҳат қилган бўлади, бу орқали жамиятда юзага келадиган турли кўнгилсизликлар олди олинади.

Насиҳат энг аввало, Аллоҳ учун, кейин унинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун, имомлар, яъни бошлиқлар ва омма учун бўлиши ҳадиси шарифда айтиб ўтилди. Қуйидаги икки ривоят насихатнинг нақадар улуғ иш эканини кўрсатади.

1. Умар (розияллоҳу анҳу) халифалик даврида Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Баҳраинга волий этиб тайинланади. Бир сафар Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Мадинага келганида ёнида ўн минг дирҳам пул бор эди. Уни кўрган Умар (розияллоҳу анҳу) Абу Ҳурайрага: “Буларни ўзлаштирдигми, эй Аллоҳнинг ва Китобининг душмани”, деди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу): “Мен Аллоҳнинг ва Китобининг душмани эмас, балки у иккисига душман бўлганларнинг душманман”, деди. “Унда булар сенга қаердан келди”, деди халифа. “Отим бор эди, туғди. Уни сотиб, пулини тижорат учун айлантиришга бердим”, деди Абу Ҳурайра. Умар (розияллоҳу анҳу) бу ҳолатни текшириб кўрди ва пулни қаердан олганини аниқлагач, Абу Ҳурайрага (розияллоҳу анҳу) бу пул ҳалол эканини англаб етди ва унинг волийлик ишлари баракасини сўраб дуо қилди.

Умар (розияллоҳу анҳу) унга: “Ёмон кўрсанг ҳам сенга яхшиликни истаб шундай қилдим”, деди ва Юсуф (алайҳиссалом) ҳақларида сўз очмоқчи эди, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу): “Юсуф (алайҳиссалом) пайғамбар бўлган. Мен эса, Абу Ҳурайраман, билмасдан гапиришдан кўрқаман, чунки таъзим берилиши, молим тортиб олиниши ва шаънимга ёмон сўзлар айтилиши мумкин”, деди.

2. Бир куни Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу) Муовия ибн Абу Суфённинг кўп мол эҳсон қилганини кўрди ва унга: «Агар инфоқ қилганларинг давлат хазинасидан бўлса, сен хоинсан. Биласан, **“Аллоҳ таоло хоинларни ҳидоят қилмайди”** (Юсуф, 52). Агар улар ўзингники бўлса, унда сен исроф қилдинг, **“Аллоҳ исроф қилувчиларни севмайди”** (Аъроф, 31) деди».

Бу ривоятда Муовия ибн Абу Суфёнга Абу Зарр (розияллоху анху) молни тўғри сарфлаш хусусида насиҳат қилди.

Насиҳат мусулмонларнинг имомларига бўлиши ҳадисда зикр қилингани каби оддий бир саҳоба Муовиянинг (розияллоху анху) кўп мол сарфлаганини кўриб, унга ояти каримани эслатиб қўйди. Демак, динда насиҳат ҳар бир нарсада бўлиши ва ҳар ким томонидан айтилиши мумкин экан.

“Дин насиҳатдир”, дейилганда фақат бировларга ақл ўргатиш эмас, балки ҳар бир лаҳзани яшаб кўрсатиш ва шу орқали ўрناق бўлиш лозим. Зеро, юқоридаги икки ҳикояда қандай насиҳат қилингани гувоҳи бўлдик. Мўмин киши айтиб эмас, балки яшаб насиҳат қилиши керак.

Халқ орасида пайдо бўлган айрим нотўғри тушунчалар кишини ажаблантиради. Баъзан: “Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма”, деган маънодаги гап-сўзлар қулоғимизга чалиниб қолади. Аслида бу нақлнинг маъноси бутунлай бошқача: “Домла жамоатга нафл ибодатларни буюрмайди, балки фарз, вожиб ва суннат амалларга риоя қилишга чақиради. Ўзи эса, нафл ибодатларни ҳам бажаради. Бу оммага малол келмаслиги учун: “Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма”, деган нақл пайдо бўлган.

Бу ҳам бир насиҳат. Чунки дин машаққат эмас, енгилликдир.

ИСТИҒФОР ВА ТАВБАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Инсон гоҳо билиб-билмай хатолар қилиб қўяди. Ўзининг хатосини тан олган киши қайтиб бу ишни қилмасликка ҳаракат қилади. Чунки инсон ўзи қилган ишларни тафаккур қилиши лозим. У хато қилганда тавба қилиш имконияти борлигини англайди. Аллоҳ таоло унга имконият беради. Чунки У ўта меҳрибон ва шафқатли Зотдир.

“Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўтган ва келаси барча гуноҳларини мағрифат қилинганига кафолат борлигига қарамасдан у зот ҳар куни етмиш мартадан ортиқ истиғфор айтган ва тавба қилганлар”, дейилади (*Имом Бухорий ривояти*).

Одам (алайҳиссалом) айтади: “Аллоҳ Муҳаммад умматига менга бермаган тўртта афзалликни берди: биринчиси, менинг тавбам Маккада қабул бўлди. Муҳаммад уммати қаерда тавба қилса ҳам, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилади. Иккинчиси, мен осий

бўлган вақтимда, Аллоҳ либосимни олиб қўйди, аммо Муҳаммаднинг уммати яланғоч ҳолда осий бўлса ҳам, Аллоҳ уларни либослантиради. Учинчиси, осий бўлган вақтимда аёлим билан орамиз ажратиб қўйилди. Аммо Муҳаммаднинг уммати осий бўлса-да, улар билан хотинларининг ораси ажратиб юборилмайди. Тўртинчиси, мен жаннатда осий бўлган эдим, Аллоҳ мени у ердан чиқариб юборди. Аммо Муҳаммаднинг уммати жаннатдан ташқарида Аллоҳга осий бўлади, лекин тавба қилса, Аллоҳ уларни жаннатга киритади”.

Ҳар бир мўминга тавба қилиш вожиб ҳисобланади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَيَتَقَوْمِ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوا إِلَيْهِ يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا وَيَزِدْكُمْ قُوَّةً إِلَى قُوَّتِكُمْ وَلَا تَتَوَلَّوْا جُرْمِيْنَ﴾

«Эй қавмим! Раббингиздан мағфират (кечириш) сўранг, сўнгра Унга тавба қилинг, шунда У осмондан (ёмғир) ёғдирар ва қувватингизга қувват қўшар. Жиноятчи бўлиб кетманг!» (Ҳуд, 52).

Бошқа бир ояти каримада эса:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا تُوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوْحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُم مِّنْ جَنَّتِ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يَوْمَ لَا يُخْزِي اللَّهُ النَّبِيَّ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَهُ نُورُهُمْ يَسْعَىٰ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا آتِنَا لَنَا نُورَنَا وَآغْفِرْ لَنَا إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилинг, шоядки, Раббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса! У кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга имон келтирганларни шармисор қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрар. Улар: “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират этгин. Албатта, Сен ҳар нарсага қодирдирсан”, дерлар» (Таҳрим, 8).

Модомики гуноҳ Аллоҳ билан банда орасида бўлар экан, бошқа бирон кишининг ҳаққи аралашмаган бўлса, албатта, Парвардигор уни кечиради. Фақат учта шарт бажарилса:

1. Гуноҳдан буткул узоқлашиш.
2. Астойдил тавба қилиш.
3. Гуноҳга қайтмасликка аҳд қилиш.

Агар учликдан биронтаси бажарилмаса, тавба қабул бўлмайди.

Агар бошқа бирон кишининг ҳаққи аралашган бўлса, юқоридаги учта шарт ва ўша кишини рози қилиш билан тавба қабул қилинади.

Кунларнинг бирида Робиъа Адавийянинг уйига тунда ўғри киради ва бир обдаста сувдан бошқа ҳеч нарса топа олмайди. У уйдан чиқиб кетиш учун эшик томон юраётганида Робиъа унга: “Эй фалончи, агар сен ростдан ҳам ўғри бўлсанг уйимдан қуруқ чиқиб кетма”, дейди. Ўғри талмовсираб: “Мен ҳеч нарса олганим йўқ”, дейди. Робиъа: “Обдастани ол-да, таҳорат қилиб, ҳеч бўлмаса икки ракат намоз ўқиб чиқиб кет”, дейди. Ўғри унинг айтганини қилади, таҳорат олиб намоз ўқишга киришади. Робиъа осмонга қўлини кўтариб: “Эй Раббим, мана бу банданг менинг эшигимга келиб ҳеч нарса топа олмайди, уни Сенинг даргоҳингга жўнатдим, фазлингдан бебахра қайтарма”, деди. Ўғри икки ракат намозни тугатиб, ибодат лаззатини бутун вужуди билан ҳис этади ва тонг отгунича ибодат қилади. Тонг чоғи Робиъа унинг олдига кирса, боши саждада Яратганга муножот қилар эди.

Эрталаб Робиъа унга: “Тунни қандай ўтказдинг”, дейди. “Раббим ҳузурда синиқлик билан ибодат қилдим, тавба ва истиғфор айтдим, хато ва гуноҳларим кечирилишини сўрадим”, деди.

Робиъа қўлини дуога очиб: “Парвардигоро, бу банданг соатлаб Сенинг даргоҳингга қўл кўтариб турибди, уни ноумид қўйма”, деб дуо қилади.

Не мақсадлар билан кирган ўғри обида аёлнинг дуоси билан обид банда бўлиб чиқиб кетди.

Аллоҳнинг даргоҳи кенг, қилган хатоларимизни кечириши шаксиз, имконият бор, вақт ғанимат, фойдаланиб қолайлик, азизлар!

Васият охирида: “Тадбир каби ақлли иш йўқ, тийилиш каби тақво йўқ ва чиройли одоб каби насаб йўқдир”, дейилганида ҳар бир ишни қилишдан олдин пухта ўйлаб, оқибатини кўз олдида кел-

тириб, кейин амалга ошириш тавсия қилинди. Қанчалаб инсонлар аҳмоқлиги туфайли ҳалок бўлганига тарих гувоҳ.

Асмаъий айтади: Бир араб боладан: “Сенда минг дирҳам бўлса-ю, лекин аҳмоқ саналсанг, мамнун бўласанми”, деб сўрадим. У: “Йўқ, асло”, деди. “Нима учун?” деб сўрадим. “Аҳмоқлигим туфайли бирон жиноят қилиб қўйишдан қўрқаман, мол кетади, аҳмоқлигим яна давом этади”, деди.

Луқмони Ҳаким ўғлига: “Аҳмоқ билан дўстлашма, гарчи у гўзал бўлса ҳам. У қилич каби кўриниши чиройли бўлиши мумкин, лекин оқибати ёмон бўлади”, деди.

Ҳар қандай касалликнинг шифоси бўлиши мумкин, лекин аҳмоқликка даво йўқ. Ким уни даволайман деса, ўзи ҳам унинг гирдобига тушиб қолади.

Ҳадиси шарифда айтилади: “Уч нарсадан бири кимда бўлмаса, унинг амали йўқ деб ҳисобланг: гуноҳлардан тийилиш учун Аллоҳдан қўрқиш; аҳмоқлардан тийилиш учун ҳалим бўлиш; инсонлар билан муроса қилиш учун яхши хулқли бўлиш” (*Имом Термизий ривояти*).

Гўзал хулқ киши имонини мукаммал қилади. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай мўминнинг имони комил ҳисобланади, деб сўрашганида: “Гўзал хулқли мўмин”, деб жавоб берганлар (*Абу Довуд ривояти*).

Гўзал хулқли киши тунлари бедор, кундузлари рўзадор киши даражасини қўлга киритади, деган ривоятлар бор. Одатимизга мувофиқ гўзал хулқни улуғ васиятлар соҳиби Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) излайлик. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Мен комил хулқларни маромига етказиш учун юборилдим”. Ойшадан (розияллоҳу анҳу) у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ахлоқлари ҳақида сўралганда: “Ахлоқлари Қуръон эди”, деган. Шу сабабли у киши баря чага ўрناق эдилар. Аллоҳни ва охират кунини истовчилар учун тирик намуна эдилар. У зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашган қанчалаб инсонлар улуғ ажр ва мукофотларга эришди.

“Гўзал хулқ соҳиби ҳузур-халоватдадир, инсонлар ундан мамнун бўлади, ёмон хулқли кишилардан ҳамма безор. Фазилат ақл ва одоб билан кўринади, бойлик билан эмас. Кимнинг одоби ёмон бўлса, насаби йўқ бўлиб кетади, кимнинг ақли адашса, асли ҳам адашади”.

Ҳа, азизлар! Биз юксак хулқ соҳиби бўлган зотнинг умматларимиз. Омадимиз, бахтимиз бўлмиш гўзал хулқ нима эканини қидирмаймиз, балки у тўла-тўқис бизларга кўрсатиб кетилган, фақат сўзда эмас, амалда ҳам. Шундай экан, имкон қадар уни ўзимизда мужассамлаштирайлик!

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзи ярлақасин! Муборак васиятларда айтилган сифатлар билан сифатланишни насиб айласин, омин!



**ТЎРТИНЧИ
КИТОБ**

ТЎРТИНЧИ ВАСИЯТ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قَالَ أَبُو ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَوْصَانِي خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِثَلَاثٍ قَالَ: «إِسْمَعُ وَأَطِعْ وَلَوْ لَعَبْدٍ مَجْدُوعِ الْأَنْفِ فَإِنْ صَنَعْتَ مَرْقَةَ فَأَكْثِرْ مَاءَهَا ثُمَّ انْظُرْ إِلَى أَهْلِ بَيْتِ جِيرَانِكَ فَأَصِيبْهُمْ مِنْهَا بِمَرَقَتِكَ وَصَلِّ الصَّلَاةَ لَوْ قَتَبَتْهَا» (رواه مسلم).

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) айтади: Яқин дўстим Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга уч нарсани васият қилдилар: “Бурни кесилган қул (амир) бўлса ҳам, унга қулоқ тут ва итоат қил. Шўрва қилсанг, сувини кўпроқ солиб, ён қўшниларингга насиба чиқар. Намозни ўз вақтида адо қил” (Имом Муслим ривояти).

Мўмин киши ушбу васиятларга амал қилиши, билмаганларга етказиши лозим. Васиятда: “Бурни кесилган қул (амир) бўлса ҳам унга қулоқ тут ва итоат қил”, дейиш билан итоат туфайли мўмин киши Яратганнинг мукофотига сазовор бўлиши айтилган.

Итоат – улуг ибодат!

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этинг, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этинг! Борди-ю, бирор нарсада (дин ишида) келиша олмай қолсангиз – Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган бўлсангиз – уни Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига ҳавола қилинг. Мана шу яхшироқ ва ечими чиройлироқ (иш)дир» (Нисо, 59).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Холид ибн Валидни гуруҳга бошлиқ қилиб, бир қабилага юбордилар. Аммор ибн Ёсир ҳам у билан бир-

га эди. Қабилага яқинлашгач, Холид эрталаб ҳужум қилиш учун тўхтади. Қабила аҳллари буни эшитиб, қочиб қолишди. Улардан Исломни қабул қилган бир кишигина қолди. У ҳам оиласини сафарга тайёрланишга буюриб, аскарлар турган ерга борди. У Амморнинг олдига келиб: “Эй ётган киши! Мен сизларданман, қавмим сизларни эшитиб, қочиб кетди. Мен мусулмон бўлганим учун қолдим. Бу менга фойда берадими ёки қавмим каби қочиб кетсаммикин?” деди. Аммор: “Сен жойингда тур, шу сенга фойдалироқ”, деди. У киши аҳли-аёли ҳузурига бориб, уларни қолишга буюрди. Эрталаб Холид ҳужум қилиб, шу кишидан бошқа ҳеч кимни топмади. Уни асир олиб, молини тортиб олди. Шу пайт Аммор келиб: “Бу одамга тегма, у мусулмон бўлган, мен унга омонлик бериб, қолишга буюрганман”, деди. “Мен амир бўлатуриб, мендан рухсатсиз омонлик берасанми?!” деди Холид. “Ҳа, сен амир бўлсанг ҳам, сенсиз омонлик бераман”, деб иккаласи тортишиб қолди. Қайтиб келишганидан кейин Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунинг хабари айтилди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Амморнинг омонлигини қабул этиб, ўша кишига омонлик бердилар. Амморни бундан кейин амирнинг рухсатсиз бирор кишини ҳимояга олишдан қайтардилар» (“Асбобун нузул”, 130-б.).

Юқоридаги оятдан Аллоҳ ва расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буйруқларига итоат қилиш билан бирга мусулмонларнинг ўзларидан бўлган дин ва давлат бошлиқларига ҳам итоат қилишлари вожиблиги маълум бўлади. Зеро, раҳбар ёки ота-оналар гуноҳ ишларга буюришмас экан, уларга итоат этиш вожибдир (“Таҳовий ақоиди”).

Аллоҳга итоат қилиш Унинг амрларини бажариш, қайтариқларидан қайтиш бўлса, Расулга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) итоат этиш эса, у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларини маҳкам ушлаш ва у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ман этган нарсалардан сақланишни англатади (“Тафсири Қуртубий”, 3-жилд, 155-б.).

Бошлиқларнинг Аллоҳ ва расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига зид бўлмаган ҳар бир буйруғига итоат қилиш омма учун вожиб бўлади. Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтишича, етти ўринда султонларга итоат этиш вожиб: пул муомалаларида, тарозида, ҳукмларда, ҳаж масаласида, жума ва иккала ҳайит ҳамда Ватан ҳимояси масалаларида (“Тафсири Қуртубий”, 3-жилд, 155-б.).

Киши Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, у Аллоҳга, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва бошлиқларга итоат этиши керак. Чунки имон исённи эмас, балки итоатни вожиб қилади. Демак, оятдан маълум бўлишича, исёнга бошламаса, бошлиқларга итоат этиш вожиб.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Холиққа исён бўладиган ишларда махлуққа итоат этилмайди”, деганлар (“*Тафсири Насафий*”, 1-жилд, 232-б.).

Али ибн Абу Толибдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Бошлиқ адолат билан ҳукм қилиши ва омонатни адо этиши зарур. Мана шу ишлар қилинганида мусулмонлар учун бошлиққа итоат этиш вожиб бўлади. Чунки Аллоҳ таоло омонатни адолат билан адо этишга буюрган” (“*Тафсири Қуртубий*”, 3-жилд, 155-б.).

Муфассирлар таъкидлашича, ушбу ояти каримада фикҳнинг асосий тўрт манбаига ҳам ишора бор. Аллоҳга итоат этишдан – Қуръони карим, Пайғамбарига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) итоат этишдан – суннат, раҳбарларга итоат этишдан – ижмо, низоли масалани Аллоҳ ва расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳавола қилишдан қиёс усуллари кўзда тутилган.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Боши қора майиздек ҳабаш сизларга бошлиқ этиб тайинланса ҳам, унга қулоқ солинглар ва итоат этинглар”, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буйруқлари, кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш икки дунё саодатига сазовор қилади. Бу ҳақда “Саботул ожизин”да бундай дейилган:

*Пайғамбарнинг амрига қилсанг итоат,
Саодатдур, саодатдур, саодат.*

Уқайл ибн Абу Толиб айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан сафарда эдим, у зотда уч нарсани кўрдим. Шу уч нарса сабабли қалбимга Ислом маҳкам ўрнашди. Биринчиси. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қазои ҳожат қилмоқчи бўлдилар. Сал нарида бир неча дарахт бор эди. Менга: “Дарахтлар олдига бориб, сизларни Расулуллоҳ чақиряптилар, у кишини тўсиб тураркансизлар, деб айт”, дедилар. Мен бориб, гапимни тутатмасимдан, дарахтлар томирлари билан ердан ажралиб келиб, Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўраб турди. Фориғ бўлганларидан кейин дарахтлар ўринларига қайтиб кетди. Ик-

кинчиси. Мен қаттиқ чанқадим, лекин сув топа олмадим. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу тоққа чиқиб менинг номимдан салом айт ва сувинг бўлса, менга бер, деб айт”, дедилар. Мен тоққа чиқиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапларини айта бошладим. Сўзимни тугатмасимдан, тоғ одамга ўхшаб гапира кетди: «Сен Расулуллоҳга бориб айт, мен: **“Эй имон келтирган зотлар! Ўзингизни ва аҳлингизни ёқилғиси одамлар ва тошлардан бўлган дўзахдан сақлангиз”** (Таҳрим, 6), ояти нозил бўлганидан бери ўша тошлардан бўлиб қолишимдан қўрқиб, йиғлай-йиғлай, сувим қолмаган». Мен ҳайратлар ичида қайтиб келдим. Учинчиси. Йўлда кетаётган эдик, тўсатдан бир туя Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига чошиб келиб: “Ё Расулуллоҳ, ёрдам беринг!” деди. Шу пайт унинг орқасидан бир аъробий қилич яланғочлаб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу бечорадан нима хоҳлайсан?” деб сўрадилар. У: “Ё Расулуллоҳ! Мен буни қимматга сотиб олганман. Энди у менга итоат қилмаяпти. Шунинг учун уни сўйиб, гўштидан фойдаланаман”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туяга қараб: “Нима учун унга итоат қилмаяпсан?” деб сўрадилар. Туя: “Мен унинг ёмон ишлари туфайли унга осий бўлмоқдаман, чунки унинг қабиласида хуфтонни ўқимай ухлашади. Агар у хуфтон ўқишга ваъда берса, мен ҳам унга осий бўлмасликка аҳд қиламан. Чунки улар орасида эканман, ҳаммамизга Аллоҳнинг азоби келишидан қўрқаман”, деди. Аъробий намозни тарк этмасликка аҳд қилди. Сўнгра туя у билан бирга қайтиб кетди”.

Донишмандлар айтган экан: “Ким орифлардан бўлишни ва шайтондан қутулишни хоҳласа, тўрт нарсани билиб олиши керак: Иблис ва у хоҳлаган нарсаларни; нафс ва унинг хоҳишларини; ҳавойи истак ва у хоҳлаган нарсаларни; дунё ва унинг хоҳишларини. Чунки Иблис сен динингни бой беришингни ва ўзи билан бирга абадий дўзахда қолишингни хоҳлайди. Нафс эса, гуноҳларни ва тарки ибодатни истайди. Ҳавойи истак шахватларни ва ижтиҳод тарк қилинишини хоҳлайди. Дунё эса дунё ишларини охират амалларидан афзал кўришингни хоҳлайди. Ким бу нарсаларни билиб олса, орифлардан бўлади. Ким шайтонга итоат қилса, шайтон каби дўзахда абадий қолади. Ким нафсига итоат қилса, маълум муддат азобланади. Ким ҳавои хоҳишига эргашса, ҳисоби қаттиқ бўлади. Ким дунёга итоат қилса, дунёю охиратда ҳасратда қолади”.

Хабарда келишича, қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурига икки киши олиб келинади. Улардан бири итоатли мўмин, иккинчиси осий мўминдир. Итоатли мўминни жаннатга олиб бориш, осийни дўзахга ташлаб, азоблаш буюрилади. Итоатли мўмин хурсанд ҳолатда жаннат сари йўл олади. Жаннатга яқин келганида ортидан: “Эй дўстим, менга раҳм қилгин, мени шафоат қил”, деган нидони эшитади. Шу заҳоти у жойида тўхтаб қолади ва жаннатга кирмайди. Шунда унга: “Жаннатга кир ва Аллоҳ сени жаннатга киргизганига шукр қил”, дейилади. У эса: “Йўқ, мен жаннатга кирмайман, мени дўзахга олиб бор”, дейди. “Нима учун жаннатга кирмай, дўзахга кижришга рози бўляпсан?” деб сўрашганида у: “Чунки дўзахга кетган осий киши менинг дўстим эди. У мендан ҳозир шафоат қилишимни сўради. Модомики? мен уни шафоат қилишга изн ололмасам, менга унинг олдига бориб, у билан бирга азобланишдан бошқа чора йўқ”, дейди. Шунда Аллоҳ таоло дўсти туфайли осийни ҳам мағфират қилиб, жаннатга киритади.

Итоат тўғрисида гап кетганида, тарихга назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди. Умар (розияллоҳу анҳу) даврида бўлиб ўтган бир воқеани эслайлик.

Унча катта бўлмаган жамоа сафарга отланди. Умар ибн Хаттоб ўзи жамоа бошлиғи Утба ибн Ғазвонни кузатиб чиқди ва бундай деди: “Эй Утба! Мен сени Убулла шаҳрига юборяпман, унинг қалъалари мустаҳкам, душманларимиз кучли. Аллоҳ таоло сенга ёрдам беришидан умид қиламан. Убуллага етиб борганингда, унинг аҳлини Аллоҳнинг динига чақир, шунда ким уни қабул қилса, унга омонлик бер ва ким ундан бош тортса, ундан жизя ол. Агар улар биринчи ва иккинчи шартларга рози бўлмаса, унда улар билан жанг қил! Мен сенга топшираётган ишда Аллоҳдан кўрқ, эй Утба! Ўзингни камтар тут, катта кетиш охиратингни бузади. Доим ёдда тут, Аллоҳ сени хорлиқдан азиз қилди, заифликдан кейин сенга қувват берди. Ҳозир сен кўмондон бўлдинг, сенга одамлар итоат қилишмоқда, гапирсанг, сенга қулоқ солишади, бирон ишга буюрсанг, сўзсиз бажаришади. Бу сен учун неъматдир, агар уларга ёмонлик қилиб, раҳбарлигингдан фойдалансанг ва уларни алдасанг, унда бу ишинг жаҳаннамга судрайди. Аллоҳ асрасин!”

Нисо сураси 59-оятда айтилганидек, ўзини мусулмон ҳисоблайдиган кишининг, энг аввало, Яратганга ва расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) итоат қилиши сўзсиз вожиб бўлади. Шунингдек, оятда айтилгани каби, бошлиқларга итоат этиш ҳам вожиб.

Ҳозирги кунда итоат этмаслик учун ҳеч бир нарса баҳона бўла олмайди. Юртимизда Ислоннинг барча арконларини бажариш, ибодатларни комил адо этиш борасида мусулмонларга берилган кенг имкониятлар, ҳуқуқий давлатимизда адолатнинг устуворлиги, хар йили минглаб диндошларимиз Ислоннинг бешинчи аркони бўлган ҳажни адо этиб келаётганлари, шу билан бирга қанчалаб юртдошларимиз умрага ҳам бориб келаётганлари сабабли ҳам итоат вожиб бўлади.

Бундай неъматлар эвазига шукрона ва итоат мусулмон киши учун кони фойда. Биринчидан, у бу иши билан энг аввало Аллоҳга, расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) итоат қилган бўлади. Иккинчидан эса, раҳбарларга қилган итоати учун савоб олади. Аллоҳ таоло барчамизни тўғри йўлдан оғиштирмасин, омин!

Хотиннинг эрига итоатсизлик қилиши

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ ۚ فَالصَّالِحَاتُ قَنِينَاتٌ حَافِظَاتٌ لِّلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ ۗ وَاللَّي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ بِمَا وَهَبَ ۚ وَأَهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَأَضْرِبُوهُنَّ ۖ فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا كَبِيرًا﴾

«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчидир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришидир. (Аёллар ичида) солиҳалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)дир. Хотинларнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга насихат қилинг, сўнгра (бу таъсир қилмаса,) уларни ўринларда (алоқасиз) тарк этинг, сўнгра (бу ҳам кор қилмаса) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) уринг. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ олий ва улўғ Зотдир» (Нисо, 34).

Муқотил (розияллоҳу анҳу) айтади: Бу оят ансорий Саъд ибн Роби ҳақида нозил бўлган. У рашкчи эди. Хотини Хубайба бинти

Зайд ибн Абу Хурайра ҳам ансорлардан эди. У хотинини итоатсизлиги учун урди. Отаси қизини Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб бориб: “Саъдга қизимни берган эдим, уни урибди”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эридан қасосини олсин”, дедилар. Аёл отаси билан қасос олиш учун чиқди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайтинглар, менга Жаброил (алайҳиссалом) келди, биз бир ишни хоҳлаган эдик, Аллоҳ бошқа ишни хоҳлабди. Аллоҳнинг хоҳлагани яхшироқдир”, дедилар ва қасос олишдан қайтардилар (*“Асбобун нузул”, 128-б.*).

Абу Равқ: “Бу оят Жамила бинти Убай ва унинг эри Собит ибн Қайс ибн Шаммос ҳақида нозил бўлган”, дейди.

Калбий эса: “Бу оят Умайра бинти Муҳаммад ва унинг эри Саъд ибн Роби ҳақида нозил бўлган”, дейди (*“Тафсири Қуртубий”, 3-жилд, 103-б.*).

Бу оят эркаларнинг аёлларига ширинсўз ва хушмуомалалик билан одоб беришларига далолат қилади. Агар аёллар эрларининг ҳақларини поймол этишмаса, уларга ёмонлик қилиб бўлмайди (*“Тафсири Қуртубий”, 3-жилд, 103-б.*).

Эркак зотининг баъзи хусусиятларда аёл кишидан ортиқ қилиб яратилганида бир неча ҳикмат бор. Тафсириларда, жумладан, шаръий нуқтаи назардан эркаларга хос қуйидаги хусусиятлар қайд этилган: пайғамбарлик, ҳукмдорлик, жисмоний куч-қувват, оила нафақасига масъуллик, ақлу идрок, хотира ва тафаккурнинг зиёдалиги, имом-хатиблик, муаззинлик, жамоат билан намоз ўқиш, жума намозининг вожиб бўлиши, ташриқ такбирини айтиш, жанглarda қатнашиш, тўлиқ гувоҳлик, талоқ бериш ҳуқуқига эга бўлиш, оила номининг унга нисбат берилиши, намоз ва рўзани узрсиз адо этиш ва бошқалар. Шу ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олиб, аёл кишининг эрига итоатли, ифбатли бўлиб, оила тотувлиги йўлида доимий ҳаракатда бўлиши талаб этилган.

Баъзи кишилар арзимас сабаб билан аёлини уришга, сўкишга журъат қилади. Бу ишлари хатодир. Ҳар қандай оилавий можарони тинч йўл билан оқилона ҳал этиш мумкин.

Видолашув хутбасида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “...Аёлларингизга яхшилик қилишни тавсия этаман. Улар сизларнинг барча ишларингизда ёрдамчиларингиздир. Фақат итоатсизлик ва ахлоқсизлик қилишса, уларни енгилгина уринг” (*Имом Термизий ривояти*), (*“Лубобут таъвил фи маъониттанзил”*).

Воҳидий (розияллоҳу анҳу) айтган: “Бу оятдаги “итоатсизлик”-дан мурод эрга осийлик қилиш, яъни, такаббурлик билан эрининг буйруқларига қарши иш юритишдир”.

Ато (розияллоҳу анҳу) айтган: “У (яъни итоатсизлик) – аёлнинг эри учун ўзига оро бермаслиги (хушбўйлик сепмаслик), эрининг ундан ҳузурланишига йўл қўймаслиги ва илгаригидай эрига бўйсунуш ҳолатининг ўзгариб қолишидир. Бундай хотинларга Аллоҳнинг Китоби ила “панд-насихат қилинглар”, Аллоҳ уларга буюрган ишларни эслатинглар”.

“... уларни ётоқларда тарк қилинг”.

Бу оятни Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): “Тўшакда хотинига орқа ўгириб, гапирмай ётишидир”, деб, Шаъбий ва Мужоҳид эса: “Хотини билан бир жойда ётмаслик, яқинлашмаслик”, деб тафсир қилган (“Тафсири Қуртубий”, 3-жилд, 104-б.).

“... уларни уринг!”

Оятда аввал яхши муомала қилиш, кейин алоҳида ётиш ва шунда ҳам итоат қилмаса, кейин уришга буюрилди. “Уриш”дан мурод қаттиқ уриш, аъзосини синдириш, кўкартириш эмас, балки тузатиш мақсадида секин уриш назарда тутилган (“Тафсири Қуртубий”, 3-жилд, 104-б.).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): “Одоб бериш учун кафти билан кўксига туртиш каби”, деган.

Эр хотинининг итоатсизлигини ушбу оятда зикр қилинганидай, Аллоҳ изн берган тарзда тузатиши, бартараф этиши лозим.

“Агар сизларга (талаб қилган нарсаларингизда) итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг”.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Аёлларингиз хусусида Аллоҳдан қўрқинг, чунки уларни Аллоҳнинг омонати сифатида қабул қилдингиз ва уларни Аллоҳнинг калимаси билан ҳалол қилиб олдингиз. Уларнинг вазифаси сизга итоатли бўлишдир. Агар итоатсизлик қилишса, уларни жонини оғритмай уринг” (Имом Муслим ривояти).

Шаъбий (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилади: Бир аёл Умарнинг (розияллоҳу анҳу) ҳузурига келиб: “Эй мўминлар амири! Сизга инсонларнинг яхшиси устидан шикоят қилгани келдим. У шундай одам, яхши амал борасида унга етадиганлар жуда оз. Кечаси тонггача намоз ўқийди ва кундузлари доимо рўзадор бўлади”, деганидан кейин уялиб, аслида айтмоқчи бўлган гапларини айтолмади ва: “Эй мўминлар амири, мени кечиринг”, деди. “Яхши, Аллоҳ сендан

рози бўлсин. Сен эрингни жуда яхши сифатлар билан мақтадинг. У ҳақда бундан ортиқ бирор нарса гапиришингга ҳожат йўқ”, деди Умар (розияллоҳу анҳу). Аёл чиқиб кетди. У кетгач, ўша ерда турган Каъб ибн Сур (розияллоҳу анҳу): “Эй мўминлар амири, аёл уялиб, шикоятини айта олмади”, деди. “Аёлнинг қандай шикояти бор эди?” деб сўради Умар (розияллоҳу анҳу). “Аёл эридан эр-хотинлик ҳақларига риоя қилмаётир”, деб шикоят қилмоқчи эди. Шундан сўнг Умар (розияллоҳу анҳу) аёлни ортига қайтариб, эрига ҳам хабар юборди ва аёлнинг эри келгач, Каъбга: “Ораларида сен ҳакамлик қил”, деди. “Сиз шу ерда экансиз, мен қандай ҳакамлик қиламан”, деди Каъб. “Мен тушунмаган нарсага сенинг ақлинг етди. Бинобарин, уларни эшитиб, ораларида ҳукм этиш сенинг ҳаққингдир”, деди Умар (розияллоҳу анҳу).

Шунда Каъб ҳалиги одамга: «Аллоҳ таоло эркакларга хитоб қилиб: **“Агар етим қизларга адолатли бўла олмасликдан кўрқсангиз, сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар”** (Нисо,3), дея марҳамат қилганига кўра, кўпи билан уч кун (нафл) рўза тутишинг мумкин. Тўртинчи кун тутмаслигинг керак ва кўпи билан уч кеча тонггача ибодат қилишинг мумкин. Тўртинчи кеча аёлинг ёнида ётишинг лозим», деди.

Эр-хотин кетишгач, Умар (розияллоҳу анҳу) Каъбга: “Сенинг бу топағонлигинг боягисидан ҳам гўзалдир”, деди ва уни Басрага қози этиб тайинлади.

Қўшнига яхшилик қилиш

Васиятда айтилганидек, агар шўрва қилсак, сувини кўпроқ солиб, қўшнига ҳам улашишимиз лозим. Чунки хоҳлаймизми-йўқми, овқат пиширсак, ҳиди албатта қўшниникига ҳам ўтади. Овқатдан қўшнига чиқарсак, у ҳам шундан баҳраманд бўлади.

Ҳадиси шарифда: “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин” (*Имом Муслим ривояти*), дейилган. Бошқа бир ҳадисда эса: “Аллоҳ наздида қўшниларнинг энг яхшиси қўшниларига яхшилик қилувчисидир” (*Имом Термизий ривояти*), дейилган.

Ойша (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менинг иккита қўшним бор. Уларнинг қай бири менга

ҳақлироқ?” деб сўради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эшиги яқин бўлгани”, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Ояти каримада қўшничилик тўғрисида бундай дейилади:

﴿وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا﴾ (36)

«Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-оналарга яхшилик қилинглар! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинглар)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди» (*Нисо, 36*).

Ояти каримада қўшни мўмин ёки кофир деб ажратилмаган. Шунинг учун муфассирлар кофир қўшнига ҳам яхшилик қилиш керак, дейди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, қўшнисига азият бермасин”, дедилар.

Ҳадисда қўшнига азият бермаслик Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтириш билан ёнма-ён келяпти. Демак, мўмин киши қиёмат кунига ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонса, қўшнисига зарар бермаслиги, азият етказмаслиги керак.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаброил (алайҳиссалом) менга қўшни ҳақида шунчалик кўп васият қилди, қўшни қўшнисидан мерос олармикан, деб ўйлаб қолдим”, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Аллоҳга қасам, мўмин бўлмайди”, деб уч марта айтдилар. “Ким у, ё Расулulloҳ?” деб сўрашганида: “Қўшнисига ёмонлик қилган киши”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Қўшнини мўмин ёки ғайридин деб ажратиб бўлмайди. Мусулмон бўлмаган қўшнининг ҳам ўзига яраша ҳақлари борлиги очиқ айтилган.

“Қўшни уч хил бўлади: учта ҳақи бўлган қўшни, иккита ҳақи бўлган қўшни ва битта ҳақи бўлган қўшни. Учта ҳақи бўлган қўшни – ҳам қариндош, ҳам мусулмон қўшнидир. Унинг қариндошлиги туфайли бир ҳақи, мусулмонлиги туфайли иккинчи ҳақи ва қўшничилиги сабаб учинчи ҳақи бор. Иккита ҳақи бўлган қўшни – қариндош бўлмаган мусулмон қўшни. Унинг мусулмонлиги туфайли бир ҳақи, қўшничилиги сабаб иккинчи ҳақи бор. Мусулмон бўлмаган қўшнида фақат битта – қўшничилик ҳақи бор” (*“Тафсири Қуртубий”, 5-жилд, 184-бет*).

“Эшиги энг яқин бўлган қўшни яхшилик қилиш учун энг лойиқ қўшнидир” (*Имом Бухорий ривояти*).

“Ким қўшни дейилади?” деган савол ҳам динимизда жавобсиз қолмаган. Бу саволга турлича жавоб берилган.

Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу): “Овози эшитилиб турадиганлар барчаси қўшнидир”, дейди. Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз ҳар томондан қирқ уйнинг қўшни бўлишини айтган.

Қуртубий (раҳимаҳуллоҳ): “Энг яқин қирқта уй, ҳар томондан қирқта уй, бақирса, эшитиладиган масофадаги уйлар, бомдод намозини бир масжидда ўқийдиган кишилар, масжидда такбир овозини эшитган кишилар қўшнилардир”, деган (*“Тафсири Қуртубий”, 3-жилд, 111-б.*).

Бу сўзларнинг баъзилари ҳадислар асосида айтилган бўлсада, лекин кимлар қўшни бўлиши замон ва маконга қараб, ўзгариб туради. Шундай экан, бу борада энг яхши ўрнак ҳар бир жойнинг ўзига ярашадиган яхши урф-одатларидир.

Тарихдан биламиз, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойша онамизга: “Қурбонлик гўштини тарқатишда аввал яҳудий қўшнимиздан бошла...” деганлар.

Қўшни дейилса, ҳеч ким ажратилмайди, мусулмон-ғайримусулмон, дўст-душман, муқим-мусофир, яхши-ёмон, ҳаммаси назарда тутилади. Мусулмон кишининг энг асосий ахлоқий вазифаларидан бири қўшнига озор бермаслигидир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек: “Мусулмон тили ва қўли билан бошқа мусулмонларга озор бермайдиган кишидир” (*Имом Бухорий ривояти*).

Оиламиздан кейинги энг яқин ижтимоий қатламни қўшнилар ташкил этади. Яхши-ёмон кунларда қўшнилар коримизга ярайди. Мўмин киши ўзи эришган неъматларни қалбида қўшнларига раво кўриши, ўзи ёмон кўрган нарсаларни қўшнларига ҳам раво

кўрмаслиги лозим. Демак, қўшни қўшника асло зарар бермаслиги керак.

Қўшни ҳақлари тўғрисида сўраган саҳобага Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Касал бўлса, бориб кўр, вафот этса, жанозасида қатнаш, қарз сўраса, бер, қийин аҳволда бўлса, ёрдам қил. Бошига мусибат тушса, тасалли бер, уйинг томини баланд кўтариб, унга етиб турадиган шамол ва шабададан тўсма, пиширган нарсангдан унга ҳам чиқар!” деганлар.

Хуллас, қўшника моддий ёки маънавий азият бериш мумкин эмас. Моддий азият уйига, боғига, мол-мулкига зарар етказиш билан бўлади. Маънавий азият эса, ор-номусига, шаъни ва номига тажовуз қилиш билан бўлади.

Баъзан “фалончи киши қўшниси билан мураса қилолмас экан” деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бу сингари ёмон ҳолатларнинг олдини олиш керак. Бундай иллатлар Ислом динига ҳам, ўзбекчиликка ҳам асло тўғри келмайди.

Қўшника бунча кўп яхшилик қилишнинг нима кераги бор, деган ноўрин савол хаёлдан ўтиши мумкин. Яхши қўшни бўлишнинг ҳикмати катта. Қилган яхшиликларимиз сабаб қўшнилари оғиримизга ярайди. Диний, ҳиссий ва маънавий яқин қўшнилари қариндошлардан кўра тезроқ ёрдамга етиб келади.

Яхши қўшничилик ижтимоий ҳузур-ҳаловат ва адолатни қарор топтириш ҳамда осойишта ҳаёт учун энг муҳим омиллардан саналади. Қўшнилари ҳақларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш хотиржамлик гаровидир.

Мана, қўшничилик одобларини олдин билмаган бўлсак, энди билиб олдик. Билиш билан чекланмасдан, уни ҳаётимизга тадбиқ қилишимиз зарур.

Киши яхши кўргани билан биргадир

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: “مَتَى السَّاعَةُ؟” قَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: “مَا أَعَدَدْتَ لَهَا؟” قَالَ: “حُبُّ اللَّهِ وَرَسُولِهِ” قَالَ: “أَنْتَ مَعَ مَنْ أَحَبَبْتَ”

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб:

“Қиёмат қачон бўлади?” деб сўради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қиёматга нима тайёрладинг?” дедилар. У: “Аллоҳ ва расулига муҳаббатни тайёрладим” деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен муҳаббат қилганинг билан бирга бўласан”, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Аллоҳ таоло ва расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатни у саҳобани қиёмат қачон бўлиши ҳақида сўрашга ундади. Чунки у қиёматда ҳисоб-китоб бўлишини билади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг саволига савол билан жавоб бердилар: “Қиёматга нима тайёрладинг?” У қилган яхшиликларини, савоб ишларини санаб ўтирмай, қалбида борини айтиб қўя қолди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг бу гапига эътироз билдирмадилар, “Сен севганинг билан бирга бўласан”, дедилар. Чунки мўминларнинг имони нафс ва шахватлардан ғолиб келганидагина Аллоҳнинг муҳаббатига ошно бўлади.

Сўраган одам мана шундан хавотирда эди. Агар банданинг шахватга ўчлиги ва дунёга очкўзлиги бўлмаса, қалби жўш уради, охират учун тайёрлана бошлайди, эзгу амалларидан савоб ва ажр умид қилади. Агар қиёмат ҳақида сўз кетса, ёмонликларини эслайди, яхши насиҳатларга қулоқ тутаяди, тўғри амал қилишни ўйлайди. Агар шу ишларга ўзини лойиқ кўрса, тақдирдан рози бўлади, ёлғонни кўрса, юз ўгиради. Яхши амаллари билан дўзахдан нажот топишни умид қилади. Савоб йўлидаги яхшиликлари ва ёмонликлари қиёмат куни мезонда ўлчанади. Яхшилиги кўп бўлса, мукофотга эришади, ёмонлиги кўп бўлса, жазосини олади. Сўровчи қалбидаги ҳамма нарса Парвардигор муҳаббати олдида эътиборсиз қолади. Унинг қалбида Аллоҳга севгиси тўлиб-тошади. Мана шу нарса сўровчининг қиёматга тайёргарлигидир. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен севганинг билан бирга бўласан”, деганларининг ҳикмати шунда (*“Наводирул усул фи маърифати аҳодисир расул”, 667-б*).

Сўровчи бошқаларга кўра ижтиҳоди кучли, қалби ихлосли, имони пок, ўзи шубҳа-гумонлардан узоқ, олий хулқлар билан зийнатланган, тубанликлардан пок бўлгани боис Аллоҳ Ўз севгисига эриштиради. Зеро, Аллоҳ севгисига Уни севганларгина етишади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ ۖ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ ۗ أَذَلَّةٌ

عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٌ عَلَى الْكٰفِرِينَ يُجٰهَدُونَ فِي سَبِيلِ ٱللّٰهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ ٱلْءَاِِمِّ ذٰلِكَ فَضَّلَ ٱللّٰهُ يُؤْتِيهِ مَن يَشَءُ وَٱللّٰهُ وَاسِعٌ عَلِيْمٌ ﴿٥٤﴾

«Эй имон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ шундай бир қавмни келтирур, улар Аллоҳ севадиган ва улар ҳам Уни севадиган, мўминларга (нисбатан) камтар, кофирлардан эса (ўзларини) юқори тутувчи, Аллоҳнинг (тоати) йўлида жидду жаҳд қилувчи, маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган бўлур» (Моида, 54).

Аллоҳ таоло банда қалбини очса ва ёриштирса, ғафлатдан огоҳ этса, ўша қалбда Парвардигорига муҳаббати жўш урмаслиги мумкин эмас.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор инсон Аллоҳ ҳузурида худди туялардай итоатда бўлмагунича ва ўз нафсини паст санамагунича имон чўққисига ета олмайди”, деганлар.

Бошқа ҳадисда: “Бир нарсани севишинг сени кўру кар қилади”, дейилган.

Инсон қалби битта: агар дунёни севса, уни кўр қилади ва охират ҳақида эшитгиси келмайди. Зеро, севги қалбда алангаланадиган ҳароратдир. Агар қалбга шахват ҳарорати кирса, уни кўр қилади ва бошқа нарсалар ҳақида эшитишдан тўсади. Агар қалб охиратни севса, муҳаббати туфайли дунёни устун кўрмайдиган бўлади.

Инсон қалби табиатан юксакликка интилувчан яратилган. Инсон илм аҳлини кўрса, уларнинг қадри улуғ, насибаси баланд эканини ҳис этади. Охират аҳлини кўрса, қалби юмшайди. Қалбига Аллоҳнинг улуғлиги ва азаматининг муҳаббати тушса, қалби юқоридаги ҳолатлардагидан ҳам қаттиқроқ юмшайди. Муҳаббат аҳли олдинги қавмлар каби улкан саодат ва бахт топиб, бошқалардан фарқли тарзда Аллоҳ Ўз хоҳиши билан уларни ҳидоятга йўллади. Улар икки тоифа бўлиб, бу ҳақда Қуръони карим бундай дейди:

﴿ٱللّٰهُ يَجْتَبِيْٓ اِلَيْهِ مَن يَشَءُ وَيَهْدِيْٓ اِلَيْهِ مَن يُنِيبُ﴾ ﴿١٣﴾

«...Аллоҳ унга (динга) Ўзи хоҳлаган кишиларни танлар ва Унга инобат қиладиган кишиларни ҳидоят сари йўллар» (Шўро, 13).

Биринчи тоифадагилар пайғамбарлар бўлиб, Аллоҳ уларни ҳеч шубҳа ва тараддудсиз бу йўлга бошлаган. Иккинчиси авлиёлар бўлиб, улар муҳаббатлари туфайли Аллоҳга дўст бўлишган.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَذِلَّةٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٍ عَلَى الْكَافِرِينَ﴾

«...мўминларга (нисбатан) камтар, кофирлардан эса (ўзларини) юқори тутувчи...» (Моида, 54).

Муфассирлар бу оятда назарда тутилган икки тоифа: истиқомат аҳллари ва яқийн аҳллари назарда тутилган дейди.

Истиқомат аҳллари ўз ҳақларини мўминлар ҳақидан паст қўяди, мўминга раҳмдил бўлади ва лутф кўрсатади, уни ўзларидан ҳам яхши кўради. Мўминни азиз деб билишади, Аллоҳ йўлида тинимсиз ҳаракат қилишади ва бу йўлда одамларнинг маломатидан қўрқиб қўрмайди.

Муфассирлар яқийн аҳллари Аллоҳнинг ҳар бир хоҳиши олдида ўзларини хор тутувчилардир, дейди. Уларга Аллоҳ баъзи сирларни ошкор қилади. Улар ҳеч бир тараддудсиз Аллоҳга ўз ихтиёрларини топширади. Ботилдан устун туриб, ҳар қандай чорасиз ҳолатда ҳам ундан юз ўгиришади. Нафс яқийн аҳлини алдашга йўл тополмайди. Улар маломатчининг маломатидан қўрқмайди. Яқийн аҳли қалбида одамлардан хавф йўқ.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йиғлаганларида, у зотдан: “Нега йиғлаяпсиз?” деб сўрашди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларнинг ширк келтиришингиздан ва энгил шаҳватга берилишингиздан ниҳоятда хавфдаман”, дедилар.

Мақтов ва мақтанишни яхши кўриш энгил шаҳват ҳисобланади. Бу одамзотдаги энг кучли нарсалардандир. Ҳунармандлар, қорилар, зоҳидлару парҳезкорлар шунга мубтало бўлган. Мақтов ва мақтаниш гуноҳларни энгил санашга олиб боради ва савоблардан четланишга сабаб бўлади. Киши мақтов ва мақтанишни яхши кўрмаслиги керак, акс ҳолда икки дунё саодатидан бенасиб қолади. Мақтовни суймаган инсон қалбида фақат Аллоҳнинг улуғлиги бўлади, дили Аллоҳ раҳматига тўлади. Аллоҳнинг раҳматига муштоқлик қалбдаги бекорчи нарсаларни ўлдиради ва қалбни поклайди. Натижада қалб маломатчиларнинг маломатларидан қўрқмайдиган бўлади. Агар у шу босқичлардан ўтса. Аллоҳнинг ягоналигини ҳис этади ва Унинг жамолини истайди. Унинг қалбини мана шу улуғлик эгаллайди, ўтирса ҳам, турса ҳам фақат шуни ўйлайди ва бу нарса умрининг мазмунига айланади (“Наводирул усул фи маърифати аҳодисир расул”, 668-б).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: “Аллоҳ таолони хос танийдиган қанча-қанча валийлар бор, улар танилмаган ҳам, билилмаган ҳам”.

Собит (розияллоҳу анху) айтади: Ҳеч кимни масхара ва мазах қилманглар. Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) бизларга айтиб берди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Бақиъда эканларида олдиларида кўзлари шилпик, билаклари тирналган, оёқлари ингичка, эгнига икки жанда кийиб олган, идишда сотиш учун ёғ кўтарган бир саҳройи бор эди. Расулуллоҳ унга: “Эй нурли киши”, дедилар. Саҳройи: “Лаббай”, деди ва: “Ким мендан ёғ сотиб олади? Мени касодга учраган, деб ўйладингизми?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй нурли одам, инсонлар наздида касод бўлсанг ҳам, Аллоҳ ҳузурида касод бўлмайсан. Агар Мадинага келсанг, меникига туш, мен ҳам водийга чиқсам, сеникига тушаман”, дедилар (“Наводирул усул фи маърифати аҳодисир расул”, 669-б).

Ота-онага яхшилик қилиш

Дарқақиқат, Аллоҳ таоло инсонга ота-онаси билан яхши муносабатда бўлишни ва доим уларга яхшилик қилишни буюрди.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا نَهْرَهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا ﴿٢٤﴾﴾

«Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етса, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!» (Исро, 23 – 24).

“Уларга ёқимли сўз айт” дейилганида ота-онани номи билан чақирмаслик, балки “отажон, онажон” каби сўзлар билан ҳурматлаб муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини қул ёки чўрилардек тутиш кабиларни тушуниш керак (“Мадорикуттанзил ва ҳақоикуттаъвил” тафсири).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): **“Уларга қараб “уф” тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма!”** оятини шарҳлаб, айтади: “У нафрат сўзидир”.

Муқотил айтади: “У қўпол, ёмон сўзларни айтиш”.

Тарбия бериб, вояга етказган ота-онасининг меҳрибонлигини ва чеккан машаққатларини қадрлаши учун Аллоҳ таоло бандаларига буюради:

“Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин”, деб (ҳақларига дуо қил)”.

Аллоҳ таоло инсондаги ота-она ҳақи хусусида бундай деди:

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ﴾

«Эсланг, (Биз) Исроил авлодидан: “Фақат Аллоҳагина сиғинасиз, ота-она, қариндош, етим ва мискинларга яхшилик қиласиз, одамларга ширинсўз бўлинг, намозни баркамол ўқинг, закот беринг”, деб аҳд олган эдик» (Бақара, 83).

Ота-онага яхшилик қилиш амалларнинг яхшиси ва тоатларнинг энг улуғидир. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Ё Расулulloҳ, энг яхши амал қайси?” деб сўрадим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “(Энг афзал амал) ўз вақтида ўқиладиган намоздир”, дедилар. “Сўнг қайси?” деб сўрадим. “Ота-онага яхшилик қилиш”, дедилар.

Ота-онага яхшилик қилиш жаннатга олиб борувчи йўллардандир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу сўзларни эшитдим: “Хор бўлсин! Хор бўлсин! Хор бўлсин!”. “Ким у, ё Расулulloҳ?” деб сўрашди. “Ким ота-онасининг бирини ёки иккаласини қарилик чоғида топиб, уларга яхшилик қилиб жаннати бўлиб олмаган”, дедилар.

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ): “Ота-онага яхшилик қилиш Аллоҳга маъсият бўлмаган барча нарсада уларга итоат қилишдир. Ота-онага оқ бўлиш уларни қарилик чоғида қаровсиз ташлаб қўйиш ва яхшиликдан маҳрум қилишдир”, деди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига жиҳод қилиш учун рухсат сўраб келган бир киши қиссасини эслайлик.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан: “Ота-онанг тирикми?” деб сўрадилар. У: “Ҳа”, деди. Пайғамбаримиз (алай-ҳиссалом): “Сен жидду жаҳд билан хизматларини адо эт”, дедилар.

Ҳар бир инсонга ота-онасига яхшилик қилиш ҳам фарз, ҳам қарздир. Ота-онага яхшилик қилиш ҳеч қачон уларга қарши чиқмаслик, хизматларидан бўйин товламасликдир. Баъзилар ота-онага яхшилик фақат ўзига ёқадиган ишларда ва хоҳишига мувофиқ келган ўринларда деб ҳисоблайди. Ҳақиқатда эса, бундай эмас. Яхшилик фақат яхши амалларда, банданинг ҳавойи хоҳишларига хилоф нарсаларда бўлади. Агар уларнинг ҳавойи майлларига тўғри келадиган нарсада бўлганида эди, у яхшилик деб номланмасди. Аллоҳ таоло бандани ота-онага яхшилик қилиш ва улар ҳурматини жойига қўйишга буюради:

“Уларга меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут – хокисор бўл ва: “Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ўстирганларидек Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин” деб (ҳақларига дуо қил!)”

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ إِحْسَانًا حَمَلَتْهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا وَحَمَلُهُ وَفِصَالُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُ وَبَلَغَ أَرْبَعِينَ سَنَةً قَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَصْلِحْ لِي فِي ذُرِّيَّتِي إِنِّي بُنَيْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿١٥﴾﴾

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб тукқандир. Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир. Бас, қачон, у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: “Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонларданман”, дейди» (Аҳқоф, 15).

Бақара сураси 233-оятда чақалоқ тўла икки йил эмизилиши белгилаб қўйилган. Ўттиз ойдан йигирма тўрт ой эмизишга кетса,

олти ой қолади. Ҳомила одатда тўққиз ойда туғилса-да, бунинг энг кам муддати олти ой, кўп муддати эса, йигирма тўрт ой, дейишган. Бу табобатда ҳам тасдиқланган.

Уламолар: “Бу оят Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳақларида нозил бўлган”, дейди. Бу оят у кишининг оталари Абу Қуҳофа, оналари Уммул Хайр, болалари ҳақиға қилган дуолар ижобат бўлганидан дарак беради. Ўзи билан бирга ота–онаси ва ўғил-қизлари Исломни қабул қилган бошқа бирор саҳоба йўқ, бунга фақат Абу Бакргина мушарраф бўлган.

Али ибн Абу Толиб (каррамаллоҳу важҳаҳу) ривоят қилади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен ота–онасининг ҳақини адо этган кишидан хурсандман”, дедилар. Мен: “Ё Расулulloҳ! Агар унда (ота-она ҳақини адо этишда) ҳеч нарса бўлмасачи?” деб сўрадим. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Агар улар бир ишга буюрса, “хўп бўлади”, десин, “уф”, демасин. Уларга қаттиқ гапирмасин, фақат яхши гапларни сўзласин”, дедилар.

Бир киши Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Ё Расулulloҳ, менга бир яхшилиқни билдиринг, ундан дунёда ҳам, охирада ҳам манфаат топай”, деди. “Ота–онанг борми?” деб сўраганларида, у: “Ҳа”, деб жавоб берди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, уларнинг ҳақини адо қил ва уларни овқатлантиргин. Уларга едирган ҳар бир луқманг учун жаннатда қаср бино қилинади”, дедилар. Яна бир саҳоба Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Ё Расулulloҳ, менинг онам бор ва унга нафақа қилиб тураман. У эса менга тили билан азият беради. Нима қилай?” деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унинг ҳақини адо қил. Аллоҳга қасам, агар гўштингни кесиб берсанг ҳам, ҳақининг тўртдан бирини адо қила олмайсан. Жаннат оналарнинг оёғи остида эканини билмайсанми?” деб жавоб бердилар. Саҳоба: “Энди онамга асло ёмон гапирмайман”, деди ва онаси олдиға келиб, оёқларини ўпди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) матни узун бир ҳадиснинг охирида айтганлар: “Мени ҳақ билан пайғамбар қилиб юборган Зотға қасам, кимға Аллоҳ таоло мол ато қилса, бу молидан у ота–онасига эҳсон берса, жаннатда мен билан бирга бўлади”. Бир киши: “Ё Расулulloҳ, агар ота–онаси дунёдан ўтиб кетган бўлса-чи?” деб сўради. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уларнинг номидан садақа қилади, Қуръон ўқийди ва ҳақларига дуо қилади.

Агар буларни тарк қилса, уларга оқ бўлади. Ким уларга оқ бўлса, осий бўлибди”, деб жавоб бердилар.

Баъзилар: “Бир банда фарз намозини ўқиб, кетидан ота онаси ҳаққига мағфират сўраб, дуо қилса, Аллоҳ таоло дуосини ижобат этиб, гарчи ота-онаси фосиқ бўлса ҳам, уларни мағфират қилади”, деган.

Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитганман: “Ким ота–онасини зиёрат қилиш учун йўл юрса, Аллоҳ унинг ҳар бир босган қадамига юзта савоб ёзиб, юзта гуноҳини ўчиради ва даражасини юз баравар кўтаради. Агар улар олдида яхши сўзларни айтса, қиёмат куни унга нур бўлади. Ота–онаси олдидан гуноҳлари кечирилган ҳолатда чиқади”.

Умар (розияллоҳу анҳу) даврида бир савдогар бор эди. Бир куни онаси унинг олдига келиб, ўзига зарур нарсани беришини сўради. Шунда савдогарнинг хотини: “Онанг бизнинг камбағал бўлишимизни хоҳлаяпти, агар ҳар куни шундай сўрайверса, фақир бўлиб қоламиз”, деди ва савдогар унга ҳеч нарса бермагач, онаси йиғлаб, қайтиб кетди. Бир сафар савдогар тижорат иши билан йўлга чиққанида, қароқчилар йўлини тўсди. Молларини тортиб олишди-да, қўлини кесиб, бўйнига осиб кетишди. Шу ердан ўтаётган қавм уни кўриб, уйига олиб борди. Кўргани келган қариндошларига у: “Бу менинг жазоим. Агар онамга инфоқ-эхсон қилганимда, қўлим ҳам, молим ҳам ўзимда қоларди”, деди.

Ҳикоя қилинишича, фазилати билан машҳур шайх Маккага сафарни қасд қилди. Аммо онаси бундан норози бўлди. Онаси унинг ортидан: “Парвардигоро, ўғлим мени айрилиқ ўти билан куйдирди. Уни бу қилмиши учун жазолагин!” деб дуо қилди. Шайх шаҳарлардан бирига етгач, масжидга кириб, ибодат қила бошлади. Шу кеча бир кишининг уйига ўғри кирди. Уй эгаси ўғрининг масжид томон қочганини кўрди. Одамлар уни қувлай кетди, лекин ўғри масжиднинг олдига келганида кўздан ғойиб бўлди. Улар: “Масжидга киргандир”, деб ичкарига қаради. Намоз ўқиётган шайхни ушлаб, шаҳар ҳокимининг олдига олиб боришди. Ҳоким ўғрининг кўзини ўйиш, қўл–оёқларини кесишга буюрди. Жаллодлар ҳукми ижро этди ва: “Бу ўғрининг жазоси”, дея бозорда жар солишди. Шунда шайх: “Ундай деманглар! Бу онасининг рухсатисиз Каъбани тавоф қилиш учун чиққан кимсанинг жазосидир, деб айтинглар”, деди. Унинг шайх эканини билишгач, қилган ишларидан пушай-

мон бўлишди. Онаси олдига олиб келиб, остонага қўйиб кетишди. Уй ичидан эса онасининг ноласи эшитилди: “Парвардигоро, агар боламнинг бошига бир бало солсанг, сўнгра уни қайтарсанг, ўғлимни бир бор кўрсам”. Шунда шайх: “Мен оч мусофирман, менга овқат беринглар”, деди. Онаси: “Эшик олдига кел”, деди. У: “Менинг оёқларим йўқ”, деди. Онаси: “Бўлмаса, қўлингни чўз”, деди. “Чўзадиган қўлларим ҳам йўқ”, деди у. Онаси деди: “Мен сенга номаҳрам бўлсам, қандай қилиб сени овқатлантираман”. У: “Кўрқма, менинг кўзларим ҳам йўқ”, деди. Шунда онаси битта нон билан кўзачада сув олиб, унинг олдига келди. Шайх юзини онасининг оёғига қўйиб: “Мен сизнинг осий ўғлингизман”, деди. Онаси уни таниб, йиғлаб юборди ва: “Парвардигоро, агар ҳолат бундай бўлса, иккимизнинг ҳам жонимизни олгин, токи одамлар юзларимиз қоралигини кўришмасин”, деб нола қилди. Унинг ноласи тугар-тугамас, Аллоҳ ҳар иккисининг жонини олди.

Анас ибн Молик (розияллоху анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Ким ота–онасини норози қилган бўлса, шаҳодат калимасини айтолмай ўлади ва қабридан пешонасига “Бу ота–онасига оқ бўлган кимсанинг жазосидир”, деб ёзилган ҳолатда туради», дедилар. Бошқа бир ҳадисда: “Кимга Аллоҳ тар оло мол ато қилса–ю, у ота–онасининг ҳақини адо қилмаса, унинг амаллари бекор бўлади ва у қаттиқ азобланади”, дейилган.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоху анху) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг розилиги ота–онанинг розилигида, ғазаби ота–онанинг ғазабидадир”, дедилар.

“Саҳиҳи Бухорий”да келишича, Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анху) айтади: Расулуллоҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Қайси амал Аллоҳга маъқулроқ?” деб сўрадим. “Ота–онага яхшилик қилиш”, дедилар. “Яна қайси амал?” деб сўрадим. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Аллоҳ йўлида ғазот қилиш”, дедилар. Шу аснода бир киши келиб, ғазотга чиқиш учун Расулуллоҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) рухсат сўради. Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ота–онанг хизматини қилсанг, ғазот қилган бўласан”, дедилар.

Ансорлардан бир киши келиб: “Ё Расулуллоҳ! Ота–онам вафот этганидан кейин ҳам уларга яхшилик қилишим керакми?” деб сўради. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ҳа, тўрт нарс билан хизмат қилишинг керак: уларнинг ҳаққига дуо қилиш,

гуноҳларига истиғфор айтиш, уларнинг аҳдлари, ваъдаларини бажариш, уларнинг дўстларини ҳурмат қилиш”, дедилар.

Ота-она хизматини қилишда, уларнинг розилигини топишда сусткашлик қилиш ярамайди. Хизматларини адо этиш ва улар ҳаққига раҳмат-мағфират тилаб, дуолар қилиш зарур! Шунда ҳам ота-онанинг ҳақларини тўлиқ адо эта олмайсиз. Лекин Аллоҳ тало оло оз амалларингизни барака билан кўпайтириб беради.

Ота-онага яхшилик қилишга Буюк Аллоҳ тарафидан амр-фармон бўлишига қарамай, бу соҳадаги ўлчовларимиз бузилиб кетган. Гоҳо ошна-оғайнилари, хотини, фарзандларини ота-онасидан устун қўядиган кимсаларни учратамиз. Баъзилар ота-онага яхшилик қилиш каби фазилати улуғ амалларни тарк этиб, арзимас ишлар билан кифояланади. Баъзилар ота-онаси қариб қолганида ташлаб кетади ёки ота-онасини камдан-кам зиёрат қилади. Ота-онасига бақирадиган ёки қўпол муомала қиладиганлар ҳам бор. Айримлар кўча-кўйда бировларга хушомад қилади-ю, уйида кекса ота-онасига айтгани бир оғиз илиқ сўз тополмайди. Улар билан қўпол муомалада бўлади.

Бугун динимиз буйруқларига эътиборсизлик ва аёлларнинг фаоллашуви сабабли хотинини ота-онадан устун қўйиш ҳоллари кўпайди. Муоз (розияллоҳу анҳу) айтади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга васият қилдилар: “Агар ота-онанг сенга аҳлинг (хотининг)дан ҳам, молингдан ҳам воз кечишингни буюришса ҳам, уларга итоат қил!”.

Эрини ота-онасига осий бўлишга ва қариндош-уруғчиликни узишга ундайдиган аёлда яхшилик йўқдир.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтади: Умар (розияллоҳу анҳу) аёлимни ёқтирмасди. Отам менга уни талоқ қил, деди. Мен бош тортдим. Умар (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бориб, устимдан шикоят қилди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Отангга итоат қил”, дедилар.

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) ҳузурларига бир киши келиб: “Онам хотинимни талоқ қилишимни буюряпти”, деди. Абу Дардо: «Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ота-она жаннат дарвозаларининг ўртасидадир. Агар хоҳласанг, бу дарвозани йўқ қиласан ёки сақлаб қоласан”, деганларини эшитганман», деди.

Киши ота-онасига роҳат-фароғатидан кечиб бўлса-да, яхшилик қилсин, итоат этсин. Ким бахт-саодат истаса, жаннат дарвозаларини бузиб ташламасин. Энди ким охиратини дунёга алмаштирса ва

ўткинчи ҳаётни афзал билса, у жаннат дарвозасини бузиб ташлаган бўлади.

Юқоридаги ҳукмга кўра, агар аёл хулқи ёмон ва итоатсиз бўлса, ота-она ундан ажралишга буюрса, фарзанд итоат қилиши шарт. Аммо аёли яхши бўлса, ота-онаси мустаҳкам диндор бўлмаса, келиннинг диндорлиги туфайли талоқ қилишга буюрса, ўғил улар билан чиройли муомала қилади, хизматларини бажаради, аммо аёлини талоқ қилмайди. Аллоҳдан қўрқадиган муслима эрини ота-онасига яхшилик қилишга ундайди. У мана шу ишда Аллоҳдан савоб умид қилади. Ота-онани ҳурматлаш, уларнинг хизматларини қилиш улкан бойлик ва чиройли хулқлардандир.

Мужоҳид айтади: «Агар ота боласини ураман деб қўл кўтарса, бола отасининг қўлини қайтармасин. Ким ота-онасига хўмрайиб қараса, уларга яхшилик қилмабди. Ким уларга (Аллоҳга ва ота-онага осийлик қилиш билан) ғам келтирса, оқ бўлибди. Ота-онага оқ бўлишдан эҳтиёт бўлинг. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч нарса билан кишининг амаллари унга фойда бермайди. Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, душман бостириб келганида урушдан қочиш”, деганлар».

Жуҳайма (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Расулulloҳ, жаҳд қилишни истаб, сиздан маслаҳат сўраб келдим”, деди. “Онанг борми?” дедилар. “Ҳа”, деди. “Онангни ёлғиз қолдирма. Чунки жаннат унинг оёғи остидадир”, дедилар.

Бир киши Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Расулulloҳ, хижрат қилиш учун сизга байъат бергани келдим. Лекин ота-онам ортимдан йиғлаб қолди”, деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайтиб бор ва уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдиргин”, дедилар. Бошқа ривоятда: “Сен улар олдига қайтиб бориб, уларни йиғлатганингдек кулдирмагунингча, сендан байъат олмайман”, каби келган.

Қатодадан ривоят қилинади: “Бир кишининг онаси унга фақат фарз намозларини ўқийсан ва фақат Рамазон рўзасини тутасан, деб қасам ичирди. Шундай ҳолатда у онасига итоат қилади! Чунки онага итоат қилиш нафл ибодатлардан афзалдир.

Ҳишом ибн Ҳассон айтади: Мен Ҳасанга: “Кечаси Қуръондан таълим оламан. Онам кечқурунги овқатда мени кутиб қолади”, дедим. Ҳасан: “Кечқурунги овқатни онанг билан егин, чунки онанг ёнида бўлиб, уни қувонтиришинг нафл ҳаж қилишингдан яхшидир”, деди.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) онасини елкасида кўтариб, Каъбани тавоф қилаётган кишини кўрди. У киши: “Эй Ибн Умар, онаминг ҳақини адо қилдимми?” деб сўради. Ибн Умар: “Сени туғишдаги тўлғоқларидан биттасининг ҳақини ҳам адо қилганинг йўқ. Лекин сен яхши иш қиляпсан. Аллоҳ камига ҳам кўп савоб беради”, деди.

Агар биров бизга бир-икки бор яхшилик қилса, уни мақтаб, яхшиликларини эслаб юрамиз. Ота-онамизга эса баъзан итоат-сизлик ва кўпол муомала билан жавоб берамиз. Бошқаларнинг кўнглини олишга уринамиз-у, аммо не-не машаққатлар билан бизларни улғайтирган ота-онамининг кўнглини кўтариш, дилини шод қилишга эътибор бермаймиз. Бирор фарзанд отаси ёки онаси вафот этганида касал бўлиб қолганини кўрганмисиз? Ёқуб (алайҳиссалом) қиссасини бир эслайлик. Ўғли Юсуфдан айрилиш отага қандай таъсир қилганини хотирлаб, хулоса чиқарайлик.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿ تَوَلَّىٰ عَنْهُمْ وَقَالَ يَا أَسْفَىٰ عَلَىٰ يُونُسَ وَأَبْيَضَّتْ عَيْنَاهُ مِنَ الْحُزْنِ فَهُوَ كَظِيمٌ ﴾

«Кейин улардан юз ўгириб: “Эсизгина Юсуф!” деди. Ғам-ғуссадан унинг кўзлари оқариб (ожиз бўлиб) қолди ва у энди маҳзундир» (Юсуф, 84).

Ёқуб (алайҳиссалом) саксон йил суюкли ўғли Юсуф (алайҳиссалом) фироқида кўп йиғлаганидан кўзлари оқариб, охири кўр бўлиб қолади. Бу йиғи сабрсизлик йиғиси бўлмай, инсонга Аллоҳ ато этган туғма табиат эди, оталик меҳри далолати эди. Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳам Иброҳим исмли норасида ўғиллари вафот этганида кўзларига ихтиёрсиз ёш олганлари маълум.

Ота-онага оқ бўлишга уларни йиғлатиш, хафа қилиш, узоқ вақт зиёрат қилмаслик, саломатликлари ва моддий ҳолатларига эътибор бермаслик кабилар киради. Шунингдек, болалар Аллоҳга итоат қилмаслиги ва мункари ишларга берилиши ҳам ота-онани ғамга ботиради. Чунки бу ишлар ота-онага ёмон таъсир қилади. Кўпинча фарзандлар яхши мансабларга ва молу дунёга эга бўлганида шундай оқпадарлик қилади.

Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб деди:

– Ё Расулуллоҳ! Инсонлар орасида менинг чиройли муомала қилишимга ким ҳақлироқ?

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Онанг, – дедилар.

- Сўнг ким? – деб сўради.
- Онанг, – дедилар.
- Сўнг ким? – деди.
- Онанг, – дедилар.
- Сўнг ким?
- Отанг, – дедилар.

Ибн Баттол айтади: “Она уч нарсада отадан фарқланиб, афзал туради: болани қорнида кўтариш қийинчилиги, тўлғоқ азоби ва эмизиш машаққати. Онанинг отадан олдин қўйилишида катта ҳикмат бор. Она ўзини боқадиган, яхшилик ва парвариш қиладиган кишига муҳтождир. Чунки у заифа, касби йўқ, эътибор ва раҳм-шафқатга муҳтождир.

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога жаннатда кимга қўшни бўлишини билдиришини сўраб, ёлборар эди.

Бир куни шундай нидо келди:

– Эй Мусо, фалон ерда яшовчи қассоб сенинг жаннатдаги қўшнинг бўлади...

Мусо (алайҳиссалом) қизиқиб, қассобнинг қайси ибодати учун бунга лойиқ бўлганини билиш ниятида йўлга чиқди. Мусо (алайҳиссалом) ўша одамни қидириб топди. Қассоб Мусо (алайҳиссалом) ҳақ пайғамбар эканини билган, имон келтирган эди. Лекин ўзини кўрмаган эди. Шунинг учун танимади. Кечқурун қассоб Мусони (алайҳиссалом) уйига олиб кетди. Овқат тайёрлади. Дастурхон тузади. Овқат ейишдан олдин, қассоб деворга осилган бир саватни ерга туширди ва ундан ҳатто ҳаракат қилишга сира ҳоли қолмаган бир қари кампирни олди. Худди гўдакни овқатлантиргандек унга едирди, ичирди ва яна саватга жойлаб, деворга осди. Шунда кампир нималардир деб шивирлади. Қари аёлнинг нима деяётганини тушунмаган Мусо (алайҳиссалом) қассобдан сўради:

– Ўғлим, бу кампир киминг бўлади?

Қассоб мусофирга:

– Бу аёл онам бўладилар. Ўтириб-туришга, овқат ейишга ҳоллари йўқ. Шу боис ўзим едираман, ичираман ва тозалигига қарайман. Қўлимдан келганича хушнуд этишга ҳаракат қиламан.

Мусо (алайҳиссалом):

– Ҳозиргина у сенга гапиргандай бўлди, нималар деди?

Қассоб:

– Эй Раббим! Мен ўғлимдан хурсандман. Сен ҳам ундан рози бўл. Жаннатда уни Мусога (алайҳиссалом) қўшни қил, деб дуо қил-

ди. Шунда Мусо (алайҳиссалом) ўзини танитадиган вақт келганини тушунди ва:

– Мен Аллоҳнинг пайғамбари Мусо бўламан. Аллоҳдан жаннатдаги қўшним ким бўлишини билдиришини илтижо қилган эдим. Аллоҳ сен эканингни билдирди. Сенга хушxabар бўлсин: онангга қилган хизматинг учун Аллоҳ сендан рози бўлди. Онангнинг дуосини қабул айлади, – деб марҳамат қилди.

Ота-она дунёдан ўтганларидан кейин уларнинг ҳақларига раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилиш, уларнинг васиятларини бажариш, шунингдек, улар номидан садақа қилиш ва уларнинг қариндош-уруғлари билан борди-келди қилиш фазилатли ишлардандир. Бир ансорий Расулуллоҳдан(соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Расулуллоҳ, ота-онам бу дунёдан ўтиб кетганларидан кейин уларга қандай яхшилик қилишим мумкин?”, деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Тўрт амал бор: уларнинг ҳақларига дуо қилиш ҳамда истиғфор айтиш; аҳдларини бажариш; уларнинг дўстларини ҳурмат қилиш; ота-онанг яхшилик қиладиган кишилар билан силаи раҳм, яъни, қариндошчиликни боғлаш. Мана шу ишлар вафотларидан кейин ҳам уларга қила оладиган яхшиликларингдир”, дедилар.

Биз Аллоҳ китобидан, Пайғамбаримиз(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидан васиятда айтилган насихатга қулоқ тутайлик:

– Ота-онамиз ёнимизда эканида, соч-соқоллари оқариб, беллаяри букилганида, қўл-оёқлари қалтираб, қийинчилик билан туриб, машаққат билан ўтирганида, хасталиклар кела бошлаганида уларга яхши муомалада бўлайлик. Кўнгилларини кўтарайлик, хушнуд этайлик. Уларга молимиз ва кучимизни сарфлашда бахиллик қилмайлик. Улар билан ҳаётимизни чиройли ўтказайлик.

Намозни ўз вақтида адо этиш

Мусулмон киши икки намозни жамлаб, яъни, бир намозни кечиктириб, иккинчисига яқин вақтда ўқишдан эҳтиёт бўлиши керак. Чунки бу иш бора-бора гуноҳи кабирага айланиб қолади. Бу ҳақда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сабабсиз икки намознинг вақтини жамлаб ўқиган киши гуноҳи кабиранинг эшигига келибди”, дедилар (*Имом Ҳоким ривояти*).

Ким бу ишни узрсиз кўп такрорласа, Аллоҳнинг азобига гирифторм бўлади. Ояти қаримада:

﴿فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ ﴿٤﴾ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ﴿٥﴾﴾

«Бас, шундай намозхонлар ҳолига вой, улар намозларини “унутиб” қўяди» (*Моъун, 5*), дейилган.

Чунки мўминлар намозларини ўз вақтида адо этишга шижоат билан ҳаракат қилишлари керак.

Оятда улар “намозхонлар” деб номланди. Бироқ намозга бепарволиклари ва ўз вақтидан кечиктирганлари сабабли уларга вайл билан таҳдид солинди. Вайл – шиддатли азобдир. “Вайл” жаҳаннамдаги водий бўлиб, агар унга дунёдаги тоғлар туширилса, ҳарорати юқориликдан эриб кетади. У намозга бепарво бўлган ва уни вақтидан кечиктириб ўқиган кимсалар масканидир. Фақат Аллоҳга тавба қилиб, илгариги эътиборсизлигига надомат чекканлар бундан мустаснодир.

Ояти каримада:

﴿فَإِذَا قَضَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَادْكُرُوا اللَّهَ قِيَمًا وَقُعودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِكُمْ فَإِذَا اطْمَأْنَنْتُمْ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَّوْقُوتًا ﴿١٠٣﴾﴾

«Намозни адо этиб бўлганингиздан сўнг турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда (ҳам доимо) Аллоҳни ёд этинг! (Ёв хавфидан) хотиржам бўлсангиз, намозни (мукаммал) адо этинг. Зеро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир» (*Нисо, 103*), дейилган.

Ояти каримадаги “ёд этинг” лафзидан мурод “намоз ўқинг” дир, деган тафсир ҳам бор. Демак, намозни аввало тик туриб ўқиш, унга қодир бўлмаса, ўтириб, унга ҳам мажоли етмаса, ётган ҳолда имо-ишора билан ўқиш жоиздир (“*Тафсири Қуртубий*”, 3-жилд, 220-б.).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси амал Аллоҳга севимлидир?” деб сўраганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Вақтида ўқилган намоз!” дедилар. Ибн Масъуд яна: “Кейин-чи?” деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ота-онага яхшилик қилиш”, деб жавоб бердилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Намозни зое қиладиганлар тўғрисида Аллоҳ таоло бундай хабар берди:

﴿خَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ ۖ فَسَوْفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا ﴿٥٩﴾﴾

﴿إِلَّا مَنْ تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا﴾

«Сўнгра уларнинг ортидан намозни зое қилган ва шаҳватларга эргашган кимсалар ўрин олди. Энди улар, албатта, ёмонликка (ёмон жазога) йўлиқур. Илло, имон келтириб, эзгу ишларни қилган зотларгина (бундан мустаснодир). Бас, улар жаннатга кирур ва уларга бирор нарсада ноҳақлик қилинмас» (Марям, 59 – 60).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) бундай деди: “Намозни зое қилган” дегани, уни бутунлай тарк этган дегани эмас, балки намозни вақтидан кечиктириб ўқиган, деганидир.

Тобеинлар имоми Саид ибн Мусайяб (розияллоҳу анҳу) оятдаги “намозни зое қилувчилар”дан мурод: “Аср бўлмагунча пешинни ўқимайдиган, асрни шомгача, шомни хуфтонгача, хуфтонни бомдодгача, бомдодни то қуёш чиққунча ўқимайдиган кишилар”, деган.

Саъд ибн Абу Ваққосдан (розияллоҳу анҳу) намозларини “унутиб” қўядиган кимсалар ҳақида сўрагашганида: “У – вақтни кечиктириш (яъни, намозни вақтидан кечиктириб ўқиш)”, дея жавоб берган.

Аллоҳ таоло яна бир оятда:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ ءَأْمُوٰلُكُمْ وَلَا ءَوْلَادُكُمْ عَن ذِكْرِ اللَّهِ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخٰسِرُونَ﴾

«Эй имон келтирганлар, мол-дунёларингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам сизларни Аллоҳнинг зикридан чалғитиб қўймасин. Ким шундай қилса, бас, ана ўша зиён кўрувчидир» (Мунофиқун, 9), дейди.

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) то Аллоҳ жонларини олгунича намозни охирги вақтида ўқимадилар” (Имом Ҳоким ривояти).

Ривоят қилинишича, ким намозни вақтида ўқиган, таҳоратни мукамал олган, қиём, хушу, руку ва саждаларини комил қилган бўлса, намоз оппоқ, нурафшон бўлиб чиқиб кетади ва “мени сақлаганингдек, Аллоҳ ҳам сени сақласин”, дейди. Ким уни вақтидан бошқа пайтда ўқиса, таҳоратни тўлиқ олмаса, хушу, руку ва саждаларини комил қилмаса, намоз қоп-қора, зулматли бўлиб чиқиб кетади ва “мени зое қилганингдек, Аллоҳ ҳам сени зое

қилсин”, дейди. Ҳатто, Аллоҳ хоҳлаган жойга етгач, худди эски кийимга ўхшаб ўралади-да, унинг юзига урилади.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч тоифа одамнинг намозини Аллоҳ қабул қилмайди: қавм уни ёқтирмаса-да, уларга имомлик қиладиган киши; намозга орқа томондан келадиган (яъни намозни вақти ўтганидан кейин ўқийдиган) киши; ўзи озод қилган одамни яна қул қилиб олган киши”, дедилар (*Абу Довуд ва Ибн Можга ривояти*).

Ибн Аббос (розияллоҳу анху) айтади: «Агар қиёмат куни бўлса, Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига бир кишини олиб келишади. Шунда Аллоҳ уни дўзахга ташлашни буюради. “Ё Рабб, нима учун?” деб сўраганида, Аллоҳ таоло: “Намозни вақтидан кечиктирганинг ва Менинг номим билан ёлғон қасам ичганинг учун”, дейди».

Ривоят қилинишича, салафлардан бири ўлган синглисининг жанозасида ҳозир бўлди. Унинг пул солинган ҳамёни маййитнинг қабрига тушиб кетди ва буни ҳеч ким сезмади. У қабр олдида кетгач, ҳамёнини эслади ва изига қайтди. Одамлар тарқаб кетганидан кейин қабрни кавлади, унда алангаланиб турган оловни кўриб, қабрни қайтадан кўмиб қўйди. Кейин онасининг олдига йиғлаб, маҳзун ҳолда қайтиб келди-да: “Эй онажон, синглим нима иш қилар эди, менга айтиб беринг”, деди. “Нимага сўраяпсан?”, деган онасига: “Унинг қабрида алангаланиб турган оловни кўрдим”, дея жавоб берди. Шунда онаси йиғлади ва: “Эй ўғлим, синглинг намозга бепарво эди ва уни вақтидан кечиктириб ўқирди”, деди.

Намозни вақтидан кечиктириб ўқиган кишининг ҳоли шу бўлса, умуман намоз ўқимайдиган кимсанинг аҳволи не кечар экан?!

Мўмин киши Аллоҳ таолодан намозларни вақтида ўқишга мувофак қилишини сўрасин. Албатта, У сахий, мурувватли Зотдир.

Жамоат намози

Ибн Умар (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража ортиқдир”, дедилар (*Имом Бухорий, Молик, Муслим, Термизий ва Насоий ривояти*).

Киши намоз ўқиса ва бу билан Аллоҳ розилигини талаб этса, унда нима учун жамоатга қўшилмай, ўзи (якка) уйида ўқийди?! Ақлли киши ҳеч қачон кам нарсани кўп нарсадан устун қўймайди.

Айниқса, бу нарса Ислом дини арконларидан муҳими бўлганидан унга кўпроқ аҳамият беришимиз лозим.

Бизлар эса гоҳо арзимас нарса ёки манфаатга эга бўлиш учун қанчадан-қанча водийларни кесиб ўтиб, бир қанча жамиятлар сафига кирамиз. Аммо қўлимизга илиниши осон бўлган диний манфаатларга юзланмаймиз. Аллоҳнинг йигирма етти марта кўпаядиган савоби нафсларимизга оғир келади. Жамоатга ҳозир бўлиб, намозни вақтида адо этишдан моддий машғулот ҳамда тижоратларимиз тўсиб қўяди. Аммо Аллоҳ шиорларини улуғлаб, Унинг ваъдасига ишониб, Унинг савобидан умидвор бўлиб, ҳисоб-китобини пухта қилган кишиларни бу вожибни адо этишдан турли сабаблар, узрлар тўса олмайди.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай дейди:

﴿ فِي بُيُوتٍ أُذِنَ لِلَّهِ أَنْ تَرْفَعَ وَيَذَكَرَ فِيهَا أَسْمُهُ يُسَبِّحُ لَهُ فِيهَا بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ ﴾ (26) رَجَالٌ لَا نُلَيْهِمْ تِجَارَةٌ وَلَا بَيْعٌ عَن ذِكْرِ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ يَخَافُونَ يَوْمًا نَتَقَلَّبُ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَارُ ﴿37﴾

«(У чирок) кўтарилишига (қурилишига) ва уларда ўзининг номи зикр қилинишига Аллоҳ изн берган уйларда (масжидларда)дир. У (масжид)ларда эртаю кеч Унга тасбеҳ айтадиган кишилар бор, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан, намозни баркамол адо этишдан ва закот беришдан чалғита олар. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган кун (қиёмат)дан кўрқурлар» (Нур, 36 – 37).

“Саҳобалар қиссаси” китобида зикр қилинганидек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари азон эшитишганида, уни улуғлаб, намозга муштоқ бўлишар эди. Солим Ҳаддод (розиаллоҳу анҳу) тижоратчи эди. Ҳар гал азонни эшитганида ранги сарғайиб кетар эди. Шу заҳоти молларию дўконларини ташлаб, масжидга юрарди.

АбуҲурайра (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйида ва бозорда ўқиган намозидан йигирма беш марта кўпроқдир. Агар ана шу киши таҳоратини чиройли қилиб, масжидга фақат намоз ўқишни ният қилиб чиқса, ҳар бир қадамига даражалари кўтарилиб, хатолари ўчирилади. Фаришталар у кишига салавот айтишда бардавом бўлади. Агар ўша киши намозхонасида

тахоратли ўтирса, агар намозхонлар намозга интизор бўлиб, бу ишда бардавом бўлса, фаришталар: “Аллоҳ, уларга салавот йўлла ва раҳм қил”, деб айтади», дедилар (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можя ривояти).

Ҳадислардан билдик, жамоат билан ўқилган намоз якка ўқилган намоздан йигирма етти даража афзалдир. Аммо у бу ҳадисда йигирма беш бараварга ишора қилинган. Уламолар наздида, бундай фарқнинг бир неча сабаблари бор. Улар ҳадислар шарҳида зикр қилинган. Бу фарқлар кишиларнинг турли ҳолати билан боғлиқ. Ихлосига қараб, йигирма етти даража ёзиладиган одамлар бор. Ва улардан йигирма беш даража ёзиладигани бор. Баъзиларнинг фикрича, бу намоздаги хилма-хилликка биноандир. Масалан, махфий намозларда йигирма беш даража бўлса, жаҳрий намозларда йигирма етти даражадир. Баъзилар эса, бомдод ва хуфтон намозларига йигирма етти даража, дейди. Одатда, бу икки намоз кишиларга машаққатлидир. Аммо қолган намозларга йигирма беш даража берилади.

Баъзи олимлар бунинг сабаби умматга хос илоҳий раҳмат бўлиб, бу уммат доимо яхшидан яхшироққа кўтарилади. Бас, шундай экан, йигирма бешдан йигирма етти даражага тараққий этиб юк-салаверади, дейишади.

Демак, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ишора қилган нарсаларга фикрни йўналтириш лозим. Жамоат билан ўқилган намозда қай даражада катта савобларга эришиш мумкинлиги очиқ-равшандир. Қаранг, уйда таҳорат қилиб, сўнгра масжидга чиқса, ҳар бир қадами учун савоб ёзилиб, ёмонликлари ўчирилади.

Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Масжид ёнида бир жой бўшаб қолганида, Бани Салама қавми масжид ёнидаги (ҳовлига) кўчишни хоҳлади. Бу хабар Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етганида: “Менга хабар етишича, сизлар масжид яқинига кўчаётган экансизлар”, деганларида, улар: “Ҳа, биз шуни хоҳладик, ё Расулulloҳ”, дейишди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Бани Салама, сизлар уйларида қолинглар, (масжид сари) қадамингизга (ҳасанот) ёзилади”, дедилар. Шунда улар: “Энди яқин жойга кўчиш бизни хурсанд қилмайди”, дейишди.

Имом Муслим ривояти ҳам худди шу маънода келган, фақат охирида “Ҳар бир қадамингиз учун даража бордир” калимаси зиёда қилинган.

Ибн Масъуд (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Кимни эртага мусулмон ҳолида Аллоҳга йўлиқиш хурсанд қилса, (азон) чақирилган пайтдаги намозларини сақласин. Чунки Аллоҳ таоло Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун ҳидоят йўлларини шариат қилди. Шу намозлар ўша ҳидоят йўлларидандир. Агар уйда қолиб ўқувчилар каби сизлар ҳам уйингизда ўқисангиз, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатини тарк қилган бўласиз. Агар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатини тарк қилсангиз, залолатга кетасиз”.

Бир киши чиройли таҳорат олиб, масжидлардан бирортасига борса, Аллоҳ таоло ҳар бир қадамига ҳасанот ёзиб, даражасини кўтаради ва ёмонликларини ўчиради. Намозни фақат қилмишлари ошкор бўлган мунофиқларгина кечга суради. Мўмин агар икки киши ёрдамида бўлса ҳам, уни қоим қилиб, сафда туради.

Бошқа ривоятларда: “Намозни фақат нифоқи билинган мунофиқ ёки касал кишигина кеч қолдиради. Мўмин киши икки одам ёрдамида юриб бўлса ҳам, намозни қоим қилсин”, деб айтилган.

“Албатта, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга ҳидоят йўлларини ўргатдилар. Ана ўша ҳидоят йўлларидан бири азон айтиладиган масжидда ўқилган намоздир” (*Имом Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ривояти*).

Саҳобалар жамоатга жуда қаттиқ аҳамият беришарди. Ҳатто касал киши беморлигига қарамай, қодир бўлганича жамоатга интилар эди. Агар мажбур бўлиб қолса, икки кишининг ёрдамида бўлса ҳам, жамоатга келар эди. Ахир саҳобалар жамоат намозига нега аҳамият бермасин, нега жамоатга шошишмасин. Чунки саййидимиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳатто қаттиқ касал бўлганларида ҳам жамоатга ана шундай аҳамият берганлар-ку!

Абу Дардо (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилиб айтди: Мен сизларга Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитган бир ҳадисни айтиб бераман. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳни кўриб тургандек Унга ибодат қилинглар. Агар Уни кўрмасангиз, У сизларни кўриб туради. Ўзингизни ўликлардан, деб ҳисобланг. Мазлумнинг дуосидан кўрқинг, чунки у ижобат қилинади. Сизлардан ким бўлмасин хуфтон ва бомдод намозига судралиб юриб борса ҳам, унда иштирок этсин”, дедилар (“*Ат-тарҳиб ват-тарҳиб*”, 295-б.).

Абу Ҳурайра (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мунофиққа энг оғири хуфтон ва

бомдод намозларидир. Агар сизлар (у икковидаги савобни) билганларингизда, эмаклаб бўлса ҳам келар эдингиз”, дедилар (“*Ат-тарғиб ват-тарҳиб*”, 297-б.).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳ учун олдин такбири таҳримага етиб, қирқ кун жамоат билан намоз ўқиса, унга икки четлатиш ёзилади. Биринчиси – дўзахдан четлатиш, иккинчиси – нифоқдан четлатиш”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Умардан (розияллоҳу анҳу) қилинган ривоятда: “Ким масжидда жамоат билан хуфтон намозини бирор ракатини қолдирмай ўқиса, Аллоҳ ўша намози ила дўзахдан озод, деб ёзади”, дейилган. (*Ибн Можа ривояти*).

Яъни, ким ихлос ва чиройли ният билан илк такбирни (такбири таҳрима) ўтказмасдан, намознинг бошидан имомга иқтидо қилиб қирқ кун намоз ўқиса, дўзахга кирмайди ҳамда мунофиқлардан саналмайди. Чунки мунофиқлар Исломни кўз-кўз қилиб, куфрни беркитади.

Йил давомида намозларини жамоат билан адо этиб, илк такбирни ўтказиб юбормайдиган бахтли кишиларнинг дунё ва охирагдаги насибалари қандай ҳам яхши!

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким чиройли таҳорат олиб, сўнгра масжидга борса-ю, у ерда кишиларни намоз ўқиб бўлган ҳолларида топса, Аллоҳ таоло вақтида ўқиганларнинг ажридек савоб беради. Уларнинг ажрларидан бирор нарса камайтирилмас”, дедилар (*Абу Довуд, Насоий, Ҳоким ривояти. Бу ҳадис Имом Муслимга биноан саҳиҳдир*).

Саид ибн Мусайяб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Ансорлардан бир кишига ўлим яқинлашганида, “Мен сизларга бир ҳадис айтиб бераман. Уни фақат савоб умидида айтаман. Уни Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитганман. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким чиройли таҳорат қилиб... (деб ҳадис давомида) масжидга келиб, жамоат билан намоз ўқиса, унинг гуноҳлари кечиради. Ким масжидга келса-ю, баъзи ракатларини ўқиб бўлишганини кўрса, у киши қолганини ўқиб олса, унинг ҳам савоби ўшаларникидекдир. Агар ким масжидга келса-ю, улар ўқиб бўлган бўлса, (кеч қолган киши) намозини ўқиса, унинг савоби ҳам ўшаларникидекдир”, дедилар”, деди (*Абу Довуд ривояти*).

Бир кишининг хоҳ намозга етишсин, хоҳ етишмасин, саъй-ҳаракат қилишининг ўзига ажр берилиши Аллоҳ таолонинг бандаларига улуғ неъматидир ҳамда чиройли фазл-марҳаматидир. Модомики, у киши намозга ҳаракат қилиб етишар экан, ажр бўлиши учун шунинг ўзи кифоя.

Агар биз бу ажрларга етишишда ва савоб ҳосил қилишда ўша неъмат ва марҳаматдан (дангасалик билан) узилиб қолар эканмиз, ўзимизга катта зарар қилган бўламиз. Бу ҳадисдан равшан бўлди, намоз тугади, деб масжидга бормаслик яхши эмас. Балки у ерга (кечикиб бўлса ҳам) бориб, ажрга етишиш керак. Аммо ишонч билан (вақт ўтганини билсак), унда (бормасликнинг) зарари йўқ.

Қуддус ибн Ашийм Лайсийдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Икки кишининг бири имомликка ўтиб ўқиган намозлари Аллоҳ ҳузуринда кетма-кет ўқилган тўртта намоздан яхшироқдир. Ва тўрт кишининг бири имомга эргашиб ўқиган намозлари Аллоҳ ҳузуринда кетма-кет ўқилган саккизта намоздан яхшироқдир. Ва саккиз кишининг бири имомга ўтгандаги ўқиган намозлари юзта кетма-кет ўқилган намоздан яхшироқдир”, дедилар (*Имом Табароний ривояти*).

Баъзилар масжидга бормаё, бир неча киши жамланиб, дўконми ёки бошқа бир жойдами, жамоат бўлиб ўқиса, бўлаверади, деб гумон қилади. Бундай қилиш хатонинг ўзгинасидир. Биринчидан, улар масжид ва жамоатнинг катта савобларидан маҳрум бўлади. Чунки кўп жамоат Аллоҳга оз жамоатдан сеvimлидир. Бошқа томондан, биз Аллоҳнинг розилигини талаб қилар эканмиз, Унинг ҳузуринда мақбул йўлни танлашимиз керак.

Юртимизда мўмин-мусулмонлар учун қурилган кўплаб масжидлар ҳам кишиларнинг ибодатларни эмин-эркин адо этишлари учун улкан имкониятдир. Шундай чиройли ва ажойиб масжидлар бўлатуриб, ҳар ким хоҳлаган жойида тўпланиб, намоз ўқиши ярамайди. Зеро, намоз учун таҳорат қилиш лозим. Шу билан бирга таҳоратнинг ўзига яраша фарзлари, вожиблари, суннатлари бор. Масжидларимизда мана шу аҳкомларга тўлиқ риоя қилиш учун имкониятлар етарли.

Саҳл ибн Саъд Саъидийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қоронғида масжидга борувчиларга қиёмат куни мукамал нур бўлиши хабарини хурсандлик ила билдирдилар” (*Ибн Можжа, Ибн Ҳузайма, Ҳоким ривояти. Бу ҳадис икки шайх шартига биноан саҳиҳдир*).

Шунингдек, Абу Хурайра (розияллоху анху) ривоят қилади: Бир кўзи ожиз киши Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Аллоҳнинг Расули! Мени масжидга олиб борадиган ёрдамчи йўқ”, деди ва Расулulloҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) уйида намоз ўқишга рухсат сўради. Шунда Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) унга рухсат бердилар. Ёрдамчига эга бўлганидан кейин уни чақиртириб: “Уйингга азон эшитиладими?” деб сўрадилар. У: “Ҳа”, деди. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, жамоат намозига чиқ!”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Умомадан қилинган ривоятда: “Қоронғида масжидга борувчиларга қиёмат куни нурдан минбар бўлишининг хабарини хурсандлик ила етказ. Кишилар қўрққанида улар қўрқишмайди”, дейилган (*Имом Табароний ривояти*).

Қоронғида масжидга боришга қийналамиз-у, лекин унинг фойда ва самараларини, иншааллоҳ, қиёмат даҳшатлари пайтида кўрамиз. Кечаси масжидга бориб орттирган баъзи қийинчилик ва машаққатларимиз нурдан бўлган гумбаз ва нур сочувчи қуёшга айланиб қолади. Қиёмат зулумотида қаерга борсак, у нур ҳам биз билан бирга юради.

Албатта, динимиз таълимотлари ва кўрсатмаларига мувофиқ доимо масжидга қатнаш ва жамоатни топиш ажрни янада кўпайтиради. Айни пайтда бу иш бандаларга улкан савоблар ва фойдалар келтиради. Шак-шубҳа йўқ, бу манфаатлар моҳиятини англаш қийин. Бирор киши бу раббоний сирлар ва нозик илоҳий савобларни кўриши мумкинми? Лекин биз шулардан имкониятимиз доирасида насиба олдик. Уламолар жамоатда иштирок этиш фойдаларини қандай билган бўлишса, ўшандай қилиб бизга етказишди.

Ўз оти билан “саждагоҳ” деб ном олган масжидларимиз ҳақиқага риоя қилайлик. Намозларни тўғри келган жойда эмас, балки масжидларда, саждагоҳларда жамоат билан адо этишга интилайлик!

Истиқоматда бўлиш

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَمُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنتُمْ تُوعَدُونَ ﴿٣٠﴾ نَحْنُ أَوْلِيَائُكُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَشْتَهَى أَنْفُسُكُمْ وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَدَّعُونَ ﴿٣١﴾ نَزَّلْنَا مِنْ عَفْوَِرٍ رَحِيمٍ ﴿٣٢﴾ وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِمَّن دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنَّنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٣٣﴾﴾

«Албатта: “Раббимиз – Аллоҳ”, деб сўнгра тўғри бўлган зотлар ҳузурига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): “Кўрқманг ва ғамгин ҳам бўлманг! Сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabари билан шодланинг! Дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам биз сизларнинг дўстларингизмиз. Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсалар ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз муҳайёдир. (Бу) мағфиратли ва меҳрибон Зот (Аллоҳ томони)дан бўлмиш зиёфатдир”. Аллоҳ (йўли)га даъват этган ва ўзи ҳам солиҳ амал қилиб, “Мен му-сулмонларданман”, деган кишидан кўра ким чиройлироқ сўзловчидир?!» (Фуссилат, 30 – 33).

“Тўғри бўлган зотлар” қандай кишилар экани тўғрисида тур-ли фикрлар айтилган. Масалан, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу): “Сўзи билан иши бир бўлган одамлар”, деса, Умар (розияллоҳу анҳу): “Мунофиқлик қилмайдиганлар”, деган. Усмон (розияллоҳу анҳу): “Амални ихлос билан адо этувчилар”, деса, Али (розияллоҳу анҳу): “Фарз амалларни бажариб юрувчилар”, деган. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) айрим саҳобалардан ушбу “тўғри бўлиш” (арабчаси “истиқомат”) нима?” деб сўраганида улар: “Ғуноҳ қилмаслик”, деб жавоб берган. Шунда у: “Жуда қийин ишга айлантириб юбордин-гиз. Ундай эмас, балки имон келтирганидан кейин қайта бут ва санамларга ибодат қилиб, ширкка қайтмаслик”, деб жавоб берган экан, (“Мадорикуттанзил ва ҳақоиқуттаъвил”, 288-б.).

Фуссилат сураси 31-оятни мисрлик муфассир шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий (ваф. 1997 й.) бундай тафсир қилган: “За-

монавий фан ютуқлари энг авжига чиққанда ҳам кўнгил тусаган нарсани махсус тугмачани топиб босмагунча муҳайё қила олмаслар. Жаннатда эса, кўнгилга келтирилса бас, у муҳайёдир. Жиҳозга ҳожат йўқ”.

Абу Талҳа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кирдим ва у кишини жуда хурсанд ҳолда кўрдим, сўнг бунинг сабабини сўрадим. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Нега хурсанд бўлмайин, Жаброил (алайҳиссалом) ҳозиргина ҳузуримдан чиқиб кетди. У: “Аллоҳ мени сизга хушxabар бериш учун юборди. Агар умматингиздан бирор киши сизга битта салавот айтса, Аллоҳ ва фаришталар унга ўнта салавот айтади”, деди», дедилар.

Юқорида келтирилган оятларнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Абдуллоҳ ибн Аббос айтади: Бу оят Абу Бакр Сиддиқ ҳақида нозил бўлган. Мушриклар: “Парвардигоримиз Аллоҳдир ва фаришталар Аллоҳнинг қизларидир”, деди. Яҳудийлар эса: “Парвардигоримиз Аллоҳдир, Узайр Аллоҳнинг ўғлидир ва Муҳаммад пайғамбар эмасдир”, деди. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) эса: “Парвардигоримиз Аллоҳдир ва У ягона бўлиб, Унинг шериги йўқдир ва Муҳаммад Унинг бандаси ва расулидир”, деди—да, ёлғиз Аллоҳга тоат—ибодат қилишда бардавом бўлди. Оятнинг маъноси: “Улар Аллоҳнинг ягоналигига иқрор бўлади ва Унга шериклар, хотин ва болаларни нисбат бермайдилар. Сўнгра Аллоҳга тоат—ибодатда қоим бўладилар ва фарзларни адо этадилар. То вафот этгунларича динда холис бўладилар”, деганидир.

Баъзилар: “Истиқомат – тўғри бўлиш зоҳирда ва ботинда бўлади. Зоҳирдагиси Аллоҳ буюрган амрларга бўйсуниб, қайтарганларидан четланиш, ботиндагиси имон келтириб, тасдиқлашдир”, деган.

Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу) истиқомат ҳақида сўрашганида: “Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмаслигинг”, деб жавоб берган. Умар (розияллоҳу анҳу): “Истиқомат – амру наҳийларда тўғри туришинг, тулкилар ҳийласи каби ҳийла қилмаслигинг”, деган. Усмон (розияллоҳу анҳу) истиқомат тоат—ибодатни ихлос билан қилиш, деб изоҳлаган. Али (розияллоҳу анҳу) эса: “Истиқомат – фарзларни адо этишинг”, деган.

Аҳли ҳақларнинг баъзилари айтишича, “истиқомат, яъни, тўғри туриш уч хилдир: тил билан тўғри туриш; қалб билан тўғри туриш, яъни, шаҳодат калимасида бардавом бўлиш: ихлос

билан тўғри туриш, яъни, тоат–ибодатда давомли бўлиш”. Баъзилар айтади: “Истиқомат тўрт нарса билан бўлади. Амрнинг муқобилида тоат–ибодат билан, наҳийнинг муқобилида тақво билан, неъматнинг муқобилида шукр билан, жаннатнинг муқобилида сабр билан. Бу тўрт нарса бошқа тўрттаси билан комил бўлади: тоат ихлос билан, тақво тавба билан, шукр ожизлигини билиш билан, сабр Аллоҳ йўлида нафсни ўлдириш билан”.

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий айтади: «Истиқоматнинг аломати ўнта нарсада кўрилади. Биринчиси, тилни ғийбатдан сақлаш, зеро, Қуръонда ғийбат ҳаром экани баён қилинган. Иккинчиси, ёмон гумондан сақланиш, зеро, Қуръонда гумондан четланиш буюрилган, гумонларнинг баъзиси гуноҳ экани таъкидланган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёмон гумондан сақланишлар, чунки у сўзларнинг энг ёлғонидир”, деганлар. Учинчиси, масҳара қилишдан четланиш. Қуръони каримда бир қавм бошқа бир қавмни масҳара қилмаслиги буюрилган, масҳара қилинаётган қавм масҳара қилаётган қавмдан яхшироқ бўлиши мумкинлиги таъкидланган. Тўртинчиси, кўзларни номаҳрам аёлларга қарашдан тийиш. Аллоҳ таоло айтади: “(Эй Муҳаммад), **мўминларга айтинг, кўзларини** (номаҳрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза** (йўлдир). **Албатта, Аллоҳ улар қилаётган амаллардан хабардордир**” (Нур, 30). Бешинчиси, рост сўзлаш, олтинчиси, Аллоҳ йўлида садақа қилиш, зеро, Аллоҳ таоло: “**Касб қилиб топган нарсаларингизнинг покизасидан инфоқ қилинлар**” (Бақара, 267), деган. Еттинчиси, исроф қилмаслик, саккизинчиси, кибранмаслик, тўққизинчиси, беш вақт намозни вақтида адо қилиш ва ўнинчиси, аҳли сунна вал жамоа йўлини маҳкам тутиш».

Абу Бакр (розияллоҳу анху) бундай деган: “Мўминнинг қалбидаги имон етти шохли дарахтга ўхшайди. Шохларининг биттаси қалба бўлиб, унинг меваси тўғри ниятли бўлиш. Иккинчиси, тилда бўлади, унинг меваси тўғри сўзликдир. Учинчиси, икки оёқда бўлиб, меваси жамоат намозига боришдир. Кейингиси икки қўлда бўлиб, унинг меваси садақа қилишда кўринади. Бешинчиси, кўздадир, унинг меваси ибратли нарсаларга қараш билан бўлади. Олтинчиси, қоринда бўлади, унинг меваси ҳалолдан еб, шубҳали нарсаларни тарк этишдир. Еттинчиси, нафсда бўлиб, меваси шахватлардан тийилишдир”.

Хабарларда келишича, қиёмат куни барча махлуқотлар қабрларидан туради. Фаришталар мўминлар олдига келиб, улар устидаги тупроқни қоқади. Уларнинг пешонасидан бошқа жойининг тупроғи тушиб кетади. Фаришталар бу ўринни ҳам артади, аммо тупроқ кетмайди. Шунда уларга нидо қилинади: “Эй фаришталар! Бу тупроқлар қабрдаги тупроқ эмас, балки уларнинг меҳробларидаги тупроқдир. Уларни Сирот кўпригидан ўтиб жаннатга киргунларича шу ҳолатда қолдиришлар, токи уларга қараганлар Менинг хос бандаларим эканини билишсин”.

Башорат–хушхабар берувчилар учтадир. Бунда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) башорат берганлар. Қуръони каримда: **“Сабрлиларга хушхабар беринг”** (*Бақара, 155*), дейилган. Жон олиш вақтида фаришталар башорат беради. Зеро, Қуръони каримда келишича, фаришталар мўминларга ўлимлари вақтида: **“Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга берилган жаннат хушхабари билан шодланишлар!”** (*Фуссилат, 30*), дейди. Яна Аллоҳ таоло: **“Парвардигорлари уларга Ўз таарафидан раҳмат, ризолик ва улар учун неъматлари доимий (бўлмиш) жаннат (боғ)лари тўғрисида хушхабар берур”** (*Тавба, 21*), деган.

Хушхабар бериш беш хил бўлади. Биринчиси, мўминлар оmmasи учун. Уларга: “Сизлар азобда абадий қолишдан қўрқманглар, сизларни пайғамбарлар ва солиҳ кимсалар шафоат қилади, савобларни бой бериб қўйганингиздан ғамгин бўлманглар, борадиган жойингиз жаннат бўлиши хушхабари билан шодланишлар”, дейилади. Иккинчиси, ихлос билан амал қилувчилар учун бўлиб, уларга: “Амалларингиз рад қилинишидан хавфсираманглар. Чунки амалларингиз мақбулдир. Савобларни қўлдан бой берганингизга ғамгин бўлманглар, сизларнинг савобларингиз бир неча бор зиёда қилинади”, дейилади. Учинчиси, тавба қилувчилар учун, уларга: “Гуноҳларингиздан хавфсираманглар, чунки сизларнинг гуноҳларингиз мағфират қилингандир. Савобларингиз камлигидан ғамгин бўлманглар, чунки гуноҳларингиз савобларга айлантилгандир”, дейилади. Тўртинчи хушхабар соҳидлар учун аталган. Уларга: “Ҳашр ва ҳисоб–китобдан хавфсираманглар ва ҳисобсиз, азобсиз жаннатга кириш хушхабари билан шодланишлар”, дейилади. Бешинчиси, одамларга яхшиликларни таълим берган ва илмига амал қилган олимлар учун. Уларга: “Қиёмат даҳшатларидан хавфсираманглар. Чунки сизлар амал қилганингиз эвазига муко-

фотланасиз. Сизлар ва сизларга эргашганларга аталган жаннатлар хушхабари билан шодланинглар”, дейилади.

Умри охири башорат–хушхабар билан якунланган кимсалар нақадар бахтлидир. Башорат фақатгина амалида ихлосли ва бардавом бўлган мўминларга берилади. Улар олдига фаришталар келади. Шунда мўминлар: “Сизлар кимсизлар, биз сизлардан гўзалроқ ва хушбўйроқ кимсаларни кўрмаганмиз”, дейишади. Фаришталар: “Биз сизларнинг дўстларингизмиз, яъни, бу дунёда амалларингизни ёзиб, сизларни ҳимоя қилиб турдик”, дейди.

Оқил кимса ғафлатдан уйғониши керак. Уйғонишнинг аломати тўрт хил бўлади: биринчиси – дунё ишларини қаноат билан тадбир қилиш; иккинчиси – охират ишларига ҳарислик билан ёндашиш; учинчиси – дин ишларини илм ва ижтиҳод билан бажариш; тўртинчиси – халқнинг ишларида насиҳат, муҳаббат ва юмшоқлик билан тадбир қилиш.

Қуйидаги беш хислатга эга бўлганлар одамларнинг яхшиси ҳисобланади: ибодатда қоим бўлганлар; зоҳирда ҳам, ботинда ҳам ихлосли бўлганлар; одамларга ёмонлик қилмайдиганлар; одамларнинг қўлидаги нарсадан умидвор бўлмаганлар ва ўлимга тайёргарлик кўрган кишилар.

Яҳё ибн Муоз айтади: “Мустақим тургувчининг бир қанча аломатлари бор: Аллоҳга тоат–ибодат қилишга саъй–ҳаракат этиш, оммага таъмасиз насиҳат қилиш, қўрқув билан ибодат қилиш, дунёда кўраётган нарсаларидан шаҳватсиз ибрат олиш, охират ҳақида ғафлатсиз тафаккур қилиш. Кимда ушбу сифатлар бўлса, ўлим олдидан унга бахт–саодат ва жаннат хушхабари берилади”.

Мусулмон киши Аллоҳга итоат қилиб, Расулига “Лаббай” деб ва раҳбарларга итоат қилиши билан истиқоматда барқарор бўлади. Аллоҳ таоло барчамизни ҳақиқий истиқоматда бардавом айласин, омин!

БЕШИНЧИ ВАСИЯТ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

عَنْ أَبِي ذَرٍّ وَمَعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سِتَّةَ أَيَّامٍ ثُمَّ أَعْقَلُ يَا أَبَا ذَرٍّ مَا يُقَالُ لَكَ بَعْدُ». فَلَمَّا كَانَ الْيَوْمَ السَّابِعِ قَالَ: «أَوْصِيكَ بِتَقْوَى اللَّهِ فِي سِرِّ أَمْرِكَ وَعَلَانِيَتِهِ وَإِذَا أَسَأْتَ فَأَحْسِنْ وَلَا تَسْأَلَنَّ أَحَدًا شَيْئًا وَإِنْ سَقَطَ سَوْطُكَ وَلَا تَقْبِضْ أَمَانَةً». (رواه أحمد).

Абу Зарр ва Муоз ибн Жабал (розияллоху анхумо) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Эй Абу Зарр, олти кун ўтганидан сўнг сенга нима дейилиши ҳақида ақлингни ишлат”, дедилар. Еттинчи куни келганида Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Сенга яширин ҳолатда ҳам, ошкора ҳолатда ҳам Аллоҳдан қўрқишни васият қиламан. Бир ёмон иш қилиб қўйсанг, дарҳол унинг ортидан яхши иш қил. Ҳеч кимдан ҳеч нарса, ҳатто қамчинг ерга тушиб кетса (олиб беришларини) ҳам сўрама. Омонатни ушлаб турма”, дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Бу васиятда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Абу Зарр ва Муоз ибн Жабалга айтган гапларида олам-олам маъно ва сир-асрорлар мужассам. Васиятда Абу Заррга (розияллоху анху) нималар билан машғул бўлиш ва нималар ҳақида тафаккур қилиш айтилиб, бу билан вақтини зикрда ўтказиши ва “зокир” деган шарафли номга муносиб бўлиши назарда тутилган.

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) кимга нимани васият қилган бўлсалар, унда фақат фойда ва яхшилик бор. Муборак васиятлар ўз номи билан нима ҳақида экани маълум бўлса-да, лекин улар биз билган оддий васиятлар эмас. Бу васиятлар неча юз йиллар ўтса ҳам долзарблигини йўқотмаган. Худди бугун сизу бизга айтилгандек, ўқилгани сари янги-янги қирралари очилаверади.

Васиятларни ўқиган киши ўн беш аср ортга қайтиб, бугунги кунни англагандек бўлади. Васиятларда айтилган тавсиялар бизни беихтиёр маънавий ҳузур-ҳаловатга етаклайди. Шу маънода, васиятларни ўқиган киши кўнглига керакли нарсани топади ва хотир-жамликка эришади.

Яширин ва ошкора ҳолатларда ҳам Аллоҳдан қўрқиш

Тақво Аллоҳдан қўрқишдир, учинчи васиятда айтилгани каби “Тақво – ҳар ишнинг боши ва ҳар ҳикматнинг асосидир”. Шунингдек, тақво гуноҳлардан тийилиш ва ёмонликлардан сақланишда муҳим воситадир.

Қуръони каримда марҳамат қилинади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَتَّقُوا اللَّهَ يَجْعَلْ لَكُمْ فُرْقَانًا وَيُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ﴾

«Эй имон келтирганлар! Агар Аллоҳдан қўрқсангиз, сизлар учун (ҳақ билан ноҳақликни) ажрим этувчи (ёрдам)ни берур ва гуноҳларингиздан ўтиб, сизларни мағфират қилур. Аллоҳ улкан фазл соҳибидир» (Анфол, 29).

Мўминнинг асосий мақсади ва орзуси шудир. Чунки тақво ўз эгасини махфий ҳолатда ҳам, ошкора ҳолатда ҳам Аллоҳдан қўрқишга чорлайди.

Ҳадиси шарифда:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ»

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳни кўриб турганингдек ибодат қил. Гарчи сен Уни кўролмасанг ҳам, У Зот сени кўриб турибди”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Зуннун Мисрий айтади: “Бандани Аллоҳга етиштирувчи (восита) сидқ ва хилватдир. Уч нарса ихлос белгисидир: биринчиси, мақтов ва танқид унга баробар бўлади; иккинчиси, амалларини унутиб, гуноҳларини эслайди; учинчиси, Аллоҳдан бошқани кўнглидан чиқаради. Банда Аллоҳнинг амрларига итоат этмагунича ҳақиқий банда бўлолмайди. Шогирд устозларга итоат этмагунича устоз бўла олмайди”. Яна шундай ҳикмат бор: “Ким тақво қилса, Аллоҳга қочсин, ким Аллоҳга қочса, нажот топади”.

Улуғ валийлардан Жунайд Бағдодийнинг бир муриди бўлиб, уни шайх жуда севар, бошқа муридлар эса уни ёқтирмас эди. Муридларнинг бу ҳоли Шайх ҳазратларига маълум бўлди.

Хизматкорларига буюриб, йигирмата қуш келтирди, ҳар муридика биттадан бериб, бундай деди:

– Ҳар бирингиз бу қушларни ҳеч ким кўрмайдиган хилват бир жойда бўғизлаб келинг.

Ҳаммаси қушларни кимсасиз бир жойда сўйиб келтиришди. Ёлғиз ўша мурид қушни сўймасдан шундоғича келтирди. Жунайд:

– Нечун бўғизламадинг? – деди.

– Султоним, сиз қушларни ҳеч ким кўрмайдиган ерда сўйишни буюрдингиз, мен кимсасиз ҳеч жой топа олмадим. Ҳамма жойда Аллоҳ таолони ҳозир у нозир кўрдим, – деди.

Жунайд:

– Кўрдингизми, унинг қандай фаросати бор! – деди. Барча муридлари унинг фаросат бобидаги фарқиға иқрор бўлишди.

Бу воқеа кишини қай ҳолатда ва қаерда бўлмасин, Аллоҳдан тақво қилишга ундайди. Аллоҳ таоло бизни тақволи бандаларидан қилсин, омин!

Ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш

Ҳақиқий мўмин биров ўзига ёмонлик қилса ҳам, яхшилик билан жавоб қайтаради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборақ васиятларида: “Бирон ёмон иш қилиб қўйсанг, дарҳол яхшилик қил”, дедилар. Чунки яхшилик ёмонликни ювиб кетади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿ وَمِنْهُمْ مَّنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴾

﴿٢٠﴾

«Яна шундайлар ҳам бор, улар: “Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато эт ва бизни дўзах азобидан асра”, дейдилар» (Бақара, 201).

Ояти каримадаги икки яхшилик тўғрисида уламолар ҳар хил фикр айтган. Али ибн Абу Толибдан ривоят қилинади: “Дунёдаги яхшилик – яхши хотин, охиратдагиси эса, ҳурлар” (“Тафсири Қуртубий”, 1-жилд, 615-б).

Қатода (розияллоҳу анҳу) айтади: “Дунёдаги яхшилик етарлича мол-дунё ва саломатликдир” (“Тафсири Қуртубий”, 1-жилд, 615-б).

Ҳасан (розияллоҳу анҳу) эса: “Дунёдаги яхшилик илм ва ибодатдир” (“Тафсири Қуртубий”, 1-жилд, 616-б).

Олимларнинг кўпчилиги икки яхшиликдан мурод: “Дунё ва охират саодати”, деган (“Тафсири Қуртубий”, 1-жилд, 616-б).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир куни бир аёл олдимга келиб:

– Мен ҳам зино қилдим, ҳам зинодан туғилган боламни ўлдирдим. Энди шу гуноҳимдан тавба қилсам бўладими? – деб сўради.

– Сен учун тавба йўқ! Аллоҳ кўзингни кўр қилсин, ҳеч бир қулайлик бермасин, – дедим унга.

Шундан сўнг аёл йиғлаб, тиззаларига урганча чиқиб кетди. Эртаси куни бомдод намозини ўқиб бўлгач, бу воқеани айтган эдим, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Аёлга жуда ёмон жавоб берибсан. Сен ахир:

﴿وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ ۗ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضْعَفُ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدُ فِيهِ مُهَانًا ﴿٦٩﴾ إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٧٠﴾﴾

«Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа “илоҳ”га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар)ни (имонсиз ҳолда) қилса, гуноҳга (укубатга) учрар, қиёмат кунида унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. Илло, ким (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир» (Фурқон, 68 – 70), мазмунли оятларни ўқимаганмидинг, деб марҳамат қилдилар.

Шундан сўнг дарҳол аёлни чақиртириб, унга бу оятларни ўқиб бердим. Аёл севинганидан ўша заҳоти сажда қилди ва:

– Менга қутулиш эшигини очган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин, – деди.

Гуноҳнинг савобга айлантирилиши хусусида турлича фикрлар бор. Масалан, олдинги гуноҳлари тавба билан ўчиб, ўрнига савобли ишларни қилиши; гуноҳ қилиш қобиляти савобли иш қилиш қобилятига айланиши; Аллоҳ тавфиқ бериб, тоат-ибодат ва хайрли ишлар қилишга ўтиши ва ҳоказо (“Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил”).

Ҳадисда баъзи мўминларнинг улкан гуноҳлари кечирилиб, кичик гуноҳлари яхшиликка айлантирилиши ҳақида башорат қилинган (*Имом Муслим ривояти*).

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ): **“Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато эт”** (*Бақара, 201*), оятини бундай тафсир қилади: “Дунёдаги яхшилик илм ва ибодат, охиратдагиси эса жаннатдир”.

Бир донишманддан: “Қайси нарсаларни тўпласам, яхши бўлади?” деб сўрашганида, “Кема ҳалокатга учраганида ўзинг билан қоладиган нарсани тўпла”, деб жавоб берди. Бу билан илм назарда тутилди.

Умар (розияллоҳу анҳу) халққа эътиборли, заифларга яхшилик қилувчи, ҳақиқат борасида қаттиққўл ва одамларнинг барини баравар кўрадиган ҳукмдор эди. Умар (розияллоҳу анҳу) ўзларидаги нарсаларни одамларга бериб юборар ва уларни тўйдириб, ўзи оч қолар эди. Одамларнинг уйларида, ҳол-аҳволдан хабардор бўлиб турарди. Бу ҳақидаги қиссалар маълум ва машҳурдир.

Бир кун у киши бозорда садақа сўраётган қарияни кўрди ва: “Эй шайх, нима қияпсан?” деб сўради. Қария: “Мен ёши улуғ одамман, жизя учун тиланчилик қияпман”, деди. У Мадинада яшовчи яҳудий эди. Буюк инсоний хислат эгаси бўлган Умар (розияллоҳу анҳу) унга: “Эй шайх, биз сенга инсоф қилмадик. Ёшлигингда сендан жизя олиб, қариганингда ташлаб қўйдик”, деди-да, унинг қўлидан ушлаб, уйига олиб борди. Унга зарур миқдорда озиқ-овқат тайин этди. Ҳазиначига: “Бу киши ва унга ўхшаганларнинг ўзи ва оиласига етарли маблағ ажрат”, деб буюрди.

Бир гал Умар (розияллоҳу анҳу) Мадина кўчаларида юрган эди, озғинликдан тўзиб кетган қизчани кўриб қолди. Қиз гоҳ турар, гоҳ йиқиларди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу): “Бу қизалоқнинг айби нима?! Гуноҳи не?! Қайси бирингиз бу қизчани танийсиз?” деди. Ўғли Абдуллоҳ: “Танимадингизми, эй мўминлар амири?” деганида, у киши: “Йўқ”, деди. Абдуллоҳ айтди: “Бу – набираларингиздан бири!”

– Бу қайси бири?

– Умар ўғли Абдуллоҳнинг қизи фалончи.

– Эсиз, бу ҳолга тушишига нима сабаб бўлди?

– Нафақа берилиши тўхтатиб қўйилгани!

– Аллоҳга қасам, менда мусулмонлик ҳақингдан бошқа нарса йўқ. Бу – мен ва ўртангиздаги Аллоҳнинг китоби (фарзи)дир, – деди Умар (розияллоҳу анҳу).

Мадинага савдо карвони келди. Унда аёллар ва болалар ҳам бор эди. Умар (розияллоҳу анҳу) Абдурахмон ибн Авфга (розияллоҳу анҳу): “Бу кеча уларга қўриқчилик қиласизми?”, деди. Уларни қўриқлаб кеч киритишди. Фарз намозларни ўқишди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) бир гўдакнинг йиғисини эшитди ва ўша томонга юрди. Унинг онасига: “Аллоҳдан қўрқ, болангга яхши қара”, деди, сўнг ўрнига қайтди. Шунда яна йиғи овозини эшитиб, онасига: “Аллоҳдан қўрқ ва болангга яхши қара”, деди-да, жойига қайтди. Тун охирлаганида, яна унинг йиғисини эшитди. Онасига бориб: “Хайф сенга, яхши она эмас экансан! Болангга нима бўлди, туни билан тинчимасми?”, деди. Аёл мўминлар амири гапираётганини билмай: “Эй Аллоҳнинг бандаси, у кечадан бери мени безор қилиб юборди, мен уни мажбурлаб кўкракдан ажратмоқчиман, у эса кўнмаяпти”, деди. Умар (розияллоҳу анҳу): “Нима учун?”, деб сўради. У айтди: “Чунки Умар фақат кўкракдан чиққан болаларгагина нафақа белгилайди (яъни, фарзандлари кўкракдан ажраган оталаргагина ҳақ беради). Умар (розияллоҳу анҳу): “Бунинг ёши нечада?”, деди. У: “Мана шунча ойлик”, деб жавоб қилди. Умар (розияллоҳу анҳу) эса: “Эсиз, шошмай тур”, деди-да, бомдод намозини ўқишга киришди. Йиғи кучлигидан қироатлари одамларга яхши эшитилмади. Шунда салом бериб, деди: “Эй бахтсиз Умар, қанча мусулмон фарзандлари ҳалок бўлишди...” Сўнг бир жарчига: “Гўдакларингизни кўкракдан чиқаришга шошилманглар. Биз Исломда туғилган ҳар бир гўдак учун (ҳақ) белгилаймиз”, деб нидо қилишга буюрди. Бу хабар билан ҳамма томонга чопар юборилди.

Ким нима яхшилиқ қилса, мукофотини ва ким қандай ёмонлик қилса, жазосини кўради.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ﴾ ﴿٧﴾ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ﴾ ﴿٨﴾

«Бас, ким (дунёда) зарра мисқолича яхшилиқ қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар. Ким зарра мисқолича ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар» (Залзала, 7 – 8).

Муқотил (розияллоҳу анҳу) айтади: “Бу икки оят икки киши ҳақида нозил бўлган. Улардан бири олдиға овқат сўраб бир киши келса, хурмо, бир парча нон, ёнғоқ каби нарсаларни арзимас санаб, беришни истамас ва: “Булар ҳеч нарса эмас, ўзимиз яхши

кўриб, бировга берган каттароқ нарсаларимиз учун савоб оламиз”, дер эди. Иккинчиси бўлса, ёлғончилик, ғийбат ва номахрамга назар қилиш каби гуноҳларни енгил санар, булардан менга ҳеч қандай жазо бўлмайди, Аллоҳ катта гуноҳлар учун дўзах билан қўрқитган, дер эди. Шунда Аллоҳ таоло мазкур оятни туширди ва уларни яхшилиқнинг озгинасини ҳам қилишга, гуноҳларнинг энг кичикларидан ҳам эҳтиёт бўлишга ундади” (“Асбобун нузул”, 398-б.).

“Зарра” қуёш шуъласидагина кўринадиган майда жисмдир. Ким шу зарра миқдорича савоб иш қилса, охиратда мукофотини олади. Ким заррача ёмонлик қилса, жазосини кўради.

Қатода (розияллоҳу анҳу) Муҳаммад ибн Каъб Қуразийдан қилган ривоятда айтилади: “Бирор кофир зарра миқдорича яхшилиқ қилса, шу дунёда нафси, аҳли, молида унинг савоби тезлатилади. Ҳатто бу дунёдан кетаётганида, Аллоҳ ҳузурида зарра миқдоричалик яхшилиги бўлмайди. Бирор мўмин зарра миқдорича ёмонлик қиладиган бўлса, шу дунёда нафси, аҳли, молида уқубати тезлатилади, ҳатто бу дунё ҳовлисидан чиқиб кетаётганида, Аллоҳ ҳузурида зарра миқдорича ёмонлиги қолмайди”.

Маъмар Зайд ибн Асламдан қилган ривоятда: Бир киши Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, Аллоҳ сизга ўргатган нарсани менга ҳам ўргатинг, деди. Уни Қуръон ўргатувчи бир устозга юбордилар. У Залзала сурасини ўргатиб, охирги ояти, яъни, **“Ким зарра мисқолича яхшилиқ қилса, ўшани кўрур. Ким зарра мисқолича ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур”**га етганида, ўша киши шунинг ўзи менга кифоя қилади, деди. Бу ҳақда Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хабар берилганида: “У фақиҳ бўлди”, дедилар.

Ажлаз Абу Исҳоқдан, у эса хотинидан қилган ривоятда бундай дейилган: “Мен ва Абу Суфённинг хотини иккимиз Ойша онамиз ҳузурига кирганимизда бир тиланчи келиб, бир бош узум сўради. Мен ундан бир шингил олдим-да, қолганини тиланчига бериб юбордим. Шунда бир-биримизга маъноли қарадик ва берилган эҳсоннинг катта-кичиги бўлмаслигига ояти карима далил бўлишини эсладик. Сўнгра **“Ким зарра мисқолича яхшилиқ қилса, ўшани кўрур. Ким зарра мисқолича ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур”** оятини ўқидим”.

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) токи ўзимиз тўла амал қилмагунимизча яхшилиқка буюрмайликми ва ўзимиз тўла чет-

ланмагунимизча ёмонликдан қайтармайликми?” дедик. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Яхшиликка буюраверинглар, тўла амал қилмасангиз ҳам. Гарчи ўзларингиз тўла четлана олмаган бўлсангиз ҳам, ёмонликдан қайтараверинглар”, дедилар.

Имкон борида кўнгли ўксикларни шод этиб, уларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек, “Табассум қилиб бўлса ҳам”, савобга эришиб олайлик.

Шайтонга осий бўлиш – мўминнинг сифати!

Мусулмон киши бирор ёмон иш қилиб қўйса, дарҳол яхшилик қилиши лозим. Чунки яхшилик ёмонликни ювиб кетади. Хоҳлаймизми-йўқми, имонли кишини ҳар доим шайтон васваса қилиб туради. Бу бизга, таъбир жоиз бўлса, Одамдан (алайҳиссалом) қолган “мерос”. Шайтон Аллоҳнинг амрига итоат этмай, Одамга (алайҳиссалом) сажда қилмади. Жаннатдан қувилганида одамзодни душман, деб билди ва қиёматгача унинг авлодини йўлдан оздиришга онт ичди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿ قَالَ فَبِعِزَّتِكَ لَأُغْوِيَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ ۝۸۲ ﴾

«(Иблис) айтди: “Энди, қудратингга қасам, албатта, уларнинг ҳаммасини йўлдан оздирурман» (Сод, 82).

Саид (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (алайҳиссалом) дедилар: «Шайтон алайҳиллаъна Аллоҳга айтди: “Эй Раббим! Иззатинг ва жалолингга қасам, модомики бандаларинг руҳлари жасадларида экан, мен уларни адаштириш, куфр ва маъсиятга бошлаш ҳаракатида бўламан”. Аллоҳ таоло айтди: “Эй малъун! Иззатим ва жалолимга қасам. Бандаларим Мени зикр қилишда ва Мендан истиғфор сўрашда бардавом бўлар экан, Мен ҳам уларни кечиришда давомли бўламан».

Яна ояти каримада бундай дейилади:

﴿ قَالَ فِيمَا أُغْوِيَنِي لِأَفْعَدَنَّ لَهُمْ صِرَاطَكَ الْمُسْتَقِيمَ ۝۱۶ ثُمَّ لَا تَجِدُهُم مِّنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ وَعَنْ أَيْمَانِهِمْ وَعَنْ شَمَائِلِهِمْ وَلَا تَجِدُ أَكْثَرَهُمْ شَاكِرِينَ ۝۱۷ ﴾

«У (аламидан) деди: “Қасамёд этаман, мени янглиштирганинг боис Сенинг Тўғри йўлинг (Ислом дини) узра уларни

(одамларни чалғитиш) учун ўтираман. Сўнгра, уларга олдиларидан, ортларидан, ўнг томонларидан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун) келаман. (Натижада) уларнинг кўпчилигини шуқр қилувчи ҳолда топмайсан»» (Азроф, 16 – 17).

Шайтони лаъин мўмин кишини шундай боши берк кўчаларга етаклар экан, бундан сақланишда қўрғон бўлувчи нарсаларни ҳам билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Каъбул Ахбор (розияллоҳу анху) бундай дейди: “Мўминларга шайтондан ҳимояланиш учун учта қўрғон бор: масжид; Аллоҳни зикр қилиш; Қуръон ўқиш”.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анху) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир куни масжиддан чиқдилар. Қарасалар, эшик олдида шайтон турибди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сени масжид олдида нима олиб келди, эй малъун?!” дедилар. У: “Эй Муҳаммад! Мени Аллоҳ юборди”, деди. “Нима учун?” деб сўраганларида, “Сиз хоҳлаган масала ҳақида мендан сўрамоғингиз учун”, деб жавоб берди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шайтондан биринчи сўраганлари намоз ҳақида бўлди:

– Эй Иблис! Нима учун умматимни жамоат билан намоз ўқишдан қайтарасан?

– Агар умматингиз намозга келса, мен иситмалай бошлайман. Бу иситма улар тарқалгунича мендан аримайди.

– Нима учун умматимни Қуръон қироатидан қайтарасан?

– Улар қироат қилаётган вақтларида мен қўрғошиндек эриб тугайман.

– Нима учун умматимни ҳаждан қайтарасан?

– Улар ҳажга борса, бўйним ва қўл-оёқларимга занжир солинади. Агар улар садақа берса, бошимга арра қўйилиб, ўтин арраи лангандек арраланаман”.

Ҳикоя қилинишича, қадим замонда Иблис (алайҳиллаъна) одамларга кўринар экан. Шунда бир киши унга: “Эй Абу Мурра! Нима қилсам, сендек бўламан?” дебди. У: “Сенга вой бўлсин! Бирор кимса мендан буни талаб қилмаган эди, сен нима учун буни сўраб қолдинг?” дебди. “Мен сени яхши кўраман”, дебди ҳалиги киши. Шунда шайтон: “Агар менга ўхшашни хоҳласанг, намозга бепарво бўл ва ёлғондан ҳам, ростдан ҳам қасам ичавер”, дебди. Кейин у кимса: “Аллоҳга қасам, энди ҳеч намозни тарк қилмайман ва қасам ҳам ичмайман”, дебди. Иблис айтибди: “Сендан ўзга бирор кимса

ҳийла билан мендан насихат олмаган эди. Энди бирор кимсага насихат қилмайман”.

Донишмандлар айтган экан: “Ким орифлардан бўлишни ва шайтондан қутулишни истаса, тўрт нарсани билиб олиши лозим: Иблис ва у хоҳлаган нарсани; нафс ва унинг хоҳишини; ҳавойи хоҳиш ва у истаган нарсани; дунё ва унинг хоҳишини. Иблис дининг кетишини ва ўзи билан бирга абадий дўзахда қолишингни хоҳлайди. Нафс эса, гуноҳларни ва ибодатни тарк этишингни истайди. Ҳавойи хоҳиш шаҳватларни ва ижтиҳод таркини истайди. Дунё эса дунё ишларини охират амалларидан афзал кўришингни хоҳлайди. Ким бу нарсаларни билиб олса, орифлардан бўлади. Ким шайтонга итоат қилса, шайтон каби дўзахда абадий қолади. Ким нафсга итоат қилса, маълум муддат азобланади. Ким ҳавои хоҳишга эргашса, ҳисоби қаттиқ бўлади. Ким дунёга итоат қилса, дунёю охиратда ҳасратда қолади”.

Жунайд Бағдодий айтади: “Банда билан Аллоҳ ўртасида тўрт денгиз бор, уларни кечиб ўтмагунча Аллоҳ розилигига етишиб бўлмайди. Бири – дунё, унинг кемаси зуҳддир; иккинчиси – халқ, унинг кемаси узлатдир; учинчиси – иблис, унинг кемаси душманлигини билиб, ундан сақланишдир; тўртинчиси – нафсдир, унинг кемаси тилаганини бермасликдир”.

Шайтон инсонга ҳар хил томондан ва ҳар кўринишда келиши мумкин. У хоҳлаган нарсанинг суратига кира олади. Мўмин киши шайтон ва унинг зурриётлари ёмонлигидан ҳамиша паноҳ тилаб юриши лозим.

Умар (розияллоҳу анҳу) айтди: “Шайтон зурриёти тўққизтадир: Залитун; Васийн; Лақус; Аъвон; Ҳаффоф; Мурра; Мусаввит; Досим; Валҳон.

Залитун бозордаги ҳолатларда инсонларни йўлдан уради. Васийн мусибат чоғи васваса қилади. Аъвон салтанат ишида султонга васваса қилади. Ҳаффоф маст қилувчи ичимлик ичганда йўлига солади. Мурра сурнай чалганида шериклик қилади. Лақус ўт-оловда шериклик қилади. Мусаввит тарқатган пуч хабарларни инсонлар оғиздан-оғизга олиб юришади, аслида у хабарнинг асли бўлмайди. Досим киши уйига кирса, салом ҳам бердирмайди, Аллоҳ исмини ҳам зикр эттирмайди. Одамлар орасига низо солиб талоқ, жанжал, уриш кабиларни келтириб чиқаради. Валҳон таҳорат, намоз ва бошқа ибодатларда васваса қилади”.

Шайтонга эргашиш хорлик ва фақирликдан бошқа нарсага олиб бормади. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَاءِ وَاللَّهُ يَعِدُكُم مَّغْفِرَةً مِّنْهُ وَفَضْلًا وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

«Шайтон сизларни (хайр-эҳсон қилишда) камбағал бўлиб қолишдан қўрқитади ва фаҳш ишларга ундайди. Аллоҳ (эса) сизларга Ўзидан мағфират ва фазл (бойлик) ваъда қилади. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон Зотдир» (Бақара, 268).

Шайтон инсонга душманлиги туфайли уни Аллоҳ йўлида эҳсон-садақалар қилишдан қайтаради ва шунинг билан бирга уни ёмонлик, фаҳш ва гуноҳ ишларга пул, бойлик сарфлашга буюради.

Ибн Аббос (розияллоху анху) айтади: “Бу оятда икки нарса Аллоҳдан ва икки нарса шайтондандир” (“Тафсири Қуртубий”, 2-жилд, 214-б.). Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анху) ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Шайтон одам боласига ҳамроҳлик қилади ва фаришта ҳам одам боласига ҳамроҳлик қилади. Шайтоннинг ҳамроҳлиги ёмонликка ундаш ва ҳақиқатни инкор этишдир. Фариштанинг ҳамроҳлиги яхшиликка ундаш ва ҳақиқатни тасдиқлашдир. Ким бунга йўлиқса, уни Аллоҳдан деб билсин ва ким бошқасини кўрса, шайтондан паноҳ тиласин”, дедилар ва Бақара сураси 268-оятни ўқидилар (Имом Термизий ривояти), (“Тафсири Қуртубий”, 2-жилд, 214-б.).

Наққош айтади: “Оятдан маълум бўлади, фақирлик бойликдан афзалдир. Чунки шайтон инсонни эҳсон қилсанг, камбағал бўлиб қоласан, деб (бойларни) қўрқитади” (“Тафсири Қуртубий”, 2-жилд, 215-б.). Ибн Атиия айтади: “Оятда фақир бўлиб қолишга қатъий ҳужжат йўқ, балки фақирликка қарши кучли далил бор” (“Тафсири Қуртубий”, 2-жилд, 215-б.).

Ривоят қилинишича, Тавротда бундай дейилган: “Бандам, менинг ризқимдан инфоқ қил, сенга кенгчиликни инъом этаман, чунки Мен сахийларнинг сахийиман”. Бу сўзнинг тасдиғи Қуръони каримда ҳам зикр қилинган:

﴿قُلْ إِنَّ رَبِّي يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ، وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ، وَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ﴾

«Айтинг: “Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганига ризқни) танг қилур. Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир”» (Сабаъ, 39). (“Тафсири Қуртубий”, 2-жилд, 215-б.).

Инсон ким дўсту, ким душман эканини аниқ билиб олиши лозим. Ояти каримада:

﴿إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا إِنَّمَا يَدْعُوا حِزْبَهُ لِيَكُونُوا مِنْ أَصْحَابِ السَّعِيرِ﴾

«Албатта, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутинг! У ўз фирқасини (ўзига эргашганларни) дўзах аҳли бўлишга даъват қилур» (Фотир, 6), дейилган.

Икрима (розияллоху анҳу) айтади: “Бир киши одамларнинг бир дарахтга қараб ибодат қилаётганини кўриб қолди ва қаттиқ ғазабланди. Дарахтни чопиб ташлаш учун қўлида болта билан йўлга тушди. Шунда унга шайтон одам суратида йўлиқиб: “Қаерга кетяпсан?” деди. У: “Одамлар сиғинаётган дарахт олдига. Аллоҳга қасам, уни кесиб ташлайман”, деди. Шайтони лаъин: “Дарахт билан нима ишинг бор. Уни ўз ҳолича қолдир”, деди. Ҳалиги киши кўнмагач, иккаласи олиша кетди. Киши шайтонни уч марта йиқитди. Шайтон енгилгач: “Уйингга қайтсанг, сенга ҳар куни тўрт дирҳамдан бериб тураман”, деди. Киши рози бўлиб, қайтиб кетди. У бир неча кун давомида кўрпаси остидан тўрт дирҳамдан пул топди. Сўнгра пул кўринмай қолди. Шунда яна болтани олиб, эшагига минди ва дарахтга қараб йўл олди. Шайтон унга олдинги суратида кўриниб: “Қаерга кетяпсан?”, деди. “Анави дарахтни чопиб ташлаш учун кетяпман”, деди аввалгидек. Шайтон: “Бу сенинг қўлингдан келмайди”, деди. Яна иккалови уришди. Бу сафар шайтон уни уч марта йиқитди. Киши ажабланиб: “Қандай қилиб сен мени йиқитдинг, ахир олдин сени осонликча йиқитган эдим-ку?!” деди. Унга жавобан шайтон: “Сен аввал Аллоҳ учун чиққан эдинг, агар барча ёрдамчиларим йиғилганида ҳам сени енга олишмасди. Аммо бу гал кўрпачанг остидан топа олмаганинг дирҳамлар учун чиқдинг. Шу сабабли сени осонгина йиқитдим. Бас, сен бу йўлингдан қайт. Агар қайтмасанг, каллангни оламан”, деди. Киши уйига қайтиб кетди.

Муҳаммад ибн Дурий айтади: “Шайтон (яъни, Иблис) беш нарсасабабли бахтсиз бўлди: гуноҳларига иқрор бўлмагани сабабли;

надомат қилмагани сабабли; нафсига маломат қилмагани сабабли; тавбага қасд этмагани сабабли; Аллоҳ таоло раҳматидан ноумид бўлгани сабабли”.

Аллоҳ таоло барчамизни шайтоннинг ёмонлигидан асрасин, омин!

Шайтоннинг адовати

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ وَمَنْ يَتَّبِعْ خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ فَإِنَّهُ يَأْمُرُ بِالْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ مَا زَكَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ أَبَدًا وَلَكِنَّ اللَّهَ يُزَكِّي مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

«Эй имон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашманг! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, (шайтон) бузуқлик ва ёвузликка буюрур. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганда эди, сизлардан бирор киши (туҳматдан) пок бўлмас эди. Лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир» (Нур, 21).

Шақиқ ибн Балхийдан ривоят қилинади: Иброҳим ибн Адҳам Басра бозорларида юрганида у кишининг атрофида одамлар тўпланиб: “Эй Иброҳим! Аллоҳ таоло: “Менга дуо қилинглар, сизларга ижобат қиламан”, деган. Аммо биз анча вақтдан бери дуо қиламиз-у Аллоҳ дуоларимизни ижобат қилмаяпти”, дейишди. Шунда Иброҳим ибн Адҳам қуйидагича жавоб берди: “Эй Басра аҳли! Қалбларингиз ўн нарса сабабли ўлган, энди қандай қилиб Аллоҳ дуоларингизни ижобат этсин?! Биринчиси, Аллоҳни танийсизлар-у, ҳақини адо қилмайсизлар. Иккинчиси, Қуръони каримни ўқийсизлар, лекин унга амал қилмайсизлар. Учинчиси, Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўришни даъво қиласизлар-у, у кишининг суннатларини тарк этасизлар. Тўртинчиси, шайтонга душманликни даъво қиласизлар, аммо унга итоатдасизлар. Бешинчиси, жаннатга киришни хоҳлайсизлар, лекин бунинг учун амал қилмайсизлар. Олтинчиси, дўзахдан нажот топишни даъво қиласизлар-у, ўзларингизни унга отасизлар. Еттинчиси, “Албатта ўлим ҳақ” дейсизлар, бироқ унга ҳозирлик кўрмайсизлар. Саккизинчиси, биродарларингиз айблари би-

лан шуғулланиб, ўзларингизнинг айбларингизни кўрмайсизлар. Тўққизинчиси, Парвардигорингиз неъматларини еб, Унга шукр қилмайсизлар. Ўнинчиси, марҳумларни дафн қиласизлар-у, ўлимлардан ибрат олмайсизлар”.

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни лаънати шайтондан: “Умматимдан дўстларинг қанча?” деб сўраганларида, шайтон: “Улар ўн нафардир: золим имом; мутакаббир инсон; молни қаердан топиб, қаерга сарфлаётганига эътибор бермайдиган бой; амирлар зулмини тасдиқловчи олим; хиёнатчи савдогар; молни арзонлигида олиб, қимматлашганида сотувчи; зинокор; судхўр; молни ўрнига сарфламайдиган бахил киши; ароқ ичувчи”, деди.

Хабарларда келишича, намоз вақти бўлганида лаънати иблис лашкарларига одамлар олдига бориб, уларни намоздан чалғитишга буюради. Шайтонлар намоз ўқишни хоҳлаб турган одамлар олдига келиб, уларни васваса қилади, ҳатто намоз вақти ўтиб кетганини сезмай қолишади. Агар бунга қодир бўлмаса, намозда руку, сажда, қироат ва тасбеҳларни тўкис қилишга халақит беради. Агар буни уддалай олмаса, уларнинг қалбини дунёвий ишлар билан машғул қилиб қўяди. Буларнинг барчасига қодир бўлмагач, хасталаниб, умидсизланган ҳолда қайтиб кетади. Иблис эса бу шайтоннинг қўл-оёғини боғлатиб, денгизга улоқтирғизади. Борди-ю бу ишлардан бирортасини эпласа, уни иззат-икром қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар: “Одам боласи учун шайтондан бир вакил, фариштадан бир вакил бўлиб, шайтоннинг вакили ёмонлик ва ёлғонга, фариштанing вакили эса яхшилик ва ростликка чақиради. Ким буни сезса, Аллоҳ тарафидан эканини билсин ва Унга ҳамд айтсин. Ким аввалгисини сезса, тошбўрон қилинган шайтондан паноҳ тиласин”. Фаришта ҳам, шайтон ҳам инсон қалбини тўлқинлантиради. Фақат фариштаники илҳом, шайтонники васваса дейилади.

Абу Лайс Самарқандий айтади: “Билгил, сенинг тўртта душманинг бўлиб, уларнинг ҳар бири билан курашишга муҳтожсан. Биринчиси дунёдир. Зеро, Аллоҳ: **“Дунё ҳаёти сизларни алдаб қўймасин”** (Луқмон, 33), деган. Иккинчиси нафсинг, у душманларнинг энг ёмонидир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Душманларингнинг энг ёмони ўз нафсингдир”, деганлар. Сўнгра жинлардан бўлган шайтондир, Аллоҳдан унинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўра. Зеро, Куръони каримда: **“Албатта, у (шайтон)**

сизлар учун очиқ–ойдин душмандир” (Ёсин, 60), дейилган. Тўртинчиси, одамлардан бўлган шайтонлардир, улардан эҳтиёт бўл. Чунки у жинлардан бўлган шайтондан ҳам кўрқинчлироқдир. Жинлардан бўлган шайтонлар фақат васваса билан адаштирса, одамлардан бўлган шайтонлар юзма–юз туриб адаштиради”.

Ҳотамул Асом айтди: Ҳар куни эрталаб мендан шайтон бундай деб сўрайди: “Нима киясан? Нима ейсан? Қаерда турасан?” Мен унга бундай жавоб бераман: “Ўлимни ейман. Кафанни кияман. Қабрда тураман”.

Али (қаррамаллоҳу ваҳҳаҳу) айтди: “Олти хислатга эга кишида жаннатдан маҳрум бўлиш ва дўзахга кириб қолиш хавфи бўлмайди:

1. Аллоҳни таниб, унга итоат қилса.
2. Шайтонни таниб, унга осий бўлса.
3. Охиратни таниб, уни изласа.
4. Дунёни таниб, уни тарк этса.
5. Ҳақни таниб, унга эргашса.
6. Ноҳақни таниб, ундан четлашса”.

Ваҳб ибн Мунаббих айтади: “Аллоҳ таоло шайтонга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бориб, у кишининг саволларига жавоб беришни буюрди. Шайтон ҳассали чол кўринишида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен кимсан?” деб сўрадилар. “Шайтонман”, деди у. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Нима учун келдинг?” деб сўрадилар. “Аллоҳ мени саволларингизга жавоб бериш учун юборди”, деб жавоб қилди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй иблис, умматимдан сенинг нечта душманинг бор?” деб сўрадилар. Шайтон қуйидагича жавоб берди: “Ўн бешта. Сиз уларнинг энг биринчисисиз. Сўнг одил бошлиқ, камтар бой, ростгўй савдогар, намозларини хушу билан ўқийдиган олим, насиҳат қилувчи мўмин, раҳмдил мўмин, тавбасида собит турувчи, ҳаромдан тақво қилувчи, доимий таҳоратда бўлувчи мўмин, кўп садақа қилувчи, хулқи чиройли мўмин, одамларга фойдаси тегувчи, Қуръонни ёдлаб, уни қироат қилувчи киши ва одамлар ухлаётганида кечалари туриб, намоз ўқувчи”.

Шайтондан паноҳланиш

Аллоҳ таоло бандаларига шайтондан паноҳланиб юриш учун иккита алоҳида сура нозил қилди. Тафсир китобларида бу икки-сига “муъаввизатайн”, яъни, “паноҳ тиланадиган икки сура” номи берилган.

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴿١﴾ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ﴿٣﴾ وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ ﴿٤﴾ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ﴿٥﴾﴾

«(Эй Муҳаммад!) Айтинг: “Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, яратган нарсалари ёвузлигидан, зулматга чўмган тун ёвузлигидан, тугунчаларга дам солувчи аёллар ёвузлигидан ҳамда ҳасадчининг ҳасади (ёвузлиги)дан» (Фалақ, 1 – 5).

Фалақ сўзи “ёриш, бўлиш ва парчалаш” маъноларини англа-тади. Бу ҳар бир ёриб чиқувчи нарсани: у хоҳ уруғ ёки дон ёки ерни ёриб ўсувчи наботот, хоҳ тоғдан отилиб чиқувчи булоқ, хоҳ она қорнини ёриб чиқувчи бола бўлсин – барчасини ўз ичига олади. Бу ерда зулматни ёриб чиқувчи тонг тушунилади.

Бу сура махлуқотларнинг ёмонлигидан, хусусан, кечанинг зулматидан, сеҳргарлардан, чақимчилардан ва ҳасадчилардан паноҳ тилашни қамраган. Мана шу нарса инсонларда нафсий касалликлар мавжудлиги сабабли баъзилари баъзиларидан ҳимояланиши йўлидаги улкан фойда ва етук дарсдир. Бундан ташқари, махлуқотлар ёмонликларидан ва кечаси зулмат бўлгандаги ёмонликлардан, хусусан, ғор ва коваклардаги қўрқинчли махлуқотлардан ҳимояланишни ўзида мужассам қилган.

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَهِ النَّاسِ ﴿٣﴾ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾ الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ ﴿٥﴾ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾﴾

«(Эй Муҳаммад!) Айтинг: “Паноҳ тилаб илтижо қилурман одамлар Парвардигорига, одамлар Подшоҳига, одамлар Илоҳига (инсон Аллоҳни эслаганда) чекиниб, (эсламаганда) вас-

васа қилувчи (шайтон) ёвузлигиданки, (у) одамларнинг дилларига васваса солур. (Ўзи) жинлар ва одамлар жинсидандир» (Нос, 1 – 6).

Ривоят қилинишича, яҳудийлардан Лабид ибн Аъсом исмли мунофиқ ўзини мусулмон кўрсатиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб-кетиб юрар ва баъзи ҳожатларини адо этишда хизмат қилиб турар экан. Бир гуруҳ яҳудийлар уни қўлга олиб, Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) тўкилган сочлари ва тароғидан синиб тушган тишларини қўлга туширади ва шу нарсаларга сеҳр-жоду қилиб эски бир қудуққа ташлайди. Шундан кейин Расулulloҳ (алайҳиссалом) олти ой касал бўладилар. Бир куни икки фаришта келиб, бири тиззалари рўпарасига, иккинчиси бош томонларига ўтириб бир-бири билан савол-жавоб қилади. Бири:

- Унга нима бўлибди? – деса, иккинчиси:
- Сеҳрланибди, – дер эди.
- Ким сеҳрлабди?
- Лабид ибн Аъсом исмли бир яҳудий.
- Сеҳрни нимага ўқибди?
- Тўкилган сочлари ва тароқ тишларига.
- Сеҳр ўқилган нарсалар қаерда?
- Зарвон номли қудуқда.

Шундан кейин одам юбориб кўрсалар, ҳақиқатан, ўша қудуқда соч толалари, тароқ тишлари ва нина суқилган яна ўн иккита тугун бор экан. Шу пайт Аллоҳ таоло мазкур икки сурани нозил қилди. Жаброил (алайҳиссалом) сураларни ҳар сафар ўқиганида, биттадан тугун ечилар эди. Шундай қилиб, ўн икки марта ўқиганида, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дарддан бутунлай тузалиб кетганлар (*“Мадорикуттанзил ва ҳақоикуттаъвил”*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Нос, Фалақ ҳамда Ихлос сураларини ўқиб, яҳудийлар сеҳридан асрашини Аллоҳдан сўраганлар.

Термизий Уқба ибн Омирдан ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло менга мисли кўрилмаган оятларни нозил қилди”, дедилар ва “муъаввизатайн” сураларини ўқидилар.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Нос сурасининг тўртинчи ояти тафсирида бундай деган: “Шайтон одам боласи қалбига ёпишиб олган, агар инсон Аллоҳни унутиб зикридан ғофил бўлса, уни васваса қилади. Аллоҳни зикр этса, шайтон ўзини четга олади”.

Имом Бухорий ва имом Муслим Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эътикоф ўтирганларида София бинти Ҳуяй (розияллоҳу анҳо) онамиз у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зиёратларига келди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тун бўлганидан София онамизни уйларига кузатиш учун чиққанларида икки ансорийга дуч келдилар. Улар Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўргач, тез юриб кетишди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шошманг, бу София бинти Ҳуяй”, дедилар. Улар: “Субҳаналлоҳ, ё Расулуллоҳ” (Аллоҳ бизни ёмон ўйга солишдан покдир), дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шайтон одам боласининг қон йўлларида юради. Мен унинг қалбингизга бирор ёмонлик солишидан кўрқдим”, дедилар.

Имом Аҳмад Абу Тамимадан ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бир эшакка мингашиб олган эдим. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшаклари қоқилиб кетди. Мен: “Бадбахт шайтон”, дедим. «“Бадбахт шайтон”, дема, Агар “Бадбахт шайтон”, десанг у кибрланиб: “Буни ўз қувватим билан қилдим”, деб семиради. “Бисмиллаҳ”, десанг, хорланиб, пашшадай бўлиб қолади», дедилар.

Бу ҳадис шунга далолат қилади, қалб қачон Аллоҳни ёд этса, шайтон хор ва мағлуб бўлади. Агар банда Аллоҳ зикрини унутса, шайтон кучаяди.

Аллоҳ таоло бизларга раҳмати билан инсу жин ва шайтонлар ёмонлигидан сақланиш йўллари ушбу сурада билдирган. Шайтон ёмонлигидан сақланишни сўраган кишини Аллоҳ Ўзининг рубубият, подшоҳлик ва улуҳият сифатлари билан дунё ва охирада ҳимоя қилишини баён этган.

Аллоҳ таоло бутун махлуқларнинг Роббидир. Аммо Нос сура-сида фақат “Роббиннас” яъни, одамлар Парвардигори, дейилган. Бунинг боиси иккита: биринчиси, кўп инсонлар ўзларини улуғ санайди. Қанча улуғ бўлишмасин, уларнинг Рабби борлигини эслатиб қўйишдир. Иккинчиси, инсонлар ёмонлигидан асрашни сўрашни буюриб, инсонни одамлар ёмонлигидан Унинг Ўзигина асрашни билдиришдир.

Подшоҳлик ва Улуҳият сифатларини эслатиш билан эса, инсонларнинг подшоҳлари бўлса-да, уларнинг ҳақиқий подшоҳи Аллоҳ таоло Унинг Ўзи эканини, У Зот одамларнинг ёлғиз илоҳи ва маъ-

буди эканини билдириб, инсонлар фақат Унинг Ўзига сиғиниб, Унинг Ўзидан паноҳ сўрашлари лозимлиги баён этилмоқда.

Ушбу сурада инсонни васваса қилувчи жинларнинг шайтони бўлиши айтилган. Ҳасан айтади: “Васваса қилувчи икки шайтондир. Жинлар шайтони инсонлар қалбида васваса қилади. Инсонлар шайтони очиқчасига келади” .

Қатода айтади: “Жинлардан ҳам, инсонлардан ҳам шайтонлар бор. Аллоҳдан инс ва жин шайтонлари ёмонлигидан паноҳ сўранг” .

Фалақ сурасида Аллоҳ таолонинг бир сифати – **“Роббил фалақ”** (“Тонг Парвардигори”)ни ёд этиб, уч офатдан: “зулумот кеча”, “жодугар аёллар” ва “ҳасадчилар” ёмонлигидан асрашни сўраш буюрилган. Нос сурасида эса, Аллоҳ таолонинг уч сифати: “рубубият”, “подшоҳлик” ва “улуҳият”ни ёд этиб, қалбга солинадиган васвасасидан асрашни сўраш буюрилган. Бунинг сабаби, нафс ва бадан ҳимоясидан кўра, дин ҳимояси муҳимроқдир. Динга етган озгина зиён дунёга етган кўп зиёнлардан оғирроқдир.

Бу икки суранинг фазилати жуда улуғ экани муҳаддислар томонидан айтиб ўтилган.

Имом Муслим, Аҳмад, Термизий ва Насоийлар Уқба ибн Омирдан қилган ривоятда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу кечада нозил бўлган оятларга қарамайсизларми? Бу каби (фазилатли) оятлар ҳали кўрилмаган. У “Қул аъзузу бироббил фалақ” ва “Қул аъзузу бироббин нас” суралари”, деб айтдилар.

Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий ва Насоийлар Уқба ибн Омирдан қилган ривоятда эса: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир намоз сўнгида паноҳ сўралувчи сураларни ўқишни буюрдилар”, дейилади.

Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Насоийлар Уқба ибн Омирдан қилган яна бир ривоятда айтилади: Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга тоғ йўлларида кетаётган эдим, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Эй Уқба, миниб олмайсанми?” деганларида, мен: “Туноҳ бўлиб қолмасин, деб шафқат қилдим”, дедим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уловларидан тушдилар, мен уни бироз миндим. Кейин у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна уловларига миниб: “Эй Уқба! Мен сенга одамлар ўқиб юрадиган иккита яхши сурани ўргатайми?” дедилар. Мен: “Ўргатинг, эй Аллоҳнинг расули!” дедим. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга: “Қул аъзузу бироббил фалақ” ва “Қул аъзузу бироббин нас”ни ўқиб бердилар. Кейин намозга иқомат айтил-

ди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) имомликка ўтиб, намозда ҳам бу икки сурани ўқидилар. Бир куни менинг олдимдан ўтаётиб: “Эй Уқба, ҳар ухлаш олдидан ва ҳар уйғонганимда бу иккита сурани ўқишимга қандай қарайсан”, дедилар.

Имом Насоий Ибн Обис Жуханийдан қилган ривоятда бундай келади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй ибн Обис, сенга паноҳ тиловчилар паноҳ тилайдиган нарсанинг энг афзали ҳақида хабар берайми?” деганларида, мен: “Ўргатинг, эй Аллоҳнинг расули!” дедим. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қул аъзу биروبбил фалақ” ва “Қул аъзу биروبбин нас” суралари”, дедилар.

Судай ибн Ажлондан ривоят қилинган ҳадисда эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сенга учта сура ўргатайми? У каби суралар Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам йўқ. Ўша уч сура “Қул ҳуваллоҳу аҳад”, “Қул аъзу биروبбил фалақ” ва “Қул аъзу биروبбин нас” сураларидир”, дедилар”.

Имом Бухорий ва “Сунан” китоби эгалари “Шифо талаб қилиш боби”да бу уч сура ҳақида Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиздан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар кеча ухлашларидан олдин “Қул ҳуваллоҳу аҳад”, “Қул аъзу биروبбил фалақ” ва “Қул аъзу биروبбин нас” сураларини ўқиб, кафтларига дам урар, қодир бўлганларича уни баданларига сурардилар. Бошлари, юзлари ва гавдаларининг олди томонидан бошлардилар. Бу ишни уч марта қилардилар” (*Имом Бухорий ривояти*).

Жаброил (алайҳиссалом) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, қуйидаги калималар билан дам солди: “Бисмиллаҳи арқийка, мин кулли шайъин юъзийка мин шарри кулли ҳасидин ва ʻайнин валлоҳу яшфийка”. Яъни: “Аллоҳнинг исми ила дам соламан. Ҳар бир азият берувчи нарсадан, ҳар бир ҳасадчи ва кўзнинг ёмонлигидан Аллоҳ сизга шифо берсин”.

Имом Термизий Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) қилган ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (икки “Қул аъзу...” сураси тушишидан олдин) жин ва инсонларнинг кўзи тегишидан паноҳ сўраб юрардилар. Шу икки паноҳ сўралувчи Фалақ ва Нос суралари нозил бўлганидан кейин бу икковидан бошқа (паноҳ сўралувчи дуо)ларни тарк қилдилар.

Имом Молик Ойшадан (розияллоҳу анҳо) қилган ривоятда эса бундай дейилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

агар бирор касалликка чалинсалар, икки “Қул аъзу...” сурасини ўқиб, ўзларига дам солардилар. Касаллари оғирроқ бўлганида мен бу икки сурани ўқиб, баракали бўлгани учун қўлларини ушлаб ўзларига сураб эдим”.

Фалақ сурасининг илк оятида жами махлуқотлар ёмонлигидан паноҳ сўраш умумий қилиб айтилган бўлса, кейингиларида эса хослаб, ёмонликлари улкан бўлгани учун улардан огоҳлантирилган уч тоифа зикр этилмоқда. Булар зулматга чўмган кечанинг ёмонлиги, тугунларга дам солувчи (жодугар)лар ва ҳасад қилувчи ҳасадгўйлардир.

Бу сурадан жуда кўп нарсаларни ўрганишимиз керак, жумладан:

1. Сура инсонларга дунё ва охиратдаги ёмонликларнинг барчасидан – инсон, жин, йиртқич, ҳашарот, олов, гуноҳ, нафс хоҳиши, ишларнинг ёмони ва бошқа махлуқотлар, ҳатто ўз нафсидаги ёмонликлардан ҳам паноҳ тилаш йўл-йўриқларини ўргатмоқда.

2. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) паноҳ сўраб юришлари учун сура нозил қилинишида бирор тақиқ йўқ. Сеҳр ҳақидаги ҳадис саҳиҳдир. Ҳеч қачон ўша ҳадис Қуръон оятларига зид бўлмайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сеҳр қилинишлари фақат энгилгина бош оғриғи каби дунёга тааллуқли баъзи ҳолатларда бўлган, холос. Ҳадисдаги ўша сеҳр ваҳима маъносидадир. Худди бу ваҳима уйқуда ҳам содир бўлади. Аммо сеҳргарлар мутлақо ақлий бошқарувларига таъсир ўтказишолмайди. Ваҳий ва рисолатга таъсир ўтказиш иложсиз. Чунки Аллоҳ таоло ваҳийни ёмонликларнинг ҳар туридан, фикрлар аралашиб кетишидан ва асаб изтироблари бўлишидан сақлаган. Аллоҳ таоло бу сўз исботи учун Моида сураси 67-оятда “**Аллоҳ сизни одамлардан** (уларнинг зараридан) **сақлагай**”, деб айтган.

3. Аллоҳ таоло паноҳ сўраш йўл-йўриқларини ўргатиб, уч тоифа нарсадан паноҳ сўрашни хосламоқда.

Биринчиси, зулматга чўмган кечанинг ёмонлиги. Чунки Имом Розий зикр қилганидек, қоронғилик тушиши билан йиртқичлар инидан, ҳашаротлар маконидан чиқади ва ўғри-муттаҳамлар ҳам кечаси ҳужум қилади. Ёнғин кўпроқ тунда содир бўлади. Ёрдам берувчилар эса кам бўлади. Ёмонлик ва фасод кишилари ҳам кечаси қўзғалади.

Иккинчиси, тугунларга дам солувчи (жодугар)ларнинг ёмонлиги. Тугун каби турли воситалар билан одамларга зарар етказувчи фолбин, коҳин, сеҳргарлар барча замонларда бўлган.

Учинчиси, ҳасад қилувчи ҳасадгўйларнинг ёмонлигидан. Бошқаларга ҳасад қилувчи ҳасад қилинаётган кишидаги неъматлар йўқ бўлишини орзу қилади. Бу турдаги ҳасад ёмон саналади. Аммо ҳавас қилиш жоиз. Чунки бунда эгасидан неъматини йўқ бўлишини орзу қилмаяпти.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин ҳавас қилади, мунофиқ эса ҳасад қилади”, деганлар.

Уламолар: “Ҳасад амалда ёки сўзда зоҳир бўлгандагина зарар қилади. Масалан, ҳасад қилинаётган кишининг ёмон йўлга киришига сабабчи бўлиш, унинг ёмон томонларини ахтариш, қоқилтириш кабилардир. Биринчи гуноҳ Иблиснинг Одамга (алайҳиссалом) ҳасад қилиши оқибатида содир бўлган. Шунинг учун ҳам ҳасад энг разолатли, ғазаб қилинган ва лаънатланган нарсадир”, деб айтган.

Уламолар яна шундай дейди: “Сеҳр, кўз тегиши, ҳасад ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ўзи зарар етказа олмайди. Балки Аллоҳнинг қудрати ва изни билан бўлади. Бу нарсаларга ўша тоифадаги кишилар зоҳирдагина таъсир ўтказади, холос. Аллоҳ таоло Бақара сураси 102-оятда: “(Лекин) **улар** (яхудий сеҳргарлар) **Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайди**”, деган. Бу нарсалар ҳақиқатда таъсир ўтказа олмаса ҳам, динимиз вабо, сил каби зоҳири юқумли бўлган касалликлардан имкон борича эҳтиёт бўлишни талаб қилади. Худди Умар ибн Хаттоб ва саҳобалар вабо, кўз тегиши ҳамда моховдан эҳтиёт бўлгани каби».

4. Аксар уламолар дам солиш жоиз, деган. Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бемор бўлганларида Жаброил (алайҳиссалом) келиб қуйидаги сўзлар билан дам солган: “Бисмиллаҳи арқийка, мин кулли шайъин юъзийка, валлоҳу яшфийка”. Маъноси: “Ҳар бир азият берувчи нарсадан Аллоҳнинг исми ила дам соламан, Аллоҳ шифо берсин”.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча оғриқларда ва иситма чиққанида “Бисмиллаҳил карийм, аъзузу биллаҳил азийм, мин шарри кулли ʻбирқин нар ва мин шарри ҳаррин нар” дуосини ўқишни ўргатдилар». Дуонинг маъноси: “Буюк Аллоҳнинг номи ила томирдан шовуллаб оқувчи қоннинг ёмонидан ва дўзах ўтининг ёмонидан паноҳ тилайман”.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким касал кўргани борса, агар ажали етмаган бўлса, унинг ҳузурда “Асʼялуллоҳал ʼазийм Роббал ʼаршил ʼазийм ан йашфийака” дуосини етти марта

ўқиса, Аллоҳ таоло уни касалидан халос қилиб, шифо беради”, дедилар. Маъноси: “Улуғ Аллоҳдан, буюк арш Раббидан сенга шифо беришини сўрайман”.

Алидан (розияллоҳу анху) ривоят қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар касал кўргани кирсалар, “Аллоҳумма Раббаннас, азҳибил баъса ишфи анташ Шафий, ла шифа илла шифоук шифаан ла югодиру сақома”, деб дуо ўқирдилар. Маъноси: “Ё Аллоҳ, инсонларнинг Раббиси, қийинчиликларни кетказ, Ўзинг ягона шифо берувчисан, шифо бер, шифонгдан бошқа шифо йўқ, шундай шифо бер, у ҳеч қандай касалликни қолдирмасин”.

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳасан ва Ҳусайнларга “Убийзукума бикалиматиллаҳит таммати мин кулли шайтонин ва ҳаммаҳ ва мин кулли ғайнин ламмаҳ” дуосини ўқиб паноҳ тилардилар. Маъноси: “Аллоҳнинг мукамал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўзлардан сиз иккин-гизга паноҳ тилайман”.

Усмон ибн Абул Ос (розияллоҳу анху) бундай дейди: Мен қувватимни кетказиб ҳолсиз қилиб қўйган оғриқ сабабли Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига борсам, узот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ўнг қўлингни ўша оғриётган жойингга қўйиб етти марта “Бисмиллаҳ, аъзу биъиззатиллаҳи ва қудратиҳи мин шарри ма ажиду ва уҳазиру”, деб айтгин», дедилар. (Маъноси: “Аллоҳнинг иззати ва қудрати ила ўзимдаги хавфсираётганим бу нарса ёмонлигидан паноҳ тилайман”). Айтганларини бажарган эдим, Аллоҳ менга шифо берди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафар қилиб, бирор манзилга тушадиган бўлсалар, “Я арзу Раббий ва Раббукиллаҳу, аъзу биллаҳи мин шаррики ва шарри ма фийки ва шарри ма йахружу минки ва шарри ма йадиббу ғалайки, аъзу биллаҳи мин асад ва асвад ва ҳаййа ва ғакроба ва мин шарри сокинил балад ва волидин вама валад”, деб айтардилар. Маъноси: “Эй ер, менинг ва сенинг Раббинг Аллоҳдир, Аллоҳнинг номи билан сенинг ёмонлигингдан, сендаги ёмонликдан, сенинг ичингдан чиқарилган ёмонликдан, сенда судралиб юрадиганлар ёмонлигидан паноҳ тилайман. Ва яна шердан, шахслардан, илондан, чаёндан, ерда яшовчи жинлардан, Иблис ҳамда шайтондан паноҳ тилайман”.

Юқорида Ойшадан (розияллоҳу анҳо) қилинган ривоятда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жасадларини бирор

беморлик безовта қилса, “Қул ҳуваллоҳу аҳад...” ва икки “Қул аъзу...” сураларини ўқиб, ўнг кафтларига дам уриб, ўша жойларига суришлари айтиб ўтилди.

Энди дам уриш пайтида “суф”, дейиш Ойшадан (розияллоҳу анҳу) қилинган қўйидаги ҳадисга биноан жоиз, дейилди: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дам солаётганларида “суф”-лардилар”.

Имом Боқир эса, ёш болаларга паноҳ тиланувчи (маъсур) дуоларни ёзиб осиб қўйишни жоиз, деган. Аммо маъноси тушунилмайдиган, ноаниқ ёзилган дуоларни осиб қўйиш ман этилади. Валлоҳу аълам.

Аллоҳ таоло барчамизни ёмонликлардан Ўзи асрасин, омин!

Ноумид – шайтон

Мўмин банда, агар гуноҳкор бўлса ҳам Аллоҳнинг раҳматидан асло умидсиз бўлмаслиги керак. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилган:

﴿قُلْ يٰعِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ﴾

«(Эй Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг Ўзи мағфиратли ва раҳмлидир”» (Зумар, 53).

Бу оят, Ибн Касир таъбири билан айтганда, кофирлар учун ҳам, мўминлар учун ҳам баробар даъватдир. Зеро, куфр ва ширкдан шу дунёда тавба қилиб имон келтирган кишининг тавбаси ва имони қабул қилиниши аниқ. Шунингдек, мўмин бўлатуриб, денгиз кўпигидек кўп гуноҳ қилган кимсанинг ҳам гуноҳларини Аллоҳ таоло фазли билан кечиб юбориши мумкин экани оят ва ҳадислардан маълумдир (Имом Аҳмад ривояти).

Шунингдек, ёмонлик ортидан дарҳол яхшилик қилиш гуноҳни ювиб юбориши ҳам ҳадисларда айtilган (Имом Термизий ривояти).

Ояти каримада эса:

﴿وَأَقِمِ الصَّلَاةَ طَرَفِي النَّهَارِ وَزُلْفًا مِّنَ اللَّيْلِ إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ السَّيِّئَاتِ ذَلِكَ ذِكْرَىٰ لِلذَّاكِرِينَ﴾

«Куннинг ҳар икки тарафида (яъни эртаю кеч) ва туннинг бир бўлагидан намоз ўқинг! Албатта, савобли ишлар гуноҳларни кетказди. Бу ёд этувчилар учун ёдномадир» (Худ, 114), дейилган.

Оят мазмунидан беш маҳал намоз вақтлари чиқарилган. Зеро, куннинг икки тарафини бомдод билан пешин, аср намозлари вақти, туннинг бир бўлагини эса, шом ва хуфтон намозлари вақти, деб таъвил қилиш мумкин (*“Мадорикут танзил ва ҳақоиқут таъвил”*).

Абу Нуъайм “Ҳиля”да Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Агар бир жарчи нидо қилиб: “Эй одамлар! Албатта, фақат бир кишидан ташқари барчангиз жаннатга кирасиз!” деса, мен ўша киши эмасмиканман, деб қўрқаман. Агар жарчи нидо қилиб: “Эй одамлар! Албатта, фақат бир кишидан бошқа барчангиз дўзахга кирасиз!”, деса, ўша бир киши мен бўлсам, деб умид қиламан”, деди».

Табаронийдан ривоят қилинади: “Абу Фарва исмли бир одам келиб Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Бошдан-оёқ гуноҳга ботган, қилмаган номаъқулчилиги қолмаган бир кимса тавба қилса бўладими? – деб сўради.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга:

– Сен мусулмон бўлганмисан? – дедилар.

– Ҳа.

– Ундай бўлса, бундан кейин ёмонликларни ташлагин-да, ҳамиша яхшилик қил. Аллоҳ таоло сенинг аввал қилган гуноҳларингни яхшиликларга айлантиради.

– Барча хиёнат у сохтакорликларимни ҳамми?

– Ҳа.

У одам такбир айта бошлади ва чиқиб кетди. Кета-кетгунича (бизга кўринмай қолгунича) такбир айтди”.

Инсон ҳеч қачон ноумид бўлмаслиги керак. Донолар: “Умидини йўқотган инсоннинг бошқа йўқотадиган нарсаси йўқ”, деб бежиз айтишмаган.

Инсонлардан беҳожат бўлиш

Васиятдаги: “Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама, агар қамчинг ерга тушиб кетса ҳам” сўзлари инсонлардан беҳожат бўлишга чақиради.

Ҳадиси шарифда айтилади:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى النَّاسِ مَنْ اسْتَغْنَى عَنِ النَّاسِ وَأَبْغَضُ النَّاسِ إِلَيْهِمْ مَنْ أَحْتَاجَ إِلَيْهِمْ وَأَحَبُّ النَّاسِ إِلَيَّ اللَّهُ مَنْ أَحْتَاجَ إِلَيَّ اللَّهُ وَأَبْغَضُ النَّاسِ إِلَيْهِ مَنْ اسْتَغْنَى عَنْهُ وَاحْتَاجَ إِلَيَّ غَيْرِهِ»

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Одамлар наздида энг яхши инсон инсонлардан беҳожат бўлганидир ва одамлар наздида энг ёмон кўрилган инсон уларга муҳтож бўлганидир. Аллоҳ наздида энг яхши инсон Унга муҳтож бўлгани ва Аллоҳ наздида энг ёмон инсон эса бошқаларга муҳтож бўлиб, Яратгандан ўзини беҳожат ҳисоблаганидир”.

Инсонлардан беҳожат бўлиш учун тинмай меҳнат қилиш ва ризқ қидириш керак.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ ذُلُولًا فَأَمْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِن رِّزْقِهِ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ ﴿١٥﴾﴾

«У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган Зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) **юраверинг** ва (Аллоҳнинг берган) **ризқидан тановул қилинг!** (Қиёмат куни) **тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир**» (Мулк, 15).

Аллоҳ таоло ҳатто ийд-жума кунлари ҳам дам олмасдан меҳнат қилиш ва ризқ қидириш мумкинлигини айтган:

﴿فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْنِعُوا مِن فَضْلِ اللَّهِ وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠﴾﴾

«Бас, қачон, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан **истайверинг!** Аллоҳни кўп ёд этинг! **Шояд (шунда) нажот топсангиз**» (Жума, 10).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир кишини пешона тери билан кун кечиришга ундаганлар ва ўзлари ҳам меҳнат орқали тирикчилик қилишни яхши кўрганлар.

Ривоят қилинишича, бир куни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалар билан ўтирганларида бир киши ҳақида гап кетди: “У кундузлари рўза тутади ва кечалари зикр қилади”, дейишди ва бундан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хурсанд бўладилар ва унга ўхшашни буюрадилар, деб ўйлашди. Лекин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг мақтовларини эшитмадилар ва: “Сизлардан кимнинг озиқ-овқати ва кийим-кечаги етарли?” деб сўрадилар. Улар: “Барчамизники”, дедилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлар ундан яхши-сизлар”, дедилар. Буни эшитган саҳобалар меҳнат қилишга тиришишди ва ўз “араваларини ўзлари тортиш”га аҳд қилишди.

Аллоҳ таоло ҳалол меҳнат қиладиган инсонлар мартабасини баланд қилиб қўйди:

﴿إِنَّ رَبَّكَ يَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُومُ أَدْنَىٰ مِنْ ثُلُثِي اللَّيْلِ وَنِصْفَهُ، وَثُلُثَهُ، وَطَائِفَةٌ مِّنَ الَّذِينَ مَعَكَ وَاللَّهُ يُقَدِّرُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ عَلِمَ أَنْ لَنْ تُحْصَوْهُ فَتَابَ عَلَيْكُمْ فَاقْرَءُوا مَا تَيَسَّرَ مِنَ الْقُرْآنِ عَلِمَ أَنْ سَيَكُونُ مِنْكُمْ مَرْضَىٰ وَعَاخِرُونَ يَضْرِبُونَ فِي الْأَرْضِ يَبْتَغُونَ مِن فَضْلِ اللَّهِ وَعَاخِرُونَ يَقْتَلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَاقْرَءُوا مَا تَيَسَّرَ مِنْهُ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَقْرِضُوا اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا وَمَا نُقِذُوا لِنَفْسِكُمْ مِن خَيْرٍ نَّجِدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ هُوَ خَيْرٌ وَأَعْظَمَ أَجْرًا وَأَسْتَغْفِرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«(Эй Муҳаммад!) Албатта, Раббингиз сиз ва сиз билан бирга бир тоифа (саҳобаларингиз) кечанинг учдан иккисидан озроғида, баъзида унинг ярмида ва (гоҳо) учдан бирида (бедор бўлиб, намозда) туришларингизни билур. Кеча ва кундуз (миқдори)ни Аллоҳ белгилар. У саноғига ета олмаслигингизни билиб, тавбаларингизни қабул этди. Энди (кечалари намозларингизда) Қуръондан (ўзингизга) осон бўлган даражада ўқийверинг! У сизларнинг орангизда беморлар бўлишини, бошқалар Аллоҳнинг фазли (ризқи)ни истаб, ер юзида сафар қилишларини ва яна бошқалар эса Аллоҳ йўлида жангга чиқиб кетишларини билган. Бас, (қийналмай Қуръондан) осон бўлган

миқдорда ўқийверинг! Намозни баркамол адо этинг, закотни (ўз жойига) беринг ва (мискинларга эҳсон қилиш билан) Аллоҳга “қарзи ҳасана” беринг! Ўзларингиз учун тақдим қиладиган яхшилиқни (қиймат куни) Аллоҳнинг ҳузурда янада яхшироқ ва улуғроқ мукофот ҳолида топурсиз. Аллоҳдан мағфират сўранг! Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир» (Муззаммил, 20).

Мўмин киши тадбиркор бўлиши керак. У ақлу фаросати билан нафақат ўзи, балки жамиятдаги ишсиз кишиларни иш билан таъминлаши улуғ савоб. Машойихлар айтганидек: “Хоҳлаган нарсангдан беҳожат бўл, ундан устун бўласан. Хоҳлаган нарсангга муҳтож бўлсанг, унинг асири бўласан. Хоҳлаганингга яхшилиқ қил, унинг амири бўласан”.

Бировга қарам, асир бўлишдан сақланайлик.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) ҳаётида бўлиб ўтган воқеани эслайлик, унда катта ибрат ва фойда бор. Али (розияллоҳу анҳу) айтади: “Кунларнинг бирида оч қолиб, Мадина кўчаларига чиқиб иш қидирдим. Тупроқ йиғиб, челақда сув ташиб, хурмоларни суғораётган аёлга дуч келдим. Унга ўн олти челақ сув ташиб бердим ва кўлларим қавариб кетди. Кафтимни ёзиб унга қавариқларни кўрсатдим. У менга ўн олти хурмо санаб берди. Мен хурмоларни олиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келдим ва бўлиб ўтган воқеани айтиб бердим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хурсанд бўлдилар ва мен билан хурмо едилар”.

Али (розияллоҳу анҳу) меҳнатидан фахрланиб ва кишиларга ибрат учун шундай шеър битган:

*Одамлар миннати тоғлардан оғир,
Миннатни кўтариш қийин-ку ахир.
Баъзилар касб-корни санашади ор,
Аслида касб эмас, тиланчилик ор!*

Энг улуғ зотлар саналмиш пайғамбарлар ҳам ризқларини ҳалол йўл билан, пешона тери тўкиб топишган. Улар ризқ Аллоҳдан эканини билгани ҳолда ҳам ҳунарсиз ўтиришмаган. Тарихдан маълум, Одам (алайҳиссалом) деҳқончилик, Нух (алайҳиссалом) дуррагорилик, Довуд (алайҳиссалом) темирчилик ва Идрис (алайҳиссалом) хаттотлик билан шуғулланган.

Шу ўринда Сулаймоннинг (алайҳиссалом) Раббига қилган муножотини эслаб ўтайлик: “Эй Аллоҳ! Мендан олдингиларга насиб этмаган нарсани бердинг ва мендан кейин ҳеч кимга берилмайди-

ган нарсани сендан сўрайман, ато эт! Шукрингга ожиз қолсам, мендан ҳам шокирроқ бандангни кўрсат”. Аллоҳ таоло ваҳий қилди: “Эй Сулаймон! Касби билан очлигини кетказган ва авратини ёпган ҳамда менга ибодат қилган бандам сендан кўра шокирроқдир”. Сулаймон (алайҳиссалом): “Эй Парвардигор! Менга қўлим билан қиладиган касб ато эт!”, деди. Жаброил (алайҳиссалом) келиб унга хурмо дарахтларига ишлов беришни ўргатди. Сулаймон (алайҳиссалом) шу ишни ўзига касб қилиб олди.

Омонатга хиёнат қилмаслик

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا ﴾

«Биз (бу) омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, Ерга ва тоғларга таклиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортди ва ундан кўрқди. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм қилувчи ва нодондир» (Аҳзоб, 72).

Ҳадисда: “Одам (алайҳиссалом) омонатни қабул қилиб олгач, кўп ўтмай жаннатда уни кўтара олмасдан, тақиқланган дарахт мевасидан еб қўйди”, дейилган (Имом Термизий ривояти).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Аллоҳ ер юзида кезиб юргувчи фаришталарни яратиб қўйган, улар умматимнинг саломларини менга етказиб туради. Агар умматимнинг бирортаси менга бир кунда юз марта салавот айтса, Аллоҳ унинг юзта ҳожатини раво қилади. Уларнинг етмиштаси охиратга, ўттизтаси бу дунёга тегишлидир”.

Аҳзоб сурасида айтилган омонатга келсак, баъзилар уни тавҳид, деган. У шаҳодат калимасидир. Бу калимани омонат дейишдан мурод, унинг улкан ҳақлари бўлиб, бу ҳақларни Аллоҳ одамларга омонат қилди. Бу омонатни ҳусни тоат билан қабул қилиш вожибдир, бу ҳақларга риоя қилиш ва уларни муҳофаза этиш шартдир.

Абдуллоҳ ибн Умар айтади: “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулulloҳ” калимасида йигирма тўртта ҳарф бор. Бир кеча-кундузда йигирма тўрт соат бор. Агар банда бу калимани ихлос билан айтса, Аллоҳ: “Шубҳасиз, бу калима хурматидан сенинг каттаю кичик, ошкораю махфий, билиб-билмай қилган гуноҳларингни кечирдим”, дейди.

Бу омонат Одамга (алайҳиссалом) рўпара қилинганида: “Эй Раббим! Осмонлару ер ҳамда тоғлар буюклик ва улканликларига қарамай, бу омонатни кўтаришдан қўрқди ва бош тортди. Мен заифлигим билан қандай қилиб кўтараман?”, деди. Аллоҳ: “Кўтариш сен тарафдан, куч-қудрат Мен тарафдандир”, деди. Аллоҳ Мусо (алайҳиссалом) ҳассасини Фираъвн ва унинг қавми кўзига улкан илон қилиб кўрсатди ва улар қўрқиб кетди. Мусо (алайҳиссалом) кўзларига эса таёқ қилиб кўрсатилди, ундан қўрқмадилар. Худди шунингдек, бу омонатни осмонлару ерга улкан қилиб кўрсатди, натижада улар омонатни кўтаришдан бош тортди ва қўрқди. Инсоннинг кўзига эса бу омонатни енгил қилиб кўрсатди. Шунда инсон уни зиммасига олди. Агар: “Осмонлару ер улкан бўлишига қарамай, бу омонатни қабул қилмагани ва инсон заиф бўла туриб уни зиммасига олишида қандай ҳикмат бор?” деб сўралса, “Улар жаннат лаззатини татиб кўришмаган, инсон эса ундан тотиб кўрган. Шунинг учун инсон лаззатга етишиш учун уни ўз зиммасига олди”, деб жавоб берамиз.

Баъзи уламолар, бу омонатдан мурод беш вақт намоз, деган фикрни билдиришган. Зеро, Аллоҳ: **“Намозларни муҳофаза қилинлар, айниқса, ўрта намозни”** (Бақара, 238), деган.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса: “Намоз диннинг устунидир. Ким уни барпо этса, динини барпо қилибди, ким уни тарк этган бўлса, динини вайрон қилибди”, деганлар.

Ривоят қилинишича, Али (розияллоҳу анҳу) намоз вақти кирса, ранги ўзгараркан. У кишидан бунинг сабабини сўрашганида: “Осмонлару ерга ва тоғларга рўпара қилинганида улар бош тортган, мен эса заифлигимга қарамай... зиммамга олган омонатни адо этиш вақти келди, уни адо қила оламанми йўқми, билмайман”, деб жавоб берар экан.

Уламоларнинг баъзилари бу омонатдан мурод тана аъзоларидир, деган. Кўз – омонат, уни ҳаромдан тийиш вожибдир. Зеро, Аллоҳ таоло: “(Эй Мухаммад!) **Мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёллардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўл)дир**” (Нур, 30), деган. Қорин – омонат, уни ҳаром луқма киришидан сақлаш вожибдир. Зеро, Қуръони каримда бундай дейилган: **“Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шакшубҳасиз, қоринларига оловни еган бўлурлар. Ва албатта, дўзахга кирадилар”** (Нисо, 10). Тил – омонат, уни ғийбатдан, фаҳш

сўзлардан тийиш вожибдир. Аллоҳ таоло: **“Баъзиларингиз баъзилаа рингизни ғийбат қилмасин”** (*Хужурот, 12*), деган. Кулоқ – омонат. Уни мункар – тақиқланган нарсаларни эшитишдан сақлаш вожибдир.

Уламоларнинг баъзилари: “Омонатдан мурод Куръони карим”, дейишган. Бас, шундай экан, уни қироат қилиш, ўрганиш ва ўргатиш вожиб.

Баъзи уламолар бу омонатни рўза деб изоҳлаган. Рўза Ислом арконларидан бири бўлиб, ким уни барпо қилса, динини барпо қилибди. Ким уни тарк этса, динини вайрон қилибди. Зеро, Аллоҳ таоло: “Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди” (*Бақара, 183*), деган. Абу Хурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (алайҳиссалом) айтадилар: “Ким рамазон рўзасини ишонч билан савоб умидида тутса, унинг аввалги гуноҳлари мағфират қилинади”.

Яна бошқа уламолар омонатга закот, деган таъриф беришган: **“Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир ва намозни адо қилинлар ва закотни (ҳақдорларга) беринлар”**, дейди Аллоҳ таоло.

Ривоят қилинишича, Мусо (алайҳиссалом) бир куни хушу, хузу билан намоз ўқиётган киши олдидан ўтдилар ва: “Эй Раббим! Бу нақадар чиройли намоз ўқияпти”, дедилар. Шунда Аллоҳ: “Эй Мусо! Агар ҳар куни юз ракат намоз ўқиса, мингта қулни озод қилса ва минг марта ҳаж қилиб, мингта жанозага қатнашса ҳам, токи молининг закотини бермагунича қилган амаллари унга фойда бермайди”, деди.

“Омонатдан мурод ҳаждир”, деган баъзи уламолар. Зеро, Аллоҳ таоло: **“Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор этса), бас, албатта, Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган Зотдир”** (*Оли Имрон, 97*), деган.

Уламоларнинг баъзилари: “Омонатдан мурод – барча омонатлар”, дейишган. Зеро, Аллоҳ таоло: **“Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз эгаларига адо этмоғингизни буюради”** (*Нисо, 58*), деган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Омонаа

ти йўқнинг (яъни, омонатга хиёнат қиладиганнинг) имони йўқ”, деганлар.

Молик ибн Сафвон айтади: Менинг биродарим вафот этди. Сўнг уни тушимда кўрдим ва ундан: “Эй биродар! Аллоҳ сенга қандай муомала қилди?” деб сўрадим, у: “Раббим мени мағфират қилди”, деди. Мен унинг юзида қора нуқтани кўрдим ва ундан бунинг сабабини сўрадим. “Менинг ҳузуримда бир яҳудийнинг фалонча дирҳами омонат қўйилган эди. Мен уни адо қилмаганман. Бу нуқта шу сабаблидир, эй биродар! Сендан илтимос қиламан, ўша дирҳамларни фалон жойдан олиб, фалончига қайтариб бер”, деди у. Тонг отгач, унинг айтганини бажардим. Мен уни иккинчи бор тушимда кўрдим. Қарасам, қора нуқта юзидан кетибди. У: “Эй биродар! Аллоҳ сенга раҳм қилсин, сен мени азобдан қутқардинг”, деди.

Уламоларнинг баъзилари омонатдан мурод аҳли аёл ва фарзандлардир, дейишган. Уларни намозга буюриш ҳар бир кишига вожибдир. Зеро, Аллоҳ таоло: **“Аҳлингизни намозга буюринг”** (Тоҳа, 138), деган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса: “Болаларингиз етти ёшга етса, уларни намозга буюринг. Агар ўн ёшга етиб, намоз ўқимаса, уринг”, деганлар. Уларни ҳаромдан, бекорчи ўйин-кулгидан қайтариш вожибдир, чунки ота-она уларнинг тарбиясига масъул. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларнинг ҳар бирингиз бошлиқсиз ва ҳар бирингиз қўл остингиздагилар ҳақида сўраласиз”, деганлар.

Ҳикоя қилинишича, орифлардан бири анча муддат Аллоҳга ибодат қилибди. Кунларнинг бирида таҳорат қилиб, икки ракат намоз ўқибди—да, бошини ва қўлини кўтариб: “Эй Раббим, ибодатларимни қабул эт”, деб дуо қилибди. Шунда Раҳмон тарафидан бир нидо қилувчи нидо қилибди: “Гапирма, эй малъун! Чунки сенинг тоат—ибодатинг мардуд — қайтарилгандир”. Шунда обид: “Эй Раббим! Нима сабабдан?” деб сўраганида, нидо қилувчи: “Чунки хотининг Аллоҳнинг амрига зид ишларни қилмоқда ва сен бунга розидирсан”, деб жавоб берибди.

Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мунофиқнинг аломати учта: гапирса ёлғон гапиради; ваъда берса, ваъдасини бажармайди; омонат топширилса, хиёнат қилади”, дедилар. Ваъда банда билан бандалар орасида бўлганидек, Аллоҳ билан бандалар орасида ҳам бўлади. Чунки Аллоҳ бандаларнинг руҳларига: “Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?!” деб хитоб қилганида, улар:

“Албатта, Сен бизнинг Раббимизсан”, деб иқроп бўлишган. Аллоҳ бандаларидан аҳд олган, улар эса бу аҳдда мустаҳкам туришга ваъда берган. Агар банда бу аҳдни бузса, ваъдага хилоф қилган бўлади. Яна омонат тоат–ибодатга буюришдир. Ким буни адо қилса, омонатни адо қилибди, ким буни тарк қилса, омонатга хиёнат қилибди.

Зажжож айтади: “Аллоҳ буюрган ва қайтарган барча нарсалар омонатдир”.

Ибн Аббос (розияллоҳу анху) айтган: “Аҳдлар Қуръонда ҳалол-ҳаром, фарз қилинган ва ҳад қилиб, жорий этилган нарсалардир”.

Заҳҳок айтган: “Аллоҳ таоло бу умматдан ҳалол-ҳаром, намоз каби фарз нарсаларга ва бошқа омонатларга вафо қилишга аҳд-паймон олган. Аҳдлар ҳам худди шу каби бўлиб, Аллоҳ фарз қилган муҳкам нарсалардандир. Бирон-бир ҳолатда ҳам уни бузишга йўл йўқ”.

Муқотил ибн Ҳайён айтади: “Аллоҳ таоло буюрган: Унинг Ўзигагина итоат этишингиз ва қайтарган нарсаларидан қайтишингиз хусусида сизларнинг зиммангизга юклаган аҳдларга, мушриклар билан сизларнинг орангиздаги аҳдлар – битимларга ва инсонлар ўртасидаги аҳду паймонларга вафо қилинглари”.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Кимда тўрт хислат бўлса, ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни ташламагунича унда мунофиқликнинг битта хислати қолади. Гапирса, ёлғон гапиради, аҳдлашса, аҳдида турмайди, омонатга хиёнат қилади ва агар баҳслашса, фожирлик қилади (ҳаддидан ошади)” (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Қиёмат куни ҳар бир (аҳдини бузган) хиёнатчининг танитиб турадиган байроғи бўлади. Бу фалончининг хиёнати, дейилади” (*Имом Муслим ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «Аллоҳ таоло: “Мен қиёмат куни уч кишининг – менинг номимни ўртага қўйиб (бирон нарса) олиб, сўнг хиёнат қилган кишининг, хурозод одамни сотиб, сўнгра пулини еган кишининг ва мардикорни ижарага олиб, роса ишлатиб, ҳақини тўлиқ бермаган кишининг душманидирман”, деди» (*Имом Бухорий ривояти*).

Юқорида келтирилган оят ва ҳадислардан омонатнинг нақадар оғир эканини билиб олдик. Бизга нима омонат қилинган бўлса, барчасини ўз вақтида адо этишга шошилалик. Аллоҳ таоло барчаларимизга тавфиқ ва фойдали илм ато этсин, омин!



**БЕШИНЧИ
КИТОБ**

ОЛТИНЧИ ВАСИЯТ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَوْصَانِي خَلِيلِي بِسَبْعٍ: «حُبِّ الْمَسَاكِينِ وَأَنْ أَدْنُوَ مِنْهُمْ وَأَنْ أَنْظُرَ إِلَى مَنْ أَسْفَلَ مِنِّي وَلَا أَنْظُرَ إِلَى مَنْ فَوْقِي وَأَنْ أَصِلَ رَحِمِي وَإِنْ جَفَانِي وَأَنْ أَكْثَرَ مِنْ «لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ» وَأَنْ أَتَكَلَّمَ بِمِرِّ الْحَقِّ وَأَنْ لَا تَأْخُذَنِي فِي اللَّهِ لَوْمَةٌ لَائِمٌ وَأَنْ لَا أَسْأَلَ النَّاسَ شَيْئًا» (رواه أحمد والطبراني)

Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Яқин дўстим (Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)) менга етти нарсани васият қилдилар:

- камбағалларни севиш ва уларга яқин бўлиш;
- ўзимдан юқоридагиларга эмас, ўзимдан пастдагиларга қараш;
- қариндошларим билан, улар ёмонлик қилса ҳам, силаи раҳмни боғлаш;
- “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” калимасини кўп айтиш;
- Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмай, аччиқ бўлса-да ҳақиқатни айтиш;
- одамлардан бирор нарса сўрамаслик” (*Имом Аҳмад ва Табароний ривоят*).

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу васиятларига амал қилиш жамият тинчлиги ва тараққиётга муҳим омил бўлади. Бу тавсия жамият аъзоларининг ўзаро алоқалари ва бир-бирига муносабатини тўғри йўлга солишга, инсонларнинг камолоти ва охиратда саодат топишига қаратилган.

Камбағалларни эъзозлаш, уларни дўст тутиш, қариндошларга силаи раҳм қилиш ва ҳақиқатни айтишда одамлардан чўчимаслик жамият равнақи ва фаровонлиги, инсонлар ўртасида тотувлик ва барқарорликка гаров бўладиган омиллардандир.

Аллоҳни кўп зикр қилиш, бойлик, мол-дунёга интилишга рағбат туғилган пайтда ўзидан кўра камбағалроқлар ҳам борлигини унутмаслик ва ўз ҳолига шукр қилиш ҳар бир мусулмонга зарур фазилатлардандир. Диний жиҳатдан ўзидан кўра билимлироқ кишиларга етишга интилиш, дунёвий эҳтиёжларини одамлардан эмас, Аллоҳдан сўраш маънавий камолот шартларидандир. Сиз,

азиз китобхонлар билан биз мазкур васиятларнинг ҳар бири устида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Камбағалларни севиш ва уларга яқин бўлиш

Инсоният бор экан, жамиятда ўзига тўқ бойлар ҳам, мискин ҳамда камбағаллар ҳам бўлади. Лекин кишининг қадри бойлик ва камбағаллик билан ўлчанмайди. Бойлик ҳақиқий шараф бўлмагани каби камбағаллик ҳам айб ёки нуқсон эмас, балки Аллоҳнинг тақдири ва синовидир. Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿فَأَمَّا الْإِنْسَانُ إِذَا مَا ابْتَلَاهُ رَبُّهُ فَأَكْرَمَهُ، وَنَعَّمَهُ، فَيَقُولُ رَبِّي أَكْرَمَنِ ﴿١٥﴾ وَأَمَّا إِذَا مَا ابْتَلَاهُ فَقَدَرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ، فَيَقُولُ رَبِّي أَهْنَنِ ﴿١٦﴾﴾

«Бас, энди инсонни қачон, Парвардигори синов учун икром этиб, унга неъмат ато этса, дарҳол: “Парвардигорим (лойиқ бўлганим учун) мени икром этди”, дер. Аммо, қачон (Парвардигори) уни синов учун, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: “Парвардигорим мени хор қилди”, дер» (Фажр, 15–16).

Бандага бирор неъмат берилса, Аллоҳ мени ҳурмат қилгани учун беряпти, деб ўйламаслик ёки аксинча, ризқи танг бўлган вақтда Парвардигорим ғазаб қилгани учун мени шу аҳволга солди, деб гумон қилмаслик, балки ҳар иккала ҳолатни ҳам Аллоҳнинг синови деб қабул этиш лозим.

Аллоҳ таоло инсонни синаш учун унга бойлик беради ёки бойликдан қисади. У берилган неъматдан унумли фойдаланиб, уни яхшиликка сарфлаб, шукрини адо этадими ёки бошқаларни назарписанд қилмай, берилган неъматни тақиқланган жойларга сарфлаб, ношукрлик қиладими? Камбағал борига қаноат билан шукр қилиб яшайдими ёки ўғрилик, талончилик каби гуноҳларга қўл урадими?

Камбағалликни айб деб биладиган кимсалар ўзларидан камбағалроқ кишиларга паст назар билан қарайди ва бойлиги билан кибрланиб, бошқалардан ўзини устун санайди. Аслида эса, моддий жиҳатдан эмас, балки маънавий ва ахлоқий жиҳатдан қашшоқлик ҳақиқий қашшоқликдир. Шунингдек, моддий бойлик эмас, балки нафс ва кўзнинг тўқлиги ҳақиқий бойликдир. Бу ҳақда Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мол-дунё кўплиги

ҳақиқий бойлик эмас, балки нафс тўқлиги ҳақиқий бойликдир”, деганлар.

Борига қаноат қилиб, ўз ҳолидан нолимай яшайдиган камбағалларнинг бир қанча фазилатлари бор. Қуйида уларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз:

Фақир ва мискинлар жаннат аҳлининг кўп қисмини ташкил этади. Яъни, жаннатга бойлардан кўра кўпроқ камбағал кишилар киради.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатга қараб, унинг кўп аҳли фақирлар эканини, дўзахга қараб, унинг кўп аҳли аёллар эканини кўрдим”, дедилар.

Жаннатга биринчи бўлиб фақир ва мискинлар киради.

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Мен Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Умматимнинг фақирлари жаннатга бойларидан қирқ йил аввал киради”, деганларини эшитганман”.

Қиёмат кунида Кавсар ҳовузидан сув ичишга биринчи бўлиб камбағаллар келади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “(Кавсар) ҳовузим (ўлчами) Адандан то Аммонул Балқо шаҳригачадир. У сутдан кўра оппоқ, асалдан кўра тотлироқ, косалари осмон юлдузлари саноғичадир. Ким ундан бир марта ичса, ҳеч қачон чанқамайди. Унга сочлари тўзғиган, (дунё) неъматларидан баҳраманд бўлмаган муҳожир фақирлар биринчи бўлиб келади”, деганлар.

Сирот кўпригидан биринчи бўлиб мискин ва фақирлар ўтади.

Савбон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, бир яҳудий Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимларга биринчи бўлиб сирот кўпригидан ўтишга рухсат берилади?” деб сўраганида, Пайғамбар (алайҳиссалом): “Муҳожирлардан бўлган фақирларга”, деб жавоб берганлар.

Пайғамбарларга биринчи бўлиб эргашганлар мискин ва фақирлардир.

Нуҳ (алайҳиссалом) қавмини имон келтиришга чақирганида улар: “**Сенга разил (камбағал) одамлар эргашганидан кейин бизлар сенга имон келтирармидик?!**” (Худ, 27), дейишган.

Бундан ташқари, Рум подшоҳи Ҳирақл ва Абу Суфён ўртасида бўлиб ўтган машҳур суҳбатда Ҳирақл Абу Суфёндан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида “Унга одамлар-

нинг бадавлатлари эргашяптими ёки заиф (фақир)ларими?” деб сўрайди. Абу Суфён, бадавлатлари эмас, балки заифлари, деб жавоб берганида, подшоҳ: “Заифлар пайғамбарларга биринчи бўлиб эргашадилар”, дейди.

Кўплаб фақирлар бор, лекин нафси тўқлиги сабабли бориға қаноат ва шукр қилиб яшайди. Аммо баъзи бойлар бор, мол-дунёси қанча кўпайса-да, нафси ва кўзи очлиги сабабли “ҳозирги замонда пул топиш қийин бўлиб кетди” қабилдаги гаплар билан ўз ҳолидан нолиб, ношукрлик қилади. Камбағал ва мискинларға қандай муомала қилишни Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрганишимиз лозим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мискин ва фақирларни яхши кўрганлар ва бошқаларни ҳам шунга чақирганлар. Буни юқорида келтирилган васиятда ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, Анасдан (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, мени мискин ҳолда яшат, мискин ҳолда ўлдир ва Қиёмат куни ҳам мискинлар қаторида тирилтир”, дедилар. Ойша (розияллоҳу анҳо): “Нима учун, ё Расулуллоҳ?” деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Чунки улар жаннатга бойлардан қирқ йил илгари киради. Эй Ойша, мискинни қуруқ қайтарма, ҳеч бўлмаса яримта хурмо бўлса ҳам бергин. Мискинларға муҳаббатли ва яқин бўл. Шунда қиёмат куни Аллоҳ сени Ўзига яқин қилади”, дедилар.

Бу ҳадис Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мискинларға бўлган ҳурматларини намоён қилади.

Саҳобалар ҳам мискинларни яхши кўриб, ҳурмат қилган. Ҳатто Жаъфар ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) мискинларни яхши кўргани ва кўпинча улар билан суҳбатлашиб ўтиргани учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни “Абул масакин”, яъни, “Мискинлар отаси” деб чақирганлар. Яна Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларидан бири Зайнаб бинти Хузайма (розияллоҳу анҳо) онамиз ҳам мискин ва фақирларға кўп эҳсон қилгани учун саҳоба аёллар орасида “Уммул масакин”, яъни, “Мискинлар онаси” дея ном чиқарган.

Зирор ибн Мурра Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) халифалик даври ҳақида гапирар экан, “Бошқа диндагиларни ҳурмат қилар ва мискинларни яхши кўрар эди”, дейди.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ҳам камбағаллар билан овқатланар ва “Шояд уларнинг баъзилари қиёмат куни подшоҳлар мақомида бўлса”, дер эди.

Фузайл ибн Иёз: “Ким охират саодатини истаса, мискинлар билан ўтирсин”, деган.

Пайғамбар (алайҳиссалом) ва саҳобалар ҳаётида бу каби кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин. Шунингдек, уларнинг аксарияти фақирона ҳаёт кечиришни танлаган.

Мискин ва фақирларни яхши кўриш уларга қўполлик қилмаслик, хушмуомалали бўлиш, ҳолидан хабар олиб туриш, касал бўлса, бориб кўриш ва уларга эҳсон қилиш билан бўлади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилди:

﴿وَيُطْعَمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حَيْثُ مَسْكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا ﴿٨﴾ إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ اللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكْرًا ﴿٩﴾﴾

«Таомни эса суйиб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларга едирурлар. (Улар айтурлар): “Бизлар сизларни фақат Аллоҳ “юзи” учун таомлантирурмиз. Сизлардан (бу иш учун) бирор мукофот ва миннатдорлик кутмасмиз» (Инсон, 8–9).

Ушбу оятда мискин ва етимларни таомлантириб, бунинг эвазига бирор нарса тама қилмайдиган кишилардаги бу хислат жаннат аҳлининг хислатларидан экани айтилмоқда. Демак, мискин ва етимларга эҳсон қилиш ва чиройли муомалада бўлиш жаннатий кишилар хислатидандир. Ояти каримада фақирларни овқатлантириш эвазига бирор нарса сўрамаслик кераклиги айтилмоқда. Афсус, ҳозирги вақтда бировга яхшилик қилиб, сўнг ҳаммага бу билан мақтаниб юрадиган, вақти келганда қилган яхшиликларини одамлар олдида юзига соладиган ва миннат қиладиганлар ҳам йўқ эмас.

Мискинларга яхшилик қилиш ва уларга чиройли муомалада бўлишнинг бир қанча фойдалари бор. Уларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз:

1. Уларга яхшилик қилганнинг ихлоси ва самимияти ортади. Чунки камбағалларда кишиларни ўзига жалб қиладиган ёки умид қилинадиган манфаат ёки мол-дунё бўлмайди. Шу сабабли уларга муҳаббатли бўлиш ва уларни ҳурмат қилиш бойларни яхши кўришдан кўра самимийроқ ва ихлосга яқинроқдир.

2. Уларга яхшилик қилган кишидан такаббурлик ва манманлик кетади. Чунки кибрли одамлар камбағал ва мискинлар билан бир жойда ўтириш ёки суҳбатлашишни ёқтирмайди.

3. Уларга яхшилик қилган кишининг қалби тўғриланади ва юмшайди. Қалби қаттиқлигидан Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шикоят қилиб келган бир кишига Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар қалбинг юмшашини истасанг, мискинни овқатлантир ва етимнинг бошини силагин”, деганлар.

4. Уларга яқин бўлган ва ҳолидан хабар олиб турадиган киши ўзига берилган неъматларнинг қадрига етади. Чунки у фақирлар нимага эга эканини кўради ва ўзига берилган неъматлар кўп бўлгани учун шукр айтади.

5. Жамиятнинг бой ва камбағал табақалари ўртасида ўзаро меҳр-муҳаббат ва тенглик пайдо бўлади.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, фақир ва мискинларга ваъда қилинаётган мартабалар уларнинг айнан фақир ва мискин бўлганлари учун эмас, балки фақир ва мискинликка сабр, бориға қаноат қилганлари учундир. Албатта, бу фикрдан қасддан фақир бўлишга уришиш керак, деган маъно келиб чиқмайди. Мазкур ҳадиси шарифлардаги ғоялар одамларни фақирликка ундамайди. Балки уларни сабр, қаноатга ва ҳалол меҳнат қилиб, молларини орттириш ва ибодатга чорлайди. Зеро, ҳалол йўлда бойиш камбағалликдан ортиқдир.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мазкур васиятлари кишилик жамиятининг тинч ва бахтли бўлишида катта аҳамиятга эга. Чунки одамлар орасидаги кўплаб жанжал ва келишмовчиликлар баъзи бойларнинг ўзидан моддий жиҳатдан ночор одамларни менсимаслиги ва уларга ёмон муомалада бўлиши оқибатида ёки аксинча, баъзи камбағалларнинг бойларни кўролмаслиги ва уларга ҳасад қилиши натижасида келиб чиқади. Ҳатто бунини ҳозирги вақтда баъзи ака-укалар, яқин қариндошлар ўртасида бўлаётган келишмовчиликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзидан юқоридагиларга эмас, ўзидан пастдагиларга қараш

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу васиятларига амал қилган киши ҳаргиз бу дунё қийинчиликлари ва ҳаётнинг баъзи оғир дамларида ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳамиша кўнгли тўқ ва хотиржам яшайди. Чунки бу васиятда моддий жиҳатдан ўзидан пастроқ, дин ва ахлоқ жиҳатдан эса ўзидан устун ва баландроқ бўлган кишилардан ибратланиш кераклиги таъкидланмоқда. Киши ўзидан кўра бойроқ одамни кўрганида, ўз ҳолидан ачиниши ва берилган неъматларга ношукрлик ҳиссини

туйиши мумкин. Бундай туйғуларни даволаш учун ўзидан кўра фақир ва муҳтожларнинг ҳам борлиги, уларга нисбатан ўзининг моддий аҳволи анча яхшилигини эслаши кифоя қилади. Ҳар бир одам Аллоҳ таоло ўзига тақсимлаб берган неъматларга шукр қилиши ва норози бўлишдан сақланиши лозим. Илоҳий тақдирга норозилик ҳалокат ва фақирликка сабаб бўлади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек: “Оз бўлиб кифоя қилгани, кўп бўлиб банд қилганидан яхшироқдир”. Аллоҳ таоло бойликни бандаларидан хоҳлаганига беради. Бу борада уларнинг итоатли ёки фосиқлигига қарамайди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ дунёни ўзи яхши кўрганига ҳам, яхши кўрмаганига ҳам бераверади. Аммо динни эса фақат яхши кўрганига беради”, деганлар.

Ҳар бир киши диний жиҳати ўзидан, яъни, тақвосига кўра қуйида бўлганлардан яхши ҳисобланади. Яъни, ҳатто намоз ўқимасада, Аллоҳ таолога имони бор киши Аллоҳ таолони инкор қиладиган кофирдан яхшироқдир. Лекин дин борасида ўзидан қуйи бўлганларга эргашмаслик керак. Дин ишларида ўзидан юқорида бўлганлардан ибрат олиш ва уларга етишга интилиш жуда муҳим. Бу эса ибодатларимиз янада кўпайишига сабаб бўлади.

Қариндошларга, гарчи улар ёмонлик қилсалар ҳам, силаи раҳм қилиш

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу васиятларида силаи раҳмнинг энг олий намунаси ҳақида баён қиляптилар. Зеро, бир инсон ўзига бирор ёмонлик қилган одамга яхшилиқ қилиши, у билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиши қийин. Қариндошларга яхшилиқ қилишда ушбу мақомга эришган одамгина Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васиятларига тўла амал қилган бўлади. Чунки яхшиликка яраша яхшилиқ қайтариш ёки қариндош бўлгани учун бировга меҳр-мурувват кўрсатиш кўпчиликнинг қўлидан келади. Бироқ ёмонлик қилиб турган кимсага яхшилиқ қилиш фақат охиратни, Аллоҳ таолонинг розилигини умид қилган инсоннинггина қўлидан келади.

“Силаи раҳм” халқимиз орасида кенг тарқалган ибора бўлиб, аслида арабчадан кириб келган. Халқ ичида у қариндошлик ришталарини ўрнатиш маъносида тушунилади. Имом Нававий буни қуйидагича таърифлайди: “Силаи раҳм, инсоннинг имкониятла-

ридан ва муҳтожнинг ҳолатидан келиб чиқиб, бири иккинчисига эҳсон-ёрдам қилишидир. Бундай ёрдам хизмат қилиш, зиёрат этиш каби моддий ва маънавий кўринишларда бўлиши мумкин”.

Ибн Абу Жамра айтади: “Силаи раҳм мол-дунё билан ёрдамлашиш, ҳожатни адо этиш, зарарни аритиш, очик юз билан қараш ва яхши дуо қилиш билан бўлади”.

Ушбу таърифлардан тушунилишича, бир кишининг ўз яқинларига хоҳ моддий, хоҳ маънавий йўл билан фойдаси тегадиган, кўнглини кўтарадиган ишни қилиши силаи раҳмдир.

Ибн Мунзир эса силаи раҳмни бундай тушунтиради: “Силаи раҳм насаб ва қуда-андачилик жиҳатидан боғлиқ кишига яхшилик қилиш, меҳрибончилик кўрсатиш, уларга мулойим бўлиш ва аҳволларини сўраб туришдир”.

Силаи раҳмга бундай маъно бериш кўпроқ унинг луғавий ва истилоҳий жиҳатларини жамлаш-мувофиқлаштириш туфайли келиб чиққан. Чунки “раҳм” сўзи араб луғатида бачадон, қариндошлик маъноларида ишлатилади. “Сила” сўзи эса боғлаш маъносида. Демак, “қариндошликни боғлаш”нинг маъноси қариндошлик тақозо қилган ишларни амалга оширишдир.

Силаи раҳмнинг ҳукми борасида Қози Йез бундай дейди: “Силаи раҳмнинг вожиблиги, уни узиш катта гуноҳ экани борасида ихтилоф йўқ. Ҳадиси шарифлар шунга далолат қилади. Бироқ силаи раҳмнинг даражалари турлича бўлиб, баъзилари бошқаларидан устун туради. Уларнинг энг қуйиси салом беришнинг ўзи билан бўлса-да, қариндошлар билан алоқа боғлаш. Силаи раҳм шахсларнинг ҳолати ва амалнинг турига кўра, вожиб ёки мустаҳаб бўлади”.

Масалан, хасталанган қариндошни зиёрат қилиш вожиб бўлса, ҳурсандчилик кунда ҳурсандчилигига шерик бўлиш учун зиёратига бориш мустаҳабдир.

Уламолар силаи раҳм вожиб бўлишига қуйидаги оятларни далил қилиб келтирган:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَايَ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ﴾

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур» (Наҳл, 90).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло инсонларни умумий маънода адолат ва эзгу ишларга, шу жумладан, қариндошларга яхшилик қилишга буюриб, бузғунчилик ва ёвуз ишлардан қайтараётган бўлса, қуйидаги оятларда хайр-эҳсон ва яхшиликларни аввало кимларга қилиш кераклигини баён этмоқда.

﴿يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلِلْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ وَآلِئِمَّتِي
وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴿٢١٥﴾﴾

«Сиздан (эй Муҳаммад!) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: “Нимани хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилинг! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билувчидир» (Бақара, 215).

﴿وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَآلِئِمَّتِي
وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ
السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُحْتَالًا فَخُورًا ﴿٣٦﴾﴾

«Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманг! Ота-оналарга эса яхшилик қилинг! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшнию бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди» (Нисо, 36).

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада яқинларга яхшилик қилишни Ўзига ибодатда бўлиш ва Ўзига ҳеч бир нарсани шерик қилмаслик борасидаги буйруқлари қаторида зикр этмоқда. Маълумки, Аллоҳ таолони қўйиб, бошқа нарсаларга ибодат қилиш Ислонда энг оғир гуноҳ ҳисобланиб, умр давомида қилинган барча солиҳ амалларни чилпарчин қилади ва чин тавбасиз асло кечирилмайди. Демак, ояти каримада зикр этилган шахсларга яхшилик қилиш ҳам шариатнинг энг муҳим талабларидандир. Ким муҳтож ҳолдаги яқинига, хоҳ отаси бўлсин, хоҳ бошқа қариндоши бўлсин, имкони борича ёрдам қўлини чўзмаса, гуноҳкор бўлади. Бу қилмишига қиёматда жавоб беришига тўғри келади. Ушбу ояти карима “намоз, рўзаларимни адо қилиб юрибман-ку, ҳамма ўзи учун ҳаракат қилсин, уларнинг ҳам қўл-оёғи бор, ахир, менинг топганим ўзим

учун ҳалол, ўз ҳожатларимга қанча сарфласам ҳам бўлаверади, бировларга ёрдам бериш савобли иш, қилса, катта савоб бўлади, қилмаса, гуноҳи йўқ”, дейдиган кишиларнинг хато ақидаларига қарши очиқ-ойдин раддиядир.

Шунингдек, қариндошларнинг гуноҳ бўлмаган, сизга нисбатан қилган майда озор ва азиятларини кечириб юбориш ва хатоларидан кўз юмиш ҳам силаи раҳм қаторига киради. Силаи раҳмнинг айнаи шу турини Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз шарҳлаётган васиятларида баён қилдилар.

Силаи раҳм қилишга бир неча сабаблар борлиги китобларда зикр этилган. Уларни бирма-бир далиллари билан эслаб ўтсак:

1. Имон. Инсонни инсонга боғловчи энг кучли сабаб унинг қалбидаги имон-эътиқодидир. Чунки бир инсон сиз ишонган нарсага ишонса, наздингиздаги улуғ нарсаларни-қадриятларингизни қадрласа, сиз ёмон кўрган нарсани ёмон кўрса, қисқа қилиб айтсак, қалб истаклари сизники билан бир бўлса, шубҳасиз, бундай одамни сиз ҳам ҳурмат қиласиз, унга дўст бўлишга интиласиз, ёрдам қўлини чўзишга тайёр турасиз. Ушбу ояти каримани барчамиз яхши биламиз:

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴾ (10)

«Албатта, мўминлар динда ўзаро биродардир. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз, шояд, раҳм қилинсангиз» (*Хужурот, 10*).

﴿ فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا أَرْحَامَكُمْ ﴾ (22)

«Агар (имондан) бош тортсангиз, аниқ, сизлар ерда бузғунчилик қиласиз ва қариндошларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узасиз» (*Муҳаммад, 22*).

Демак, силаи раҳмни узиш имонсизлик аломатларидан бўлиб, фасод ҳамда бузғунчиликнинг бошланишидир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бир қанча ҳадиси шарифларида мусулмонлар бир-бирларида ҳақ-ҳуқуқлари борлигини ва уларга риоя қилиш кераклигини баён қилганлар:

Зайд ибн Аслам (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин учун мўминнинг қони, моли ва обрўси ҳаромдир. Мўмин мўминнинг биродаридир, уни бефарқ ташлаб қўймайди, унга зулм ҳам қилмайди. Тақво бу ерда”, деди-

лар ва кўкракларига ишора қилдилар (Имом Аҳмад ва Имом Муслим). Ушбу ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўмин ўз ҳаётида мўминларга нисбатан муносабатларида доимий равишда эътибор бериши керак бўлган шариат ҳукмларини баён қилганлар.

Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Мўмин мўминнинг биродаридир, ўз биродари савдосидан воз кечиб кетмагунча савдосининг устига савдо қилиши, совчилиги устига совчи қўйиши мўмин учун ҳалол эмас” (Имом Муслим). Ушбу ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминлик сабабидан вужудга келадиган силаи раҳмни кесувчи сабабларнинг иккитасидан қайтарганлар.

2. Қариндошлик. Насаб бир бўлиши кишиларни бир-бирларига боғловчи сабаблардандир. Шубҳасиз, инсон дунё ҳаётида маълум маконда, маълум муддатда турмуш кечиради. У ҳаёти мобайнида бировларнинг ёрдамига муҳтож бўлади ва у ҳам кимларгадир ёрдам қилиши лозим бўлади. Бундай ўзаро ёрдамларнинг аввало насаб жиҳатидан қариндошлар ўртасида бўлиши барча инсонлар наздида одат тусига кирган. Қариндошлик ришталарини боғлаш, қариндошлар ҳақларига риоя қилиш борасида кўплаб оят ва ҳадислар мавжуд. Силаи раҳм борасида келган оят ва ҳадисларнинг аксарияти насаб жиҳатидан қариндошлик алоқаларини боғлаш борасидадир.

Ота-она, бобо-буви, ака-ука, опа-сингил, амаки, амма, тоға, хола, жиян ва бошқалар насаб жиҳатидан қариндошлардир. Ислом шариатининг мерос тақсимоти, нафақа вожиблиги каби масалалари насаб жиҳатидан қариндошликка боғлиқдир. Бундай яқинлик қариндошларга ўзаро меҳр-мурувватли бўлишни вожиб қилишидан ташқари, баъзи масъулиятларни ҳам юклайди.

Қариндошлик алоқаларини ўрнатишнинг вожиблигига далолат қилувчи баъзи оятларни зикр қиламиз:

﴿وَالَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيثَاقِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَٰئِكَ هُمُ اللَّعَنَةُ وَهُمْ سُوءُ الدَّارِ﴾

«Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзинда бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам бор, улар учун

(Аллоҳдан) **лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр** (жаҳаннам) **бордир»** (Раъд, 25). Ушбу ояти каримада қариндош-уруғчиликни узиш Аллоҳ таоло билан тузилган аҳдни бузиш ва ер юзида бузғунчилик қилиш гуноҳлари билан бир қаторда зикр қилинган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қариндош-уруғчилик ришталарини боғлашингиз учун насабларингизни ўрганинглар. Чунки силаи раҳм аҳли оилага муҳаббат, мол-дунёнинг кўпайиши ва умрнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади”, деганлар. Ушбу ҳадиси шарифда бевосита ҳар бир мўминга ўз насабини билиш кераклиги уқтирилмоқда. Насл-насабни билишдан кўзланган мақсад қариндошлар билан алоқалар ўрнатиш, уларга ёрдам беришдир, улар билан фахрланиш ва шуҳрат қозониш эмас.

Ўзбек халқи азалдан қариндош-уруғчилик, маҳалла-кўйчилик муносабатларини маҳкам тутди. “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган мақол халқимиз орасида бежиз тарқалмаган. Ушбу ришталарнинг намуналарини халқимизнинг ҳашар, тўй, ҳайит ва таъзия каби маросимларида яққол кўришимиз мумкин. Бир инсон ёлғиз ўзи қилолмайдиган кўплаб ишларни маҳалла-кўй ёрдамида ҳашар йўли билан амалга оширади. Тўй-ҳашамлар қариндош-уруғ ва маҳалла-кўйнинг иштирокисиз ўтмайди. Таъзия маросимларига бормаслик эса халқ орасида кечириб бўлмайдиган айб ҳисобланади.

3. Эмиқдошлик. Чақалоқ ўз онасидан бошқа аёлни эмиши билан ўша аёл унга она, аёлнинг эри ота, фарзандлари эса ака-ука ва опа-сингилларга айланади. “Разоат”нинг луғавий маъноси эмиш бўлса-да, шариат китобларида ушбу сўз келса, одатда бегона аёлни эмиш назарда тутилади. Бегона аёлни эмиш ортидан жуда кўп шаръий ҳукмлар келиб чиқади. Бироқ эмиқдошлик ҳукмларининг собит бўлиши учун эмишнинг ҳолати ва эмаётган пайтда гўдакнинг ёши эътиборлидир. Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) мазҳабида икки ярим ёшгача бўлган гўдак эмса ва гўдакнинг қорнига аёлнинг сути кирса, эмиқдошлик ҳукмлари собит бўлади. Ойша (розияллоҳу анҳу) онамиздан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Туғиш-туғилиш орқали кимлар маҳрам бўлса, эмиш-эмизиш орқали ҳам ўшалар маҳрамга айланади”, дедилар. Содда қилиб айтадиган бўлсак, бир гўдак онасидан бошқа бир аёлни эмиши, сутидан озиқланиши билан ўша аёлнинг фарзандига, оила аъзосига айланади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

туғилган даврларида арабларда чақалоқларни онасидан бошқа аёлларга эмизишга бериш одат тусига кирган эди. Шу жумладан, Сарвари олам ҳам ўз оналаридан бошқа яна уч аёлни эмганлар. Улар Ҳалима Саъдийя, Умму Айман ва Сувайба. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сут оналарига қанчалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатганлари ҳақидаги ривоят сийрат китобларида кўп келтирилган. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эмикдош сингилларига кўрсатган мурувватлари ҳақидаги кичик бир воқеани эслаб ўтсак:

Ҳунайн ғазотида асирга тушганлар сони олти минг эди. Улар ичида бир аёл мусулмонларга: “Мен соҳибингизнинг опаси бўламан”, деди. Уни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига олиб келишди. У: “Эй Муҳаммад, мен сенинг опангман”, деб ўзини таништирди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлни танидилар ва ўрнларидан туриб, ридоларини ерга тўшадилар ҳамда қувонч кўзёшларини тия олмай, анча йиғладилар. Анча суҳбатдан сўнг у имон келтирди, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларида йўқ хурсанд бўлдилар. Дийдорлашув ниҳоясида аёлни жуда кўп совға-саломлар билан уйига кузатиб қўйдилар. У аёл Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гўдакликларида меҳр кўрсатиб, энагалик қилган Ҳалима Саъдийянинг қизи Шаймо эди. Баъзи ривоятларда ушбу воқеада Шаймо билан бирга унинг онаси Ҳалима ҳам келган, дейилса, баъзиларида ҳар қайси алоҳида келган, дейилади. Нима бўлганда ҳам, Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эмизган оналари ва эмикдош опалари абадий саодатдан насибадор бўлди. Шу ўринда эслаб ўтиш зарур, Сарвари олам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалар билан кенгаш қилиб, Ҳунайнда қўлга тушган барча асирларни озод қилдилар.

Эмикдошлик ортидан инсонлар ўртасида меҳр-оқибатларга сабаб бўладиган алоқаларнинг вужудга келиши динимиз талаби экан, халқимиз бу борада ҳам ҳар соҳада кузатилганидек, бошқа халқларга намуна бўла олади.

Силаи раҳм нафақат Ислом дини, балки Аллоҳ таоло олдин нозил қилган бошқа китобларнинг ҳам энг муҳим талабларидан бўлган. Бунга Қуръони каримнинг ушбу ояти гувоҳлик беради:

﴿وَإِذَا خَذْنَا مِيثَاقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَذِي الْقُرْبَىٰ

وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا
 الزَّكَاةَ ثُمَّ تَوَلَّيْتُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْكُمْ وَأَنتُمْ مُّعْرِضُونَ ﴿٨٣﴾

«Эсланг, (Биз) Исроил авлодидан: “Фақат Аллоҳагина сиғинасиз, ота-она, қариндош, етим ва мискинларга яхшилик қиласиз, одамларга ширинсўз сўзланг, намозни баркамол ўқинг, закот беринг”, деб аҳд олган эдик. Кейин (сиз, эй Исроил авлоди,) озчилик қисмингиздан бошқангиз (ушбу аҳддан) юз ўғирдингиз» (Бақара, 83).

Ушбу ояти карима маъносидан бошқа қавмларда ҳам силаи раҳм шаръий талаб бўлгани кўринади.

Силаи раҳм мавзуида хулоса қиладиган бўлсак, осон ва енгил амаллар билан бўлса-да, силаи раҳмни ўрнатган киши оятларда қораланган кимсалар қаторига кирмайди. Бироқ зиммасига вожиб бўлган, ўзи қодир бўлган силаи раҳмни тўлиқ амалга оширмаса, у динимиз талаб қилган амални адо этган бўлмайди, балки оят-ҳадисларда огоҳлантирилган кишилар тоифасига кириб қолади.

“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” калимасини кўп айтиш

Аллоҳ таолони кўп зикр қилган одамнинг қалбида беҳуда гапларга, сўқинишларга, кишининг обрўсини тўкадиган ҳолатларга, дунё ва унинг матоҳларига, турли кўнгилхушликлару инсонни чалғитувчи маишатларга жой қолмайди. Аллоҳ таолони кўп зикр қилган одам қалбини Аллоҳ таоло муҳаббатидан бошқа нарса эгаллаб ололмайди. Аллоҳ таолони кўп ёдлайдиган инсоннинг оиласида ҳар хил жанжалларга ҳам ўрин қолмайди. У доим Аллоҳ таолодан оиласига, халқига, миллатига ва Ватанига тинчлик-хотиржамлик сўраб, дуо қилади. Зикрнинг фазилати жуда кўп. Улардан бири – киши қийинчиликка тушиб қолганида Аллоҳни зикр қилса ва ундан қутулишни сўраб, дуо қилса, Аллоҳ таоло уни халос этади.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга: “Эй Али, қийин аҳволга тушиб қолганида айтиладиган калималарни ўргатайми?” дедилар. “Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, ўргатинг”, дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар қийин аҳволга тушиб қолсанг,

“Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил азим”, деб айт. Чунки Аллоҳ мана шу дуо билан хоҳлаганича, турли балолардан халос қилади», дедилар (Ибн Сунний).

Аллоҳ таолони кўп ёдлаш кишига фақат фойда келтиради. Аллоҳ таолони ёдлаш қийинчилик ҳолатларида сабр қилишга, кенгчилик ҳолатларида ҳаддидан ошмасликка ва ҳар қандай вақтда ҳам ақл билан иш тутишга ундайди. Кўпинча инсон бирор-бир машаққатга ёки қийинчиликка учраганида нима қиларини билмай қолади. Мана шундай ҳолатда Аллоҳ таолони ёд этиш ҳамма нарсадан кўра кўпроқ фойда беради.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ﴿٤١﴾ وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٤٢﴾﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинг ва эр-таю кеч Унга тасбеҳ айтинг!» (Аҳзоб, 42–41).

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада имонли бандаларга Ўзини эр-таю кеч ёд этишлари лозимлигини айтмоқда. Мен Аллоҳ таолога имон келтирдим, деган киши ҳар жойда доимо Аллоҳ таолони ёдидан чиқармаслиги лозим.

Аллоҳни зикр қилиш мўмин бандани олий мақомларга эриштиради, дунёда яшашдан мақсадини унутмасликка, халқи, ватани, миллатига ва динига холис хизмат қиладиган ҳақиқий халқсевар инсон бўлиб етишишига сабабчи бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾ الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٣﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٤﴾﴾

«Мўминлар Аллоҳ (номи) зикр этилганида дилларида кўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиладиган, намозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир. Айнан ўшалар ҳақиқий мўминдир. Улар учун

Парвардигорлари ҳузурида даражалар, мағфират ва фаровон ризқ (бордир)» (Анфол, 4–2).

Бу ояти каримада мўминларнинг бир неча сифатлари зикр қилинган. Аллоҳ таоло зикр қилинганда қалblари титраб, Унинг азобидан қўрққан инсон комил мўмин бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَاذْكُرُونِي أَذْكَرُكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ﴾

«Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман. Менга шукр қилинг, ношукрчилик қилманг!» (Бақара, 152).

Яъни: Мени гуноҳларингизга тавба қилиш, ҳожатларингизни сўраш, ихлос-эътиқод, илтижо ва муножот билан ёд этинг, Мен сизларни кечирингиз, ҳожатбарорлик, нажот, ижобат ила ёд этурман.

Бу оятда ёд этиш “зикр” лафзи билан келган. Зикр эса, тил билан ва дил билан бўлади.

Ушбу оят ўзи қисқа бўлишига қарамай, олам-олам маъноларни қамраб олган.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَنْ ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى﴾

«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз» (Тоҳа, 124).

Қайси бир инсон Аллоҳ таолони унутса, Уни ёд этмаса, ўзига зулм қилган бўлади. Аввало, ундай одам бу дунёда қийинчиликда ҳаёт кечиради. Молу дунё, айшу ишрат ичида кўмилиб ётса ҳам, унга оздай кўринаверади. Улардан ажраб қолишдан қўрқаверади. Имонсизлиги туфайли кетма-кет муаммолар келиб чиқаверади.

Инсон гуноҳлари ўчирилиши учун ҳар қандай оғир ишни қилишга ҳам тайёр. Аммо бунинг жуда осон йўли бор. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бир кунда юз марта “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи” деса, унинг хатолари ҳатто денгиз кўпикларича бўлса ҳам, ўчирилади”, деганлар.

Инсон бу дунёда яхши амаллар қилиб, барча хато ва камчиликларининг кечирилишини умид қилади. Шу мақсадга етишиш учун юқоридаги жуда осон ишни ўзига кундалик вазифа қилиб олиши керак.

1. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ”ни кўп айтишни васият қилганлар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай марҳамат қилдилар: «“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” сўзини кўп айтишлар, чунки у жаннат хазиналаридандир».

Инсон бу дунёда машаққатларга бардош бериб, фарзандлари чиройли, тўкинликда яшаши учун ҳаракат қилади. Мол-дунё йиғиш илинжида кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлайди. Лекин кўп ҳолларда охиратга захира қилишни унутиб қўяди. Охират саодатини қандай қўлга киритишимиз мумкинлигини Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) қисқа лафзлар билан ўргатмоқдалар.

2. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” жаннат эшикларидан биридир.

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сени жаннат эшикларидан бир эшикка далолат қилайинми?” дедилар. Муоз ибн Жабал: “Ҳа, у нима?” деб сўради. Пайғамбар (алайҳиссалом): «“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”дир», дедилар.

Қайс ибн Саъд ибн Убода (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Отаси уни Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хизмат қилиш учун топширди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менинг олдимдан ўтдилар. Намозни ўқиб бўлган эдим. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени оёқлари билан туртиб: “Сени жаннат эшикларидан бирига далолат қилайми?” дедилар. “Ҳа”, дедим. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”, дедилар.

Демак, “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” жаннат эшикларидан бири экан. Ўша эшикка етишиш учун ушбу калимани кўп айтиб юриш керак. Қиёмат куни инсонлар ҳаётлик чоғларида қилган яхши амаллари билан мартабаларига қараб жаннатнинг турли эшикларидан чақирилади. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” калимасини кўп айтиб юрган инсон жаннатнинг ана шу эшигидан чақирилади.

3. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” жаннат хазиналаридан биридир.

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбар (алайҳиссалом) унга “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни айт, чунки у жаннат хазиналаридандир”, деганлар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)менга: «“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни кўпроқ айт. Албатта, у жаннат хазиналаридан биридир», дедилар (*Имом Термизий*).

Демак, ким жаннат хазиналаридан бирига эга бўлишни истаса, “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни кўпроқ айтиши керак.

Инсон ҳаётлик чоғида қилаётган ҳар бир яхши амалидан жаннатни умид қилади. Жаннатга эришиш йўлида кўплаб машаққатларни енгиб ўтади. Уларни енгишда юқоридаги калимани кўп айтиш ёрдам беради.

4. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” жаннат кўчатларидан биридир.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом): “Жаннат кўчатларини кўпайтиринглар. Чунки унинг суви тотли, тупроғи покизадир. Бас, унинг кўчатларини кўпайтиринглар”, дедилар. “Эй Аллоҳнинг расули, унинг кўчатлари нима?” дейишди. «Аллоҳ хоҳлаган нарса “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”дир», дедилар (*Имом Табароний*).

Инсон бу дунёда бир кўчат экса, кўчати дарахт бўлиб, кўп йиллар инсонларга меваларидан улашади. Унинг савоби эса ўша кўчатни эккан кишига бориб туради. Агар бу ишни, яъни кўчатни жаннатга экса, унданда кўпроқ ажр (савоб)га эга бўлади.

5. Ким “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” деса, Аллоҳ таоло “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биҳи” дейди.

Абу Саид ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилади: Улар Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) бундай деганларига гувоҳ бўлишган: «Ким “Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар” деса, Парвардигор тасдиқ қилиб: “Мендан бошқа Илоҳ йўқ. Мен улуғман”, дейди. Ва қачон банда: “Ла илаҳа илла ҳува ваҳдаҳу”, деса, Аллоҳ таоло: “Фақат Мен илоҳман. Ва Мен Ўзимман”, дейди. Ва банда: “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу”, деса, Аллоҳ таоло: “Бандам тўғри айтди. Фақат Мен Илоҳман. Менинг шеригим йўқ”, дейди. Ва банда: “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳулмулку ва лаҳулҳамду”, деса, Аллоҳ таоло: “Фақат Мен Илоҳман, мулк Меники ва ҳамд Менга хосдир”, дейди. Ва банда: “Ла илаҳа иллаллоҳу ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”, деса, Аллоҳ таоло: “Фақат Мен Илоҳман ва Мендан ўзгада на куч ва на қувват бор”, дейди. Ким шу калималарни касаллик вақтида айтса, вафот этгач, дўзахга тушмайди» (*Имом Термизий ривояти*).

6. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” калимаси гуноҳлар кечирилишига сабаб бўлувчи калималардандир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Ким “Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар ва ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла илаҳа иллаллоҳу ва ла шарика лаҳу ла илаҳа иллаллоҳу лаҳулмулку ва лаҳулҳамду ла илаҳа иллаллоҳу ва ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳи”, деб бирор кун, кеча ёки бирор ойда айтса ва ўша кун, кеча ё ойда вафот этса, гуноҳлари кечирилади».

7. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” калимаси азонда “Ҳайя алас-сола, Ҳайя алал-фалаҳ” калималари айтилганида айтилади.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Қачон муаззин “Аллоҳу акбар”, деганида, сизлардан ҳар бирингиз “Аллоҳу акбар”, десин.

Сўнг “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ”, деганида “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ”, десин.

Сўнг “Ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ”, деганида, “Ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ”, десин.

Сўнг “Ҳайя алас-сола”, деганида “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”, десин.

Сўнг “Ҳайя алал-фалаҳ”, деганида “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”, десин.

Сўнг “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар”, деганида “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар”, десин.

Сўнг “Ла илаҳа иллаллоҳ”, деганида “Ла илаҳа иллаллоҳ”, деб муаззин ортидан қайтарса, жаннатга киради», деганлар (Имом Муслим ва Абу Довуд).

Тўрт мазҳаб уламолари азонда “Ҳайя алас-сола. Ҳайя алал-фалаҳ” калималари айтилганида “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” дейиш мустаҳаблигини таъкидлаган.

8. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” дард ва бало-офатлардан халос бўлиш калимасидир.

Имом Табароний ва Ҳоким Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):«Ким “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни айтса, тўқсон тўққиз дардга даво бўлур. Энг энгили ғамдир», деганлар.

Қийин ҳолга тушганида, бемор бўлганида, бирор нарсадан ажабланиб, кўз тегишидан қўрққанида, бир нарсадан хавотирланганида, уйдан чиқаётганида, кечаси уйғониб кетганида, ҳар намоздан кейин бу дуони айтиш мустаҳабдир. “Ла ҳавла ва ла қуввата

илла биллаҳи” тўқсон тўққиз дардга даводир. У қалбга тушган ғам, андуҳларни даф қилади.

9. “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” бандага берилган неъматни ҳимоя қилиш ҳамда ундаги яхшилик ва фазл давомийлиги боисидир.

Имом Табароний Уқба ибн Омирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимга Аллоҳ неъмат берса-ю, у бу неъматнинг ўзида давомийлигини истаса, “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни кўп айтсин», деганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи” ила мушкуллар ечилишини ва бало-офат даф бўлишини ўз тажрибаларида синаб кўрган.

“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни кўп айтиш камбағалликни ҳам кетказди.

Ибн Абу Дунё Асад ибн Вадододан ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким ҳар куни юз марта “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни айтса, унга фақирлик етмас», деганлар.

“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”ни уламоларимиз қисқа қилиб “ҳавқала” деб атаган. Яъни, “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”нинг сўзларидан баъзи ҳарфларни олиб, “ҳавқала” ҳосил қилинган.

Имом Нававий “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи”нинг маъноси ҳақида Имом Муслим “Саҳиҳ”ига ёзган шарҳида бундай келтиради: “Абул Ҳайсам: ҳавл — ҳаракат маъносидадир. Шунда умумий маъно – Аллоҳнинг хоҳишисиз ҳеч бир ҳаракат ҳам, қувват ҳам йўқ, деб айтган”.

Зикрнинг инсон ҳаётида жуда катта фойдаси бор. Банда қанча кўп зикр қилса, Аллоҳ таолога шунча яқин бўлади. Зикр туфайли Аллоҳ таоло зикр қилувчига бошқа сўровчиларга берадиган неъматларидан кўра афзалини беради. Зикр учун ваъда қилинган неъмат ва фазллар бошқа амалларга ваъда қилинмаган. Қалбда бир қоралик бўлса, уни Аллоҳ таолонинг зикридан бошқа нарса кетказа олмайди. Жаннат ҳовлилари зикр ила бино қилинади ва қачон зокир зикр қилишдан тўхтаса, фаришталар ҳам ҳовлини барпо қилишдан тўхтайдди. Аллоҳ таолони кўп зикр қилувчи банда мунофиқликдан омонда бўлади.

Амаллар ичида зикрнинг ўзига хос лаззати бор. Шунинг учун ҳам зикр мажлислари “жаннат боғлари” деб номланади. Йўлда, ўтирганида ва ётганида зикрни бардавом қилиш банданинг қиёмат кундаги гувоҳлари кўпайишига сабаб бўлади. Банда кенгчилик вақтида Аллоҳ таолони кўп зикр қилса, Аллоҳ таоло унга торчилик вақтида енгиллик беради.

Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтиш

Дунё яратилганидан буён ҳақ билан ноҳақлик ўртасида мужодала бор. Инсонлар ҳақни ноҳақликдан ажратиб олишлари учун Аллоҳ таоло пайғамбарларни юборган.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло мендан аввал юборган ҳар бир пайғамбарнинг фидойи ёрдамчилари ва саҳобалари бўлган. Улар ўз пайғамбарларининг суннاتини ушлаб, айтганига юрган. Улар кетидан кейинги авлод келади. Улар ўзлари қилмайдиган ишларни гапирди. Буюрилмаган ишларни қилишади. Ким уларга қарши қўли билан курашса, у мўминдир! Ким уларга қарши тили билан курашса, у мўминдир! Ким уларга қарши дили билан курашса, у мўминдир! Бундан кейин хардал уруғичалик ҳам имон йўқ!” дея, (*Имом Муслим ривояти*) аввалги ҳақ фидойилари ҳамда кейинги умматларнинг ҳолатларини баён қилганлар.

Ҳар бир мусулмон яхши-ёмонни фарқлаши ва ёмонликдан сақланиши, унинг олдини олиши вожибдир. Қалбида яхшини яхши, ёмонни ёмон деб билмаган кимсадан яхшилик кутилмайди. Киши имкон қадар ноҳақликнинг олдини олиши, уни ўзгартириши лозим. Ҳақиқий мўминлар қурблари етганича қўл, тил ва дил билан ноҳақликка қарши курашади.

Мусулмон киши ўзи тоқат қила оладиган моддий-маънавий зарар-азиятлардан, одамларнинг маломат қилишлари, яккалаб қўйишлари ва масхараларидан чўчимай, қаршисидаги банданинг обрў-эътибори, мансаби ёки бойлигидан саросимага тушмай, ҳикмат билан муносиб сўзларни топиб, ўрни келганида ҳақ сўзни айтиши керак.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хутбаларида бундай дедилар: “Ёдда тутинглар! Одамларнинг ҳайбати ҳақни билган кишини ҳақни айтишдан тўсмасин!”

Бу ҳадис ровийси Абу Саид (розияллоҳу анҳу) йиғлаб: “Биз қанча нарсаларни кўриб, гапиришга ботинолмадик!” деган экан.

Аллоҳ таоло тақдир этиб қўйган фойда ёхуд зиёндан ўзга ҳеч нарса содир бўлмаслигини ва киши бошига тушадиган ҳар бир иш аввалдан белгилаб қўйилганини ҳаммамиз билишимиз, бировларнинг маломатидан чўчиб ўтирмай, ҳақни сўзлашимиз лозим. Мўмин ўлимдан қўрқиб ёки узоқроқ яшашдан умидвор бўлиб, орқага чекинишни эмас, аксинча, шижоат ва баҳодирлик мақомида мустаҳкам туришни ўйлаши керак. У ўзи тиловат қиладиган мана бу оятга чин дилдан имон келтирганини исбот қилиши зарур:

﴿قُلْ لَنْ يُصِيبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ﴾

«Айтинг: “Бизга Аллоҳнинг ёзиб қўйганидан ўзга нарса етмайди. У Хожамиздир. Мўминлар Аллоҳга таваккул этсинлар!”» (Тавба, 51).

Имом Аҳмад “Муснад”ида қуйидаги ривоятни келтиради: “Ҳақнинг айтилиши ёки улкан нарсанинг зикр этилиши билан ажал яқинлашиб ҳам қолмайди, ризқ узоқлашиб ҳам кетмайди!”

Бу дунёда инсон ҳақ сўзни ўз ўрнида айтмай, бошқаларнинг маломатидан сақланиб қолиши мумкин. Лекин охиратда Аллоҳ таолонинг маломатидан қутулолмайди.

Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга:

– Ҳеч ким ўзини камситмасин! – дедилар.

– Ё Расулуллоҳ, қандай қилиб биз ўзимизни камситишимиз мумкин? – дейишди саҳобалар.

– Сизлардан бирингиз Аллоҳнинг кўрсатмаларини бажаришда ноҳақликни кўриб, уни ўзгартириш учун гапирмаса, Аллоҳ таоло ундан: “Фалон-фалон ўринда сени гапиришдан нима тўсди?” деб сўрайди. “Одамлардан қўрқдим”, дейди у. Аллоҳ таоло унга маломат қилиб: “Сен Мендан қўрқшинг керак эди!” дейди.

Уламолар ушбу ҳадисни қуйидагича шарҳлайди: “Бу ерда қуруқ қўрқув-ваҳима назарда тутилган. Чунки мусулмон киши инсон тоқат қила олмайдиган молиявий ёхуд маънавий зарар туфайли ёмонликни инкор қилолмаса, узрли саналади”.

Дарҳақиқат, инсон ноҳақликнинг олдини олишга қодир бўлса ҳам, айни ноҳақликдан каттароқ ёмонлик келиб чиқишидан қўрқ-

са, “Икки зарарнинг енгилроғи танланади” деган аслий қоидага биноан, зиммасидан вожиб соқит бўлади. Лекин бунинг ортидан келадиган ёмонлик киши наздида аниқ бўлиши шарт. Арзимас гап-сўзлар ёки турли ваҳима-васвасалар вожибни тарк қилишга сабаб бўлолмайди. Ўз назарида деярли аниқ бўлган улкан зараргина шаръий узр ўрнига ўтади. Бу ҳолатда ўзи ёки молига нисбатан унинг бардоши етмайдиган даражада зарар тегишидан хавф бўлгани учун ожиз саналади. Лекин инсон тили билан айта олмаган ҳақиқатни дили билан тасдиқлаб, зиммасидаги масъулиятдан қутулиши керак. Яъни, ноҳақликни ҳеч бўлмаганда дилдан ёмон кўриши лозим. Ноҳақликни дилдан ёмон кўрмаслиги унинг ўша ноҳақлик тарафида эканини билдиради. Шу сабабли, ноҳақликни ҳеч бўлмаса қалбдан ёмон кўриш ҳар бир кишининг зиммасидаги фарз ҳисобланади.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қай бирингиз бирон ёмон ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Бунга кучи етмаса, тили билан ўзгартирсин. Агар бунга қодир бўлмаса, дили билан ўзгартирсин. Буниси эса имоннинг энг заифидир”, деганлар.

Бирон ноҳақликни мусулмонларнинг бир жамоаси кўрса ёхуд эшитса, уни инкор этиш уларга бирдек вожиб бўлади. Агар улардан бир киши шу ишни амалга ошириб, ҳақиқатни айтса, қолганлар устидан масъулият соқит бўлади. Аммо ушбу ноҳақликнинг олдини олиш ёки ўзгартиришга уларнинг ҳеч бири ҳеч қандай сабабсиз эътибор бермаса, барчалари бирдек гуноҳкор бўлади.

Агар ҳақиқатлар айтилиб, ёмон ишлар олди олинмаса, ер юзида фасод-бузгунчилик авж олиб, зулм тантана қилади. Яхшилар хор, ёмонлар азиз бўлади. Фазилату эзгулик барҳам топиб, жабру разолат кенг қулоч ёяди. Оқибатда ҳаммининг устига Аллоҳ таолонинг ғазаби келади! Аллоҳ таоло бу хусусда бундай огоҳлантиради:

﴿لُعِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴿٧٨﴾ كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ ﴿٧٩﴾﴾

«Исроил авлодидан кофир бўлганлар Довуд ва Исо ибн Марям тили билан лаънатланди. Бунга итоатсизликлари ва тажовузкор бўлишлари сабаб (бўлди). (Яна улар) қилиб юрган

мункар (ношаръий) ишлардан бир-бирларини қайтармас эди. Қилиб юрган ишлари нақадар ёмон!» (Моида, 78–79).

Ушбу мавзунини лўнда ва мукаммал ёритиб берадиган мана бу ажойиб масалага эътибор қаратинг. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Аллоҳнинг қайтарганларидан қайтувчига ва қайтмайдиган кишилар мисоли кемага чиққан қавмга ўхшатилади. Уларнинг баъзилари кеманинг юқори қисмига, баъзилари эса пастки қисмига жойлашишган. Кеманинг пастки қисмидагилар сув ичмоқчи бўлса, юқоридагиларнинг олдидан ўтар эди. Шунда пастдагилар агар ўзимизга шу ердан тешик тешиб олсак, юқоридагиларга азият бермас эдик, дейишди... Шу вазиятда агар тепадагилар пастдагиларни кеманинг тагини тешишларига эътиборсиз бўлишса, барчалари ҳалок бўлади. Ва агар уларни бу ишдан қайтаришса, барчалари нажот топади”.

Кўплар ноҳақликка қарши турмасликларини турли баҳоналар билан оқлашга уринади. Улар ўзларича Моида сурасининг 105-оятини ҳужжат сифатида келтиришади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْفُسَكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَن ضَلَّ إِذَا اهْتَدَيْتُمْ﴾

«Эй имон келтирганлар! Ўзингизга қарангиз. Модомики ҳидоят топган экансиз, адашганларнинг сизларга зарари йўқ...» (Моида, 105).

Аслида, тўғри фаҳмланса, ушбу оят ноҳақликни инкор қилишга буюраётгани аён бўлади. Ушбу оятнинг тафсири борасида Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) бундай деган: «Эй одамлар, сизлар ушбу оятни ўқиб, уни нотўғри талқин қиласизлар. Биз Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги сўзларини эшитганмиз: “Одамлар золимни кўриб туриб, унинг қўлидан тутмаса, Аллоҳ тало ҳаммаларини азобга гирифтор қилишига сал қолади!”»

“Саҳиҳи Муслим” шарҳида Имом Нававий ёзади: «Муҳаққиқ олимлар наздида, ушбу оятнинг тўғри маъноси қуйидагича: Модомики сизлар ўз устларингиздаги вазифани адо этаркансизлар, ўзгаларнинг камчиликлари сизларга зарар бермайди. Бу эса Аллоҳ таолонинг: **«Ҳеч бир кўтарувчи ўзга жоннинг юкини (яъни, гуноҳини) кўтармайди»** (Исро, 15) деган сўзига мувофиқдир».

Киши ҳақиқат қабул қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъи назар, уни айтиши лозим. Олимлар, шунда инсон ўз зиммасидаги вожибни адо этган бўлади, дейди. Чунки ундан ҳақиқатни қабул қилдириш эмас, фақат етказиб қўйиш талаб этилган.

Ҳаддан ошган қавм Аллоҳ таоло ман этган шанба кунида балиқ овларди. Золим қавм насиҳатга қулоқ солмаслигини билса-да, солиҳ инсонлар уларга насиҳат қилди. «Улардан бир гуруҳи: “Нима учун Аллоҳ ҳалок этмоқчи бўлган қавмга насиҳат қилишми?” деганида, (насиҳатгўйлар): «**“Раббингизга (“Айтдик, лекин итоат қилишмади”, деб) узр айтишар ва тақво қилишар деган умидда (насиҳат қилдик)”**, дедилар» (Аъроф, 164).

Убода бин Сомит (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилган байъатини қуйидагича ривоят қилади: “Биз Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қийинчилик ва енгилликда ҳам, яхши ёки ёмон ҳолимизда ҳам эшитиб, итоат этишга ва ўзимиздан у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ортиқ кўришга ва бир ишнинг аҳлида очиқ куфрни кўриб, бунга Аллоҳ таолодан ҳузуримизда ҳужжат бўлмаса, улар билан талашмасликка ва қаерда бўлсак-да, ҳақни айтиб, Аллоҳ йўлида маълумат қилувчининг маломатидан қўрқмасликка ваъда бердик”.

Ушбу ҳадисда ҳақиқатни айтиш барчамизнинг зиммамиздаги масъулият экани очиқ баён этилган. Бироқ ҳақиқат ҳар доим ҳам, ҳар жойда ҳам айтилмаслигини билишимиз керак. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишдан эҳтиёт бўлишимиз лозим.

Ҳақиқатни ҳикмат билан етказиш киши ақл-идроки ва фаросатининг юксаклигини билдиради. Айтилаётган ҳақиқатнинг даражасига қараб, у юмшоқ ёки қаттиқроқ тарзда етказилади. Яъни, қайси услуб кўзланган мақсадга тезроқ ва яхшироқ етказса, ўша йўл маъқул топилади. Аллоҳ таоло биз бандаларига ҳақиқатни ҳикмат ва чиройли насиҳат билан етказишни буюрган. Наҳл сура-сининг 125-оятда бундай марҳамат қилинади:

﴿ ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَدِلْ لَهُم بِآيَاتِنَا هِيَ أَحْسَنُ ﴾

«(Эй Муҳаммад!) **Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг. Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!..» (Наҳл, 125).**

Кўзланган мақсадни аниқ ифодаладиган, тингловчиларнинг қулоқларидан кириб бориб, қалбларига ўрнашадиган тушунарли ва чиройли сўзлардан фойдаланиб насиҳат қилиш ҳамда насиҳат қилинаётган одамнинг ижтимоий, маданий савияси ва бошқа омилларни эътиборга олиш айна ҳикматдандир. Зеро, одамлар ҳикмат ва чиройли мавъиза билан насиҳат қилувчи кишининг сўзига кўпроқ қулоқ солади.

Инсон кўриниб турган ноҳақликнигина тузатишга масъулдир. Яъни, гумон қилинган ёмонлик хусусида жосуслик қилмайди. Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бировларнинг яширин айбларини атай қидириб юриб, одамлар ўртасида ошқор қилишдан қайтарганлар. Балки мана шу иш билан шуғулланиб юрадиган одамларнинг ўзларини Аллоҳ таоло қиёмат кунида бутун инсонлар олдида шарманда қилишини айтганлар. Абдуллоҳ ибн Масъудга (розияллоҳу анҳу) “Фалончининг соқолидан ароқ томчилайди!” дейишганида, “Аллоҳ таоло бизни гап ташишдан қайтарган!” деди.

Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасдан, ҳақиқатни айтиш, албатта, қийин. Бунга инсондан бақувват имон ва юксак ирода талаб қилинади. Етадиган озгина азиятни деб, ҳақиқатни тарк қиладиган бўлсак, жамиятда кўплаб ноҳақликларнинг вужудга келишига сабаб бўлиб қолишимиз мумкин.

Бугунги кунда баъзи ёшларимизнинг диний эътиқодда бошқа оқимларга кириб қолаётгани ёки ахлоқий меъёрларда миллийлигимизга ёт бўлган маданиятларга ўзларини ураётгани, эҳтимол, мана шу сабабдандир. Уларга динимизнинг асл моҳияти ва ҳақиқатини ўз вақтида тўғри етказа олсак ҳамда миллий урф-одатларимизни намуна сифатида чиройли кўрсата олсак, кўплаб ноҳушликларнинг олдини олган бўламиз. Албатта, ушбу вазифани амалга оширишда диёримиз масжидларида фаолият юритаётган имомларимизнинг ўрни беқиёсдир.

Ушбу фикрларимизнинг тасдиғи сифатида муҳтарам Юртбошимизнинг имом-хатибларга билдирган юксак ишончларини яна бир бор эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Президентимиз 2010 йил 3 сентябр куни Имом Бухорий халқаро марказига ташриф буюриб, тингловчилар билан самимий суҳбат ўтказдилар. Республикаимизнинг барча вилоятларидан келган ва бу ерда малага ошираётган имом-хатиблар билан учрашиб турганларидан ғоятда мамнун эканларини билдириб, жумладан, бундай дедилар:

“Биламиз, сиз имомлар ҳар доим халқ ичида бўлиб, буюк ажр додларимизнинг бой илмий ва маънавий меросларини, муборак Исломи динимизнинг асл мазмун-моҳиятини, Қуръони каримдаги юксак ғояларни, айниқса, ақидавий масалаларни чин маънода кенг халқ оммаси онги ва қалбига тўғри ҳолда етказадиган, уларни ҳидоят йўлларига бошлайдиган масъул кишиларсиз. Бу хизматингизни халқимиз чексиз қадрлайди”.

Юртбошимиз имомлар билан суҳбатни давом эттириб, уларнинг асосий вазифаларидан бири турли адашган, бузғунчи оқимларга қарши кураш эканини таъкидладилар: “Сизларнинг яна бир муҳим вазифангиз шуки, динни ниқоб қилиб олиб, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринаётган ғаламис кимсалар жаҳолатига қарши маърифат билан курашишдир. Фурсатдан фойдаланиб, мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқимда айтган бир фикрни яна такрор айтмоқчиман: “Бу гўзал, Аллоҳнинг назари тушган муқаддас Ватанимиз барчамизники, бинобарин, унинг ташвишлари ҳам, қувончлари ҳам барчамизники бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан, бу масалани халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига ва онгига сингдиришда сиз имомларнинг ўрнингиз алоҳида деб ҳисоблайман ва умид қиламанки, Марказдаги ўқувларингизни муваффақиятли якунлаб, янги куч-қувват, янги билимлар билан мана шу масалаларни самарали ҳал қилишда муносиб ҳиссангизни қўшасиз...”

Дарҳақиқат, асл Ислом таълимотидан анчагина йироқлашган турли оқимлар кечани кеча, кундузни кундуз демай, кимларнингдир ноғорасига ўйнаб, юртимиз тинчлигига рахна солиб турибди. Ёшларимизни йўлдан оздириб, ҳаётдан бевақт кетишларига, боз устига ота-она ва яқинларига “Ватан хоинининг отаси ёки онаси” деган иснодни “мерос” қилиб кетмоқдалар. Уларни тўғри йўлга чақириш, ҳидоятга чорлаш, залолатдан қайтаришда ҳам, аввало, ҳақгўйлик ва жасорат керак бўлади.

Муҳтарам Президентимиз барча тингловчиларни Ватанни севишга, уни ардоқлашга, тинчлигимиз бардавом бўлишига ҳисса қўшишга чақириб: “Шу азиз Ватан, муқаддас замин барчамизники. Бинобарин, шу мамлакатда тинчлик, хотиржамлик, халқимизнинг фаровонлиги йўлида барчамиз қўлни-қўлга бериб, масъулият ҳисси билан тинмай меҳнат қилишимиз зарур. Бизнинг мустақил давлатимиз учун мана шу масалаларнинг амалга оширилишида барча халқимизнинг бирлиги, ҳаракати, айниқса, ҳозирги давримиз учун, жамиятимиз учун муҳим бўлган замонавий билимларни эгаллаётган сиз имом-хатибларнинг ҳиссангиз салмоқли бўлишига ишонаман”, деб сўзларини якунладилар.

Бу илҳомбахш сўзлар биз – дин ходимларини янада улкан зафарлар сари руҳлантиради. Президентимизни имом-хатибларга билдирган ишончларини бутун дин аҳлига юксак ишонч, деб биламиз. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчликсевар эли-

мизга Ислом динининг асл эзгу моҳиятини сингдириш йўлида, иншааллох, фидокорона хизмат қиламиз.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳақиқат аччиқ, уни айтиш жуда мушкул, бироқ огоҳлик – муқаддас бурч. Шундай экан, бир-биримизнинг хатоларимизни тўғрилаш, ҳаёт кўчаларидан адашиб қолган биродаримизга тўғри йўлни кўрсатиш барчамизнинг вазифамиздир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Мўмин мўминнинг кўзгусидир”, деб марҳамат қилганлар. Ушбу сўзлари билан у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминлар бир-бирларида кўрган камчилик ва хатоларини ўз вақтида тузатиб, тўғрилаб туришлари зарурлигига урғу берганлар.

Одамлардан бирор нарса сўрамаслик

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васиятларининг ушбу қисмида Абу Заррға (розияллоҳу анҳу) ҳар бир мўмин ҳожатларини фақат Аллоҳ таолодан сўрашини тавсия қилганлар. Ҳақиқий мўмин ҳеч қачон Ундан ўзгага суянмайди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васиятларининг яна бирида бундай марҳамат қилинади: Исмоил ибн Муҳаммад ибн Саъд ибн Абу Ваққос отасидан, у бобосидан (розияллоҳу анҳум) ривоят қилади: Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Эй Расулуллоҳ! Менга васият қилинг”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонларнинг қўлига қарама. Бу бойлиқдир. Тамадан сақлан. У фақирлиқдир. Намозингни худди видолашаётган одамдек ўқи. Узр сўраладиган нарсалардан сақлан”, дедилар.

Доно халқимиз ҳам ҳадисларда келган маъноларни чуқур англаган ҳолда, “Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши” ёки “Бировнинг ёғли нонидан ўзининг зоғоранг яхши” каби мақоллари воситасида тамахўрлик ва бировларнинг қўлига қарам бўлиб қолишдан огоҳлантирган.

Ўз қадрини билган инсонлар бошқалардан асло умидвор бўлмайди. Улар Аллоҳ таоло буюрганидек, барча ҳожатларини Парвардигордан сўрайди. Аллоҳ таоло: **“Аллоҳнинг фазлидан сўранг”** (*Нисо*, 32), деб марҳамат қилган. Дуосининг қабул қилинишига ишониб, ўтиниб сўраса, Аллоҳ таоло, шубҳасиз, ижобат қилади. Ҳожатларни Аллоҳ таолодан сўраш бандаликнинг асосидир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан сўранг. Зеро, Аллоҳ Ундан сўрашларини хуш кўради”, деганлар (*Имом Термизий ривояти*).

Гоҳида баъзи одамлардан: “Худони тинч кўйсанг-чи, арзимас нарсалар учун ҳам безовта қилаверасанми”, деган бемаъни сўзларни эшитиб қоламиз. Бу нотўғри тушунча. Бирор нарсанинг арзирли ёки арзимас бўлиши бизнинг қарашимизга кўрадир. Аллоҳ таолога нисбатан эҳтиёжларимиз катта-кичик бўлишининг эътибори йўқ. Зеро, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек: “Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло учун (бандасига) инъом этган ҳеч нарсаси улкан туюлмади” (*Имом Термизий ривояти*). Ҳақиқатда, битмас-туганмас хазиналар Эгаси Ҳақ таоло ҳеч қачон бандаларининг сўрови ва илинжидан малолланмайди. Шу сабабли ҳам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таоло дуоилтижо қилмай кўйган бандасидан ғазабланишини айтиб: “Ким Аллоҳдан сўрамаса, Аллоҳ унга ғазаб қилади. Ҳар бирингиз барча ҳожатини, ҳатто оёқ кийимининг узилиб кетган боғичини ҳам Парвардигоридан сўрасин!” деганлар.

Агар банда ўзининг бирорта дунёвий ҳожатини сўраб дуо қилса, Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат этади ёки сўраганидан ҳам яхшироқ ўзга бир неъмат беради. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг унга кўрсатган фазлу марҳаматидан ҳисобланади.

Энди ўйлаб кўрайлик, наҳот шунча таъкиддан кейин ҳам бировларга нарса беришдан оғринадиган ва илтимосларни малол оладиган ожиз инсондан умидвор бўлсак?! Шоирлардан бири айтганидек:

*Ожиз бандалардан умидвор бўлманг,
Сўранг, саховати чекланмас Зотдан.
Аллоҳ ғазаб қилур сўрамай кўйсак,
Инсонлар дарғазаб илтимос қилсанг.*

Улуғларимиз Аллоҳ таолодан ўзгадан мадад тилаш, ўзгалар ёрдамига кўз тикиш заифлик ва хорлик белгисидир, деб билган. Чунки одамлардан бирон нарса сўрасангиз, бериш-бермасликлари даргумон. Агар берсалар, миннат қилишади. Рад этсалар, сизга хўрлик ва хорлик етказишади. Чўзилган кўлнинг силтаб ташланиши нафсга нафрат олиб киради. Кўнгил ойнасини синдиради. Шу боис, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баъзи саҳобалардан байъат қабул қилаётганларида ҳеч қачон одамлар-

дан сўрамаслик хусусида аҳд-паймон олганлар. Абу Бакр Сиддик, Абу Зарр Ғифорий, Савбон ва Авф ибн Молик (розияллоҳу анҳум) ана шундай байъат берганлар сафида эди. Улар қамчилари ёхуд туяларининг жилови ерга тушиб кетса ҳам, ўзлари тушиб оларди. Бировлардан илтимос қилмасдилар.

Ёрдам сўраб қўл чўзган киши ўзининг ожизлигини, муҳтожлигини ҳолати билан эътироф этиб турган бўлади. Айни муҳтожлик инсонда фақат ва фақат Аллоҳ таолога нисбатан бўлиши керак. Зеро, мадад тилаш ибодат моҳияти саналади. Аслида, ёрдам сўралувчи фойда етказиш ва зарарни даф этишга ҳамда сўровчининг мақсадини рўёбга чиқаришга қодир бўлмоғи шарт. Бунга фақат Аллоҳ таоло қодирдир. Ўзи ёрдамга муҳтож бўлган инсондан умидвор бўлиш оқиллар иши эмас. Дунёда инсон ўзига ўхшаган оддий бир инсоннинг қўлига қарам бўлишидан, унинг ҳузуридаги мавжуд нарсага муҳтож бўлишидан хунуқроқ ҳолат бўлмаса керак.

Албатта, бу ўринда моддий жиҳатдан имкониятли бўлган одамлар ёрдамларига муҳтож бўлиб турган инсонларни қуруқ қайтармасликлари лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз. Инсон бошида ҳар хил кунлар бор. Шундай кунлар бўлади, бир оғиз ширин сўзга ёки тасалли берувчи ҳамдардга муҳтожлик сезади. Гоҳида эса, молиявий жиҳатдан қийналиб қолади. У ейишичиш, бошпана, даволаниш каби асосий эҳтиёжларини қондириш учун дўстлари ёрдамига муҳтож бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам у атрофидаги кишиларга кўз тикади ва мана шу одам менга ёрдам беришга қодир, деб ўйлаган кишисининг ҳузурига йўл олади... Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёрдам сўраб келган кишини қуруқ қайтармасликни қаттиқ таъкидлаганлар. Аллоҳ таоло йўлида қарз бериш ва муҳтожларга ёрдам кўрсатишнинг фазли борасида кўплаб оят ва ҳадислар келган. Муҳтож учун берилган қарз зоҳиран унга берилган бўлса-да, лекин Аллоҳ таоло унга гўё Ўзи учун олган қарздек эътибор қилган ва бунинг эвазига бир неча баробар қилиб қайтариш ваъдасини берган. Нафсининг бахиллигини енгган кишиларни “нажот топувчилар” деб сифатлаган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бир мўминнинг битта дунёвий ташвишини аритса, Аллоҳ таоло унинг қиёмат кундаги ташвишларидан бирини аритади. Ким қийналган кишига енгиллик келтирса, Аллоҳ таоло унга дунё ва охирада енгиллик беради.

Модомики банда биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ таоло унинг ёрдамида бўлади”, дея марҳамат қилганлар.

Динимизда инсонларга яхшилик қилишга ва саховат кўрса-тишга шунчалик тарғиблар бўлса-да, ичимизда нафсининг ба-хиллигини енга олмаган ҳамда охиратдаги мукофотдан бу дунё-даги “нақд” ини афзал кўрган кишилар учраб туради. Халқимизда “Қишда қор сўрасанг бермайди” каби мақоллар бежизга айтил-маган. Ҳаётда шундай инсонларга дуч келасиз, бахиллик, мумсик-лик ва қизғанчиқлик уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Улардан бирор нарса сўраб хижил бўлишдан кўра муҳтожлик афзал.

Шунинг учун ҳам барча эҳтиёжлар бахилликдан сахийликни устун қилиб қўйган Қодир Зотдан сўралади. Зеро, биз доим кат-таю кичик муаммолар қаршисида кўмакка муҳтожмиз. Ушбу эҳти-ёжларимизни эса, Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким қондира олмайди.

Аллоҳ таолодан бирор эҳтиёжимизни сўрасак, дуо қилиб сўраймиз. Дуоларимиз қабул бўлишига умид қиламиз, сўраган-ларимиз тезроқ амалга ошишига ошиқамиз. Истагимиз амалга ошса, ниҳоятда шодон бўламиз. Лекин хоҳишимиз озгина кечикса ёки рўёбга чиқмаса, жазавага тушиб, шикоят бошлаймиз. Аслида, бу ожизлигимиздан ва шошқалоқ эканимиздан ҳамда Аллоҳ тао-лонинг ҳикматини ва биз учун нима яхши-ю, нима ёмонлигини билмаганимиздан. **“Сиздан (эй Муҳаммад!) бандаларим Ме-нинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман”** (Бақара, 186) мазмунли ояти каримани, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимга дуо қилиш неъматини берилган бўлса, ижобат ҳам берилибди. Чунки Аллоҳ таоло айтади: “Менга дуо қилинглар, сиз-лар учун ижобат этаман»» (Имом Табароний ривояти) деганларини ўқиймиз-да, ўзимизча “Нима учун Аллоҳ таоло менинг дуоимни ижобат қилмаяпти”, деб ўйлаймиз. Қалбимизга мана шундай хаёл оралаганида, камчиликни ўзимиздан қидирайлик ва ўзимизга савол берайлик. Сўраш одобларига риоя қиляпмизми? Дуолари-миз тил учидан бўлмасдан, қалбдан чиқяптими? Сабр-матонат би-лан сўраяпмизми? Балки сўраётганимиз берилмаётгани биз учун яхшироқдир?! Шу каби саволларга жавоб ўрнида қуйидагиларни айтиш лозим деб ўйлаймиз.

Фазилатли вақтларни ғанимат билиш, таҳорат ва намоздан ке-йин тавба-тазарру билан дуо қилиш, қиблага юзланиб, икки қўлни кўтариш, дуо аввалида Аллоҳ таолога ҳамду сано, Расулulloҳга

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавотлар айтиш, фақат ўз ғамини емасдан, барча мўминларни дуо қилиш ҳамда Аллоҳ таолодан ижобатини умид қилиш дуо одобларидан ҳисобланади.

Ушбу дуо одобларига риоя этган ҳолда, дуо қилишдаги шартларга ҳам амал қилиш зарур бўлади.

1. Дуоси қабул бўлишига қаттиқ ишониб, қалбдан дуо қилиш. Инсон амалга оширмоқчи бўлган ишига нисбатан умиди бўлмаса ёки ўша ишга сидқидилдан ҳаракат қилмаса, уринмагани маъқул. Чунки умидсизлик ва лоқайдлик билан ёндашилган ишнинг амалга ошишидан кўра ошмаслиги кўпроқ аниқ бўлади. Дуода ҳам ушбу жиҳатларга эътибор қилиш муҳим ўринда туради.

Имом Термизий ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ижобат этилишига аниқ ишониб, Аллоҳга дуо қилинлар. Аллоҳ таоло ғофил, парвойи фалак қалбдан чиққан дуони қабул этмайди”, деб марҳамат қилганлар».

2. Қатъий қарор билан дуо қилиш. Инсон дуо қилишда иккиланмасдан, Аллоҳ таолога астойдил дуо қилиши керак. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, хоҳласанг, мени мағфират эт. Ё Аллоҳ, хоҳласанг, менга раҳм қил!” тарзида истиғфор айтиш ва дуо қилишдан қайтарганлар. Ҳадисга мувофиқ чин дилдан, сабот билан дуо қилиш зарур.

3. Дуони тўхтатмасдан қилиш. Аллоҳ таоло бандасининг муттасил дуода бўлиб, муҳтожлигини изҳор қилиб туришини яхши кўради. Ана шунда Аллоҳ таоло банданинг дуосини қабул қилади. Инсон умидини узмасдан, ижобат этилишига ишониб, сабр билан астойдил дуо қилса, бир куни тилагига эришади. Зеро, эшикни тинмасдан қоқиб турган кишига албатта эшик очилади. Аъроф сурасининг 56-оятида бундай марҳамат қилинади:

﴿...وَادْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا إِنَّ رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ﴾

«...Унга (Аллоҳга) ҳам кўрқинч, ҳам умид билан дуо қилингиз! Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир» (Аъроф, 56).

Дарҳол ижобат этилмагани туфайли дуо қилишни ташлаб қўядиган кимсалар ижобат марҳаматидан бутунлай маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Банда ижобатдан умидвор бўлиб дуо қилиши лозим. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сабр-тоқат билан дуо қилувчиларни севади. Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи

ва саллам): «Модомики қай бирингиз шошма-шошарлик қилиб: “Аллоҳга дуо қилувдим, ижобат этмади”, деб айтмаса, унинг дуоси ижобат бўлади», деб марҳамат қилганлар.

4. Ейиш-ичишига эътибор бериш. Дуо ижобат бўлишининг муҳим сабабларидан бири – ҳалолликка ниҳоятда эътибор бериш. Топганининг ҳалол-ҳаромлигига аҳамият бермайдиган кимсаларнинг дуоси ижобат бўлмайди. Қўлларини кўкка чўзиб: “Ё Аллоҳ, Ё Аллоҳ!” деб дуо қилаётган, бироқ егани, ичгани, кийгани ҳаром бўлган ва ҳаром билан озиқланган киши ҳақида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Унинг дуоси қандай ижобат бўлсин?!” деганлар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саъдга буюриб: “Эй Саъд, таомингни ҳалол қил, дуоси мустажоб киши бўласан!” деганлар.

Ушбу келтирилган шартлардан ташқари, дуо қилувчи дуосининг қабул бўлиши ёки қабул бўлмаслигига нисбатан эътиқоди Абу Саид (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилган ривоятдагидек бўлиши айни муддаодир: “Қайси бир мусулмон дуо қилса ва унинг дуосида гуноҳ ёки силаи раҳмни узишга етаклайдиган сўз бўлмаса, Аллоҳ унга қуйидаги учта нарсанинг бирини беради: сўраганини тезда ижобат қилади ё дуосини охиратга захира қилиб қўяди ёки ундан шу баробардаги бир зиённи аритади”, дедилар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Саҳобалар: “У ҳолда биз дуони кўпайтирамиз”, дейишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ янада кўпроқ яхшилик беради”, дедилар.

Қалб Аллоҳ таоло измидадир, Аллоҳ уни Ўзи хоҳлаган тарафга буриб қўяди. Шунинг учун, келинг, ҳақиқий Хожамиз, Берувчимиз, фазлу марҳамати чексиз Аллоҳ таолога илтижо қилайлик. Ҳар бир мушкулот қаршисида фақат У Зотни зикр этиб, қуллик мақомида таваккул этайлик. Аллоҳ таоло: **“...Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга кифоя қилар...”** (Талoқ, 3), дея марҳамат қилган.

Инсон қўлидаги мавжуд неъмат оз бўлса ҳам, шукр ва сабр қилиши лозим. Олдида турган кунлари учун ортиқча ташвишга тушиб, сабрсизлик қилиши ўзи учун зарардир. Чунки бу ҳолат Аллоҳ таолога исён қилишгача олиб бориши мумкин. Мўмин ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз имконияти даражасида ҳаракат қилиб, қолганига Аллоҳ таолога таваккул қилади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларида бундай марҳамат қилдилар: “Агар

Аллоҳга ҳақиқатан таваккул қилсангиз, у эрта билан оч чиқиб, кечқурун тўқ қайтган қушларни ризқлантиргани каби сизларни ҳам ризқлантиради”.

Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний бундай насиҳат қилган: «Эй фарзанд! Одамлардан бирор нарса сўрама, эрта учун озуқа жамлама, чунки Аллоҳ ризқингга кафилдир. Аллоҳ дейди: “Эй Одам фарзанди, мен ҳар куни сенинг ризқингни бераман!” Таваккул қилувчиларга Аллоҳ дейди: **“Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, Аллоҳнинг ўзи унга кифоя қилади”**. Эсингда бўлсин, ризқ Аллоҳ томонидан тақсимлангандир».

Имом Ғаззолий “Мукошафатул қулуб” асарида қуйидаги ибратли воқеани келтиради: Шақиқ Балхий ризқ топиш учун ҳеч ҳаракат қилмас эди. Бир вақт ҳаж сабаб бўлиб у киши Иброҳим Адҳам билан Маккада учрашиб қолди. Иброҳим Адҳам ундан ризқ топиш учун бундай ҳаракат қилмаслигингга сабаб нима, деб сўради. Шақиқ Балхий бунинг сабабини айтиб: “Бир кун чўлда қаноти синган бир қушни кўрдим. У ҳаракат қила олмас, учолмасди. Бирдан оғзида чигиртка билан бир қуш учиб келдию қаноти синиқ қушнинг оғзига чигирткани солди. Бу воқеани кўриб, ўзим-ўзимга дедим: “Бу қаноти синиқ қушни таъминлаган Аллоҳ мени ҳам таъминлагай!” Шундай дедим-да, кечаю кундуз ибодатга банд бўлдим”, деди. Иброҳим Адҳам: «Нечун сен ногирон қушни таъминловчи соғлом қуш бўлмайсан? Ҳаракат қилувчи қуш бўлсанг, янада фазилатли ва яна шарафли бўлардинг! Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Берувчи қўл олувчи қўлдан хайрлироқдир”, деганларини эшитмаганмисан?» деди. Шунда Шақиқ Балхий ўз хатосини англади.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) бошидан ўтган воқеани бундай ривоят қилади: Мен Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир нарса сўраш учун келдим. У зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким сабр кўрсатса, Аллоҳ унга сабр беради. Ким ўзини тийса, Аллоҳ унга иффат беради. Ким беҳожатлик сўраса, Аллоҳ уни беҳожат қилади”, деб гапириб турган ҳолларида топдим. Шунда мен: “Бугундан эътиборан сиздан бирор нарса сўрамайман”, дедим.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалар инсонлар қўлидаги нарсаларга кўз тикувчи, тамагир бўлиб қолишдан сақланишларини ҳамда Умар (розияллоҳу анҳу) назарда тутган таваккул қилувчилардан бўлишларини истар эдилар. Умар

(розияллоҳу анҳу) Яман аҳлидан бўлган бир қавмнинг олдидан ўтатуриб: “Сизлар кимсиз?” деб сўради. Улар: “Биз таваккул қилувчилармиз”, деди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу): “Ёлғон гапир-япсизлар... сизлар таваккул қилувчи эмассизлар... Албатта, ерга уруғ ташлаб, Аллоҳга таваккал қилган киши ҳақиқий таваккалчидир”, деган эди.

Мўмин мол-дунёга қул бўлиб қолишдан сақланиши, Аллоҳ таоло тақсим қилган нарсага рози бўлиши лозим. Зеро, кифоя қиладиган озгина нарса туғёнга кетказадиган кўпдан яхшироқдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Оз бўлиб кифоя қилгани кўп бўлиб банд қилганидан яхшироқдир”, деб марҳамат қилганлар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Бу борада Савбон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Мен: “Ё Расулulloҳ! Дунёдан менга нима кифоя қилади?” дедим. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Очлигингни тўсиб, авратингни ёпадиган нарса. Агар сенга бошпана бўладиган уйинг бўлса, бу мулк. Ва агар уловинг бўлса, қандай яхши”, дедилар. Яъни инсон учун ҳаётда қорни тўядиган даражада таоми, авратини ёпадиган бир сидра кийими ва ўзига муносиб бошпанаси бўлса кифоя қилади. Ушбу ҳадисни саҳобалар тўғри тушуниб етишган. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўринбосари, меросхўри, адолат тимсоли Умар (розияллоҳу анҳу) бир куни суҳбатдошларига: “Сизларга Аллоҳнинг молидан нимага ҳақли бўлганимни айтайми?” деди. “Ҳа”, дейишди. У: “Қишки ва ёзги жилбоб (узун кўйлак), ҳаж ва умра қилишим учун ёрдам берадиган улов. Бундан кейин менинг озуқам Қурайшдан бўлган бир кишининг озуқаси кабидир... мен уларнинг энг юқориси ва энг пасти ҳам эмасман...”, деган.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло инсонларни бир-бирига муҳтож қилиб яратган. Бирида бўлган имконият ёки иқтидор бошқасида йўқ, табиий. Бу дунёнинг мувозанати ҳам мана шу билан барқарор бўлиб туради. Чунки инсоннинг ҳеч кимга муҳтож бўлмаслиги туғёнга кетказиб қўйганидек, ўта муҳтож ҳолда бўлиши умидсизликка дучор қилиб қўяди. Демак, инсон ожиз экан, атрофидаги инсонлар ёрдамига муҳтож бўлади. Ҳаёти давомида олдида турган муаммолар ечимини топишга бир ўзининг моддий ёки маънавий имкониятлари етмайди. Шу сабабли гоҳида шароит уни атрофидаги кишилардан бирор нарса сўрашга мажбур қилади. Ушбу ҳолатда аввал вазиятни тўғри баҳолаши лозим. Муаммоларни

ҳал қила олмаётгани ўзининг дангасалиги, ланжлиги оқибатидан эмасми? Ҳақиқатдан ҳам у мана шу нарсага ўта муҳтожми ёки нафс ҳавосининг истагидан келиб чиқяптими? Сўраш одат тусига айланиб, қалбида тама уруғининг томир отишига сабаб бўлмайdimи? Сўралаётган одам олдида ўзининг хорланишига олиб бормаидими? Агар мана шу нарсалардан бирортаси вужудга келадиган бўлса, ожизликда ўзига ўхшаш инсондан сўрамагани маъқул. Зеро, у ушбу иши билан Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан бирингиз арқон олиб, бир қучоқ ўтинни орқасига ортиб келиб, юзини (сарғайишдан) сақлаши унинг учун инсонлардан сўрашидан яхшидир. Инсонлар унга бердилар ёки бермайдилар”, деган сўзларига амал қилган бўлади.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний инсонни хорлик ўринларига тушиб қолишидан сақлаш маъносида бундай насиҳат қилади: “Эй фарзанд, фикҳ ва ҳадис илмини ўрган, жоҳил сўфийлардан узоқ юр, молинг фикҳ китоблари бўлсин, бирор киши сени мақтаса, ғурурланма, танқид қилса, ранжима. Инсонлардан ҳеч нарса сўрама, тама қилма, футувват (саховат) аҳлидан бўл, Ҳақ таоло сенга нима берган бўлса, халққа тарқат... Бирон бир мансаб-мақомга интилма”.

Шоирлардан бири эса, ушбу маъноларни қуйидаги шеъри билан ифодалаган:

*Тама қилиб, махлуққа бўйинсунмагин,
Бундай қилиш динга берган зарарингдир.
Аллоҳ хазинасидан сўра ризқингни,
Чунки у “коф” ва “нун” ўртасидадир.*

Ушбу мавзунинг хулосаси сифатида Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Агар ёрдам талаб қилсанг, Аллоҳдан талаб қил” (*Имом Термизий ривояти*) деган қисқа, аммо пурмаъно тавсияларини келтириб ўтиш етарли бўлса керак, деб ўйлаймиз.

ЕТТИНЧИ ВАСИЯТ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "زُرِ الْقُبُورَ فَإِنَّهَا تُذَكِّرُ الْآخِرَةَ وَأَغْسِلُ الْمَوْتَى فَإِنَّ مُعَالَجَةَ جَسَدِ خَاوٍ مَوْعِظَةٌ بَلِيغَةٌ وَصَلَّ عَلَى الْجَنَائِزِ لَعَلَّ ذَلِكَ أَنْ يُحْزِنَكَ فَإِنَّ الْحَزِينَ فِي ظِلِّ اللَّهِ يَتَعَرَّضُ لِكُلِّ خَيْرٍ"

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Қабрларни зиёрат қил, албатта, у сенга охиратни эслатади. Маййитларни юв, руҳсиз жасадни ювиш таъсирли насихатдир. Жаноза намозини ўқи, шояд бу сени маъюс қилар. Маъюс киши Аллоҳ таолонинг паноҳида барча яхшиликларга тайёр туради”, дедилар (*Ҳоким ривояти*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз умматларга қилган бу насихатлари чуқур тафаккур қилишга ундайди, ҳаётни ғанимат билишга, ҳар бир дақиқани яхшилик билан ўтказишга чорлайди. Қабрларни зиёрат қилиш билан мусулмон ибрат олади. Ўзидан олдин яшаган полвону паҳлавонлар, олиму донишмандлар, бой ва давлатлилар, ҳокиму хоқонлар, ҳатто пайғамбарлар ҳам бу дунёда боқий қолмагани, уларнинг ҳаммаси ўлим боис бу дунёдан охират дунёсига кўчганига гувоҳ бўлади. Бу дунёнинг гўзаллиги ва мафтункорлигига алданиб, Аллоҳ таолога итоат қилиш ва ёмонликдан узоқ бўлишни унутган гумроҳ қалблар сергак тортади.

Бу олам ҳаётини тарк этган инсоннинг руҳсиз жасадини кўрган одам бу дунёдан охират учун қилган амалларидан бўлак бирор нарсани олиб кетолмаслигига амин бўлади.

Шунингдек, ушбу васиятда мусулмоннинг мусулмон зиммасидаги ҳақларидан бири – жаноза намозида ҳозир бўлишга тарғиб қилинади. Сафдоши ёки қариндошининг кафанга ўралган жасадини тобут ичида кўриб, ундан ажраб қолганига сабр қиладиган, ўзининг ёмон ишларига пушаймон бўлиб, янада кўпроқ яхшиликлар қилолмагани учун маҳзун тортган киши умрини ғанимат билиб, яхши амаллар қилишга ўтиши лозимлиги таъкидланади.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу васиятлари кишини комил инсон бўлиб етишишга тарғиб этади.

Ҳадиси шарифда зикр этилган қабрлар зиёрати ҳақида сўз бош-лашдан олдин кишилар ўртасидаги зиёратлар ва уларнинг одоблари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Зиёрат

“Зиёрат” арабча сўз бўлиб, бирор ерга ёки шахс ҳузурига бо-риш маъносини билдиради. Одамларни бир-бирларига яқин-лаштирадиган ва улар ўртасидаги муносабатнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўладиган омиллардан бири ўзаро зиёратдир. Кишилар муборак ҳайит ва бошқа турли байрамлар муносабати билан бир-бирларини зиёрат қилади. Сафарга кетишдан олдин кузатгани, сафардан қайтгач, ҳолидан хабар олгани, фарзандли бўлса, муборакбод этгани ёр-биродарлар зиёратга келади. Бундай чиройли урф-одатлар халқимизда жуда кўп. Улар юртимизда яшовчи бошқа миллатга мансуб кишилар ҳаётига ҳам сингиб кетган. Зиёратлар қанча холис ва самимий бўлса, шунча савоби кўп ва хайрлидир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “Бир киши бошқа қишлоқда яшовчи дўстини зиёрат қилиш учун йўлга чиқди. Аллоҳ таоло унинг йўлига бир фариштани юборди. Фаришта ундан:

– Қаерга кетяпсан? – деб сўради.

– Бу қишлоқдаги биродаримни зиёрат қилишга, – деб жавоб берди киши.

– Унинг олдига бирор нарса истагида кетяпсанми? – деб сўради.

– Уни Аллоҳ таоло учун яхши кўраман, шу холос, – деди.

Фаришта унга:

– Мен Аллоҳ таолонинг фариштасиман. Сен уни яхши кўрганингдек Аллоҳ таоло ҳам сени яхши кўради, – деди”.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу муборак ҳадисларида яқинларни зиёрат қилиш нақадар фазилатли экани баён этилган. Бирор кишини Аллоҳ таоло учун самимий зиёрат қилиш ва унинг ҳолидан хабар олиш Аллоҳ таолонинг муҳаббати ва розилигига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Ким бирор касални ёки Аллоҳ учун яхши кўрган дўстини зиёрат қилса, бир жарчи унга: “Сен ва босган қадамларинг нақадар яхши! Жаннатдан ўзингга жой ҳозирладинг”, деб нидо қилади», дедилар.

Касални кўриш мусулмоннинг зиммасидаги вазифаларидан биридир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) мусулмоннинг мусул-

мон зиммасидаги ҳақлари: учрашганда, унга салом бериш; аксирса, унинг ҳаққига дуо қилиш; чақирса, жавоб бериш; касал бўлса, бориб кўриш; вафот этса, жанозасига қатнашиш ва насихат сўраса, тўғри насихат бериш эканини айтганлар.

Шунинг учун мусулмон касал бўлган яқинларини уйига, касалхонада бўлса, касалхонага бориб кўриши, ҳолидан хабар олиши керак. Касалнинг зиёратига борган кишига кўп яхшиликлар ваъда қилинган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақда бундай деганлар: “Бирор мусулмон киши касал кишини куннинг аввалида зиёрат қилса, ўша кун кеч бўлгунча етмиш минг фаришта унинг ҳаққига салавот айтиб туради. Агар куннинг кечки вақтида зиёратга борса, то тонг отгунча етмиш минг фаришта салавот айтиб туради”.

Зиёрат қилишнинг ҳам одоб ва шартлари бор. Зиёратчи унга амал қилиши лозим:

1. Зиёрат қилувчи мезбоннинг бўш вақтини билиб, иложи бўлса, олдиндан огоҳлантириб бориши лозим.

2. Ҳовлига тўғридан-тўғри кирмай, ташқарида туриб, киришга изн сўраши керак. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّىٰ تَسْتَأْذِنُوا وَتُسَلِّمُوا عَلَيْهِ
أَهْلِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تُدَّكَّرُونَ﴾

«Эй имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирманг! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангиз» (Нур, 27).

Ушбу ояти каримага кўра, бировнинг уйига рухсат сўраб кириш лозим бўлади. Оятнинг давомида, агар рухсат берилмаса, кирмай қайтиб кетиш кераклиги айтилади:

﴿فَإِن لَّمْ تَجِدُوا فِيهَا أَحَدًا فَلَا تَدْخُلُوهَا حَتَّىٰ يُؤْذَنَ لَكُمْ وَإِن قِيلَ لَكُمْ ارجِعُوا فَارجِعُوا هُوَ أَزكىٰ لَكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

«Бас, агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмагунча уларга кирманг! Агар сизларга “қайтингиз!” дейилса, қайтиб кетаверинг! Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчидир» (Нур, 28).

Изн сўраш ҳолатига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, қўнғироқни чалиш ёки эшикни қўли билан тақиллатиш ёки салом бериш. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) даврларида “Ассалому алайкум! Кирсам майлими?” деб изн сўралар эди. Омир қабиласидан бир киши Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Кирсам майлими?” деб изн сўраганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ходимларига: «Унинг олдига чиқ ва унга изн сўрашни ўргат. “Ассалому алайкум! Кирсам майлими”, десин», дедилар. Келган киши буни эшитди ва шундай деди, сўнг унга рухсат берилди.

3. Зиёратчи эшик олдида турган вақтида ҳовли ичига кўзи тушмайдиган жойда, эшикнинг ўнг ёки чап тарафида туриши лозим. Чунки ичкарида уй эгалари унинг кўришини хоҳламаган ҳолатда бўлиши мумкин.

4. Ичкаридан кимлиги ҳақида сўралса, “Мен”, деб жавоб бермай, балки, исмини аниқ қилиб айтиб, ўзини танитиши керак.

5. Зиёрат қилиш вақтини тўғри танлаши ва уй эгаларини ноқулай аҳволга солиб қўядиган вақтлардан эҳтиёт бўлиши даркор. Масалан, жуда эрта ёки жуда кеч зиёратга бориш ҳам одобга тўғри келмайди.

6. Зиёратчи уй эгаси кўрсатган жойга ўтириши керак.

7. Зиёрат давомида уй эгаларини малоллантирадиган даражада узоқ ўтирмаслиги лозим.

8. Агар мезбон касал бўлса, унинг ҳаққига чиройли дуолар қилиши ва қўнғилини кўтарадиган гаплар билан тасалли бериши керак.

Қабрларни зиёрат қилиш

Муқаддас динимиз вафот этиб кетган ота-оналаримизни, яқин қариндошларимизни, устозларимизни ҳамда дўсту ёронларимизни эслаб, уларнинг ҳақларига дуои хайрлар қилиб туришни буюради. Марҳумларга қилган дуоларимиз, садақа ва эҳсонларимиз савоби етади. Уларнинг яхши сифатларини ва ўрнак бўладиган жиҳатларини гапириб, инсонийлик юзасидан қилиб қўйган баъзи камчиликларини гапирмаслик мусулмонлар бир-бирларига бўлган ҳурматлари ифодасидир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз умматларига ўтганларнинг яхши сифатларини эслаб, ёмонликларини гапирмасликни тавсия қилганлар.

Қуръони каримнинг Ҳашр сурасида марҳумларга қандай муносабатда бўлиш баён қилинган:

﴿وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿١٠﴾﴾

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтур: “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари имон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли Зотдирсан!» (Ҳашр, 10).

Ояти кариманинг тафсири:

“Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни мағфират этгин”. Аллоҳ таоло бу калом билан фақат ўзимизни эмас, балки бир-биримизни ўйлашимизни, ўзаро яхшилик қилишимизни буюради. Шундай экан, яратган Зотдан гуноҳларимизни кечиритишни сўрайверсак, Аллоҳ таоло меҳрибон Зот, гуноҳларимизни кечиради ва юртимизни тинч ва осойишта қилади.

“...ва биздан илгари имон билан ўтганларни мағфират этгин...”. Мусулмонларнинг бирдан-бир орзуси дунёдан имон билан кетишдир. Шунинг учун ҳам бир-биримизга яхшилик қиламиз, савоб ишларни кўпайтирамиз, гуноҳ ишлардан қочамиз. Ибодатга машғул бўламиз. Жамиятимизнинг равнақи учун курашамиз. Имонсиз кишидан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Имонли киши фақат эзгу ишларда иштирок этади. Шу сабабдан ҳам биз, имон билан ўтганларни мағфират қил, деб сўраймиз.

“...ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин”. Бу сўзлардан нима англадингиз? Имон келтирганлар кимлар? Албатта, имон келтирганлар – сизу биз мусулмон бандалар. Ота-онамиз, ака-укамиз, опа-синглимиз, қавму қариндошимиз, маҳалламизда, туманимизда, бутун Ўзбекистонимизда, қолаверса, бутун дунёда истиқомат қилаётган мўмин-мусулмон биродарларимиз. Имонли кишилар бир-бирлари билан гап таллашиб, жанжал қилишлари, қўлига қурол олиб қон тўкишлари у ёқда турсин, қалбида бир мусулмонга нисбатан гина ва ҳасаднинг бўлмаслигини Аллоҳдан сўраши керак. Бу дунё ўткинчидир. Шундай экан, умримиз борича бир-биримизга яхшилик қилайлик.

“Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли зот дирсан!” Аллоҳ таоло бандаларига ота-онадан ҳам меҳрибон ва

раҳмлидир. Қайси банда бошқаларга меҳрибон бўлса, Аллоҳ таоло ўша бандасига раҳм қилади.

Халқимизда “Олтин олма, дуо ол”, деган нақл бор. Бир-биримизнинг ҳаққимизга, хоссатан, вафот этиб кетганларимизга кўпроқ дуо қилайлик.

Ўтганларни эслаш, уларнинг қабрларини зиёрат қилиш ўлимни, қабр ва охират ҳолатларини эслатади. Бир-биримиздаги ҳақларни адо этишимиз ва охиратни эслаб туришимиз учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз умматларга тавсия қилиб: “Қабрларни зиёрат қилинг. Бу охиратни эслатади”, дея марҳамат қилганлар.

Қабрлар зиёратидан Аллоҳ таолонинг розилигини, қалбни ислоҳ этишни қасд қилиш керак. Қабрларни зиёрат қилган инсон қалби юмшайди, ўлимни ва охиратни эслайди. Маҳшардаги ҳисоб-китобни ўйлаган киши, ким бўлишидан қатъи назар, қилган ёмонликларига пушаймон бўлади. Қолган ҳаёти хусусида жиддий ўйлайди, ёмонликлардан ўзини тияди, савобли ва хайрли ишлар қилишга интилади. Қабрларни зиёрат қилиш душманчилик, нафрат, гина-кудурат каби салбий ҳолатларнинг йўқолишига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, у (қабр)ни зиёрат қилишда эслатма бор”, деб айтганлар.

Ўтганларни ҳурмат билан ёдлаш қон-қонимизга сингиб кетган. Бундай ҳурмат намунасини, мисол тариқасида, буюк бобомиз Амир Темур қилган ишларда кўришимиз мумкин. Соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Яссавий ва Қафқол Шоший каби улуғ зотларнинг қабрлари топталиши олдини олиш мақсадида мақбаралар қурдирган.

Айни пайтда ушбу ҳурматнинг узвий давомини эса муҳтарам Президентимизнинг маданиятимиз ва миллий маънавиятимизни қайта тиклаб, асл ҳолига қайтариш борасида олиб борилаётган ишлар бошида ўзлари турганлигида кўрамиз. Юртбошимиз истиқлолимизнинг илк даврдан бошлаб дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз мақбараларини қайта қуриб-тиклаш, таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бунга мисол сифатида Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуалари ва Тошкентдаги Муҳаммад Қафқол Шоший мақбараси қайтадан тикланганини эслаб ўтиш кифоя қилади.

Ҳар қандай инсонни қадрлаб, ҳурматини ўз ўрнига қўядиган доно халқимиз хотирани муқаддас туйғу деб билади. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мустамлакачилик даврида Ватанимиз истиқлоли учун жонбозлик қилиб, оқибатда қатағон қурбонлари бўлган аждодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида хотира майдонлари барпо этилди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси учун 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланади. Аини ушбу кун ва бошқа байрам кунлари арафасида умумхалқ ҳашарлари уюштирилиб, маҳаллалар, кўчалар ва майдонлар тартибга келтирилиши билан бир қаторда қабристонлар ҳам обод қилиниб, дов-дарахтлар ўтқазилади.

Динимизда қабрларни зиёрат қилиш мандуб, яъни, тарғиб қилинган амал ҳисобланади. Лекин зиёрат қилиш асносида қабрларни беҳуда топташ, улардан ёрдам талаб қилиб, бирор нарса сўраш, қабрни силаш, ўпиш ва тавоф қилиш, чироқ ёқиш, дарахтларга ип боғлаш каби бидъат амалларни бажариб, савоб олиш ўрнига гуноҳга қолишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки буларнинг барчаси бошқа дин вакиллари одатларидан ҳисобланади. Шу боис зиёратгоҳларга мутасаддиларимиз ва имом-хатибларимиз бу ишлар Исломига зид эканини доимо уқтириб боришлари зарур. Зеро, Исломи динимизда фақат Ҳажарул асвад (Қора тош) ўпилади ва Каъбадан бошқа жой тавоф қилинмайди.

Маълумки, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Исломига чақиришнинг илк босқичларида саҳобаларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдилар. Чунки бу пайтда қабристонларга боғлиқ хунук ҳолатлар ва бемаъни гап-сўзларни одат қилиб олинган жоҳилиятдан энди чиқилган эди....

Яъни, Иломдан аввал араблар қабр тепасига бут-санамларини ўрнатиб, қабрларни ўзлари учун ибодатгоҳ қилиб олган эди. Ўтиб кетган ота-боболарининг қабрлари устида туриб олиб, уларнинг қилган ишлари хусусида беҳуда фахрланиб, улар ҳақида бемаъни шеърлар ўқишар эди. Қабр эгаларидан ёрдам талаб қилиш ҳолатлари жуда кўп учрар эди. Гоҳида сабрсизлик қилиб, Аллоҳ таолонинг ҳукмига норозиликларини ҳам айтишар, ва натижада Аллоҳ таолога ширк келтириш ҳолатлари вужудга келиб қолар эди.

Бир муддат ўтиб, саҳобалар қабрларни зиёрат қилиш билан боғлиқ шаръий одобларни таълим олишгач, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) уларни зиёратга буюрдилар. Имом Шофиъий ва Аҳмад

(раҳимаҳумаллоҳ) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди қабрларни зиёрат қилаверинглар. Ёмон гапларни гапирманглар”, деб марҳамат қилганлар.

Жумҳур уламоларимиз қабрларни зиёрат қилиш мандуб эканини шу каби ҳадислардан олган. Ёмон гаплардан мурод, зиёрат асносида Аллоҳ таолога ширк келтиришга сабаб бўладиган гапларни гапиришдир.

Ибн Ҳазм каби баъзи уламолар ушбу ҳадислардан буйруқ маъноси келиб чиқишини эътиборга олиб, киши умрида бир марта бўлса-да, қабрларни зиёрат қилиши вожиблигини айтган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам оғир кунларда ўзларига елкадош бўлган саҳобаларнинг қабрларини зиёрат қилиш мақсадида “Бақиъ” қабристонига тез-тез бориб турар эдилар. Сиддиқа Ойша онамиздан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: “Мен бир куни кечқурун Расулуллоҳни ўз ўринларида тополмадим. Бошқа аёлларининг олдига кетган бўлсалар керак, деб ўйладим. Ортларидан қидириб чиқдим. У зот “Бақиъ” қабристонига бориб, саҳобаларнинг ҳақларига дуо қилаётган эканлар”. Бу каби ҳолатлар Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотлари яқинлашган кунларда кўпроқ содир бўлгани ривоят қилинган.

Қабрлар зиёрати ҳақида сўз юритилганида аёлларнинг қабрларни зиёрат қилишлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш шарт деб ўйлаймиз. Ушбу мавзу борасида келган ҳадислар ва бунга боғлиқ далилларни жамлаб, ўрганиб чиққан уламолар аёллар қабрларни зиёрат қилишлари жоиз, деган хулосани айтишган. Лекин уларда авратларини ёпиш, тавозелик, охират ишини эшлаш, қабрда бўладиган ҳолатлардан ибрат олиш, қаттиқ овоз чиқариб йиғи-сиғи қилиб, юзларига урмаслик, ёқаларини йиртмаслик ва ёмон гапларни гапирмаслик ҳамда агар зиёрат жойи узоқда бўлса, ёш ёки ёши улуг бўлишидан қатъи назар, аёлга бирор махрами ҳамроҳлик қилиши талаб этилади.

Аёллар қабрларни зиёрат қилиш асносида юқорида айтиб ўтганимиз каби Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган ишларни содир этсалар, уларга зиёрат қилиш мумкин бўлмайди. Шаритатимиздаги “Келиб чиқадиган ёмонликлар олдини олиш кутилаётган манфаатдан олдин туради” деган муқаррар қондани унутмаслик лозим.

Ибн Аббосдан (розияллоху анху) “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни лаънатладилар”, деган ҳадис ривоят қилинган. Уламоларимиз бу каби ҳадисларда динимиз кўрсатмаларига ва зиёрат одобларига риоя қилмаган аёллар назарда тутилган, дейишади. Чунки сабрсизлик, ёқаларини йиртиш, юзларини тирнаш каби хунук ҳолатлар уларнинг одатлари бўлиб, бу нарсалар кўпинча содир бўлиб қолади. Албатта, бу каби бидъатлар олдини олиб, аёллар ўртасида кенг қамровли тўғри тушунтириш ишларини олиб боришда идорамизнинг “Хотин-қизлар” бўлими ва жойлардаги вакилаларимиз тинимсиз меҳнат қилмоқдалар.

Динимизда қабрлар бошида қаттиқ овоз чиқармасдан, Аллоҳ таолога шикоят қилмасдан йиғлашга рухсат берилади. Зеро, вафот этган яқинини, айниқса, ота-онаси қабрини зиёрат қилган ҳар қандай кишининг қалби юмшаб, беихтиёр кўзига ёш келади. Пайғамбаримизга (соллаллоху алайҳи ва саллам) оналарининг қабрини зиёрат қилишга Аллоҳ таоло изн берганида, бориб зиёрат қилганлар. Қабрлари тепасида йиғлаганлар. Умар (розияллоху анху): “Сизни нима йиғлатди, Расулulloҳ?” деб сўраганида, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Фарзанднинг онасига бўладиган меҳрибонлиги йиғлатди”, деб жавоб берганлар.

Қабрларни пайшанба ёки жума кунлари зиёрат қилиш афзал дейилган бўлса-да, лекин уламоларимиз хоҳлаган куни зиёрат қилиш мумкин эканини айтишган. Чунки инсон, юқорида айтганимиздек, ўтганларни хотирлаб, қабрларни зиёрат қилиш асносида савобга эга бўлиш билан бирга, ўзи учун панд-насихат ҳам олади. Савоб ёки насихат олиш учун бирор кунни тайинлашнинг аҳамияти йўқ. Фақат бу ўринда бир нарсага огоҳ бўлиш зарур. У ҳам бўлса, Аллоҳ таоло биз мусулмонларга байрам сифатида берилган икки ҳайит кунларида хурсандчилик қилиш ўрнига, қабристонларга бориб, йиғи-сиғи қилиб, кайфиятимизни туширишимиздир. Бу халқимизга одат бўлиб қолгани ниҳоятда ачинарли. Бундай ҳолатга динимизда “бидъат”, яъни, асл динимизда бўлмасдан, кейин пайдо қилинган амал деб қаралади. Шайтон инсонлар ичида динда мавжуд бўлган бирор суннатга амал қилишни йўқ қилмоқчи бўлса, унинг ўрнига динда бўлмаган бирор бидъатни гўё Аллоҳ таолога ибодат қилинадиган амал сифатида кўрсатиб қўяр экан. Ҳайит кунлари қабрларни зиёрат қилиш энг катта яхшиликлардан деб ўйлаш шайтоннинг инсонларга қилган найрангларидандир.

Қабрларни зиёрат қилиш борасида зикр этиб ўтилган умумий фикр ва мулоҳазалардан кейин зиёрат қилиш тартиб ва одоблари ҳақида қуйидаги хулосани айтиш мумкин:

1. Зиёратчининг қабр зиёратига Аллоҳ таолонинг розилигини тилаб, тавозе билан бориши. Динимизда буюрилган ҳар бир амалда ниятнинг тўғри бўлиши муҳим.

2. Қабристонга етганида қабр аҳлига салом бериб кириши. Пайғамбаримиздан (соллалоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилинган дуо ва саломлар қуйидагилар:

“Ассалому алайкум, мўминлар ва муслимлар диёри аҳллари. Албатта, биз ҳам иншааллоҳ, сизларга қўшиламиз. Сизлар биздан олдин келгансизлар ва биз сизларга қўшиламиз. Аллоҳдан бизга ҳам, сизга ҳам офият сўраймиз” (*Имом Аҳмад ва Насоий ривояти*).

“Ассалому алайкум, эй қабр аҳли. Аллоҳ бизни ҳам, сизни ҳам мағфират қилсин. Сиз олдин келганларимизсиз, биз ҳам сизларга қўшиламиз” (*Имом Термизий ривояти*).

“Ассалому алайкум, мўминлар диёри. Сизлар биздан олдин бориб тайёрлаб турувчисиз. Биз ҳам сизларга қўшиламиз. Ё Аллоҳ, уларнинг ажридан бизларни маҳрум қилма. Ва улардан кейин бизларни фитнага қолдирма” (*Ибн Можа ривояти*).

3. Зиёрат қилмоқчи бўлган қабрга яқин келганида маййитнинг оёқ томонидан бориб, юзма-юз ўтириши. Зеро, инсон дунёда вафот этган кишиси билан қанчалик яқин бўлиб, юзма-юз ўтирган бўлса, вафотидан кейин ҳам ана шундай муносабатда бўлиши тавсия қилинади.

4. Қуръондан билган сураларидан ўқиши. Маъқал ибн Ясардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўликларингизга Ёсин (сураси) ни ўқинглар”, деб марҳамат қилганлар. Бошқа ривоятларда Мулк сураси қабр азобидан нажот берувчи экани айtilган. Шу сабабли ҳам бизнинг юртларда маййитни дафн қилгач, Мулк сурасини ўқиш одат бўлиб қолган.

5. Ўзи ва бошқа барча ўтганларга дуо қилиб, истиғфор сўраши. Бир-бирларини хайрли дуо қилиш мусулмонларга хос фазилатдир. Истиғфор, яъни гуноҳларнинг кечирилишини сўрашда, аввало, ўзидан бошлаб, сўнг бошқалар ҳаққига ҳам ушбу тилакни тилаш Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таоло ўргатган одоблардандир:

﴿وَأَسْتَغْفِرُ لَذُنُوبِكِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ﴾

«(Эй Муҳаммад)... **ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар**(нинг гуноҳлари) **учун мағфират сўранг!**» (Муҳаммад, 19). Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амри биз умматларга ҳам тегишлидир. Демак, дуою истиғфорларимизда фақат ўзимиз билан чекланиб қолмасдан, бошқаларни ҳам эслашимиз вожиб бўлади.

Тиловат қилишда қабрга қараб ўтирса-да, дуода қиблага юзланиб ўтиради. Баро ибн Озиб (розияллоҳу анху) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабристонга келганларида қиблага қараб ўтирганларини ва ўзлари ҳам у зотга эргашиб, қиблага қараб ўтирганларини ривоят қилган.

6. Қабрни силаш, ўпиш, атрофида айланиш ва ҳожатини қабрда ётган кишидан сўраш каби бидъатлардан сақланиши. Бу каби ишлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, мусулмонларга ёт одатлардир. Мусулмон ҳар бир ҳожатини Аллоҳ таолодан сўрайди.

7. Қаттиқ бақириб гапириш, кулиш каби одобга тўғри келмайдиган ишлардан сақланиши. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Аллоҳ таоло тўрт нарсани сизлар учун ёмон кўради:

1. Намозда ортиқча ишлар билан шуғулланиш.
2. Қироатда лағв қилиш.
3. Рўзада ёмон сўз ва амаллар билан машғул бўлиш.
4. Қабристонда кулиш”.

Қабристонда кулиш, одобсизлик қилиш ҳар қандай кишини ранжитади.

8. Қабрларни топтамаслиги, қабр устига ўтирмаслиги. Қабрларни босиш қабр эгасига азият етказиш бўлади. Саҳобалардан Амр ибн Ҳазм бундай ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабр устида ёнбошлаб ўтирганимни кўриб: “Қабр устидан туш, қабр эгасига азият берма”, дедилар.

9. Қабр зиёратидан панд-насихат ва эслатма олиб қайтиши. Бу тўғрида юқорида айтганларимиз етарли деб ўйлаймиз. Зеро, қабрларни зиёрат қилишдан кўзланган мақсад айна мана шу, яъни эслатма олиш ва ўзининг ҳам бошига тушадиган ушбу кунга ҳозирлик кўришдир.

Аллоҳ таоло барчаларимизни эшитган ва кўрган нарсаларимиздан ибрат оладиган ва ҳаётимизни Ўзи рози бўладиган тарзда ўтказадиган бандаларидан қилсин.

Маййитларни ювгин, руҳсиз жасадни ювиш таъсирли насиҳатдир

Барча тирик жонзотлар, жумладан, инсон ҳам, бир кун ўлади. Аллоҳ таолонинг иродаси ва амри билан бандаларнинг жонлари жасадларидан суғуриб олинади. Кўпчилик ўлим илоҳий тақдир эканини унутиб, сабабларнинг ортидан қувади, кимларнидир айбдор қилиб, жазолашга уринади. Бу ўринда билиш муҳим бўлган масала шуки, бировнинг ўлимига қасддан сабабчи бўлган киши жазоланиши, хато қилиб сабабчи бўлганида эса, хун тўлаши шариат талабларидандир. Мақсадимиз бу масалани очиқлаш эмас. Сиз, азизларга маййитни ювиш ва унинг жанозасини ўқиш тартибини баён этишдир.

Тажрибали кексаларимиз касал ётган инсоннинг ўлими яқинлашганини Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан сезишади ва дарҳол бу ҳақда касалнинг энг яқин кишиларини эҳтиёткорлик ва донолик билан огоҳлантиришга уринишади. Шариат талабига кўра, ўлим асарлари сезилиб қолган кимса олдида нималар қилиш керак? Дод-фарёд солиб, ҳаммаёқни бузиш керакми ёки отадан қолаётган мол-дунёларга эга чиқиш учун чора-тадбирларни тезроқ кўриш керакми?! Йўқ! Бу эсли-хушли, мўмин одамнинг иши эмас. Солиҳ мўмин инсон шариат кўрсатмаларига қулоқ тутаяди, вафот топаётган кимсанинг, хоҳ у отаси бўлсин, хоҳ акаси бўлсин, ҳақини поймол қилиб қўйишдан, Аллоҳ таолонинг олдида гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқади.

Динимиз кўрсатмаларига кўра, ўлим ҳолатида бўлган касал худди қабрдагидек ўнг томони қиблага қилиб ётқизилади ва ҳаётида шиорига айланган маҳбуб калимаси – Калимаи шаҳодат унинг олдида талқин қилинади, яъни такрорлаб турилади. Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўликларингизга (жон таслим қилаётганларингизга) “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни талқин қилинглари”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*). Жони чиққач, кўзлари юмиб қўйилади ва ияги боши билан қўшиб боғланади. Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Салама вафот этганида кўзларини муборак қўллари билан юмиб қўйганлар.

Маййитнинг ўлими ҳақида эълон қилишнинг шариатга зид жойи йўқ. Чунки инсонлар савоб умидида жаноза намозига шошилади, маййитни кафанлаш, кўтариб бориш ва дафн қилишда иштирок этишади. Бу иш яхшилик ва тақво йўлида ўзаро кўмаклашиш ҳисобланади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинаи мунавваранинг бир четида яшовчи мискин аёл ҳақида: “Агар у вафот қилса, мени чақиринглар”, деганлар. Маййитнинг вафоти ҳақида яқин қариндошлари, танишлари, маҳалла-кўй хабардор қилиниши кифоядир. Маййитнинг яқинлари кўчаларда жар солиб, қичқириб, одамларни чақиритиши мақбул иш эмас. Чунки бу жоҳилият одатларидандир. Жанозада ҳозир бўлиш фарзи кифоя ҳисобланади, баъзи мусулмонларнинг адо қилиши билан қолганлар зиммасидан соқит бўлади. Йиғилиб олиб, маййит хонадонини ғуссахонага айлантирган ҳолда, унинг яқинлари тинчини бузиб, азахонлик қилиш шариат кўрсатмаларига мувофиқ келмайди.

Мазҳабимиз уламолари сўзларига кўра, маййитни тез дафн қилиш мустаҳаб ҳисобланади. Бунга улар Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги ҳадисини далил қилишади: “Вафот топганларингизни шошилтиринглар, агар у яхши кимса бўлса, уни яхшиликка тез элтган бўласиз, агар ёмон кимса бўлса, бундай аҳли дўзахни ўзингиздан нари қилган бўласиз”.

Вафот этган кимсани дафнга тайёрлашда қилинадиган ишларнинг биринчиси, уни ювиш – ғусл қилдириш. Тўрт мазҳаб уламоларининг барчаси наздида, маййитни ювиш вожибдир. Ушбу ҳукм ҳадис, ижмо ва ақлий далиллар билан собит бўлган. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмоннинг мусулмон зиммасида олтига ҳақи бор: йўлиққанида унга салом бериши, чақирганида чақиритишга лаббай деб жавоб қилиши, аксириб “Алҳамдулиллаҳ” деганида “ярҳамукаллоҳ” дейиши, касал бўлганида ундан хабар олиши, вафот этганида жанозасига эргашиши ва ўзи учун нимани яхши кўрса, биродари учун ҳам ўша нарсани яхши кўриши”, дедилар. “Умдатул қорий шарҳу Саҳиҳил Бухорий” китобида келишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақлар қаторида вафот этганида ювишни ҳам санаганлар. Ривоят қилинишича, Одам (алайҳиссалом) вафот этганида у зотни (алайҳиссалом) фаришталар ювишган ва фарзандларига: “Бу ўликларингизга қиладиган ишингиздир”, дейишган.

Маййитни ювиш ҳам унинг жанозаси каби фарз кифоядир. Яъни, бу омма мусулмонларнинг вазифаси бўлиб, баъзилар амалга

ошириши билан барчадан соқит бўлади. Агар бирор сабаб билан қайсидир бир мусулмон ювилмай кўмилса, барча мусулмонлар гуноҳкор бўлади.

Маййитни ювишга тайёрлашда унинг барча кийимлари ечи-либ, авратлари бир бўлак латта билан беркитилади ва тахт устига ётқизилади. Тахтнинг қиблага нисбатан қандай қўйилиши бораси-да уламоларимиздан турли сўзлар келган. Кейинги уламоларимиз наздида, уларнинг тўғрироғи ювиш учун қандай қулай бўлса, шундай қўйишдир.

Инсон авратига қараш тириклигида ҳам, вафотидан кейин ҳам ҳаромдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: “Тирикнинг ҳам, ўликнинг ҳам сонига қараманглар”. Авратни тў сиш учун ишлатиладиган латта бўлаги киндикдан то тиззагача ёпса, кифоя. Сўнг ювувчи бир бўлак матодан қилинган қўлқопини кийиб, маййитнинг авратларини ювади. Чунки бировнинг уят жой-ларини ушлашнинг ҳаромлиги уларга қарашнинг ҳаромлигидан каттароқдир. Сўнг намоз учун қилинадиган таҳоратдек таҳорат қилдирилади. Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Зайнабни юваётган Умму Атийяга: “Ўнг томонидан ва таҳорат қиладиган аъзоларидан бошланглар”, деганлар. Маййит-нинг таҳорати билан тирик одамнинг таҳорати ўртасида бир қанча фарқлар бор. Улар қуйидагилар:

1. Маййит мазмаза (оғзига сув олиб ғарғара қилиш) ва истин-шоқ (бурнига сув олиб чайиш) қилдирилмайди. Чунки маййитда ушбу икки ишнинг бажарилиши амри маҳолдир.

2. Икки оёғи ювилмайди. Тирикликда ювиндилар оёқ остига жамланади ва ювилган оёқни яна булғайди. Маййит эса тахтнинг устида бўлади ва барча оқиндилар пастга оқиб кетади.

Таҳоратнинг қолган амаллари қандай бўлса, шундайлигича, ўз ўринларида амалга оширилади. Таҳоратдан сўнг маййитнинг боши, соқоллари хушбўй совун ва кирни осонроқ, яхшироқ кетказадиган бошқа кир ювиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ювилади. Бироқ соч-соқоллари таралмайди. Ойша (розияллоҳу анҳо) май-йитнинг сочларини тараётган бир қавмни кўриб, уларга: “Нима учун ўликларингизни пешона сочларидан тортқилаяпсиз?” деди. Ўликнинг сочини тарашдан қайтаришнинг муболағаси учун “соч тараш” сўзи ўрнига “пешона сочларидан тортиш” сўзини ишлатди. Яна шунингдек, маййитнинг сочи таралганида ундан толалар тў-килиши мумкин. Маййитни қандай ўлган бўлса, шундайлигича

кўмиш суннатдир. Айни шунинг учун ҳам маййитнинг тирноқлари, мўйловлари, соқоллари ва бошқа туклари, гарчи ўсиб кетган бўлса ҳам, олинмайди, юлинмайди. Бу ишларнинг барчаси тирик пайтида зийнат учун қилинади. Маййитни эса зийнатлаш шариатдан эмас, балки уни поклаш керак. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ўликларингизга нисбатан келинларингизга қиладиган ишларингизни қилинглар” маъноли ҳадиси шарифлари, маййитнинг баданидан бирор нарсани кетказмасдан зийнатлаш деб таъвил қилинган.

Маййит таҳорат қилдирилганидан сўнг чап томонига ёнбошлатилади ва баданининг ўнг томони тахтга тегиб турган жойигача тоза ва покиза, кирнинг осонроқ кетишига ёрдам берувчи кир ювиш воситалари қўшилган сув билан уч марта ювилади. Зеро, ҳар бир яхши амални ўнг томондан бошлаш суннатдир. Сўнг ўнг томонга ётқизилади ва баданининг чап томони ҳам тахтга тегиб турган жойигача шу тахлитда уч марта ювилади. Кейин маййит ўтқизилади ва қорни енгилгина силанади. Агар нажосат чиқса, артилади ва у жой уч марта ювилади.

Сўнг агар нажосат чиқса ва ювилса, қайта таҳорат ва ғусл қилдирилмайди. Кафан ҳўл бўлиб кетмаслиги учун маййит сочиқ билан артилади.

Эркак киши уч кийим – изор, қамис ва лифофа билан кафанланади. Изор ва лифофа бошдан оёққача баданни ўрайдиган – икки томондан боғлаш учун бир қарич миқдорида узун, қамис бўйиндан то оёққача ўрайдиган бўлади. Маййитни кафанлаш учун аввал лифофа, устидан изор, унинг устидан эса қамис тўшаллади ва маййит унинг устига ётқизилади. Кафан бўлаклари алоҳида-алоҳида, аввал чап, сўнгра ўнг томонлари ўралади. Агар кафан очилиб кетиши мумкин бўлса, боғлаб қўйилади.

Жаноза намозини ўқи

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Барча яхши ва фожир кимсаларнинг жанозаларини ўқинглар”, деганлар. Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) то бугунгача Ислому уммати ўтганларига жаноза намозини ўқиб келмоқда. Юқорида айтиб ўтганимиздек, жаноза намози фарзи кифоядир, бир неча одамнинг адо этиши билан барча мусулмонлардан соқит бўлади. Тажовузкор ва йўлтўсарларга қилмишлари боис жаноза намози ўқилмайди.

Чунки Али (розияллоҳу анху) Наҳравондаги тажовузкорларни ювмаган ва уларга жаноза ҳам ўқимаган. Бу ишга бирор саҳоба эътироз билдирмаган. Уламоларимиз фатволарига кўра, ўлик туғилган болага ҳам жаноза ўқилмайди. Агар баъзи офатлар сабаб инсоннинг жасади парчаланиб кетган бўлса, жасаднинг ярмидан кўпи топилмагунича унга жаноза ўқилмайди. Умумий аъзоларининг ярмидан кўпи топилганидагина жаноза ўқиш мумкин. Шунингдек, ғойиб маййитга ҳам жаноза ўқиш, мазҳабимиз уламолари наздида, машру эмас.

Жаноза намозида имомлик қилишга, энг аввало, султон, сўнг қози, сўнгра ўша жойнинг тайинланган имоми, кейин эса маййитнинг яқинлари ҳақлидир. Бу борада маййитнинг васиятлари асос бўлмайди. Юртимизнинг баъзи жойларида ўлимдан олдин жаноза намозини ким ўқиши борасида васият қилиш одат тусига кирган. Ҳатто имомнинг ўзи ҳам маййитнинг эгаларидан жаноза намозига бирор киши васият қилинган-қилинмаганлиги ҳақида сўрайди. Жаноза намози ўликнинг ҳаққи эмас, бу борада васият қилса. Балки жаноза намози тириклар зиммасидаги бажаришлари керак бўлган фарз амалдир. Унга имомлик қилиш ишини ҳам шариат тайинлайди. Имомликка ҳақли бўлиш тартибини эса биз юқорида санаб ўтдик.

Жаноза намозида имом маййитнинг, у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, кўкраги тўғрисида туради ва тўрт такбирли жаноза намозини ўқийди. Биринчи, жаноза намозини ўқишга ният қилиб, такбир айтиб, қулоқ қоқади, сўнг қўлларини боғлаб, намозда ўқиладиган санони ўқийди. Сано будир:

“سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ”

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Сенга ҳамд айтиб, нуқсонлардан поклигингни ёд этаман. Исминг махлуқлар сифатидан буюқдир. Улуғлигинг юксақдир. Сендан ўзга илоҳ йўқдир”.

Сўнг иккинчи такбирни айтади. Ушбу ва кейинги такбирларда қулоқ қоқилмайди. Такбирларда осмонга қараш қаттиқ гуноҳдир. Иккинчи такбирдан сўнг намозларда ўқиладиган салавотни иккинчи “иннака ҳамийдум мажийд” гача ўқийди, яъни:

“اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ

حَمِيدٌ مَّجِيدٌ اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ“

Маъноси: “Эй Парвардигор, Иброҳим ва унинг аҳли оиласига салавотлар юборганингдек, Муҳаммад ва у зотнинг аҳли оиласига ҳам салавотлар йўлла. Албатта, Сен барча ҳамдга лойиқ буюк Зотдирсан. Эй Парвардигор, Иброҳим ва унинг аҳли оиласига баракотлар берганингдек, Муҳаммад ва у зотнинг аҳли оиласига ҳам баракотларингни ато эт. Албатта, Сен барча ҳамдга лойиқ буюк Зотдирсан”.

Кейин учинчи такбирни айтади ва китобларимизда машҳур бўлган жаноза дуосини ўқийди, яъни:

”اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيِّنَا وَمَيِّتِنَا وَشَاهِدِنَا وَغَائِبِنَا وَصَغِيرِنَا وَكَبِيرِنَا وَذَكَرِنَا وَأُنثَانَا اللَّهُمَّ مَنْ أَحْيَيْتَهُ مِنَّا فَأَحْيِهِ عَلَى الْإِسْلَامِ وَمَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَى الْإِيمَانِ“

Маъноси: “Эй Парвардигорим, бизнинг тирикларимизнинг ҳам, ўликларимизнинг ҳам, бу жойда ҳозир бўлганларимизнинг ҳам, ҳозир бўлмаганларимизнинг ҳам, кичикларимизнинг ҳам, катталаримизнинг ҳам, эркаларимизнинг ҳам, аёлларимизнинг ҳам гуноҳларимизни кечир. Эй Парвардигор, бизлардан кимга жон ато этсанг, уни Ислолда тирилтиргин, кимни вафот топтирсанг, унга имонни ҳамроҳ қилгин!”

Дуодан сўнг тўртинчи такбирни айтади ва икки томонга салом беради. Мазҳабимиз уламолари саломдан сўнг маълум бир дуони ўқишни таъкидламаган. Баъзи уламолар қуйидаги машҳур қуръоний дуони ўқиш афзал дейди, яъни:

”رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ“

Маъноси: “Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Ўзингнинг яхшиликларингни ато этгин ва бизни дўзах азобидан сақлагин!”

Бизнинг юртларда эса жаноза намозидан сўнг “истиржоъ”, яъни:

”إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ“

дуосини айтиш одат тусига кирган. Маъноси: «Албатта, барчамиз Аллоҳникимиз ва Унинг ҳузурига қайтажакмиз».

Маййитни дафн қилишга келсак, қабр лаҳад қилиб кавланади. Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Лаҳад қилиб қазиш биздадир, ердан ёриқ очиш эса ўзгаларнинг иши”, деганлар. Аввал чуқур қазилади. Унинг чуқурлиги бел ёки кўкрак баробари-ча бўлиши мумкин, бундан ҳам чуқурроқ бўлса, зарари йўқ, балки яхшироқдир. Кейин ушбу чуқурнинг ён тарафидан оғзи кичикроқ, ичи кенг, инсон ётганида сиғадиган ҳужра қазилади. Мана шу ҳужра лаҳад деб аталади. Уламолар Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқорида зикр қилинган ҳадисларидан мақсад лаҳад қилиб, дафн этишнинг мустаҳаблигини баён қилишдир, дейди. Чунки тупроқнинг ҳолатига қараб, баъзи жойларда лаҳад қилишнинг имкони йўқ. Бундай пайтда шаққ – чуқур қазишнинг ўзи кифоя. Маййитни қабрга қўйишга унинг яқинлари: ўғил, ота, ака-ука ва бошқалар ҳақлидир. Шунингдек, қабрга қўювчиларнинг сони тоқ бўлиши шарт эмас. Чунки Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) равзаи муборақларига Аббос, Фазл ибн Аббос, Али ва Суҳайб (розияллоҳу анҳум) қўйган. Маййит қабр олди-га олиб келинган, у қабрнинг қибла томонига қўйилади ва қабрга қўювчи кишига узатилади. У ўзи қиблага қарагани ҳолда маййитни олади ва қуйидаги сўзни ўқиган ҳолда қўяди, яъни:

“بِسْمِ اللَّهِ وَعَلَىٰ مِلَّةِ رَسُولِ اللَّهِ”

Маъноси: “Аллоҳнинг номи билан ва Расулуллоҳнинг миллати – суннатига мувофиқ қўяман”. Ушбу калимани Имом Мотуридий, дуо эмас, балки шаҳодатдир, деган.

Маййитни лаҳад ичига олиб киргач, юзини қиблага қилиб, ёнбош ҳолатида ётқизади. Агар кафан боғланган бўлса, ечиб қўйилади. Кейин қабр оғзини ёпишда хом ғишт ва қамишдан фойдаланилади. Ёғоч ва пишиқ ғишт ишлатилмайди. Чунки улар иморат учун керак. Пишиқ ғиштда оловнинг асари бор. Сўнг қабрни кўмишда ўзидан чиққан тупроққина ишлатилади, бошқа жойдан тупроқ олиб келиб, кўмилмайди.

Маъюс киши Аллоҳнинг паноҳида барча яхшиликларга тайёр туради

Инсон тирик чоғида қиладиган ҳар бир яхши амалининг фойдасини охиратда кўради. Шунинг учун ҳам ҳар бир одам қўлидан келганича яхши амалларни кўп қилиши лозим.

Аллоҳ таоло яхшилик ҳақида бундай марҳамат қилади:

﴿لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّنَ وَءَاتَى الْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِ ذَوِي الْقُرْبَىٰ
وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَأَبْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَءَاتَى
الزَّكَاةَ وَالْمُؤْتُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ
الْبَأْسِ ۗ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾﴾

«Юзларингизни машриқ ва мағриб томонларига буришингиз (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молдан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхшилик (аҳли)дир. Айнан ўшалар (имонларида) содиқлардир ва айнан ўшалар тақводорлардир» (Бақара, 177).

Одатда, одамлар яхшилик нима экани ҳақида ҳар хил фикрга боради. Ҳар ким ўзининг йўлини яхши деб тушуниб, яхшиликка ўзича таъриф беради, чегаралар қўяди, белгилар белгилайди. Улар кўпинча яхшиликни белгилашда ақллари, ота-боболаридан қолган урф-одатларни, ўзлари яшаб турган жамиятдаги ўлчовларни қўллайди. Бирлари яхшилик деб тушунган нарсани бошқалари мутлақо ёмонлик деб билиши ҳам мумкин.

Ислон динида яхшилик Аллоҳ таоло яхши деган нарсалардир. Уларнинг нима экани мазкур оятда таърифлаб берилган:

﴿ يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُ مِنْ خَيْرٍ فَلِلْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ وَالتَّمَتَّى
وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴾

“Сиздан (эй Муҳаммад!) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар.
«Айтинг: “Нима хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар,
етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилинг! Аллоҳ ҳар
қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчидир» (Бақара,
215).

Нафақага лойиқлар ичида ота-она биринчи зикр қилинмоқ-
да. Инсонга ўзидан кейинги биринчи ҳақдор ота-онаси бўлади.
Уларни муҳтож қўйиб, бошқаларга нафақа қилишдан нима фой-
да бор? Шунингдек, яқин кишилар, қариндошлар ҳақдорлик бо-
расида бошқалардан кўра устундир. Нафақа қилиш худди шу тар-
тибда бўлиши лозимлиги Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом)
ҳадисларида ҳам зикр қилинган.

Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоху анҳу) ри-
воят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бир кишига: “Садақа
қилишни ўзингдан бошла, ортиб қолса, аҳлингга қил, агар аҳлинг-
дан ҳам ортиб қолса, қариндошларингга қил, агар қариндошларинг-
дан ҳам ортиб қолса, улардан бошқаларга ва ҳоказо”, деган эканлар.

Абу Ҳурайра (розияллоху анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ
(соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ким бир мўминнинг битта дунё-
вий ташвишини аритса, Аллоҳ таоло унинг қиёмат кунидаги таш-
вишларидан бирини аритади. Ким қийналган кишига енгиллик
келтирса, Аллоҳ таоло унга дунёю охиратда енгиллик беради. Мо-
домики банда биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ таоло унинг ёр-
дамида бўлади. Ким илм талабида йўл юрса, Аллоҳ таоло унга жан-
нат йўлини осон қилиб қўяди. Одамлар Аллоҳнинг уйларидан би-
рига йиғилиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиб, уни ўзаро дарс
қилиб ўргансалар, улар устига осудалик тушади, уларни раҳмат
қоплайди ва фаришталар ўраб олади. Аллоҳ таоло ўз ҳузурида-
гиларга уларни зикр қилади. Амали ортга тортган кимсани насл-
насаби олдинга чиқаролмайди”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

1. Мусулмонлар бир тана аъзоларидир.

Инсоният битта тананинг аъзоларига ўхшайди. Ўзаро бир
тан-бир жон бўлиб кетган бу инсонлар ҳамиша бир-бирларининг
ғам-ташвишларига ҳам, қувончларига ҳам шерикдир. Улар бирод-
дарларининг шодлигидан ўзларида йўқ севинса, мусибатлари-

дан қайғуга тушади. Мўминларнинг шодиёналари ҳам, ғам-ташвишлари ҳам ўртада бўлади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дейдилар: “Мўминлар бир-бирларига меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик қилишда бамисоли битта тана кабидир. Агар танада бир аъзо оғриси, қолган аъзолар иситма ва бедорлик билан унга шерик бўлади” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Мўминлар ҳамиша биродарлари бошидан ғам-ташвиш булутини аритишга алоҳида эътибор берган. Бу йўлда бор имкониятларини ишга солганлар.

Баъзан киши молиявий жиҳатдан қийналиб қолади. У ейишичиш, бошпана, даволаниш каби асосий эҳтиёжларини қондириш учун биродарларининг ёрдамига муҳтож бўлади. Ана шундай ҳолатларда мусулмонлар қийналган биродарларига саховат қўлини чўзишлари, ҳеч бўлмаса, унга қарзи ҳасана беришлари лозим. Ўз фойдаси йўлида бировлар қонини ичувчи судхўрлик покиза Ислому муҳитида кўринмаслиги керак. Жоҳиллар қийналиб қолган кишини кўрса, ундан ўз фойдалари йўлида унумли фойдаланишга, унинг бор-будини шилиб олишга ҳаракат қилади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَقْرِضُوا اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا﴾

«Намозни баркамол адо этинг, закотни (ўз жойига) беринг ва (мискинларга эҳсон қилиш билан) Аллоҳга “қарзи ҳасана” беринг!» (Муззаммил, 20).

Мусулмон ушбу сифати билан Парвардигори ҳузурда ажр-мукофотга лойиқ бўлади:

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضْعِفُهُ لَهُ أَمْضَاعًا كَثِيرَةً وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْصُطُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

«Аллоҳга “чиройли қарз” берадиган (Унинг йўлида ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши борми, унга бир неча баробар кўп қилиб қайтарса? Ҳолбуки, Аллоҳ (ризқни) танг ҳам, кенг ҳам қилур ва (сизлар) Унинг ҳузурига, албатта, қайтарилажаксиз» (Бақара, 245).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бир мусулмонга икки марта бир дирҳам қарз берса, уларнинг бирини садақа қилиб юборгандек ажр олади”, дедилар (Ибн Ҳиббон ривояти).

Қарз айрим ҳолларда ажр-савобда садақадан юқори бўлиши мумкин. Бу эса олувчи ва берувчининг ҳолатига боғлиқ. Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Исро кечасида жаннат эшигига “Садақага ўн баробар, қарзга ўн саккиз баробар ажр бўлур”, деб ёзилганини кўриб, сўрадим:

– Эй Жаброил, нима сабабли қарз садақадан афзал бўлди?

Жаброил жавоб берди:

– Чунки сўровчи баъзида нарсаси бўлатуриб ҳам тиланаверади. Қарз олувчи эса фақат мухтож бўлгани учун сўрайди» (*Ибн Можа ривояти*).

2. Қийин аҳволда қолган кишига ёрдам бериш.

Қарзга ботиб, узишга кучи етмаётган ёки қарамоғидагиларни едириб-ичиришдан ожиз қолган ночор кишига ёрдам қўлини чўзмоқ шариатимиз буюрган амаллардан ҳисобланади. Қийналиб қолган мўминга қуйидагича ёрдам бериш мумкин:

а) қарз берган киши то қарздор қарзини тўлашга қодир бўлгунга қадар сабр қилиши. Ночор-қарздор биродарига бундай енгиллик бериш вожибдир:

﴿وَإِنْ كَانَتْ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«Агар (қарздор) қийналса, бойигунга қадар кутиш лозим. Агар билсангиз, (берган қарзингизни қарздорга) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир» (*Бақара, 280*).

б) қарз берган киши қарзининг бир қисмини ёки ҳаммасини кечиб юбориши. Ёки қарзни тўлаш муддати келганида қийин аҳволга тушиб қолган ночор мусулмонга бошқа биров қарз бериб ёки қарзини ўтаб бериб, уни бу мушкул аҳволдан қутқариши. Бу енгиллик шариатда мандуб саналиб, Аллоҳ таолонинг фазлига сабаб бўлади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким қийналиб қолган кишига муҳлат берса ёки қарзини кечиб юборса, Аллоҳ таоло уни ўз паноҳига олади”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимда-ким қиёмат кунисидаги ташвишлардан Аллоҳ унга нажот беришини истаса, ночорга ёрдам қилсин ёки унинг қарзини ўтаб берсин”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Аллоҳ таоло бундай саховатли бандасига шу дунёда ҳам мукофотлар беради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ду-оси ижобат бўлишини ва ғам-ташвиши аришини истаган банда қийналиб қолган кишига ёрдам берсин”, дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*).

3. Аллоҳ таоло бандаларига енгиллик беради.

Мол-давлат ҳам, фарзандлар ҳам фойда бермайдиган кунда банда, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ азза ва жаллага юзланади.

﴿ الْمَلِكُ يَوْمَئِذٍ الْحَقُّ لِلرَّحْمَنِ وَكَانَ يَوْمًا عَلَى الْكَافِرِينَ عَسِيرًا ﴾

«Ўша кунда ҳаққоний подшоҳлик (ёлғиз) Раҳмон учундир. У (кун) кофирларга кўп қийин кун бўлур» (*Фурқон, 26*).

Аллоҳга куфрони неъмат қилиб, ибодат нима, шукр нима билмаган, атрофдаги одамларга яхшилик ва эҳсон кўзи билан боқмаган кимсалар учун у кун ҳақиқатан жуда оғирдир. Аллоҳ таолонинг ибодати ва шукрида қоим бўлган, Парвардигори фазли-марҳаматини умид этиб, ночор бандаларга ёрдам берган мўминлар қиёмат кунда қилган яхши амалларига муносиб тарзда мукофотланади. Аллоҳ таоло уларнинг хато-камчиликларини кечиб юбориб, бу оғир кунни енгил қилади.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бир киши одамларга қарз берар ва хизматкорига: “Агар қийналган одам бўлса, қарзини кечиб юбор. Шояд, Аллоҳ бизни кечирса”, дер эди. Ҳалиги банда Аллоҳга рўбарў бўлганида, Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечиб юборди», дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Абу Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Сизлардан олдин ўтганлардан бир киши ҳисоб-китоб қилинганида, унда ҳеч қандай яхшилик топилмади. Фақат у бой-бадавлат бўлиб, одамлар билан аралашиб юрар ва хизматкорларига: “Қийналган одамдан пулни кечиб юборинглар”, дер эди. Аллоҳ азза ва жалла деди: “Бу ишга Биз ҳақлироқмиз. Унинг гуноҳларидан ўтинглар” (*Имом Муслим ривояти*).

4. Илм тарқатиш.

Ислом дини илм ўрганишни ва уни бошқаларга ўргатишни тарғиб қилади.

﴿وَمَا كَانُوا الْمُؤْمِنُونَ لِيَنْفِرُوا كَآفَّةً فَلَوْلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَائِفَةٌ لِّيَتَفَقَّهُوا فِي الدِّينِ وَلِيُنذِرُوا قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ﴾ (122)

«Мўминлар ёппасига (жангга) чиқишлари шарт эмас. Уларнинг ҳар бир гуруҳидан бир тоифа чиқмайдими?! (Қолганлари Пайғамбардан) динни ўрганиб, қавмлари уларга (жангдан) қайтиб келгач, (гуноҳдан) сақланишлари учун уларни огоҳлантирмайдиларми?!» (Тавба, 122).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Биздан бир нарсани эшитиб, уни эшитганидек (одамларга) етказган кишининг юзини Аллоҳ яшнатсин. Қабул қилувчилардан шундайлари бор, улар етказган кишидан кўра яхшироқ англайди”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Банда учун энг хайрли ва ўлиmidан сўнг ҳам ажр-савоби етиб турадиган амал бошқаларга илм ўргатишдир. Зеро, Аллоҳ таоло илм сабабли илм толибини азиз-мукаррам қилди. Инсонларга илм бериш жамиятга яхшилик қилишдир. Бу яхшиликлар ичида энг улуғидир. Чунки иши билан инсон жамият ривожига ҳисса қўшади. Келажак авлодни илмли, маърифатли, зиёли қилиш йўлидаги ҳар бир ҳаракати учун Аллоҳ таоло қиёматда улуғ ажр-мукофотлар беради.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Банда вафот этиши билан унинг амали узилади. Фақат уч нарса бундан мустасно: садакаи жория, фойдали илм ва унинг ҳаққига дуо қилувчи солиҳ фарзанд”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Энг афзал садақа мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг уни мусулмон биродарига ўргатишидир” (*Ибн Можа ривояти*).

*Инсон инсон бўлур бор бўлса дини,
Ислом азиз қилди Салмон Форсийни.
Тақво қил, ишонма ҳаргиз насабга,
Насаби не берди Абу Лаҳабга?!*

*Қўлингдан келганча яхшилик қилгин,
Бўлмаса ўзингни ёмондан тийгин.
Охиратда азиз бўлмоқ истасанг,
Дунё ҳаётингда яхшилик қилгин.*

Банда қилган амалига муносиб мукофотланади. Яъни, бировнинг оғирини енгил қилган бўлса, унинг ҳам оғири енгил қилинади. Кимнингдир ғам-ташвишини аритган бўлса, унинг ҳам ғам-ташвиши аритилади. Бировнинг айбини беркитса, унинг ҳам айби беркитилади ва ҳоказо. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бир мўмин оч биродарига таом едирса, Аллоҳ таоло унга қиёмат куни жаннат меваларидан едиради. Қайси бир мўмин чанқаган биродарига сув ичирса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унга Раҳиқул махтумдан ичиради. Қайси бир мўмин яланғоч биродарини кийинтирса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг кўм-кўк либосларидан кийдиради”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифда: “Аллоҳ таоло раҳмдил бандаларига раҳм қилур!” деганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Ҳамиша ўзгалар ғамини еб, уларга қўлидан келганича ёрдам бериб, халқи, Ватани, жамияти ривожига хизмат қилувчи ишлар билан машғул бўлиб юрадиган саховатли зотларнинг оқибати хайрли бўлади. Улар имон ва Ислолда туриб омонатларини топширади. Қиёмат куни Аллоҳ таоло фақат мусулмон бандасини ўз раҳматига олади. Кофирлар учун у кунда ҳеч қандай енгиллик, ёрдам ёки ғам-ташвишнинг ариши йўқдир!

Ислолга душманлиги бўлмаган кишиларнинг ҳам оғирини енгил қилиш мумкин. Яхшилик барча-барча учун матлубдир. Яъни, ҳар қандай жонзотга яхшилик қилиш лозим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага яхшиликни ёзиб қўйди”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа ҳадиси шарифларида: “Ҳар бир қуримаган жигарда (яъни, ҳар бир жонга қилинган яхшиликда) ажр бор”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكُظُمِينَ الْغَيْظِ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ﴾

﴿وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

«Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар» (*Оли Имрон, 134*).

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қуръони карим.
2. Абдулазиз Мансур, “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. — Т.: “Тошкент Ислон университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2006.
3. Саййид Махмуд ибн Саййид Назир Тарозий Маданий (Олтинхон Тўра), “Ал-Қуръон ал-карим маънолари таржимаси ва шарҳлар”. — Т.: “Фан”, 2002.
4. Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий, “Тафсирун Насафий”. “Дорул китабил арабий”, Байрут, Ливан, 1982.
5. “Тафсири сирожил мунир”, 1-жилд.
6. Алусий Бағдодий, “Тафсиру руҳил маъоний”.
7. М. Ҳамдий Язир, “Тафсир”, 9-жилд.
8. Абул Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, “Тафсиру Абу Лайс”.
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Тафсири Ҳилол”. Т 1-6. — Т.: “Шарқ”, 2006.
10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, “Саҳиҳи Бухорий” 1-2. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008.
11. Абу Исо Муҳаммад Термизий, “Сунани Термизий”. — Т.: “Адолат”, 1999. (Таржимон: Мирзо Кенжабек.)
12. “Ислон энциклопедияси”. — Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2004. 270–6.
13. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Ҳадис ва Ҳаёт”. Т 2. — Т.: “Шарқ”, 2008. 17-14–6.
14. Муҳаммад Танжий, “Шаҳристоний”. “Ислон энциклопедияси”. —Ис-танбул, 1971. II – жуз. 393–6.
15. Тоҳо Абдуллоҳ Афибий, “Восояр Расул (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)” (“Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васиятлари”). - Байрут.

МУНДАРИЖА**Биринчи китоб**

Муқаддима	3
Пайғамбарлик ва дин	6
Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарларнинг саййиди ва сўнггисидир	13
Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратлари	16
Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таваллудлари	17
Пайғамбаримизга биринчи ваҳий келиши	24
Исро ва Меърож воқеаси	32
Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижратлари.....	35
Ҳикматлар соҳиби ҳақида.....	46
Биринчи васият.....	52
Ширкдан ҳазар!.....	58
Намоз мўминнинг меърожи	64
Рўза – бадан закоти.....	77
Закот – молиявий ибодат	99
Зикр ва зикр қилувчининг фазилати	112

Иккинчи китоб

Иккинчи васият.....	132
---------------------	-----

Учинчи китоб

Учинчи васият	190
Иброҳим (алайҳиссалом)	194
Иброҳим — Халилulloҳ.....	202

Иброҳимнинг (алайҳиссалом) дини.....	203
Иброҳимнинг (алайҳиссалом) ўғли.....	205
Исмоилни (алайҳиссалом) қурбонлик қилишга буюрилгани	205
Мусо (алайҳиссалом)	209
Тақво ҳар ишнинг бошидир	215
Қуръони карим тиловати фазилати	220
Зикрнинг фазилати	228
Оятларда зикр ҳақида	231
Расулulloҳга (соллalloҳу алайҳи ва саллам) салавот айтиш	237
Ихлос ва самимият	242
Кўп кулиш қалбни ўлдиради	246
Мискинларни яхши кўриш ва улар билан бирга ўтириш	248
Дин насихатдир.....	256
Истиғфор ва тавбанинг фазилати.....	258

Тўртинчи китоб

Тўртинчи васият	264
Итоат – улуғ ибодат	264
Хотиннинг эрига итоатсизлик қилиши	269
Қўшнига яхшилик қилиш	272
Киши яхши кўргани билан биргадир.....	275
Ота-онага яхшилик қилиш	279
Намозни ўз вақтида адо этиш	289
Жамоат намози.....	292
Истиқоматда бўлиш	299
Бешинчи васият	304
Яширин ва ошкора ҳолатларда ҳам Аллоҳдан кўрқиш	305
Ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш.....	306

Шайтонга осий бўлиш – мўминнинг сифати.....	311
Шайтоннинг адовати	316
Шайтондан паноҳланиш	319
Ноумид – шайтон.....	327
Инсонлардан беҳожат бўлиш	329
Омонатга хиёнат қилмаслик.....	332

Бешинчи китоб

Олтинчи васият.....	338
Камбағалларни севиш ва уларга яқин бўлиш	339
Ўзидан юқоридагиларга эмас, ўзидан пастдагиларга қараш	343
Қариндошларга, гарчи ёмонлик қилсалар ҳам, силаи раҳм қилиш	344
“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” калимасини кўп айтиш	351
Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтиш.....	358
Одамлардан бирор нарса сўрамаслик	365
Еттинчи васият.....	374
Зиёрат.....	375
Қабрларни зиёрат қилиш	377
Маййитларни ювгин, руҳсиз жасадни ювиш таъсирли насихатдир....	385
Жаноза намозини ўқи.....	388
Маъюс киши Аллоҳ паноҳида барча яхшиликларга тайёр туради	392
Фойдаланилган адабиётлар	399

Диний-маърифий нашр

Усмонхон АЛИМОВ

**РАСУЛУЛЛОҲНИНГ
(алайҳиссалом)
МУБОРАК ВАСИЯТЛАРИ**

Биринчи тўплам

Муҳаррирлар Абдулҳамид ТУРСУНОВ, Толибжон НИЗОМОВ,
Насриддин НИЗОМОВ, Бобомурод ЭРАЛИЕВ,
Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН, Абдул Жалил ХЎЖАМ,
Муҳаммад СИДДИҚ МУКАРРАМОВ

Техник муҳаррир Зиёдбек ЎРИНОВ

Бадий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчилар Толибжон ҚОДИРОВ, Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусахҳиҳалар Нодира ОХУНЖОНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ № 146. 2009. 14. 08.
Босмахонага 2014 йил 28 октябрда берилди. Босишга 2014 йил 30 октябрда
рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 70 x 100 ¹/₁₆.
Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 19,0. Шартли б. т.: 25,5 Адади: 10,000 нусха.
_____сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movaqounnahr” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.
Тел: (8-371) 227-34-30

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.
100128, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур кўчаси 86-уй.
www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz